

Евгений Березиков

БУЮК ТЕМУР



роман—бадиа

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1996

Таржимоналар:
 ҲОЖИАКБАР ИСЛОМ ШАЙХ, АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШЕВ

Березиков, Евгений.

Буюк Темур: Роман-бадиа. — Т.: Шарқ., 1996 — 336б.

Евгений Березиковнинг қўлингиздаги тарихий бадиасида буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур сиймоси қонхўр, босқинчи бир салтанат соҳиби сифатида эмас, аксинча, зукко ва донишманд давлат арбоби сифатида самимий, гайритақинларсиз тасвирланган. Асарда тарихий воқеалар, миллий урф-одатлар, удумлар, халқ маросимлари, турфа байрамлар, ҳарбий юришлар катта маҳорат билан тасвирланиши уни китобхонга яқин тутади ва катта қизиқиш уйғотади деган умиддамиз.

Ўз2

ЕВГЕНИЙ БЕРЕЗИКОВ

БУЮК ТЕМУР

роман-бадиа

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг

Бош таҳририяти

Тошкент — 1996

Муҳаррир *Г. Зокирова*

Бадий муҳаррир *М. Аъламов*

Техник муҳаррир *Л. Хижова*

Мусаҳҳихлар *Х. Хожиметова, Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 07.02.96 й. Босишга рухсат этилди 10.04.96 й. Бичими 84x108^{1/32}. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоги 19,32. Нашриёт ҳисоб табоги 19,30. Адади 15000. Буюртма № 100. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,
 700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа
 концернининг
 Бош таҳририяти,
 1996

АМИР ТЕМУРНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

(Сузбоши урнида)

Оламшумул саркарда ва буюк давлат арбоби Амир Темур (1336—1405) ҳақида турли мамлакатларда турфа тилларда унлаб йилнома, рисола, илмий тадқиқот ва баъдий асарлар яратилган. Ўзбекистонлик ёзувчи Дониш Насафий (Евгений Березиков)нинг «Буюк Темур» рўмони ана шулар сирасига киради ва унда бу ажойиб инсоннинг XIV аср ва XV аср бошидаги ҳаёти ва фаолияти анча муфассал ҳамда ҳаққоний тасвир этилади.

«Буюк Темур» — тарихий-адабий йўналишдаги асар бўлиб, унда XIV-XV асрларга оид тарихий қўлёзмалар ва Оврупо тиларида мавжуд манбалар ва махсус адабиётлардан олинган ишончли дастурий маълумотлар асосида дунё халқлари ва ўрта асрлар Шарқи тарихида ўчмас из қолдирган бу улуг шахснинг ўша даврда утган мураккаб ва серқирра ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий вазият ўз инъикосини топган. Рўмон шу мавзудаги бошқа асарлардан воқеаларнинг хронологик — йилма-йил, оддий ва тушунарли талқин қилиниши билан ажралиб туради. Ўқувчи асар саҳифалари орқали воқеалар уммонига шўнгир экан, аста-секин олис ўтмиш манзаралари ва буюк Соҳибқирон қиёфасини яқин масофадан кўради ва ҳис қилади.

Рўмонда нафақат тарихий воқеалар, балки урф-одатлар, удумлар, халқ маросимлари, турфа байрамлар, маиший лавҳалар, халқ ўйинлари, ҳарбий юришлар ва жангу жадаллар ҳам ҳаққоний ва ҳайратланарли маҳорат билан тасвирланади.

Евгений Березиковнинг ушбу рўмони нафақат мустақил Ўзбекистон, балки буюк Соҳибқирон Темурни яхши билган ва ёдга олиб эъзозлайдиган барча ҳудудларнинг зукко ва талабчан ўқувчиларида ҳам катта қизиқиш уйғота олишига ишонгим келади.

Бурибой АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг
академиги, Амир Темур маърифий
жамиятининг раиси

БИРИНЧИ КИТОБ

ЧИГАТОЙЛАР МАМЛАКАТИ

БИРИНЧИ БОБ

КЕШ

— Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар! — дея хитоб қилади Жумъа жоме-масжиди муаззини ва унинг азон намозига чорловчи овози афсонавий Кеш кентининг кўҳна маҳаллалари оша акс-садо беради. Шаббода унинг хитобини уйқудаги шаҳар осмони уз-ра олис-олисларга олиб кетади, бошқа ўнлаб масжидлардаги муаззинлар ҳам унинг даъватини айнан так-рорлашади. Сукунат қўйнидаги шаҳар аста-секин уйқудан бош кўтара бошлайди. Худо ёрлақанган бу қутли юртда ҳаёт оҳиста ва фарогатли кечади.

Парвардигор алқанган ана шу даврда, ҳозир Шаҳ-рисабз деб аталувчи Кеш шаҳрида, Ҳисор тоғлари этагида олти юз йил аввал дунёнинг бўлажак ҳукмдо-ри Амир Темур дунёга келди. Яқин уруғ-аймоқлари уни Соҳибқирон, яъни бахтли юлдуз остида туғилган зот, деб аташарди. Баъзи бир халқлар тарихида Те-мурланг, оқсоқ Темур деган лақаблар билан ҳам маш-хур эди.

Пировардида авлиё даражасига эришган Соҳибқи-рон бу қадар улкан шон-шухрат тожини қандай қўлга киритди? Милёнлар ва миллиардлар сингари ҳаёт ум-монида нега изсиз йўқолиб кетмади? Узининг етмиш йиллик умрининг ўттиз йилини у ҳарбий юришларда ўтказди. Мингта жангда галаба қозонди, бирортасида ҳам талофот кўрмади. Фақат ўлимгина уни мағлуб эта олди. Аммо бу ҳамма бандаларнинг қисматида бор гап: Ўзи берган умрдан кўпроқ яшаш ҳали ҳеч кимга насиб этган эмас. Темур йигирма олтита давлатни забт этди. Унинг фавқулодда улугворлиги ҳам мана шунда. У Англиё қироли Ричард II ва Генрих IV, Фа-рангистон қироли Карл V, турк султони Боязид, ўша даврларда Ўрусияга ҳукмронлик қилган Василий I ва Дмитрий Донской, шунингдек, Олтин Ўрда хони Тух-тамишга замондош эди.

Одамзот ҳаётида ҳеч нарса ҳеч қачон тасодифан

юз бермайди, зоҳир бўлгувчи жами ҳодисалар ўзининг теран иддизлари ва сабабларига эга. Ҳаёт — бу синов, уни ҳар ким турлича йўсинда бошдан кечиради. Турфа воқеалар бизга юзаки қарагандагина пароканда ва бетартибдай туюлади, холос. Аслида ҳар бир воқеа уни майдонга келтирган фикр каби қатъий мантиқ доирасида кечади. Одамзот пайдо бўлган жойда муъжизавий латиф ахбор мужассамланган моддий маълумот ҳам пайдо бўлади. Олам тизими мантиги ҳам ана шу маълумот негизига қурилган. Гарчанд, муқаддас китобларда ёзилганидай, Ерда барча одамлар Одам Ато ва Момо Ҳаводан дунёга келган бўлсалар ҳам, кейинчалик улар бари уруг ва қабилалардан иборат ўз ҳаёт йўсинларини барпо этдилар. Барлослар уруги дунёга буюк Темурни берди.

Барлослар Гарбий Помир тоғ тизмалари этаклари—Мовароуннаҳрнинг жаннатмакон ҳудуди бўлмиш Кешда қўним топишган. Уша даврда бу кентда туркий қабилалар — кенас, мангит, қунгирот, чуитлар истиқомат қилишарди. У ерда Эрон ва Ҳиндистондан келган элатлар ҳам яшашарди. «Кеш» санскрит тилида нурафшон деган маънони англатади. Қадимда Шимолий-гарбий Ҳиндистоннинг энг гузал шаҳарларидан бири Кенарес ҳам ана шундай маънога эга эди.

Темургача бўлган даврда Марказий Осиё минг йиллар мобайнида юзлаб қабила ва халқларнинг бамисоли дошқозонига ўхшар эди. Эрамизгача тўққизинчи асрнинг охири ва саккизинчи асрнинг бошларида шимолдан келган сирли орийлар Марказий Осиё орқали Ҳиндистон, Эрон ва Оврупо мамлакатларига гала-гала бўлиб кўчиб ўтишган эди. Уларнинг бир қисми шу ерда ўтроқ бўлиб қолишган, маҳаллий аҳоли — саклар, массагетлар, сугдлар билан чатишиб кетишган эди. Эрамизгача бўлган тўртинчи асрда форс подшолари Доро ва Ксеркс бу улкага форс ва вавилонликларни, Искандар Зулқарнайн эса, Ўртаер денгизи ҳудудининг юнонлари ва бошқа элларни бошлаб келган эди. Янги эрага қадар тўртинчи-бешинчи асрларда бу ерга Олтойнинг совуқ кенгликларидан туркий қабилалар кўчиб ўтишди, олтинчи-еттинчи асрларда араблар бостириб келиб, ўзлари билан бирга янги дин — исломни ёйишди. Яна беш юз йилдан сўнг Чингизхон сон-саноксиз тотор-мўгул босқинчиларини етаклаб кирди. Марказий Осиёдан минг йиллар мобайнида Буюк Ипак йўли ўтганини ҳам унутмаслик

керак. Бу йўлда ҳинд ва хитой карвонлари узлуксиз қатнаб турар эди. Булар бари маҳаллий аҳоли ҳаёт тарзи ва анъаналарига ўз таъсирини ўтказиб борди.

Кеш нуфуси ҳам (XIV асрдан бошлаб ям-яшил либосга буркангани боис бу шаҳар Шаҳрисабз деб ата-ла бошлади) бу таъсирдан холи қолмади, албатта. Лекин улар эзгу ишларга мойилликлари, хушхулқ ва хушмуомалаликлари, шунингдек, жисман гузалликлари билан бошқа элатлардан доимо ажралиб туришарди. Хушрўй, хушбичим чеҳрали қизлари дилни ром этар, аллқомат йигитларидан эса куч-қудрат ёғилиб турар эди. Барлослар Кешга ташриф буюрган сўнги қабила эди. Улар кешликларнинг хулқ атворига жангарилик, чапдастлик ва мағрурлик каби хислатларни эш қилишди. Барлосларнинг маҳаллий халқ билан қўшилиб-чатишуви ҳам жадал кечди. Аммо айна пайтда кўчманчи халқ урф-одатларига узоқ муддат содиқ қолдилар, уларнинг қариндош-уруғчилик муносабатларида жиддий ўзгаришлар юз бермади. Улар ўзларини чигатойлар, деб ҳисоблашарди. Чигатой улусининг номи Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойнинг исмидан келиб чиққан эди. Ушбу хон ўз улуши бўлган ер-сувларни отасининг ўлимидан бир мунча аввал олган эди. Куч-қувватдан қолган Чингизхон қазоси яқинлашаётганини сезиб, ўзи босиб олган Хитой, Эрон, Ўрис князларининг ерларини ўз ўгиллари ва туғишганларига бўлишиб берган эди. Чигатойга ана шулардан улуш сифатида Мовароуннаҳрдан Шарққа қараб чўзилган Хитой Туркистонигача бўлган улкан ҳудуд теккан, Жанубий Хоразм, Етти дарё оралиги ва Афғонистон ҳам ана шулар сирасига кирар эди.

Ўзга юртларнинг тахти равонларига Чингизхон хон қилиб ўтқизган зурриёдлари шу даражада сон-саноксиз эдики, бунақаси бошқа омадли, лекин тақдир кулиб боқмаган бирорта ҳам қирол, император ва султоннинг етти ухлаб тушига кирмаганди. Унинг ўгиллари, неваралари, эваралари ва ҳоказо уруғ-аймоқлари қарийб беш юз йилгача бой анъаналарга эга мамлакатлар бўлиши Эрон, Ироқ, Мовароуннаҳр, Олтин Ўрда, Курдистон ва Озарбайжон давлатлари устидан ҳукмронлик юритишганди. Чингизхоннинг ўғли Ўғидой томонидан асос солинган Юань сулоласи (Хитой) Бежин тахтига 1634 йилгача эгалик қилганди. Чингизхон авлодлари айнақса Ҳиндистонда ҳокимиятни ҳаммадан кўпроқ сақлаб туришга муваффақ

бўлишганди. Чигатойлар уруғидан бўлмиш бобурийлар сулоласи у ерда 1522 йилдан 1858 йилгача ўз ҳукми-фармонларини ўтказганди.

Саҳройи кучманчи мўғулларни тақдир чархи қўлаганми ёки бу машғум бир башорат ижобатими, ҳар қалай бу фақат Парвардигорнинг ўзига аён. Мўғулларнинг зафарли тарихий босқинчиликларидан аллақандай мубҳам бир сир ва қалтис жоду бордай. Мўғул халқ ривоятларида айтилишича, мўғул хонадонининг аждодлари кулранг бўри ва қўнғир оҳу ҳисобланади. Улар ўзаро топишгач, Тэн-чи-си деб аталган катта сувдан сузиб, Бурхон тоғлари этагидаги Онон дарёсининг юқори оқимиغا етиб боришган. Уша тоғ этакларида улар Батачихон исмли инсонни дунёга келтиришган. Чингизхон ва мўғул қабилалари ана шу одам уруғидан пайдо бўлган. Улар муваффақиятли ҳарбий юришлардан сўнг Сибирь, Волга бўйлари ва Марказий Осиёнинг улкан кенгликларида бошқа халқлар билан чатишиб, ўтроқ ҳаёт тарзига ўтишган. Мўғулларнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган бу юксалишлари кучманчилар сардори Чингизхон томонидан амалга оширилган ва унинг забт этилган мамлакат ва улусларда ҳукмронлик қилган уруғ-аймоқлари томонидан давом этдирилган эди.

Чингизхоннинг иккинчи ўгли Чигатойга улуш тарзида Самарқанд, Бухоро, Урганч, Балх каби кўҳна шаҳарларни ўз ичига олган улкан мулк топширилган эди. Лекин бу ажойиб шаҳарларнинг бирортасини ҳам у ўзига пойтахт қилиб танламай, тўлиб-тошиб оқадиган Или дарёси водийсида ўрда тарзида кучиб юришни афзал, деб биларди. Кучманчилар шаҳарлардан ва шаҳар қулайликларига интилган қабиладошларидан нафратланишарди. Шаҳарликка айланган саҳройиларни улар қони айниган мўғул ёки «қораунас», деб аташарди. Ана шу боис Чигатой вафот этгач, кўп ўтмай унинг улуси икки мустақил мулкка бўлиниб кетди. Улуснинг шарқий қисми, Балхаш кўлию шимолӣ Тиёншон тоғ тизмаларидан то Сирдарёгача Мўғулистон, яъни асил мўғуллар яшайдиган макон, деб атала бошланди. Қораунаслар — ўтроқлашган мўғуллар эса, ўз давлатларини Мовароуннаҳр ҳудудида, яъни Сирдарё ва Амударё оралигидаги ерларда барпо этишди. 1266 йили мўғул хони Муборак биринчи бўлиб ислом динини қабул қилди. Кўп ўтмай кешлик барлослар ҳам ундан ўрнак олишди.

1318 йили Чигатой улусининг гарбий ҳудудига хонлик қилган Кебек ўз пойтахтини Қашқадарё водийсига кўчирган ва Насаф шаҳри яқинида сарой қурдирган. Кўп утмай сарой атрофида шаҳар пайдо бўлади ва у Қарши, деб аталади.

Темурнинг дунёга келиши арафасида Кешга Ҳожи Барлос ҳукмронлик қиларди. Темурнинг отаси Тарагай Баҳодур сингари у ҳам барлос уругидан эди. Уларнинг илдизи катта бобоси Қобулхонга бориб тақаларди. Кейинроқ Тарагай Баҳодур ва Ҳожи Барлос Чингизхон сулоласидан узоқлашиб, Қорачур Нуён уругига яқинлашади. Тарагай Баҳодур ҳам, Ҳожи Барлос ҳам амир, яъни асли туркий уруғ бўлмиш барлос қабилаларининг сардорлари эдилар. Аммо Ҳожи Барлос ўз хеши — чапдаст, саховатли ва соддадил Баҳодурга нисбатан эпчилроқ ва айёроқ эди. Иккала амир ҳам Кебекхонга қарши юришда иштирок этган ва ундан Мовароуннаҳрни хон Илчигдойнинг тасаруфига тортиб олиб беришган эди. Ҳал қилувчи жангда Тарагай Баҳодур мардларча олишган, Ҳожи Барлос эса, ҳеч қандай жасорат кўрсатмаганди. Тарагайнинг бу довюраклигини янги хон муносиб тақдирлаб, махсус ёрлиқ берган, шу боис у Кешга ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак эди. Ҳожи Барлос ёрлиқни олиб келаётган чопарни йўлдан уриб, маст қилиб қуйган ва уни ўлдиргач, ёрлиқдаги Тарагай Баҳодур номини ўчириб, ўрнига ўзининг исми-шарифини ёзган. Қарийб бир ойдан сўнг Илчигдой Дува Темурхон билан ўзаро уруглар ўртасидаги жангда ҳалок бўлди. Бу вақтда Ҳожи Барлос Кешда ҳокимиятни тамомила қўлига олганди. Тарагай Баҳодур фуқароларни ўз салоҳияти билан чалғитмаслиги учун Кеш яқинидаги Хожа Илғор деб аталувчи чоққина Қўргонча шаҳарчасини унинг тасарруфига берди. Бу воқеа 1326 йили кечди. Пировардида Темур тугилгунига қадар бу улкада ун йил мобайнида эътиборга молик ҳеч қандай ҳодиса зоҳир бўлмади.

Ушбу улус шаҳар ва қишлоқларида ҳаёт, бутун Марказий Осиёдагидай бир маромда, анъанавий йўсинда кечар эди. Деҳқонлар ер чопиб, экин экиб, ҳосил йигишар, чорва боқиб болаларини ўстиришарди. Буюк ипак йўли орқали залворли юклар ортилган туя карвонлари вазмин жилиб боришарди. Қўққисдан уруш бошланиб қолар, уруғ-аймоқлар ўртасида қисқа ва шафқатсиз жанглар бўлиб ўтар эди. Оллоҳ ирода-

си ила одамларнинг умр дарёси олға томон сокин оқар, илло, муқаддас китобларда айтилганидай, айнан ўша Зот ҳаёт нафасини уфурган эди. Темурнинг аждодлари бўлмиш туркийлар ҳам Унинг иродаси билан дунёга келишган, улар ҳам энг катта бобокалонлари бўлмиш Одам Ато алайҳиссаломнинг зурриёдлари эдилар. Бу ҳақда гаройиб ривоят мавжуд, у авлоддан-авлодга ўтиб келади.

Оллоҳ тупроқдан Одам Атони яратди ва унга Макка ва Тоир ўртасида яшаш учун қароргоҳ берди. Бир неча йилдан сўнг Оллоҳ Одам Атонинг вужудига жон ва руҳ киритди. Ва Одам Ато бу ёруғ дунёда вақт ва йиллар билан ҳисоблашмай яшайверди. Шу тариқа у тўққиз юз ўттиз йил яшади. Умри тугаб, боқий дунёга сафари олдидан у ўгли Шитга шундай деб тайинлади:

— Мендан кейин ўрнимга ўтириб, авлодларимга бош бўласан.

Шундай дея унга бисёр насиҳатлар қилиб, Одам Ато нариги дунёга отланди. Унинг қазосидан сўнг бош фаришта Жаброил — унга таҳсинлар бўлғай! — Парвардигордан Шитга муқаддас китоб оятларини етказди ва Шит пайгамбар ҳамда давлатпаноҳга айланди. Фоний дунёда у 912 йил яшади, сўнгра жаннат қасрларига йўл олди. Улими яқинлашганини сезган Шит ўзига меросхўр қилиб ўгли Энўшни қолдирди.

Ўз отасининг васиятларини адо этишда Энўш ҳам собитлик кўрсатди. Энўш бу дунёда 905 йил умр кўрди ва шундан кейин нариги дунёга отланди. Энўш ўз қазоси олдидан ўрнига ўгли Қенанни ўтқизди ва унга кўпдан-кўп эзгу насиҳатлар қилди. Қенан 910 йил ўз отасининг изидан борди, сўнгра жойини ўгли Маҳолалилга қолдириб, ҳисоб-китоб тошширгани Парвардигор ҳузурига равона бўлди.

Маҳолалилнинг даврида Одам Ато авлодлари кўпайгандан-кўпайиб, яшаб турган мамлакатларига сигмай қолишди. Шунинг учун Маҳолалил Бобил юртига отланди ва у ерда шаҳар барпо этиб, уни Сус деб номлади. У ерларда қишлоқлар ҳам барпо этди. Унгача Бобилда на қишлоқ ва на шаҳарлар бор эди. Одамлар ўрмонда ва саҳроларда истиқомат қилишарди. Маҳолалил одамларга: «Ер юзи бўйлаб тарқалинлар!» — деб буюрди ва Одам Ато авлодлари қаерда қулайлик бўлса, шу ёққа отланиб, маъволар барпо этдилар.

Маҳолалил Сусда 920 йил яшагач, ўз қароргоҳига

ўгли Ёредни подшоҳ қилиб қолдириб, кўчиш ва қўним топиш мумкин бўлмаган олий қароргоҳга сафарга жўнади. Ёред 162 ёшида ўғил кўриб, исмини Ҳанўҳ қўйди, лақаби — Идрис эди. Парвардигор унга пайгамбарлик рутбасини берди. Идрис саксон икки йил мобайнида ўз халқини диёнат ва тақво йўлидан бошлаб борди. Сунгра Оллоҳ иродаси билан фаришта Азроил ташриф буюриб, Идрисни — Худо унга ёр бўлсин! — ўз қанотларига мингазиб, жаннатга олиб кетди. Ўша даврдан ҳозиргача Идрис жаннатда истиқомат қилади.

Шундан кейин Идриснинг ўгли Матушалоҳ шоҳлик тахтига ўтириб, адолат ва инсоф-диёнат билан юрт сўрай бошлади. У 187 ёшида фарзанд кўриб, исмини Ламак қўйди. Матушалоҳ 969 йиллик умрида яна кўпгина ўғил-қизларни дунёга келтириб, бу фоний дунёдан куз юмди. Ламак 182 ёшида кўрган ўглига Нуҳ деб исм қўйди. (Қадимги ибронийдан утирган да бу исмнинг маъноси Юпанчиқ бўлади). У икки юз элик ёшга тулганида, Парвардигор унга пайгамбарликни раво кўрди. Нуҳ етти юз йил мобайнида халқни тўғри йўлга чорлади. Аммо бор-йўғи саксонга эркак ва аёл унинг измидан борди. Нуҳ етти юз йилда ўзига атиги саксонга одам эътиқод қўйганидан газабга кириб, ўз халқини қаргади. Шунда Жаброил ташриф буюриб: «Парвардигор илтижойингни қабул қилди ва маълум муддатда халқингни сувга чўқдириш ниятида, сен кема яса», — деди ва Нуҳга қандай кема қуришни кўрсатди.

Кўп ўтмай ердан сув отилди, осмондан эса мутассил ёмғир қуйиб берди. Ердаги жами тирик мавжудот сув остида қолди. Нуҳ пайгамбар эса, уч ўғли ва саксонга тақводор одам билан кемага ўтирди. Бир неча ойдан сўнг ер Оллоҳнинг амри билан сувни ўзига синдириб олди. Кема Мосул шаҳри яқинида Жуди тоғи этагида тўхтади. Нуҳ ва унинг ўғиллари, келинлари билан қирғоққа чиққан саксонга одамнинг бари касал бўлиб қолди. Нуҳнинг оиласи ҳам касалга чалинди. Нуҳ пайгамбар, унинг уч ўғли ва уч келини омон қолишди, қолган ҳамма ҳалок бўлди. Нуҳ ҳар бир ўғлини ҳар жойга жўнатди. Ҳом исми ўғлини Ҳиндистон ерига, Сом исми ўғлини Эрон ерига, Ёфит исми ўғлини шимол ўлкасига сафарбар этди. Ва уларга тайинлади: «Одам Ато авлодларидан сизлардан бошқа ҳеч ким қолмади. Энди сизлар, учовингиз, мана шу юртларга жойлашиб,

уша ёқларда яшанглар, Худойим сизларга қўша-қўша фарзандлар берсин!»

Ёфитни баъзилар — пайгамбар, баъзилар эса, оддий одам булган дейишади. Ёфит отасининг иродаси ила Жуди тоғини тарк этиб, Итили (Волга) ва Ёйқ (Ўрол) дарёлари соҳилларига отланди. У уша ерларда икки юз элик йил яшади. Унинг еттита ўгли бўлиб, улардан жуда кўп авлод қолди. Ўғилларининг исмлари: Гумер, Маъжуж, Модай, Ёвон, Тувол, Машак ва Тирос. Қазоси етгач, Ёфит ўғилларига: «Туркни ўз давлатпаноҳларинг, деб билинглар, унинг айтган чизигидан чиқманглар!» — деб тайинлади.

Ёфит ўғилларидан бирининг лақаби Турк эди. У жуда олийжаноб ва донишманд одам эди. Отасининг ўлимидан кейин Турк узоқ вақт сабот билан яшаш учун қулай жой излади. У топган жойларнинг бири Иссиққул деб аталади. Турк турмушга ўтовларни ва кўплаб урф-одатларни жорий қилди, уларнинг аксарияти ҳозир ҳам мавжуд. Туркнинг тўртта ўгли бўлиб, уларни Тутек, Жакел, Берижар ва Эмлак деб аташарди. Вафоти олдидан Турк ўз ўрнига Тутекни ҳукмдор қилиб тайинлади, ўзи эса узлатга кетди.

Тутек доно ва қудратли подшоҳ эди. У туркий халқларда шу кунларгача сақланиб қолган кўплаб урф-одатларни турмушга тадбиқ этган. У Эрондаги биринчи ажам шоҳи Қамаюрснинг замондоши эди. Кунларнинг бирида у овда ёввойи эчкини овлади. Гўштидан кабоб пишириб, тановул қилишга киришди. Аммо бир парча гўшт унинг қўлидан ерга тушиб кетди. Тутек уни ердан олиб, оғзига солган эди, жуда мазали туюлди. Чунки гўшт тушган ер ош тузи қатлами билан қопланган эди. Шундан кейин у озиқ-овқатга туз солиш одатини жорий қилди. Орадан икки юз қирқ йил ўтгач, у «Борса келмас» деб аталувчи ўлкага равона бўлди, ўз ўрнига эса, Амулжаҳон исми ўғлини ҳукмдор қилиб тайинлади. Амулжаҳон ҳам узоқ йиллар подшоҳлик қилди, ошини ошаб, ёшини яшаб бўлгач, у ҳам отасининг изидан узлатга отланди. Ўрнини ўгли Боқуй-дибхон эгаллади. У ҳам шоҳлик тахтида дўстлар кулгуси ва душман йиғисидан хурсанд бўлиб, узоқ йиллар юрт сўради. Узлати олдидан у тахтга ўгли Кўкхонни меросхўр қилиб қолдирди.

Тахтга ўтиргач, Кўкхон ҳам отаси бошлаган анъаналарни давом этдирди. Куч-қувватдан қолгач, у шоҳлик тожини узоқ йиллар юрт сўраган ўғли Алин-

жаҳонга кийдирди. У ўз аждодларидан қолган мамлакатлар ва халқлар сонини кўпайтирди. Ундан эгизак ўғиллар туғилди. Бирининг исмини — Тотор, иккинчисини — Мугул деб аташди. Кексайганида у ўз тасарруфидаги юртни уларга тенг бўлиб берди. Алинжаҳон қазосидан сунг Тотор билан Мугулнинг ҳар бири ўз юртларида шоҳлик қилишди.

Мугулхоннинг Қорахон, Гурхон, Қирхон, Урхон исми тўрт ўғли бор эди. Мугулхон ўз юртини катта ўғли Қорахонга мерос қолдириб, ўзи қиёмат куни ҳамма кўришадиган ўлкага равона бўлди. Қорахон ёзни Уртоғ ва Қортоғда ўтказар, қиш кириши билан эса Сирдарё соҳиллари ва Қорақумни макон тутар эди. Бу ерлар унинг киндик қони томган жой эди. Мовароуннаҳр турклари учун ҳам бу жойлар Она-ер ҳисобланарди. Амир Темур ва унинг авлодларининг Она-юртлари ҳам шу ерда жойлашган эди.

Ривоят ана шундан иборат. Ҳар қандай ривоятни эса, ҳаётнинг ўзи озиқлантиради.

ИККИНЧИ БОБ

ТЕМУРНИНГ ТУГИЛИШИ

Ҳамма нарса ўз ибтидоси ва интиҳосига эга ва уларнинг бари Парвардигор иродаси билан зоҳир бўлади. Лекин баъзан ибтидо шундай кечадики, у келгусида юз беражак воқеаларга замин ҳозирлаб аввалдан аён беради. Темур дунёга келиб улгурмасиданоқ унинг номи эл-юрт огзига тушиб, ташвиш уйғотди, кимдир унинг умуман тугилмаслигини истаб, чора излашга киришди.

Кунларнинг бирида Ҳожи Барлос ўз қўрғонига таниқла сеҳргар ва илми нужум соҳибини таклиф этиб: «Айт-чи, мавлоно, истиқболда ким илкимдин ҳокимиятни тортиб олмоғи мумкин?» — деб сўради. Эрондан келган мунажжим юдузлар билан кенгашиб, ушбу жавобни берди: «О, менинг ҳукмдорим! Сенинг тахтингни келгусида Темур отлиқ бир қудратли саркарда эгаллайдур!»

— Ўшал саркарда ҳозир қаёнда? — сўради Ҳожи Барлос зудтар ҳушёр тортиб.

— У ҳали тугилмагон, — жавоб берди сеҳргар. — Лекин яқинда дунёга келади. Гўдакнинг энаси пойтахтнинг яқинидаги Илгор кентида яшайди.

Табиатан тажанг ва восвос, ирим-сиримларга ута ишонувчан одам бўлган Ҳожи Барлос фақирнинг сўзларидан ўйга чўмган бир маҳалда уйига Тарагай Баҳодур ташриф буюриб, унинг ҳузурига хушхабар билан келганини маълум қилди.

— Хушвақтлигинг боиси не? — суради уй соҳиби меҳмонни айвондаги дид билан ясатилган дастурхон тўрига ўтқазаркан. Ушанда айнаи ёз бўлиб, сўлим боғда зотдор кийик ўтларни чимдир, ичкарироқда эса, тустовуқ чираниб қичқириб қўяр эди. Ҳожи Барлоснинг ҳовлисида осойишталик ва сурур ҳукм сураар, ҳамма нарса қут ва фаровонликдан далолат берарди.

— Кечаси гаройиб туш кўрибмен, — дея гап бошлади Тарагай Баҳодур. — Бунақасини илгари сира кўрмаб эдим, эмди бўлса, Оллоҳи таоло менга шул шодмонликни раво кўрмиш. Тушимда оппоқ либосларга ўралгон бир араб ўзидан борлиқ оламга нур сочиб тургон ярқироқ қилични илкимга топширди. Арабнинг иккала илкидин иссиқ ҳовур таралаётгандай эди. Ҳавода бул ҳовур томчиларга айланиб, лаъли ёмғирдай ерга ёғила бошладилар.

— Шундоқ де! — ҳайрат ичида қошини чимирди Ҳожи Барлос.

— Қўйнинг ички аъзоларига қараб фол очадиргон Ҳаққул полвон отлиқ бир қаролим бор. Ул тушимнинг таъбирини айтиб берди. Ул менинг яқинда бир ўгил кўришимни ва ўшал ўғлоним ўз қиличи ила бутун дунёни фатҳ этажагини маълум қилди. Ер юзидagi жами эллар анинг ҳукми остига ўтар эрмиш, — деди Тарагай Баҳодур.

Ҳожи Барлос ҳайратдан сапчиб кетаёзди. Амирнинг гаплари ўша эронлик сеҳргарнинг яқинда тугилажак саркарданинг Кешга ҳукмдорликни қўлидан тортиб олиши ҳақидаги башоратига айнан мос тушган эди. Тарагай Баҳодурнинг уйи ҳам Илғорда жойлашган эди. Ҳожи Барлоснинг шундоқ ҳам қисик кўзлари киприклари остида тамомила гойиб бўлди. Унинг думалоқ юзи дафъатан маъюс тортган эди. Соддадил Баҳодур бунга аҳамият бермади. Унинг дўсти ўйга толган эди. «Чиндан ҳам гаройиб туш эркан!..»

Уй соҳиби кутилмаганда маъноли гап қотди:

— Одамлар, қавмлар ва улусларнинг тақдирини бошқармоқ Парвардигоримизнинг қудрати ва хоҳиширодаси ила амалга ошгай, — деди у паст, насиҳатомуз оҳангда. Сўнгра тиззасига кескин шаппати

уриб, товушини кўтарди: — Оллоҳ нимани буюргон эрса, ўшал мустажоб бўлгай. Икковлон эса, Тарагай, эрта амирлар овига отланайлик. Ахир, учқур жайронларни ўқейдин нишонга олмагонимга ҳам анча бўлди.

— Худо ҳаққи, мен боролмасмен, тақсир, яқин ўртада ўгил кўришим керак, — эътироз билдиришга уринди Тарагай Баҳодур.

— Боролмасмен?! Чирпалар қимизга тўлдирилиб, қушбонлар бургутни овга шайлаб туришгонда, бундай дейишинг яхши эрмас, — деди Ҳожи Барлос. У Тарагай Баҳодурнинг овга иштиёқи баланд эканини яхши билар эди. Қайси иштиёқманд овчи саҳрои биёбонда кийик қувлашдек завқ-шавқдан осонгина воз кечади?

— Майли, боргоним бўлсин, — деди у кулимсираганча, кўзларини чақнатиб.

— Субҳидамда йўлга чиқурмиз, — деди қўргон эгаси.

Шундай тўхтамга келишди. Тарагай Баҳодур уйга қайтиб, Ҳаққул полвонни ҳузурига чақирди.

— Эртага мен Ҳожи Барлос билан овга жўнаймен. Сен қўргонда қолиб, Тегина хотунга кўз-қулоқ бўлиб турасен. Ҳализамон, Худо хоҳласа, анинг кўзи ёриши керак. Ўзинг биласен...

Ҳаққул полвон, гарчанд бир оз букчайганроқ кўринса ҳам, алшқомат ва миқтидан келган йигит бўлиб, Тарагай Баҳодурга виждонан хизмат қиларди. У кўзларини норози бир тарзда сузиб, ўзича мингирлади: «Кекса полвонни йўлдин урадигон одам ҳали энасининг қорнидин тугилмагон. Локин сиз...»

Содиқ хизматкорининг вайсақилигини яхши билган Баҳодур дўстона оҳангда:

— Ўгил бул ёрут дунёга отадин эрмас, знадин таваллуд топур, — деди.

Сунгра Тегина хотун ҳарамига отланди. Унинг устида энгашиб, бир огиз ҳам сўз айтмай, тугиш осон кечишини ният қилиб, қиличини аёлнинг бош тарафига — уй тўрига зарб билан санчди-да, шошилинич ташқарига йўналди.

Эртасига амир овчилари шовқин-сурон кўтариб Ғузор дашти бўйлаб тарқалишаркан, кечқурун Тарагай Баҳодурнинг қўргонига қора либосларга ўралган сирли чавандозлар от чоптириб келишди. Улар арабларга ўхшаб кетар эдилар. Чавандозлар сукунат қўйнидаги қўргонни зимдан ўраб олишди. Бир неча чавандоз эгар устига чиқиб, пастак пахса деворлар-

дан осонгина ҳовлига ошиб ўтди. Аммо амир Тарагай Баҳодур саройининг ҳарамларида ҳеч кимса йўқлиги сирли келгиндиларни ҳайратга солди. Фақат итларгина бегоналарга ҳезланиб акилларди, холос. Чавандозлар баланд буйли чорпаҳил йигит сардорлигида қувгин бошлашди. Қўргон аҳлини кимдир хавфдан огоҳлантиргани аниқ эди. Айни дамда пастак дўнглик оша аёл кишининг синчков нигоҳи ҳушёрлик билан чавандозларни кузатарди.

Ҳаворанг парча кўйлак баданига ёпишиб турган Олия чавандозлар қолдирган чанг-тўзон босилишини пича кутиб турди-да, зулумот огушига чўмган дўнглик ортидаги пистирмасини тарк этиб, Кешга отланди. Кешда у Ҳожи Барлоснинг амирлик қароргоҳи дарвозасига яқинлашиб, келишганларидек, уни уч марта тақиллатди. Қопқа ортида уни Ҳожи Барлоснинг кенжа аёли Омина хотун кутаётган эди. У ва Тегина хотун эгизак опа-сингиллар эди. Унинг чўраси Олия юзбоши Танорнинг ўз лашкарларига кечаси Тарагай Баҳодурнинг қўргонига ҳужум қилиш ҳақидаги буйругини тасодифан эшитиб қолган эди. Улар гўдакни ўғирлаб кетмоқчи эдилар. Олия ҳамма эшитганларини зумда бекасига маълум қилди. Омина хотун шу даражада қўрқиб кетдики, нима қиларини ҳам билолмай қолди. Азбаройи ҳаяжонга тушганидан бошига оғриқ кирди. Шунда Олия ўз таклифини айтиб, унинг жонига аро кирди. Чўри аёл шу заҳоти қўргонни тарк этиб, кўздан гойиб бўлди. Тегина хотун билан Ҳаққул полвонни у нохуш хабардан вақтида воқиф этишга муваффақ бўлди. Бир дақиқа ҳам фурсат ўтказмай, улар яширинишди. Кейин Олия ўз бекасига барча тафсилотларни гапириб берди. Омина хотун уни нафас олмай эшитди. Кўзларига ёш қалқир экан: «Илойим, аларни Ўзинг паноҳингда асра!» — дея хитоб қилди. Кичик галабалари юзасидан обдан шивирлашиб, хуморларидан чиқишгач, бека ва жория ҳеч кимга сездирмай, қўргоннинг аёллар турадиган бўлмасига ўтишди.

Кейинги воқеалар жадал суръатларда кечди. Эртасига, шомга яқин қуёш қонталаш уфққа аста бош кўяркан, бешта чавандоз — уларнинг иккитаси аёл эди — ярим тунда шиддатли юришдан ҳориб-чарчаб, қўналга излашарди. Бепоён даштда муъжаз бир кулба кўзга гира-шира чалинарди. Бебош саҳро шамоли унинг чор тарафида буралиб-эшилиб хуруж қиларди.

— Фақира, ортиқ чидай олмасмен, мазам қочаётир, — деди Ёш бека ўз жориясига.

— Дуруст, дуруст, Тегина хоним! Мен ҳозир Ҳаққул полвонга тўхташ лозимлигини айтамен, — деди қадди-қомати тик, лекин ёши бир оз ўтинқираган аёл ва сўнгра Ҳаққул полвонга етиб олиш учун олга интилди.

— Бул ёвузлигинг учун Худонинг қаҳру газабига учрайсен, лаънаги Ҳожи Барлос! — хитоб қилди кекса жангчи. — Не балоларга бошимизни гирифтормиз эдинг!..

Шундай деганча, у отининг жиловини кулба сари бурди.

Даштдаги овлоқ уйда оқсоқол бир шоликорм деҳқон истиқомат қилар экан. У ҳозир бугдойзор этагида турарди. Чавандозларни кўриб, уларнинг истиқболига қараб юрди. У меҳмонлар ташриф буюрганидан беҳад хурсанд эди. Аммо мусофирлар кулба эгасига кўпам эътибор беришмади. Дарҳол Ёш бекани аравадан эҳтиёткорлик билан кўтариб, уйга олиб киришди. Бир кичик хонани уй эгасининг лаш-лушларидан холи қилишди. Фақира қаролларга хона кунжагида чуқурча қозишни буюриб, сўнгра унга учоқдаги кулдан тўқдирди. Тегина хотуннинг момикдай юмшоқ кулда кўзи ёриди. Кул гўдакни ҳар қандай юқумли касалликдан сақлар, бу асрлар синовидан ўтган усул эди. Энасининг қорнидаёқ таъқибга учраган Темур ана шу тариқа дунёга келди.

Гўдакни биринчи бўлиб Фақира қулига олди. Ўз ҳаётида у бунақа юмушни кўп бажарган эди. Олис Форсияда уни туркман босқинчилари ота уйдан ўғирлаб олиб чиқишганидан бери орадан йигирма йил ўтибди. У Бухоро ва Кешдаги чўри бозорларида обдан қўлма-қўл бўлди. У жангчилар билан ҳарбий юришларда қатнашди, тикувчидан тортиб кулолгача дастёрлик қилди, сўнгги беш йил мобайнида эса, Тарагай Баҳодур хонадонида истиқомат қилар эди. Кеш бозорида уни Ҳаққул полвон, ўз хўжаси учун арзон нарҳда сотиб олган эди.

Чақалоқ доянинг қулидан сирғалиб юмшоқ кулга ағдарилди, ўрнидан туришга интилди, лекин шу заҳоти уни эҳтиёткор қўллар кўтариб олди. У кўз очиб кўрган янги дунёни олқишлаётгандай қичқириб юборди.

— Худо ҳаққи, бу жуда гаройиб бола! — хитоб қилди Фақира.

— Дунё ҳукмдорининг овози бул! Умри бирлан бергон бўлсин! — деди мулойимгина қилиб гўдак товушини эшитиб югуриб кирган Ҳаққул полвон. Кетма-кет навкарлар ва шоликор чол ҳам кириб келишди. Мўйсафид гўдакнинг омон-эсон дунёга келгани учун хутба ўқиб, Парвардигорга шукроналар айтди. Булиқ соқолини тутамлаб, дуолар қилди. Гўдакни диққат билан кузатаркан, оқсоқол ўйчан қиёфада: «Қучқор бўлодигон қўзичоқнинг пешанаси дунг бўлур. Ҳукмдор бўлажак боланинг пешанаси эса кенг бўлмоғи жоиз», — деди.

Шу заҳоти ҳамма Темурнинг пешонаси кенг, суқротпешона эканига имон келтирди.

— Гўдакнинг қисматиға жасур жангчи бўлиб етишмоқ ёзилмиш. Ул кўп мулкларни забт этадур. Мен деҳқонмен ва жангу жадаларға тобим йуқ. Аммо чарх гардиши ўз арзи буйлаб айланаверади, тақдирдин қочиб қутулиб бўлмас, — мўйсафид йигилганларни бир-бир узининг синчков нигоҳи остидан ўтказаркан, гапида давом этди: — Анинг келгусида буюк ҳукмдор бўлмоғиға ишонмасангиз, юлдузларға қаранг.

Шул ондаёқ ҳамма пастак дераза орқали мўйсафиднинг қўли чўзилган кўкка тикилди. Қоронгулик оғушиға чўмган осмон қўйнида қимматбаҳо ёқут тошлардек юлдузлар чарақларди.

— Шаҳаншоҳингиз Соҳибқирон — бахтли юлдуз остинда тугилгон зотдир. Ана анинг тақдири! — шундай деб мўйсафид шаҳодат бармоғи ила Темур тугилиши билан чарақлаб кетган энг ёрқин юлдузға ишора қилди. Пировардида мунажжимлар бу юлдузни аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқишади. Шоликор чолни эса, бошқа ҳеч ким қайтиб кўрмади. Кейинчалик саҳро кенгликларида унинг якка-ёлғиз кулбасини ҳам, гўё у ҳеч қачон мавжуд бўлмагандай, излаб топишолмади. Аммо унда тугилиши насиб этилган гўдак дунё юзини кўрди. Унинг боши узра бахтли юлдуз чарақлаб турарди.

«Ҳар бир нимарсаға анинг тузилишини бериб, ани йўлга солгон Зот...» — дейилади кўҳна қўлёзмада. Ушбу матн Қуръон ояти билан бошланади, сўнгра дунё ишлари хусусида гап кетади: «Қозон Султонхон ҳукмдорлик қилган даврда Парвардигор иродаси ила уфқ подшоҳлик ёғдуси ила чулғаниб, Оллоҳ каромати юксаклигининг давлатни бошқариш юлдузи чарақлади.

736 йил 25 шаъбон ойининг сешанба куни (1336 йил, 9 апрель) кечқурун, яъни мучал бўйича сичқон йилида Кешнинг жаннатмакон бурчида Тарагай Баҳодур Нуен билан муқаддас шариат қонунига кўра ўз тақдирини боғлаган озодалик ва саришталик тимсоли бўлмиш Тегина хотундин Соҳибқирон ҳазрати олийларининг қуёши балқиди ва у таваллуд топган маскандин магрур бош кўтарди. Дунёни нурга чўмдирган бу навқирон ёритгич бахт-иқбол юлдуз буржи ичра муқим чарақлади».

Бу зот дунёга келганида оламда яна бир дунё бунёд бўлди. Оллоҳ буюрган ишларни бажаришдан бош тортмайдиган руҳонийлар шон-шараф либосига ўралган бу зот ҳаётда ҳеч қандай кулфат кўрмаслигини каромат қилиб, Қуръондан оятлар ўқидилар.

Уша бахт қуёшининг уфқдан бош кўтариши Тарагай Баҳодурнинг туши боисидан Ҳаққул полвон: «Анга салтанатларнинг ҳукмдори бўлмоқ насиб этгай», — деган таъбири чин эканлигини тасдиқлади. Тарагай Баҳодур авлодлари ҳукмронлигининг тимсоли бўлмиш саккизинчи қуёш Машриқ ва Мағрибни ўз шоҳлик ёғдуси ила нурафшон этмак учун Шарқдан бош кўтарди ва шу боис яшнаб кетган ер юзи Соҳибқирон таваллудини олқишлади. Унинг қуёш янглиғ чеҳрасидан нур ёғиларди. Дунёнинг бузилиш туни кўп ўтмай унинг ҳукмронлик тонги отиши сабаб янги байрам кунига нисбатан қувончлироқ кун билан алмашинувидан дарак берди. У раҳнамолик қиладиган халифалик мисли кўрилмаган зафарлар қучиб, Соҳибқироннинг шонли шажараси кўп асрлар мобайнида давру даврон суради. (Зоичанома йўриқларига кўра, юлдузларнинг бундай фарахли ҳолатида Соҳибқирон 800 йилда бир дунёга келади. Юлдузларнинг ана шундай некбин ҳолатида Искандар Зулқарнайн таваллуд топган, 800 йилдан кейин Муҳаммад пайгамбар, яна 800 йилдан кейин эса Амир Темур тугилганлар).

Қайсидир вақтга келиб Зуҳалнинг қароргоҳига айланган Така юлдуз буржи энди Темурнинг бахтли юлдуз буржи тарзида намоён бўлган эди. Муштарий ва Миррих, Зуҳра ва Зуҳал янги тугилган гўдакка оқ фотиҳа беришди. Ой ва қуёш уни ўз паноҳларига олишди. Темурнинг дунёга келишига бутун Коинот хайрихоҳ эди. Оллоҳнинг иродасига биноан етти ёритгич Темурнинг ҳамма истак-хоҳишлари ижобат бўлишига омил яратучи бир йўсинда саф тортишди.

Ҳозирча бу — жами улут ишларининг дебочаси ва Темур ўзининг шон-шухрат манзилигача ҳали кўп йиллар йўл босиши керак эди. Аммо тақдир чархи ҳамма нарсани олдиндан белгилаши ва унинг мустажоб бўлиши шак-шубҳасиздир. Илло, унингдек юксак ва тимсолсиз қудрат дунёда йўқдир.

УЧИНЧИ БОБ

ҲОЖИ БАРЛОСНИНГ НАЙРАНГИ

Икки кундан кейин овдан қайтган Тарагай Баҳодур ўз қўргонида ҳеч бир зотни тополмай ҳайратда қолди. Тавақалари ланг очиқ қопқани чули бодиядан эсанг шамол очиб-ёпишга уриниб гижирлатар, чийиллатар, ҳовли ҳам, хосхоналар ҳам бўм-буш эди. Шу пайт ҳовлига зар ёпинчига ўралган аёл югуриб кирди. Бу — Олия бўлиб, хонадон соҳиби уни танир эди. Тарагай Баҳодур ҳар қатла Тегина хотунни эгачисиникига жўнатаркан, ана шу жорияни ҳам қўшиб юборар, уйга ҳам кўпинча Олия кузатиб қайтарди.

— Хўжайин! Мени қутқаринг, орқамдин Ҳожи Барлоснинг одамлари таъқиб этиб келишаётир! — қопқа остонасиданоқ қичқирди у ҳансираб. — Тегина хотун қайдалигини мен биламан!

Тарагай қолқа тарафга шошилиб, Олиянинг ортидан уни тарақлатиб ёпди-да, ичкаридан зулфини туширди. Этдор келбатига қарамай, у эпчил ҳаракат қиларди. Олия хавф-хатардан холи бўлгандан кейингина Тарагай Баҳодурни кечган воқеалардан огоҳ этди. Ҳожи Барлоснинг баттоллиги Тарагайнинг газабини бўғзига келтирганди. У қўргончани ларзага солиб, жангарилик ила қийқириб юборди-да, қиличини шартта қинидан сугуриб, оти тарафга отилди.

— Бекамиз била ўгилчангиз хавфсиз жойдалар! — тўхтатди уни Олия.

— Ўгил кўрибман-да, а!.. — бор овози билан бақирди Тарагай Баҳодур. Шундай қаттиқ бақирдики, бир зум оғзи очилганча қолди.

— Худога шукурларки, Тегина хотун ва гўдак Қаршида, беканинг отасиникида. Ҳаққул полвон билан навкарлар ҳам аларга ҳамроҳ, — деди Олия шошапиша, газабга минган Баҳодурнинг Ҳожи Барлос қўргонига ҳозироқ шердай бостириб боришидан ҳайиқиб.

Лаҳза утмай Тарагай ўзига келди. Унинг жуфти ҳалоли ва ўгли чинданам ишончли жойда, қайнотаси Ҳожи Олим Муҳаммад Исмоилнинг уйида эдилар. Ҳожи Барлоснинг одамлари у ерга киришга журъат қилиша олмас, тўгриси, қўрқишар эди.

— Лаънати шоқол, мени авраш ниятинда шикорга судрагон экан-да, а?

— Жанобимизнинг айби йўқдир, ул киши ҳеч нарсанин беҳабар, — деди Олия Ҳожи Барлосни ҳимоя қилиб. — Юзбоши Танорнинг қилмишлари ҳақида бекам анга гапириб берганида, жанобимизнинг шунақанги жаҳли чиқиб кетдики!..

— Э-ҳа-а-а! Беҳабар дегин? Жаҳли чиқди де? Йўқса сен нечун бул ерда юрибсен? Яна гўдагинг бирлан?.. — Тарагай аёлниг бағридаги гўдак юзини оҳиста очиб кўрди, норасида ёругдан афтини тириштирди. — Ким сени қувламиш?..

— Танорнинг одамлари изимга тушишгон. Бекам мени айни вақтида огоҳлантириб улгурмиш. Бул — ўғилчам Сафарали, эмдигина уч ойлик бўлмиш.

Гўдакнинг лўппи яноқлари қип-қизил, кўзлари оҳуникидай катта эди.

— Тегина хотуннинг Қаршидалиги сен — ожизага қайдин аён? — сўради Тарагай Баҳодур. Аёлниг гапларидан у ҳамон шубҳаланаётган эди.

— Бул ҳақда бекамга эртаминан иниси хабар етказди. Ул Қаршидин етиб келибдур. Ҳализамон сизга ҳам анинг ўзи сўзлаб берадир.

Қопқа тақиллади. Олия аёллар истиқомат қиладиган хобхоналарнинг бирига кириб яширинди.

— Ассалому алайкум, поччажон! — деди меҳмон очиқ қопқа бусағасидан тез ичкарига ўтарган, мезбонга қучоқларини очиб. Бу қирқ ёшни қоралаган тим қора соқолли, алпқомат одам эди. Ипак чопони унга ўзгача пўрим ва савлат бағишлаганди. Унинг орқасида от етаклаган яна уч йигит турарди.

Тарагай Баҳодур ва меҳмон ога-инилардай қучоқлашиб кўришишди.

— Марҳамат қилингиз, азизим Мерган! — уй соҳиби мамнун қиёфада меҳмонларни ёзги айвонга таклиф этди.

Чордона қуриб ўтиришди. Фотиҳа ўқиб, шошилмай гурунглаша бошлашди.

— Ҳеч бир ҳодиса зукко инсонлар эътиборидин четда қолмағай, — деди Абдулла Мерган. — Бор гап-

дин мени опам огоҳ этмиш. Худога шукур, ишларимиз ўнгидин келмиш. Муҳтарамай мукаррама поки ҳалолингиз ва менинг опам Қаршида, ота-онамиз уйида, Оллоҳнинг паноҳидадир. Алар сизга таъзим бажо келтириб, энг эзгу ниятларини йўлламиш, тақсирим.

— Хуш, ўғлим-чи, ул қалай? — сўради Тарағай Баҳодур бир лаҳзалик сукутдан сўнг. Азбаройи ҳаяжонланганидан унинг буйин томирлари буртиб чиққан эди.

— Баҳодур усаётир, отасининг нақ ўзгинаси! — деди Абдулла Мерган, гарчанд, унинг фикрича, гўдак, бақалоқ, бугдойранг ва давангир отасидан кўра кўпроқ онасига ўхшаса ҳам. — Меросхўрингиз қуш тилини ўрганаяпти, нуқул чуғурлайдир, — ҳазиллашди меҳмон.

— Жуда соз! Ул ҳозир бедананинг полапонига ўхшайдир. Қайн учмасин, «питпилдиқ» қилаверади, — ҳазилга ҳазил ила жавоб берди Тарағай Баҳодур. Ўғли ҳақида гапиришнинг мароқли гаштини туймоқда эди. У бирдан қарсақ уриб, хизматкорларига ажойиб мужда келтирган меҳмонларга муносиб базму жамшидга тарадуд бошлашга буюрмоқчи бўлди-ю, иргиб урнидан турди. Аммо қўргонда ўзи ва қочоқ жория аёлдан бошқа ҳеч кимса йўқлиги ёдига тушди. Базм қолдирилди, Тарағай ҳафсаласизлик ила қўлини силтади. Кейин Ҳожи Барлосни койий кетди. Меҳмонлар ҳузурида сўкиниш одобдан эмаслигига нечоғлик риоя қилмасин, бари бир «Лаънати шоқол!» — деб юборишдан ўзини тийлмади.

Меҳмон гап ким ҳақида бораётганини дарров тушуниб, Баҳодурнинг эътиборини бошқа мавзуга тортишга шошилди. «Подшо тожи учун ярашиқли зеб ноёб ва қимматбаҳо тош бўлғони янглиг янги тугилгон гўдакка муносиб исм керак», — деди Абдулла Мерган.

— Хуш исм соҳиби Худога яқин бўладир, — унинг фикрини қўллаб-қувватлади Тарағай Баҳодур.

— Парвардигор иродаси ила зурриётингизга бундайин исмни муҳтарам Шайх Саид Амир Кулол ҳазратлари берадир, деб умид қилгаймиз. Ул зот ҳозир Қарши кентида ва бул эса ҳумоюнлик нишонасидур, — деди Абдулла Мерган товушини баландроқ кўтариб. Кейин Парвардигорга шукроналар айтиб, қўшиб қўйди: — Чилласи чиқиши ҳамона сиз, тақси-

рим, Қаршига Ёнишингиз ва Шайх ҳазратларидан анга муносиб исм қўйиб бермоғини тавалло этмогингиз жоиз. Ҳозирча эса, аларни безовталамаганингиз маъқул, Тегина хотун шундоқ ҳам анча азият чекмиш, бир фурсат ором олмоғи даркор.

— Иншоолло, шундоқ бўлмай. Қалбим чароғи ҳордигини ростлаб, куч-қувватга ингай, — яна уни қўллаб-қувватлади Тарагай Баҳодур. Шундай деганича у ўрнидан қўлди, пича тараддулланиб тургач, тез ичкарига кириб, зумда қайтиб чиқди. Энди унинг бир қўлида зарбоф чопон, бошқасида қимматбаҳо ялтироқ тошлар ила безатилган ва ов пичоғи осилган чарм камар бор эди.

— Мана булар сизга — муждангиз эвазига суюнчи! — дея хитоб қилди у.

Абдулла Мерган беихтиёр жилмайиб эҳсонни қабул қилди. Таомилга кўра суюнчи энг табаррук совға ҳисобланади. Бундай совға Худога ҳам хуш келиши шубҳасиз. Амир Тарагайни билганларнинг ҳаммаси унинг Дамашқ пўлатидан ясалган ўткир қиличига жуда-жуда ҳавас қилишарди. Фил суюгидан ишланган дастасига Бухоро феруза тошлари ила иккита йирик ёқут тош ҳам жойлаштирилган эди. Энди бу муборак яроғ Абдулла Мерганнинг мулкига айланган эди. Пировардида, ким билсин, Баҳодур ўзининг ўта сахийлиги боис афсус чекар, балки бунга ачинмас ҳам, чунки у гоят бағри кенг инсон эди. Ҳаддан зиёд севилиб кетган Мерган қайта Сафарга отланди. Тарагай Баҳодур мамнун қолда хешини кузатаркан, азбаройи бахтиёрлигидан юзидан нур ёғилар эди.

Қўрғончани тарк этишдан аввал Абдулла Мерган яна гап қотди:

— Олия шул ердаядир, тақсир?

— Эҳа! Бул аёл боласи била аёллар хосхонаси тарафга ўтувдир.

— Опам ани ганимлар кўзидан нарироққа олиб кетишимни илтижо қилгон эрди.

— Шундайин бўла қолсин, — дарҳол розилик билдирди Баҳодур.

— Агар амирим монелик этмасалар, мен анга рўзгор юмушларинда кўмаклашғони йигитларимдин бирини қолдирсам.

Тарагай Баҳодур бир дам сукутда қолди. У қарз бўлишни ёқтирмас, кимлигидан қатъий назар, бировлар олдида мажбуриятли бўлишга ҳам одатланмаган

эди. Лекин Ҳаққул полвон йўқлигида унинг ўзи дастёрчилик қилмайди-ку, ахир! Баҳодурнинг одатларини яхши билган Абдулла йигитларига ўтирилиб қичқирди: «Берқут, бери кел!»

Миқтигина, қоракўз ўспирин югурганча унинг қошига борди. У қўлини кўксига қўйиб, Тарагайга таъзим бажо келтирди-да, қаддини ростлаб, Мерганга юзланди: «Буюринг, тақсирим!»

— Сен қўргонда қолурсен, чиладин кейин Тарагай Баҳодур жанобларини кўз қорачиглари ҳузурига кузатиб борурсен, — тайинлади Абдулла Мерган. У энди поччасига майин жилмайиб тикиларкан, шуълаланаётган нигоҳи гўё: «Мана, тақсир, сиз учун илкимдин келгон ҳамма ишни қилдим», — деяётгандай эди.

— Саховатингиздин бағоят миннатдормен, иним, — деди Баҳодур ҳам мамнунлигини яширолмай. Бу билан у Мерганнинг қўргончада ўзига дастёр қолдирганидан миннатдорлигини билдирган эди.

Меҳмонлар саман отга зар ёпинчига ўралган аёлни гўдаги билан мингазиб, йўлга отланишди. Баҳодур эса, тўнғич хотинидан хабар олгали ичкари ҳовлига қараб йўналди. Елиб бораётган отлиқларнинг ортидан бутун вужуди талпинаётган Қаршига жўнагунига қадар амир ёлғиз яшай олмас эди-да.

Айни дамда Ҳожи Барлоснинг амирлик қўргонида қамчиннинг шиддатли зарбини эшитиш мумкин эди. Ҳожи Барлос юмшоқ якандозлар тушлаган баланд айвонда чордона қуриб ўтирар, рўпарасидаги тошлар устида юзбоши Танор ер тишлаб ётар ва бир кўзли жаллод Қилич савалаш билан банд эди. Бу — ўта қаттол одам бўлиб, раҳм-шафқат нималигини билмас, Кеш ва унга яқин ҳудудларда уни кимнингдир калласини қирқиш ёхуд қамчи билан жазолаш зарур бўлгандагина таклиф қилишарди. Ҳожи Барлос Танорни йигирма қамчи уриш билан жазолаганди. Туркий одатларга кўра, бу жазо майда гуноҳ қилганлар учун қўлланиларди. Юзбоши Танор, Тарагай Баҳодурнинг жуфти ҳалоли Тегина хотуннинг осойишталигини атайин бузганлиги учун бу жазога мустаҳиқ, деб топилди. Чиндан ҳам шундай бўлганми-йўқми, бунинг ҳеч кимга даҳли йўқ эди. Жаллод ўзи ишини виждонан бажарарди. Қамчи гизиллаб ҳаволанаркан, юзбошининг сермушак елкалари терисини шилиб тушаётганди. Жаллоднинг жонини жабборга бериб тиришяётганида ҳам гап бор эди. Қиличнинг бир кўзини

айни шу Танор уйиб олганди. Энди бўлса, Қилич ҳар бир зарба учун бутун нафрати ва бор кучини ишга солаётганди. Бу йигирма зарба аслида қирқтадан ҳам ўтиб тушаётганди.

Ҳожи Барлос, чамаси, жаллод қачон ва қаерда бир кўзидан жудо бўлганидан беҳабар эди, аммо унинг ўз қурбонига ҳамласини кузатаркан, ҳар зарб келиб тушганда, титраб кетарди. У анчадан бери бунақа сидқидилликнинг гувоҳи бўлмаганди.

Ҳазо ижро этилди. Ҳаёт эса, худди тегирмондай ҳамма нарсани янчиб элайверади. Воқеалар силсиласи ҳам ўз маромида давом этаверади. Ҳар бир покдомон мусулмон ўз жуфти ҳалоли кучоғини тарк этиши лозим бўлган чилла даври ҳам тутаб, Тарагай Баҳодур сафар тарадудини бошлади. Берқут отларни эгаллади. Тарагай учун олис йўл юриш одат тусига кирган, айтиш мумкинки, сўнги ўн йил умрининг ярмини у савдо карвонларини Бухородан Қошғарга, баъзан эса, мўгул даштларигача кузатиб, эгар устида ўтказган эди. У Ҳиндистонда ҳам бўлиб қайтганди. Карвон уч, тўрт, беш ойгача тўхтовсиз йўл босарди. Ана шундан кейин ярим йилни тараллабеод ила ўтказиб, эркин яшар, кўпқари, полвонлар мусобақалари ва пойгаларда истаганча кўнгилхушлик қилишга имкон туғиларди.

Баъзан Тарагай ва унинг айтарли кўпчилик бўлмаган аҳил йигитлари бунақа сафарлардан залворли юклар ила қайтишарди. Аммо кутиб олганларнинг ичида ким мардлик қилиб, карвон кўзлаган манзилига ета олмади, савдогарлар эса бедарак йўқолишди, дея очиқ айта олади? Одамлар хулқ-атворининг сир-синоатларидан фақат Оллоҳгина воқиф. Шунга кўра Тарагай ўзини асил мусулмон, деб билар ва шарият қонун-қоидаларига қатъий амал қиларди.

Тарагай ва Берқут Қаршига катта карвон йўли орқали боришаётганди. Отлари ёнма-ён пишқириб еларди. Берқут ҳамроҳининг ҳурматини жойига қўйиб, жиловни сал тортиб келар, аммо куп ўтмай, одобни унутиб, яна олдинга ўтиб кетарди. Камгап, салга кулаверадиган бу миқти йигитча Тарагайга ёқиб қолганди. Берқут, Тарагай каби, сулоланинг учинчи авлодига мансуб эди. Унинг отаси Баҳодур Қорақуюн Қаршини пойтахтга айлантирган Чигатой хони Кепакнинг қўриқчилари сафида хизмат қилганди. Ота, Берқутни унинг саройдаги тенгдошлари каби

болалигиданоқ хон девонининг қуриқчилик хизмати-га тайёрлаган эди. Берқут бир неча йил мобайнида ҳар куни камондан нишонга уриш, найза отиш ва от чопиш машқларининг ҳадисини олган эди. Қаршида хон девони аллақачон тугатилган, лекин машқлар йигитга энди асқотаётганди. Тарагай Барлоснинг қайнотаси Ҳожи Олим садоқатли хизмати учун Берқутга мумай ҳақ тўларди.

Суворийлар сукут сақлаб боришарди. Баҳорнинг сўнгги ойи эмасми, заъфарон тусга кираётган саҳро чаваңдозларга иссиқ ҳовур уфурар, аммо тоғ тарафдан салқин шабада ҳам эсар эди. Ўт-ўланлар тиззагача буй чўзиб, адирларда қийғос очилган қизгалдоқлар қаврай бошлаганди. Гуллаш даври бу ерда узоқ кечмайди. Дашт апрель-май ойларидагина ям-яшил тус олади, ёзга чиқиб жами ўт-ўлан саргайиб, кузда сўлиб қолади. Аммо Қарши, Яккабоғ ва Кеш воҳалари то тирамоҳнинг сўнгги кунларигача яшил боғлар огушида гуллаб-яшнайдди.

Сукунатни биринчи бўлиб Баҳодур бузди. Ҳадеб хаёл суравериш унинг жонига тегди чоги, у Берқутдан:

— Анави чарх ураётгон сўфитўргайни кўраёттирсенми? — деб сўради.

— Ҳуш, кўраёттирмен.

— Камондин уриб тушира оласенми?

— Уриб туширамен.

— Анда ҳунарингни кўрсат.

Берқут бир зум тарадудда қолди. Бошини сараклатиб, секин жавоб берди:

— Қушчага раҳмим келадир, куйлашига боқинг.

— Бемаҳал қичқираверадигон хўрознинг калласини қирқарлар, — деди Баҳодур ва қуш ҳавода яна бир дақиқа муаллақ қотганидан фойдаланиб, камонини кўтариб нишонга урди. Сўфитўргай бир сиқим жонсиз увададек ўт-ўлан устига қулади. Тарагай Баҳодур унга қайрилиб ҳам қарамади. Йўлда давом этдилар.

Берқут чурқ этмай (ёши улут одам билан «адибади» қилиш одобдан эмас) камонини анча наридаги гулхайрининг нозик-ниҳол шохчасига қараб тортди. Шохча қоқ ўртасидан иккига бўлиниб кетди.

— Уҳ-ҳў! — хитоб қилди Тарагай Баҳодур қойил қолиб.

Бу «отишма»дан кейин яна сукутга чўмишди. Аммо жимлик Тарагай Баҳодурни зериктирди чоги, яна гапга тушди.

— Йигитча, Ҳожи Олим била куп кентларда бул-
гондирсизлар, а?

— Сиз, амир ҳазратлари, жасорат ила хужайини-
мизнинг ҳаётини омон сақлаб қолгонингиздин буён
ул олис юртларга йигитларсиз юрмай қўйди. Худо
шоҳид — биз хужайин бирлан Бағдода, Балх, Нишо-
пур ва Бухорои шарифда бўлдик. Бул кентларнинг
ҳар биринда ярим йилдин истиқомат қилдик. Ҳа, мен
куп манзилу маъволарни кўрдим. Аммо, очигини айт-
сам, узимизнинг юртдин афзалроқ гуша дунёда йўқ-
дир.

— Узингникига не етсин, — ҳамроҳининг фикрига
қушилди Тарагай Баҳодур. Йигитнинг гапи куп йил-
лар муқаддам кечган изгирин қишни ёдига солганди.
Амир ушанда жангари така туркманлар Урганчга, қул
бозорига олиб кетаётган бир қанча бахтиқаро йигит-
ларни ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, қутқариб қол-
ганди. Улар орасида илоҳиётшунос олим ва деҳқон
Ҳожи Олим ҳам бор эди. Ҳаммани уй-уйига қўйиб
юборган Тарагай Баҳодур куч-қувватдан қолган Ҳожи
Олимни тугилган юртигача кузатиб борганди. Улар
ўртасидаги дўстлик ришталари ана шундай бошлан-
ган эди. Куп ўтмай, Ҳожи Олим Муҳаммад Исмоил
қизи Тегинани Баҳодурга хотинликка берган эди.
Кувни Қаршига жура сифатида Ҳожи Барлос куза-
тиб борган ва унга Тегинанинг эгачиси ёқиб қолган-
ди. Кейинроқ уларнинг ҳам туйи бўлди. Амирлар шу
тариқа хеш-ақрабога айланишган эди.

— Эмди қайси бир юртларга юз тутмоқчисиз-
лар? — сўради Баҳодур.

Берқут ўйга толди. Дунё улугвор ва гаройиб, бу
дунёни яратган Оллоҳи таоло буюқдан-буюқ. Олис
йўлни ёвиқлаштирувчи гурунг осуда кечарди. Йўл-
дошлар икки кундан кейингина Қаршига етиб келиш-
ди. Оиласи билан юз кўришган Баҳодурнинг севинчи
поёнсиз эди. У мингирлаб хиргойи қилар, ҳадеб жи-
маяр, айниқса, ўғлини кўриб боши осмонга етганди.
Гудак сал озгинроқ, лекин жуда тетик ва серҳаракат
эди. Унинг бақалоқ юзли отасига эмас, онасига куп-
роқ тортгани бир ҳисобдан яхши ҳамдир. Боланинг
тиниқ юзи чўзинчоқ, пешонаси дўнг эди. Катта-катта
тийрак кўзлари атрофга ҳайрат ила боқарди.

— Баҳодир! — хитоб қилди Тарагай болани боши
узра баланд кўтариб. Кейин гуё келажакни башорат
қилаётгандай бор овози ила қичқирди: — Алпомиш!

— Уллироқ галинг! — ярим ҳазил, ярим чин оҳанг-да эътироз билдирди Ҳожи Олим куёвига. — Нечук эмди Алпомиш бўлгай? Менинг неварам Искандар Зулқарнайнинг ҳам шон-шухратига панжа урадигон саркарда бўлиб етишажақдур!

Тикқомат, сервиқор, отжағли, бурни гўштдор Ҳожи Олим қадимий юнонларга ўхшаб кетар эди. Бу маърифатли осиеликнинг томирларида Искандар авлодларининг қони оқаётгани бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас, албатта. Шу пайт хонага Абдулла Мерган кириб келди. Баҳодурнинг қўлидан эпчилик ила авайлаб гўдакни олиб, юзига яқинлаштираркан, ифтихор ила деди: «Худо ёрлақаса, бизнинг баҳодиримиз Чингизхон била Искандардаги жамиким зўр ҳислатларни ўзинда тажассум этади! Иншооло, ул ҳали дунё юзи кўрмагон буюк ҳукмдор бўлиб етишади».

Гап фарзандлар ҳақида борар экан, уларга беҳад меҳр қўйган одамлар тахайюлининг чеки бўлмайди. Ширин орзулар уммонига чўмган Тарагай Баҳодур ва Ҳожи Олим иккаласи Шайх Саид Амир Кулол Ҳузурига отланишди. Шайх ёлғиз ўзи зоҳидликда фақирона умргузаронлик қилар ва бу ташрифга розилик билдирган эди. Мутасаввиф бу зот Мовароуннаҳрга, қолаверса, бутун Шарққа донги кетган Аҳмад Яссавийнинг издошларидан эди.

Ҳузурига ташриф буюрганларни ҳазрат ўз ҳужрасида қабул қиларди. Пойгакда бўйра, ҳужра ўртасига бироз оҳори кетган форс гилами тўшалган эди. Оппоқ либосга ўралган Шайх ҳали унчалик кексаймаган, қип-қизил ёноқларига тутшиб борган бўлиқ соқоли эндигина оқара бошлаган эди. Осойишта, тиниқ нигоҳи меҳмонларга қизиқсиниш ила йўналди.

Салом-алик ва ҳол-аҳвол сўрашлардан сўнг Шайх рўпарасига болани ётқазиб, узоқ дуо ўқиди. Кейин жойнамоз устидаги сернақш чарм муқовали кўҳна Қуръонни олиб: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!» — дея муқаддас оятни очди ва вақт ҳукми ила саргайиб кетган саҳифалар бўйлаб бармоғини юргизаркан, панд-насиҳат оҳангида гап бошлади: «Парвардигоримиз ҳабиби, — анга ҳамиша Худо ёр бўлгай! — бизга худдиким Қуръонни ўқитғони янглиг бирор эзгу ишни амалга оширишимизда Оллоҳ мададкор бўлмоғини сўраб, истиғфор айлашимизни ҳам ўргатгонлар. Ул зот айтмишларки: «Орангиздин кимдир нимадир қил-

моқчи бўлгонда, зарурий муборак оятларга қўшимча тариқасинда яна икки ракаат намоз ўқисин, сўнгра-ким айтсин:

— Ё Раббим! Сенинг билимингга таяниб Сендин мадад сўраймен, Сенинг куч-қувватингга таяниб, менга куч-қувват ато этмогингни илтижо қилурмен, Сендин раҳм-шафқат тилаймен, илло, бунга фақат Сен қодирсен, мен эсам, ожиз бир бандангмен. Сен ҳамма нимарсани билгувчисен, мен эсам, билмаймен, балъакс, Сен жами сир-синаотлардин огоҳсен! Сенинг марҳаматинг ва караминг қўзлагон ишим — иймоним, ҳаётим ва пировардида кечадиргон воқеаларга эзгулик багишлагай, инчинун, бул ишни бажаришимга ўзинг куч-қувват бергил, ани осон эт! Ўзинг бунга фатво бергил! Магар Сен менинг бул ишим — иймоним, ҳаётим ва кейин кечажак ишларга ёвузлик келтирмогини билсанг, ани мендин, мени андин қайтаргил, қандайин булмасин, эзгулик ёр бўлмогига ўзинг кумак бергил, шундайин қилгилки, мен андин қаноат ҳосил этайин!» Жаноб Пайгамбаримиз янаким шундоқ демишлар: «Ўз ишларининг мустажоб бўлмогини Худодин тилаб, Қуръон тиловат этаётгон бандаси айни дамда амалга оширмоқчи бўлгон ниятини ҳам ошкор билдирмоғи жоиз».

Бу ҳадисларни Шайх кўзларини юмганча, гавдасини у ёқдан бу ёққа тебратиб айтди. Айни чоғда ундан алақандай осуда бир уйғунлик нури таралаётгандай эди. Гапининг поёнида Шайх кўзларини очиб, овозини кўтариб: «Оллоҳу акбар!» — дея юзига фотиҳа тортди. Унинг тепасида пайдо булган муриди Қуръоннинг галдаги саҳифасини очди. Шайх Қуръоннинг бу саҳифасига бир дақиқа тикилиб турди-да, кафтларини дуога ёзиб, худди оят ўқиётгандай қироат билан гапирди:

— Адолат хуршиди муқаддас ояту суралар битикли муборак саҳифалар ила ўз нурларини сочмоқда. Қуръони каримда айтилганидек, бул гўдакнинг унво-ни, яъниким исми-шарифи Темур бўлгай! Омин!

— Омин! — дея кафтларини юзларига тортишди амир Тарагай ва Ҳожи Олим. Шайх эса, муридига ўгирилиб буюрди: «Менга тақдирномани келтир, мен гўдакнинг келажагини башорат қилмоқчимен».

Мурид қалин китобни тезда топиб, юзидан нур томиб турган Шайхнинг олдида қўйди.

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм! — деди Шайх

куйлаётгандай оҳангда ва китобга кафтини теккизиб, сўнг уни юзига суртди ва муридга китобни очишини ишора қилди. — Парвардигор ниятлари ижобат бўлмоғига ҳеч қандайин шубҳа йўқдир.

Мурид китобни очиб, илк саҳифани кафти ила босиб текислади.

— Ҳомиладор аёл тўлғоқ хуружидин тўлганар ва жон азобинда қичқирар эди, — қироат билан ўқий бошлади Шайх. — Кўзи ёрийдигон аёл қошида эса, тугилгуси гўдакни етти ямлаб бир ютмоққа шай аждарҳо турарди. Парвардигор иродаси олдинда аждарҳонинг ҳийла-найранглари уммондаги хасдек гап. Аёл биебонга қочиб кетди ва ул пировардида пулат қилич ила жами қавм элларни ўзига тобе қиладигон гаройиб ўғлонни дунёга келтирди. Бул шонли саркарда одамларга азалдин башорат қилингон. Пулат шамшир кучу қудрат тимсолидир. Инчинун, ушбу илоҳий кучу қудрат кўмагида ул ер юзидаги жами халқларнинг сардорига айланажак. Бул ўғлон — Соҳибқирон Темурдир! — муқаддас китобни ўқиб бўлгач, Шайх уни ёпди-да, бошини орқага ташлаб, шипга юзланди: — Оллоҳу акбар!

— Оллоҳу акбар! — дея кафтларини юзларига тортишди ташриф буюрганлар ҳам.

Шайх ила мулоқот шу тарзда яқунланди.

Бир неча кундан кейин даштда чинакам саратон бошланиб улгурмай, Баҳодур Тарағай ўз завжаси ва гўдаги, Ҳаққул полвон ва навқарлари билан бирга орқага, киндик қони томган ота юрти Кешга йўл солди. Темурнинг энагасига айланган Олияни кузатиб бориш учун Берқут ҳам у билан бирга кетди. Фарзанд туққанидан кейин чеккан азиятлари боис Тегина хотуннинг сути кўксидан қочиб кетган, ўз зурриёди Сафаралини эмизаётган кўкраклари бўлиқ жориясининг эса, сути кўп эди. Кейинроқ маълум бўлишича, Сафаралининг отаси — юзидан кулгу аримайдиган камгап Берқут экан.

Уйга йўл доимо қисқа бўлади. Ҳадемай тугилиб ўсган кўрғончалари, кейин Кеш шаҳри кўзга чалинди. Аммо Кешда Баҳодурни ҳам, Тегина хотунни ҳам нохуш хабар кутаётганди. Ҳожи Барлоснинг кенжа жуфти ҳалоли Омина хотун айниган томоқдан заҳарланиб қазо қилганди. Тарағай Баҳодур билан Тегина хотун унинг заҳарланганига ишонишмади. Лекин ҳақиқат фақат Оллоҳгагина аён эди.

ТҮРТИНЧИ БОБ

ҲИЗРИНИНГ ТАШРИФИ

Тарагай Баҳодурнинг паҳса девор билан уралган муъжаз қўргончаси Кеш яқинидаги анҳор соҳилида, амирга хусусий мулк тарзида берилган Ҳожа Илғор қишлоғида жойлашган эди. Ҳовлининг уч бурчига учта бино қурилган, уртада бир неча олма дарахти усар, анҳорга туташган ариқдан жилдираб сув оқиб турарди. Қўргончага катта боғ ва узумзорлар тутшиб кетган эди. Боғ яхши парвариш қилинар ва амир дастурхонида мева-чева ва кишмиш ҳамиша тўкин-сочин эди.

Ҳожа Илғор деҳқонлари суториладиган бугдой, гурунч, арпа, тариқ, кунжут ва бошқа кўплаб ўсимликлар етиштиришарди. Амирнинг чорбоғида ҳамма нарса гамлаб қўйилганди. Қўргончада Тарагай билан бирга Ҳаққул полвон бошчилигида беш навқар ва жория аёл Фақира биби истиқомат қилар эди. Иккинчи ҳовлида Тарагайнинг иккинчи хотини Қадоқ хотун яшар, унинг ўз хўжалиги бор эди. Темур туғилганидан сўнг қўргончада яшайдиганлар сони яна тўрт одамга ошди.

Темур тез улгайиб, тойчоқдай югургилар, шўхлик қилар эди. Олия ва Фақира унга қараб улгуришмасди. Катта бўлгани сари у билан боғлиқ ташвишлар ҳам ортиб борарди. Бола жуда ҳаракатчан, ҳар ерда ҳозир ру нозир эди. Ҳали у қўргонча деворлари устида иргишлар, ҳали отхона томида югуриб қолар, ҳали ҳовли бурчида ўсадиган кекса ёнгоқ дарахтининг учига чиқиб кетар эди. Бу ўта хавфли, ёнгоқ шохлари мўрт ва нозик эди. Болага юксакликлар ёқарди. Томдами, дарахт устидами, у соатлаб даштга тикилиб ўтира оларди. Саҳронинг ҳадсиз-ҳудудсизлиги болани ҳайратга соларди. Эртақлар ҳам Темурнинг жон-дили эди. У Фақира бибининг рупарасига ўтириб олиб, қулоқ солгани-солган эди. Жория аёл унинг синчков нигоҳи остида қачонлардир узига айтиб беришган эртақларни ёдига солар, улар етмай қолса, янгиларини ўйлаб топарди.

Митти Темурнинг эсида қолган биринчи эртақ подшо бўлган камбағал бола ҳақида эди. Фақира биби ҳар гал у ёқтирадиган эртақни айтиб берганида, Темур:

— Фақира биби, мен бой боламенми, камбағалму? — деб сўрарди.

Доно аёл ҳар сафар унинг камбагал ҳам, бой ҳам эмаслигини айтиб, вазиятни юмшатар эди. У — тўкин яшаётган амирдир. Миср дарёсида яшовчи сув оти ҳақидаги қисқагина эртак болага жуда қизиқ туюларди. У — откала, танаси — сигир, оёқлари ва думи — тўнгизникига ўхшар эди. Бола хохолаб кулар ва ҳар сафар ўша галати отни тасаввурида жонлантиришга уринарди.

Темур бир оз улгайгач, даҳшатлироқ эртакларни афзал кўрадиган бўлди. Фақира биби унга Семурғ қуш ҳақидаги эртакни ҳикоя қилиб берди. Бу эртакни Темур кўргончада ҳаммага сўзлаб берарди. Биринчи бўлиб Фақира биби бошларди.

— Семурғ — жами қушлар ичра энг улуги, ҳатто филлар ва кўтослар ҳам анга бўйсунитарди. Локин ул болаларни олиб қочиб, маза қилиб тановул қилур эрди.

Шу жойга келганда Фақира биби пича жим қолар ва Темур мугомбирлик балқиб турган чўзинчоқ юзини буриштириб, гапни илиб кетарди.

— Ул мени ҳам емоқ бўлмиш. Эмди ямламоқчи бўлгониди, ойим мени кўтариб, Ҳаққул полвон ила бирла даштга қочиб кетибдур-да, бир шиликор чолнинг кулбасига яширинибдур.

Сунгра эртакни Фақира биби давом этдирарди.

— Оллоҳи таоло пайгамбар Ханзала бин Сауфво-нинг дуоларини инобатга олиб, Семурғ қушни одамларга ортиқ озор бермаслиги учун кимсасиз оролга ҳайдабдур ва ўшал ерда қолдирибдур.

— Ушал оролда фил ва кўтос янглиғ ҳайвонлар жуда кўп эркан, — гапни илиб кетарди Темур. — Лекин Семурғ аларга тегинмас, чунки алар қушнинг амрига бўйсунитар эркан-да. Худди биз баримиз Тарагай Баҳодурга бўйсунгонимиз киби. Ул овдин қайтгониди, улжаларининг бир қисмини ўз илкидоғи ҳайвонларга бераркан. Семурғ учар чоғинда тўс-тўпалон бошланиб, бўрон кўтарилур эркан. Ўзи-да хўб узоқ, икки минг йил умр кўраркан-да. Ҳозир ул бизнинг томимизда яшайдур, — шундай деб Темур қари ёнгоқ ўсган тарафга ишора қиларди.

Умуман, боланинг ҳаёлот уфқи гаройиб эди. Фақира биби болагиди бувасидан эшитган кўҳна тарихларни унга тобора кўпроқ ҳикоя қиларди. У Темурга илк бор айтиб берган ривоятлардан бири буқа-одам қиёфасидаги подшоҳ Қаюмарс хусусида эди. У Жайхун

дарёси соҳида истиқомат қилар ва шу даражада баҳайбат эдики, танасининг бир қисми дарёнинг чап тарафида бўлса, иккинчи қисми унғ томонидан бўларди. Қаюмарс адолатли шоҳ бўлиб, юртнинг ободончилигини ўйларди. У ёвуз дев Аҳрамоннинг зулмидан қутулиб, озодликка эришган одамларни бирлаштиргач, ўзи подшолик тахтига ўтирганди. Қаюмарс жасур ва бой, лекин камтарин ҳаёт тарзи кечирарди. У одамларни пўлат эритиб, турли буюмлар яшаш, тўқиш ва бичиш-тикишга ўргатганди. У етти юз йил яшаб, Балхда қазо қилганди. Ундан кейин ўғли Шуҳанг ҳукмдорлик тожини кийганди.

Темур ҳар бир эртаски ўзига хос йўсинда мириқиб эшитар, тез-тез Фақира бибининг гапини бўлиб, уни саволларга кўмиб ташларди.

— Жайхун қайда жойлашган?

— Балх Кешдин узоқму?

— Қаюмарс етти юз йил умр кўрган эрса, мен қанча яшармен?

Бу саволларнинг барига ишонарли жавоб қайтариш керак эди. Агар жавоблардан қониқиш ҳосил қилмаса, Темур энгасини ҳоли-жонига қўймасди. Кунларнинг бирида Фақира биби унинг эртаска таъсирчанлигидан кўрқиб кетди. Бу — Эрон подшоси Жамшид ҳақидаги афсона эди. Фақира биби Жамшиднинг нақадар мулойим, келишган одам бўлгани, унинг ҳар томонлама камолоти ҳақида гапириб бераётганди. У Охурамазда ҳада этган отда биринчи бўлиб муъжизавий тарзда дунёни айланиб чиққан эди. У одамларга қурол-яроғ яшаш, ҳаммомлар қуриш ва матоларни бўяшни ўргатган, Истаҳр шаҳрини бошқатдан қурдирган, улкан Чил Минорни тиклаттирган эди. Жамшид тахтга ўтирган кун Наврўз деб атала бошланди. Унинг ҳукмронлиги етти юз йил давом этди. Сўнгра Заххон Жамшидга қарши бош кўтариб, галабани қўлга киритганди. Заххон Жамшидни асирликка олиб, танасини иккига бўлиб ташлаганди.

Бу эртаски эшитган Темур азбаройи Жамшидга раҳми келганидан йиглаб юборган эди. Сўнгра югурганча отасининг хосхонасига кириб, пичоқ қидириб топган ва уни чап қўлида ушлаганча бор кучи билан унғ қўлининг кўрсаткич бармоғига урганди. Бармоғини буткул узиб юборишига сал қолганди. Фақира биби кўзларидан ёш оқизиб, унинг ярасини боғлашга тушганди. У ўз қилмишини шундай изоҳлаганди:

— Фақира биби, мен бармогимга бул аломатни бежиз қўймишмен, улгайиб, кучли одам бўлгонимда, ўз подшоларини ҳимоя қилолмаганлари учун жами форсларни бирма-бир чавақлаб ташлайдурмен. Лозим бўлгонда, мени Ҳаққул полвон била сизлар ўлимдан сақлаб қолдингизлар-ку, ахир!..

Яра битиб кетди, лекин Темурнинг ўнг кўрсаткич бармоғи бутун умр тиртиқ бўлиб қолди. Ҳиндистонга навбатдаги сафаридан қайтиб келган Тарагай углининг майиб бўлган бармоғини куриб, Ҳаққул полвон билан Берқутни ҳузурига чақирди ва уларга ушбу гапни тайинлади:

— Хотин зоти тарбиялагон йигит қўйлак бичиб, ўз бармоғини қирқадур. Шул дақиқадин бошлаб ани, Ҳаққул полвон — сен, Берқут — сен, тарбият қилур-сенлар. Ани ожизалар бўлмасидин олиб чиқинглар.

Темурнинг беғубор болалиги шу тариқа интиқосига етди ва унинг ҳарбий хизмати бошланиб, бу олтамиш йилдан зиёдроқ давом этди. Қўрғончада Тарагайнинг тўнғич хотинидан бўлган яна икки қизалоқ ўсиб улғаяр эди. Аммо улар ичкари ҳовлида туришар ва Темур улар билан мулоқотда бўлмас эди. Айни чоғда у, гарчанд ўзидан бор-йўғи уч ойга каттароқ булса ҳам, оқ сут берган иккинчи онаси Олиянинг ўғли Сафарали билан ҳам дўст тутинмади. Амирнинг ўғли билан оддий фуқаронинг фарзандини бир поғонага қўйиб бўлмас эди-да. Болалар ўз келиб чиқишларидаги фарқни ота-оналари таъсирида жуда эрта англаб етишганди. Сафарали Темурга рўпара келганда, орқага чекинар, янада улгайишгач, эҳтиром ила унинг ёнидан ўтиб кетишини ёки бирор таклиф айтишини кутиб, тўхтаб қоларди. Темур эса, Сафаралини деярли пайқамас, болалар ўйинларига унинг сира тоби йўқ эди. Фақира бибининг эртаklarини эшитмаётган кезларида у қўрғончанинг бир чеккасида ўтириб олиб, алланималар ҳақида пинҳона уйга толарди.

Тарагай Баҳодур Темурни етти ёшга тўлғунига қадар қўрғончадан бирор марта ҳам ташқарига чиқармади. Афтидан, у таваллуд топмасиданоқ юзага келган хавф ҳамиша ёдида эди. Гули сурх байрами арафасидагина Темурга илк марта жами қўрғонча аҳли билан бирга Кеш атрофидаги лолалар қийғос очилган адирга байрам сайлига чиқажагини маълум қилишди.

Гули сурх байрамга Тарагай Баҳодурнинг оиласи биринчилардан бўлиб ташриф буюрди. Байрамда минг-

лаб одамлар қатнашар эди. Бойроқ одамлар от-арава-ларда, камбагалроқлар эшакда келишди. Яёв келганлар ҳам кўпчилик эди. Тарагай бошлиқ етти чавандоз байрам сайлининг энг марказидаги баланд тепаликка урнатилган амир Ҳожи Барлоснинг чодирига яқинлашди. Тарагай Баҳодур қора айгирга минган, бошида — дубулга, ялтироқ зарбоф либослардаги бу зот ҳақиқий баҳодирларга ўхшарди. Ундан сал орқада оқ йурга минган Темур келарди. У феруза тошлар билан безатилган баланд эгар устида эди. Унинг эғнида оқ-сарик чопон, бошида амирлик тожи ярақлаб кўринарди. Боланинг кетидан ёшларига қараб Ҳаққул полвон ва бошқа навкарлар жилишарди. Чавандозлар карвонини қорабайир минган Сафарали яқунлаган эди.

Тарагайни кўрган Ҳожи Барлос кўрпа-болишлар тушалган юмшоқ ўрnidан туриб, унинг истиқболига юрди.

Кўп ўтмай адирни тўлдирган одамлар ўзларининг ранг-баранг байрам либосларида бамисоли лоззор билан рақобатлашяётгандай эди. Адирдаги гул сайлига мўлжаллаган тўққизта телаликнинг ҳар бирида гулханлар ёқилган, улкан дошқозонларда биқирлаб овқатлар қайнар эди. Кешлик Шайхул Ислому ўқиган хутба намозидан кейин сайл бошланди. Байрамга ташриф буюрган минглаб одамларга мурожаат қиларкан, Шайх бува аввало парвардигор шаънига ҳамду санолар ўқиб, шукроналар айтди, кейин мусулмонлар эъзозлаб сигинадиган олти пайгамбар — Одам Ато ва Нух, Иброҳим ва Мусо алайҳиссалом, Исо ва ниҳоят, пайгамбарлар султони Муҳаммад саллолуҳу алайҳи вассаллам руҳи покларига дуои саломлар ўқиди. Бинобарин, у дастлабки бешта пайгамбарнинг исми-шарифларини зикр этиш билангина кифояланиб, улар қандайдир алоҳида бир халқ учун, Муҳаммад пайгамбар эса, бутун башарият учун юборилганини, шунинг учун ҳам «сарвари олам» ва охират пайгамбари эканини алоҳида таъкидлади.

Бу фикрни тасдиқлаш учун Шайхул Ислому Қуръондан тегишли оятларни ўқиди.

Сўнгра амир чодирни ёнида сайлни бошқарувчи даврабоши пайдо бўлди-да, йигитлар ўртасида кураш, найзабозлик ва камондан отиш ҳамда чавандозлар мусобақаси бошланажагини эълон қилди. У Гули сурх байрамида фаришта, девлар ва парилар иштирок этаётгани, айни дамда Кеш адирлари узра афсонавий

жодугар-шоҳ Афросиёб ўзининг тилла шохли, кумуш оёқли муқаддас буқалар қўшилган икки гилдиракли жанг аравасида, Искандар Зулқарнайн эса, ўз тулпоридида учиб юришганини тантанали равишда аён этди. Ёшлардан Афросиёб ёки Искандар Зулқарнайнни ким қуришга муваффақ бўлса, ўша йигит жасур ва омадли жангчига айланади. Қизлардан кимки, ой юзли парига нигоҳи тушса, у эрга тегиб, эгизак фарзанд кўради, деди даврабоши.

Даврабоши яна алланималар ҳақида гапирар, лекин Темур унга қулоқ солмай қўйганди. Унинг бой ҳаёлотини буюк баҳодир Афросиёб ва Искандар олиб қочганди. Темур улардан кимнидир кўришга борлиқ вужуди билан интилар ва узлуксиз осмонга тикиларди. Атрофда одамлар гиж-гиж, улар ҳалақит беришар ва Темур танҳо қолишни истарди. Лекин қаёқда дейсиз. Ҳаққул полвон унинг биллагидан маҳкам ушлаб олганди.

— Қўйиб юборинг, мен тепаликка чиқмогим даркор, — илтимос қилди Темур.

— Танҳо бормайдурсен, — деди полвон қатъий.

— Сафарали ила бирла борурмен, — илтижо қилди бола.

— Берқут ҳам сизлар ила бирла борур, — қўшимча қилди Ҳаққул полвон.

Болалар катталардан ажралиб, полвонлар курашига берилиб кетишди ва гала-гала одамлар тўдасини ўриб, амир чодиридан нарига жилишди. Бутун болалиги пахса девор билан ўралган қўрғончада утган Темур бунақа кўп одамни биринчи кўриши эди. Энди бўлса, уни одамлар эмас, булак-булак пахса деворлар ўраб-чирмаб, қисиб келаётгандай эди.

У орқадан Берқутнинг одамлардан кенжа амирга йўл беришларини илтижо қилиб: «Пўшт! Пўшт!» — деган хитобларини эшитди. Одамлар итоаткорлик билан болага йўл беришарди. Темур шошилмай олдинга жилар, турфа кийим-кечаклардаги оломонни қизиқиш билан кузатарди. Шу пайтгача у қўрғончада ўзи билан бирга яшайдиган одамларнигина биларди. Ҳозир унинг атрофини ўзгача одамлар ўраб олган ва улар у билган кимсаларга ўхшамас эдилар. Таассуротларининг азбаройи мўллигидан боланинг боши айланиб кетди, у тўхтаб, оёқлари чалишиб кетди. Яхшиямки, уни Сафарали суяб, бағрига босди. Аммо у ҳам одам кўплигидан саросимага тушиб қолганди.

Уларнинг аҳволини яхши англаб етган Берқут болаларнинг елкаларига қўлини ташлади. Улар навкарга ўтирилиб, сал тетик тортишди ва йигит уларни яна олга бошлади, одамлар эса, чекиниб, яна йўл беришди. Ниҳоят, улар кимсасиз лолазорга етиб келишди. Темур қизил рангларнинг бу қадар жилоланиши мумкинлигини илгари тасаввурига ҳам сигдиролмасди. У югуриб кетди ва қўларини ёзганча юзи билан юмшоқ ўтлоқ устига йиқилиб тушди. Лолалар шабадада тўлганишар, уларнинг икки-уч гулбарги боланинг юзига тушди, сўнгра уларни шамол учириб кетди. Темур билан Сафарали пойга ўйнашга қарор қилишди. Берқут сал нарида уларни кузатиб турарди. У ким биринчиликни олишига баковуллик қилиши керак. Темур бир неча дақиқадаёқ Сафаралидан ўзиб кетиб, биринчиликни қўлга киритди. Гавдаси йирикроқ бўлишига қарамай, Сафарали абжирлик ва бардош бобида Темурдан ожизроқ эди. Темур ўйнаб-куларкан, амир чодирдан нега узоқлашишганини ҳам унутиб қўйди. У елиб-югурар, кўкракларини тўлдириб нафас олар, ўта кайфи чоғ эди.

Темур ва Сафарали тўртинчи марта пойга чопишди. Яна кичик Темур рақибидан анча олдинлаб кетди. У бор кучи билан югурар, Берқут дўнглик ортида кўринмай қолганди. Кутилмаганда унинг истиқболида оппоқ соқоли, эгнига эскироқ, лекин озода чопон кийган мўйсафид пайдо бўлди. Лолазор қўйнида унинг соқоли ва яноқлари ҳам қизгиш тусда товланарди. Мўйсафиднинг қора кўзлари катта-катта, қоши қуюқ, нигоҳи тешиб юборгудай ўткир эди. Темур уни кўрган бўлишига қарамай, чопишда давом этди. Оқсоқол уни йўлидан ушлаб тўхтатди-да, дафъатан сўради:

— Амир, сен нечук тўхтаб, ўзингдин каттага салом бермайдурсен?

Темур нотаниш одам тўхтатганидан афсусланиб, унга норозилик билан тикиларкан, аччиғи чиқиб баланд овозда жавоб берди:

— Вақтим зиқ! Кўрмаяпсизму, мен пойга ўйнаётурмен. Тўхташим мумкин эрмас, йўқса ортимдин келётган харифимга ютқазиб қўюрмен!

— Парвардигорнинг ўзи пешонанга ёзмиш: сен ҳеч қайда, ҳеч қачон, ҳеч кимга ютқазмассен! — деди мўйсафид оҳиста, лекин қатъий оҳангда боланинг кўзларига тик қараб.

— Нега эмди? Сиз буни қайдин билурсиз?

— Билурмен, — деди оқсоқол болани иккала қулидан ушлаб, рўпарасига оларкан, ўзи чўкка тушиб. — Парвардигор сени ўз ҳифзига олмиш. Насиб этса, сен Худонинг амри ила ўз халқингга буюк зафарлар келтиурсен. Ҳузурингга бутун дунёдин одамлар оқиб келурмиш. Сен аларни башорат қилингон йўлга бошлаурсен. Ҳақ руҳи сенга неларни ўргатса, сен ҳам аларни шунга ўргатурсен. Сен Оллоҳга шак келтиргонларни жазолайдурсан. Умринг интиҳосида сен кўп мамлакатлар устидан ҳукмингни юритишга эришурсен. Мен била галдаги учрашувингда бунақа югурол-массен. Бир оёгинг оқсоқ бўлиб қолур.

Темур унинг гапларини ҳайрат ичра тингларкан, ҳар бир сўзини эслаб қолганди. Муйсафид гапга нуқта қўйиши билан у қизиқсиниб сўради:

— Айтинг, сиз кимдурсиз ўзи?

Муйсафид бошқа ҳеч нарса демади, ўрнидан турди-да, кафтларини ёзиб, Темурнинг кўзлари устидан юргизаркан, бола ногаҳон унинг елкалари оша ўзининг машҳур отига минган Искандар Зулқарнайн билан улкан буқасининг олтин шохларини ушлаб турган Афросиёбни кўрди. Темур бир сакрашдаёқ баҳодир Афросиёб билан юзма-юз келди. Афросиёб қадам босган тошларнинг майда-майда бўлиб, қумга айланиши ҳақида Фақира айтиб берган афсона қанчалик ростлигини текшириб кўриш бола учун жуда нашъали эди. Чинданам, Афросиёбнинг оёқлари остидаги тош унинг ақл бовар қилмайдиган оғирлиги боис парча-парча бўлиб майдаланиб кетаётган эди. Фақира биби ёлгон гапирмаганини англаган Темур хурсанд ҳолда жилмайди, муйсафидга раҳмат айтиш учун ортига ўгирилганида эса, ундан ном-нишон ҳам қолмаганди. Искандар ва Афросиёб ҳам изсиз ғойиб бўлишганди. Уларнинг ўрнида бу гал негадир Сафарали биринчилликни олганидан ҳайратга тушган Берқут хансираб турар эди.

— Амир Темур қайда? — сўради у углидан.

— Ул анча ўзиб кетувди, — деди Сафарали.

Берқут ўтирилиб, боладан узоқлашаётган муйсафидни кўрди.

— Ул зот ким эрди? — сўради у ҳовлиқиб Темурга келиб олгач. — Анга нимарса керак эркан?

— Бул нуроний бобо кимлигини биладим-у, лекин ул зот била бирла баҳодир Афросиёб ва саркарда Искандар Зулқарнайн ҳам ташриф буюрмишлар.

Берқутнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Уқдим! Сенга Ҳизр бувани кўрмоқ насиб қилмиш. Бу яхшилик аломати! — деди Берқут ҳаяжонга тушганидан тез-тез нафас оларкан. Ҳизр — туртга тақводор пайгамбарларнинг бири бўлиб, унга Исо, Илс ва Идрислар қаторида мангу ҳаёт тухфа этилган эди. Боқий умр унга одамларнинг Худога эътиқоди ва ишончини мустаҳкамлаш учун берилганди. Ҳизр Парвардигор номидан ҳар ерда ҳозир у нозир бўлиши ва уларнинг тақдирини башорат қилиши мумкин эди. Ўзи танлаган инсонлар ҳузурига Ҳизр бува уч марта ташриф буюрарди. Унинг эл орасида машҳурлиги ҳам ана шу туфайли эди. Бола буни қаёқдан биларди дейсиз? У тушуниб олган бирдан-бир нарса шу бўлдики, ҳаётида ҳайриоддий алланима юз берган, лекин Темур бунинг моҳиятини илғай олишга ҳали қодир эмас эди.

Кўп ўтмай бу сирли учрашувдан бутун қўрғонча хабар топди. Ҳизр бува нима дегани, кўриниши қандай экани ҳақида уни роса сўроққа тутишарди. Аммо Темур Ҳизр бува айтган асосий гапни ҳеч кимга билдирмади. Бу ўзининг, фақат ўзининг сирини эди!

БЕШИНЧИ БОБ

АЛВИДО, ҚЎРҒОНЧА!

1343 йилнинг иссиқ ёз оғи охираётганди. Қарши даштида ҳамма нарса кўйиб, қовжираб кетган, аммо Кеш яқинидаги тоғ тизмалари этагида кечалари саратон ўрнини ҳаётбахш салқин шабада эгаллар эди. Тарагай қўрғончасида бу йил ҳар бир бош узум кўйининг калласидай-калласидай ҳосил берганди. Олма, анор ҳам гарқ пишганди. Азбаройи ҳосили кўплигидан беҳи шохлари ергача эгилиб тушган, дарахтлардаги мевалар йирик ва ўта ширали эди. Даштда ҳаво қанча кўп исиса, тоғ тизмалари этакларидан шунча мўл ҳосил унишини Кешда яхши билишарди. Катталар ҳам, болалар ҳам тўйиб мева-чева тановул қилишарди. Кузнинг илк кунлариданоқ узум гарқ пишиб етилганди.

Темур етти ёшга тўлди. У бўйига ўсиб, танаси чайир ва озгинлигича қолди. Шунинг учунми, қўрғонча аёллари ҳали олма, ҳали нашвати, ҳали эса узум узатиб, роса жонига тегишарди. Ҳаммалари худди келишиб олган

дай бир гапни бот-бот такрорлашарди: «Мевалардан егин, йўқса ўсмай қоласан». Баъзан темур Берқут бошчилигида ҳарбий машқлар билан шугулланаркан, найзани мулжалга уролмай қолса, бўлди, жорияларидан бири Фақира биби ёки Олия дарров: «Кўрдингми, мева емаслигинг оқибати бу!» — дея дашном беришарди. Аммо бу гаплар алақачон Темурнинг меъдасига теккан ва бола аёлларнинг гап-сўзларига кўпам эътибор беравермасди. Уларга жавобан: «Инсонга нима зарур бўлса, ҳаммаси қўй гўштида бор. Ишонмасанглар, отамдан сўранглар», — дерди бола аччигланиб.

Шунга қарамай, кўпинча аёлларнинг йўригидан чиқа олмас эди. Ўзининг қўргончадаги гўшанишинлиги яқин орада барҳам топишини у яхши биларди. Иссиқ қайтиши билан Ҳаққул полвон ва Берқут уни Қаршига олиб кетишади. Темурга ёзув-чизув, ҳисоб-китобни ўргатиш кераклиги юзасидан оила бошлиқлари баҳордаёқ келишиб қўйишган эди. Амир ҳарфларни таниши, китоб ўқиши зарур эди. Буларни эса Ҳожи Олим утган йилиёқ унга болани ўқитиш лозимлигини маслаҳат берганди. Ушанда Тарагай унинг таклифини амалга оширишга ҳали вақт бор, деб ҳисоблаганди. «Наҳотки мен ўғлимни Чингизхон қонунлари асосида тарбиялашга қодир эмасман?» — деб сўраганди у. Сунгги бир йил мобайнида ҳам шу фикрда эди. Аммо утган баҳорда Тегина хотуннинг укаси Абдулла Мерган ташриф буюриб, Тарагай Баҳодурга Шайх Саид Амир Кулолнинг: «Халқ Соҳибқирон деб атай бошлагон навқирон амирга саводсиз юрмоқ ярашмас», — деган гапини етказди. Тарагай авлиёсифат бу одамга эътироз қила олмас эди. Темурни ўқитиш тўрт-беш йил ёки ундан-да кўпроқ давом этиши мумкин эди.

— Беш йил?! — хитоб қилди Тарагай эс-хонаси чиқиб. — Нима, сизлар ани мулла қилмоқчимусизлар? Менга чинакам меросхўр даркор, тақсир!

— Хавотир олманг, азизим! Ўқимишли бўлмоқ ҳали ҳеч кимсага зарар келтиргон эрмас. Бир гал қуёшни кўргон одам зулматни бошқа қумсамайдур, — деди Абдулла Мерган.

— Хай, майли, кузда бора қолсун. Локин фақат икки йилга. Темур зеҳнлик-дидлик бола, ани кўп ўқитишнинг нафи йўқдур, — рози бўлди Тарагай Баҳодур ўлганининг кунидан. Ўзи билан ўзи баҳслашаётгандай бир неча фурсат сукутда қолди-да, бирдан ўт-

лига оқ фотиҳа берди: — Соҳибқирон, Соҳибқирон! Тиришиб уқигин, болам! Магар Парвардигор қўлласа, сенга бахт Ҳиндистон ва Эрондин ҳам келмоғи, қўл-ламаса, тумшугинг тагидагисини ҳам олиб қўймоғи мумкин.

Улар ана шундай тўхтамга келишди. Ниҳоят, Темурнинг Қаршига жўнаш вақти ҳам етиб келди. Тарагай углини ўқишга кузатиш шарафига бир кун олдин амирлар ва бошқа аъёнлар учун дастурхон ёзиб, зиёфат берди. Темур тугилганидан буён Ҳожи Барлос Тарагайнинг хонадонига ташриф буюрмаган эди. Энди у мезбоннинг унг томонидаги фахрли ўринда савлат тўки утирар, чап томондаги жойни Яккабоғ амира Муборак Барлос эгалаганди. У Жосун Чоқуй Барлоснинг Темурга тенгдош углини ҳам ўзи билан бирга олиб келганди. Болалар тезда тил топишиб кетишди. Узун қўргонча девори ёқалаб қувлашмачоқ ўйнашга тушишди.

— Чоқуй, агар истасанг, сенга истехком шинагини кўрсатурмен! — деди Темур.

— Кўрсат!

Сафарали бир чеккада ҳасад билан уларни кузатарди. Қўргонча девори ёқалаб югуришни у ҳам истар, эртага ўзи ҳам отаси Ҳаққул полвон билан бирга тугилиб ўсган қўргончасини тарк этиши керак эди-да.

Мана, ўша «эртага» ҳам етиб келди. Темур эгарга икки хил ҳиссиёт билан минди. Онаси билан хайрлашаркан, уни ва Фақира бибини қучоқлаб, йиглаб юборишига оз қолди. Кузларидан ёш чиқармаслик учун лабини тишлашига тўғри келди. Айни вақтда тезроқ жўнаб кетишга иштиёқи ҳам жуда баян эди. Қўргонча деворлари оша чексиз кенгликлар ястаниб ётарди. Бу кенгликлар гўё ўзига чорлаётгандай, некинлик ила алланималар ваъда қилаётгандай туюларди. Олдинда икки кеча-кундузлик йўл бор эди.

Сафарга отланганлар учун гичирлаб дарвоза очилди. Тегина хотун Темурнинг этагига ёпишиб, хўнграб йиглаб юборди. Боланинг томоғига қаттиқ алланима тикилгандай бўлди, лекин бу гал ҳам у ўзини босди.

— Ҳақиқий баҳодир! Паҳлавон! — дея тақрорларди Тарагай. У ҳам ичидан зил кетганди. — Ҳаққул полвон, жўна! Олга, олга! — бақирди у аранг ҳаяжонини босиб.

Ҳаққул полвоннинг ортидан Берқут, Темур, учта навкар, Сафарали ва Олия баҳайбат дарвоза орқали

ташқарига йўналишди. Охирида отаси кузатиб чиқди. Тарағай тезда қайтди. Лекин қўргонча дарвозаси анчагача, отличларнинг гавдалари иссиқ даштдаги ҳовурга сингиб кўздан гойиб бўлгунларига қадар очиқ турди. Фақат Темургина вазмин ҳолда икки марта орқасига ўгирилиб қаради. Лекин Тегина хотун елкаси оша унинг қайноқ нигоҳини эслаб қолди.

Қаршига сафарнинг иккинчи куни кунботар чогида кириб келишди. Азбаройи чарчагани ва қайноқ гармсел шамолдан Темурнинг кўзлари қизариб, оғзи қуруқшаб қолганди. Энди унинг от устида сафар аравасидагидай тетик ва бардам кайфиятидан асар ҳам йўқ, букчайиб, эгарга қапишиб кеттудай бир аҳволда эди. Қарши остонасида улар икки кундан бери дарё соҳили бўйлаб ўтган йўлдан ўнгга бурилишида, — дарё суви қўшни полизларга узлуксиз олиниши боис деярли қуриб қолганди, — Кепак хоннинг халқ Хонобод деб атайдиган ёзги ҳашамдор чорбоғи рўпарасидан чиқишди. Чорбоғ орқасида Қарши шаҳрининг кенг манзараси кўринди. Бу кўҳна шаҳар Шарқнинг бошқа шаҳарларидан қарийб ҳеч нимаси билан фарқ қилмасди. Уша пахса деворлар, сув тўлдирилган ҳандақлар, қоровул миноралари, учта қалъа дарвозаси: дарвозаи Кеш, дарвозаи Бухоро, дарвозаи Жайхун.

Шаҳарга Кеш дарвозаси орқали кириб боришди. Темур чарчоғини ҳам унутиб, қизиқиш билан шаҳарни томоша қиларди. Қарши Кешдан анча муъжазроқ, шаҳар атиги қирқ ёшда эди. Ўртадаги тепалиқда хон саройи жойлашганди. У ҳам худди ўзларининг қўргончалари каби пахса девор билан уралганди. Пастроқда амирлар ва ҳарбий саркардаларнинг ҳовлижойлари бошланарди. Ҳожи Олимнинг ҳовлиси Кеш дарвозаси билан хон саройининг қоқ ўртасига жойлашганди. Ана шу ҳовлида Темур беш йил мобайнида таҳсил олиши керак эди. Ҳовли Тарағайнинг қўргончасидан бир мунча кичикроқ, лекин девор ортидаги узумзор боғ ва полизлар жуда катта майдонни эгаллаганди. Темур боғда қўллар ва жориялар яшайдиган ҳамда уй ҳайвонлари учун қурилган ўндан зиёд иншоот борлигини ҳисоблаб чиқди.

Бобоси уйдаги ҳаётининг биринчи ва иккинчи йиллари Темур учун осуда ва фароғатли кечди. Пировардида у ўз таржимаи ҳолида бу ҳақда: «Мени мактабга беришди, ул гушада ҳарфлар жадвалини ўргат-

дилар. Мен тезда ўқишни ўзлаштирдим ва ютуқларимдин шодмон бўлдим», — деб ёзади.

Уша даврда Қаршида бешта бошлангич мактаб ва иккита мадраса фаолият кўрсатар ва уларда болалар ва усмирлар таълим олишар эди. Мактабда ўттиз нафаргача ўқувчи ўқиши мумкин эди. Темурни хон оиласи ва Қаршидаги бошқа зодагон оилаларнинг фарзандлари таҳсил оладиган мактабга жойлаштиришди. Бу аъёнлар мактабига ҳазрат Шайх Саид Амир Кулол ҳомийлик қилар ва ота-оналар мавқеи эътиборга олинмас эди. Болалар арзимаган айбга йўл қўйсалар ҳам аёвсиз калтаклашарди. Мударрисларнинг қўполлиги ва шафқатсизлиги устидан шикоят қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, бу — баҳодирларга ярашмайдиган иллат, деб қараларди.

Темур ҳам бир неча бор бундай саваланишдан четда қолмади. Калтак унинг орқасини мўматалоқ қилиб ташларди. Бундай қаттиққўл тарбия бола учун фойдасиз бўлмади. Кўп ўтмай у яхши ўқувчилар қаторидан жой олди. Ўқишнинг иккинчи йили Қуръон мутолаа қила бошлаганларида, у ўзининг энг қобилиятли толиби илмлардан эканини намойиш этди. Тўққиз ёшга тўлган вақти ҳақида Темур ўз таржимаи ҳолида қуйидагиларни ёзди: «Мен беш маҳал намоз ўқимоқни ўргандим, мактабда катта толиби илмлар сафига қўшилдим. Қайси мажлисда иштирок этмайин, уламолар ила ёнма-ён ўтирмоққа ҳаракат қилардим. Мен тиз чўкиб ўтирардим. Ўзимдин катталарга доимо иззат-икром кўрсатишга тиришар эрдим».

Темурнинг таржимаи ҳолида машғулотлардан буш вақтларини қандай ўтказганига ҳам тавсиф берилади:

«Мен болалар ила ўйнардим: айниқса, «уруш-уруш» ўйини менга жуда хуш ёқарди. Мен ўзимни амир деб эълон қилар ва ҳарбий ҳаракатларни бошқарур эрдим».

Кунларнинг бирида Сафарали «уруш-уруш» ўйинидан бош тортганида, Темур уни дўшослаб, бурнини қонатганиди. Сафарали кунгилчан, мўмин-мулоим бола эди. У ўз отаси Берқутта қўйиб қўйгандек ўхшар, лекин жасур жангчи бўлмиш падаридан фарқли ўлароқ китобларга кўпроқ ишқибоз, куч ва абжирлик ишлатиш лозим бўлган шовқин-суронли эрмаклардан ўзини олиб қочарди. Уни ҳам Темур қатори ўқишга беришган, лекин у оддий фуқароларнинг фарзандлари таҳсил оладиган мактабда ўқирди.

Ҳожи Олим ўз невараси ва хизматкорларининг фарзандини ажратмас, тарих илмидан сабоқ бераркан, уларга бирдай қарарди. Мадрасада тарих дарси утилмас эди. Сафарали ўзидан яхшироқ жавоб бериб, кўпроқ тиришқоқлик кўрсатса, Темурнинг жаҳли чиқарди. Лекин аксарият ҳолларда ўзи яхшироқ жавоб берарди. Унинг тарихий ҳодисаларга хотираси ўткир эди. Подшолар, саркардалар ҳаёти, мамлакатлар тақдири бетакрорлиги билан уни ўзига жалб этарди. У Ҳожи Олимга давлатни бошқариш тафсилотлари, ҳарбий юришлари ва жангу жадаллар ҳақида эҳтирос ила саволлар беришини қўймасди. Нега бир давлат кучайиб кетади, бошқаси эса, аксинча, ожизлашади? Нега баъзи саркардаларга жангда омад ёр бўлади, узгаларига — йўқ? Давлат тўплаган бойликларни нималарга ишлатган афзалроқ; кучли қўшин тузишгами ёки каналлар, йўллар қуришгами?

Бошқа уруғ-аймоқларидан фарқли улароқ Ҳожи Олим Темурнинг бахтли юлдуз остида тугилганига эътибор бермас ва ўзининг ҳузурида уни Соҳибқирон деб аташларини ҳам қўлаб-қувватламас эди. У меъёридан ортиқ мақтовлар болани бузади, хушомадга ўч қилиб қўяди, деб ҳисобларди. Боладаги қизиқувчан ақл-идрок ва ўткир зеҳн унга хуш ёқар ва буларни ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга уринарди. Темур бувасини саволларга кўмиб ташлар ва унинг «нега»ларининг чеки йўқ эди. Ҳожи Олим унинг ҳар бир «нега»сига сабр-тоқат билан жавоб қайтарарди. Тарихни билиш ҳеч қачон ортиқча юк бўлмайди. Ҳаётда ҳамиша қиёслар ва иқтибослар бўлиши мумкин, улар ҳақида фол очгандан кўра билган маъқулроқ.

Илоҳий башорат эса, ўз ишини қилаётганди. «Уруш-уруш» ўйинлари Темурни борган сари кўпроқ жалб қилар, бу ўйинларда куйиб-ёниб қатнашаркан, болада бўлажак саркарданинг илк ниҳоллари шу тариқа куртак ёзар эди. Бўлажак шавкатли ҳукмдор руҳи ана шу ўйинларда шаклланарди. Галабани қўлга киритиш учун қанча ишларни олдиндан режалаштириш: кучларни бир нуқтага жамлаш, жангчиларни ўқитиб-ўргатиш, улар ўз вақтида керакли жойга кўчирилиши ва душманга нисбатан жойлашган ўрни қўлайроқ ва мустаҳкамроқ бўлишига эришиш лозим эди. Жамият тараққиёти босқичлари тасодифлар асосига қурилмаганидай, инсонлар тақдири ҳам тасодифан кечмайди. Тарих буни ҳаммавақт қайд этиб кела-

ди. Бўлажак ҳукмдорлар, бўлажак йирик сиёсат ар-боблари, ҳарбий саркардалар «қўққисдан» юзага чиқишмайди. Йиллар, ун йиллар мобайнида бунинг учун нима зарур бўлса, шуни узларига жо қилиб, улар ўз олий мақсадлари сари қадам-бақадам илгарилайверишади. Одамларни ўз ироданга бўйсундиришинг осон иш эмас, лекин бу «илм»нинг моҳиятига етмай туриб, одамларни бирлаштирувчи манфаатларни илгаб олмасдан на бирор ҳукмдор ва на бир саркарда майдонга чиқади.

Кунларнинг бирида Ҳожи Олим Темурнинг битмас-тутанмас қизиқишини маълум маънода қондириш учун унга туркийларнинг илк подшоси Афросиёб ва баҳодир Сиёвуш ўртасидаги рақобат тарихини гапириб берди. Афросиёб Қаюмарс яшаган даврдан 2700 йил кейин Туронга ҳукмронлик қилган эди. Унинг давлатининг чегаралари тахминан Мовароуннаҳр сарҳадларига ўхшар эди. Шоҳ Кайковус ва Эрон ҳамда Турон ўртасидаги бетараф юртда яшаган номаълум соҳибжамол аёлнинг ўғли бўлмиш баҳодир Сиёвуш онасининг қўлида ўсганди. Онаси ўлагач, унинг ўрнини ўтай она эгалаганди. Сиёвуш келишган, алпқомат йигит бўлиб вояга етди. Угай онаси уни севиб қолади. Усмир нафрат билан унинг севгисини рад этади. Шунда иззат-нафси оёқ ости қилинган она шаҳзодага тўхмат тошини отади: гуё Сиёвушнинг ўзи унга кўз олайтирганмиш. Кўҳна Турон урф-одати бўйича, йигит узининг айбонлигини исботлаш учун гуриллаб ёниб турган улкан гулхан устидан отда сакраб ўтиши керак эди. У ушбу шартни муваффақиятли адо этади. Сунгра у Афросиёб устига қўшин тортиб, мағлуб этгач, унинг қизига уйланади. Лекин бу Афросиёбни Сиёвуш билан яқинлаштирмади. Турон подшоси Сиёвушга ишонмай, унинг ҳузурига каллакесарларини жўнатади. Сиёвушнинг ўғли Кайхисров отаси учун қасос олиш мақсадида ўз бобосини ўлдиради ва ўзи мустақил Хоразм давлатини барпо этади.

Бобосининг ҳикоясига жимгина қулоқ солиб ўтирган Темур ўрнидан туриб, майиб бўлган бармогини олдинга узатаркан:

— Буважон, — деди жиддий қиёфада, — бармогимдаги манови белгини кўраяписизму? Бул шоҳ Жамшидни ўлдиргани учун Эронга қарши қўйилгон нишон. Эмди бўлса, Хоразм ҳам Афросиёбни ўлдиргани учун жавоб берур. Чин сўзим!

Неварасининг кутилмаган бу гапи бобосининг капалагини учириб юборди. У ҳаётида илк марта чинакамига ваҳимага тушганди. Темурдаги болаларга хос бўлмаган гайриоддий қаҳру газаб уни фавқулодда лол қилиб қўйганди. Подшоҳлар ва султонлар ҳақидаги тарихлар Ҳожи Олимга илгаридан ёқарди; уларни зўравонлик ва қотилликларсиз тасаввур этиб бўлмасди. Лекин у бу воқеаларга тарих деб қарар, илло, қонсиз тарихнинг ўзи йўқ эди. Темур эса, ундан янгидан-янги тафсилотларни талаб қиларди. Шундай тарих бобоси неварасини болаларга хос бўлмаган изтироблар чангалига отаётганини англагани сари хавотири ортарди. Шунинг учунми, у энди ёвузликларга тўла бундай воқеалар ҳақида гап очмай қўйди. Шунда невараси бошқача, айёрлик йўлини излашга тушди, у Ҳожи Олимнинг ёнига ўтириб, елкасидан кучоқларкан:

— Додажон, бизда Тумарис исми буюк ҳукмдор аёл ўтгани ростму? — деб сўрарди.

Шунда Ҳожи Олим, бундай подшо ҳақида эшитмаганман, дея олмас, лекин айти вақтда бу шаҳзода аёл ҳақида гапиришни ҳам истамасди. Чунки у яшаган даврда одамлар қони дарё бўлиб оққан эди. Охири у бир иложини топди. Дамашқдан келтирган қалин бир китобни олиб, Темурга узатди.

— Эмди ўзинг ҳам яхши ўқий олурсен. Бул китобни румлик кўп донишманд тарихчи Херодот битмиш. Ани ўқиб, Тумарис форс подшоси Кирга қарши қандоқ курашгонини билиб олурсен.

Темур китобни ёнида утирган Сафаралига узатди-да, «Ўқи, мен эрсам қулоқ солурмен», — деди. Хизматкорнинг угли итбаткорлик билан китобни Темурнинг қўлидан олиб, паст, ёқимли овозда ўқий бошлади:

«Каспий уммонидин Шарққа қараб кенг ва ҳадсиз-ҳудудсиз текислик ястаниб ётур. Анинг катта қисмида массагетлар истиқомат қилурлар. Форс подшоси Кир аларга қарши уруш эълон қилмиш. Бул даврда массагетлар юртига Тумарис исми жасур аёл подшоҳ эрди. Эри вафотидин сўнг ул подшоликни қўлига олганди. Кир анинг ҳузурига ширинсухан элчиларни йўллаб, ани хотинликка олиш ниятида эрканлигини билдирмуш. Кирга ўзи эрмас, балким массагетларнинг ерлари кераклигини англаб етган Тумарис элчиларни қабул қилмайдур. Айёрлик била ҳеч нимарсани қўлга киритолмаган Кир Сир тарафга қўшин тортмиш».

Шу ерда Сафарали ўқишдан тўхтаб, яхшими, дегандай Темурга савол назари билан қаради.

— Ўқи, ўқийвер, мен бор вужудим ила тинглаётирмен. Зўр ўқиркансен.

«Бундан хабар топган шаҳзода Тумарис Кирга нома жунатмиш: «О, Мидия шоҳи, ҳарбий юришингни тўхтат, илло, бу қароринг сенинг фойданга якун топадими, йўқми, ҳали ҳеч кимса билмас. Ўзингни босиб, ўз юртинга шоҳлик қилавер, мен эрсам ўз мамлакатимни бошқарай. Магар бул маслаҳатимга юрмасанг, сени ўз қонингга чўмилтирурмен».

Шу жойда энди Ҳожи Олим гапни булди.

— Кўраяпсизларму, болаларим, Тумарис қандай донишманд подшо эрмиш. Ул қон тўкилишининг олдини олмоққа уринаётир.

— Фикри ожизимча, бобожон, бул ерда ул зот вақтдан ютмоқчи бўлгон. Катта қўшин тўпламоқ учун вақт керак-да, — деди Темур сокин бир уйчанлик ила кўзларинин чақнатиб. Гуё Кирга қарши унинг ўзи жангга кирадигандай.

Сафарали ўқишда давом этди:

«Тумариснинг номасини олган Кир форс оқсоқолларини тўлаб, маслаҳат солди. Жами мўйсафидлар бир овоздин жангга кирмоқни тавсия қилдилар. Кирнинг бул қарорини эшитгон Тумарис ҳарбий кучларини жамлаб, душманга қарши юриш бошлади. Уйлашимча, бул бадавийлар ўртасиндаги энг шафқатсиз уруш эрди. Форс лашкарларининг катта қисми қириб ташланмиш. Қарийб уттиз йил шоҳлик қилгон Кирнинг ўзи ҳам ҳалок булмиш. Тумарис теридин тикилгон мешни қон ила тўлдириб, Кирнинг жасадини топмоқни буюрди. Ани дарров топиб келтирдилар. Аёл анинг бошини мешга тиқиб: «Сен мени ҳақоратлаб, макр ила хотинликка олмоқ бўлгон эрдинг. Мен эрсам ўз қасамёдимга биноан сени ўз қонингга ташна қилмушмен», — деди».

Сафарали яна ўқишдан тўхтади. Хонага қабристон сукунати чўккан эди. Темур бирдан ўрнидан туриб кетди, узининг майиб бармогини боши узра кутараркан:

— Подшоҳ Тумарисхоним жасур ҳукмдор эркан! Мен мудом анга ўхшамоққа интилурурмен. Мен душманларимнинг ўз қонини ўзига ичирурмен! — дея хитоб қилди.

Шундан кейин Ҳожи Олим Темурга ҳеч қачон

шоҳлар тарихидан сўзламасликка аҳд қилди. Булар неварасининг хулқ-атворига ёмон таъсир курсатади, деб ҳисобларди у.

Лекин Ҳожи Олим бир марта ўз аҳдига хиёнат қилди. Бу воқеа Темур ота-онаси ҳузурига қайтиши арафасида содир бўлди. Бола ун икки ёшга тўлган эди. Ёшига нисбатан ўйчанроқ ва жиддий кўрунувчи Темур энди ўз тенгдошлари билан ўйнамас, ҳатто «уруш-уруш» ўйинини ҳам ёқтирмай қолганди. Боз устига Тарагай Баҳодур ҳам ўглини узлуксиз уйга чорлаётганди. Унинг фикрича, болага илм беришни тутатиш вақти етган, энди уни жангчи сифатида тарбиялаш керак эди.

Ўқишнинг бешинчи йили интиҳосига етаётганди. Темурнинг Кешга жўнашига бир ҳафта қолганда, Ҳожи Олим неварасига Қарши атрофларини, Қашқадарё воҳасининг кўҳна пойтахти Наутак шаҳрининг вайрона қолдиқларини кўрсатишни фойдали деб топганди. Айни баҳор палласи, дарахтлар ва бошоқли ўсимликлар қуёшга интилиб, лоззорлар ловуллаб ёнаётган гулхандай товланар эди. Булар бари Темурга Гули сурх байрами, Ҳизр бува, Афросиёб ва Искандар Зулқарнайини ботиний кўрган кезларини эслатди. Хаёлга чўмган Темур отининг ногаҳон тўхтаб қолганини ҳам пайқамади. Маълум булишича, улар улкан ҳудудни айлана шаклида ўраб олган эски пахсадевор ёқасига етиб келишган экан. Кўҳна қалъа деворлари ортида ўлик шаҳар ястаниб ётарди.

Чавандозлар девордаги (унинг баланглиги баъзи жойларда 60 чўзим, эни 6 чўзимга етарди) ёриқдан утиб, ўлик шаҳарга киришди. Куз унгларида намоён бўлган манзарадан Темургина эмас, балки Сафарали, Абдулла Мерган ва Берқутлар ҳам ҳайратда қолишди. Вақт шаҳарни аямаган, ҳаммаёқни харобазорга айлантирган эди. Ҳожи Олим отини шаҳар марказидаги улкан тепаликнинг чўққисига қараб ҳайдади. У ерда чавандозлар отдан тушишди, Ҳожи Олим қачонлардир бу ерда яшаб ўтган жангчилар ва шаҳарликларнинг руҳи покларига бағишлаб дуои фотиҳа ўқиди. Сўнг ҳикоясини бошлади.

— Болаларим, биз ҳозир қачонлардир Наутак подшоҳининг қасри бўлмиш масканда турибмиз. Бул — улугвор кошона эрди. Қалъа ҳар томондан мустаҳкам ҳимоялангон эрди. Сиз анинг деворларини кўрдигиз, аларга яқинлашмоқ ҳам амримаҳол эрди. Бул ҳу-

дуднинг ерлари серҳосил, одамлари бой-бадавлат турмуш кечиришарди. Бул ерлик одамлар мағрур ва жангари эрдилар, локин тақдир аларга ҳамиша ҳам кулиб боқавермасди. Бир ярим минг йил аввал Искандар Зулқарнайн қўшинлари қалъа остоналарига бостириб келмиш. Наутакни қуршов ила қўлга ололмадилар. Аммо Искандар айёрлик йўли билангина шаҳар дарвозаларини очмоққа муяссар бўлмиш. Шаҳар ўзининг мафтункорлиги ила саркардага шундайин хуш ёқмишки, ул ўрдаси била эрамизгача бўлган 329-328 йилларнинг бутун қишини шул гўшада ўтказмиш. Янги эранинг 699 йили қалъани Муслим ибн Қутайба раҳнамолигидаги араблар босиб олмишлар. Чингизхон ҳам ани ҳужум била ўз илкига олмиш. Ул ҳам Искандар киби 1221-1222 йилларнинг қишини шул масканда ўтказмиш. Аммо ани тарк этаркан, қалъанинг кулини кўкка совурмиш. Шундан сўнг бул жойда мамлакат пойтахти қайтиб тикланмагон.

Ҳожи Олимнинг ҳикоясини ҳаяжон ичида эшитган ёшлар шаҳар вайроналарини томоша қилгани тарқалиб кетишди. Тепалиқда Темур бир ўзи қолди. Уйга толган болани чақира бошлашди. Кўҳна, сирли Наутак оҳанрабодай ўзига торгарди. Бу кўҳна заминга дунё билган энг буюк икки жаҳонгир — Искандар Зулқарнайн ва Чингизхоннинг қадамлари етган. Улар мана шу тепалиқда туришган. Ўшанда нималарни ўйлашган экан? Темур-чи? Яқин йилларда Искандар ва Чингизхонларнинг шон-шуҳратини қўлга киритадиган, эҳтимол, бу борада улардан ҳам ўтиб тушадиган бўлажак улуг саркарда нималар хусусида бош қотираётган экан? Бунгача ҳали кўп воқеалар содир бўлиши ва кўп сувлар оқиб ўтиши зарур эди.

ОЛТИНЧИ БОБ

ҚОЗАҒОН ҚАРОРҒОҲИДАГИ УЧРАШУВ

1350 йилнинг баҳорида, Темур ўн тўрт ёшга тўлганида, унинг отаси амир Тарағай бошқа зодагон мўғул ва туркий амирлар қаторида Самарқандга, Мовароуннаҳр амири Қозагоннинг кичик қурултойига таклиф этилди. Ашаддий кўчма ҳаёт тарафдори бўлган бу амир тўрт йил аввал яккама-якка олишиб, Қозонхондан Чигатой улуси ҳукмдорлигини тортиб олган, уни овда ўлдириган эди. Амир Қозагон улкан хонлиқдаги

ҳокимиятни батамом қўлига олгач, Муборак шоҳнинг изидан бориб исломни қабул қилмаган, шунингдек, Кепакхонга ўхшаб аниқ бир манзилни мамлакат пойтахти қилиб белгиламаган эди. Қишда амир Қозагон қароргоҳи Соли Саройда булар, ёзни эса, Хутгалонда ўтказар эди. Меросхур хонлар тоифасидан бўлмагани сабабли амир Қозагон ҳукмдорликни расмий тарзда Чигатой хони сулоласи вакилларида бирига топширган эди. У аввал тахтга Донишмандчани, у вафот этгач, улуснинг қўтирчоқ ҳукмдори қилиб Баёнқулини ўтиргизди.

Баёнқулихоннинг амирлар ва беклар устидан ҳукмдорлик тахтига ўтиргизилгани икки йил аввал эълон қилинган, лекин янги хонни аъёнларга қурултойда расмий таништириш маросимини ўтказишга Қозагоннинг қўли тегмаётганди. Расмийчиликларга унинг тоби йўқ эди. Мовароуннаҳр устидан ҳукмдорлик бари бир ўзининг қўлида, бунга имони комил эди.

Аммо Чингизхон ясоларига биноан қурултой ўтказиш мажбурий, ортиқча гап-сўзлар чиқмаслиги учун уни орқага суриш мумкин эмас эди. Қурултойни Самарқандда ўтказиш мўлжалланганди. Бироқ Қозагон бу шаҳарга келгач, серҳашам саройларда яшашни лозим топмади, ўз қароргоҳини Афросиёб тепаликларининг бирига, айнан Чингизхон ўтови бўлган жойга ўрнатди. Ҳаворанг хитой ипагидан тикилган чодир бутун шаҳарга кўриниб турарди.

Амирлар ва беклар қурултойга бутун оилалари, ўғиллари ва неваралари билан бирга ташриф буюришди. Ҳаворанг чодирнинг ўнг ва чап томонларига тахтасупалар қатор териб чиқилган эди. Уларга қурултойга келганларнинг ҳаммаси ўз уруғ-аймоқларининг мавқеига қараб жойлашишлари керак эди. Тахтасупалар устига қимматбаҳо гилам ва шолчалар тўшалган эди. Марказда Қозагон ва Баёнқулихон ўтиришлари учун саҳнага ўхшаган баланд айвон ясалган эди.

Қурултой даврабошиси Тарагай ва унинг ўғлини амир Қозагон ўтирадиган жойнинг ўнг тарафига ўтқизганди. Ҳожи Барлос гарчанд Кешнинг ҳукмдори бўлса ҳам, лекин унинг уруғ-аймоғи Тарагайнинг уруғ-аймоғига нисбатан пастроқ нуфусдалиги боис унга пастроқ ва узоқроқдан жой ажратилганди. Урфодатга кўра амирлар ва беклар қурултойга тўла қуролланган ҳолда келишганди. Чигатой улусининг жа-

ми аҳли аъени йигилиб булгач, чарақлаган дубулгалар, совутлар ва бошқа яроғ-аслаҳалардан кўз қамашадиган манзара намоён будди. Қурултой муносабати билан Тарагай Темур учун Самарқанднинг машҳур усталарига ўткир учли дубулга, тери билан қопланган пулат энгликлар, кўкрак совути ясатдирган эди. Бундай эғни-бошда Темур чинакам жангчига ўхшаб кўринар, ҳеч ким уни ўн тўрт яшар ўспирин дея олмас эди. Шу тариқа Темур қурултойнинг бошқа иштирокчиларидан, қорага мойил кўнғир кўзларининг атрофга ўткир боқишини ҳисобга олмаса, ҳеч нимаси билан фарқ қилмас эди. Болага хос нигоҳ эмас эди бу... Ўз меросхўрини таништириш учун навбат Тарагай Баҳодурга етганида, амир Қозагон дарров бунга эътибор берди:

— Шерюрак йигит ўстирур эркансиз, амир Тарагай! — деди у қироат билан, Темур урнидан туриб, Қозагон ва Баёнқули хонга таъзим бажо келтираётганида. Ниҳоят, одатга кўра, қурултой аҳлига ёш амирлар ва бошқа аъёнларни таништириш маросими ниҳоясига етгач, ногоралар овози янгради, қуролбардорлар амирларнинг рўпараларига биттадан туғ санчиб чиқишди. Амир тарагайнинг туғи у бир туман, яъни ўн минг одамдан иборат қўшинга қўмондонлик қилиш ҳуқуқига эғалигини билдирарди.

Темур бу гаройиб томошани катта иштиёқ билан кузатарди. Нарироқдаги тўшамалар устида ўтирган баҳодирларга тикиларкан, боланинг эътиборини узидан бир-икки ёш каттароқ тикқомат, юзининг қони қочган қоракўз ўспирин тортди. У ҳамма қатори ҳарбий кийим-бошда, фақат дубулгасига амир Қозагонники каби олтин суви югуртирилган эди. Биринчи галда ана шу нарса унинг диққатини жалб этган эди. Кўп ўтмай Темур бу ўспирин амир Қозагоннинг невараси Ҳусайн эканини билиб олди.

Қурултойда, Чингизхон ясоларида ёзилиши бўйича, унинг иштирокчилари навбат билан Баёнқулихон олдида қасамёд қабул қилишар, айна вақтда, гарчанд бу ясоларда кўрсатилмаган бўлса ҳам, таъзим ила Қозагонга ҳам садоқатларини изҳор этишарди. Сўнгра қабила сардорлари айлана ҳосил қилиб, Баёнқулихонни оқ кийгизга ўтқизган ҳолда бошлари узра кўтаришди. Бу уни Чигатой улусининг чинакам ҳукмдори эканини тан олинганининг олий белгиси эди. Маросим яқунланаётганини билдириб, яна бир карра ёв-

войи буқа териси билан қопланган ногоралар овози янгради. Базми-жамшид бошланди. Ҳаворанг чодир яқинида бир неча соатдан бери гулханлар гуриллаб ёнар, улкан устунларга осилган буқа ва тойчоқлар гўшти пиширилаётганди. Ер тандирларида хушбўй ўтлар ва арча ўтида пиширилган таңдир кабоблар меҳмонларга мунтазир эди. Чангакларга қимиз тўла нам тортган мешлар осилганди. Муסיқачилар, раққосалар, хонадалар байрам томошасига ҳозирлик кўришарди. Хуллас, гаройиб базм кутилаётганди. Оқ кийгиз устидаги хонни бошлари узра кўтарган йигирма зодагон амир ҳаворанг чодирга таклиф этилганди. Тарағай Баҳодур ҳам, Ҳожи Барлос ҳам ана шу шарафга муяссар бўлишганди.

Темур бошқа оқсуяк ўспиринлар қаторида алоҳида дастурхон атрофида ўтирарди. Қозагоннинг невараси уни ёқдириб қолган ва ўзи билан ёнма-ён ўтиришга таклиф этганди. Улар уч қатор қилиб қўйилган юмшоқ тўшамаларда ўтиришарди. Темур билан Ҳусайн гапга тушиб кетишганди. Иккаласи ҳам гапга чечан, юдузлари бир-бирига тўғри келиб қолганди.

Эртасига тонг саҳарда ўқ ёй отиш, мўгулча кураш бўйича баҳодирлар ўртасида мусобақалар бошланди. Афросиёб тепаликлари анчадан бери бунақа жўшқинликнинг гувоҳи бўлмаганди. Биринчи бўлиб ўн иккидан каттароқ ёшдаги йигитлар ва ўспиринлар мусобақага кирдилар. Темур хатосиз нишонга урар, унинг нигоҳи ўткир ва қўллари бардам эди. У ўз гуруҳида галабага эришди, Ҳусайн ҳам ўз гуруҳидагилар ичида биринчилиқни олди. Қуръа ташланиб, иккови аввал ўқ ёй отишда, сўнгра полвонлар курашида юзма-юз келишлари лозимлиги аён бўлди. Темур ҳам, Ҳусайн ҳам ўнтадан ўқнинг ҳаммасини бехато нишонга уришди, алқисса, отишма голибни аниқлаб бермади. Шунинг учун ҳам уларнинг курашиш учун гиламга чиқишлари ҳамманинг эътиборини ўзига тортди. Ўз невараси ва кешлик ўткир нигоҳли баҳодир ўртасидаги курашни амир Қозагон ҳам қизиқиш билан кузатарди.

Белларигача ечиниб олган баҳодирлар гиламнинг ўртасида юзма-юз туришди. Ҳусайн сал тўлароқ, аммо мушаклари таранг ва келишган йигит эди. Темур озгин ва томирлари буртиб чиққанди. Аксарият йигилганлар вазни оғирроқлиги боисми, кўпроқ Ҳусайнга хайрихоҳлик кўрсатишга мойилроқ эдилар.

Кураш ярим соат давом этди, лекин голиб аниқланмади. Полвонларнинг ҳеч бири рақибини боши узра улоқтиришга муваффақ бўлолмади. Лекин иккови ҳам азбаройи тиришганларидан қора терга ботиб кеттишганди. Шунда амир Қозагон ҳаммада қониқиш уйғотиб, иккала баҳодирни ҳам голиб, деб эълон қилди. Курашни бошқараётган ҳакамлар Ҳусайн билан Темурнинг елкаларига кўк шойи чопон ташладилар. Қозагоннинг буйруги ила уларга биттадан тойчоқ ҳада қилинди. Устига сахтиён эгарлар тўшалган тойчоқлар ҳали чавандоз кўрмаган эмасми, пишқириб, ер тепиниб туришарди. Кумуш безақли юганлари ялт-юлт қиларди. Темур осмонга сапчиган той устига иккинчи уринишдаёқ миниб олди-да, доира буйлаб чоптириб кетди. Ҳусайн эса, терга ботиб ҳарчанд тиришмасин, ўз тойчоғини эплолмаётганди. У икки марта эгарга минишга эришди-ю, лекин ҳар гал уни тойчоқ ерга улоқтириб ташлади. Амир Қозагон ҳакамга қўли билан алланима деб ишора қилган эди, у саркаш тойчоқни жиловидан тортиб, айлана буйлаб юргизди. Ҳусайн ўз оти ортидан яёв кетди.

Куннинг иккинчи ярмида Тарагай Баҳодур ва Темурни ногаҳон улус ҳукмдорининг чодирига таклиф қилиб қолишди. Чодирга кириб келаётган амир Тарагай ва унинг ўгли билан кенг елкали, кўзлари қисик амир Қозагон ўрнидан туриб саломлашди. Бу билан у меҳмонларга алоҳида эҳтиромини аён қилган эди. Қозагоннинг ёнида, дастурхон тўрида Ҳусайн ўтирарди. Темур яқиндагина рақибни бўлган ўспиринни кўриб, хурсанд бўлиб кетди. Анъанавий ҳол-аҳвол сўрашишлардан сўнг Қозагон юзига табассум ёйилиб, дафъатан:

— Углинг қойиллатмиш, меники эрса — эшлай олмадур, — деди.

— Чавандоз кўрмагон от янги қўлга киритилмиш ҳокимият янглиг мудом ирғишлаб, эгасини улоқтириб ташламоқ пайида бўлур, — деди Тарагай унга ҳамоҳанг гапиришга тиришиб.

— Ҳусайн ўглингни таклиф қилмоғимни илтижо қилмиш, илтимосини бажо келтирмишмен, — дея изоҳ берди Қозагон.

— Навқирон баҳодирнинг илкига ҳокимият бермоқ жоиз, — деди Тарагай мамнулигини яширолмай.

— Ҳокимият чавандоз кўрмаган тойчоқ янглиг ирғишлайди, деб ўзинг айтмишсен-ку, — деди Қозагон

дустана оҳангда неварасининг бошини силаётганини ўзи ҳам пайқамай. Гап мавзуси энди Ҳусайн ва Темурнинг тарбияси хусусида борди. Кутилмаганда Қозагон Тарагайнинг аждодлари билан қизиқди ва Қорачур нуён ҳар иккаласига ҳам катта бува эканини билгач, сергак тортди, бақалоқ юзи жиддий тус олиб, невараси ва Темурга юзланди:

— Эмди сизларга Чингизхоннинг ўз зурриёдларига айтмиш ўғитларини аён этурмен. Ани менга отам, отамга эрса бувам сўзлаб бермиш. Бувам бўлса, ўғитларни энг буюк хондин эшитмиш. Фикри ожизимча, бул ўғитлар ўзининг бебаҳо мазмунини ҳеч вақт йўқотмас.

Қозагон кўзларини юмиб, утирган жойида оҳиста чайқалганча вазмин гап бошлади.

— Чингизхон ўз ўғилларини ҳузурига жамлаб, сўроққа тутмиш: «Жами байрамлар ичра энг улуғи қайси байрам? Энг яхши ҳузур-ҳаловат недин иборат?» Бул саволга жавобан Чигатой: «Эски йил тугаб, янги йил бошлангони муносабати ила базм қилинса, фикри ожизимча, мана шу энг олий байрамдур», — деди.

Чингизхон ўглининг гапига эътироз билдирди: «Йўқ, бул чинакам олий байрам эрмас. Бола ҳали тугилмагон, анга ҳали исм қўйилмагон эрса, ул ҳали энасининг қорнидаю дунё юзини кўрмагон ўлса, кимга исм қўядурсиз, ахир? Кимнинг таваллудин нишонлайдурсиз? Магар сиз фарзанд тугилгонининг гувоҳи бўлиб, ана шуни байрам қилсангиз, ушал ҳақиқий байрам булур. Отасидин ибтидо тошиб, энасидин тугилгон гўдаккина чинакам байрам манбаидир».

Чигатой яна гапиришга журъат этди: «Менинг фикри ожизимча, агар душманингни тору-мор айлаб, босқинчиларни яксон этсанг, туяни ўз бўталоқлари учун йиғламоққа мажбур айлаб, катта бойликни қўлга киритсанг, бундин ортиқ ҳузур-ҳаловат бўлмас чоғи».

Амир Қозагон шу ерда гапини бўлиб, кўзларини очди ва ёшларга синчков нигоҳ билан тикилди. «Кўраяпсизларму, — деди у кўзлари чақнаб, — буюк хон бобомиз Чигатойга нечоғлик ҳурмат ила қарагон. Гарчанд, Жўжи катта ўғил бўлгонига қарамай, бобомиз анга аввал гап бошламоғига ижозат бермиш. Ул Чигатойга икки гал гапирмоққа ижозат бермиш. Бул — улусимиз хонига бўлгон катта иззат-икром аломатидур».

Сунгра Қозагон яна кўзларини юмиб, ҳикоясини давом эттирди.

— Буюк хон Чигатойдин сунггина Жужихонга сўз бермиш. Жужу: «Менимча, Олий ҳузур-ҳаловат бул — от боқмоқ, икки ёшли отларни пойгага қўймоқ, поёнсиз даштда қароргоҳ бунёд айлаб, базми-жамшид қурмоқдур».

Учинчи бўлиб сўз навбати Ўгадойга тегди: «Менинг фикри ожизимча, отамиз узлуксиз тер тўкиб тузгон улуг давлатнинг янада равнақ топмогига эришмоқ — энг катта шодмонликдур. Давлат равнақ топиб, юрт фаровонликка юз бургон тақдирдагина ҳар ким — қари-қартанг ҳам, ёш-яланг ҳам — истаган кўнгил-хушлигини қилавермоғи жоиз».

Сунги сўзни хоннинг кенжа ўгли Тулой олмиш: «Менинг фикри ожизимча, ўз аргумоқларингга миниб, шамолдин тез учиб кетсанг, — шудин ортиқ ҳузур-ҳаловат йўқдур. Айни дамда кекса бургутингни ёввойи ўрдаклар ортидин қўйиб юборсанг. Зилол сувли зангори кўлда балиқ овласанг...»

Чингизхон ўз ўғилларининг гапини диққат ила тингламиш. Кейин вазмин оҳангда сўз қотди: «Жужу ва Тулой, сизлар ёш болалар киби гап қилмишсизлар. Чигатой мен ила бирла ёвга қарши юришда қатнашгон. Ул кўп нарсаларни англаб етмишдур ва тўғри сузлаюр. Ўгадой ҳам тўғри айтмиш. Магар давлатни бошқариш яхши йўлга қўйилгон, мамлакатда тартибот мустажоб ва анинг юртбошиси доно ва тадбиркор ўлса, агар анга ҳаёт бергон ота-онаси тирик, анинг қўшинлари душманни тору мор этмоққа қодир эрса, хотин-халажи ва бола-чақаси соғ-саломат, анинг ўзи эрса, Коинотнинг қудратли мангу руҳи паноҳида ўлса, иқтибоси йўқ буюк ҳузур-ҳаловат мана шулдур».

Чингизхоннинг ўғитларини айтиб тугатган Қозагон яна кўзларини очиб, аввал Ҳусайнга, кейин Темурга синовчан тикилди. Сунгра уларга фотиҳа берди: «Сизлар забт этажак тепалик ҳамиша юксақда бўлмай. Буюк хон ўз ўғитлари ила баҳодирларни жасорат отига миндиргай ва от қоқилмайдиган йўлни курсатур. Анинг ақл-заковати ва донишмандлиги — менинг жажжи баҳодирларим кўлга киритмоғи лозим бўлгон мўъжизанинг ярмидур. Бир-биримизга ҳамиша мадаккор бўлурмиз, дея қасамёд қилинглар!»

Темур ва Ҳусайн Қозагон ва Тарагай Баҳодурнинг

олдида тиз чўкиб, кўҳна одатга кўра ўзаро хоч шаклида қучоқлашишди. Қозагон ёшларга нақшин жилолар берилган иккита жанговар пичоқ узатди. Тутқилари ҳаворанг феруза тошлар билан безатилган пичоқни неварасига, асил ёқут билан безатилган пичоқни эса Темурга берди. Ёш баҳодирлар тиззаларини ердан узмай, яна бир қарра таъзим бажо келтиришди. Бу учрашув бутун умр Темурнинг ёдида сақланиб қолди.

Эртасига амирлар, нуёнлар, беклар ва уларнинг зурриёдлари учун катта ов куни эълон қилинди. Жами чингизийлар овни жон-диллари билан яхши кўришар ва зур кўтаринкилик ила утказишарди. Ов учун бағоят гўзал, хилватгоҳ жой ажратилган эди. Самарқанд ортидаги Кўҳок тепаликлари яқинида, олтин суви Зарафшон дарёси ва туқайзор ўртасида ажойиб водий бор эди. У эгри-бугри дўнгликлар силсиласига уланиб кетганди. Туқайзорда Зарафшон йўлбарси, қобон ва туқайзор кийикларини учратиш мумкин эди. Дарёнинг саёз сайхонликларида кўрқоқ бугулар изғиб юришарди. Тошлоқ жарликларда бўри ва тулкилар уя қуришганди. Кўлларда сон-саноксиз ўрдаклар, сақоқуш ва бирқозонлар сузиб юришарди. Хуллас, бу ерда ҳар қандай овчи ўз санъатини тўла намойиш қилиши учун имкониятлар бисёр эди.

Қуёш уфқдан бош кўтармасиданоқ ҳаворанг шойи ёпилган амир чодирини қошига узун таёқлар кўтарган ҳайдовчилар, шикорбегилар, хонаки қушларини елкаларига қўндирган бургутбозлар етиб келишди. Беш юздан зиёд овчи ўз омадини синаш иштиёқида ёнар эди. Амирлар ва бошқа аъёнлар овга қурултойдагидан фарқли ўлароқ буткул ўзгача кийим-бошларда келишганди. Қурултойда ҳар бир аъённинг зотини билдирувчи дабдаба ҳукм сурган, бу гўшада эса, ҳамма одмигина кийинганди. Салобатли баҳодир йигитлар энгил шимда, белларига энли камар тақилган оддий чопонларда эдилар. Камарларга жанговар қилич ва ов пичоқлари, чўқморлар, қочаётган бугуларнинг бўйнига отишга мўлжалланган арқон боғламлари осилганди. Бошларига огир дубулгалар ўрнига теридан тикилган энгил кўлоқлар кийишганди. Йўлбарс овлашга жазм этган баҳодирлар найза билан қуролланишган эди.

Бу улкан, сершовқин одамлар тўдаси орасидан Ҳусайн Темурни осонгина излаб топди. Ҳусайнни икки йигит кузатиб юрарди. У бирга ов қилишни таклиф

эди. Темур миннатдорлик ила рози бўлди. Унинг кайфияти кўтарилиб кетганди.

Қуёшнинг илк нурлари водийга таралиши билан чодирдан чиққан Қозагон шай қилинган отига миңди. Кекса шикорбеги ҳайдовчилар, итбозлар ва ногорачиларга ҳайвонларни ҳуркитишни буюрди. Овнинг шовқин-сурони тўқайларга кўчди. Ногоралар гумбурлар, мис наққоралар жаранглари, туриб қолган газабнок итлар вовуллашар эди. Сукунат қўйнидаги ёввойи тўқайларни гала-гала овчилар босди. Олтин сувли дарё яқин ўртада бунақа кўп оломонни, бунақа жўшқинликни кўрмаган эди. Минглаб қушлар «гурр» этиб осмонга кўтарилишди. Камончилар садоқларига ёпишишди — учаётган ўрдаклар яхши нишон эди. Қушларни уриб туширишгач, бугу ва тўқай кийикларининг ортидан қулаб кетишди. Баҳодирлар бу борада ҳаводаги ўрдакларни нишонга олганларига нисбатан кўпроқ абжирлик ва маҳорат кўрсатишди. Ҳар бир бугунинг орқасидан ўн-ўн бешта чавандоз қувлар эди. Темур осмондаги ўнта ўрдакни ва иккита соқоқушни уриб туширганди. Қозагоннинг невараси ҳам ундан қолишмаётганди. Ўлжаларни Ҳусайннинг навқарлари йиғиб олишган ва улар эгарларга осилиб турарди. Ёш баҳодирларнинг ўзлари эса, энгил қолда бугуларни таъқиб этишга киришгандилар. Темур ўлжани нишонга олиб, ўқ ёйни қўйиб юборди, лекин югуриб бораётган бугу қоқилиб тушди ва бу уни қутқариб қолди — аммо қанча умри қолдйкин? Темурга нотаниш баҳодирнинг омади чолиб, ўсмирнинг шундоқ бурни тагидаги ҳайвонни илиб кетди. Афсус чекишнинг фойдаси йўқ, айб ўзида. Ҳусайн билан Темур амир чодирга қушларнинг улкан боғламинигина кўтариб қайтишди.

Бир оз ҳордиқ чиқарганларидан сўнг овнинг асосий қисми — қамишзор йўлбарсларини ҳуркитиш бошланди. Ҳайдовчилар ярим доира ҳосил қилиб буйруқни кутишарди. Мана, ниҳоят, тегишли буйруқ ҳам берилди. Эрталабки тўқайзордаги қий-чув энди қамишзорларга кўчди. Ҳайдовчилар учта йўлбарсни очиқ жойга, дарё соҳилидаги зумрад яйловга ҳайдаб чиқишди. Баҳодирлар шу заҳоти йиртқичлар томонга интилишди. Темур ва Ҳусайн ҳам улардан қолишишмасди. Тарағай Баҳодур навқирон овчиларга ҳалақит бермади. Ўзларини синаб кўришсин, чинакам хавфга юзма-юз келиш қандай бўлишини билиб қўйишсин.

Биринчи бўлиб энг яқин турган йўлбарсга боя буғуни Темурнинг оти туёқлари остидан илиб кетган нотаниш баҳодир яқинлашди. Лекин отини тўхтатишга улгурмади. Хавфни пайқаган йўлбарс бир сакрашдаёқ унга юзма-юз чиққан дамда баҳодирнинг оти гандираклаб кетди ва чавандоз эгардан тошдай отилиб тушди. Темур бир неча фурсат кутурган, ҳар нарсага шай йиртқич билан бирма-бир қолди. Унинг найзаси катталарникига нисбатан икки баравар енгилроқ эди. Бир дақиқа ҳам вақт йўқотмай, бор кучи билан уни йўлбарсга қараб отди. Найза елкасига тешиб кириб, ҳайвонни ерга қулатди. Йиртқич ирғиб ўрnidан турди, аммо елкасидаги найза юришга халақит берар, танасида кучли оғриқ уйғонган эди. Яраланган ҳайвоннинг устига учиб келган учинчи баҳодир эгардан тушиб кетгудай ҳолатда пастга эгилиб, йўлбарснинг бошига зарб ила чўқмор урди. Йиртқич ўлим талвасасида типирчилаб, ўкириб юборди-да, яна ағдарилди. Чўқмор кўтарган чавандоз эса, отидан тушиб, мағлуб бўлган йиртқич ҳайвон сари юрди. У қора ёмғирпўш кийган эди. Темур унинг кучи ва мерганлигидан ҳайратда эди. Қора ёмғирпўшдаги баҳодир амир Қозагоннинг ўзи бўлиб чиқди.

Темур ҳаётидаги илк амирлар ови ана шу тариқа якунланди. Қозагон ёш баҳодирга ўзи ўлдирган ҳайвоннинг терисини совга қилди. Бир неча йилдан кейин эса, тақдир тақозоси билан амир Қозагоннинг ўзи даҳшатли чўқмор зарбининг қурбони бўлади. Лекин бу фожеа юз беришига ҳали анча вақт бор эди. Биринчи ов Темурнинг хотирасида узоқ сақланиб қолди. Илгари бу машғулотга ўспирин унчалик аҳамият бермас эди. Энди бўлса, унга дилдан берилиб, ашаддий овчига айланди. Овда унинг қалтис ва қўрқув билмас баҳодир экани борасидаги шон-шўхрати тобора тез тарқалиб борарди. Амирлар бу жасур ўсмирни ўзлари билан бирга ов қилишга узлуксиз таклиф этишарди. Темурнинг номи кўплаб амирлар ва баҳодирларга яхши таниш бўлиб қолди. Вақт эса ўз ишини қилаётганди. Темурнинг ҳаётида навбатдаги, янада муҳимроқ воқеалар пишиб етилаётганди.

Унинг балогат ёши яқинлашаётганди. У қанот ҳосил қилгандай кўтаринки кайфиятда яшарди. Дунёнинг тўрт томони унинг учун бирдай очиқ ва бирдай сурурли эди.

Самарқанддан қайтганларидан сўнг Темур кутилмаганда отасидан тоғда, чўпонлар орасида яшашга ижозат беришини илтимос қилди. У ёқда турфа ўтуланлар ўсадиган эркин кенгликларда Тарагай Баҳодурнинг отарлари бор ва сон-саноқсиз қуй-йилқилари боқилар эди. Ўглининг бу илтимоси амирни аввал ҳайрон қолдирди. Лекин уни эътибор билан эшитгач, баттар ҳайратга тушди; боланинг фикр-мулоҳазалари ёшига нисбатан анча етукроқ эди.

— Магар камина пухта ҳозирлик кўрмасам, тақдир менга ҳозирлаб қўйгон юкни кўтаролмаслигим мумкин. Шул боис, отажон, тоққа бормогимга ижозат беринг. Чўпонлар ҳаётини ҳам бир кўрай. Гулхан ёнида тунаб навқирон тойчоқларни синовдан ўтказай. Отарларимизга путур етказётган буриларга қирон келтирай. Ҳаққул полвон: «Занжирбанд ит овға ярамас,» — деб бежиз айтмас, ахир.

— Маъқул, ўғлим. Тиришқоқлик ила қилинган меҳнатгина тиконзорни гуллаб-яшнагон боғ-роғга айлантирур. Қунт ва ҳафсала пишмаган мевадин ҳам ширин ҳолва етилтирур. Айтгонингдай бўла қолсун. Чўпонлар даврасига бора қол, Ҳаққул полвон ҳам сен ила бирла борсун. Тоғда кўнглинг тусаганича яшамонинг мумкин.

Отасидан оқ фотиҳа олган Темур 1351 йилнинг айна қўйлар қўзилай бошлаган эрта баҳорида чўпонлар ҳузурига отланди. Ҳаққул полвон мамнун ҳолда эргашди. Унинг ёшлиги Тарагайнинг отарларида ўтган эди. У ёши улгайгачгина ҳарбий юришларда қатнашиб, карвонларга етакчилик қилишга киришганди.

Чўпонлар орасида ўз туз-насибасини териб еркан, Темурга кўп синовлардан ўтишга тўғри келди. Қўққисдан қор кўчкилари бошланиб қолар, бўри галалари билан шафқатсиз олишувлар бўлиб ўтар эди. Ёввойи, тутқич бермас, ҳуркак ва зотли тойчоқларни қўлга ўргатаркан, уларнинг чинакам қимматини тушуниб етди. Ҳаққул полвон уни от миниш ва унда турли жанговар мақомларда юришга ўргатди. Шартшароитни обдан билиб, ўзлаштириб олган Темур энг кучли ва бақувват йигитлардан ўзига гуруҳ тузди. Улар билан бирма-бир олишув Темурни пулатдай тоб-

лади. Ҳаққул полвон унга эгарда ўтириб, калласи билан пастга осилишни ўргатди. Амир Қозагонга йўлбарсни чуқмор билан уриб ўлдиришида худди мана шу усул асқотган эди. Пастда, отнинг қорни остида осилиб туриш даҳшатли иш эди. Лекин жангда бунга зарурият туғилар ва шунинг учун Темур ўзидаги қўрқувни зўр бериб ҳайдарди.

Гуруҳда ёш йигитлардан куч-қуввати ва абжирлиги билан Мубошир полвон ва Абдуллоҳ ботир алоҳида ажралиб туришарди. Улар энди ўн саккиз ёшга тўлишган эди. Бир ярим йилдан сўнг у Кешга қайтаркан, ўта ёқиб қолган бу ёш чўпонларни ўзи билан бирга олиб кетди. Тегина хотун ўғлини кузларида ёш билан қучоқ очиб кутиб олди. Унинг рўпарасида энди ўспирин эмас, балки елкалари кенг, кишига ер остидан синчков тикилувчи, эркаксифат забардаст ёш йигит турарди. Тегина хотуннинг қувончли хитобларини эшитиб, аёллар бўлмаларидан Фақира биби ва Олиялар югуриб чиқишди. Фақира биби анча озиб, қартайиб қолганди. Улар ҳам азбаройи суюнганларидан «оҳ-воҳ» қилишиб, сўраша кетишди. Улар ҳам Темурдаги катта ўзгаришни дарров пайқашган эди. Фақира биби пинҳона кўз ёшларини артиб қўйди.

— Сени беқийс баҳодир тусинда кўрмоқ бахтига муяссар этгани учун Оллоҳга минг қатла шукур, Темур, — деди йигитнинг елкаларига қўл текказиб.

Ичкари ҳовлидан Тарагай Баҳодурнинг катта аёли оқсоқ Қадоқ хотун чиқиб келди. У бутун умр ўғил туғишни орзу қилар, лекин фақат қиз кўрар эди. У хурсандлик билан ўғай ўғлини бағрига босди, сўнгра Тегина хотунга яқинлашиб, уни ўғлининг омон-эсон қайтгани билан қутлади. Отаси ва Берқут қўрғончада йўқ эди. Улар савдо қарвонини кузатиб кетишган, лекин яқин ўртада қайтишлари даркор эди.

Темур даставвал ўз дўстларини Қарши даштига овга таклиф этди. У бугуларни қувлашга шошилар, тоғдаги довьорак ва эркин ҳаётдан кейин ўзининг нималарга эришганини намоиш қилиш интиёқида ёнарди. Овга жуда кўп ёш баҳодирлар тўпланди. Улар Темурнинг қайтганидан чин дилларидан хурсанд, гаройиб ов бўлишини олдиндан сезишаётгандай эди. Мана, ов ҳам бошланди. Ҳайдовчилар Ҳаққул полвон бошчилигида илгарироқ даштта чиқиб кетишган ва бугулар бисёр жойни топишган эди. Энди улар буйруқ кутишаётганди.

Овга чиқишларидан бир кун олдин Темур галати туш кўрди. Қашқадарёнинг қамишзор чангалзорларидан бирида уни баҳайбат қора паҳмоқ ит кутиб турарди. Итнинг кўзлари одамникига ўшар эди. Темур тушида хотирасига зўр берди: «Бу кимнинг кўзлари эди-я?..» Ниҳоят эслади. Кеш ҳукмдори Ҳожи Барлоснинг юзбошиси Танорнинг кўзлари эди бу... Темур ўз тушларига доимо жиддий қарар эди. Кимдир (ёки нимадир) уни ўз ҳаётида кечажак муҳим воқеалардан аввалдан хабардор қилиб туради, деб ўйларди у. Кимдир уни ана шу «муҳим» нарса билан юзма-юз келишга олдиндан тайёрларди. Масалан, Самарқандга сафари олдидан у албатта амир Қозагон билан учрашиш шарафига муяссар бўлишини билар эди. Ўшанда пешонасида ёрқин юлдуз чарақлаб турган оқ туя тушига кирганди. Туя у билан инсон овозида гаплашган эди. Темур кароматли тушлар кўра бошлаган болалик кезлариданоқ уларнинг таъбирларини тушуниб олган ва деярли ҳеч қачон янглишмас эди.

Сўнги тушининг таъбири ҳақида ўйларкан, у кимдир ўзини хавфдан огоҳ этаётгани, эҳтиёт бўлиши зарурлигини англади. Демак, овда уни йиртқич ҳайвонлар эмас, балки муайян хавф таъқиб этажак. Юзбоши Танорнинг нигоҳи билан қаровчи қора паҳмоқ ит кези келганда унга ҳужум қилиши мумкин.

Юқоридан огоҳлантирилгани ҳақида Темур ҳеч кимга ҳеч нима демади, лекин овга янги қуролдош дўстлари Мубошир полвон ва Абдуллоҳ ботирни ўзи билан бирга олиб кетди.

Темур анчадан бери орзу қилиб юрган ов унғидан келди. Унда қарийб беш юз полвон, Кеш ва Яккабоннинг жами аъёнлари иштирок этди. Ов кутганидан ҳам зиёда бўлди. У бугуларнинг кетидан катта тезликда от чоптириб бораркан, уларнинг бирини қувиб етиб, пастга энгашганча орқа оёғидан ушлаб эгарига ортганини кўрган баҳодирлар ҳайратдан қийқириб юборишди. Бу амал кутилмаганда, цирк артистлари каби ажойиб тарзда, тез ва маҳорат билан ижро этилган эди. Бу манзарани кўрган аъёнларнинг завқ ва ҳасаддан кўзлари қинидан чиқиб кетаёзган эди. Темурнинг тоғда чўпонлар билан бирга ўтган ҳаёти унга кўп нарсалар бергани кўриниб турарди.

Бугу овидан кейин овчилар тўдаси қамиш чангалзорларига қараб бурилди. У ёқда ҳайдовчилар икки

йулбарснинг изини пайқашганди. Темур уз отини анча сийрак усган ялангоч қамишзор сари ҳайдади. У ердан ҳайвонни пайқаш зич усган қалин чангалзордагига нисбатан осонроқ эди. Мубошир полвон билан Абдуллоҳ ботир бир қадам ҳам орқада қолмай, унга эргашиб келишарди. Темур бир сония қамишлар ортида кўздан ғойиб бўлди. Худди шу онда унинг қуролдошлари чангалзорга яшириниб олган қотмадан келган дароз кимса қаддини ростлаб, Темурнинг орқасини нишонга олганча камонини торта бошлаганини кўришди. Абдуллоҳ ботир шу ондаёқ тоғда бурилар галаси овга чиққанидан огоҳлантириш лозим бўлган кезлардагидай бор овози билан:

— У-у-у-ҳ-у-у-в-в! — дея қичқириб юборди.

Даҳшатли қичқариқ еру осмонни тутди. Ҳуркиб кетган қушлар «пирр» этиб осмонга кўтарилишди. Шу заҳоти ёнига ўтирилган Темур узини нишонга олган одамни кўрди. Отнинг қорни остига осилиб олиши учун яна бир дақиқа кифоя қилди. Ана шу ўта ўнғайсиз вазиятда, оёқлари билан отини қучоқлаганча калласи пастда осилиб тураркан, у рақибига найза отди. Дароз одам қўлларини ёзганча, қамишларни қийратиб, сувлоқ ерга қулади. Темур отини буриб, унинг тепасига келди. Пастда унга кечаси тушига кирган қора отнинг бақрайган кўзлари киприк қоқмай тикилиб турарди. Унинг оёқлари остида юзбоши Танорнинг жасади ётарди. Темур бир тупуриб, ҳайдовчиларнинг овозлари келаётган тарафга от чоптириб кетди.

Эртасига у кечки овқатдан сўнг ўзи яхши курган кекса ёнгоқ тагида ўтирганида, Тегина хотун унга яқинлашиб ёнига ўтирди ва пича сукут сақлаб тургач, секин гап бошлади: «Ўғилгинам, сиз эмди етук баҳодирлардинсиз. Шул ойда ҳаммамиз озурда кутмиш балогат ёшига ҳам етурсиз. Шул боис мен сизни туғилгонингиз ила боғлиқ баъзи воқеалардин огоҳ айламоқчимен. Мен сизга ҳомиладор бўлиб, сиз дунёга келмогингиз арафасинда Олия келиб, Ҳожи Барлос мени қорнимдаги ҳомилам ила бирла ўддирмоқчи эркани ва анинг бул ёвуз ниятини юзбоши Танор амалга оширмоги кераклигини менга аён этмиш. Мен яширинмоққа мажбур бўлдим ва сиз қўрғончада эрмас, ота уйиндан олисдаги танҳо кулбада дунёга келмишсиз. Ўшанда бизга қарши ёвузлик бош кўтарганини сиз билиб қўймогингиз жоиз».

Онасининг гапларини хотиржам тинглаган Темур кечаги овда юз берган ҳодисани айтиб берди. «Ташвиш чекманг, эна, ўшал одам эмди ҳеч кимсани таъқиб этолмас. Мен ани мағлуб этмишмен. Ул кеча мени ўша изингиздан тушган маҳалдагидай ёвуз ниятда қамишзорда пойлаб тургон эркан. У — эмди жонсиздур».

Тегина хотун хавотир ва ҳаяжон ичида тиз чўқди, гўё углини кимдир тортиб оладигандек, унинг оёқларини кучоқлаб, йигламоқдан бери ҳолда гапирди:

— Вой, шўрим, ул сени ўлдирмоқ бўлибдур-да! Худога шукур, қўли калталиқ қилибдур. Лаънати қотил дўзаҳда куйсин, илойим!..

— Ҳа, эна. Мен умримда биринчи бор одам ўлдирмишмен. Локин ўшал зот мени ўлдирмоқчи бўлгонди. Ул башарий жазога гирифтор бўлмиш. Сен айтиб бергон нохуш воқеа шул тарз ўз интиҳосини топмиш, деб ҳисоблармиз.

Темур шу заҳоти Ҳожи Барлос ва унинг амирона қабих режалари ҳақида уйга толди. Танорнинг ўлими билан ўз ҳаётига раҳна солаётган хавф ҳали барҳам топмади, дея хаёлидан кечирди у. Энди бу хавф ўз қиёфасини узгартиради, турли шаклларга киради. Лекин онаси бу ҳақда ҳеч нарса билмаслиги керак. Шу чоққача чеккан ташвишлари ҳам етиб ортади. Кейин у ачиниш ҳиссини туйди. Гарчанд ўз ҳаётини сақлаш эвазига булса-да, Танорни ўлдиргани учун афсус чекди. Лекин унинг ўзи қурбон бўлолмас ва буни истамас эди.

Бир ҳафтадан сўнг қўргончага Тарагай Баҳодур қайтиб келди. Уни кузатиб борган ўн нафар навкар ҳам қайтишди. Йигирма от ва саккиз туяга оғир юклар ортилган эди. Тарагай узум иишиши билан Темурнинг балоғат ёшига етгани ва унга баҳодир сифатида қўргонча хўжалигини бошқариш топширилиши боис катта тўй-томоша утказилажанин тантанали равишда эълон қилди.

Темур бу дақиқаларни анчадан бери кутарди. Ма-на, ўша кун ҳам етиб келди. Отаси Темурни жомеъ масжидига бошлаб бориб, имоми ҳатиб фотиҳасини олгач, жума намозига тўпланган ҳалойиққа қарата эълон қилди:

— Камина, амир Тарагай амир Барғилой ўгли, фарзандим Темур йигит киши қилич ва ер-сув ҳамда мол-мулкка эга бўладургон балоғат ёшига етгонини

тантанали суратда маълум қилурмен. Ҳаммага шу нарса аён бўлгайким, мен, амир Тарагай амир Баргилой ўгли, Парвардигор амри ила амирлик ҳарбий унвонини ўғлим Темурга тақдим этурмен. Чингизхон ясоларига биноан ул Темурга мерос тарзида ўтур. Шул дақиқалардин эътиборан ўз мол-мулкимни ҳам зурриёдимнинг ишончли қўлларига топширурман, токи ул фаришта Азроил жонимни танамдин ажратиб оладигон кунга қадар мени боқиб-қоқа олсун.

Тарагай ҳаяжон ила йўғрилган бу таъсирли гапларидан кейин масжид имоми Қуръондан бир неча оят ўқиди-да, сўнгра товушини кутариб, қироат билан гапирди: «Олампаноҳ ва жами инсонларнинг меҳрибони Оллоҳи таоло қудрати ва каромати боис навқирон Темур кўп гаройиб хислат ва фазилатлар соҳиби бўлиб етилмиш. Жами аҳли жамоага шуни маълум қилурменки, амир Тарагай баҳодурнинг ўғли амир Темур чиндан-да ажойиб инсон, илойим, ул зотнинг ишларига ҳамиша Парвардигор ўзи ёр бўлгай!»

Шундан кейин Тарагайнинг қўргончасида Барлослар қабиласининг баҳодирлари ва Кеш ҳамда Яккабогнинг таниқли фуқаролари учун тантанали базм уюштирилди. Байрамга Қаршидан Ҳожи Олим ўғли Абдулла Мерган билан бирга етиб келди. Тантанали базмда Мовароуннаҳр ҳукмдори Қозагоннинг невараси Ҳусайн иштирок этаётгани улкан ва ёқимли тасодиф эди. Амир Тарагай тўйга Қозагонни махсус бориб айтганди. Лекин Қозагон таклифи учун миннатдорлик билдириб, Кешга ўз вакили сифатида амир Ҳусайнни жўнатган эди. Темур дўстининг ташрифидан беҳад хурсанд эди. Ёш баҳодирлар бир неча кун бирга бўлишди.

Ҳамма йигилганлар улкан базми-жамшид тантанаси моҳиятини айни ҳис қила бошлаган маҳалда Тарагай Баҳодур ўғлига бир неча муҳим насихатини айтишни лозим топди. У уртага чиқди-да, тўхтаб, чуқур нафас олди. Қават-қават курпачаларга ўтқазилган фахрли меҳмонлари бўлмиш Ҳожи Барлос, Чоқу Барлос, амир Ҳусайн, ҳарбий кийим-бошдаги дубулгали Яккабог ҳокими Норин ва бошқаларни бирма-бир нигоҳи остидан ўтказди. Кейин гап бошлади:

— Барлослар қабиласи баҳодирлари сафига кирмиш Амир Темур, эмди сенга берадигон панд-насихатларимга қулоқ сол. Биринчиси: Ўз аждодларингни иззат-икром айла ва унутма. Ёдингда бўлгай: сен Темур

Тарагай угли, Тарагай эрса Баргилой угли, Баргилой эрса, Илингиз угли, Илингиз — Баҳодур угли, Баҳодур — Анжол нуён угли, Анжол нуён — Суюнчи угли, Суюнчи — Ирдамжи барлос угли, Ирдамжи Барлос-Қорачур Нуён угли. Қорачур нуён эрса Чингизхон уругидинаур.

Шу ерга келганда Тарагай Баҳодур бир лаҳза сукут сақлаб, ҳаяжон ичида меҳмонларни кузатди. Йирилганлар унинг гапларини тасдиқлаб, савлат билан бош иргашарди.

— Улуғ аждодларимиздин Қорачур нуён ўз ҳукми остиндаги одамлар ила бирла дунё хусусинда мулоҳаза юритаркан, биринчи бўлиб Оллоҳни англаб етмиш. Анинг ўйлари исломнинг ҳақиқий эканлигига эътиқод уйғотмиш. Қорачур нуён Оллоҳни шаҳаншоҳ деб, анинг ҳабибини вазир деб тан олмиш. Сўнгра ул «ўнғ йўл»нинг тўрт халифасини ҳам ҳақиқат деб топмиш.

Иккинчи насиҳатим. Сенга, Темур, доимо ота-боларингдин намуна олиб, шариат қонунлари асосинда иш юритишингни васият қилурмен. Оллоҳ ҳабиби авлодларининг ҳурматини жойига қўйиб, иззат-икром айла. Тасарруфингдаги халқларга меҳрибон ва шафқатли бўлгил.

Учинчи насиҳатим. Биз баримиз Парвардигорнинг қули эканлигимиз ёдинда бўлғай. Кўм-кўк осмону фалак, дунё ва андаги борлиқ мавжудотлар Анинг ҳаётбахш қўллари ила бунёд этилмиш. Шул боис Худо берган ва беражак жами нарсаларга шукур қил. Сенга меҳрибонлиги учун Андин ҳамиша миннатдор бўл. Оллоҳ номи доимо дилингда ва тилингда бўлғай. Анинг танҳолигини истифода айла, Анинг кўрсатмаларига амал қил ва таъқиқланган ишлардин ўзингни тий.

Тўртинчи насиҳатим. Уруг-аймоқчилик ришталарини узмай, ҳеч кимсага ёвузлик айлама. Сенга виждонан хизмат қилгонларни саховат кўрсатиб рағбатлантир. Уткинчи эҳтиросларга берилма. Ҳар бир одамга меҳрибон ва эътиборли бўл.

Отасининг насиҳатларини диққат билан эшитган Темур ўрнидан туриб, гавдасини пастга эгганча таъзим бажо келтирди.

1352 йилнинг баҳорида Тарагай Баҳодур Темурни Қаршига, Шайх Саид Амир Кулол ҳузурига зиёратга олиб борди. Янги туғилган гўдакка исм қўйиш маросимида Кулолнинг: «Балогат ёшига етганда, ани ҳузу-

римга яна бир олиб кел», — деган илтимоси Тарагайнинг ёдида эди. Қаршида ота-ўғил Ҳожи Олимнинг уйида тўхташди. Уй соҳиблари Темурни балогат ёши ва амирлик унвони ила табриклай кетишди. Бир оз ҳордиқ чиқариб, Шайх Саид Амир Кулол соғ-саломат эканлигидан хабар топишгач, Тарагай Баҳодур билан Темур анинг ҳузурига отланишди. Улар авлиёнинг ҳужрасига етиб келишганда, у ерда жуда кўп одам тўпланган, ҳамма намоз ўқиш билан банд эди. Ота-бола намоз тугагандан кейингина Шайхнинг қабулига интилишди.

Саид Амир Кулол Тарагай Баҳодурни дарров таниди ва зодагонларга хос эҳтиром кўрсатиб, ҳол-аҳвол сўради. Шонли Кеш шаҳри мусулмонлари турмуши билан қизиқди. Шундан кейингина эътиборини ёнидаги ўғлига қаратди. Шу заҳоти юзида ўзгариш юз бериб, кафтларини бир-бирига ишқаларкан, худди Қуръон ўқиётгандай қироат билан гапга тушди.

— Бугун бизга Оллоҳнинг марҳамати ила башорат туҳфа этилмиш. Бугун биз қаршимизда Парвардигор қудрати ила нафақат бегуноҳлик тимсоли, балки минглаб одамларга раҳнамолик қаҳқашонини забт этажак зотни кўриб турибмиз. Анга Оллоҳи таоло ва инсонлар ўртасинда воситачилик қилмоқ насиб этмиш, ило, ул — Соҳибқирондур!

Шунда ҳужрада ва унга кираверишда ҳозир бўлган ҳамма одамлар дарров ўсмир йигитга ўз эътиборларини қаратишди, йигит эса итоаткорлик билан интиқ бўлиб авлиёга қулоқ тутарди. Темур сафарбоп одми кўйлак-иштон кийган, шунинг учунми, етти иқлимга донги кетган Шайхнинг бу оддий ўспиринга шундай ҳурмат-эҳтиром ила мурожаат қилгани ҳаммани ҳайратга солган эди. Шайх йигилганларни баттар ҳайратга солиб, яна ўша руҳда гапида давом этди. У етти дона нонни қўлига олиб, уларнинг устига бир неча бўлак ҳолва қўйди-да, алақандай сирли бир оҳангда:

— Соҳибқирон! — деди. — Мана бул еттита нонни олиб тановул қил ва сен Ер юзининг етти қисмининг соҳиби бўлурсен. Яъни сен бугун дунёга ҳукмдорлик тожини кияжаксен! Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!..

У сўзларини якунлаб, Парвардигор шаънига ҳамду санолар ўқиди.

— Оллоҳу акбар! — дея овмин қилишди Темур ва бошқалар.

Шундан кейин Саид Амир Кулол бир сиқим бугдой ва майиз олиб, тарагай Баҳодурга узатаркан:

— Худо сенга шундай углон бергони ила қутлайдурмен, — деди. — Эмди бугдой ила майизни бирма-бир санаб чиқ. Кейин сенга бу тимсолнинг илоҳий маъносини уқдириб берурмен.

Амир Тарагай бугдой ва майизни шу заҳоти санашга киришди.

— Бугдой доналари уч юз етмишта эркан, — деди у Шайхга савол назари билан тикилиб.

— Оллоҳнинг марҳамати ила сенинг бахтиёр авлодаринг сони шунчага етур. Майизни сана.

— Майиз етмиш дона эркан.

— Магар Темур шариятга, Оллоҳнинг ҳабибига қатъий изн қилса, олий руҳлар иродасига зид иш тутмаса, анинг етмиш авлоди ҳукмдор бўлиб етишур.

Унинг бу гапларидан ҳужрадагиларнинг ҳаммаси яна лол қолишди. Темурнинг ўзигина совуққон ва хотиржам кўринар эди. У ҳамон бошини эгганча Муҳаммад пайгамбар шажарасидан бўлмиш бу авлиё зотга мутелик билан тикиларди. Бинобарин, шу кеча Темур тушида кекса уккени кўрган, у Қуръонни очганча йигитга бу гапларнинг бари хусусида аён берган эди. Суҳбат интиҳосида Саид Амир Кулол унинг кўйлагига қўл теккизиб, тилсимотларга тўла ушбу сўзларни айтди:

— Қадим-қадим замонда Мутамир деган подшоҳ ўтмиш ва анинг ҳар куни Қуръон ўқийдургон ҳамда душанба ва ҳар чоршанба кунлари ўзи суйган пайгамбарнинг қабрига — ул нурга тўлсун! — бош уриб таъзим қиладургон одати бор эрди. Кунларнинг бирида ул зот муқаддас қабр тепасинда дуо ўқиб, қайноқ кўз ёшларини оқизмиш. Ушанда қиш маҳали эрди. Ойна исмли бир кимса эрса — араблар уругидин — ўшал узун ва қоронғу тун қўйнинда кечаси ила бақириб: «Бу қандайин кечаки, анинг тонги отмас ва муаззин азон айтиб, одамларни саҳарги намозга чорламас. Мутамир қандайин шоҳки, эътиқод учун курашмоқ ўрнига нуқул хўрсиниб, кўз ёши қилур?» — дея фигон чекар эрди. Бул айни ўшал, Иблис Язир имом Ҳусайнни ўлдиргон кезлар эрди. Ойинанинг қошида Ҳизр пайдо бўлиб: «Соҳибқирон таваллуд топмагунча шундоқ бўлаверур», — демиш. Орадин бир неча фурсат ўтгач, Ойна сукутга толиб, анинг шами атрофида гирдикапалак бўлаётгон парвона пинҳона

қўним топмиш, муаззин эрса, минорадин эрталабки намозга чорлаб, азон айтмиш. Айни шул дақиқаларда Кешда Соҳибқирон дунёга келмиш. Шундин сўнг Ҳизр Ойнага: «Соҳибқирон Парвардигорнинг жами тўқсон тўққизта исмини билиб олгонидин сўнг мўъжиза юз берур», — демиш.

Шу ерда Шайх ҳикоясини тўхтатиб, Темурга тикилди.

— Оллоҳнинг тўқсон тўққизта исми-шарифининг сирини сенга очмогим боисидин Ҳизр менга ваколат бермиш, Темур. Ани билгони яна ҳузуримга ташриф буюргонингда, башорат вожиб бўлғай.

САККИЗИНЧИ БОБ

ОЛЛОҲНИНГ ТЎҚСОН ТЎҚҚИЗТА ИСМИ

Ташвиш ва хавотирларга тўлиқ яна икки йил ўтди. Бу давр ичида Темур отаси билан бирга бир неча бор савдо-сотиқ карвонларини кузатиб, олис юртларга сафар қилиб қайтди, узоқ тоғлик жойлардаги подаларидан куп марта хабар олди, қўрғонча атрофидаги ерсувларини тартибга келтирди, янги боғлар, узумзорлар барпо этди. Бу ишларнинг бари билан тинимсиз шугулланаркан, Темур бир меъёрдаги оддий турмуш либослари ўзига торлик қилаётганини ҳис этарди. Уни доимо алақандай мавҳум, ўрганилмаган ҳаёт ўзига чорлар эди. Унинг руҳи кўр-кўрона эмас, лекин жиддий мантиқ ва ҳисоб-китоб натижаси ўлароқ башоратлар асосига қурилган янгича таассуротлар, ўзга-ришларга интиларди.

Кунларнинг бирида, Темур Қуръон ўқиётган маҳалида унинг ҳузурида ипаксимон узун сочли бир мўйсафид пайдо бўлди. У ногаҳоний ва ҳеч қандай товуш бермай ташриф буюрганди. Темур унга синчиклаброқ тикилди. Бу «Ғули сурҳ» байрами ўтказилган пайтда унга лолазорда учраган ўша оқсоқол эди. У Темурга энди балоғат ёшига етгани ва шу боис Оллоҳ йўлига катта худойи қилдириши лозимлигини маълум қилди.

Мўйсафид шундай деб, кўздан гойиб бўлди. Темур дарров отаси билан маслаҳатлашди. Улар башорат вожиб бўлганига ишонч ҳосил қилиб, энди Темур Қаршига, яна Шайх Саид Амир Кулол ҳузурига бориши керак, деган хулосага келишди. Шундай қилишди

ҳам. Бу гал у Қаршига Тарагай Баҳодурсиз, Мубошир полвон ва Абдуллоҳ ботир билан бирга борди. Темур бобоси Ҳожи Олимнинг уйига кириб ўтирмади, тўғри Шайхнинг ҳузурига отланди. Унинг хонадони зиёратчиларга тўла экан. Темур жимгина унинг орқасидаги бўш жойга ўтириб, Шайхнинг ваъзини тинглай бошлади. Бироқ Саид Амир Кулол Темурни дарров пайқаб, олдинроққа ўтишини илтимос қилди. Унинг рўпарасида миқтидан келган, бодомқовоқ, арслоннигоҳ, алқомат усмир йигит тиз чўкканди. Мўсафид Тарагайнинг ўғлини дарров таниди.

Маърузасини тугатгач, Шайх зиёратчиларга жавоб берди, лекин бир ишора билан Темурни тўхтатди. Таҳорати бор-йўқлигини сўради. Ижобий жавоб олгач, вазмин гал бошлади:

— Соҳибқирон, Оллоҳ элчиси Ҳизр буванинг амрини бажо келтирмоқ фурсати етмиш. Кулоқ сол! Ҳозир сенга Парвардигорнинг тўқсон тўққизта исми-шарифини аён қилурмен. Булар анинг фаолиятининг тўқсон тўққизта фазилатидур. Магар ер юзинда ўсадигон жами дарахтлар қаламга, жами уммонлар — сиёҳга, Одам Атонинг барча авлодлари эрса мирзоларга айланиб, юз минг йил ва яна юз минг йил мобайнида Оллоҳнинг жами фазилатларини батафсил иншо этсалар, алар ёзмиш битик уммон олдинда томчи, тоғнинг қаршисида қум заррачаси ҳам бўлолмас. Сен, илоҳий башоратда белгилангонидек, Парвардигор ва одамлар ўртасинда воситачи бўлмогинг учун Анинг жами сифатларини албатга билмогинг лозим. Эмди бўлса, эшит, ўғлим! Анинг биринчи исми Ар-Раҳмон, бу — раҳмдил дегани. Иккинчиси — Ар-Раҳим ёки меҳрибон. Учинчиси Ал-Малик — подшо маъносида. Кейинги исмлари — Ал-Қуддус — авлиёлар авлиёси, Ас-Салом — қутқарувчи (халоскор), Ал-Мумин — пуштипаноҳ, Ал-Муҳмин — посбон (муҳофаза қилувчи), Ар-Азиз — буюк, Ал-Жаббор — ҳамма нарсани остин-устин қилгувчи, Ал-Мутакаббир — юксалувчи, Ал-Бари — жами борлиқ шаклини яратувчи, Ал-Холиқ — бутун борлиқ ижодқори, Ал-Мусаввир — жами борлиқ сифатларини бунёд этгувчи, Ал-Ғофир — кечиримли, Ар-Қаҳҳор — ҳамма нарсада голиб, Ал-Ваҳоб — сахий, Ар-Раззоқ — жами борлиқнинг кундалик озуқаси ташвишини чекувчи, Ал-Фаттоҳ — жаннат эшикларини очгувчи, Ал-Олим — ҳамма нарсани билгувчи, Ал-Қобиз — олгувчи, Ал-Босит — ҳаммани

тақдирловчи,¹ Ал-Ҳафиз — паноҳида сақловчи, Ал-Рафи — юксалтирувчи, Ал-Муиз — улуғловчи, Ас-Сами — ҳамма нарсани эшиттувчи, Ал-Басир — ҳамма нарсани кўриб тургувчи, Ал-Ҳаккам — қонунлар ижодкори, Ал-Одил — адолатли, Ал-Латиф — кечиримли ва шифо бағишлагувчи, Ал-Ҳабир — ҳақиқатни билгувчи, Ал-Ҳалим — нозиктаъб, Ал-Азим — қудратли,¹ Ал-Ғафур — саховатли, Аш-Шукур — раҳим-шафқатли, Ал-Али — ҳукмдорлик ва унвонлар буйича энг буюк/¹ зот, Ал-Кабир — улуғвор, Ал-Ҳафиз — ҳаммани паноҳида асровчи, Ал-Муқит — ҳаммага куч-қувват ато этгувчи, Ал-Ҳосиб — инсонлар ижодиётини бошқарувчи, Ал-Жалил — шон-шарафга буркангон, Ал-Карим — ҳамма учун раҳмдил, Ар-Раҳиб — ҳаммани ўз ҳифзида асровчи, Ал-Мужиб — илтижоларни бажо келтирувчи,¹ Ал-Воси — меҳрли ва мурувватли, Ал-Ҳаким — одил,¹ қозилик устидин назорат қилгувчи, Ал-Ваид — эзгу ишларни севгувчи, Ал-Мажид — эзгу ишлари ила машҳур, Ал-Боис — ўликларни тирилтиргувчи, Аш-Шоҳид — ҳамма нарсани кўргувчи ва эшитгувчи, †Ал-Ҳақ мангу яшовчи, Ал-Вакил — одамларнинг қорни тўқлиги юзасидан қайгурувчи, Ал-Қави — куч-қудрат соҳиби, Ал-Матин — йўқ бўлмайдургон, мағлубият билмайдургон зот,¹ Ал-Вали — эътиқодли инсонларга ёрдам бергувчи, Ал-Ҳамид — шон-шараф эгаси, Ал-Муҳси — дунёдаги жами нарсалар бунёдкори, Ал-Мубдин — йўқдан бор қилгувчи, Ал-Музд — одамларнинг жонини олгувчи ва тирилтиргувчи, Ал-Муҳайе — жами тирик жонзотларга ҳаёт ато этгувчи, Ал-Мумит — қирон келтиргувчи, Ал-Ҳайя — мангу тирик ва интиҳоси йўқ, Ал-Қайюм — одамлар ҳақинда мангу ташвиш чекувчи, Ал-Важид — ҳамма нарсага тула-тўқис эга, Ал-Масжид — шон-шарафли, Ал-Воҳид — ягона ва иқтибоси йўқ, Ал-Аҳад — энг мукамал ва ҳамманинг ҳожатбардори, Ас-Самад — на овқат, на сув ва на уйқуни билгувчи, Ал-Қодир — қудратли, Ал-Муқтадир — чексиз куч-қувват соҳиби, Ал-Муқаддим — тириклик ва жонсизлик учун навбат белгиловчи, Ал-Муаххир — мангу кўтариб турувчи, Ал-Аввал — доимо мавжуд ва ҳаётда ибтидоси йўқ, Ал-Ахир — ҳамманинг ортидан боргувчи ва интиҳоси йўқ, Ас-Зоҳир — ҳаммадин афзал, Ал-Батун — ўз улуғворлиги боис Коинот нигоҳидин яширингувчи, Ал-Вали — бунёд этилган жами борлиқнинг ишларини бошқарувчи, Ал-Мутаала — оловсифат ва ҳаммаёқни қамраб

олгувчи, Ал-Барр — бунёд этилган борлиққа зарур нарсаларни бергувчи, Ан-Навобб — тавба-тазарруни қабул этгувчи ва тавба-тазарру қилгонларни улугловчи, Ал-Мустақим — уз иродасига буйсунмагонларни шафқатсиз таъқиб этгувчи, Ал-Афувв — одамларнинг гуноҳларига кунгилчанлик ила қаровчи, Ар-Рауф — раҳим-шафқат улашувчи, Ал-Малик Ул-Мулк — ҳукмдор ва подшоҳ, Зул-Жалол-Икром — буюклик ва шон-шарафнинг олий даражасига эришган зот, Ал-Муқант — адолатсизлик қилмовчи, Ал-Жоми — қиёмат куни одамларни ҳисоб-китоб учун тўпловчи, Ал-Ғани — ҳамма нарсага эга ва ҳеч кимга муҳтож эрмас зот, Ал-Мугни — одамларга ҳамма нарсани бергувчи, Ал-Мани — ҳамма нарсага тўсиқ бўлгувчи, Аз-Зур — уз қулларига қаҳр-газаб ила ташланувчи, Ал-Нафи — ҳамма масалаларни ҳал қилгувчи, Ан-Нур — ерга ва осмонларга нур улашгувчи, Ал-Ҳоди — йуналтиргувчи, Ал-Бади — ҳамма нарсани уз хоҳишига кура бунёд этгувчи, Ал-Боқи — боқий, Ал-Ворис — йуқ қилгувчи ва ҳамма нарсани дастлабки ҳолатига қайтаргувчи, Ар-Рашид — одамларни тўғри ишга ўргатувчи.

Шу ерда авлиё ота сукутга толиб, Темурга синчков тикилди, чуқур нафас олиб, яна давом этди:

— Ниҳоят, Темур, сенга Оллоҳнинг сўнги, тўқсон тўққизинчи исмини аён қилурмен. Бу — Ас-Сабур. Ул — эътиқодсизлар ва уз иродасига буйсунмовчиларни таъқиб этмоққа қодир була туриб, сабр қилур. Бул тўқсон тўққизта исмга Оллоҳ фаолиятининг энг олий мазмуни жо қилингон. Анинг исмлари орасинда катта ёки кичиклари йўқдур. Алар бари бир хил мавқега эга. Аларни талаффуз қилаётгон одамнинг поқдомонлигигина бул исмларга буюклик бахш этур. Сендин илтимос, о, Соҳибқирон, Оллоҳнинг сен эмди ёдингда қолган исмларини номма-ном санаб чиқ. Сенинг нечоғли иқтидорга эғалигингни билмоқ истармен.

— Бисмиллаҳир раҳмонир роҳийм! — деб гап бошлади Темур Шайх Амир Саид Кулолга тақлид қилиб, фикрларини бир жойга жамлаш учун кўзларини юмаркан. — Ар-Раҳмон, Ар-Раҳим, Ал-Малик, — дея у кутаринки руҳда Оллоҳнинг бирорта исмини ҳам қолдирмай, адашмай санаб чиқди. Сунгисини айтиш олдиан у ҳам пича сукутда қолиб, тўқсон тўққизинчи исмни баланд овозда талаффуз қилди: — Ас-Сабур!

Азбаройи хурсанд бўлганидан Шайхнинг чехраси ёришиб кетди: «Сен чинакам Соҳибқиронсен! Пар-

вардигор шунча фазилат ато этгон йигитни мен умримда илк бор кўриб турибмен. Парвардигоримиз ҳабиби — анга Оллоҳ ёр бўлгай! — бу хусусда шундай демишлар: «Ҳар бир эр кишига ул нимага қатъиян интилса, шуни берилур». Аввал ҳам айтиб ўтгонимдай, сен бутун дунёни қўлга киритурсен. Локин бунинг учун сен Оллоҳни юрагингга жо қилмогинг, қалбингдин эрса, ройишликка жой бермогинг лозим. Эмди сен бир неча йил умрингни ҳаёт сир-синоатларини ўрганмоққа бағишламогинг жоиз. Бунинг учун мен сени Хуросонга йўллармен ва сенинг тарбиянгни энг маърифатли Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободийга топширурмен. Магар мусулмон одамнинг Шайхи бўлмаса, анга Иблис шайхлик қилур. Шайх Тайободий сени илоҳий мўъжизалар дунёсига олиб кирадур. Ул сенга йулбошчи буладур. Шуни билгилки, Соҳибқирон, азиз углим, ҳақиқий Соҳибқироннинг ҳузурига Макка ўзи келур, Кааба анинг атрофида айланур. Сенга Худо ёр бўлгай!

Шундай оқ фотиҳа ила Саид Амир Кулол Темурга ижозат берди.

Шундан кейингина Темур бобосининг уйига ташриф буюриб, Саид Амир Кулол ўзини шариат қонунларини янада чуқурроқ ўрганиш учун Шайх Тайободий ҳузурига жўнатаётганини маълум қилди. Буни эшитган Ҳожи Олим суюниб кетди.

— Худога шукур, ҳазратнинг сенга назари тушмиш. Зайниддин бобо Мовароуннаҳрдаги энг машҳур шайхлардин. Ул зот буюк пирларимиз Юсуф Ҳамадоний ва Аҳмад Яссавий ҳазратларининг — қабрлари нурга тўлгай! — издошидур. Шайх мунтазам суратда фаришталар ила мулоқотда бўлур, девлар ва парилар анинг ҳукмига бўйсунур. Магар сен анга муридлик шарафига муяссар бўла олсанг, ҳаётингда бурилиш юз берур, — деди Ҳожи Олим севинчини яширолмай. Унинг ҳаяжонга тушгани кўриниб турарди.

— Мендек амирнинг қашшоқ дарвешлар даврасига қўшилмогим қандоқ бўлуркин? — деб сўради Темур.

— Оддий ҳукмдор бўлмоққа сен ҳамиша улгурарсен, бул тақдир тақозоси. Буюк шоҳлик тахтини эрса, қашшоқлик йулини босиб ўтганингда сўнггина эгаллайдурсен. Коинот қонуни шундоқ. Парвардигор ўз қулини севса, қашшоқ турмуш тарзи анга ҳеч қандай зарар етказолмас.

Ҳожи Олимнинг гаплари Темурга маъқул тушгандай бўлди. У бобосининг ҳузурида ортиқ утирмайди. Углининг Саид Амир Кулол томонидан маълум вақт машҳур Шайх хизматига юборилажагини эшитган амир Тарагай Ҳожи Олимнинг фикрини қўллаб-қувватлади: «Парвардигор йўлига элтувчи тариқатларни билишга эришган одам илгари ўзига қоронги бўлган гаройиб фазилатларни қўлга киритади».

Бу гапдан кейин Темур Хуросонга сафарини кечиктириб утирмади. Олис йўлга у ўзига ҳамроҳ қилиб Мубошир полвон билан Абдуллоҳ ботирни танлади. Улар ўз хўжалари то илоҳиёт илмини ўзлаштириб, Худо йўлидаги комиллик поғоналарини босиб ўтмагунча унга соядек эргашиб юришга розилик беришди. 622 йили(ҳижрий кунлари) Муҳаммад пайгамбар Маккадан Мадинага кўчиб ўтгач, ислом дини бўйича ҳижрий йил ҳисоби бошланди. Парвардигор ўз пайгамбари Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам орқали одамларга бутун мусулмонларнинг муқаддас китобига айланган муътабар таълимоти — Қуръони Каримни тўхфа этди. Темур таваллуд топган даврга келиб ислом етти аср мобайнида нафақат Муҳаммаднинг ватани — Арабистон ярим оролида, балки Африқонинг шимоли, Яқин ва Узоқ Шарқда, Ўрта Осиё ва Оврупонинг айрим мамлакатларида қанот ёзиб улгурган эди.

Темур тугилишига замин ҳозирлаган сўнгги икки аср мобайнида ислом мавқеи ва обрў-эътибори ошувига Мовароуннаҳр мусулмонлари салмоқли ҳисса қўшишганди. Ислом маркази қонли диний тўқнашувлар бўлаётган Арабистондан Урта Осиёга кўчганди. Ўзининг бутун умрини ислом хизматига бағишлаган Имом Исмоил ал-Бухорий Бухорода тугилган, лекин серҳаракат ҳаётининг кўп қисмини Макка ва Мадинада ўтказган, ислом Шарқининг қарийб жами мамлакатларини зиёрат қилиб чиққанди. У қаерда бўлмасин, Муҳаммад пайгамбарнинг ҳаётидан ҳикоялар, лавҳалар ва унинг ҳикматли сўзларидан иборат ҳадислар йиғар эди. У пайғамбаримизнинг ҳикматларидан иборат «Ас-Саҳиҳ» номли кўп жиддли китобларнинг тўпловчиси, бу китоблар ислом таълимотининг Қуръондан кейин иккинчи ўринда турувчи асоси ҳисобланади. Ислом илми каломини ўз ишлари билан бойитган Ат-Термизий бутун умр Парвардигор муъжизаларини ўрганиш йўлидан борди. Хоразмлик авлиё Нажмиддин Кубро Худо йўлида кўп каромат-

лар кўрсатди. Бухоро шахрини исломнинг Шарқдаги минораси деб атай бошлашди. Бухоронинг бу муътабар номини авлиё пирлардан Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Гиждувоний, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд янада абадийлаштирдилар. Эндиликда Зайниддин Абу Бакр Тайободий бу заминнинг энг буюк пири ҳисобланар, илло, навқирон Темур Шайх Саид Амир Кулолнинг фатвоси ила айни шу зот ҳузурига таҳсил олишга юборилганди. Бошининг энса тарафида отининг залворли одимларига монанд силкиниб бораётган кокиллари кўп ўтмай тақир қилиб қирлар ва Темур дарвешлар сафига қўшилиши керак эди. Бу фикрдан Темур дам кулгуси қистар, дам даҳшатга тушар эди. Неча бор у отининг жиловини орқага буришга уриниб кўрди, лекин охир-оқибат ҳар бир инсоннинг тақдирини белгиловчи Парвардигор иродаси ҳар гал тантана қилар эди. Шу тариқа Темур ўз тақдирининг истиқболига қараб борар, шафқатсиз ўйлар уни ўз исканжасига олган, уйқу ва ҳаловатини ўғирлаган эди.

Термизга етгач, у авлиё Ат-Термизий хокини зиёрат қилди, Балҳда эса, Шоҳид Балхий ҳазратларининг қabri устида бош эгди. Бу ишлари билан Темур Олоҳ хизмати йўлига кирганини ўзига ўзи исботламоқчидай эди. Балҳда у кутганидан кўпроқ тўхталиб қолди. Бу шаҳарга икки йилдан бери амир Ҳусайн ҳукмдорлик қилаётган эди. Ун саккизга тўлгач, уни амир Қозагон шу заминга жўнатган эди. Темур дўсти билан юз кўришиб ўтмоқчи бўлган, лекин унинг тўйи устидан чиқиши мумкинлигини сира кутмаганди. Амир Қозагон бу кўҳна, аммо бир мунча расмиятпараст шаҳар аъёнлари олдида Ҳусайннинг обрў-эътиборини ошириш мақсадида уни марҳум Қозонхоннинг қизига уйлантираётганди. Уни Сароймулкхоним деб аташарди. Уша вақтга келиб қизнинг эндигина 14 ёшга тўлгани ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, Қозагон келиннинг ота-онасини тўйни тезроқ ўтказишга шошилтирган ва улар амирнинг юзидан ўтишолмаганди.

Дустининг тақдирида бурилиш юз берганини Темур қалъа дарвозасидан кириши биланоқ пайқади. Соқчининг сўроғига жавобан у: «Амир Ҳусайн ҳузурига келаётирмен!» — деб жавоб берди.

— Булар кираверишсин, тўйга келишаётир, — деди иккинчи соқчи. — Лекин нечук тўёналарингиз кўринмас?

— Келин қаёқдан? — саволга савол билан жавоб берди Темур қизиқсиниб.

— Амиримиз Хусайнга олийнасаб Қозонхоннинг қизи Сароймулкхоним — Худо анга узоқ умр бергай — келин бўлиб тушаётир, — деди соқчи дарвозаларни очаркан.

Амир Хусайн Чингизхон босқинидан кейин қайта қурилган ҳашаматли саройда яшар эди. Темурни кўрган Хусайннинг кўнгли бушашиб кетди. Худди тугишгандай кучоқлаб олди. Анчагина бағридан чиқармади.

— Сен улжасининг ортидан қувган бургут янглиг таклиф айлагани улгурмасимдан етиб келибсен. Чопарим ҳали Кешга элтадигон йўлнинг ярмини ҳам босиб ўтмагондир-ов...

— Халқда, онасига қараб қизини ол, деган нақл бор. Менинг дўстим бўлса, отасига қараб қизини олибдур, — ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди Темур.

— Хон қизи чинорга ўхшаюр. Андин улутроқ дарахтни бутун Турондин ҳам излаб тополмассен, — деди Хусайн.

Темурнинг Хуросонга отланганининг асил сабабини билган Хусайн кўп ажабланди. «О, дўстим, анда уйимга Парвардигоримизнинг содиқ хизматкори ташриф буюрибдур-да! — дея хитоб қилди у. — Фикри ожизимча, сен баҳодирлик либосини муфтий ёки Мо-вароуннаҳр Шайхулисломи салласига алмаштирмоқ зикридасен, чоги?»

— Пайгамбаримиз айтмишларким: «Оллоҳ қанча мева яратгон ўлса, шунча уруғлик бунёд этмиш ва буларнинг барини дарахтларга жойламиш. Мевани узмоқдин аввал анинг мазасини билмоқ даркор». Шу боис мен Шайх Тайободий ҳузурига ана шул билимлар ортидан кетаётирмен. Шундин сўнггина мевани мазасига қараб танлаб олурмен.

— Эҳтимол, дарахтнинг ўзини буткул қўлга киритмоқ дурустроқдур? — ярим ҳазил, ярим чин оҳангда сўради Хусайн.

— Шундоқ қилмоқ ҳам мумкин. Локин мен қиздирмасдин чўяни босмасмен.

— Чўянинг, майли, ўз тобогида қизийверсун, биз эрса, хосхонага кетдик. Сени қайлигимга таништи-рурмен.

Хусайн Темурни саройнинг аёллар яшайдиган бўл-маларига бошлади. Қачонлардир Чигатой улусининг

қудратли ҳукмдори булган Қозонхоннинг кенжа қизи Сароймулкхоним катта бўлмага кириб келганида, унда қайлиги билан ўткир нигоҳли нотаниш бир йигит ўтирар эди. Келин ўрта бўй, оқ юзли, зич ўсган сочлари кўмирдай қоп-қора, бодомқовоқ, қийғоч кўзли, муъжаз бурни пучуқроқ бир қиз эди. Уни гўзал дейиш муболаға бўлар, лекин ундаги латофат ва назокатни тан олмаслик ҳам мумкин эмас эди. У эгнига шариат қонун-қоидаларига унчалик риоя қилинмай тикилган енгил қизғиш қўйлак кийган. Боши очиқ, юксак дид билан ишланган қимматбаҳо хитой чамбари тўлқинсимон қуюқ сочларини ўриб-чирмаб турарди.

Ҳусайн меҳмоннинг эътиборини маҳбубасининг қимматбаҳо зеби-зийнатлари тортганини кўриб, сўз қотди:

— Танишгил, дўстим: ушбул саройнинг бўлажак энг гўзал жавоҳири малика Сароймулкхоним.

— Сароймулкхоним янглиг бебаҳо зеби-зийнат учун энг ишончли паноҳ — севган юракдур, — деди Темур сира тортинмай ўзига тикилиб турган қизга тик қараб. Сароймулкхоним эса бундан уялмас, аксинча, ўзи қолдирган таассуротдан лаззатланаётгандай эди.

— О, мен юрак масаласини буткул унутибмен, аммо Сароймулкхоним уни ёдимга солур, деб умид қилурмен, — деди Ҳусайн гап жиндек ўзгача тус олганидан тараддудга тушиб.

— Ҳали тўй ўтгани ҳам йўқ, аммо сиз ҳалитдан юрагимни тўнингиз қўйнига яширмақ истаюрсиз, — жавоб берди келин.

«Ақли жойида, довюрак», — хаёлидан ўтказди Темур. Шу пайт бўлмага семиз оёқларини тошбақадек вазмин судраганча, Мулкбаст хотун кириб келди-ю, гап мавзуси зудтар ўзгача йўналиш олди. Ҳусайн хонзодага Темурни таништирди ва кекса аёл Соҳибқиронда нигоҳини тухтатиб, ҳирқироқ овозда сўз қотди:

— Йигит кишининг кокил қўймоғи мақтовга лойиқ. Бу — баҳодирларга хос фазилат. Баъзи бировлар эрса... — шундай деб у бўлажак куёвининг тақир бошига мазахомуз қараб қўйди.

Амир Ҳусайн бундай вазиятларда огзини очиб қолаверадиганлар тоифасидан эмас эди. У Темурга айёронани нигоҳ ташлаб:

— Мақтовга сазовор баҳодиримиз тўйда ўйнаб-кулиб, хуморидин чиққач, анинг баҳодирлик ўтидан

учқун ҳам қолмас. Хуросонда кокилини қирқиб, ўзини дарवेशлик жаңдаларига ўрармишлар.

— Нечук эмди? — деди хонзода ачиниш оҳангида. Уткир нигоҳли бу навқирон баҳодир унга ёқиб қолган эди.

— Ёш дўстимиз етти дунё илмларини ўзлаштирмоқ учун муридлик қилгани кетаётир. Хуросонлик Шайх анинг буйнига арқон ташламиш.

— Нимаям дердим, чинакам жангчи ва хонларнинг ҳаёт йўли шундоқдур, — дея хулоса ясади кекса аёл ва негадир Темурнинг нигоҳидан ажабланиб турган қизини булмадан олиб чиқиб кетди.

Балх амири саройидаги тўй-томоша қарийб ярим йилга чўзилди. Темур унинг интиҳосини кутиб ўтирмади. Хусайн билан илиқ хайрлашиб, йўлида давом этди. Хуросонгача бу ёғи оз қолган эди.

Шайх Тайободий эликдан ошган зот эди. У бутун юзини қуюқ соқол қоплаган барваста одам эди. Ташқи қиёфаси билан у кўпроқ савдогарга ўхшаб кетарди. Аммо зукко, вазмин кўзлари унинг ўзини Худо йўлига бағишлаган одамлардан эканини кўрсатиб турарди. Темурни у совуққонлик, ҳатто нохуш кутиб олди.

— Муридлар бул ерда ўқ ёйдин отиш санъати эрмас, илоҳиёт пардаси ортиндаги сир-синоатларни ўрганурлар, — деди у, афтидан, Темурнинг баҳодирлик нишони бўлмиш кокилига ишора қилиб.

— Мен ҳузурингизга олисдан, ўзимни илоҳиёт пардаси ортиндаги сир-синоатларнинг тагига етмоқ учун муҳтарам Шайх Тайободий илкига топширмоқ ниятида ташриф буюрмишмен, — деди Темур баланд, лекин эҳтиромли овозда. Совуқ кутиб олингани унинг иззат-нафсига тегмаганди. Бунақа ақлли, аини дамда одобли жавобни Тайободий кутмаганди. Унинг ўн мингта яқин толиб-муридлари бор, лекин уларнинг бирортаси биринчи учрашувдаёқ бу тарзда гап қилмаганди. Шайх ювош тортди, гап оҳанги ҳам ўзгарди.

— Оллоҳ дунёни бунёд этаётганда, гуноҳ ва жаҳолатни тўқлик ва байрам либосига, билим ва донишманликни эса, очлик ва маиший юпунлик тўнига ўрамиш. Билимнинг ибтидоий кучига эътиқод икки яримпалладин ташкил топмиш: анинг биринчи яримпалласи — сабр-тоқат, иккинчиси — у одамларга сир-синоатларнинг моҳиятини англамоққа ижозат бергани учун Парвардигорга миннатдорлик туйғуси, — деди Шайх Темурнинг кўзларига хотиржам тикиларкан.

— Мен батамом Оллоҳи таоло амридамен. Мубо-
рак Шайх ҳазратларининг оёқлари остига йиқилиб,
мадад сўрайдурмен; гуноҳ ишларни қилмаслик, ёмон
сўзларни оғзимга олмаслик, иккиюзламачи бўлмас-
лик, шайтонга хай бермаслик боисиндин онт ичур-
мен! — деди Темур қатъият ва эҳтиром ила Шайхни
ўз ниятининг жиддий эканига ишонтириш учун бор
салоҳиятини ишга солиб.

— Менинг маконим — сабр-қаноатли, бул дунё
хою ҳавасларидин юз ўтиргон, Худо бермиш ҳақиқат-
ни чин дидан севгувчи дарвешлар маконидур. Бу
заминда Худо, агар кўнглингда анга нисбатан эъти-
қод бўлмаса, на ташқи қиёфангга ва на турфа ишла-
рингга эътибор берур. Бул гўшада фақат Оллоҳга боғ-
лиқ ҳилқатларгина синовдин ўтказилур, бошқа ни-
марсаларга боғлиқ жами ишлар киши онгидин буткул
чиқариб ташланмоғи жоиз. Худо яратган илк инсон—
Одам Атога икки дарахт тухфа этилмиш. Биринчиси
анинг суратида бўлиб, «Мажбурият» деб аталмиш, ик-
кинчиси — аниг сийратига жойлаштирилиб, «мақ-
тов» деб номланмиш. Биринчи дарахт меваси — Пар-
вардигор хизмати эрса, иккинчисиники — Оллоҳ иш-
қидур. Кимда-ким доимо Ҳақ хусусинда уйласа, ҳам-
ша Оллоҳ ила қалбан бирга бўлса, ҳар доим Оллоҳга
тоат-ибодат қилиб, Ҳақдин булак ҳеч нимарсани кўр-
маса, шундай одамгагина Парвардигор ўз сир-синоат-
лари пардасин кўтарур, — деди Шайх Тайободий ўз
фикрини яқунларкан, билинар-билинемас жилмайиб.

Шайхнинг бу пурмаъно ваъзи ва ўзи учун муҳим
табассумидан сўнг Темур ҳамма қийинчиликлар орқа-
да қолганию ўзининг толиб-мурид деб тан олингани-
ни пайқади. Шундан кейингина у Шайхга Саид Амир
Кулолнинг мактубини узатишга журъат этди. Шайх
нома матнини тез ўқиб чиқди-да, ҳайрат ила хитоб
қилди:

— Ёраб! Ўзингга шукур, сен, ахир, Соҳибқирон-
сен-ку! Дунёнинг бўлажак ҳукмдори!

— Мен сизнинг муридингиздурмен, — деди Темур
итоаткорлик ила қўлини кўксига қўйиб.

— Ул ҳолда сени мурид қилиб узоқ ушлаб ўлтир-
масмен. Дарвешларнинг жами расм-русумларин ўз-
лаштиргунингча ҳузуримда бўлсанг, етарлик. Сен
Қуръони Карим оятларини ўттиз уч марта ўқиб чи-
қурсен. «Ат-такбир, Оллоҳу акбар!» деб юз минг мар-
та, «Ла илаҳа иллаллаҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ»,

деб яна юз минг марта такрорлайдурсен. Шундан сўнг сен ноиб, яъни Оллоҳ элчисининг муовини даражасига эришгайсен. Бунинг маъноси шулки, сен эътиқод учун жанг қилиб, исломни дунёнинг етти ҳудудига ёймогинг фарз бўлур. Локин ҳар бир ташаббусни амалга оширмоқ учун билим даркор. Парвардигор айтадур: булки, Худодин узга илоҳиёт йўқдур. Бунни айтгач, Оллоҳи карим билимларга ўргата бошлади. Илло, чинакам илми одамлар — билимларни васият қилиб қолдиргон пайгамбарларнинг меросхўрларидур. Кимки билимлар қўргонин забт этгон бўлса, ул катта ер-сувларни ҳам қўлга киритмишдур. Кимки билим излаш йўлига киргон бўлса, Оллоҳ анинг жаннатга йўлин осон қилур. «Айтгин, биладургонларни билмайдигонларга иқтибос қилмоқ мумкинму, ахир?» Пайгамбаримиз — анга мангу Худо ер бўлгай! — айтадурларки, «Оллоҳ кимга эзгулик истаса, ани мусулмонликка етаклайдур», — деди Шайх Тайободий ҳар бир сўзни залвор ила чертиб-чертиб гапираркан.

— Муътабар Шайх Саид Амир Кулолнинг саъй-ҳаракатлари боис мен билим йўлига кирмишмен, Сизни эрса, Худонинг амри ила ўзимга пир қилиб танламишмен, тақсир, — деди Темур.

Ўша куниеъ унинг кокилини қирқиб, бошига дарвешлар киядиган кулоҳ кийдиришди. Темурни буш ҳужраларнинг бирига жойлаштиришди. Қўшни ҳужрада дароз, ҳомиладор аёлдай қорни дўппайган, узун қўллари тиззасидан ҳам пастроққа етадиган галати қиёфали бир дарвеш яшар эди. Калласининг шаклишамойили қовунга ўхшар, қизгиш юзида бир тук ҳам ўсмаган эди. Аммо юмалоқ, пурмаъно кўзларидан ақидрок нурлари таралиб турарди. Бу галати дарвеш ҳақида Темурнинг қулогига нимадир чалингандай эди. У — Чингизхоннинг асил авлоди бўлмиш Қобулшоҳ эди. Айтишларича, ёшлигида фаришта у билан мулоқотга кириб, Оллоҳнинг амру иродасини унга аён этган: У Худонинг суйган одами — дарвешга айланиб, шоҳлик тожини кийишга интилмаслиги керак эди. Ҳозир Қобулшоҳ ўттиздан ошган ва у беш йилдан бери сўфий дарвешлар йўлидан борар, шунингдек, гоятда гўзал, юксак бадииятга эга газал ва рубойилар ижод қилар эди.

Хон-дарвеш билан амир-дарвешнинг қўшни яшаши Шайх Тайободий мазгилида таҳсил оладиганларнинг ҳаммасини ҳайрон қолдирар эди. Темургача сў-

фий дарвешлардан ҳеч ким Қобулшоҳга яқинлашолмаган эди. Унинг маънисиз нигоҳи одамларнинг калалари оша узоқларга қадалар, дароз, бесўнақай гавдаси ҳеч кимнинг қошида тўтамасдан, ёнидан сузиб ўтиб кетар эди. Хон-дарвешнинг бундай хулқ-атвори-га аллақачон кўникиб улгуришганди. Темур билан қўшничилик эса кутилмаган натижалар берди. Урф-одат бўйича, ёш дарвеш каттароқ дарвешнинг ҳужрасига биринчи бўлиб кириш ҳуқуқига эга эмас эди. Темур қизиқиши тобора ортиб бораётганига қарамай, одатни бузмади, Қобулшоҳнинг ўзи ташриф буюришини кутди.

— Бул ҳужрада яшайдургон дарвешга Оллоҳимиз ўзи ёр бўлғай! — деди Қобулшоҳ ичкари ўтиб, узун оёқларини йиғиштирганча, қамиш бўйрага тиз чўкиб утираркан.

— Сизга ҳам Худойим ўзи мададкор бўлғай, муҳтарам тақсир! — деди Темур меҳмонга салом бериб. Қобулшоҳ тамшаниб, кўзларини ола-кула қилганча секин гап бошлади: «Ҳужраларимизни бўлиб тургон девор орқали мен кеча оқшом янги қўшним намоз ўқир экан, пича уқувсизроқ ҳаракатлар қилаётгонини пайқамишмен. Шариатнинг бул фарзини тўғри ба-жармоққа ўргатмоқ Худога ҳам хуш келадургон иш, деган ўйда ҳузурингизга бош уриб келмишмен».

— Қулогим сизда, тақсир! — деди Темур хайрихоҳлик ила Қобулшоҳ ундан нима истаётганини яхши англамай. «Балким ул чинданам девор орқали кўрур, дарвеш-хондин ҳамма нарсани кутмоқ мумкин», — дея хаёлидан ўтказди.

Қобулшоҳ ўша ҳолатда ўтирганча, яна гапга тушди:

— Ўзингни дунёнинг қудрати ва айни замонда ожиз одами деб ўйламоқ нақадар завқли. Бул Қуръони каримни ўз қалбларига жо қилгонлар учунгина берилгон ҳиссиётдур. — Кейин у дарров оятлар ўқишга тушди: — Бисмиллаҳир раҳмонир роҳийм!.. Дарвешларнинг зикир тушмоқ одати Оллоҳни гойибдан англамоқ имконини берур. Маълум вазиятда турмоқ, нафас олмоқни бошқармоқ, Оллоҳнинг номини кўп марта такрорламоқ орқали онгни бир жойга жамламоқ лозим. Оллоҳга зикир орқали уланмоқнинг бешта босқичи мавжуддир, — гап шу ерга келганда Қобулшоҳ намоз ўқишга мослашиб ўтириб олди ва гапида давом этди: — Биринчи босқич — ўз ички нигоҳинг, қалб кўзингни юрагингга йўналтириб, юра-

гинг ила Анинг номини айтмоқ ва ерга бош қўйиб, Анга таъзим қилгон ҳолда узоқ ўтирмақдин иборат,— Қобулшоҳ шу заҳоти биринчи босқични амалда кўрсатиб берди. — Зикирнинг иккинчи босқичи ушбу амалларни назарда тутур: намоз ўқийтгон одам кўзларини юмганча, ўзининг қалб кўзини танасининг қуёш ўрамасига йўналтирур ва ўз қаншари ила Оллоҳнинг исмини имкон боринча кўпроқ такрорлайдур. Сўнгра яна таъзим айлаб, шу ҳолатда узоқ ўлтирур. Учинчи босқичда қалб кўзи жигарга қаратилур ва мусулмон одам «Оллоҳу Оллоҳ!» деб қайта-қайта такрорлайдур. Ул ерга бош қўйиб, узоқ таъзим қилмоқ ила яқунланур.

Қобулшоҳ гапларининг Темурга таъсирини билиш учунми, аста кўзларини очиб, унга синовчан тикилди. Темур эътибор ила қулоқ соларди. Қобулшоҳ яна кўзларини юмди, қовунсимон шаклдаги бошини қўйи эгганича гапида давом этди:

— Тўртинчи босқичда ички нигоҳ бошнинг юқори қисмига йўналтирилур ва айна дамда Оллоҳнинг исмини тез-тез такрорланур. Сўнгра тагин ерга бош қўйиб таъзим қилинур. Зикирнинг бешинчи, яқуний босқичи «Ла илаҳа ил-лаллоҳ» оятини фикран айтмоқдин иборат. Биринчи сўз юрак ила, иккинчиси — қаншар, учинчиси — жигар, тўртинчиси мия ила айтилур. Бул сўзлар қанчалик тез ва батартиб айтилса, инсон руҳининг Оллоҳ ила мулоқот йўли ҳам шунча яқин бўлур. Намоз яна ерга бош қўйиб, таъзим ила яқун топур.

Сўнгги таъзимни амалда бажо келтиргач, Қобулшоҳ кўзларини очиб, Темурнинг ўзига эътиборидан хурсандлигини яширолмаб, унга хайрихоҳлик ила тикилди. Темур Қобулшоҳга Муҳаммад пайгамбарнинг сўзлари ила жавоб берди:

— Менга Қуръони каримнинг бир сатрини ўргатгон одам ҳам — соҳибимдур.

Бу сўзлар Қобулшоҳга мўъжизавий таъсир қилди. Унинг мўъжаз огзи илжайганидан қулоғигача етган, юзи серқирра опқовоққа ўхшаб қолганди.

— Менга бағоят хуш ёқдинг!— дея хитоб қилди у.— Менга ини бўлурсен. Сенга ўзим ёрдам берурмен.

— Мен хон ила фақат овда кўришгон эрдим. Эмди эрса, ани шул ерда, Оллоҳнинг хизматкорлари даврасида кўриб турибмен. Илоҳий зикирдин менга сабоқ бергони учун самимий миннатдорлигим ифодаси та-

риқинда мен дарвеш Қобулшоҳни Чигатой улусига хон қилиб тайинлайдурмен.

Қобулшоҳ Темурга ҳайрат билан тикилди ва жиддий қиёфада сўради:

— Сен кимдурсен ўзи? Фаришта Жаброил эрмас-мисен?

— Мен Соҳибқирон Темурмен.

Бир-бирларига сира ўхшамаган бу икки одам — сусткаш, содда Қобулшоҳ билан ўткир нигоҳли омаддор Амир Темур ўртасидаги ғалати дўстлик ана шу тариқа бошланди.

Темур бу ерда бир йил мобайнида дарвешларнинг урф-одатларини ўрганди. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни ўқишнинг обдан ҳавосини олди. У рамазон ойида руза тутди, ҳамма дарвешлар қатори зоҳид турмуш кечирди. У воз кечган бирдан-бир нарса — ҳамма қатори Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларини яёв кезмади. Ҳар куни у ўз пири Шайх Тайободий билан соатлаб суҳбат қурар эди. Темур дарвешлар учун зарур бўлган билимларни ўзлаштирганига ишонч ҳосил қилган Шайх бағишлов кунини белгилади.

Ўша куни ҳамма дарвешлар — Шайхнинг муридлари бамисоли улкан доира ҳосил қилиб, ўз ҳужраларининг ёнларига ўтиришди. Шайх ўртада чордона қуриб ўтирар, Темур унинг рўпарасида турарди. Бу энди илгариги беташвиш ўспирин эмас, чавандозга ўрганмаган асов тойчоққа ҳам ўхшамас эди. Унинг юз қиёфаси ўта жиддий, нигоҳи — виқорли ва синчков эди. У узининг қизиқувчан назарини энди ташқи дунёга ҳам, ўзининг ички оламига ҳам йўналтира олар эди. «Олоҳу акбар! Олоҳу акбар!» — дея хитоб қилишарди дарвешлар. Мана шу хитоблар остида Шайх Тайободий Темурнинг белига феруза тош безакли маймунон тусидаги камарни тақди. Бу бағишлов белбоғи эди. Темурнинг бошига диёнат ва тақводорлик қалпоғи кийдирилди. Шайх ўз шогирдини уч марта қучоқлаб, аста гап бошлади:

— Олам тизимининг сири — ибодатхона, ибодатхонанинг сири — Макка, Макканинг сири эрса, Кааба ҳисобланур. Дунё ҳақиқатининг сири Қуръони карим, Қуръони каримнинг сири — илоҳий калом, илоҳий каломнинг сири эрса, Парвардигордур. Бул сир-синоатларнинг аксарини сен билиб олмишсен.

Темур муридларга хос итоатлик ила хотиржам жавоб берди:

— Ҳақиқатни билгон инсон учун Худога уйғун бўлмоқдин ўзга қувонч бегонадур.

Дарвешлар янада зўрроқ эҳтирос билан: «Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!» — дея хитоб қилишарди.

Шогирдининг жавобидан қониқиш ҳосил қилган Шайх майин жилмайди. У Темурнинг қўлига бағишловнинг сўнгги тимсоли бўлмиш маржонли узукни тақиб қўйди, узукнинг гардишига: «Магар жамики ишда одил эрсанг, сенга мудом омад кулиб боқадур», — деб уйиб ёзилган эди. Жимжимадор араб ёзувлари чирмашиб-чатишиб кетган, Темурнинг нигоҳи остида ҳадсиз-ҳудудсиз дунё ястаниб ётгандай эди. Шайх яна гапида давом этди.

— Каминага ғойибдин аён бермишким, оламда ўзини ноиб, яъни Оллоҳнинг вакили деб атовчи муақкилинг бор эркан. Эмди сен уни, қанчалик тиришмагин, кўролмассен. Локин вақти келиб, анинг ўзи сенга саодатманд нигоҳини қадайдур. Парвардигор сенга кўрсатаётгон йўлдан боравер, ўғлим. Мен эрсам, доимо ва жами ишда сенга фақир маслаҳатгўйинг бўлиб қолурмен.

«Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!» — дея яна фотиҳа қилишди дарвешлар. Шайх ва Темур тагин уч марта қучоқлашишди. Темурни кузатиш маросими тантанали ва самимий кечарди. Қобулшоҳ шунақанги тўлқинланиб кетдики, Соҳибқиронга ўзининг қулоҳини совга қилиб юборганини ҳам сезмай қолди. Дарвешларда бу — дўстлик туйғусининг олий ифодаси, деб қараларди. «Оллоҳ сени ўз паноҳинда асрагай!» деди у хайрлашаркан. Темур шу тариқа Мубошир полвон ва Абдуллоҳ ботир кузатувида Хуросонни тарк этди. Балхда у амир Ҳусайн билан кўришолмади. У бир ой аввал Қозагон хоннинг қароргоҳига жўнаб кетган экан. Балхдан улар Бухорога йўл олишди. Бухорода у авлиё Айюб ва Абдуҳолиқ Гиждувоний ҳазратларини зиёрат қилиб, сўнгра Мовароуннаҳрнинг буюк мутасаввифи ва авлиёи шарифи Аҳмад Яссавийнинг муборақ хоки пойига тиз чўкмоқ мақсадида Туркистон шаҳрига отланди.

Авлиёнинг қабри ёнида Темур ун беш кун булди. Қуръони каримдан оятлар ўқиди, Аҳмад Яссавий ҳазратлари олтмиш уч ёшга тўлгач, ер юзини тарк этиб, ўзининг фоний ҳаётини ўтказган ер ости ҳужрасида яшади. Муҳаммад пайгамбар ҳам ана шу ёшда қазо қилган эди. Бу ҳужрага кираркан, Аҳмад Яссавий:

«Мен бу ёруғ дунёда пайгамбаримиздан кўпроқ яшай олмасмен, анинг изидин борурмен», — деган эди. Бу ердан юқорига, одамлар ҳузурига бошқа бирор марта ҳам чиқмаган эди.

Темурнинг авлиё қабрига бу тарзда сидқидилдан сизгиниши Аҳмад Яссавийнинг меросхўри булмиш Шайхнинг кўнглини эритиб юборди ва у йигитга тумор совға қилди. Туморга қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Эй, Сен, ўз хоҳишинг ила зимистон тунни чарогон кунга эврилтирмоққа қодир Зот! Эй, Сен, қақраб ётгон ерни чаманзор гулшанга айлантиргувчи улуғ Богбон! Ҳар бир қийин ишда менга ўзинг мадад бергил, мушкулимни осон қилгил!»

Темур умрининг то сўнги кунларигача бу туморни бўйнидан ечмайди. Ҳар гал эҳтиёж туғилганда бу мўъжизакор сўзларнинг қудратига таянади.

Темур ўзининг қадрдон қўргончасига бир ярим йилдан кейин қайтиб келди. У янада улғайиб, билим ва ақл-заковат орттирди. У қайтгач, икки ҳафта мобайнида қўргонча эшиги ланг очиқ турди. Тарагай Баҳодур азбаройи шодлигидан ўгли қайтгани билан табриклаб келганларнинг ҳаммасига дастурхон ёзиб, икки ҳафта зиёфат берди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

АМИР ҚОЗАҒОН ҲУКМДОРЛИГИНИНГ СЎНГИ ЙИЛЛАРИ

1355 йилнинг кеч кузида, узумлар обдан етилиб, олма ва ёнғоқ дарахтларининг барглари ёмғирдай тўкила бошлаган паллада Тарагай Баҳодур ўгли амир Темурни уйлантирди. У ўз хонадонига Яккабоғ беги Норин Барлоснинг қизи, қорамағиздан келган соҳибжамол Нормиш огани келин қилиб туширди. Унинг кўзлари катта-катта, қора ақиқ рангида, узун киприклари бахмалга ўхшар эди. Сўнги йилда Тарагай Баҳодур анча ўзини олдириб қўйган, унинг қачонлардир куч-қувват ёғилиб турган вужуди хасталикка чалинган эди. Афтидан, буюк ипак йўлидаги юришлар ва жангу жадалларда ўтган бўронли ёшлиги ўз таъсирини ўтказа бошлаганди. Шунинг учун ҳам неваралар ва меросхўрлар орттириш пайига тушиб қолди. Бир йил аввал у катта қизи Қутлуғ хонимни Довуд Барлосга эрга узатганди. Энди оила ўчоғи қуриш навбати Темурга етганди. Уйга таклиф этилган меҳмонлар

кўпчилик эди. Аммо чавандозлар пойгаси, полвонлар кураши, улоқ чопиш ва бошқа қизгин томошалардан иборат катта тўй кимга насиб қилмади. Тўйнинг иккинчи куни, қўрғончага энди келин туширилган маҳалда амир Қозагондан чопар етиб келди. Чопар амирдан Темурнинг номига мактуб келтирган эди. Амир Қозагоннинг Тарагай Баҳодурга эмас, бевосита Темурнинг ўзига мурожаат қилганининг боиси бор эди. Гап шундаки, дарвешликдан қайтган Темур ёш баҳодирларни атрофига тўплай бошлаган, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўнлаб йигитлар ташриф буюришаётганди. Улардан амир Темур учта жанговар юзлик тузиб улгурган эди. Биринчи юзликка ўзи бош бўлган, иккинчисини Чоқу Барлосга топширган, учинчисига юзбоши қилиб Берқутни тайинлаган эди. Темур ва унинг баҳодирлари вақтни беҳуда ўтказишмаганди. Кеш тоғлари этакларида улар ўзларига тин бермай, соатлаб уқ ёй ва найза отиш, чўқмор ишлатиш бўйича ўз малакаларини такомиллаштиришарди. Баҳодирларнинг умумий тайёргарлигига Ҳаққул полвон бош-қош эди. Бу ишга Қаршидан атайин келган Абдулла Мерган ҳам жалб этилганди. Темур ўз жанговар юзликларини тузаётганидан амир Қозагон ҳам хабар топган ва унинг ҳузурига ўз чопарини жўнатганди.

Амирнинг мактуби ваҳимага тўла эди. Унинг хабар беришича, Хирот амири Малик Ҳусайн битим ва шартномаларни қўпол равишда бузиб, Чигатой улусини босиб олмоқчи, шу боис у, амир Қозагон, Мовароуннаҳрнинг жами туман ва беқликларига чопарларини жўнатиб, баҳодирларни ўз байроғи остига тўпланишга чорлаган эди. Қозагон ўз мактубини: «Босар-тусарин билмай қолгон босқинчига қарши зарба бермоқ учун наҳотки Чингиз авлодлари ожизлик қилмиш?» — деган сўроқ билан якунлаганди.

Темур сира иккиланмай, тўй тараддуларини қолдирди. Эртасига тонг саҳарда уч юзта чавандоз сафарга отланди. Улар Жайхунга йўл олишганди. Амир Қозагон ўз қароргоҳида Темурни илиқ кутиб олди. Унинг қўл остига йигирма минг отлик ва пиёда жангчи тўпланган эди. Амир Баён Сулдуз, Улжой Опарди, амир Абдулла, Тангу ўғли, шунингдек, Бадахшон шоҳи ўз лашкарлари билан етиб келишган эди. Бу вақтга келиб Малик Ҳусайн Андахуду ва Шибиргонни забт этиб улгурганди. Қозагоннинг яқинлашиб келаётганидан у Шибиргонда хабар топганди. Ҳусайн

шу заҳоти унинг истиқболига маълумот тўлагани уч юз отликдан иборат лашкар жўнатди. Унга амир Охур бош бўлди. Охур Мурғоб дарёсидан ўтиб, Мовароуннаҳр қўшинлари чинданам Жайхун (Амударё)нинг чап соҳилига ўтганига ишонч ҳосил қилгач, рақиб ҳақидаги энг янги маълумот билан Малик Ҳусайн ҳузурига қайтди. Қозагоннинг Эронга бостириб кирмоқчи эканига Малик Ҳусайннинг энди шубҳаси қолмади. «Турон лашкарлари шундайин кўпдурки, — дея эълон қилди у, — алар кўтарган чанг-тўзондан қуёш ҳам кўринмай қолмиш».

Малик Ҳусайн кенгаш йигиб, душманнинг истиқболига юрмоқчи, у билан юзма-юз чиқиб, галабага эришмоқчи эканини маълум қилди. Қўргон ташқарисидаги лашкарларига у зудлик билан икки зовур қазиб, уларни сув билан тўлдиришни буюрди. Шундан сўнг у душманини ер билан яксон қилиш мақсадида қўшинини олға бошлади.

Рақибининг йўлга чиққанидан хабар топган Қозагон ўз лашкарини Гузаргоҳ тоғлари этакларига етаклади. Тепаликка кўтарилиб, Малик Ҳусайннинг қўшини жангга киришга шайланаётганини кўрди. У шу топдаёқ кенгаш чақирди. Кенгашда Темур кутилмаган ва аниқ фикр айтиб, ҳаммани ҳайрон қолдирди: «Бул эроний жанг қойдаларин билмас эркан. Ул танлаган гўша яқинда ўз қўшинлари талофотига сабаб бўлур. Рақиблар бир-бирларига қараб жилишгонда, анинг жангчиларига — юқорига, бизникиларга — пастга юришга тўғри келур. Қуёш уфқдин бош кўтаргач, ўз нурларини анинг жангчиларининг кўзларига, бизникиларнинг эса, орқаларига ёғдирур. Қуёш душманга халақит бериб, бизга кўмаклашур».

— Бағоят тўғри фикр! — хитоб қилди амир Қозагон ва шу заҳоти ўз қўшинига душманга қарши ҳужумга ўтиш юзасидан фармон берди. Темур шунда яна бир бор Қозагонни ҳайратга солди. У ўзининг уч юз отлигига яна беш юз чавандоз қўшиб, бу гуруҳни дарров жангга киритмаслик, балки рақибни айланиб ўтиб, орқадан зарба беришга тайёргарлик кўриши кераклигини таклиф этди. Қозагон бу доно маслаҳатга ҳам амал қилди. У ўтли амир Ҳусайнга Темурнинг гуруҳига қўшилиб, у билан бирга душманнинг орқа томонига ўтишни буюрди.

Мана, ниҳоят рақиблар ҳаёт-момот жангини бошлаб юбордилар. Одамлар қони тўкилган ер алвон тус-

га киргач, қалқон ва совутлар йиқилганлар учун кафан вазифасини утаётганди. Жангчилар бирин-кетин оёқдан қолишарди. Кимнинг калласи сапчадай узилар, кимнингдир кўксига найза ёки камон ўқи санчилар эди. Маликнинг жангчилари ақл бовар қилмас зарбага чидай олмай, инграб, оҳ-воҳ қилишаркан, охири яраланган шерлардай қочишга тушишди. Хиротликлар даҳшатли тарзда, шармандаларча мағлубиятга юз тутишганди. Улар орқа-унгларига қарамай қочишаркан, Қозагон лашкарлари уларни изма-из қувиб боришарди. Хиротга етишгач, Малик унинг деворлари ортига яширинди. Амир Қозагон ўз қушинига бир кун дам берди, сўнгра уни қалъа деворлари томон бошлаб, Хиротни қуршовга олди. Уруш олови қирқ кун мобайнида узлуксиз ловуллади. Ер қонга тўйиниб, ҳавони кўмилмай қолган ўликларнинг қуланса ҳиди тутиб кетганди. Оғир қуршовдан обдан ҳолдан тойган Малик Ҳусайн яна машварат ўтказди. Шаҳар ва бутун подшоҳлик манфаатини эътиборга олиб, садоқат либосиний кияжаги ва Қозагон саройига бош эгиб, айби учун кечирим сўраб бормоқчи эканини маълум қилди.

Урушдан ҳеч қандай наф йўқлиги, жанг боис на экин-текин, на урим-йигим билан шуғулланиш мумкинлигини яхши тушунган амир Қозагон муроса қилишга рози бўлди. Малик Ҳусайн урф-одатга кўра, катта солиқ тўлаб, олтин, нафис эгар-жабдуқли зотдор отлар жўнатди. Хирот ҳукмдори тантанали суратда қасамёд қилиб, «саодатманд амир эсон-омон ўз қароргоҳига қайтиб боргач, анинг ҳузурида ерни ўпмоқ шарафига муяссар бўлмоқ учун» хоннинг орқасидан изма-из етиб боражagini билдирди. Қозагоннинг кўрсатмасига биноан узининг Хиротдаги ноибни қилиб Балх ҳукмдори амир Ҳусайн тайинланганини ҳам Малик тан олишга мажбур бўлди. Шундан кейингина Қозагон Хутталаандаги қароргоҳига қайтди. Темур эса, узининг довюрак баҳодирлари ила бирга Кешга жўнади.

Темурни нохуш хабар кутаётганди. Унинг онаси Тегина хотун юрак тутқаноғидан ногаҳон вафот этганди. Темурнинг қалби бир неча ой гам-гусса туманига чулганди. Қўрғончага юзлаб одамлар ташриф буюриб, Тарагай Баҳодур ва Темурга таъзия изҳор қилишарди. Катта опаси Қутлуг Туркон ога ўз эри Довуд Барлос ила бирга келди. Синглиси Ширинбек

ога ҳам ташриф буюрди. Опаси олис Самарқанддан, сингласи Қундуздан келишганди. Қаршидан Тегина хотуннинг қариндош-уруглари ҳам етиб келишганди. Куч-қувватдан қолган кекса Ҳожи Олимгина йўлга чиқолмаганди. Сафарали онаси Олия билан қадам ранжида этганди. Ҳожи Олим Сафаралини ўз фарзандидай тарбиялаган, зийрак ўсмирга узоқ ҳаёти давомида ортдирган билимларини ўргатганди. Эмишган укасига бир нигоҳ ташлашининг ўзиёқ Темурга йигитчанинг Берқутга нақадар ўхшашлигини билиб олиши учун етарли бўлди. Темур Берқутни биринчи кўрганида, у ҳам худди шундай навқирон ва қизгиш яноқли эди. Шу заҳоти Темурнинг хотирасида ўз болалиги, илк ўқ ёй отишлар, илк найза улоқтиришлар жонли бир тарзда намоён бўлди. Ҳа, уша вақтлардан буён кўп сувлар оқиб ўтди. Энди у — илк шонли галабани қўлга киритган, тобланган жангчи.

Бир неча ойдан сўнг амир Қозагон яна чопар юбориб, Темур ва унинг жангчиларини ўз қароргоҳига таклиф этди. Бу сафар у йигитни уч минг кишилик қўшинга қўмондон қилиб тайинлади. Аммо Қозагон ўткир нигоҳли, ёшига нисбатан анча ақллироқ бу баҳодирдан кучли ҳукмдор чиқишини биринчи бўлиб ботинан пайқаганди. У Темурга қалтис тадбирни — Маликнинг бир ой аввал кўзголон кўтариб, ўз давлати ҳудудидан амир Ҳусайнни ҳайдаб чиқарган укаси Бақарни тинчителиш учун Хиротга юришни ишониб топширганди.

Амир Қозагон Темур билан оддийгина хайр-хуш-лашди.

— Хиротга отлан, баҳодир, ул масканда аввалги тартиботни тикла. Чингизнинг ерларига ҳукмдорликни Ҳусайнга қайтариб бер, токи Хирот аҳли бизга нисбатан яна садоқат либосига ўралсун!

Қозагоннинг топширигини бажариш учун Темурга бир ой вақт кифоя қилди. Амирнинг невараси Ҳусайн яна Хирот ҳукмдорига айланди. Темурнинг ўзи эса, Қозагоннинг қароргоҳига қайтиб келди. Мовароуннаҳр ҳукмдори Темурни ўзининг ҳаворанг чодирида кутиб олди, унга алоҳида эътибор ва саховат, иззат-икромлар курсатди. Саркардалари ва амирлари иштирокида у ўзининг суюкли невараси Ўлжой Турконни барлосларнинг довурак Амири Темур Тарагай Баҳодурга эрга беражагини тантанали суратда эълон қилди.

Бундай шарафга муяссар бўлганидан Темур ҳайрат-

да қолди. Келинга сеп тарзида Қозагон қирқ отар қуй, йигирма уюр от ва яна шунча туя, шунингдек, кўпгина нодир гиламлар ва бошқа қимматбаҳо нарсалар тўхфа этди. Мовароуннаҳр ҳукмдорининг бу саҳийлигини кўпроқ унинг узоқни кўра билиши билан изоҳлаш мумкин эди. Қозагон бу жасур ва омадди баҳодирни ўзига яқинлаштириб, қўллаб-қувватлашни афзал деб билган, шунда Чингизга ўхшаб ўз шон-шуҳратининг чўққисига-ча тинчгина яшайверади. Акс ҳолда унинг оқибатсизлигидан норози бўлган Темур вақти келиб унинг бошига гавго ва кулфатлар солиши мумкин эди.

Унчалик машҳур бўлмаган ёш баҳодирга нисбатан Қозагон кўрсатган меҳрибонлик ва саховат кўп зодагон амир ва нуёнларнинг Темурга эътиборини кучайтириб юборди. Улар энди навқирон амирга алоҳида диққат ва илтифот билан қарашарди. Бу Темурнинг кайфиятига тобора руҳий кўтаринкилик бахш этарди. У ўзига ишонч, ниятлари тўғри эканига имон ҳосил қилаётганди.

Қадрдон қўргончасига қайтган Темурни улкан хушхабар кутарди. Соҳибжамол Нормиш ога унга ўғил туғиб берганди. Ҳақиқий мусулмонлар каби Темур ўзининг катта ўғлига Муҳаммад деб, пайгамбар исмини қўйди. Шу йилдан эътиборан унинг жанговар галабалари бошлангани боис у Муҳаммад исмига иккинчи — Жаҳонгир номини қўшди. Унинг меросхўрини Муҳаммад Жаҳонгир Баҳодур деб аташарди.

Мовароуннаҳрнинг барча амир ва нуёнлари илк ўғил кўргани муносабати билан Темурга табриклар ва совғалар жўнатишди. Боязид Жалоир ва Кешдан Ҳожи Барлосгина унинг қувончига шерик бўлишмади. Илми нужум соҳибининг башоратларини ҳамон ёдидан чиқармаган Ҳожи Барлос ҳали-ҳануз ўз амирлик тахтидан айрилиб қолишдан қўрқар ва шу боис Темурни ёқтирмас эди. Умуман олганда, бадҳоҳлик ва фитна уюштириш бобида устаси фаранг эди. Ярим йилча аввал у гуёки ўз неварасини Кешга ҳукмдор қилмоқчи бўлган қайнотасини шафқатсизлик билан гумдон қилганди. «Фитна»дан хабар топган Ҳожи Барлос уни қатл эттирганди. У ўз фарзандига ҳам қўл кўтармоқчи бўлган, лекин Тарагай Баҳодур уни бу енгилтак ва ҳалокатли йўлдан қайтарган эди.

1357 йилнинг баҳорида амир Қозагон қабул қилинган одатга кўра, катта ов ўтказди. Шу муносабат билан Жайхуннинг қумлик соҳилига кўпчилик амир ва

нўёнлар йигилишди. Темур амир Хусайн билан яна юз кўришди. Ёш амирлар чин дилдан бир-бирларига интилишарди. Улар кўп йиллик дўст, энди эса, Темур Хусайннинг сингисига уйлангач, қариндош-уруғ бўлишганди. Хусайн ўз ҳаёти билан Темур олдида бурчли эканини ҳам асло ёдидан чиқармаган эди. Хиротда тўс-тўпалон бошлаган амир Бақара Хусайнни ҳибсга олиб, қамаб қўйган эди. Асирга тушган Хусайн йўлини топиб, Темурга ушбу мазмундаги нома билан чопар юборганди: «Лашкарларим қўмондони сотқинлик айлаб, мени қатл этмоққа, ҳукмдорлик тахтини эрса, Маликнинг укаси Бақаранинг илкига топширмоққа розидур. Сен мени ўлимдан қутқарурсен, деб умид қилурмен».

Темур шиддатли ҳаракат қилди. У ўзининг саккиз юз лашкари билан саноқли кунлар ичидаёқ Хирот деворлари тагида пайдо бўлди. Бу ерда уларни ҳеч ким кутмаган эди. Уч юз лашкарини шаҳар дарвозасига қўриқчи қилиб қолдириб, ўзи беш юз қўшин билан тоғ чўққисини ошиб, амир саройига бостириб кирган ва Бақарани ухлаб ётган жойида қўлга туширган эди. Хусайн қамалган зиндон калитини унга Бақаранинг ўзи берганди. Мана, энди амирлар бирга ов қилишарди.

Амирлар овининг итлар ерда изгиб, лочинлар осмонга кўтарилиб улжа излаётган айни авж палласида қурол-яроғли бир неча баҳодир Темурнинг эътиборини ўзига тортди. у ишкаллик сезиб, шу заҳоти амир Қозагонни суиқасд бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирди. Аммо овчиларни буғудан қайтариб, йўлбарс изидан йўналтираркан, ўз атрофига садоқатли баҳодирларини тўплаб, фитначиларни қуршовга олди. Улар нўён хонлари зотидан бўлган Донишманд бошчилигидаги ўн беш киши бўлиб чиқди. У амир Қозагонни ўлдириб, Мовароуннаҳрга ҳукмдор бўлишни ният қилган экан. Қўл-оёқлари боғланган фитначилар кўп тихирлик қилишмади. Амир Қозагон Темурни бу хизмати учун ўз миннатдорчилиги маъносида Шибиргон шаҳрига ҳоким қилиб тайинлади.

Шу тариқа Темур йигирма икки ёшида улкан шаҳарга ҳукмдор бўлди. Асилзода зоти эмас, балки зукко ақли, ўткир кузатувчанлиги ва довжораклиги боис Темур босқичма-босқич юқорига кўтариларди. Шибиргонда у даставвал шаҳар деворларини мустаҳкамлади, қўшин тўплади, уларни қуроллантириб, ҳарбий

малака берди, уларни унлар, юзлар ва мингларга бўлиб чиқди. Шаҳар қўшинига қўмондонлик вазифасига у ўзига ишонгандай ишониши мумкин бўлган Берқутни тайинлади. Ўзи эса, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга киришди. Ушбу шаҳарни бошқаришнинг ўзи ишлаб чиққан дастури кейинчалик давлатни бошқариш тузилмасининг асосига қўйилади. Кўп ўтмай, Шибиргонга иккинчи хотини Ўлжой ҳам ўғил кўрган ҳақида хушxabар келади. У ўглининг исмини улуг Халиф шарафига Умар деб атайди ва руҳий устози Шайх Тайободийга чуқур ҳурматининг рамзи сифатида унга «Шайх» сўзини илова қилади.

Тақдир тақозоси ила Темур Шибиргонга узоқ ҳукмдорлик қилмади. Кўп ўтмай бир маромда кечаётган Мовароуннаҳр ҳаётида улкан галаёнлар кўтарилишига сабаб бўлган воқеалар бошланди. Бир суиқасдан эсон-омон қутулган кекса амир Қозагон иккинчисининг домига илинди. Қанчалик галати туюлмасин, Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлмиш амирни ўлим айни шу овда ўз исканжасига олди. Фитна бўлишини яхши билган Қозагон бошқа катта, дабдабали овлар уюштирмай қўйганди. Аммо ов унинг жони-дили ва бу завқли машгулотдан ўзини тия олмас эди. Кичик амирлар ови ҳам уни қониқтираверарди. Сунгги овда атиги ун бешта овчи иштирок этганди. У ўз қароргоҳи жойлашган Соли Саройдан кечга яқин деярли соқчиларсиз йўлга чиқди. Амударёдан ўтди, — у ерда тулки ва бугулар жуда бисёр эди. Тонг отгач, у узун момик думли сариқ тулкини олдинга ўтказиб юбориб, оқ лочинини осмонга учирди. Ҳайдовчиларга ерга ётишни буюрди-да, ўзи тулки ортидан қувиб кетди. Тўқайда уни пистирмадагилар кутаётганди, — ўша ўтган гал Қозагон афв этган фитначилар ўз ниятларига етишганди. Шоҳнинг лочини тошдай пастга қулаб, ҳайвоннинг оловранг елкаларига узун тирноқларини ботирган маҳал, Қозагон эса, лочин бошлаган ишни охирига етказиш учун ўқ ёйини даст кўтарган пайт ўзга, бегона камон ўқи гириллаб учиб келиб, амирнинг орқасига санчилди.

Телба-гескари бошланган иш ҳеч қачон яхшилик ила тугамайди. Дунёда кимдир қачондир йўл қўйган гуноҳ учун ўша телбанинг бошига келиб урилиш наздида қасос пишиб етила боради. Қачонлардир овда амир Қозонни ўлимга гирифтор қилган амир Қозагоннинг камон ўқи энди гўё вақт майдонида даҳшат-

ли доира ҳосил қилиб, яна изига қайтгандай эди. Ун икки йилдан сўнг Қозагоннинг ўзини ҳам худди шундай улим ўз чангалига олди. Ҳа, амирлар овида қонун-қоида шундай: сен ё овчисан, ёки ўлжасан.

Овчилар оқ лочинни тамом унутиб, амирнинг жасадини отга ортишди-да, саройга олиб келиб, қабрга қўйишди. Уша кундан эътиборан Мовароуннаҳрда ҳокимиятсизлик ва қонунсизликлар бошланиб, галаёнлар кўтарилди ва у етти йил давом этди. Инсон манфаатлари ва эҳтиросларининг бу улкан уюрмасига Темурнинг тақдири ҳам қўшилиб-чатилиб кетган эди.

УНИНЧИ БОБ

ЧИҒАТОЙ УЛУСИДАГИ ГАЛАЁН

Инсон ҳаёти ҳамиша турфа-туман шарт-шароитлар тақозоси ила кечади ва уларнинг айримлари, юзаки қараганда, ҳеч кимга даҳлдор эмасдай туюлади. Айтайлик, қаердадир овда ёвуз ният билан ҳукмдорни ўлдириб кетишганининг шоликор, чўпон, кулол ёки этиқдўзга нима даҳли бор? Ахир, бу воқеа улардан жуда олисда юз берган ва уларнинг иши эмас бу. Уша ҳукмдорнинг башарасини ҳам кўришмаган, узлари учун у яхши ҳам эмас, ёмон ҳам. Уларга бари бир-ку? Айтайлик, амирлари Қозагон бор эди, ҳокимият учун бошқа амирларга қарши курашган, ўз тахтига ҳамма подшолар қатори қўш қўлаб ёпишиб олганди. Аммо галаёнлар бошланиши биланоқ шоликор ва чўпон ҳам, кулол ва бўзчи ҳам амир Қозагон даврида яхши яшашганини англаб етишди. Улар хотиржам ўз ишлари билан машгул бўлишлари мумкин эди. Солиқ тўлашса, бас, уларга ҳеч ким тегилмас, халақит бермас эди. Нон билан гўшт деҳқонга ҳам, чўпонга ҳам, қўшинларию амалдорлари билан бирга амирга ҳам етиб ортарди.

Галаён ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборди. Мовароуннаҳр ҳукмдорининг тахти учун янада шиддатлироқ, янада кучлироқ кураш бошланди. Бу кураш турига катта ва кичик амирлар: нўйон ва ҳарбий саркардалар тобора кўпроқ илинаётганди. Ҳарбий юриш олдидан халқнинг дилига гулгула солиб, ҳали у ва ҳали бу жойда жангчилар тупланишар эди. Оқибатда деҳқон экин экиш ва ҳосил йиғишни, чўпон эса

қўйларини боқишни истамай қўйди. Ҳар бир амир уларни ўзига, ўз қўшинлари сафига тортар, ҳар бир амир ҳеч қандай ҳисоб-китобсиз дон ва молини талон-тарож қилиб кетарди. Тинч ҳаёт тугаган эди. Қозагон даврида, қаттиққўл ҳокимият тасарруфида қандай яхши яшашган экан, ахир! Мардикорликка боришга, бушаб қолган тахт учун курашга ҳожат йўқ эди. Тахт бари бир ўзларига буюрмайди-ку. Унинг учун ўлиб-чириб кетсанг оилангни ким боқади? Қарабсанки, бола-чақанг учун ҳам — тўрт томон қибла...

Улкан Ёнгин дарров аланга олмади. У улус бўйлаб секин-аста, лекин муқаррар суратда ёйилиб борди. Маълум вақт эски ҳокимият унинг йўлига тўсиқ қўйгандай бўлди. Лекин ўша машғум камонни нишонга йўналтирган зот, эски ҳокимият ўз калласидан жудо бўлгач, гандираклаб қулаб тушишини яхши биларди. Ана шундан кейин қатъий ва бемалол ҳаракат қилиш мумкин. Оллоҳ лозим топган доирадаги одамларнинг ҳаммаси Қозагонни Хуттоллан амири Кайхисрав ўлдирганидан хабардор эди. Илло, Қозагон, ўз қароргоҳини Хуттолланга кўчириб, унинг бу шаҳар устидан ҳукмронлигини йўққа чиқаргани учун ўлимга гирифтор қилинган эди. Бексиз беклик бўладими, ахир?! Қозагон билиб-билмай ўзига тузоқ қўйган эди. Кайхисровга ўз тугилиб ўсган шаҳрида Қозагонга таъзим бажо келтириб, дастёрчилик қилиш, ним овозда гапириб, олазарақ ҳолда юриш асло хуш келмас эди. Бу фитнада мўғулистонлик Тўқлут Темур ҳам иштирок этганди. Кайхисровга уша лаънати қароргоҳ шаҳардан чиқариб ташланиши, унинг беклик қилишига ҳеч ким халақит бермаслиги керак эди, холос.

Чинданам, қароргоҳ шаҳардан ташқарига кўчди. Қайхисровнинг биринчи орзуси ижобат бўлди. Қозагоннинг фатвоси билан Самарқандга ҳукмронлик қилиб турган ўғли Абдуллоҳ отасининг фожеий вафотидан воқиф бўлган заҳоти Хуттолланга етиб келди ва тахтни эгаллади. Амирлар ва беклар унга ўзларининг итоаткорликларини намойиш этиб, Мовароуннаҳр подшоси бўлганини тан олишди, Абдуллоҳ эса, ўз навбатида, Баёнқулихоннинг Чигатой улусига хонлиги ҳуқуқини тан олди. Яъни қурултой қарорини тасдиқлади.

Марҳумнинг йигирмаси, кейин қирқ кунлик маъракаси ҳам ўтди. Абдуллоҳ бу вақт ичида отаси-

нинг ҳаворанг чодирда яшади. Лекин унинг қалбида Самарқанднинг ҳашаматли саройлари, жаннатмакон бу ҳудуднинг гулгун ва зумрад боғлари ва узумзорларига согинч туйғулари тобора илдиз отарди. Куп ўтмай у ўз қароргоҳини Самарқандга кўчирди. Абдуллоҳ Ҳуттоландан Баёнқулихонни ҳам ўзи билан бирга олиб, Амударё соҳилларини тарк этди. Шу тариқа амир Кайхисров олий ҳукмдорнинг хизматида бўлишдек иззат-нафсига тегувчи ва узини хўрловчи мажбуриятдан озод бўлди. Аммо қароргоҳни кўчираркан, амир Абдуллоҳ бу хусусда бошқа амир ва нўёнлар билан маслаҳатлашиб ўтирмади ва бу билан уларда ўзига нисбатан норозилик уйғотди. Мовароуннаҳр аёнлари: шоҳ қароргоҳини мамлакатнинг асосий марказларидан олисда жойлаштириш ҳеч қандай фойда келтирмайди, балки давлатни бошқариш ишларини мураккаблаштиради, холос, деб ҳисобларди. Аксарият ҳолларда «кимки иззат-ҳурматли одамларнинг маслаҳатларига қулоқ осмаса, пировардида ачинаиб, афсус бармоқларини тишлайдур». Боз устига, амир Абдуллоҳ давлат ишлари билан жиддий шугулланишга шошилмаётган эди. У Баёнқулихоннинг соҳибжамол хотинининг ишқида ёнар, шу боис даставвал ана шу аёл билан муносабатларини ўнглаб олмоқчи эди. Тўсиқ бўлиб турган эрини синалган усулда гумдон қилди — овда кўксига найза суқди. Баёнқулихоннинг жасадини Бухорога олиб кетди ва Шайх Сайфиддин Баҳордий мақбараси яқинига қўйдирди. Улуснинг хо-ни лавозимига эса, яна бир ўзи, ҳеч ким билан маслаҳатлашмасдан ва ҳеч кимга билдирмасдан, Темуршоҳ Уғлонни тайинлади.

Шоҳ қароргоҳининг кўчирилиши, кекса хоннинг ўлдирилиши, янгисининг тайинланиши — булар бари қурултой билан келишилмаган ҳолда амалга оширилган ва оқсуяк аёнларни безовта қилиб қўйганди. Демак, улар назар-писанд қилинмаяпти, уларнинг фикри, сўзлари ҳеч қандай залворга эга эмас, деган хулоса келиб чиқаётганди. Инчунин, ўзларини уч пулга ҳам олмайдиган ҳукмдорни аёнлар зудтар тахтдан ағдаришга қарор қилишди. Норози амалдорлар Шодмоннинг амири Баён Сулдуз бошчилигида шошилинич қўшин тўплашди. Лашкарлар Самарқандга қараб юриш бошлашди. Жангчилар Кеш яқинидан ўтишаркан, уларга ўз навкарлари билан Ҳожи Барлос ҳам қўшилди. Абдуллоҳ қаршилиқ кўрсатишга тайёр эмас

ва биринчи жангдаёқ мағлубиятга учраб, Баён Сулдуз чавандозлари таъжиби остида орқа-ўнгига қарамай Амударёга қочди. У ердан дашт сўқмоғи орқали оиласи билан Хуросонга етиб олди ва муъжаз Андалаб шаҳрида то умрининг интиқосигача яшади. У ерда собиқ шоҳни ҳеч ким безовта қилмади. Янги тайинланган Темуршоҳ ҳам Самарқанддан жуфтакни ростлади. Мовароуннаҳрда яна ҳокимиятсизлик бошланди. Кўҳна йилномаларда Ёзилишича, кундузлари худди тундагидай зимистон, чунки қуёш қайси ҳукмдорга нур сочишни билмасди. Ҳар бир зодагон амир, ҳар бир оқсуяк нўён ва бек ўз-ўзига фақат бир саволни берарди: «Нега эмди мен эрмас?» Ўнлаб тўра ва акобирлар елка ва тирсақларини, қилич ва камонларини, заҳар ва оловни ишга солиб, муқаддас мақсад сари интилишарди. Уларнинг тахтни эгаллаш ҳақидаги хоҳиш-истакларидан осмонда янги қуёш порламади, табиатда илиқлик ва нур кўпаймади. Мовароуннаҳр осмони узра ўша кўҳна, яккаю ягона қуёш нур сочишда давом этарди. Юрт эса, ҳамон эгасиз, ҳукмдорсиз эди. Бошсиз подшоҳлик эса, худди жонсиз танадай, ириб-чириб, ўз таркибий қисмларига ажралиб кетади. Кўп ўтмай ҳар бир амир, ҳар бир бек ўз-ўзига ҳукмдор ва подшоҳга айланган эди. Амир Боязид Жалоир Хужандда урнашиб олди. Ҳожи Барлос Кешни бошқарарди. Кайхисров қайтариб олган ҳокимиятининг айшини суриб, Хуттолландан бир қадам ҳам жилмай қўйди. Балхга амир Ҳусайн эгалик қиларди.

Ана шундай бебошвоқ бир вазиятда Амир Темур ўзининг зукко ақли билан, ниҳоят, ўзининг вақт-соати етгани, ҳаракат бошлаши кераклигини тушуниб етганди. Иккинчи бор бундай қулай шароит юзага келмаслиги мумкин эли. У Шибиргон устидан ҳукм юритишни бу шаҳарнинг аввалги ҳукмдори Муҳаммад Ҳожи Алардийга топширди-да, ўзи минг нафар баҳодирдан иборат пухта қуроолланган қўшинга бош бўлиб, Самарқандга отланди. Икки йиллик узлуксиз машқлар ва ҳарбий кўриклар жангчилар учун беҳуда кетмаганди. Улардан чапдастроқ ва қалтисроқ, улардан топқирроқ ва матонатлироқ лашкар бутун Мовароуннаҳрда ҳам йўқ эди.

Икки ҳафтадан сўнг у Кешга етиб борди. Бу ерда тутилиб қолишига тўғри келди. Тарағай Баҳодур ўз қўргончасида умрининг сўнгги кунларини ўтказаёт-

ганди. Темурнинг падари бузруквори 1360 йилнинг интиҳосида сокин бир алфозда боқий дунёга отланди, уни кўмиш билан боғлиқ маъракаларни ўтказгандан кейингина Темур юришни давом эттириши мумкин эди. Унинг поччаси Довуд Барлос: Мўғулистон хони Тўқлуг Темур Хўжандни забт этиб, юз минг кишилик қўшин билан қуёшгача чанг-тўзон кўтарганча, Мовароуннаҳрнинг кўҳна пойтахти сари жилаётгани ҳақида хабар юбориб, чопар жўнатди. Темур Самарқандга ундан тезроқ етиб оламан, деб ҳисоблади, Кешдан буёғига манзил унча олис эмас эди. У зудтар юриш бошлаш ҳақида буйруқ берди. Ҳокимиятсизлик шароитида одил ва қаттиққўл ҳукмдорни соғиниб қолган самарқандликлар Темурнинг қўшинларини шод-хуррам ҳайқириқлар билан кутиб олишди. Шаҳарликлар ҳам, шайхлар ҳам Темурга тўла итоат этажакларини билдиришди.

Бу вақтда эса, Мовароуннаҳрнинг ярим ерлари Мўғулистон ҳукмдори Тўқлуг Темур қўшинлари отларининг туюқлари остида ингранар, ҳансирар эди. Самарқандга: мўғул хонининг сон-саноксиз лашкарлари яқинлашаётганидан қўрқиб кетган Ҳожи Барлос ўз юртини ташлаб, Хуросонга қочибди, деган гап-сўз етиб келди. Темур мамлакат ичкарасида ишончли таянчи қолмаганини тушунди. У дастлаб ўзининг маънавий устози Шайх Тайободий билан маслаҳатлашиши, унгача ҳеч бир тадбир қилмаслиги зарурлигини англаб етди. У Шайхга юзага келган вазият ва ўзининг аҳволи баён этилган номани чопар орқали зудтар жўнатди. У аини дамда ўзининг Мовароуннаҳрда қолиш-қолмаслиги юзасидан ҳам маслаҳатга муҳтожлигини аён этганди. Кўп ўтмай Темур жавоб олди.

«Тўртинчи халиф Али бир куни айтмиш: «Агар осмон — ўқ ёй, тақдир эрса — камон ўлса, мерган Оллоҳнинг ўзидур. Андин қаён қочиб қутулурсен?» Ўзингни қўлга ол ва Тўқлуг Темурга қўшил, чунки ул Оллоҳнинг ердаги соясидур. Сен ҳозироқ Мўғулистон хони ҳузурига бориб, анинг қўлиндаги ўқ ёй ва камонларини улоқтириб ташламоққа мажбур айла!»

Бу маслаҳат асосида нима ётганини Темур тушуниб турарди. Мовароуннаҳрда юриши олдидан Тўқлуг Темур ислом динини қабул қилган ва ўзининг бир юз олтмиш минг издошини ҳам шунга мажбур этганди. Темурнинг бу савоб иши жами мусулмонлар қалбини кўп шодликларга тўлдирган эди. Амир Темур

ҳам хонни ёқтириб қолганди. У Шайх маслаҳатига амал қилди ва ўзи учун фахрий шартлар асосида унга таъзим бажо келтирмоқ учун Тўқлуг Темур билан мулоқотга киришга жазм этди. Мўғулистон хони ҳам Мовароуннаҳр ерларини ортиқча талофотларсиз қўлга киритиш ниятида эди. У ўз чопарларини учта энг нуфузли амирлар ҳузурига жўнатганди. Уларнинг бири Темурнинг номига хат келтирди. Унда, хусусан, ушбу сўзлар битилганди: «Мен, ким, Тўқлуг Темур, сенга жами халқинг ва жами қўшининг бирла менга қўшилмоғингни буюрамен».

Темур иккиланаётганди. У ўз ҳаётида ҳеч қачон ҳеч кимга бош эгмаганди. Энди эса, босқинчи ҳузурига итоаткорлик билан таъзим қилиб бориш керак эди. Бу баҳодир йигит учун ярашмаган иш эди. Айни пайтда мингта навкар билан юз минг кишилиқ қўшинга қарши жангга кириш ҳам ақлдан эмасди. Ана шу огир дақиқаларда Темур Парвардигор билан маслаҳатлашишни лозим топди. У оятлар ўқиб, Қуръони каримни қўлига олди-да, авлиё Юсуф ҳақида ёзилган бетни очаркан: «Анга Худо ёр бўлсин!» — дея ўқиди. Бу тўғридан-тўғри шуни кўрсатардики, Оллоҳнинг иродаси ила мўғул хони Тўқлуг Темурга нисбатан қароқчидай эмас, балки ясо қонунларига биноан иш тутиш лозим. Яъни Чингизхон авлодларига қандай муомала лозим бўлса, уни ҳам шундай ҳурмат ва иззат-икром билан кутиб олади.

Лекин Темурга маслақдош бўлган амирларнинг бир қисми душманга қарши жанг қилиш, асло итоат этмаслик тарафдори эди. Темур уларга қарата ўз фикрини айтди: «Ҳозир аччиқ қилиб, кучли мўғул хони Тўқлуг Темурга қарши курашмоқ мумкин эрмас. Анинг жангчилари ҳаддин зиёд кўп. Энди анга сўзсиз итоат этмоқдин узга чора йўқ».

Темур ҳали бир фикрга келиб улгурмасидан Мўғулистон хони сабри чидамай, Самарқандга бостириб киришга жазм этди. У энг кўзга кўринган ҳарбий саркардаларидан бири Маҳмудшоҳ бошчилигидаги қирқ минг лашкарлардан иборат қўшинини сафарга отланганди. Амир Темур зудлик билан кўп совға-саломлар олиб, Тўқлуг Темурнинг қароргоҳи жойлашган Хўжандга йўл олди. Агар очиқ жангга галаба қилиш мумкин бўлмаса, деб ўйларди у, нега энди ҳийла йўли билан чап бериш мумкин эмас? Дарвоқе, истиқболда ҳам у ушбу усулдан ҳали кўп фойдаланади.

Темур юзта навкари қуршовида сафарга отланди. Икки кеча-кундуз йўл босишгач, у мўғулларнинг хуфий гуруҳига дуч келди. Қулоғи остидан визиллаб камон ўқи учиб ўтди, унинг ҳаёти шам оловидай липиллаб қолган эди. Маҳмудшоҳнинг олд қатор жангчилари билан ҳазиллашиб бўлмаслигини у тезда тушунди. Англашилмовчилик бартараф этилди ва Маҳмудшоҳга у билан учрашиш юзасидан чопар юборилди. Кешлик баҳодирнинг омадди ва жасурлигидан янши хабардор бўлган Маҳмудшоҳ унинг кўшинига қарши жангга тайёргарлик кўраётгани, иш ўзгача тус олганидан ҳайратга тушди. У Темурни ўзининг кўча ўтовидида қабул қилди. Темур Маҳмудшоҳга Мўғулистон хонининг ўзига юборган номасини узатаркан:

— Тўқлуғ Темур хоннинг даъватига жавобан каминанинг хизматига отланмоқдамен, токи анинг қармоғидаги ерлар ҳимоясиз қолмасун, халқи эрса озор чекмасун, — деди.

Хон номаси Темурга ҳимоя ёрлиғи вазифасини ўтади. Совғаларнинг бир қисмини қабул қилиб олган Маҳмудшоҳ Темур ва унинг навкарларига Тўқлуғ Темур қароргоҳига боришларига ижозат берди. Мўғулистон хонининг катта, булутдай оппоқ чодири узоқдан кўриниб турар, лекин унга етиб бориш осон иш эмас эди. Уни хоннинг лашкарлари учта ҳалқа ҳосил қилиб ўраб олган эди. Мўғулистон лашкарлари Мовароуннаҳр навкарларидан кескин фарқ қилишар, улар почалари кенг тери шим кийган, дашти қипчоқлар ва яноғи кенг мўғуллардан иборат эди. Нуёнлар бошларига тулки ёки бўри терисидан тикилган узун кокилли қалпоқ кийиб олишганди. Оддий жангчилар буқа ёки хўроз терисидан ясалган кенг малақайларда эдилар. Улар темир қалқон, калта найза, энли қилич, ўқ ёй ва тери жилдларга солинган ўқлар билан қуроланишган эди. Кучлироқ жангчиларнинг ўнг томонига огир чўқморлар осилганди. Мўғулистон лашкарлари эпчил ва абжир эдилар. Темур уларга қарши жанг қилиш жуда қийин кечишини хаёлидан ўтказди.

Мана, ниҳоят, улар хон ҳузурига элтувчи биринчи ва иккинчи тўсиқдан ўтишди. У ёғига Темур Берқут ва Чоқу Барлос кузатувида кетди. Хон чодирининг олдида қулоқ ва думлари қирқилган, бузоқдай-бузоқдай бўрибосарлар галаси ириллаб, гингишиб туришарди. Темур гала ўн иккита қутурган итдан иборатлигини санаб чиқди. Чодирга кираверишни иккита зан-

жирбанд, ола-була қоплон қуриқлар эди. «Хон узига найза уқталган тақдир зарбасидин қурқиб, узини қоплонлар ихтиёрига топширмиш», — дея хаёлидан утказди Темур. Чодирга яқинлашаётган одамларни қурган қоплонлар жуллари тикка бўлиб, ўринларидан туриб кетишди ва таҳдидли ўкиришди.

Қоровул бошлиги — барзанги нўён ичкаридан чиқиб, Темурга савол назари билан тикилди. Хоннинг номаси Темурнинг қўлида эди. Нўён уни диққат билан ўқиб чиққач, эҳтиром ила бош иргади ва четга ўтиб, унга йўл берди. Берқут ва Чоқу Барлосга шу ерда кутишни буюрди ва улар йиртқич ҳайвонларнинг ёнида қолишди. Хон паст бўйли, лекин миқтидан келган, мушаклари чайир, қисикқўз, яноқлари кенг, митти бурун одам эди. У ҳаворанг хитой ипагидан тикилган юмшоқ кўрпача устида ўтирарди. Кўрпача тагига йўлбарс терилари ташланган эди. Лекин ҳарбий анжомлари ўзи билан бирга, иссиқ, қавилган чакмон танасини эркин ўраб турарди. Бошига чодирга ўхшаган учи ўткир оқ қолпоқ қўндирилганди. Хоннинг тери қўлқоп кийган қўлида кўзлари қип-қизил, оқ лочин ўтирарди. Хон уни янги сўйилган қуён гўшти билан овқатлантираётганди. Ёввойи қуш гўштини узун тирноқлари билан чангаллаганча чуқилар ва очофатлик ила ямлар эди.

Тўқлуг Темур кирган одамга эътибор қилмади, аммо лочин гўшт чуқилашдан тўхтаб, қонга тўла қип-қизил кўзларини Темурга қадади. Хоннинг орқасида тўртта қуриқчи гўдаиб турарди.

Ниҳоят, хон Темурга кўз ташлади. Илло, одат бўйича, биринчи у гапириши керак эди. У амирга тикондай ўткир нигоҳини қадар экан, шошилмай гап қотди:

— Бирови шоқолдай қўрқоқлик қилиб, Жайхун ортига қочмиш, иккинчисин ўзим асир олмишмен, сен бўлсанг, бўйин эгиб, ўзинг келмишсен. Эгилган бошни қилич кесмайдур, дейдилар. Мен сени тенг ҳуқуқли аён тариқинда қабул қилурмен. Тўла тасаруфимга ўтгонинг рамзи сифатинда Самарқанднинг бош дарвозасига менинг тамгамни қўйдириб босурсен. Анда манови лочин акс эттирилмиш. Эмди мен Мовароуннаҳрга қарши уруш эълон қилмасмен.

Темурнинг елкасидан тоғ агдарилгандай бўлди. Худога шукур, Самарқанд замини одамзот қонига беланмайди, мўгул отларининг туёқлари остида битта чумо-

ли ҳам эзилиб янчилмайди. Сира иккиланмай, бир зум ҳам фурсатни бой бермасдан Темур розилик билдирди: кўҳна шаҳар дарвозасига хоннинг тамгаси албатта қуйдириб босилади. Хон илтифот кўрсатиб, Темурнинг совга-саломларини қабул қилди, унга Мовароуннаҳрга ҳукмдорлик қилиши юзасидан ёрлиқ берди, Кеш ва Қарши туманларини эса, унинг аждодларидан мерос қолган хусусий мулки деб тан олди. Тамга учун ҳар йили бож тўлаб туришини талаб қилди. У ҳар бири беш юз қўйлик минг отар, беш юз мингдан от ва туядан иборат эди. Амир унинг талаби бўйича яна кўп нарсаларни тўлаши керак эди. Темур итоаткорлик билан бош ирғар — даврнинг қўли шафқат билмас эди.

Кеш амири билан музокарани тугатиб, лочинини овқатлантириб бўлагач, хон чодирдан ташқарига чиқди. Темур унинг изидан юрди. Шу чоғ хон пича туррадудда тўхтаб қолди. У узини йўқотиб қўйгандай эди. У кўз узмай Берқутга тикиларди.

— Баҳодир, сен қай уруғдинсен? — қизиқсинди у.

— Меркитмен, тақсир, — деб жавоб берди саркарда бамайлихотир.

— Сени таниётирмен. Тўтрироғи, отанг Қорақуюнни танирмен! Ул Кепакхон қароргоҳининг баҳодирларидин эрди.

— Сиз ҳақсиз, хон ҳазратлари, Қорақуюн — менинг отам. Ул зот сизнинг хонлик фазилатларингиз хусусида менга кўп сўзлар эрди, — деди Берқут эҳтиром ила.

— Амир Темур, сени ва баҳодирларингни тушликка таклиф қилурмен. Ушанда мен Қорақуюннинг ўғли ила суҳбатни давом эттирурмен, — деди хон ва Темур ҳамда унинг баҳодирларини жойлаштириш, уларни ҳеч нарсада чекламаслик ҳақида фармон берди. Эгарланган от тайёр турарди. Хон енгил ҳаракат билан бир сакраб отга миңди-да, даштга чоптириб кетди. Ёши бир жойга бориб қолганига қарамай, хон ҳар куни бир неча соат чавандозлик машқлари билан шуғулланар эди.

Кечқурун хон чодирда меҳмонлар шарафига базм уюштирилди. Дастурхон жуда тўкин эди. Гуштан тайёрланган турфа-туман овқатлар тўла кумуш, мармар, ўйма лаганлар соғлом иштаҳа уйғотарди. Жомлардаги қимизлар кўпириб турарди. Ўрислардан ўзлаштирилган янгилик — хонаки пиво ҳам тортилди.

Лекин Темур, Қозагон ўтказган илк меҳмондорчиликдаги тантана ва дабдабани бу ерда кўрмади. На мусиқачилар бор эди, на масҳарабозлар. Аммо базмнинг иштиҳосида хоннинг ишораси билан икки полвон ўртага чиқиб, кураш бошлашди.

Темур дастурхон тўрида хоннинг чап томонида ўтирар эди. Темурнинг чап тарафида қароргоҳга махсус қақирилган Маҳмудшоҳ ўтирарди. Нуённинг ёнига унинг Алишоҳ исми ўн икки яшар ўғли ўтқизилганди. Хон ўнг қўл томонига Берқутни жойлаган ва бутун базм мобайнида хотираларга берилганди. Унинг хотира ҳазинаси теран ва битмас-туганмас эди. Йигирма йил аввал, яна ўша касофат овда фитначилар Кепакхонни қуршовга олиб, сотқинларча қатл этишгани, Тўқлут Темурнинг ҳаётини эса, Берқутнинг отаси муқаррар ўлимдан асраб қолганини унутиш мумкинми, ахир? Бунақа нарсалар ёддан кўтариламайди. Аранг кўз илғаши мумкин булган дўнглик ортидан суиқасдчи кимса Тўқлут Темурнинг кўксини мулжаллаб ўқ узди. Буни вақтида пайқаб қолган Қорақуюн ўқдай отилиб, хонзоданинг кўксини қалқон ила тўсди. Қалқонга қадалган ўқ сирғалиб пастга отилди-да, отининг оёғига санчилди.

Тўқлут Темур амир Темурга юзланганида, базм поёнига етаётганди.

— Сен, баҳодир, Берқут отамдай бўлиб қолгон, дерсан. Мен эрсам, Берқутга ўзим отамен. Модомики шундоқ эркан, сен Самарқандга қайтавер, Берқут шу ерда қолур. Мен анинг шарафига махсус ўтов қурдириб берурмен. Ул эмди бундин буён туманга ҳокимлик қилгай. Оддий баҳодир бўлиб шунча юргони етар. Энди нуён ҳам бўлиб курсун.

Ўз мураббийсидан ажралиш Темур учун ачинарли эди. Лекин хон иродаси ҳамма нарсадан юксак, у болалиқдан шунга ўрганган эди. Эртасига у Тўқлут Темур қароргоҳини тарк этди. Берқут билан самимий хайрлашаркан, Олия билан Сафаралига ўзим қарайман, деб ваъда берди. Хайрлашув иккаласи учун ҳам оғир кечди. Самарқандга қайтгач, Темур амирларни тўплаб, хоннинг иродасини аён қилди. Амирлар кенгашига у: Мовароуннаҳрга уларнинг розилиги билан ҳукмдорлик қилиши, ўз қароргоҳи сифатида ота юрти — Кешни танлагани, Самарқандни бошқаришни эса, амир Ҳизр Ясурийга топширганини билдирди. Ўзи ўша куниеқ Кешга жўнаб кетди. Кеш аҳо-

лиси уни самимий ва шодмон кутиб олди. Жума масжидида ўша кунидеъ Темурга бағишлаб, хонлик тожиги кийган зотларга аталган хутба намози ўқитилди.

Лекин бу тантанали кутиб олиш ва жума масжидида ўқилган хутба намози Мовароуннаҳр бекликлари ва туманлари ўртасидаги мудҳиш нифоқлар оловини камайтиролмади. Ўзаро низоларнинг ҳамма қийинчиликлари Чигатой улусининг навқирон ҳукмдори зиммасига тушаётган эди. Зотан, Мўғулистон хонининг ёрлигига биноан унинг ҳукмдорлигини улуснинг анча-мунча амир ва беклари ҳали тан олишмаган эди. Уларнинг аксарияти Мовароуннаҳр ҳукмдори ўрнида ўзларини кўришар ва ўзларини ҳўрланган, иззат-нафслари камситилган, деб ҳисоблашарди. Улусдаги галаён янгидан-янги, кўрилмаган усул ва йўналишлар олиб, ҳали бери тўхтайдиган эмас эди. Фалакнинг гардиши билан йигирма беш яшар Амир Темур Тарағай бу бетийиқ эҳтирослар ва нифоқлар алангасининг марказида турар эди.

У энди бола эмас, кўпни кўрган, тажрибали, етук эр эди. Энг зўр шайхлар қўлида таълим-тарбия олгани унинг ақлини чархлаганди. Тадбиркорлик, уddaбуронлик, зийраклик ва зеҳн-идрок бобида эса, унга табиатнинг ўзи улкан саховат кўрсатганди. Адоватни қандай ҳамдўстликка айлантириш мумкин? Темур беклик ва туманларнинг жами ҳукмдорларига Чигатой улусида биргалашиб тинч ва фаровон ҳаёт ўрнатиш учун ўзи билан иттифоқ бўлишни таклиф этиб, мактублар жўнатди. Ҳукмдорларнинг аксарияти ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб, иттифоққа бирлашишдан бош тортди. Яккабоғ амири Чоқу Барлос ва Самарқанд ҳукмдори Ҳизр Ясурийгина розилик билдиришди. Афсуски, уни бошқа ҳеч ким қўлламади, ҳатто ўз вақтида Темур ажал панжаларидан юлиб олган амир Хусайн ҳам ундан юз ўтирди. Шунда Темур ҳийла ишлатишни лозим топди. У яна амирларга мактуб йўллади. Лекин бу сафар уларнинг ҳар бирига бошқаларни йўқ қилиб, Мовароуннаҳр устидан ҳукмдорликни тенг иккига бўлашиб олиш мақсадида ўзи билан иттифоқ тузишни таклиф этди. Худди ўзи кутганидай, ҳамма амирлар розилик билдириб, тезда жавоб қайтаришди.

Темурнинг аниқ режаси бор ва у ҳаракатга киришганди. У ўзини жангда, очиқ майдонда синаб кўрди, — у ерда ҳаммаси тушунарли эди. У энди бошқа,

янги «соҳа»ни — фитна санъатини ўзлаштириши керак эди. Соҳибқирон Шодмон амири Элчи Бўғой Салдўрга чопар жўнатиб, аҳолиси гўё ўз ҳукмдоридан норози бўлган Бадахшонни эгаллашни таклиф этди. Агарда, деб ёзди Темур, Элчи Бўғой Салдўр Бадахшонга уруш очмаса, бу ишни ўзи амалга оширади, бу ҳолда Элчи ҳеч қандай ер-мулкка даъвогарлик қилолмайди. Очқузлик тантана қилиб, Элчи Бўғой Салдўр ўз қўшини билан юриш бошлади. Хавфдан огоҳ бўлган Бадахшон амирлари шу заҳоти Ёрдам сўраб Темурга мурожаат қилишди. Темур Шибиргон ҳукмдори Муҳаммад Ҳожи Апардийга чопар юбориб, Элчи Бўғой Салдўрнинг қўшини ташлаб чиқиб кетган Шодмон очиқ ва ҳимоясиз экани, вақтни беҳуда ўтказилмаса, уни қўлга киритиш осонлигини маълум қилди. Элчи Бўғой Салдўрга эса, ўз она шаҳри хавф остида қолгани боисидан зудлик билан хабар етказилди. Амир Бадахшонни забт этиш ниятидан қайтиб, қўшинини орқага бурди. Бадахшон амирлари омон қолганлари учун кимга миннатдорчилик билдириш кераклигини аниқ билишарди. Улар Темурнинг ҳузурига чопар жўнатиб, тула унинг тасарруфига ўтганларини аён қилишди. Қўшини босқинчилардан кучлироқ бўлган Элчи Бўғой Салдўр ўз юртига қайтгач, душманни ўз ҳудудидан ҳайдаб чиқарди ва ҳарбий ҳаракатларни унинг ерларида давом эттирди. Шунда Темур Шибиргон ҳукмдорининг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқди ва ўз қўшинини рақобатчилар ўртасига ташлади. Ишнинг бундай тус олганидан бағоят суюниб кетган Шибиргон ҳукмдори бундан буён Темурнинг содиқ иттифоқчисига айланганини эълон қилди.

Айни шу паллада Темурнинг режаларига тўс-тўпалонда нимадир ундириб қолишни кўзлаган амир Хусайн аралашди. Нима учун у, амир Қозағоннинг невараси, Мовароуннаҳрга ҳукмдор бўлиши мумкин эмас? Лекин у Темурга қарши очиқ уруш эълон қилиб утирмади. Бу — қалтис иш, калтабинлик бўлур эди. У Темурнинг нималарга қодирлигини бошқалардан яхшироқ биларди. У Балхга қўшни ерларни забт этишга киришди. Унинг илк зарбаси қўшни Шодмон туманига тўғри келди. Аммо Элчи Бўғой Салдўрнинг қўли балан келди. Уруш чўзилиб, ғалаба тарозиси Хусайн томонга босилиши даргумон эди. Балх амири ўз гурурини енгиб, юрак ютиб, Темурга Ёрдам сўраб мурожаат қилди. Темур учун Хусайннинг илтимоси

айни муддао эди. У анчадан бери ўз йулига тўғаноқ бўлаётган буйсунмас, бадхоҳ Элчи Бўғой Салдурнинг танобини тортиб қўйишни уйлаб юрарди. Темур у билан ҳеч қачон тил топишолмаган эди.

Лекин Шодмонга ҳарбий юриш босқинчиликка ўхшамаслиги керак эди. Бунинг учун Темур Самарқанд ҳукмдори Ҳизр Ясурийни бирга ҳаракат қилишга кўндирди. Қаҳлига деган жойда икки қўшин бирлашди. Кўп ўтмай улар Балхга кириб келишди, амир Хусайн уларни қизгин саломлар билан кутиб олди. Сўнгра бир бутун ўрда тарзида Шодмонга юриш бошлашди. Элчи Бўғой Салдур кутилмаганда пойдеворсиз деворга айланиб қолганини пайқади. Бир туртишдаёқ гумбирлаб ағдарилиши ҳеч гап эмас эди. Қаршилиқ кўрсатишга қурби етмай, қочиб қолишни афзал деб билди. Амир Хусайн тантана қиларди. Темур ва Ҳизр Ясурий ўз қўшинларини орқага қайтаришди. Ярим йўлда уларни чопар кутиб олди. Уйга қўриқчи қилиб қолдирилган Ҳаққул полвон, Хуросонга қочган Ҳожи Барлос изига қайтиб, ўзига садоқатли йигитларни тўплагани, Хўжад ҳукмдори Боязид Жалоирнинг ёрдамига кафолат олгач, Самарқандни забт этгани ҳақида ахбор берди. Бу ёқимсиз хабар эди, албатта. Темур ва Ҳизр Ясурий бир-бирларига қасамёд қилишиб, ўз душманларига қарши бирга курашмажаклари ва бу қасамларидан ҳеч қачон қайтмасликларини билдиришди. Бирлашган қўшин шу ондаёқ Кеш сари отланди.

Ҳожи Барлос ўз лашкарларини Темур ва Ҳизр Ясурийнинг истиқболига бошлади. Аноир деган жойда рақиблар юзма-юз келишди. Ногоралар гумбури жанг бошланишидан дарак берди. Қўёш уфққа бош қўйган, қоронғи тушишига оз фурсат қолган эди. Лекин жанг тун киргач ҳам тўхтамади. Кундузги ёруғлик ой ёруғи билан алмашинди ҳамки, жангчилар галаба учун курашни давом эттиришарди. Тарих йилномалари томонларнинг хатти-ҳаракатлари, улар намойиш этган жанг санъати ҳақида сукут сақлашади. Мен ҳам бу хусусда уйдирмаларга йўл бермай қўя қолай. Фақат тарихий дастурларни келтираман. Галаба қўёши Темурнинг байрогини ёритаётганди. Ҳожи Барлос мағлубиятга учраган қўшинининг қолган-қутганлари билан Самарқанд тарафга қочди. Темур ва Ҳизр Ясурий уни изма-из таъқиб қилиб боришди. Самарқанддан Боязид Жалоир Ҳожи Барлосга кўмаклашгани шоҳилинч қўшин сурди. Сориш деган жой-

да ўрнашиб, қўналгалари атрофини тупроқ ва ёғоч деворлар билан ўраб чиқишди ва рақибларини кута бошлашди. Яна ногоралар гумбури янгради. Темур ва Ҳизр Ясурий жангчилари ҳужумга ўтишди. Қиличлар жаранги, жанговар даъватлар, ярадорларнинг оҳ-воҳлари қўшилиб, жангнинг яхлит шовқин ва говурини ҳосил қилди. Урушаётганлар қуюқ чанг-тўзон уммонига чўмиб, баъзан бир-бирларини ҳам аранг кўришарди. Биринчи бўлиб Боязид Жалоир қўшинининг силласи қуриди. Дастлаб у орқага чекина бошлади, сўнгра таҳлика ичида тум-тарақай қочишга тушди. Бу шафқатсиз жангда Темур ўзининг кўп жангчиларидан, кўп сафдошларидан жудо бўлди. Амир Ҳизр Ясурий ҳам бу дунёни тарк этганди. Темур ўз рақибини Сирдарё соҳилларигача изма-из қувиб борди, Хўжанд деворларига яқинлашгачина тўхтаб, одамлари ва отларига дам берди. Бу шаҳарга кириш учун куч-қуввати қолмаган, у жуда кўп лашкарини жангда бой берганди. У орқага қайтиш ҳақида фармон берди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

ТУҚЛУҒ ТЕМУРХОН МАКРИ

Ўн тўртинчи юз йилликнинг ўрталарида Мовароуннаҳр марказлашган кучли ҳокимиятдан ажралибгина қолмай, балки ҳаддан зиёд ожиз давлатга айланди. Унинг қачонлардир йирик савдо марказлари, қачонлардир ўзларининг олимлари, ҳунарман ва усталари билан бутун дунёга шон-шухрат таратган Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлари Чингизхоннинг вайронагарчилик келтирган босқинидан бери ҳали кўтарилмаган, ўзини ўнглай олмаган эди. Ер юзидан қарийб йўқ қилинган Самарқанд ҳаддан зиёд аста-секинлик билан қад ростлаётганди. У ҳатто шаҳарнинг умумий ҳимоя деворига ҳам эга эмас ва душман учун тўрт томони ҳам очиқ-сочиқ эди. Шаҳарнинг ўзида ҳам уч-тўрт саройдан бўлак аҳамиятли, мустаҳкам бино ва иншоотлар йўқ эди. Тор кўчаларнинг икки тарафидан текис томига лой, қамиш ва сигир гўнги ҳамда сомон аралаштириб ёпилган япасқи пахса уйлар зич ҳолда қатор қад ростлаган, бир неча чорбогина тош деворлар билан ўралганди. Икки-уч карвон-сарой ва яна шунча мачитгина сал эпақали шакл-шамойилга эга эди. Бошқа ҳаммаёқ ҳувиллаб ётарди. Сомонийлар

даврида Бухоро буюк шаҳарлар сирасига кирар эди. Чингизхон босқини туфайли унга Самарқандга нисбатан камроқ шикаст етганди. Лекин у ҳам қалъа сифатида мустаҳкам эмас, ташқаридан ҳар қандай ҳужум учун очиқ эди. Бухорода руҳонийлар жуда кучли, шариат қонун-қоидаларига ҳеч ерда бу ҳудуддагичалик қатъий риоя қилинмас эди. Бухоро аста-секин янги шон-шухратга эришиб, исломнинг дунёвий маркази сифатида донг таратди.

Чигатой улусининг учинчи йирик шаҳри Балх ҳисобланар, лекин у икки дарё оралигидан ташқарида жойлашгани учун Мовароуннаҳр тарихида ҳал қилувчи ўрин тутмас эди. Мўғулистон хони Тўқлуғ Темур Чигатой улуси учун кураш бошлаганида, буларнинг барини эътиборга олган эди. Узи бошқаларга нисбатан энг қулай вазиятда эканини у жуда яхши тушунарди. Мовароуннаҳрда эндиликда ўз давлатини сақлаб қола олишга қодир кучли ҳукмдор йўқ эди. У худди амир Қозагон каби Темурга бошқача назар билан қарар ва унда кучли шахсни кураш эди. Лекин айни дамда Темурнинг ёшлиги ва унинг Мовароуннаҳрда ҳали етарли куч-қудрат ва ҳокимиятга эга эмаслигини ҳам кўриб турарди. Шунга қарамай, у асосий доғни Темурга қўйган ва шу билан бошқа амирларнинг эътиборини тахтдан чалғитган эди. Тўқлуғ Темур чинакам хавфни Қозагоннинг невараси Ҳусайн шахсида кўрар эди. Лекин Балх Жайхуннинг нариги томонида эканлиги Ҳусайннинг бошқа амирлар кайфиятига фаол таъсир ўтказишига ҳалал берар эди. Лекин бунинг ўз вақти-соати борлигини Тўқлуғ Темур англаш эди. Ҳусайн ўз бобосининг тахтини қайтариш учун чинакамига кураш бошласа, вазият бошқача тус олиши ҳам мумкин эди.

Шу боис Мўғулистон хони ишни Ҳусайндан бошлашга жазм этди. 1361 йилнинг интиҳосида у Мовароуннаҳр ҳудудларига бостириб кирди. Хонни бу юришни бошлашга мажбур этган яна бир сабаб бор эди. Унинг ўғли Илёс Хужа тобора бесабрлик билан мустақил ҳокимият юритишга уринар ва отасини тахтдан ағдаришга ҳам уриниб кўрган эди. Мўғулистонда ҳукмдорликни ўзидан тортиб олиш истагини сундириш мақсадида Тўқлуғ Темур унга ўз юрти ташқарисидаги ҳадсиз-ҳудудсиз ерларни туҳфа этишга қарор қилганди.

Мовароуннаҳрда Тўқлуғ Темурнинг кўпгина айгоқ-

чилари бор эди. Улар ўз хўжайинларини икки дарё оралигидаги бекликлар ва туманларда кечаётган муҳим воқеаларнинг ҳаммасидан хабардор қилиб туришарди. Хон нима истаётганини яхши биларди. У Мовароуннаҳр амирлари ва ҳукмдорлари обдан урушиб, ўзаро нифоқ ботқоғига буйнилариғача ботиб кетишларини кутар эди. Фисқи-фужур, фитна ва хатолар кетма-кет юзага келарди. Ниҳоят, хон ўзи учун қулай вазият пишиб етилди, деб ҳисоблаб, юришни бошлади. Тўқлуг Темур Ҳожи Барлос билан Хўжанд ҳукмдори Боязид Жалоирнинг амир Темурдан Самарқанд ва Кешни тортиб олиш борасидаги уринишлари беҳуда кетганини жуда яхши биларди. Улар қочиб қутулишган ва Хўжанд деворлари ортига яширинишганди. Ана энди хон лашкарлари Хўжандга қараб келаётганди.

Хўжанд уша даврларда кўзга кўринган шаҳарлардан эди. Унда ўн беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиларди. Бинобарин, аксарият хўжандликлар бой-бадавлат турмуш кечиришар, қора кунларига ҳам атаб у-бу нарсалар гамлаб қўйишганди. Шаҳар баланд ва мустаҳкам қалъа деворларига эга, лекин унинг ҳукмдори Боязид Жалоир қўрқоқ ва калтабин одам эди. Хон қўшини бостириб келаётганидан хабар топган Боязид шаҳарни ўз ҳолига ташлаб, қалъа ичкарасига яшириниб олди. Ҳеч қандай қаршиликка учрамаган хон лашкарлари Хўжандни забт этиб, шаҳарни талон-тарож қилишди, кўп уйларга ўт қўйишди. Амир Боязид Жалоирни улар саройдан топишди. У аёллар куйлагини кийиб олган ва ранги докадай оқариб кетганди. Уни ана шу шамойилда хон ҳузурига сўроққа судраб келишди.

Тўқлуг Темур отидан ҳам тушиб утирмади. Асир тушган амирга ижирганиб тикиларкан, нафрат ила сўз қотди:

— Сен, нобакор, думбасиз қўй, Самарқандга ҳукмдор бўлмоқни истаб қолибсен, чоғи?!

— Йў-ў-ў-қ! — мингирлади Боязид Жалоир титраб-қақшаб. Қўрқув уни, афтидан, буткул ақлдан оздирганди.

— Боши танасидин жудо қилинсун! — фармойиш берди хон. — Калласи хоदाга тиқилиб, Самарқандда томошага қўйилсун. Тириклигинда Самарқандга шоҳ бўлолмагонди, эмди ўлик ҳолинда бўлсун.

Шундай деб хон отига қамчи урди, у навкарлари-

нинг Хужанд ҳукмдорини тиз чуқдиришиб, боши уз-
ра қилич чарақлатганини кўришни истамаганди.

Боязид Жалоир қатл этилгани ҳақидаги хабар Ҳо-
жи Барлоснинг қулогига етган заҳоти у оиласи ва
қуриқчилари билан бирга қочишга тушди. Лекин Ху-
жанддан секин, ими-жимида чиқиб кетиш осон иш
эмасди. Хонга дарров ахбор етказилди, у зудтар изи-
дан лашкар жунатди. Чавандозлар гуруҳи қочоқларни
тезда қувиб етишди. Қуриқчилар ва таъқибчилар ур-
тасида жанг бошланди. Ҳожи Барлоснинг ўгли Жо-
гом Барлос кўксига найза санчилган ҳолида отдан
учиб тушди. Отаси эса, таъқибчилардан ажралиб, қо-
чиб қолишга муваффақ бўлди. Лекин тақдирдан қо-
чиб қутулиб бўлмайди. У қудратли Жайхун дарёсини
кечиб ўтиб, нариги соҳилга етиб олди-ю, хавфдан қу-
тулдим, деб ўйлаб ҳам улгурмай, орқасидан гизиллаб
учиб келган камон ўқи бўйнига санчилди. Маҳаллий
овчилар уни қароқчи деб ўйлаб, ўз билганларини қи-
лишганди. Темурнинг ашаддий душмани бўлмиш бу
зот ўз ҳаётига шу тариқа якун ясади. Кекса мунаж-
жимнинг Темур исми ўсмир Ҳожи Барлосдан Кешга
ҳукмдорликни тортиб олиши хусусидаги башорати
ижобат бўлганди. Лекин Темур ҳокимиятни на куч
билан, на айёрлик ва на ёвуз ҳийла билан қўлга ки-
ритганди. Ҳожи Барлос ўз туманидан Кешни ва ўн-
лаб қишлоқларни ўз ҳолига, тақдир ихтиёрига ташлаб
қочганидан кейин ҳокимият ўз-ўзидан Темурнинг қў-
лига ўтганди. Ҳа, тақдир камонидан отилган ўқ ҳамис-
ша ўз нишонини қувиб етади.

Лекин Кешда Ҳожи Барлоснинг тахтини эгаллаган
зотга ҳам тақдир яқин йиллар учун огир ҳаёт тарзи
ҳозирлаётганди. Шунга қарамай, учқур воқеалар бир-
ровларни эгардан учириб юборса, бошқаларни тоб-
лаб, янада бақувватроқ ва ҳушёрроқ қилади. Тўқлуг
Темурхон Хужандда яшаётган даврда Балх ҳукмдори
амир Ҳусайн катта қўшин туплади. Агар хон Жайхун-
нинг чап соҳилига ўтса, Қозагоннинг невараси унга
қарши жанг бошлаш ниятида эди. Амир Ҳусайннинг
бу тўрслиги Тўқлуг Темурнинг ҳайрати, айна дамда
газабини кўзгади. Сафар тараддуди учун кўп вақт
кетмади. Қўшин юриш бошлаб, чанг-тўзон кўтарди,
сафар гулханлари ёқилди. Хон Самарқандга кирмади,
қўшини шаҳарни айланиб ўтди. Хоннинг узи минг
кишилиқ лашкар билан доvon орқали Кешга йўл ол-
ди. У тутишган туманида Темурни кўриб ўтмоқчи эди.

Темур мўгул лашкарлари ҳаракатларидан беҳабар эди. Хон Хўжадони жангсиз қўлга киритгани, Боязид Жалоирни қандай жазолаганини у жуда яхши биларди. Пировардида бедарак йўқолган Ҳожи Барлоснинг қочганини ҳам эшитганди. Хоннинг лашкарлари уни таъқиб қилиб, қайта топишолмаганди. Аммо хоннинг доvon орқали Кешга, ўзига меҳмон булиб келиши мумкинлигини у хаёлига ҳам келтиролмаган эди. Кекса хон эса, Кешнинг навқирон ҳукмдорига нисбатан саховат кўрсатиш, унга ўзининг хайрихоҳлиги ва ишончини намоёиш қилишни истаб қолган эди.

Хон — қўргонча меҳмони! Бу ўлкада кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа! Яна кимнинг меҳмони денг? Ҳали унча танилмаган барлослар амири хонадонининг! Хитойдан то Сайхун ва Жайхун дарёларигача ястаниб ётган ўз давлатини бирлаштиришга жазм этган хон чинакам саховат кўрсатди. Хоннинг ташрифи ҳақида дарак етказган чопар ундан атиги ярим кун илгари етиб келганди. Темур бу хабардан ҳаяжонга тушган, лекин қўрқмаган эди. Кутилмаган, таҳликали ҳодисалар юз бериши олдидан Темур ҳайратланарли вазминлик ва сабр-тоқат намоён қиларди. Ақли равшан ишлар, совуққонлик ва матонат уни тарк этмасди. Темур шу заҳоти одамларига тегишли фармойиш берди. Дабдабаларга унча ҳуши йўқ, у камтарин турмуш тарзи кечирарди. Лекин хонни хонларча кутиб олишга қарор қилди. Бундай қилишга уни фақат урф-одатгина мажбурламаётганди. Унинг яна бир режаси бор эди.

Хон кечки пайт етиб келди. Қўргончага назар ташлаб, Темурнинг ўгилларига бир неча оғиз мақтовли гап қилди. Болаларни хоннинг ёнига Сафарали бошлаб келганди. Уни куриши билан Тўқлуғ Темур:

— Сен баҳодир Берқутнинг ўғлисан-ку, шундайму!— дея хитоб қилди.

— Сиз янглишмадингиз, улуг хон.

Хон Берқутнинг меросхўри нима иш билан шугуланишини сўраб-суриштирди.

— Сафарали кўп билимдон йигит, — деди Темур.— Ҳозир ул менинг илтимосимга кўра, Мовароуннаҳр тарихини битаётир.

— Э-ҳа! — ҳайрон бўлди Тўқлуғ Темур. — Балки у Мовароуннаҳр тарихига Мўғулистон тарихини ҳам эш этур, — истехзо аралаш қўшимча қилди у.

— Бундай вақт тезда келмоғига менинг ишончим

комил, — қўллаб-қувватлади уни Темур маъноли қилиб.

— Ҳа, ҳа, ҳа! — рози бўлди кекса хон Темурни ўзича тушуниб. О-о, агар бу тарих чинданам қандай ёзилажagini у билганида эди! Ун йил ҳам ўтиб улгурмайди... Лекин воқеаларни олдинламай қўя қолай. Фақат шуни аён қиламанки, Мугулистонга Мовароуннаҳрнинг кичик бир қисми булишгина насиб этади ва бу атиги ун йилдаёқ ҳақиқатга айланади.

Энди бўлса, хон Темурга амир Ҳусайннинг нақадар беандиша ва тўрслиги боисидан шикоят қилишга тушди. Ҳали у Хужандалигида, Чигатой улусининг қайсидир шаҳрини забт этишни хаёлига ҳам келтирмаган эди, лекин амир Ҳусайн ўзининг бемаъни хатти-ҳаракатлари билан уни зудтар қасос туғини кўтаришга даъват этди. Мана, у юриш бошлади, энди у Балхнинг ҳали бурнининг сариғи кетмаган ҳукмдорига ўзидан катта ва кучли зотларни қандай ҳурмат қилиш кераклиги боисидан сабоқ беришга мажбур.

— Амир Ҳусайннинг ер-мулкани жангсиз ҳам қўлга киритмоқ мумкин, — деди Темур, чамаси, хонни қўллаб-қувватлаб.

— Қулогим сенда! — деди хон ҳайрат ичида қуюқ қошларини чимириб. Темур Ҳирот амири қўшинлари билан бўладиган жанг олдидан унинг ноқулай вазиятда эканини изоҳлаб берганида, амир Қозагоннинг ҳам худди шундай ҳайратга тушганини эслади.

— Қулогим сенда! — дея такрорлади ҳаддан зиёд қизиқиб қолган хон.

— Балх ҳукмдорининг лашкарларига амир Хуттолан Қайҳисров қўмондонлик қилур, сиз ани билурсиз, — Темур амир Қозагоннинг ҳаётига ўша саркарда иштирокида суиқасд уюштирилганига шама қилаётганди. Шундан кейин хон — Қайҳисров билан танишишдан бош тортганди. — Қайҳисровга, агар ул ўз қўшини билан хон тарафига ўтса, Хуттолан ва Бадахшон ер-мулки анинг тасарруфига берилмоғини ваъда қилмоқ керак. Агарким, амир бул эзгу маслаҳатга кўнмаса, лашкарлари қўлга олиниб, бирма-бир қатл қилинур. Ўзининг калласи эрса, худди Боязид Жалоирнинг калласи киби хомага осилиб, Балхга томошага қўйилур.

— Миянг жойида, жойида-а! — қўллаб-қувватлади унинг таклифини Тўқлуг Темур ва ўзини кузатиб келган Илёс Хўжага маъноли қараб қўйди. — Ислом

динининг бул билимдони (афтидан, хон Темурнинг дарвешлигидан бохабар эди) айёрлик бобида ҳам устаси фаранг чиқиб қолмиш, — деди у ва ҳиринглаб кулди. Кулгуси дутор тингирини эслатарди.

Темур фикрини жамлаб, худди намоз ўқиётгандай шамоийлда тураркан, маъноли қилиб деди:

— «Магар Оллоҳга недир сўраб қилингон илтижо Парвардигор иродаси ила уйғунлашур эркан, анда тақдир чарҳининг ўзи ишга киришиб, ҳар қандай мушкулни осон айлагай».

— Сенинг зукко сўзларингни эшитиб, мен ўз сўзларимни унутиб қўймишмен, — деб жавоб берди хон. Жавоби самимий эди. Шу заҳоти у енгил қўл ишораси билан вазирини чақириб, амир Хуттолан Қайҳисровга нома матнини айтди. Чопар бир дақиқа ҳам фурсатни ўтказмай, Жайхун ортига от суриб кетди.

Эртасига йўлга отланаркан, хон яна Берқутнинг ўгли Сафаралини кўриб, Темурга мурожаат қилди:

— Баҳодир Берқут, бул сафарга мен бормасам, деб илтижо қилмиш. Ул Мовароуннаҳрга қарши урушмоқни ўзига эп кўрмамиш. Шул боис мен ани қароргоҳимга қўриқчи қилиб қолдирдим. Бул ерда эрса, анинг вазифасини ёш баҳодир Алишоҳ бажармоқда, — дея хон орқасида турган навқирон жангчини кўрсатди. Темур нуён Муҳаммадшоҳнинг ўглини дарров таниди, хон базмида у отасининг чап томонида ўтирганди.

Қўргончанинг чинор дарахтидан ясалган оғир дарвозалари очилиб, хон ва унинг аъёнларига йўл берди. Кешга эса, кўп ўтмасданоқ Қайҳисров сотқинлик йўлини танлагани юзасидан Темурнинг тахминини тўла тасдиқловчи хабар келди. Тўқлуг Темурнинг лашкарларини кўриши биланоқ Қайҳисров унга тўлиқ буйсунишини билдириб, хоннинг истиқболига шошилди. Амир Ҳусайнга қочиб қолишдан ўзга чора қолмаган эди. Балх, Ҳирот ва Хуросонни ўзига буйсундириб, ўтказган тадбиридан бағоят шод Тўқлуг Темур йўлни орқага бурди. Шунда уни нохуш хабар қувиб етди. У Мовароуннаҳрда галаба нашидасини сураркан, унинг нуфузли рақиблари гуруҳи Мўғулистонда ҳокимиятни қўлга олганди. Улар тахтга Чингизхон авлодларидан бири бўлмиш Тамолиқу хонни ўтқизишганди. Тўқлуг Темур зудлик ила Темурни жами қўшини билан ўз байроғи остига даъват этди ва Самарқандда ўтказилган кичик қурултойда ҳамма учун кутилмаган-

да Илѣс Хужани Мовароуннахр хони деб эълон қилди, Темурга эса, унинг жами лашкарларига бош қўмондон этилгани ҳақидаги ёрлиқни тақдим этди. Мовароуннахр амирлари ва нўёнларига янги хон ва унинг бош қўмондонига сўзсиз бўйсунуш юзасидан қатъий кўрсатма берилди. Шундан кейин Тўқлуг Темур катта кучлар билан қўзғолонни бостиргани сафарга отланди.

Мовароуннахр хонлиги Илѣс Хужа қўлига ўтиши Темур учун буткул кутилмаган иш бўлди. У кайфияти бузилиб, ухлаёлмай чиқди. Ана шундагина у Тўқлуг Темурнинг айёрлик билан ташлаган тўрига илинганини пайқади. У ўз иродасининг итоаткор ижрочиси бўлиши учун Темурни дастлаб ўзига ром қилиб олоқчи бўлганди. Хоннинг ўзига кўрсатган саховати юракка санчилувчи тикон бўлиб чиқди. Аммо Темур тойчоқдай ўз эгасининг ортидан кетаверадиганлар тоифасидан эмас эди. У — ўзи абжир йўрга ва ўз тақдирини ўзи охиригача синовдан ўтказади. Унинг ҳуфия, лекин қатъий нияти ана шундай эди. Ўз ниятини амалга оширишга қанчалик қодирлигини эса, ҳаётнинг ўзи кўрсатиши керак.

У билан Илѣс Хужа ўртасида низо чиқишини кўп кутишга тўғри келмади. Янги хоннинг отаси қўшини билан Мўғулистонга жўнаб кетгач, Илѣс Хужа ўз қарорига биноан Темурни фақат баҳодирлар устидангина қўмондон қилиб тайинлади, Мўғулистон жангчиларига эса, нўён Беки Чоқуни бошлиқ қилиб қўйди. Бу нўён ўтакетган ичкиликбоз ва ишратпараст одам эди. Боз устига, овни ҳам ўлгудай ёқтирарди. У Самарқанд ва унинг чор атрофидан тўрт юзта энг гўзал қизларни танлаб олиб, улар билан майшат қила бошлади. Нўённинг бузуқчилик ва ахлоқсизликлари ва унинг лашкарларининг кафандуздлигидан газабга келган шаҳарликлар Самарқанднинг ҳурматли сайд ва шайхларини Илѣс Хужа ҳузурига йўллаб, қутурган ҳарбий қўмондонни жазога тортишни талаб қилишди. Илѣс Хужа ёш бўлибгина қолмай, иродасиз ҳам эди. Ҳузурига ташриф буюрган сайд ва шайхларни у Беки Чоқу қўлига топширди. Етмиш нафар муҳтарам шайх ва сайд илон ва қурт-қумурсқаларга тўла қоронги зиндонга ташланди. Самарқандда бу зиндонга ҳамма асрларда фақат қотиллар, қароқчилар ва хазина ўғрилар қамалар эди.

Самарқанд аҳли фуқароси жунбушга келди. Улар

тўда-тўда бўлиб, Темурнинг қароргоҳи вазифасини ўтовчи қалъа сари юришди. Одамлар: «Ла илоҳа илла-ла-ҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ!» — дея жур бўлиб хитоб қилишар, газабга минган оломон Темурга илтижо қилиб, Самарқандни беномус мўғулистонликлардан, шайх ва сайдларни зиндондан озод қилишни сўрашарди. Садоқатли баҳодирлар ўзларини кўп кутдиришмади, Темурнинг чақиригига жавобан зумда тўла қуролланган ҳолда етиб келишди. Даставвал улар зиндондаги шаҳарнинг фахрли оқсоқолларини озод қилишди, сўнгра мўғулистонликларни шаҳардан ҳайдаб чиқаришди. Уларнинг бошлиги Беки Чоқу ҳам шаҳарни тарк этди. Унинг сўзига кирган Илёс Хўжа шу ондаёқ юз берган ҳодисалар ҳақида хабар етказиш учун Мўғулистонга чопар жўнатди. Темур, Тўқдуг Темур соғлом фикр юритиб, ҳамма гапларга аниқлик киритади ва Беки Чоқунинг танобини тортиб қўяди, деб умид қилганди. Аммо айни шу вақтда Темурнинг калласини узиш ва уни Самарқанднинг марказий майдонидаги хомага осиб қўйиш ҳақида кўрсатма олган нўён Муҳаммадшоҳнинг ўғли Алишоҳ шаҳар сари шошилинич йўл босар эди. Мўғулистон хони исён кўтарганларни қандай аҳволга солишини мовароуннаҳрликлар билиб қўйишсин! Бир титраб-қалтирашсин!

Кечаси, Темур етмиш нафар шайх ва сайдни озод қилгач, унинг кўз ўнгида яна гаройиб манзара намён бўлди. Оллоҳнинг ҳабиби Муҳаммад пайғамбар унинг тушига кириб, шундай деганмишлар: «Сен менинг аймоқларим бўлмиш етмиш сайдни озод қилдинг. Бунинг учун сен тақдирланажаксен. Уруг-аймогининг етмиш авлоди ҳукмдор бўлгусидур».

Темур бунинг кароматли туш эканини англаб, эзгу башоратдан хурсанд бўлди. Аммо хурсандчилик ва гам-қайғу ҳаётда ҳамиша ёнма-ён юради. Бир неча кундан сўнг Темурнинг ҳузурига ҳуфия тарзда бир одам ташриф буюрди. У Мўғулистондан келган, тўрт кеча-кундуз узлуксиз йўл босиб, азбаройи ҳориб-чарчаганидан аранг оёқда турарди. У амирга баҳодир Берқутдан маҳфий нома келтирганди. Темур ҳайрон бўлди, номани олгач, чопарга дам олишни таклиф этди. Чопар унинг таклифини рад этиб, шу заҳоти кўздан гойиб бўлди — гўё умуман ташриф буюрмагандай.

Темур ҳаяжон билан мактубни очди. Берқут Самарқандга нўён Муҳаммадшоҳнинг ўғли Алишоҳ Те-

мурни қатл этиш ҳақидаги маҳфий фармойиш билан йўлга чиққанини маълум қилганди. Чопар Алишоҳдан бир кун олдин етиб боради, деганди Берқут, бу вақт ичида Темур Алишоҳни очиқ майдонда кутиб олиши мумкин. Темур Берқутнинг хавфдан огоҳлантиргани учун Оллоҳга шукроналар айтиб, баҳодирларини тўплади ва шошилинич Алишоҳнинг истиқболига қараб отланди. Мугулистон хонининг ўз угли Илёс Хужага мактуби навқирон лашкарбошининг қўлида экан. Хатда Берқут нимани хабар берган бўлса, ҳаммаси ёзилган, фақат бир нарсасига кекса мураббийнинг эътиборидан четда қолганди. Тўқлуг Темур ўз душманлари устидан галабалари боис чексиз ҳурсандлиги ва Мовароуннаҳрга қирқ минг кишилик қўшин жўнаётганини маълум қилганди. Улар Самарқандга киришлари билан жами исёнчиларни аста-секин ўлимга маҳкум этиш мумкин. Темур тушундики, унинг Самарқандга қайтишининг ҳожати йўқ, — мавжуд кучлари билан у шаҳарни ҳимоя қилолмайди, унга янги балолар ёғдиради. Бор-йўги олти юз баҳодир у билан бирга эди. Темур Алишоҳни хоннинг мактуби билан таништиргач, ёшлиги учун раҳм-шафқат айлаб, тўрт томони қибла эканини билдирди. Ўзи баҳодирлар билан тоққа чиқиб, у ерда Ҳусайнни топиш, ўз кучларини уники билан бирлаштириш, сўнгра уларни мугулистонликлар ҳукмдорлигидан норози одамлар ҳисобига янада кўпайтириш ва Илёс Хужа ҳамда Тўқлуг Темурнинг ўзига зарба беришни мақсад қилиб қўйди.

Оллоҳнинг меҳрибонлигига умид боғлаб, йўлга отланди. Туёқлар дўпирлар, йўл чанг-тўзонга бурканар эди. Тақдири азал саргардонлик ва курашлар ваъда қилаётганди.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

САРГАРДОНЛИК

Амир Ҳусайн бу вақтта келиб қарийб ўтгиз ёшга тўлган эди. Мовароуннаҳр хони Қозагоннинг суюкли невараси, тақдир эркатойи, ўн тўрт ёшидан катта ҳудудни бошқарган, ўн саккиз ёшида эса, ҳеч ким билан ҳисоблашмай, Чигатой улусининг энг бой туманларидан бири бўлмиш Балхга ҳукмдорлик қилганди. Шуҳратпарастлиги Ҳусайнни катгароқ ишларга — Мовароуннаҳр тахтини эгаллашга ундар ва бир неча

бор унинг бу муқаддас орзуси ижобат бўлишига озгина қолганди. Бобосининг фожиали вафотидан сўнг бу ишнинг амалга ошуви янада муайянроқ тус олганди. Лекин ўшанда сира қутилмаганда ўзининг болалик дўсти, Кеш ҳукмдори амир Темур унинг йўлига тўсиқ бўлиб чиққанди. Хон Тўқлуғ Темур унга икки дарё оралигидаги улкан ҳудудни бошқариш ҳуқуқини берувчи ёрлиқ топширганди. Ушандан буён Ҳусайн Темурни Мовароуннаҳр тахти учун курашда асосий рақиб деб биларди. У Темурни қатл эттиргани Кешга бир неча бор ўз лашкарларини жўнатганди. Мўғулистон хонига Балх ҳукмдори учун ҳалокатли маслаҳатлар бераркан, Темур ҳам Ҳусайнга нисбатан заррача хайрихоҳлик туймаган эди.

Аммо фалакнинг гардиши билан икки асосий рақиб, Мовароуннаҳр тахти равонига икки бош даъвогар айна бир вақтда шафқатсиз офат ва оғир синовларга мубтало қилинди. Мўғулистон хони Тўқлуғ Темур билан унинг ўғли Илёс Хўжа уларнинг ҳар иккови учун ҳам ашаддий душманларга айланишган эди. Улар Чигатой улусига ҳукмронликни зўравонлик ва алдов йўли билан тортиб олиб, тахтга даъвогар ёш амирларни қочиб қутулишга мажбур этишганди. Ҳусайн қочқинлар пешонасига ёзилган хўрликларни Темурдан аввалроқ бошидан кечириб улгурганди. Ҳусайн ақлини ишлатиб ва гурурини енгиб, биринчи бўлиб Темурга қўл чўзди ва ҳамкорликни таклиф этди. «Майли, биз аввал мағлубият кулфатини ҳам чекайлик, — деб ёзганди у Темурга. — Юсуф пайгамбар қудуқ тубинда азоб чекканларидин сўнггина тахт қудратини қўлга киритмишлар. Биз фақат бирлашибгина зимистонни ёриб чиқмоғимиз, ўз душманларимизни жарлик тубига улоқтирмоғимиз мумкин».

Бу номани олган Темур Қуръони каримга мурожаат қилди. Муқаддас китобнинг очилган бетидаги оятга ушбу сўзлар битилган эди: Қуёш белгиланган манзилга қараб борадур. Қудратли ва донишманд Зотнинг иродаси шундоқ.

Темур муқаддас матн мазмунига қараб иш тутишни лозим топди. Мўғулистон хонининг ўлимга ҳукм қилган фармойишини чўнтагига солиб, содиқ одамлари билан бирга аввал даштга, сўнгра Бадахшон тоғларига йўл олди. Тоғу тошларда Ҳусайнни топмагач, Жайхун соҳилларига қайтди. Кўп ўтмай икки амир, икки бадарга қилинган аъён Хоразм давлати ерларида, Хива яқи-

нидаги Очигин Қудуқ деган жойда учрашишди. Темурнинг лашкарлари амир Ҳусайнникига нисбатан икки барабар кўпроқ эди. Совут тутган, учи ўткир ялтироқ дубулга кийган Темурнинг ўзи ҳам туя жунидан тўқилган юмшоқ чопондаги болалик дўстига нисбатан анча салобатлироқ кўринарди. Ҳусайн пулат дубулга ўрнига саллани афзал деб билган, шунинг учун жангчидан кўра кўпроқ савдогарга ўхшаб кетарди. Юзма-юз келган амирлар ўрталаридан қора мушук ҳеч қачон ўтмагандай, дўстона қучоқлашиб кўришишди.

Шўр суви қудуқ ёнида, ўз она юртларидан олис бир масканда буюк ва чексиз раҳм-шафқатга эга Парвардигори олам уларнинг қўлларига Мовароуннаҳр устидан ҳукмронликни тортиб олишга етадиган куч-қудрат ато этмагунча бир-бирларини тарк этмаслик юзасидан қасам ичдилар. Ҳозирча, майли, улар юзта жангчига эга. Кейин улар мингта, кейин ўн мингта, сунгра... Иншоолло, улар адолат қиличини яланғочлаб, она юртларидан лаънати мўғулистонликларни ҳайдаб чиқаришади. Битилган шартномага биноан амирлар тенг ҳуқуқ ва тенг мавқега эга эдилар. Лашкарларни бошқариш Темурнинг зиммасига юкланди. Бахтсизлик камони қаршисида у доимо қалқон бўлиши керак эди.

Амирларнинг ана шу тариқа иттифоқ ўрнатганлари шарафига баҳодирлар учун байрам базми уюштирилди. Кечаси улар тўхтаган жойда ловуллаётган ёрқин гулханларни Хива соқчилари кўриб қолишди. Хива ҳукмдори Такел Баҳодур тузли қудуқ сари мингта жангчисини жўнатди. У Тўқлуг Темур ўзини исёнчиларнинг шериги деб ҳисоблашини истамас эди. Хива ҳукмдори куч ўз томонида, деб уйларди. У янглишмаган, унинг қўшини сон жиҳатидан сўзсиз тўла афзалликка эга эди. Бир нарсани у ҳисобга олмаган — Соҳибқирон Темур вазиятни ҳаддан зиёд аниқ кўра билар ва шу жиҳатдан у кучлироқ эди. Темур ўз қўшинини бешта тенг гуруҳга бўлди. Энг жасур баҳодирлар бошчилигидаги тўрт гуруҳни тепаликлар чўққисига жойлаштирди, уларга умумий қўмондонликни Ҳусайнга топширди. Ўзи эса бешинчи гуруҳ билан бирга қудуққа яширинди. Бу — қалтис режа эди. Аммо камчилик ҳолида жанг қилганинда, айёрлик — улуг иттифоқдош ва ёрдамчи бўлиши мумкин.

Такел Баҳодурнинг лашкарлари дарров олдинга ташланишди. Уларнинг ногоралари қулоқни қоматга

келтиргудай гумбирлар эди. Улар тепаликларга тарқалиб кетишди, қудуқ орқаларида қолди. Темур ана шунга ҳисоб-китоб қилган эди. Унинг баҳодирлари садоқлари ўқ ёйга тўла эди. Улар ҳужумкорларнинг орқасидан ўққа тута бошлашди. Хиваликлар унгалаб ерга ағдарилишарди. Такел Баҳодур Темурнинг найрангини англаб етганида эса, фурсат кеч бўлган эди. Тўғри, у қолган-қутган қўшини билан Темурнинг устига бўрондай ёпирилди. Лекин энди унинг орқасидан Ҳусайн зарба беришга киришди. Қисқа, лекин шафқатсиз жанг бўлиб ўтди. Такел Баҳодур Ҳусайннинг боши узра қилич кўтарганида, Темур унинг танасини иккига бўлиб ташлади. Темурнинг ўзи эса, — Худонинг паноҳида, икки баҳодир изма-из юриб, уни мунтазам қўриқлашарди.

Хива ҳукмдори улдирилгач, унинг жангчилари таҳликага тушиб қоча бошлашди. Кеч киргач, Темур тирик қолган лашкарлари билан тузли қудуқни тарк этди. Тирик қолганлар орасида Темур ва Ҳусайн тарафдорлари кўпчилик эмас эди. Шу боис ҳам Темур жанг майдонини саркаш бир кайфиятда тарк этди. Уни истиқболда нималар кутаётир ўзи? Лекин у хотиржам кўринар ва ўз қадр-қимматини яхши биларди. Унинг иродаси қоядай мустаҳкам, ҳар қандай ларзаларни назар-писанд қилмайдигандек эди. У саросима нималигини билмасди. Ақли соатдай тиниқ ва ҳисоб-китоб асосида ишлар эди. Кичик қўшин яқиндагина оғир жанг кечган жойдан тобора олислашарди. Жангчилар тирик қолганлари учун Оллоҳга ҳамду санолар ўқишар эди. Қочқинлар қудуқ қошига янги кучларни бошлаб келиши мумкин. Темур эса, улар билан жанг қилишга қодир эмас эди. Садоқатли одамлари илгари ҳеч қачон бу даражада оз қолмаган эди.

Темур ва Ҳусайн ёнма-ён боришарди. Кешнинг чайир, бошидан оёғигача қуролланган ҳукмдори ва жанг қизигида салласи ва чопонини йўқотган собиқ Балх амири сукутга ботишган эди. Ҳаёт бу икки турфа одамни тенглаштириб қўйганди. Иккови ҳам қочқин, муҳожир... Асосан хуросонликлардан иборат жангчилар энди уларга алоҳида иззат-икром кўрсатишмас эди. Улар ўз ҳаётларини ҳаддан зиёд хавф остига қўйишган, — лекин қандай мақсад учун?

Вақт ярим тундан оққанда кўҳна қишлоқ харобаларида дам олиш учун тўхташди. Кенг қанотларини попиллатганча чанг-тўзон кўтариб, бойқушлар учиб

кетишди. Хуросонликлар ҳамма отларни олиб, тун қўйнидаги даштга жунаб кетишди. Тўртта жангчи сурранг тупроқда ўлиқдай донг қотиб ухлашарди. Улар ҳадсиз-ҳудудсиз туркман қумликларининг асирларига айланишганини ҳали билишмас эди.

Куз охирлаётганига қарамай, Орол атрофидаги даштда ҳаво ҳали илиқ эди. Тонг саҳаргача чигирткалар чириллаб чиқишар, лекин кун бўйи ҳориб-чарчаган одамларга улар ҳалал беришмас эди. Фавқулодда Темурнинг тушига она қўргончаси, Фақира биби ва унинг Семурғ ҳақидаги эртаги кирди. Бу ажойиб қуш гўё эртақдан чиқиб келиб, унга ўзининг бор гузаллигини намоён қилиб турганмиш. Унинг патлари садафдай ялт-юлт қилармиш. У қанотларини ёзган экан, энгил сабо Темурнинг юзига тегибди. У атиргул, кейин ясмин бўйини туюбди. Жаннат қуши ногаҳон ҳали дунё кўрмаган гаройиб бир тулпорга айланибди. Тулпор Мағриб ва Машриқ устидан учиб ўтибди, унинг туёқлари остида турфа-гуман ерлар, табиат манзаралари намоён бўлармиш. Темурнинг вужудини чексиз қувонч чулғабди, тушида Оллоҳга шукроналар айтибди. Шу пайт гузал тулпор қўққисдан қора қаргага айланибди. У Темурнинг елкасига келиб қўнибди. Даҳшатга тушган Темур уйғониб кетди. Хуросонликлар ёнларида йўқ, отлар ҳам гойиб бўлишганди. Шунда ҳам Темур тушқунликка юз бурмади. Қумда уч одам — амир Ҳусайн, Мубошир полвон ва Абдуллоҳ ботир ухлаб ётишарди. У ҳамроҳларини уйғотиб, тунда Иблис хуросонликлар ва отларни олиб кетгани, аммо Парвардигор уларга энг қимматбаҳо нарса — ҳаётларини қолдирганини аён қилди.

Хуросонликлар озиқ-овқатларни ҳам олиб кетишганди. Қум билан ювинишга тўғри келди. Намоз ўқиганларидан сўнг тўрт жангчи Урганчга қараб йўл олишди. Темур ва Ҳусайн бу шаҳар ҳукмдорининг қўллаб-қувватлашига умид боғлашарди. Урганчгача қирқ-эллик чақирим йўл босиш керак эди. Қуёш тобора кучлироқ қиздирарди. Кун ярмидан оққанда, тўхташга тўғри келди. Саксовулзорнинг сийрак шохлари остига яширинишди. Бу — тўла соя эмас, лекин бари бир соя эди. Қуёшдан у ҳимоя қилар, лекин ташналикни қондиrolмасди. Огизлари қуруқшаб кетганди. Ҳаммадан ҳам Ҳусайн кўпроқ азоб чекарди. У машқлар билан ўзини тобламаган, танаси нозик, олис юриш машаққатларига кўникмаган эди. Керагидан

ортиқроқ семириб кетганди. Шунинг учун руҳан тобора чукиб борарди. Амир Ҳусайннинг мияси яллиғлана бошлади. Унда шубҳа уйғониб, бутун онгини қамраб олди. Унинг назарида, мана шу кимсасиз қумлик саҳрода, одамлар нигоҳидан олисда Темур ўз қасамини бузиб, ҳаётига суиқасд қиладигандай туюларди. Агар Оллоҳ ўзига бундай имкониятни берса, эҳтимол, у бундай қалтис ишдан қайтмаган бўларди. Темурнинг мияси эса, буткул бошқа нарсалар билан банд эди. Одамлар бор жойни, бирон-бир қишлоқни топиш зарурлигини у тушунарди. Бу ишни иложи борича тезроқ амалга ошириш керак эди. Ҳеч қурса чўпонлар ўтови уларни қутқариб қолиши мумкин.

Абдуллоҳ ботир билан Мубошир полвон тушкунликка тушишмади. Улар садоқатли, бақувват ва чидамли одамлар эди. Уларнинг суяк ва мушакларини ёғ босмаганди. Қум барханларини ошиб ўтиш улар учун чўт эмас эди. Ҳадсиз-ҳудудсиз даштда адашмай, тўғри йўл топиб юра олишарди. Йўлни осонлаштириб, бир пасда қўй ва эчки сўқмоқларига бошлаб чиқишарди. Кўп йиллик чўпонлик тажрибалари бу ерда роса қўл келарди. Кечгача анча йўл босишди. Кеч киргач, ташландиқ чўпонлар ўтовида тунашди. Бир оз ҳордиқ чиқаришгач, Темур садоқатли ҳамроҳлари Абдуллоҳ ва Мубоширни сув ва отар излагани икки тарафга жўнатди. Улар ҳеч нарса тополмай қайтиб келишди. Кўп юриш хавфли эди. Эртасига уларга омад кулиб боқди. Оқшом палласи улар водийга кириб боришди. Қудуқ суви ҳеч қачон уларга бунақа сертаъм ва ширин туюлмаганди.

Ўша кун ҳаддан зиёд қийинчилик билан ўтди. Абдуллоҳ ботир ва Мубошир полвон ҳолдан тойган Ҳусайнни галма-гал опичлаб кетишди. Вақти-вақти билан Ҳусайн талмовсираб, ҳушидан кетиб қолар эди. Эҳтиёткорлик қилиб, чўпонлар ила Темур ва Мубошир мулоқотга киришди. Чўпонлар баҳодирларнинг ташрифидан ажабланишмади. Бу ерларда чўпонлик қилган одам саҳронинг нечоғли шафқатсизлигини яхши билади. Қум бўронлари одамлар ва бутун бошли карвонларни ютиб юбориши мумкин. Улардан ёруғ дунёда шундай одамлар яшагани ҳақидаги хотирадан бўлак ҳеч қандай из ҳам қолмайди.

Чўпонлар билан биринчи бўлиб Мубошир полвон гаплашди. Саломалиқдан сўнг ўз хўжайини Кеш амри экани ва улар элчи сифатида Хоразм давлати

пойтахтига кетаётиб, қум бўронида йўлдан адашишгани ва ўз карвонларини йўқотиб қўйганларини билдирди. Чўпонлар йўловчиларга ўтовларидан жой ажратиб, нон-туз берганларидан хурсанд, яна уларга учта қўй ва икки юк ташувчи туяни сотишга ҳам рози бўлишди. Уларда от йўқ экан.

Темур Ҳусайннинг огир аҳволини кўриб, қудуқ ёнида икки кунлик дам берди. Соҳибқироннинг ўзи ҳам куч-қувватини тиклаб олишга муҳтож эди. Чўпонларнинг айтишларича, бу ердан то Урганчгача етмиш-саксон чақирим йўл босиш керак эди.

Икки кунлик ҳордиқдан сўнг йўловчилар анча титик кўринишарди. Ҳатто Ҳусайн ҳам яхши кайфиятда эди. Аччиқ шўрва ва ёғли гушт ўз ишини қилганди. Темур ва унинг одамларининг атрофида гирдикапалак бўлиб қилган парваришлари ҳам унинг дилида илиқлик уйготганди. Унинг қалбидаги хавотирли саркаш ўйлар ҳам гойиб бўлган, энди унинг ўз хавфсизлигига ишончи комил эди. Темур ҳаммага кўтаринки руҳ бахш эта олганди. Унинг ишлари унгидан келишига имони комил ва бу ишонч ҳамроҳларига ҳам утганди.

Улар учинчи куннинг тонг саҳарида чўпонларнинг кўрсатмалари билан Олоҳи каримдан ҳидоят ва нажот тилаб йўлга чиқдилар. Икки кеча-кундуз йўл юришгач, даштни кесиб ўтиб, Жайбута — кучли ва машҳур туркман қабилаларидан бирининг кўчма манзилига етиб келишди. Қабила ўтовлари уфқда кўриниши билан юз элликта туркман чавандозлари уларнинг йўлини тўсиб чиқишди. Туркманлар Темур ва унинг йўлдошларини айгоқчи деб ўйлаб, қўлга олишмоқчи экан. Темур ва унинг жангчилари туялар ортига яширинишди. Улар ўзларини ҳимоя қилишга тийёр эдилар. Бу ерда ҳам Темурга омад кулиб боқди. Туркман жангчиларининг бири уни таниб қолди. Бу қабила сардорининг укаси Ҳожи Муҳаммад эди. У ҳам Темур каби Хуросон Шайхи Тайободийнинг муридларидан ҳисобланарди. Ҳожи Муҳаммад дарҳол ҳужумни тўхтатишни амр қилди. У Темур билан худди туғишганидай қучоқлашиб кўришди. Улар маънавий ака-ука эдилар. Ҳожи Муҳаммад чавандозларга отдан тушишни буюрди. Туркманлар тақир ерга ёнмаён ўтиришди, Ҳожи Муҳаммад Қуръони каримдан оятлар ўқиди, кейин бир неча оят ўқишни Темурдан илтимос қилди. Туркманлар осуда сукутга ботишди.

Сунгра Ҳожи Муҳаммад билан Темур Парвардигорга ҳамду санолар ўқиб, дарвешларча зикр тушишди. Бу зикрда шунча қалтис куч, шунча жозиба бор эдики, рақс тугагач, ҳамма афсус билан чуқур нафас олди. Ҳозиргина бу одамлар жанг бошлашга, асир олишга шай эдилар. Энди учрашганларидан хурсанд, азиз меҳмонларни юборгани учун Оллоҳга ҳамду санолар айтишарди.

Ҳожи Муҳаммад Темур, Ҳусайн ва уларнинг навкарларини осонликча қўйиб юбориш нияти йўқ эди. У дўстига ўзининг чодиридан жой берди. Меҳмонларини роппа-роса ўн икки кун ушлаб қолди. Шундан кейингина ҳар бирига биттадан от тўхфа этиб, йўлга кузатди. У Темурни даштнинг ичкарисигача узатиб борди. Маҳкам бағрига босиб хайрлашди: яна юз кўришиш насиб қилармикин? «Илойим, йўлингиз беҳатар бўлмай! Қалбингиз ёғдусини ёмон кўздин Ўзи асрагай, азизим Соҳибқирон!»

— Меҳрибон ва раҳимдил Оллоҳимиз ва Анинг жами тўқсон тўққизта исми муқаддасдур. Илойим, ҳар бир кун дарвозасини Анинг ўзи очгай ва мен итоаткор қулдай мангу ул кўрсатган йўлдин боргусидурмен, — деб жавоб берди Темур эҳтирос билан. Дўстлар видолашишди. Кичик гуруҳ Хоразм пойтахтига қараб отланди. Темурни энди тақдирнинг янги синовлари кутаётганди.

Мўғулистон хони томонидан ўз она юртидан қувгин қилинган Амир Темур туркман даштларида сарсон-саргардон кезиб, Хоразмнинг Худо ёрлақаган ерларига қадам босганида, бу кўҳна ўлка ўзининг янгитдан тугилиш даврини бошидан кечираётганди. 1220 йили Хоразмни забт этган Чингизхон уни ўз угилларига иккига бўлиб берганди. Шимолий Хоразм Урганч шаҳри билан бирга унинг катта ўгли Жўжи хонга теккан, Жанубий Хоразм эса, Хива шаҳри билан бирга Чигатой улуси тасарруфига кирган эди. Бундай вазият 1359 йилгача сақланиб қолди, лекин ўша йили Урганч ҳукмдори Ҳусайн Сўфий, Олтин Урда хони Бершибек вафот этгач, ана шу қулай фурсатдан, шунингдек, Мовароуннаҳрдаги ўзи учун қулай бўлган ҳокимиятсизликдан фойдаланиб, Хоразмнинг шимоли ва жанубини ягона бир давлатга бирлаштирган эди. Хивани бошқараётган амир Такел Баҳодур, Ҳусайн Сўфий билан ҳокимиятни бўлишишни истамай, Илс Хўжа ва унинг куч-қудратли отасининг паноҳига ин-

тилди. Темур қувгин қилинганини эшитган Такел Баҳодур унинг шўр қудуқ ёнидаги кичик қўшинига ҳужум қилди. Бу жанг қандай тутагани бизга маълум — Темур уни янчиб ташлади. Хоразм ҳукмдори учун бу жуда қўл келган эди. Темур амалда унинг учун жами қора ишларни ижро этганди. Ҳусайн Сўфий энди Хивани зудтар ўзига бўйсундириб, шимолий ва жанубий Хоразмни ягона давлат деб эълон қилиши мумкин эди. У Темурнинг дашт бўйлаб сафарини диққат билан кузатиб турарди. Одамлари, Темур туркманлар овули Жўйбадан чиқиб, Урганч тарафга юра бошлагани ҳақидаги хабарни етказишлари билан у ўз пойтахтини ҳар бири икки юзта жангчидан ташкил топган йигирма гуруҳ соқчилар занжири билан ўради. Ҳусайн Сўфий Темур ҳақида кўп эшитган эди. Унинг шон-шухрати ўз боши узра қилич каби Урганч ҳукмдорининг кунлига қутқу соларди. Темур билан мулоқотга киришгиси йўқ, афтидан, унга боғлиқ бўлиб қолишдан қўрқарди. Уни на ўлдиргиси, на асирга олгиси бор, у жангчиларига Темурни ўз давлати ҳудудларига ўтказмасликни буюрганди, холос.

Темур бу кўрсатмалардан буткул беҳабар эди, албатта. У Урганчга жуда яқинлашиб қолганди. Унинг гуруҳи Ҳусайн Сўфий қўйган соқчилар занжирига дуч келганда, Хоразм пойтахтигача яна ярим кун йўл қолган эди. Жангчилар тўхташди, қурооланган хоразмликлар кузатувидаги барваस्ताқомат баҳодир уларнинг истиқболига қараб юрди. У музокаралашини ниятида эканини имо-ишоралар ёрдамида билдирди. Темур ва Мубошир полвон унга юзма-юз чиқишди. Баҳодир отдан тушмай, Темурни ўзига яқинлаштирмай, тўхташни буюрди. У бор овози билан қичқириб, Урганч ҳукмдорининг Кеш амири Темур билан Балх амири Ҳусайнни Хоразм ерларига киритмаслик ҳақидаги фармони маълум қилди. Агарда Темур қулоқ осмай, бир қадам бўлса-да, олдинга юрса, хоразмликлар унга қарши қурол ишлатишга мажбур бўладилар.

Ҳамма гап айтилган, музокара олиб боришнинг маънисини йўқ эди. Урганчга йўл ёпиқ. Ундан қўрқишаётганди. Уни кўришни ҳам исташмаётганди. У фавқулодда хавфли шахсга айланганди. Темур отини буриб, Хоразмдан нари кетди. Лекин Урганчга бошқа тарафдан киришга уриниб кўрди. Аммо у ёқда Соҳибқиронни бошқа соқчилар занжири кутаётганди. Энди бошқа бир баҳодир Урганч ҳукмдорининг унга таниш

фармони ни сўзма-сўз такрорлади. Бошқа йўл йўқ, Темур бунга ишонч ҳосил қилган эди. Шундан кейингина улар туркман даштининг ичкарасига қараб йўл солишди. Тақдир тақозоси шундай, Парвардигор шуни истаган эди.

ҲИ УЧИНЧИ БОБ

ТУРКМАНЛАР АСИРЛИГИДА

Темурнинг сафарини биргина Урганч ҳукмдори Ҳусайн Суфий кузатмаётган эди. Мовароуннаҳрнинг янги ҳукмдори Илс Ҳужа ҳам уни кўздан қочирмасликка уринаётганди. Кешнинг навқирон ҳукмдори шахсида у ўз давлатидаги асосий исёнкорни кўрар эди. Унинг Хива ҳокими Такел Баҳодурни қўшини билан батамом қириб ташлаганини эшитган Илс Ҳужа, Темур Хива тахтини эгаллашга киришади, сўнгра Урганч ҳукмдори Ҳусайн Суфий билан бирлашиб, ўзидан Мовароуннаҳр тахтини тортиб олишга уринади, деб ўйлар эди. Воқеаларнинг айна шу тарзда ривож топиши юзасидан дилида уйғонган қўрқув туйғуси хонни сиқувда кўпам ушлаб турмади. Кўп ўтмай, унга, хоразмликлар Темурни ўз юртларига киритмагани ва туркман даштларига ҳайдаганлари ҳақидаги хабарни етказишди.

Бундан дарак топган Илс Ҳужа тезда туркман қабилалари ҳузурига чопар жўнатди. У туркман аёнларига Темурни ҳибсга олганлар учун қимматбаҳо мукофотлар ваъда қилганди. «Исёнчи Темурни кимдаким тирик ёки ўлик ҳолида Самарқандга келтирса, анга уч юз бошдин иборат зотли туялар уюри туҳфа қилинур», — дея сўз берганди у. Хоннинг ана шу ваъдаси ҳаддан зиёд саховатли ва оҳанрабодай ўзига жалб қилар эди. Одамларни гаров тариқасида қўлга олиш ва уларни ўз қабиладошларига ёки бой тўловга алмаштириш кўчманчи туркманлар учун одатий иш эди. Туркманлар Мовароуннаҳр ва Эрон ўртасидаги улкан дашт бўйлаб асрлар мобайнида узлуксиз кўчиб юришар эди. Уларнинг Хуросон ва Эроннинг шаҳар-қишлоқларига ҳужумлари тезкор ва ҳалокатли кечар эди. Зеро, улар ўзлари билан мол-мулк, ҳайвон эмас, балки одамларни ўлжа қилиб олиб кетишарди. Туркманлар асирларни Балх, Бухоро, Самарқанд, Урганчнинг қул бозорларида сотишар эди. Оқсуяк асирлар

учун кучманчилар афсонавий миқдорда тўлов талаб қилар эдилар. Улар бундай асирларни бир-икки йил гаровга ушлаб туришлари ҳам мумкин, лекин бари бир ўз айтганларидан қолишмасди. Ана энди Темурнинг калласи учун хон ваъда қилган мукофот кутилганидан ҳам зиёда эди. Уч юзта туя! Бирданига бир неча қабила Темурни излашга киришди.

Темур ўз калласи учун белгиланган юксак мукофотдан тезда хабар топди. Бу мукофот миқдорининг, Муҳаммад пайгамбаримиз Маккадан Мадинага қочишга мажбур бўлганларида, қурайшлар қабила бошлиги Абу Сўфиён у зотни қўлга олиш учун белгиланган мукофотга нисбатан каттароқлигидан у ҳатто ҳижолат ҳам чекди. Абу Сўфиён Муҳаммадни ҳибсга олиш учун юзта туя ваъда қилганди. Бу ақли ноқис, тентак Илёс Хужанинг ўз бошини пайгамбар бошидан ҳам юқори баҳолагани Темурнинг газабини кўзгатганди. Муҳаммад пайгамбар руҳига қуръон ўқиб, дуои фотиҳалар қилгач, Темур шу ерда, туркман даштининг узидаёқ сўнгги мўғулистонликни қирғинбарот қилмагунча қасоскор қўлини ҳаракатдан тўхтатмаслик ҳақида қасам ичди. Илёс Хужанинг ўзини эса, уч юзта туяни сўйиб, ана шуларнинг қонига чўктириб ўлдиришга қарор қилди. Қабиҳ ва нафратга сазовор мўғулистонликлардан ўч олиш истаги Темурнинг борлиқ вужудини қамраб, миясига кўргошиндай ўрнашди.

Ҳадсиз-ҳудудсиз саҳро бўйлаб сарсон-саргардонликлар беҳуда кетмади, албатта. Темур янада қатъиятлироқ, матонатлироқ ва ўжарроқ ҳуққ-атвор касб этди. Унда илгари мавжуд бўлмаган ҳислатлар юзага чиқа бошлаганди. У букилмас ирода эгасига айланган эди. Илло, ҳаёт машаққатлари ва дунё бевафолигини тобора теранроқ англаб борар эди.

Хусайн Сўфий ўзини кўришни истамаганини тушунган Темур йўлни Урганчдан чексиз даштга қараб бурди. Энди уни Хуросон ўзига жалб қилаётганди. Фақат ўша заминдагина у ишончли кўним топиши, ўша ердагина уни қўллаб-қувватлашлари мумкин эди. Амир Хусайн хурсандлик билан унинг фикрига қўшилди. Туркман қумликлари ҳар иккови учун ҳам бегона эди. Тўрт чавандоз кечалари йўл юришар, кундузлари эса саксовулзор орасига яширинишарди. Лекин Маҳмудий деган жойда Темур ва унинг одамлари қуршовга тушиб қолишди. Уларнинг йўлига туркман

қабила бошлиғи Алибек Жун Қурбон тузоқ қўйган эди. Айни шу жойда қумликлар тақир ерга айланарди. Икки юзта туркман йигити Темурнинг кичик ғуруҳини тўрт томондан ураб олишган эди. Қочишга йўл йўқ, туркманларнинг энди йўлга чиққан отлари уларнинг ҳориб-чарчаган отлари олдида сўзсиз устунликка эга эди. Темур ва унинг йўлдошлари туркман отлари кучкиси марказига тушиб қолишган ва беихтиёр улар билан бирга жилишар эди. Кучки уларни Махан овулига бошлаб келди. Пастак пахса деворли кулбалар бир-бирларидан олис-олис масофаларга жойлашган эди. Алибек Жун Қурбон ўз одамларининг истиқболига чиқди ва чавандозлар тўхташди. Темурни отдан тушириб, қўл-оёқларини боғламай, ер остида жойлашган қандайдир ўнгирга жойлаштиришди. Чамаси, бу ё омбор, ёки зиндон эди. Бурга, кана сингари турфа нопок ҳашаротлар чангга беланиб ётарди. Улардан ўнгир марказидагина сақланиш мумкин, у ерга тепадан панжара орқали ёруглик тушиб турарди. Бу ҳашаротлар нурдан кўрқишарди. Темур, туркманлар гаровга олган одамларини мана шунақа канахоналарда сақлашади, деб эшитганди. Ҳусайн билан икки содиқ ҳамроҳи ҳам худди шундай қўланса, лекин пича кенгроқ ўнгирга жойлаштирилганди. Туркманларнинг ҳеч бири на Темурни ва на Ҳусайнни сўроққа тутди, машҳур қочоқнинг қўлга олингани ҳақидаги хабарни етказгани Самарқандга чопар жўнатилгани аниқ, энди Алибек Жун Қурбон унинг катта мукофот билан бирга қайтишини сабрсизлик ила кутатган эди.

Темурни икки туркман бир-бирини алмаштириб, кеча-кундуз қўриқлар эди. Уларнинг бири ёш, кенг елкали, кулувчан. Ўрта ёшларидаги иккинчи қўриқчининг юзи касалманд, лекин кўзлари сергак кўринар эди. Биринчи куни асир ва унинг соқчилари лом-мим деб огиз ҳам очишмади. Туркманлар буйруқни бажариб, сукут сақлашарди. Ўзининг янги, хўрликни келтирадиган ҳолатига кўникаётган Темур ҳам сукутда эди. Улар бир-бирларини жимгина кузатишар, туркман — юқоридан, Темур — пастдан. Аммо қизиқувчанлик бари бир ўз ишини қилаётганди.

Темур Алиберди исмли ёш туркманни танлади. Темур унда ўзига нисбатан садоқат туйғусини тарбиялашга жазм этди. Маҳбуснинг ўз душманини садоқатли дўстига айлантириш ва унда ўзига нисбатан меҳр

уйғотишни ўйлаш телбаваш орзудай туюлиши мумкин. Унинг режаси чинданам ута қалтис кўринарди. Лекин ўзга режаси йўқ эди.

Бир куни тушки намоз вақтида Темур Алибердининг кулгусини йигиштириб жиддий тусга киргани, худди у билан бирга намоз ўқиётгандай фикрини бир жойга жамлаганини пайқади. Шунда Темур тепада ҳам эшитилиши учун баланд овозда Қуръони карим сураларини ўқишга киришди. Ёш соқчи беихтиёр унинг Парвардигор билан мулоқотининг гувоҳи бўлиб қолганди. Алибердининг шивирлаб дуоларни такрорлаётгани ҳам Темурнинг қулоғига чалинди. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди. Маҳбус ва соқчи ўртасида ҳалиям сезиларли мулоқот йўқ, лекин беш маҳал намоз пайтида соқчи — Темур буни ҳис қилар эди — руҳан ўзи билан бирга эди. Афтидан, бу пайтларда Оллоҳнинг ўзи уларни қалбан туташтираётганди.

Кулларнинг бирида Темур баланд овозда Қуръони каримдан сура ўқиди, сўнгра асил мусулмон халиф Алининг номи зикр этилган ҳадисни қироат айлади. Бу номни эшитган соқчи титраб кетди ва ўз ҳиссиётларини жиловлай олмай:

— Жаноб, сиз маним исмимни тилга олмушсиз! — дея хитоб қилди.

Темур ҳеч қандай жавоб бермади ва дуо ўқиб бўлагчина соқчига нигоҳини ўгириб, сўз қотди:

— Йигитча, сен авлиё ҳазрат Алининг исмига эга-сен, ул зот мусулмонларнинг тўртинчи буюк ҳалифигина эрмас, Муҳаммад пайгамбаримизнинг якка Худода эътиқодини сўзсиз қабул қилгон, пайгамбар руҳига тамомила имон келтиргон содиқ мухлиси ва издоши эрди.

Ёш туркман бу гапдан ҳайратга тушди. У нафас олмай қулоқ соларди. Йигит бирор сўзни ҳам эшитмай қолмаслик учун бу гаройиб маҳбуснинг олдига сакраб настга тушишга ҳам тайёр эди. Темур эса, ўсмирнинг ўз гапларига қизиқишини устомонлик билан тобора кучайтириб борарди.

— Ҳазрат Али ҳақида дағи сўзланг, жаноб! — дея илтимос қилди туркман.

Темур фикрларини жамлаб, гапида давом этди. «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм! Ибтидоси ва интиҳоси йўқ Эгамга, салтанатининг қуёши уфққа ботмайдургон, на отаси, на онаси, на хотини, на ўғилқизи ва на маслаҳатгўйи бўлгон Парвардигори олам-

га, гадойдин подшоҳгача, чумолидин филгача, лаққа балиқдан Ҳаққушгача — ҳаммасига мавқеига яраша ҳар кунги туз-насибаси — озиқ-овқатини тўлиқ берадурғон буюк Зотга тасаннолар ва ҳамду санолар бўлгай! Биринчи Инсонни тупроқдин ўшал Зот яратмиш ва анга Одам Ато деб исм бермиш. Бир неча вақтдин сунг Парвардигор Одам Атога нафаси орқали жон киргизмуш ва у жаннатдан чиқарилгоч, Ерда яна минг йил яшамуш ва ўзига ўхшагон инсонларни дунёга келтирмуш. Кунларнинг биринда Оллоҳи таоло ўз ҳабиби Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам орқали одамларга мусулмон динини бермоқни ўйламиш. Эмди пайгамбар алайҳиссаломнинг ўзи ва амакиваччаси Али ҳақиқдаги гапга қулоқ ос.

Муҳаммад етим ўсмиш, тугилишидан бир неча ой аввал отасидин жудо бўлмиш. Анинг отаси Абдулла—Худойим ани раҳматлар қилгай! — жанубий Сурияга сафари пайтида оламдин кўз юммиш, онаси Омина эрса, Муҳаммад олти ёшга тўлмасиданоқ қазо қилмиш. Етим қолгон болани амакиси Абу Толиб ўз тарбиятига олмиш. Али эрса, анинг суюкли ўгли эрди. Муҳаммад ва Али бир оилада ўсиб, бирга тарбият топмишлар. Муҳаммад пайгамбар ўзига илк ваҳий келғонида, ислом динига эътиқод қила бошладилар. Биринчи йиллари ул зот яширин намоз ўқирдилар. Намозни амакиси Абу Толибнинг уйида ёхуд Хира тоғларидаги горда ўқирдилар. Бир куни Али Муҳаммад намоз ўқиётган уйга секин кириб келди-да, анга сўз қотди: «Ҳой, акажон! Сен эътиқод қўйгон дин қандоқ дин ўзи?» Муҳаммад анга жавобан: «Бул дин ягона Худо — Оллоҳни, шунингдек, фаришталар, пайгамбарлар ва бизнинг катта бобомиз Иброҳимни тан оладур. Худо мени тўғри йўлга бошламоқ учун ўз хизматкорлари ҳузурига йўлламиш ва сен, укажон, аларнинг ичинда энг муҳтарамидурсен. Агар сен бул ҳақиқатни англаб, ани ёйишда менга ёрдам берсанг, кўп яхши бўлур эрди», — дедилар.

Ўшандан буён ҳазрат Али Оллоҳ амри ила ушбу янги диннинг муҳлиси ва Муҳаммад пайгамбарнинг ашаддий ҳимоячисига айланмиш. Кунларнинг биринда Али қурайшлар Муҳаммад ҳаётига суиқасд уюштирамоқ ниятинда эрканидин хабар топмуш. Ул зот пайгамбарнинг уйига ташриф буюриб, ани ўзининг зангори ёмгирпўшини бериб турмоққа ҳамда ўзини бир неча кун хешиникида меҳмонда бўлмоққа кўн-

дирмиш. Муҳаммад Алининг илтимосига йўқ дея олмас эрди. Қурайшлар ярим тунда Муҳаммаднинг уйига кириб, зангори ёмгирпўшга ўралиб ётган одамга ўзларини отдилар. Ухлаётган одам иргиб ўрнидан турди, ҳужум қилгонлар бул Муҳаммад эрмаслигини англадилар. Али хотиржам ҳолда уйни тарк этди. Қурайшлар аввал тараддудда қолишди, сўнгра Алини қувиб етиб, шафқатсизлик ила дўппослаб уришди. Сўнгра алар, кимки Муҳаммадни тирик ёки улик ҳолда топиб келтирса, анга юзта туя ваъда қилдилар».

— Э-ҳа! — хитоб айлади соқчи юқоридан, шу заҳоти аччиғланиб қўшимча қилди: — Сизнинг каллангиз учун, жаноб, ўтовдагилар уч юзта туя олмоқчилар. Самарқанд хонининг ваъдаси шундоқ эрмиш!

Темур ҳикоясини давом эттирди.

— Муҳаммад пайгамбар хижра кунлар Мадинадин Маккага келғонида, Али ҳам анга ҳамроҳ бўлмиш. Шу-шу бутун умри мобайнида Али Муҳаммаднинг жазо бергувчи қиличига айланмиш. Сен ана шундай шон-шарафга буркангон зот исмига эгасен.

Навқирон туркман йигитининг ҳаяжондан кўзлари ёнарди. Зиндон панжарасига энгашаркан, ул пастга қараб қичқирди:

— Мен Муҳаммад қошиндаги ҳазрат Али янглиг сизга таъзим қилурмен, Соҳибқирон Темур! Мен сизни зиндондин озод айлаб, сўнгра сизнинг жазоловчи қиличингиз бўлгувсидурмен.

— Бул — улуг қасам, мен ани қабул қилгум, — деди Темур. — Локин ҳушёр бул, воқеаларни шоширма. Дур ўз чиганоғида етарли муддат яшағонидин сўнгина пишиб етилгой. Менинг ишоратимни кутгил. Ангача мен сенга фақат Худога дуо ва илтижолар қилмоққа ижозат бергум. Сенинг огзингдин бошқа бирорта сўзни ҳам ҳеч кимса эшитмаслиги даркор. Гапимни уқдингми?

Алиберди розилик билдириб, бош ирғади. У гавдаси билан панжарани қарийб беркитиб қўйган, зиндонга қоронгулик чўккан эди. «Жаноб улкан бир ишни режалаёттир, анинг нелигига каминанинг ақли ожизлик қилур», — дея хаёлидан ўтказди йигит.

Темур эса, режасининг бир қисми ажойиб тарзда амалга ошганини ўзича қайд этиб қўйди. Шундан кейин у туркманлар асирлигидаги бутун гуруҳни кутқариш хусусида бош қотира бошлади.

Одамзот хўп ажиб мавжудот-да! Унга доимо ўзи

қаерда булса, туриш-турмуш маркази ҳам гүе уша ерда булиб туюлаверади. Барлосларнинг йигирма олти ёшли амири Темурга энди ҳаёт маркази туркман даштининг ичкарасидаги чор тарафи қумтепалар билан ўралган Махан қишлоғига, ҳашаротларга тўла саркаш зиндонга кўчгандай туюлар, зиндонда у ўз калласи учун Самарқанд ҳукмдори ваъда қилган тўловни кутиб, саргайиб ўтирарди. Темур қариндошлари ва яқинларига, шунингдек, ўзининг ашаддий душманларига латиф тўлқинлар юборарди. Ва улардан жавоб оларди. Буларнинг барчаси устидан эса, илоҳий башорат ҳукмрон эди. Акс ҳолда Темурнинг боши берк кўчага кириб қолиб, руҳан тушкунликка юз бурмай, йиқилмай, ҳаётга ишончини йўқотмай, зўр бериб асирликдан қутулиш йўлини излаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Асирликка тушганининг биринчи куниданоқ у ҳаракатга тушди. У ўз соқчиларидан бирининг садоқатини қўлга киритмоқчи бўлди ва бунга эришди. Ёш туркман Алиберди энди ҳаётининг охиригача унга содиқ эди. Энди у иккинчи соқчи — индамас, бир жойга борган ёши қаддини буккан Дурди билан эзгу мулоқот ўрнатишни мўлжаллаётганди. Очиги, бу камгап туркманнинг унга нима кераги бор ўзи? Нималигини Темур ўзи биларди. Шунақанги яхши билардики, гүе бу илгари бир марта бўлиб ўтгандай, гүе аввалги, ўзга ҳаётида бу воқеаларни бошидан кечиргандай эди. Кураш энди бошланмоқда, унинг интиҳоси эса, унга маълум эди. Энди у уша воқеаларни қайта такрорлаётгандай. Илгарилари ҳам шундай бўлган. Энди эса, бу илоҳий башоратлар аниқроқ ва тўлиқроқ намоён булаётгандай эди.

Темурга баъзан ўзи илоҳий башорат билан гүе яхлит бир бутун ҳилақатга айлангандай ва ўз ишлари — ҳар икки томоннинг ҳаракатлари натижасидай туюларди. Ўз ҳулқ-атворининг бенуқсонлиги шу боис эмасмикин? Тақдир уни зиндонга бошлагани ва маълум вақт унга жафоли қисмат тайёрлаб қўйганини Темур тушунарди. Айни дамда у тақдир ўзини тутқундан қутқариши, озодликка олиб чиқиб, отга миндиришию яна пешонасига ёзилганини беришини ҳам яхши биларди. Демак, унинг бу йўқотишлар ва азоб-уқубатлар синовидан ўтиши, бораётган йўлининг қайсидир қисми изтироблар йўли бўлиши тақдири азал учун нимагадир керак экан-да?

Темурни Дурди қўриқлаши лозим бўлган кунлар

нинг бирида, Махан қишлоғини қоронғулик оғушига чумдирган кўп кунлик қум бўронидан кейин атрофга тула жимлик чўкиб, қуёш яна ўзининг илгариги ёрқин ҳолатига қайтди. Унинг тилласимон нурлари ҳатто зиндонга ҳам ёриб кирди. Темур белидаги камарини ечиб, ундан каттагина ҳажмдаги ёқут тошни қўлига ажратиб олди. Тошни юқорига кўтариб, қуёш нурларига тўтрилади. Қизил ёғдулар жилоланиб, бутун зиндонга таралди. Деярли ҳамиша сусткаш ва асирга нисбатан лоқайд Дурди панжарага ётиб олиб, қимматбаҳо ёқутга очкўзлик билан тикиларди.

— У-у-у-у-ва-а-а! Бу нема? — беихтиёр сўради у.

— Коинот тоши. Ул одамга бахт ва бойлик келтирур, — жавоб берди Темур соқчининг кўнглига гулгула солиб.

— О, муҳтарам жаноб, осмону фалакнинг бу сеҳрли туҳфасини сен қайдин олдинг? — сўради Дурди узлуксиз таъзим қиларкан. Азбаройи ҳаяжонга тушганидан унинг тишлари тақиллар эди. Очкўзлик уни ўз комига олган, у тошни қўлга киритишни орзу қилиб қолганди.

— Ёқут сеники бўлмоғи мумкин, Дурди, бунинг учун сен менинг биргина илтмосимни бажо келтирмогинг даркор, — Дурдининг кўзлари думалоқ тортиб кетганини кўрган Темур тўғридан-тўғри мақсадга ўтишни лозим топди.

— Мен не қилайин, жаноб?

Кекса туркманга ёқут жилолалари муъжизакор таъсир кўрсатаётганди. Ундаги лоқайдлик қаёққа гойиб бўлди? Темур яна гапга тушди:

— Агар бул дунёда адолат тантана қилғонида, мен ҳозир озодаликда-ва манови қимматбаҳо тошни кўтариб юрмагон бўлур эрдим. Локин, кўриб турибсенки, мен ёқут ила бирла зиндондамен. Сен бўлсанг, озодаликдасен, аммо ёқут тошинг йўқдур. Илло, Парвардигор сени анга эга қилмоғи мумкин, бунинг учун сен ўглинг ёхуд укангни чопар қилиб Жўйбада яшайдиган туркманлар ўтовига жўнатмогинг лозим. Чопар ул жойдин Ҳожи Муҳаммад исмли дарвешни излаб топмоғи жоиз. Ёшлигимда мен бул зот бирла дўст эрдим, ани яна кўрмоқ эрса, — ҳаётимнинг мақсуди. Чопар анга мешинг зиндонда ётгонимни айтсун. Ул ҳеч кимса кўрмайдигон, ҳуфия тарзда йўлга чиқсун. Бул илтмосимни бажо келтиргонинг ҳамон ёқут тош сеники бўлғай, Дурди.

Дурди чақноқ кўзларини тошдан узолмай, сукутда қолганди. Ниҳоят, у сўз қотди:

— «Душманни ожиз ҳолда кўриб, анга раҳм-шафқат айламоқчи уйлама, — дейдилар бизда, — зеро, душман куч-қувватга киргач, сенга раҳим қилиб ултирмас». Бироқ сен, жаноб, менга тўғри гапни айтар эрсанг, виждонимга хилоф эрса-да, хизматингга тайёрмен.

Темур ёқутни қўйнига тикди-да, баланд овозда Оллоҳга ҳамду санолар айтиб, дуо ўқиди ва Дурдига юзланиб деди:

— Кимда-ким Парвардигор каломини англаб, бул сўзларни тўғри деб, аларга амал қилса, қиёмат куни гуноҳларидин фориг бўлгай. Фақат Жўйбага жўната-дургон одамнинг ёмон кўздин нари юрсин. Ана шунда, Оллоҳнинг Ўзи гувоҳ, ёқут сеники бўлур!

— Ишларимизга Оллоҳ ўзи мадакор бўлгай! — дея «омин» қилди юқоридаги соқчи унга ҳамоҳанг гапириб. Ҳамма гаплар айтилди, орага жимлик чўқди.

Энди Темур сукутда бу ишининг натижасини кутарди. Лекин қуёш нурлари яна зиндонга оқиб кириши билан у қўйнидан ёқутни чиқариб, нур остига қўйди ва у яна атрофга қизгиш ёғдулар таратиб, камалақдек жилоланди. Бу жилолаларни Дурди ҳам кўрди ва яқинда ўзи ҳам шундай қила олишини ҳис этаркан, кўнгли равшан тортди.

Асирларни оч қолдиришмас эди, ўзлари нима тановул қилишса, шуни беришарди. Емишни чекламас эдилар. Темурнинг ҳам, Ҳусайннинг ҳам қурол-яроғлари ўзларида қолдирилган эди. Бу билан туркманлар уларни ўзларига душман деб ҳисобламасликлари ҳамда қандай обрў-эътиборга эгаликларидан бохабарликларини англатишга уринаётган эдилар. Шунга қарамай, кунлар ва тунлар бир маромда, аста-секин, беҳосият ўтаётган эди. Ёз тугаб куз бошланди. Кечалари энди ҳаво совиб кетарди. Соқчи тепада тунги изгирин шамолда жунжикар, дийдирарди. Зиндонда ҳаво илиқроқ эди. Темур кунларни санаб борарди. Уларнинг сони, мана, олтмишдан ҳам ошиб кетди. Уша куни соқчилик қилаётган Дурди яна жимликни бузди. Туйнук орқали зиндонга энгашиб, у қувлик билан гап қотди:

— Қалбингга мадад бермоқчимен, жаноб. Чопарим Жўйбадин сен учун хушхабар келтирмуш. Эртан тунда, мени Алиберди алмаштиргоч, иншооллоҳ, чеккан

азобларинг барҳам топгуси. Эмди эрса, яна пича сабр-тоқат қилмогинга тўтри келур.

Темур тақдир чархининг ўзига меҳрибонлигидан яна бир карра суюниб кетди. Ўзининг хушвақт кайфиятини намойиш қиларкан, у Қуръони карим сураларини ўқишга киришди. Кун интиҳосига етиб, тун кирди, яна бир кун ўтди. Оқшом чўкди. Заҳ ер ости уйини тўлдирган жами жирканч ҳашаротлар сўнгги марта маҳбусга ёпишишди. Ниҳоят, ерга зимистон тун ўз чолдирини тиккач, зиндон панжараси кўтарилди, чуқурликка соч толаларидан тўқилган зиналар туширилиб, кучли қўллар Темурга юқорига, тоза ҳавога чиқишга кўмаклашди. Темур чуқур нафас олиб улгурмай, дўстона қучоқлар оғушида қолди. Дўсти Муҳаммад Ҳожи унга еб қўйгудек бўлиб тикилар, кўзларида севинч ўтлари жилваланарди. Айни дақиқаларда дўстининг ёниқ кўзлари Темур учун қибладай бўлиб, Муҳаммадга тиз чўкиб таъзим бажо келтирди. Сўнгра хурсандликдан юзларидан нур таралаётган Алибердини қучоқлади.

— Тангри кўриб турибдур, мен ўз инимни топмишмен, — деди Темур ва қудратли соқчи йигитни маҳкамроқ бағрига босди.

— Жаноби олийлари олийнасаб одам, мен анга фақат қул бўлмогим жоиз. Қачонлардир ҳазрат Али Муҳаммад пайгамбарга эргашгани янглиг, мен мудом изингиздин юрурмен. Қуёш икковимиз учун нур сочаверар эркан, мен сиз бирла биргамен, жанобим, — деди Алиберди. Унинг сўзларида шундай самимият балқиб турардики, Темур лол қолиб, иттифоқо ордирган янги содиқ дўстидан шоду мон бўлди. Шу чоғ у Дурдини кўрди, кекса соқчи шошилмай бир чеккада, Ҳожи Муҳаммад ва Алибердининг ортида турар эди. Темур уни бир четга олиб ўтиб, қўлига муборак ёқутни топширди.

«Ҳар кимсага ўзига яраша, — хаёлидан ўтказди Темур. — Бу одамларнинг ҳар бирининг хатти-ҳаракатларида ул ёки бул ишга ундайдигон важ-сабаблар бор. Илойим, улар билан дўстлиги ва садоқат ришталарининг янада мустаҳкам бўлишида Парвардигор ўзи мадад берсун!»

— Ушбу тош мўъжиза яратмуш, — деди у Дурдига товуш чиқариб. — Уни ол-да, эга бўл. Ул — сеники.

Темурнинг қошига унинг ҳамроҳларини бошлаб келишди. Яна қучоқлашишлар бошланиб, яна тиллар

эмас, юраклар тилга кириб, ташаккурлар изҳор айлади. Собик асирлар ва уларнинг ҳалоскорлари фурсатни бой бермай, дарров отларга минишди-да, зимистон тун қўнига сингиб кетишди. Дурди эса, қўлидаги қизил ёқутни маҳкам қисганча, эрталаб, шеригини алмаштиргани келиши билан «дод-вой» кутариб, қишлоққа асирлар қочгани ҳақидаги хабарни етказишни ўйлаганча, ўз кулбасига қараб борарди.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

ОПА УЙИДАГИ ҲАЁТ

Темур ва унинг ҳамроҳлари олис туркман даштидаги зиндонда азоб-уқубат чекиб ўтиришаркан, унинг асир тушгани ҳақидаги хабар нафақат Самарқандга, балки Хуросонга ҳам етиб борганди. Айни вақтда Махан қишлоғига Самарқанддан ҳар бирида юз бошдан уч уюр туя жўнатилган эди. Темурга содиқ бўлган ҳукмдорларнинг бири Муборак шоҳ Санжарий икки юзта отлиқ ва уч юзта пиёда қўшинга бош бўлиб, бир неча кундан бери Махан қишлоғи сари йўл босиб келаётганди. Темурнинг митти гуруҳи билан Муборак шоҳ жангчиларининг учрашуви Махандан атиги икки чақирим масофадаги жойда кечди. Хуросон қўшинини биринчи бўлиб Абдуллоҳ пайқади. У йўлни кузатиб олдинда борар, хуросонликларнинг кучларини аниқлаб, Темурга хабар етказгани отини бурди. Темур вазиятни ўзи текшириб кўришни лозим топди. Отлиқ ва пиёда қўшин шошилмай олдинга жилар, узун таёқда зодагон Санжарийлар сулоласининг ипак байроғи ҳилпирар эди. Темур отига қамчи уриб, уларнинг истиқболига интилди. Темур билан Муборак шоҳнинг учрашуви самимий ва хурсандчилик ила кечди. Темур дўстининг бундай олийжаноблигига қойил қолди.

— Дарҳақиқат, Парвардигор суйган одамин нурга рўпара қилур! — дея хитоб қилди Муборак шоҳ Санжарий.

— Санжарийлар сулоласининг буюклиги ва бахтсаодати тимсоли булмиш ҳарбий байрогингизни кўришим ила қалбимни саркаш ўйлар тарк этиб, қиличимнинг иккала дами ҳам ўтқирлашиб кетмиш, — жавоб берди Темур бахтдан сармаст бўлиб.

Муборак шоҳ шу ондаёқ қўшинларига тўхташни буюриб, катта ҳордиқ эълон қилди. Жангчилар кўп

кунлардан бери дам олиш нималигини билмай йўл босиб келаётгандилар. Зудтар шоҳ чодир тикланди ва Муборак шоҳ унга Темур, Ҳусайн ва Ҳожи Муҳаммадни таклиф этди. Мубошир полвон, Абдуллоҳ ботир ва Алибердига жангчилар бошпана бериб, уларни сахийлик ила дудданган гушт ва қурт билан меҳмон қилишди. Чодирдагилар ҳам, очиқ ҳавода кийгизлар устида ўтирган оддий жангчилар ҳам худди ҳозиргина улкан галабани қўлга киритгандай шодмон, кўтаринки кайфиятда эдилар. Аслида ҳам қон тўкилмай қўлга киритилган галабалар ҳаётимиздаги энг улугвор воқеалар саналмайдими?

Амир чодирда Темур сўз олган, нигоҳини унга қадаганча ҳамма ҳурмат ила сукутга толганди. Унинг нозик, теран ва серқирра ақл-идроки чуқур эҳтиромга сазовор эди. Узоқ вақт зиндон зимистонида ўтирганга қарамай, Темурнинг суврати ҳам, сийрати ҳам чодирдагиларни худди оҳанрабодай узига тортар эди.

— Уйлашимча, — дея гап бошлади Темур, — беш юз жангчидин иборат қўшин Илс Ҳужадай кучли душманни тор-мор этмоққа озлик қилур, аммо анинг эътиборин тортмоқ учун бемалол етиб-ортадур.

— Қилич гилофида қолиб кетса, даммини йўқотур,— деди Муборак шоҳ қизишиб.

— Баҳодир ўз қиличин доимо шай тутмоғи жоиз. Локин душман ўз олдида чарақлаган қиличлар денгизини кўриб, даҳшатга тушгон маҳалда анинг бошига қилич солмоқ айни муддаодур, — деди Темур чодирдагиларни бирма-бир узининг ўткир нигоҳи остидан ўтказиб. — Мен Илс Ҳужага қарши жангга даъват этаётганим хуросонликларга ҳамиша Худо ўзи мадакор булмоғини тилармен. Камина Илс Ҳужани Мовароуннаҳрдан қувиб чиқармоқ шаҳдидамен. Хуросонлик Саид Ҳусайн ва себзаворлик Зайнидинни биз тарафга оғдирмоқ даркор. Уйлашимча, бу ишни Парвардигор амри ила Муборак шоҳ Санжарий дундирур. Мен ўзим эрсам, аввал она юртим кешда қўшин тўплаб, сўнгра Самарқандга, Илс Ҳужанинг сир-синоатлари ўчоғига яқинроқ ўтурмен.

— Ул ҳолда мен қўшни тўпламоқ учун балхга отлансам, — деди Амир Ҳусайн. Темур бош ирғаб, розилик билдирди.

— Ҳожи Муҳаммадни эрса, ўз садоқатли қўшини ила жасорат тугини шай тутиб, бизнинг ишоратимиз ила жангга кирмоққа даъват этурмен.

— Иншооллоҳ, Парвардигор иродаси шундай. Мен мингта қўшин тўшлаб, сиздин хабар кутурмен. Илойим, бизнинг қабилаларга ҳам ўзингиз бош-қош бўлинг, сизга ҳамisha зафар ёр бўлгусидур, муҳтарам Соҳибқирон Темур! — деди Ҳожи Муҳаммад ҳозир-жавоблик билан.

— Худонинг марҳамати ила атрофимга юз минг қўшин тўпламогимга имоним комил. Сабр-бардошимизнинг қаро туни галабанинг нурафшон куни ила алмашгусидур! — Шундай деб Темур кафтларини ёзганча, баланд овозда Қуръони каримнинг Фотиҳа сурасини ўқиди.

Бу ерда, саратон туркман даштида Темур илк марта аниқ-таниқ режа тузишга эришганди. Жами Чигатой улусини бирлаштирмақ учун кураш режасини. Мовароуннаҳр тахти учун кураш режасини. Бу режа унинг миясида заҳ ва қуланса зиндонда пишиб етилганди. У одамлар устидан ҳукмронлик қилади, унинг ҳукми мустақкам бўлади. Уни қўлаганлар учун Темурнинг ҳукми оғир юк бўлмайди, аксинча, уларни ҳам қўлаб-қувватлаб, юксакларга кўтаради. Ана шу вақтдан эътиборан ўша бизга тарихдан маълум бўлган қаттиққўл даҳо саркарда, кўлаб ҳудудларни бирлаштирган буюк жаҳонгир Амир Темур шаклланади. Темурнинг салтанат чўққилари сари кўтарилиши бошланади. Жангларда у ўзини жасур, матонатли баҳодир сифатидагина эмас, балки беқиёс ҳарбий дастуриламал соҳиби тариқасида ҳам намоён қилади. У ўтказган катта ва кичик жангларда миллионлаб одамлар иштирок этишади ва уларнинг ҳаммаси ўзи учун галаба билан яқунланади. Бироқ ўттиз етти йиллик ҳарбий юришлар ва асрлар оша таралувчи ваҳимали шон-шуҳрат ҳали олдинда эди.

Муборак шоҳ Санжарийнинг чодирини тарк этган Темур Абдуллоҳ ботир, Мубошир полвон ва Алиберди ҳамроҳлигида, шунингдек, эллик нафар жангчи кузатувида ўз она юртига жўнаб кетди. У амирлар билан тўплаган қўшинлари Бухоро остонасидаги баҳор-зиндон қишлоғида бирлашиши юзасидан келишиб олди. Мугулистонликларга қарши умумий юриш ўша ердан бошланади. Қўшинларни тўплаш учун Темур бу жойни бежиз танламаганди. Ўша жойда ер сотиб олиб қўрганча қўрган Абдулла Мерган истиқомат қиларди. Темур унинг ҳузурига чопар жўнатиб, иложи борича кўпроқ гуруч, галла ва ем-хашак гамлаб қўйишни ил-

тимос қилди. Темурда ажойиб бир одат шакланган, у ҳар бир йирик тадбирга кенг миқёсда, бутун икир-чикиригача назаридан четда қолдирмай тайёргарлик кўрар эди.

Кешда Темур узоқ турмади. У ўз қариндош-уруғлари даврасида хурсанд, беташвиш ва эркин ҳолда атиги икки кун яшади. Ўғиллари жаҳонгир ва Умар Шайхларнинг соғлом, чайир бўлиб ўсаётганлари, касал бўлмасликлари ва рангбаранг дунё уларда тобора кўпроқ қизиқиш уйғотаётганидан Темурнинг боши осмонга етганди. Жаҳонгир олти ёшга қадам қўйганди. Бола худди онаси каби қорамағиздан келган, отаси каби алқомат эди. Унинг саводини чиқариш вақти етган ва амир хотини Нормиш оғага Қаршига, кекса Ҳожи Олим ҳузурига жўнашга тайёргарлик бошлашни буюрди, бобоси боланинг ўқиши билан шуғулланади, йўлда уларни Ҳаққул Полвон кузатиб боради. Ўзининг иккинчи хотини ва ўғли Умарни Темур ўз сафари олдидан Абдулла Мерганнинг ҳузурига, унинг қўргончаси ҳимоясига жўнатди. Баҳордан бошлаб Илёс Хўжа қўшинларига қарши фаол ҳарбий ҳаракатлар бошланар ва биринчи навбатда ва олдиндан оила ҳавфсизлигини таъминлаш лозим эди. У тақдир бевафолигини яхши билар ва унинг ўзига даҳли бўлмаслиги учун ҳар қандай ишга тайёр эди.

Қўргончани бошқаришни Темур Берқутнинг ўғли Сафаралига топширди. Уша-ўша камтарин ва камгап бу йигит энди фақат илм соҳасидагина эмас, хўжалик ишларида ҳам ўз иқтидорини намоён қилаётганди. Темур учун бу кутилмаган омад эди. Унинг туя уюрлари ва отарлари бу вақтга келиб, ўн минглаб бош ҳайвонлардан ташкил топганди. Ота ва уюрлар қўргончадан жуда олисда, тоғ этакларидаги қир-адирларда жойлашган ва Темур уларни доимо уйдан туриб бошқарарди. Энди бу юмушни у ўзининг эмишган укасининг ишончли қўлларига топшираётганди.

Ота уйдаги икки кеча-кундуз Темур учун худди тушдай ўтди. У яқин одамлари даврасида бўлишни тарки одат қилган ва энди уларни бошқатдан кашф қилаётгандай эди. Ўзи каби улар ҳам кўпроқ яхши томонга ўзгаришган эди. У қўргончанинг аёллар истиқомат қиладиган хоналарига кириб, Нормиш оға ва Ўлжой Турконларни йўқлади. Худди ёш боладай ўз ўғиллари билан қувлашмачоқ ва ошиқ уйнади. Бу вақт ичида кекса Фақира биби унинг ёнидан жилмади.

У Темурнинг ҳар бир сўзига қулогини динг қиларди. Уни эмизган Олия ҳам меҳрибончиликлар қилавериб тинкасини қуригди. Ўзи учун гоят азиз бу аёллар падари бузруквори Тарагай Баҳодур ва онаси Тегина хотунни ҳамиша ёдига солардилар. Шундай сонияларда Темур ўзини руҳан буш қўйгуси, хотираларга берилгиси келарди. Унинг кайфияти ҳам аъло даражада эди. Бахт-саодат қудрати нималигини, у кишига қандай куч-қувват багишлашини Темур энди тушунди. Чинданам, ота қўргончаси унга шунчалар кўп куч-қувват бахш этгандики, улар энди жуда кўп катта ишларга асқотиши мумкин эди.

Оила ўчоғи ва аждодларининг руҳи поклари унга сахийлик ила куч-қувват беришаётганини Темур дақиқа сайин аниқроқ ҳис қилар, қалб кўзи орқали кўрар эди. Бу ажойиб дақиқалар учун у яна бир карра Олоҳга шукроналар айтди.

Темур қўргончани ярим кечаси, ҳуфиёна тарзда садоқатли одамлари Мубошир полвон, Абдуллоҳ ботир ва ўзининг соясига айланган туркман йигити Алиберди қуршовида тарк этди. У Яккабоғга, Чоқу Барлоснинг уйига йўл олганди. Яккабоғга Темур тонг саҳарда етиб келди ва уни хурсандчилик билан қабул қилишди. Чоқу Барлосникида бир кун меҳмон бўлиб турди. Амир кешлик ва яккабоғликлардан уч минг жангчидан иборат қўшин тўплаб, жангга кириш учун Темурнинг хабарини кутишини маълум қилди.

Эртасига Чоқу Барлоснинг қўргони дарвозасидан уч дарвеш ва бир эшон йўлга чиқишди. Темур ва унинг йўлдошлари учун дарвешлик либослари қўл келган эди. Алиберди, тўгриси, бунақа кийим-бошни биринчи кийиши, лекин уни ҳам ҳақиқий дарвешлардан ажратиш мумкин эмас эди. Лоқайд қора кўзлари, қирғий бурни, ўзини тутиш йўсини уни диний мутаассиб дейиш имконини берарди. Дарвешлар бор овозлари билан Қуръони карим оятлари ва сураларини ўқиб келишарди. Эшон уларни карвон йўли бўйлаб, Жом орқали Самарқандга бошлаб бораётганди. Самарқанд дарвозаларини ҳушёрлик билан қуриқлаётган соқчиларда мусофир дарвешлар ва уларнинг йўлбошчиси — тақводор Эшон бувага эътироз бўлмади, деб умид қиларди Темур. Боз устига Темурга дарвешлик ёқар эди. У ўзининг муридлик даври, Шайх Тайободий ва Хуросонни эслади. Яна дарвешга айланиб, у ҳассасини маҳкам ушлаб олган, узлуксиз

оятлар ўқир ва яна художўй одамга айлангани учун кеча-кундуз Оллоҳга тасаннолар айтар эди. Намоз ўқиб ва ўз қилган ишларига тавба-тазарру қилиб, у Парвардигордан мурувват сўрар, инчинун, гуноҳлари йўқдан бор бўлмаслигини яхши билар эди. У тавба-тазарру қилиш ва гуноҳлардан покланиш имконияти тугилганидан беҳад шод эди. Унинг гуноҳлари, майли, тақдир тақозоси ила ноқис шарт-шароит боис юзага келган дейлик, у, майли, олдиндан башорат қилинган ва чарх гардишини орқага айлантириш мумкин бўлмасин, — ҳар қалай, дарвешона покланиш унинг руҳини енгиллаштиради. Аслида ҳам шундай бўлди.

Дарвешлар ва уларнинг эшони Самарқандга қараб беш кун йўл юришди. Шаҳар дарвозаси олдида уларни соқчилар кутиб олишди. Темурнинг юзида тақдирга тан берганлик акс этар, у Куръони каримдан оялар ўқирди: «Парвардигор! Қурбимиз етмагон ишларни елкамизга юклама!» Дарвешлар баланд овозда унга жўр бўлишарди. Соқчилар дарвешларга сергаклик ила тикилишарди. Қироат билан ўқишда давом этаркан, Темур қўлларини юқорига кутарди: «Эй буюк Яратгувчим! Барча яхшиликларга Ўзинг шафиқ қилгувчисен, Ўзингдин ёрдам сўраймен. Менга ҳақиқат йўлин кўрсат, яхшилар изидин бормоқни насиб эт!» Дарвешлар илоҳий сўзларни такрорлашди: «Ё Оллоҳ! Бошқа неъматларинг шукронасига қилган ибодатимиз ўзимиз учун ҳамма яхшиликларингдин ҳам ортиқ неъмат эркан, анинг шукрини қандоқ ўтай олурмиз?»

Бу манзарани кўргач, соқчиларнинг ҳўмрайган юзларидаги ишончсизлик гойиб бўлиб, уларга хотиржамлик ва мамнунлик балқиди. Дарвозалар очилди. Дарвешлар: «Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!» — дея бақирди. Улар Самарқандга киришган, Худо уларга уз марҳаматини дариг тугмаган эди. Уч давреш ва эшон куни билан шаҳар кучалари ва майдонлари, бозор расталарини кезишди. Бу ерлар бесаранжом ва ҳувиллаган эди. Темур йўқлигида мўғулистонлик босқинчиларнинг айби билан бир неча катта ёнгин бўлиб, ҳаммаёқ хонавайрон қилинган эди. Шафқатсиз талон-тарожлар ҳам яра устига чипқон бўлиб тушаётганди. Лекин бахти қаро шаҳарда ҳаёт давом этар, самарқандликлар бағритош одамларга айланмаган, руҳий тушқунликка юз буришмаганди. Дўконларда дарвешларга обинон ва узум беришди.

Кечқурун дарвешлар бойлар қўргони деворлари ёнидаги каландархонага ташриф буюришди. Қоронги тушгач, эшон бува қўргоннинг қия очиқ дарвозасидан ҳеч кимга сездирмай ўтиб олди. Бу Самарқанднинг энг содагон баҳодирларидан Довуд Барлоснинг қўргони эди. Темурнинг катта опаси Қутлуг Туркон оға унга эрга текканди. Қалъа деворларидаги шинакларга соқчилар қўйилганди. Ичкарида, девор ортида тураржой ва хўжалик иншоотлари кўзга ташланарди. Бу ерда бой-бадавлат одам яшашини бир қарашдаёқ англаб олиш мумкин эди. Самарқанднинг ўзидаёқ Довуд Барлоснинг олгита карвон-саройи бор, уларда юздан зиёд туя ва отлари мавжуд, уларни машҳур савдогарларга мўмайгина пул эвазига ижарага берар эди.

Бу қўргонга барлосларнинг Самарқанддаги уруғлари юз йилдан зиёд, яъни ўша ҳамманинг ёдида қолган 1221 йилдан бери эгалик қилишар, ўша йили юз йигирма минг кишилик Чингизхон лашкарлари қудратли Самарқанд деворларини ёриб ўтишган эди. Хужумни баҳодир Дайғу Барлос уюштирганди. Асирга олинган бухоролик ва сарипуликлар қўли билан у қалъа атрофидаги чоҳларни тупроқ ва наъматлар билан тўлдириб, дарвозага ўт қўйдирганди. Қалъа ичидаги ҳарбий иншоотга биринчи бўлиб кирган ҳам унинг ўзи эди. Қўшини билан энди Хуросонга юриш бошлаган Чингизхон, Самарқандни тарк этаркан, қўрқув билмас Дайғу Барлосни шаҳарга ҳоким қилиб тайинлади. Ушбу қўргонни ўз оиласи учун мана шу баҳодир қурдирган эди. Энди бу ерда унинг авлодлари истиқомат қилишарди. Чигатой улусининг жами мўгул ҳукмдорлари даврида Дайғу Барлос қўргонига ҳеч ким кўз олайтирмаганди. Илло, қудратли Чингизхоннинг ўзи ҳам бу шонли шажарага иззат-ҳурмат билан қарар эди-да. Мовароуннаҳрнинг янги хони Илос Хужа ҳам Довуд Барлос билан анъанавий ҳурмат-эҳтиром ила муносабат юритар эди.

Самарқандда Дайғудан бошланган барлослар шажараси қон тозалигини ўйлаб, ҳеч қачон бу шаҳардан на келин олар ва на куёв қилар, — уларни Кеш, Яккабоғ ва Қаршидан топишарди. Довуд Барлос ҳам одатта буйсуниб, Кешдан хотин туширганди. Бу — Темурнинг катта опаси Қутлуг Туркон оға эди.

Довуд Барлос бақувват, миқти гавдали, бақалоқ юзли, бароққош, думалоқ митти кўзли одам эди. У кулишни билмас ва ўта камгап эди. Унинг калласида

нима ўй-хаёл борлигини ҳеч қачон англаб бўлмас эди. Ўз қўрғонида у яхши қуролланган йигирма жангчидан иборат гуруҳни ушлаб турар, — барининг келиб чиқиши Кешдан эди. Самарқандликлар бу одамови, индамас баҳодирдан қўрқшарди. Мўғулистонликлар ҳам унинг қўрғонини нарироқдан айланиб утишни афзал деб билишарди.

Аммо Илёс Хўжа Довуд барлос Темурнинг опасига уланганини ёдида сақлар ва унинг қўрғони дарвозаси ёнига доимий айгоқчи қўйганди. Айгоқчи дарвешлар жамоасида яшар, илло, Оллоҳ хизматчиларининг мазгили бўлмиш қаландархона қўрғон билан ёнма-ён жойлашганди.

Қўрғонга маҳфий суратда жаҳонгир дарвеш қиёфасида кириб борган Темур кўп ўтмай ўша шамойилда опасининг ҳузурида ҳозир бўлди. Қутлуғ азбаройи хурсанд бўлиб кетганидан йиглаб юборди. Аммо ногаҳон жиддий тортиб, гамгин оҳангда гап қотди:

— Отамиз ёруғ дунёдин кўз юмганидин сўнг — ани Худо раҳмат қилгон бўлсун! — мен сен учун ҳаммадин ҳам хурсанд бўлур эрдим. Локин ҳозир мен тарадуддамен: Мовароуннаҳр ҳукмдори лаънати Илёс Хўжа сени баҳодирлик қурол-анжомларингни дарвешлик либосларига алмаштирмаққа мажбур этмиш. Наҳот Парвардигор бул иблисининг тахтда мудом ўлтиравермоғига йўл қўюр?

— Бул Худога аён, опа. Дарвеш либослари мўғулистонликларга қарши курашмоқ учун кўп қулайдур. Галаба шаббодаси ҳали менинг байроғим сари эсганича йўқ. Эмди мен қиличдин кўра кўпроқ тилим ила ҳаракат қилиб, эътиқодга чорлармен. Илло, эътиқод ҳам — кучли қурол. Ишонтира билмоқ — галаба қилмоқ, демақдур. Камина бул ерга қатагонлардин сабр косалари тўлгонларнинг, мўғулистонликлар томонидан зулм ўтказилиб, четга суриб қўйилгонларнинг руҳиятини кўтармоқ, ёнини олмоқ учун ташриф буюрмишмен.

— Сен ҳақсен. Самарқандликлар чексиз изтиробдадурлар. Очарчилик ва хўрликлар одамларни жар ёқасига олиб келиб қўймиш. Алар умидсизликка юз бурмишлар. Халқ кўтарилмоққа шай ва ани сен кўтарурсен. Сенинг сўзларинг — умид арқонидур. Сен жами масалаларда Довуд Барлосга орқа қилмоғинг мумкин. Ул ҳам сен киби Илёс Хўжадин нафратланур. Сен Самарқандни тарк эттонингдин сўнг Довуд

ҳам Бухорога бош олиб кетмоққа мажбур бўлмиш. Ул ҳозир ҳам ушал кентда. Мен анга сен келгонингни айтиб, чопар жунатурмен, — деди Қутлуғ ога. Опасининг гапларига қулоқ соларкан, Темур унинг марддигига қойил қолаётган эди, душманга бўлган чексиз нафрати билан у отаси Тарагай Баҳодурга ўхшаб кетарди. Қутлуғнинг йигит эмаслигидан чин дилидан афсусланди.

Темур Довуд Барлосни кутаркан, қўл қовуштириб утирмади. Тонг саҳарда у худди соядай қалъа дарвозасидан чиқиб, қаландархонада пайдо булар ва ўз дарвеш ҳамроҳлари билан бирга шаҳарни, бозорларни айланар ва воқеаларни синчковлик ила кузатарди. Уларни ҳар сафар маҳаллий дарвешлардан албатта кимдир бошлаб юрарди. Темур бундай кичик хизматдан бош тортмас эди. Уларни бошлаб юрувчи зот шаҳарни яхшироқ билар, у билан ишончлироқ эди.

Уларга энг кўп Бакр дарвеш йўлбошчилик қилар эди. У баланд бўйли, қорни дўппайиб чиққан, ўз гавдасига ярашмаган ҳолда бесаранжом куймаланаверар эди. Лекин овози жарангдор, қироат билан куйлаш машқини эгаллаган, соатлаб чарчамай Қуръони карим оятларини ўқий олар эди. Шаҳарда юрганга эса, бу жуда муҳим фазилат эди. Темур Бакрнинг ўз гуруҳи билан юришига монелик кўрсатмас эди. Боз устига, Бакр доим ўз ўйларига гарқ бўлиб юрар, Темурга у ҳеч қачон ўз йўлдошлари билан яқинлашишга, уларнинг қалбига йўл топишга интилмаётгандай туюларди. Яна бир нарсадан Темур тўла қониқиш ҳосил қилаётганди. У юзма-юз гаплашиш учун қайсидир бир бадавлат самарқандликнинг ҳовлисига кираётганида, Бакр ёши улуг дарвеш сифатида митти гуруҳнинг йўлбошчисига айланар эди. Бу пайтда Бакр буткул ўзгариб кетарди. У виқор билан олдинга ўтиб, узун ҳассасини силкитганича, оят ва ҳадисларни шунақанги бақириб айтишга тушардики, кўча ва бозор расталаридаги одамларнинг эътиборини беихтиёр оҳанрабодай узига ром қилиб оларди. Ана шу вазиятда ҳам Темурнинг дарвешлари уларини ҳокисор ва камтарин, сояда тутишар эди. Бакрни эса, бу ерда ҳамма танир, у — маҳаллий, ўзлариники эди.

Ўша даврларда Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида бунақанги дарвешлар гуруҳлари сон-саноқсиз, одамлар уларга ҳамма одатий нарсалар каби кўникиб кетишган эди.

Ўзларини маҳфий йўқлаб келган утнигоҳ дарवेशга баҳодирлар аввал ажабланиб тикилишар, сунгра Темурни таниб қолиб, жаҳонгашта авлиё қиёфасида юришининг боисини сўраб-суриштиришарди. «Озодлик йўллари тўсилгонда, киши қалби танҳоликни истаюр», — дея жавоб берарди Темур. Унинг фикрини қўлаб, бош иргашарди. Кўп-кўп бош иргаб, ундан ўзини сақлашини ва ҳеч нимадан ташвиш чекмаслигини илтижо қилишарди. Соҳибқирон бу одамлар белгиланган кунда ўз байроғи остига тўпланишини, шунча азоб-уқубат ва хўрликлардан кейин душманни аяб утирмасликларини биларди. Довуд Барлосга ўзининг бир ишораси билан қўшин тўплаш қийин иш эмас эди.

Довуд Барлос Самарқандга кутилганидан ҳам тезроқ етиб келди. У кечқурун нам қорни босиб қўрғонга қайтган Темурни дарвоза олдида кутиб олди. Эркаклар қучоқлашиб кўришишди ва Довуд Барлос биринчи бўлиб сўз қотди:

— Қуёшмонанд Соҳибқиронни Самарқандга йўламоқни лозим топғони учун меҳрибон ва раҳимдил Парвардигоримизга ҳамду санолар бўлғай!

— Кимки Оллоҳга суянса, анинг ишлари ҳамиша ўнгидин келгай, — жавоб берди Темур унга ҳамоҳанг гапириб ва эрлар иссиқ уйга шошилишди. Бир оз исиниб, очликларини думба ёғи солинган қайноқ ва хушбўй шўрва билан қондиришгач, Темур ва Довуд Барлос мамлакатда юзага келган аҳволни муҳокама қилишди.

— Аҳвол шундоқки, бул кентда — Самарқандда Илёс Хужа — ҳукмдор, Бухорога эрса, анинг гумаштаси лаънати Беки Чоқу ҳоқимлик қилмоқда, — дея гап бошлади Довуд Барлос.

— Зуравонлар даври интиҳо арафасиндадур. Аммо исёнкор оломоннинг қўлидан ҳеч нима келмас, жангчи бўлинмалари аларни осонлик ила супуриб ташлаюр. Бул хусусда мен кўп баҳодирлар ила гаплашдим ва алар ўз елкаларидаги итоаткорлик юкини улоқтирмоққа шайдулар.

Довуд Барлоснинг ёши анча улуг эди. У қониқиш билан хаёлидан ўтказди: «Бул йигит оқсоқоллар ҳам ҳасад қиладургон даражада зукко ва бамаъни. Ул ўз мақсадига шубҳасиз эришур».

— Самарқандда жангга кирмоққа тайёр юз-икки юз баҳодирни топмоқ мумкин, — деди у. — Илёс

Хўжа бирла Беки Чоқунинг эрса, юз минг кишилик қўшини бордур.

— Агар киши Худонинг марҳамати ва ёрдамига эрмас, фақат ўз куч-қудратига таяниб иш тутса, бундайлар ожиздурлар. Мўгулистонликлар ана шундоқ кимсалар тоифасидин. Агар халқ газаби момақалди-роқ бўлиб гумбурласа, ул ҳиқаат еру осмонни остин-устун этмоққа қодир. Алар — осмонни қаргашса, момақалди-роқ гумбурламай қўюр, деб уйлаюрлар. Аммо ўз қарғишлари ила бул даҳрийлар инсон газаби ўтини алангага эвриюрлар. Оллоҳ иродаси-ла камина Самарқандга ташриф буюриб, чинакам баҳодирларни учратмишмен. Майли, алар бор-йўғи юзта бўлғай, локин бизда Бухоро бор, Балх бор, қарши ва Хуросон бор. Мен қанча зарур эрса, шунча қўшин тўплаюрмен. Ва Илёс Хужани гумдон қилурмен, — деди Темур комил ишонч билан. Довуд Барлос ноқулай аҳволда қолди. У ўз қаршисида Мовароуннаҳрни озодликка олиб чиқиш гоёси билан ёнаётган жасур одамни кўриб турганди. Темур ҳаракат бошлаган, Довуд Барлос эса, мулоҳаза қилар, фикрларини тарозига солиш билан банд эди...

— Мен тайёрмен! — хитоб қилди Довуд Барлос.

— Ҳозирча Илёс Хўжа базми-жамшид қуриб, одамларнинг қонини сўриш ила банд эркан, мен кўп самарқандликларнинг уйларида бўлмишмен. Камина элликта энг содиқ ва энг ишончли одамларни танладим. Аларнинг ҳар бири баҳорга чиқиб юзтадин қўшин тўпламоққа Қуръони каримни қўлларига олиб қасамёд қилмишлар. Яна юзтадин шаҳарликни ҳам бул ишга жалб этадигон бўлдилар. Бул — ҳаёт-момот жангига тайёр ўн минг одам, деган гап. Аларга сен қўмондонлик қилурсен, Довуд Барлос. Фаолиятсизликка эмди барҳам берурмиз!

— Буюк ҳумдор фазилатлари ва пок ният эгаси, о амир! О сен, жасорат, зукко ақл-идрок ва саховатли ҳулқ-атвор соҳиби! Оллоҳимиз марҳамати ила сен ўз меҳринг-ла жами самарқандликлар қалбига ўт ёқмушсен. Сен доно маслаҳатларинг бирлан зодагон ва оддий халқ дилига бахт ва умидворлик учқунларини солдинг. Камина ўз тасарруфимдаги одамларни қуролантириб, жангга тайёрламоққа сўз берурмен. Мен аларни босқинчилар устига бошлаюрмен ва алар қасоскор яшиндай душманнинг қулини кўкка совура-жаклар!

Довуд Барлос энгашиб Темурга таъзим қиларкан, чопонининг барини ўпди. Темур бу қалтис режалари маҳфий бўлиб қолиши боисидан қасам ичишни сўради. Довуд Барлос қасам ичди. Энди Темур яна бир муҳим масала билан шуғулланишни лозим топди. У душман қўшини қандай жойлашганини аниқламоқчи эди. Мўғулистонликларнинг ҳарбий қароргоҳлари шаҳар деворлари ёнида, унинг етти дарвозаси яқинига жойлашган эди. Лекин бу машгулотни ярмида тўхташга тўғри келди. Кечаси қўргонга Мубошир полвон ташриф буюриб, Бакр дарвеш — мўғулистонликларнинг айгоқчиси эканини маълум қилди. Темурнинг Самарқандда яшириниб юргани Илс Хужага аён бўлган эди. Эрталаб шаҳардаги жами дарвешларни ҳибсга олиш юзасидан фармойиш берилганди.

Темур ва Довуд Барлос нима қилиш кераклиги хусусида бош қотира бошладилар. Тонг саҳарда Самарқандга ҳиндистонлик савдогарларнинг карвони ташриф буюриши керак эди. Савдогарлар туяларига Довуд Барлоснинг карвонсаройида қўним беришмоқчи эди. Карвоннинг шаҳар дарвозасидан чиқиб кетишига рухсатнома ҳам олиб қўйилганди. Довуд Барлоснинг фикрича, вазиятдан чиқишнинг энг қулай йўли карвонга соқчи сифатида қўшилиб кетиш эди. Ана шу тўхтамаг келишди. Темурнинг Самарқанддаги қирқ саккиз кунлик маҳфий фаолияти ниҳоясига етаётганди. Соҳибқирон ва унинг ҳамроҳлари шаҳарни энди дарвеш қиёфасида эмас, жангчи либосларида тарк этишди. Темурнинг Самарқанд диёри ила айрилиги бир неча йил давом этади. Сўнгра у ушбу шаҳарга галаба туғи билан кириб келади ва уни дунё пойтахтига айлантиради.

УН БЕШИНЧИ БОБ

ТЕМУРНИНГ ЯРАЛАНИШИ

Савдо карвонининг соқчиси қиёфасида Самарқандни тарк этган Темур унинг яқинида узоқ юрмади. Бир томони — Жайхунга, иккинчиси — довонга, Кешга олиб борадиган чорраҳада у ўз йўлдошлари билан бирга йўлни довон тарафга бурди. Қишда довон орқали юриш хавfli ва одамлар бунга ўта зарурат туғилгандагина журъат қилишарди. Лекин Темур нима қилаётганини билар эди. Илс Хужа ўзини Са-

марқанддан тополмай, орқасидан албатта қувгин уюштирилини Темур яхши тушунарди. Кеш йўлидан ўтиб бўлмаслиги ҳам босқинчи хонга аён эди.

Гуруҳ карвондан ажралиши билан туркман Алиберди сахро кенгликлари янглиг чексиз ва хазин қўшиқ ҳиргойи қила бошлади. Эгри-бугри қор тепаликлари кўзни қамаштирар эди. Май ойида бу ерда лолалар қийғос очилишини тасаввур қилиб бўлмасди. Тиззадан қор босган йўлни аранг илғаш мумкин эди. Лекин ундан ўтаётган одамларнинг кўзлари кўпни кўрган эди. Шаҳар деворлари тутқунидан озодликка чиққан дашт йигитининг туйғулари Темурга тушунарли эди. Абдуллоҳ ботир ва Мубошир полвоннинг ҳам бу кенгликлардан хурсандлиги кўриниб турарди. Дарвеш қулоқлари остида кўзларини яшириб юриш айниқса уларга ноқулай эди. Алиберди қўшиқ куйлар, Темур ўйга толган эди. Самарқандда ўтган кунлари у бошлаган улуг иш учун фойдали бўлди. У ўз душманлари ва уларнинг тасарруфидаги кучларни билиб олди. У ўз томонига жалб қилган одамлар энди галабага умид туйғуси-ла яшашар, умид эса, илҳомлантиради. Амир аниқ ҳаракатлар дастурини ишлаб чиққанди. Кўп ўтмай мўғулистонликларга қарши даъват бутун Мовароуннаҳрга ёйилади. Галаба дурлари ҳамма учун очиқ ва ҳамма учун бемалол соҳилда ётмайди. У денгиз тубида, мустаҳкам чаноқ ичида яширин ҳолда узоқ пишиб етилади. Бундай чағаноқларнинг бирини у топди, бу — Самарқанд эди. Бухоро, Балх ва Бадахшон навбатда туришарди. У ҳали кўп маслақдошлар орттиришини билар эди. Парвардигор мадади билан кучларни жамлаб, мўғулистонликларни юртдан ҳайдаб чиқариш осон эмас, албатта, лекин амалга ошириш мумкин булган иш эди.

Қор босган Тахта Қорача довоини ошиб ўтиш кичик гуруҳ учун огир кечди. Улар водийга ҳаддан зиёд ҳориб-чарчаган, лекин хурсанд ҳолда кириб боришди. Ота шаҳрида уч юзта отлиқ жангчи Темур тасарруфига ўтди. Темур Самарқанддалигида уларни Чоқу Барлос тўплаган эди. Баҳор-зиндон қишлоғида, Абдулла Мерганнинг ўй-қўргонида Темур ўз лашкарлари билан икки ҳафта туриб қолди. Бу вақт ичида унинг чопарлари амир Ҳусайн ва Муборак шоҳ Санжарийга қачон ва қаерда учрашишлари ҳақида хабар етказишди. Учрашув жойи сифатида Кандаҳор яқинидаги Хирмон қишлоғи танланди.

Темур ўз тарафкашлари билан бирлашиш учун эрта баҳорда, илк кўкатлар ниш уриб, Жайхун сувлари кечиб ўтиш учун хавфли бўлмаган паллада йўлга чиқди. Ёзда Помир тоғларидаги қорларнинг эриши дарёни ўта кенгайтириб юборар ва бу пайтда унга яқинлашмаган маъқул эди. Юришни бошлаш вақти ҳар жиҳатдан қулай эди. Абдулла Мерганнинг уйи хавфсиз, Илс Хўжа ўз қўшини билан бу ердан олисда, ҳар қандай маҳаллий амир ёки нўндан у мустаҳкам ҳимояланган эди. Сўнгги йилларда Темур биринчи бор ҳордиқ чиқарди — у ов қилар, пойгачилар, камончилар ва полвонлар мусобақаси уюштирар эди. Алиберди бир неча кун ғойиб бўлиб, ўзи билан бирга эликта қабиладоши — бақувват йигитларни бошлаб келди. Темурнинг тарафкашлари бирлашишга илк чорлов бўлиши биланоқ етиб келишга шай эдилар. Қандаҳоргача масофа унча узоқ эмас эди. Темур кўздан бери шу ерда яшаётган хотини Ўлжой Туркон ва уч яшар ўгли Умар билан қучоқлашиб хайрлашди. Кўм-кўк барра кўкатлар отларнинг туёқлари остида топталди. Юк ортган отларнинг устида арқон билан қисиб боғланган чодирлар оҳиста чайқаларди. Кўҳна ва бой Ҳирмон қишлоғида Темурнинг қўшинини айна наврўз кунларида кутишаётганди.

Кам сонли Темур лашкарлари кучли ва жасур эдилар. Баҳор-зиндондаги жанг ўйинлари шундан далолат берганди. Хирмонгача йўлга икки ҳафта вақт кетди. Жайхунни кутилганидай осон кечиб, Қандаҳорни айланиб ўтишди. Ҳирмонда Темурнинг қўшинига Муборак шоҳ Санжарийнинг уч юзта жанчиси ва амир Ҳусайннинг икки юз кишидан иборат лашкари келиб қўшилди. Яна бир кундан сўнг Темур билан мўъжаз Қарибиз қўргонининг ҳукмдори Маъди ҳам бирлашди. У ўзи билан бирга юз эликта пиёда лашкарни бошлаб келганди. Қўшиннинг умумий сони мингдан ошиб кетганди.

Яқин келажакда сон-саноксиз миқёсларга кўтаришувчи Темур қўшинига асос солинганди. У ўз қароргоҳини Қарибиз қўргони яқинига, айқириб оқувчи герлан дарёси соҳилига жойлаштирди. Жанг қойдаларига кўра, ҳар юзта лашкарга у биттадан амирни юзбоши қилиб тайинлади. Қўшин шаклангач, ишлари ҳам купайиб кетди. Темурнинг қароргоҳига Сейистон давлатининг элчилари ташриф буюришди. Бу — етти шаҳар-қалъадан иборат бадавлат мамлакат эди.

Сейистон ҳукмдори амир Малик Маҳмуд бу вақтда ўз ер-сувларини бошқариш борасида катта қийинчиликларни бошидан кечираётганди. Бир неча шаҳар-қалъа ўзбошимчалик ила ундан ажралиб чиққан ва Малик Маҳмуд исёнкорларни қатъий жазолаш ниятида янги пайдо бўлган кучдан фойдаланишга жазм этганди. Элчи Темурга нома топширди.

«Бахтли юлдуз остинда туғилмоқ иқболига муяссар, буюк куч-қудрат ва улкан салтанатга сазовор Соҳибқирон жаноблари! Мен сенга ўз мамлакатим тақдирини ихтиёрий инониб топширурмен. Ёвуз исёнкорлар анда галаён кўтаришиб, шаҳарларни зўрлик ила тортиб олдилар.

Душманларим мени мағлуб этмишлар. Тасарруфимда еттита қалъа бор эрди, эмди битта ҳам қолмади. Магар сен юрагинда ўти бор чаваңдоз, ҳукмронлик дарахтининг меваси, матонат ўрмонининг қудратли чинори эрсанг, душманларимни мағлуб эттил, тартиб ўрнатиб, менинг ҳукмронлигимни тиклагил! Бунинг учун мен, Сейистон ҳукмдори амир Малик Маҳмуд, тақдирга бош эгиб, сенга — Соҳибқиронга шу кунгача ўзимга тегишли бўлгон қалъаларнинг учтасини туҳфа этгумдур. Жангчиларингга эрса, олти ой мобайнида маош тўлуурмен, илло, шул хусусда тантанали қасамёд қилурмен!»

Темур машварат чақириб, Малик Маҳмуднинг номасини ўқиб берди. Унинг йигилганларга қадалган нигоҳи оғир, тиконли эди. У сўз қотди:

— Худо бизга омад бермиш. Бундан яхширогини топмоқ мушкул. Исёнкорларни жазолаб, қалъаларни илкимизга олурмиз. Ҳозироқ жангга кирурмиз.

Темурнинг ўнг томонида ўтирган Хусайн қизариб-бўзариб, ўзини туюлмаб таъна қилди:

— Барлослар амири ўзини хонлардай тутмоқда. Парвардигор гувоҳ, биз, ушбу кенгашга йигилганларнинг бари, тенг ва бирдай ҳурматга лойиқдурмиз, — гап шу ерга келганда, Хусайн сукутда қолди, сунгра Темурга тик қараганча, бўгилиб қичқирди: — Ҳар биримизга биттадин қалъа берилмоғи жоиз!

Темур кенгаш аъзоларини ҳайрон қолдириб, газабга минмади, эҳтиросга берилмади, хотиржам гапирди:

— Фалак гардиши қонунари шундоқ. Кимнингдир бошига у олтин тож кийдирур, кимнидир қабрга улоқтирур. Кимки шаҳарни ҳужум ила ололса, Оллоҳ ани ўшал зотга туҳфа этгусидур.

Бу қарорнинг донолигини ҳамма тан олди.

Биринчи қалъани кечаси ҳужум ила қўлга кириштирди. Режа бўйича, улар тун қоронғусида деворларга яқинлашиб, унга нарвонлар қўйишлари, бир вақтда тўрт томондан дарвоза ва деворларга шиддатли ҳужум уюштиришлари лозим эди. Ўттиз қўлоч узунликдаги нарвонлар баҳайбат ва ноқулай, лекин уларни шовқин-суронсиз кўтариб, аста деворларга тақашди. Оғир ҳодаларни дарвозаларга болгадай зарб билан уришди. Сейистонликлар душманнинг ҳужумини қайтаришга тайёр эмас эдилар. Улар ҳалиям базми-жамшид қуришар, Малик Маҳмудни тахтдан ағдарганларини ҳануз тантана қилишарди. Қутилмаганда қалъа атрофидаги тепаликларда ҳужум бошланганини билдирувчи гулханлар ёқилди. Дарвозалардаги соқчилар нима гаплигини англашга уриниб, узоқларга ала-нглашаркан, Темурнинг жангчилари деворларга тир-маша бошлашди. Бировни ёрдамга чақиришга кеч бўлган эди. Дарвозаларга узоқ зарб беришга тўғри келмади, баъзилари дарров қулаб тушди, баъзиларини кундузи шаҳарга кириб олган айгоқчилар очиб беришди. Соқчиларни боғлаб ташлашди. Эрталаб уйгонган шаҳарликлар бегона отлиқларни куришди. Исён кўтарганларнинг оёқ-қўллари боғланди. Уларни Малик Маҳмуд қаршисига тиз чўқдиришди. Ҳукмдор уларни қатл этишга буюрди.

Шаҳарда галла заҳиралари жуда кўп экан, бу Темур учун айни муддао эди. У ортиқ тўхталиб утирмади, жангда ҳеч кимни йўқотмаган, лашкарлар дам беришга эҳтиёж сезмас эдилар. Исён кўтарилган иккинчи қалъага ҳам худди биринчисидаги каби қўққисдан ҳужум қилиш керак эди. Унгача бир кеча-кундуз йўл босиб ўтиш керак эди. Темур ўз қўшинига фақат икки марта қисқа дам берди. Темур қўшинлари қоронгилик тушгандагина дарё кечувига етиб келишди, унинг ортида шаҳар кўринарди. Шу дамдаёқ нариги қирғоққа ўта бошлашди, бахтларига, дарё секин оқар, кенг ҳам эмас эди. Йигирма баҳодир отларда биринчи бўлиб сузиб ўтишди-да, икки соҳил ўртасига арқон тортишди, қолган жангчилар ана шу арқонга осилиб ўтишди. Иккинчи қалъани ҳам Темур ҳеч қандай талофотларсиз қўлга киритди, яшиндай ҳужумга ҳеч ким монелик кўрсата олмади. Учинчи қалъани забт этишни Темур амир Ҳусайнга топширди. Унинг хоҳишини инобатга олган эди. Унгача етиб бориш учун

икки кун вақт кетди. Бу ерда Темурни кутишаётган, вазият ҳам узгача эди. Бостириб келаётган қўшинни қалъадан анча олисдаёқ пайқашган эди. Хавф ҳақидаги хабар тезда асосий саройга етказилди. Бу ердагиларнинг қаршилиқ кўрсатолмаган қалъалар қисматиға шерик бўлиш нияти йўқ эди. Хусайн қўмондон сифатида қоронги тушгунча шаҳар деворларига яқинлашмасликни буюрди. Темур унинг бу қарорига қўшилмади, лекин амирнинг сиркаси сув кўтармаслигини билгани туфайли унинг фармойишларига аралашини лозим топмади.

Ниҳоят, кечки намоз вақти тутаб, зулмат қуюқлашгач, Хусайн жангчиларни устига баланд пахса деворлар қурилган қалъа тепаликлари сари бошлади. Мудофаачилар жангга шай, дастлабки қалъалар тунда забт этилгани уларга аён эди-да. Шу боис Хусайннинг режалари тезда ижобат бўлмади. Тун унинг иттифоқчиси бўлади, дея тахминлаганди у. Лекин жангчилар зимистонда аранг йўл топиб юришар, сув тўлдирилган ҳандақ эса, уларнинг йўлини тўсиб қўйганди. Хусайн ҳужумни тонг отгунча тўхтатишга мажбур бўлди. Буларнинг барини Темур аввалдан билган эди. Хусайн вазиятни тун киргунча аниқлаб қўйиши керак эди.

Кундузи ҳам у мавҳумлигича қолаверди. Камон ўқлари ёмғири остида сув-тўсиқни кечиб ўтишнинг ҳам иложи бўлмади. Қалъа дарвозаларидан бот-бот отлиқ жангчилар отилиб чиқишар ва сувдан амаллаб ўтиб, деворга яқинлашмоқчи бўлаётганларни орқага улоқтиришарди. Ҳандақни кечиб ўтишга беҳуда уришишлар уч кеча-кундуз давом этди. Тушкунликка тушган Хусайн қўмондонликни Темурга топширди. У қўшинни тўртга бўлиб, биринчи қисмга Хусайнни, иккинчисига — Муборақ шоҳ Санжарийни, учинчисига Чоқу Барлосни қўмондон қилиб тайинлади, тўртинчи бўлинмага ўзи бошчилик қилди. Жангчиларнинг ҳар бир бўлинмасига аниқ вазифалар қўйилди. Кимлардир ҳандақни тупроқ билан тўлдириши, кимлардир буларни ҳимоя қилиб туриши, қалъа деворларида пайдо бўлганларни камондан ўққа тутишлари керак эди. Ҳандақни тупроқ билан тўлдиришга уч кун вақт кетди. Темурнинг ўқчилари камон отишнинг обдон машқини олган эмасми, юзлаб қалъа ҳимоячиларини йиқитишга муваффақ бўлишди. Шундан кейингина Темур туннинг афзалликларидан фойдаланди. Қорон-

гуликда деворларга зудтар нарвонлар қўйилди, жангчилар улар орқали юқорига интилишди. Арқондан ясалган нарвонлар ҳам роса иш берди. Темурнинг лашкарлари тонг саҳарда шаҳар кучаларига кириб боришди. Сурнайлар овози янграб, ногоралар гумбурлади, жангчиларни Темурнинг ўзи олга бошлади. Эрта-лабки намоздан сўнг исёнкор амир ва унинг югурдакларини Темурнинг ҳузурига бошлаб келишди. Темурнинг дилида уларга нисбатан қаҳр-ғазаб йўқ эди, тўлов талаб қилди. Кўп ўтмай, катта миқдорда тўловлар келтиришди.

Биргина баҳодир учун тўлов берилмади. Барваста қоматли, қийиқ кўз, тақир калласининг энса қисмида ингичка кокил ликиллаб турган дароз бу йигитни Сейистонда яхши билишмас эди. Уни Чин-баҳодир деб аташарди. У ким пул тўласа, ўшанга хизмат қиларди. Уни овқатлантиришнинг ўзи анча қимматга тушарди. Темурга Чин-баҳодир камбағал ва Шарқ мумтоз кураш устаси экани ва унинг учун ҳеч ким пул тўламаслигини маълум қилишди. Шунда Темур ҳеч қандай тўловсиз хитойликнинг тўрт томони қибла эканини билдирди. У қўлга киритилган галаба боис яхши кайфиятда, бунинг учун кўпам қон тўкилмаган эди.

Темурни қалъани забт этгани билан табриклагани Малик Маҳмуд етиб келди. У ҳам амирга бой совғасаломлар топширди. Амир Ҳусайн ҳам Темурни галаба билан қутлади. Исёнкорлар галаёни тезда бостирилгани ҳақидаги хабар бутун мамлакатга тарқалди. Сейистонда қўрқув тўлқинлари қалъама-қалъа кезар эди. Одамлар, Темурнинг лашкарлари қалъа деворлари оша худди жиналардай учишларию шердай жангга отилишлари ҳақида огиз тўлдириб гапиришар, дostonлар қилишарди. Малик Маҳмуд эса, бу пайтда ўз ҳалоскорларига иззат-икром кўрсатиш билан овора эди. Саройда дабдабали базми-жамшид уюштирилди. Темур ва унинг баҳодирлари учун шоҳона дастурхонлар ёзилган эди. Биридан бири ширин ва хушбўй таомлар шу даражада кўп тортилдики, яқиндагина бўлиб ўтган жангнинг ҳамма қўрбонлари ва қийинчиликлари унутилди. Ажойиб мусиқа янграб, хонандалар ҳам голибларга ёқиш учун бор истеъдодларини ишга солишарди. Турфа куй, оҳанглар кўм-кўк осмондан қўйилаётгандай эди. Темур ва унинг амирларига зарбоф чопонлар ва қийиқчалар, қимматбаҳо тошлар

совга қилинди. Темур бу миннатдорчилик тимсолларини қабул қилиб, ичида суноаркан, узига на Сейистон қалъалари ва на улардаги бойликлар кераклигини бир дақиқа ҳам унутмади. Чигатой улусига ҳали-ҳануз мўғулистонликлар ҳукмронлик қилишарди. Аммо ушбу қалъаларнинг забт этилиши унинг шон-шуҳратини ошириб, мавқеини мустаҳкамлади.

Базми-жамшид авжига чиқар, Темур ҳали забт этиб улгурмаган қалъалар эса, Малик Маҳмуд ҳузурига ўз чопарларини жўнатишди. Макр ва ҳийла ишга солинди. Ушанда Малик Маҳмудга топширилган мактубларнинг бири қуйидаги мазмунда эди: «Қудратли ва меҳрибон Парвардигоримизнинг Темур ва анинг жангчилари билмаслиги лозим бўлгон сир-асрори бордур. Алқисса, илми нужум соҳибларининг башоратларига кўра, Кеш амири Темур Тарагай Баҳодур Сейистоннинг жами қалъаларини забт этажақдур, сен, Малик Маҳмуд, ҳукмдорликдин буткул четлаштирилурсен ва биз баримиз бирма-бир қатли омга мустаҳқадурмиз. Бу ҳол бизни қаттиқ ташвишга солмиш. Модомики, сен ҳам, биз ҳам оғир аҳволда эрканмиз, сен, амир, биз ила яна бирлашувинг, Сейистон қўшинларига қўмондонликни қўлингга олмоғинг ва ажнабийларни йўқ қилмоғинг даркор. Амир Малик Маҳмудга Оллоҳнинг ўзи мадад бергай, илоё, умри узоқ бўлгай!»

Бу машғум хабардан огоҳ бўлган Малик Маҳмуд макр тузоғига илиниб, шу ондаёқ бошқа одамга айланди. У қалъани пинҳона тарк этиб, тавба-газарру қилган сотқинларга қўшилди. Темур учун эса, бу сунгги беташвиш базм бўлиб, успириндай маишатга берилган, икки кунгина аввал шаҳарни жанг билан олганини ҳам унутган эди. Хурсандчилик қиларкан, у ўз ёшлиги, куч-қувватидан лаззатланар, оғир жангда қўлга киритилган ўз галабасидан сармаст эди. У кейин ҳам ўз фуқароларини ҳайратга солиб, ҳар бир галабасини дабдабали ва улкан миқёсда тантана қилди. Лекин булар унинг ўзи ўтказадиган байрамлар бўлади. Шу тариқа Темур беташвиш вақтичоғлик қиларкан, фалак гардишининг қисмат аталмиш ўқ ёйи аста тортила бошлаганди. Темур гўё ўз ёшлиги билан видолашар, эртагаёқ етук эр, кўплаб халқлар тақдирини ҳал қилувчи зот либосларини кияркан, уларни бошқа ҳеч қачон ечмаслигини биладигандай эди. Базми-жамшидни мамнун тарк этаркан, у эртага жангга

кириши, камон ўқи ўнг қўл тирсагини, найза эса, ўнг оёғининг тиззасини тешиб ўтиши ва у то умрининг охиригача чўлоқ ва бир қўли шол бўлиб қолишини билмас эди. 1941 йилнинг июнида унинг қабрини очган академик Герасимов Соҳибқироннинг чўлоқ ва бир қўли шоллигини тасдиқлашидан ҳам беҳабар эди. Оврўпода ўзига Оқсоқ Темур, Темурланг деб лақаб берилишидан ҳам воқиф эмасди. Аммо эртагача ҳали вақт кўп, айти дамда жуда оз эди.

Эрталаб карахт уйқудан уйгонган Темур Алибердидан меҳмондуст мезбонлари Малик Маҳмуд қаердалигини сўради. Алиберди амирнинг кеча кечқурун қалъадан жўнаб кетганини маълум қилиб, бу ҳақда унга ахбор беришмаганидан ажабланди. Малик Маҳмуднинг ногаҳон гойиб бўлишининг сабаби кўп ўтмай аён бўлди. Саройга Абдуллоҳ ботир ва Мубошир полвонлар қайтиб келишди. Бир кун аввал Темур уларни бир гуруҳ жангчилар билан вазиятни билиб келгани тўртинчи қалъага жўнатганди. Қалъа анча олисда, шунинг учун у одамларининг бу қадар тез қайтганидан ҳайрон бўлди. Жангчилар ҳаяжонда эдилар ва Темур фавқулодда ҳодиса юз берганини дарров фаҳмлади.

— Душман биз тарафга келаётир, — дейишди улар. — Малик Маҳмуд сардорлигидаги икки мингга лашкар. Ул кас ҳали-ҳануз базм давом этаётир, деб ўйлагон чоғи. Ул бизни, муҳтарам амир, қўққисдин босмоқни ният қилмуш. Ул сени ҳали яхши билмас эркан.

— Ул мени ҳали яхши билмас, — тасдиқлади Темур. — Аммо биз алар ила қалъада жанг қилмасмиз. Шаҳарнинг шимолида адирлар, аларнинг ортида тўқайзор бор. Биз ўшал тепаликка шундай жойлашурмизки, бирорта душман ҳам сездирмай ўтолмас. Иншооллоҳ, аларнинг бирортаси ҳам биздин қочиб қутулолмас.

Темурнинг бир ишораси билан ногоралар гумбуради. Ўрда ҳолида турган жангчиларга хабар бериш учун забт этилган қалъаларга чопарлар жўнатишди. Темур адирда ўз қўшини билан қулай вазиятни эгаллади. Икки ҳарбий бўлинма асосий қўшиннинг чап ва ўнг қанотларидаги тўқайзорларга яширишди. Унинг шошилинич тўплаган қўшини унчалик катта кучга эга эмас эди. Кўп ўтмай душман лашкарлари кўришди. Аммо Темурнинг йигитлари кўп жангларда синовлар-

дан ўтган, жангари эди. Ғалабалардан руҳланган қўшин янги-янги зафарларни қўлга киритишга ташна эди. Бундай душманни кутишга ҳожат йўқ эди. Бундай душманга у жангчиларини жанговар сафларга тизишга улгурмай, юқоридан зарба бериш керак эди. Темур асосий қўшинни эргаштириб, олға интилди. Унинг қиличи боши узра ярақлар, оти кўм-кўк кукатлар устидан чошиб борарди. Унинг тешиб юборгудек ўткир нигоҳи Малик Маҳмудни дарров илғади. Қилич зарб билан пастга туширилди, Сейистон амирининг танаси иккига бўлиниб кетди.

Унинг ёнида Мубошир полвон билан Абдуллоҳ ботир душман жангчиларини қийратар, орқасида Алиберди уни қўриқлаб келарди. Бу шавкатли туркман йигити ҳаддан зиёд ҳушёр эди. Кимки Темурни айланиб ўтиб, орқасидан ҳужум қилмоқчи бўлса, унга қиличи билан яшиндай ташланарди. Жангда у мутаассибга айланар ва чарчоқ билмас эди. Малик Маҳмуд бутун лашкарларининг кўзи ўнгида қонга беланиб отдан қулаганидаёқ жанг тақдири ҳал бўлган эди. Отлиқлар тирақайлаб қочишга тушишди, лекин тўқайзордаги пистирмада турган икки ҳарбий бўлинма уларнинг изларидан ташланишди. Ҳаммаёқ остин-устин, чанг-тузон ичида қолганди. Мағлуб бўлганларнинг оҳ-воҳлари билан ҳужумчиларнинг ҳайқириқлари айқаш-уйқаш бўлиб кетганди. Шу пайт Темурнинг қўшинларига ўзлари яқиндагина тарк этган қалъанинг кўнгилли аскарлари ногоҳ орқадан зарба берди. Биринчи бўлиб амир Ҳусайн ваҳимага тушди. Унинг ожизлигини пайқаган кўнгиллиллар дарров унга ташланишди. Вазиятнинг бундай тус олганини кўрган Темур Мубошир полвон билан Абдуллоҳ ботирни ёрдамга жўнатди. Бу билан у ўзини ишончли қўриқчиларидан маҳрум этган эди. Унинг кўксига камон ўқи қадалди, лекин пўлат либосига тегиб, визиллаганча ўнг қўлининг тирсагига санчилди. Беихтиёр бармоқлари ёзилиб, қиличи ерга тушди. Қўли худди қамчидай осилиб қолди. Темур қилични чап қўлига олди. Унинг рўпарасида қийиқ кўзли баҳайбат чавандоз турарди. Унинг найзасининг биринчи зарбидан Темур ўзини четга олди, лекин қўлида уйғонган кучли огриқ чаққон ҳаракат қилишига ҳалал бераётганди. Иккинчи найза зарбаси болдирига тўғри келди. Этиги тезда иссиқ қонга тўла бошлади. Айни шу дамда Темурнинг орқасидан ваҳшат ичида қийқириб Алиберди учиб

чиқди-да, отини орқа оёқларида тикка тургизганча, даҳшатли куч билан қийиқ кўз чавандознинг бошига зарба берди. Мағлуб этилган жангчини Темур дарров таниди: бу ўзи уч кун аввал тўлов олмай озодликка қўйиб юборган Чин-баҳодир эди. Соҳибқирон истеҳзоли кулимсиради: яхшиликка яхшилик қайтмаганди.

Жангчиларнинг руҳини кутариш керак эди ва Темур қилич тутган чап қўлини юқори кутарганча бор овози ила наъра тортди. Яраларини унутиб, жанг авжига чиқаётган тўдага ўзини урди. Илк юлдузларгина жанг тугаётганининг гувоҳи бўлишди. Душман аскарларининг катта қисми қириб ташланган, қолган-қутганлари қоча бошлашганди. Темурнинг қўшини ҳам ўз сафларидан беш юзта одамни бой берганди. Уларнинг аксарияти энди ҳеч қачон ўз жанговар туғи остида тура олмаслигини ҳам саркарда яхши билар эди.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

БЕРКҲУТНИНГ ҚАЙТИШИ

Темурнинг Сейистон адирларидаги жанги ва душман кучларининг ўта маҳобатли эканига қарамай, галабани қўлга киритгани ва жангда қўл-оёғи яралангани Соҳибқирон ҳаётида бурилиш ясади. Сейистондан кейин у ўзи мағлуб этган ва лашкарларининг ортида қолиши мумкин бўлган душманларига раҳм-шафқат кўрсатмасликни одат қилди. Раҳим-шафқат душманни дўстга айлантирмаслигини англаб етди. Тиззаси найза билан яраланган ва бир қўли осилиб қолган Темур, эҳтимол, ҳаётида биринчи марта кўрқув ҳиссини туйган эди. Ахир, ўшанда жанг поёнига етаётган ва у қарийб галабага эришган эди-ку. У орқадан берилган сотқинларча шафқатсиз зарбани, ўқлар галасининг визиллаши ва отларидан қулаётган баҳодирларини бот-бот эслар эди. Ҳушёрликни қўлдан бой бергани заҳоти уни қатъий жазолашарди.

Йўқ, оёғини чулоқ, қўлини шол қилган сейистонликларни у кечирмаган эди. Бир неча йилдан сўнг у кучли қўшин билан бу ўлкага қайтиб келиб, Сейистон ва Исфакон аҳлининг каллаларини узишни ва қирқилган бошлардан қўшинига сотқинларча орқадан зарба берилган жойда эҳромлар қуришни буюрди. Айтишларича, бу эҳромлар бунёд этилаётган маҳалда

ер инграган эмиш. Ер ёрилай деган, лекин тақдир Темурнинг бу қилмишига тан беришни тақозо этганди.

Қизгин жанг интиҳосига етгач, Темур вужудини зирқиратаётган қақшатқич оғриқни енгиб, қолган қўшинларни амир Ҳусайн ва Чоқу Барлос қумондонлигига топширди-да, ўзи элик чавандоз қуршовида Гармуз туманига отланди. Даволаниш икки ой давом этди. гиёҳларнинг нафи тегмаган маҳалда дуолар шифо берди. Яралар битиб кетди, лекин ўнг қули ва ўнг оёғининг табиий имкониятлари умрининг охиригача тикланмади.

Даволанаётган Темурни унинг маънавий устози Шайх Абу Бакр Тайободий йўқлаб келди. Уни дарвеш Қобулшоҳ кузатиб келган эди. Дустининг аҳволини кўрган Қобулшоҳнинг кўзлари намланди. Абу Бакр Тайободий ўз ҳисларини ваъз ёрдамида, маънан изҳор этди:

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим! Барлосларнинг шонли амири Темур Тарагай Баҳодурга Оллоҳи карим узоқ умр бергай! Парвардигор ҳабиби — Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва анинг олийнасаб уруг-аймоқларига мангу Худо ёр бўлгай! Ўз куч-қудрати ва қурол-яроғига эмас, балки Оллоҳга таяниб иш тутган зотгина донишмандлик чўққисини забт этгай! Ўз ишларини Оллоҳга ишониб топширгон зотгина шон-шараф тожини қўлга киритгуси. Парвардигори оламга ҳамду санолар ўқиб, сидқидилдин илтижо қилурмизким, Амир Темурни ҳаётнинг барча жабҳаларинда — шодлик ва алам-қайғу, роҳат-фарогат ва эзгу амалларда ҳамиша Ўзи қўллаб-қувватласун, анга сабр-тоқат ва тетик кайфият ато этсун! Темур эрса, эзгу ишларини кўпайтириш йўлинда Анинг этагини маҳкам тутсун! Буюк қудрат соҳиби ва мададкоримиз Оллоҳи таолога тасаннолар бўлгай! Оллоҳу акбар!

— Оллоҳу акбар! — дея фотиҳа қилишди Темур билан Қобулшоҳ. Темур ярадор қўлининг оғригини енгиб, кафтини юзига тортаркан, Шайхнинг ваъзи таъсирида узини чексиз даражада юксак бир ҳилқатга эш бўлгандай туйди.

Шайх кўп ўтмай уларни тарк этди. Темурнинг ҳузурида Қобулшоҳ бир ўзи қолди. У Амирни ўнг қули қаттиқ безовта қилаётганини сезиб, Қуръони каримнинг йигирманчи сурасидан оят ўқиди.

— «Ва мен тавба қилган ҳамда иймон келтириб

яхши амаллар қилган, сунгра Тутри йулга юрган кишиларни мағфират қилувчидирман».

Оллоҳ чинданам буюк. Ул Зот бу муқаддас сўзларни улуғ пайгамбарларнинг бири — қабрлари нурга тўлғур Мусо алайҳиссаломга айтганида, мўъжиза юз берган, — илк марта даҳрийлик аланга оғушида ёниб, кўз ёшлари тўкилган ва Мусонинг қўллари шифо топган эди. «Бетоқатлик оловида ўртанма, о, Соҳибқирон! Оллоҳнинг марҳамати ила тақдир сенинг ярангни эътироф этмиш ва чеккан машаққатларингни дариг айлагани Парвардигор ҳукмига ҳавола қилмиш. Қўлинг соғайиб кетгач, анга Оллоҳнинг қарами ила чексиз иқтидор ато этилгуси. Забт этилмиш бутун дунё ана шу қўлингни ўпажак!»

Дарвеш каломи Темурнинг қалбини ларзага солди. У тўлқинланиб, Қобулшоҳни, гўё қўли тузалиб кетгандай, баҳодирларча маҳкам қучоқлади.

— Парвардигорга умрини тўхфа қилгон дарвеш дардимга шифо бермогини билур эрдим, — деди у умидвор оҳангда.

Қобулшоҳ Шайхни кузатиб қўйгач, Темурнинг ҳузурида қарийб бир ой яшади. Унинг дуолари шифобахш таъсир кўрсатарди. У билан хайрлашаркан, ҳазиллашди: «Соҳибқироннинг қўли эмди шундай қудратликим, темир тоғни жойидин олмоққа ҳам қодир».

Темур беихтиёр кулиб юборди. Яқин ўртада бунақа самимий кулмаган эди. Энди у жисман ва руҳан соғлом одамга айланган эди. У Қобулшоҳга диққат билан тикилди.

— Парвардигор айтмиш: «Икки ариқ пинҳона оқур, лекин бир дарёга қуюлур». Сен билан биз учун бундай дарё ҳазрат Шайх Абу Бакр Тайободийдур. Хуросонга қайтгонингда, анинг оёқлари остидаги тупроқни кўзингга сурт!

Қобулшоҳнинг юз қиёфаси кутилмаганда буткул янги, унга хос бўлмаган ифода касб этди. Ундаги дарвешларга хос солқиган паришонхотирлик гойиб бўлиб, ҳайратангиз сўзларни гапирди:

— Худо насиб айлаб, Хуросонга қайтсам, мен Ҳақ йулига ҳаётини тиккан улуғ устозим, авлиёлик осмондаги қуёш, етим-есирлар учун бошпана, мусулмонлар саиди, ўз даври авлиёларининг султони, муридлар ҳукмдори Шайх Абу Бакр Тайободий ҳазратларининг оёқлари остидаги тупроққа бош урурмен, — илоё, Оллоҳ бул тупроқни муқаддас айлагон бўлсун! Андин

ўз йўлимни сенинг йўлингга эш қилмоқ учун, о, Соҳибқирон, шоҳона тахт соҳиби, муборак даргоҳни тарк этмоққа ижозат сўрагумдир!

Темур даволанишда экан, амир Чоқу Барлос ўз юртига эсон-омон қайтиб келди ва лашкарларига ҳордиқ бериб, уй-уйларига қуйиб юборди. Амир Ҳусайн эса, Бақлант қалъасини ҳужум билан қўлга киритиб, эҳтиёткорликни унутди, базми жамшид ва маишатга берилди, бу билан қўл остидаги жангчиларнинг норозилигини уйғотди. Жангари баҳодирларнинг бири Охундбек қўққисдан ҳужум қилиб Ҳусайнни мағлуб этди ва Бақлантни ўз тасарруфига олди. Ҳусайн жуда озчиликдан иборат қўшини билан Шарқ қишлоғига яширинди. Бу нохуш хабар Темурнинг режаларини чиппакка чиқарди. Амир Ҳусайнга ишониб топширилган катта қўшинни бундай масъулиятсизлик билан бой берилгани унинг газабини уйғотди. Темур шифо топган, энди яна қўшин йиғиши мумкин эди. Аммо ўнг оёғи энди охиригача букилмайдиган бўлиб қолганди. Юрганида уни судрашига тўғри келарди. Энди у тез юра олмасди. Аммо от устида у ўзини аввалгидай енгил ва эркин сезарди. Бундан буён унга отни камдан-кам тарк этишига тўғри келади. Кўпроқ вақтини эгарда ўтказди.

Унинг хулқ-атвори ҳам ўзгариб қолганди. Темур йиғинчоқроқ бўлиб, оқсоқлиги янада ҳушёрроқ бўлишга мажбур қиларди. У ўз атрофидаги одамларни диққат, баъзан синчковлик билан кузатар, уларнинг ўзига, айтган гапларига муносабатини бир зумдаёқ аниқлар эди. Оқсоқлиги унга қайсидир даражада фойдали ҳам бўлди. Бу одамларни ўзининг ички ҳиссиётларидан чалгитар ва у бундан фойдаланарди. Ўзи чўлоқ бўлиб қолганига эса, тақдирнинг муҳокама доирасидан ташқаридаги муқаррар мулохаласи деб қарарди.

Темур оёққа турганидан кейин дастлаб ўзининг мўғулистонликларни ҳокимиятдан ағдариш учун куч тўплаш режасини амалга оширишга киришди. Унинг тасарруфида ҳозир қирқта баҳодир қолган, лекин уларнинг ҳаммаси Чигатой улуси зодагонларининг фарзандлари эди. Амир уларга Балх тоғларига жилиб, у ерда Илс Хужа хонга қарши қўшин тўпламоқчи эканини маълум қилди. Баҳодирлар бу режани қўлаб-қувватлашди, жангчилар йўлга чиқишди. Коҳмардон деган жойда уларга ун бешта жангчиси билан

баҳодир Содиқ Барлос келиб қушилди. Бу баҳодир Илдир бин Қорачур нуён уругидан бўлиб, Темурга ота томондан узоқ қариндош эди. Тунги қўналгада Қобулшоҳ қувиб етди, уни ёш муриди Содиқ қузатиб келган эди. Дарвеш уз ваъдасига биноан, Шайх Тайободийнинг фатвосини олгач, Темурнинг изидан келганди. Унинг дуолари жангчиларнинг руҳиятини кўтаришини Темур билар эди. Улар қучоқлашиб кўришдилар.

— Қаттол кимсани ўлдириб, одамларни ёвуз ишлардан сақлаб қолгон ҳар бир мусулмонни Парвардигор ўз қаҳру газабидин истиғфор айлағай, — деди Қобулшоҳ. Темур унинг фикрига қушилди. Бундан бу ён унинг жангчиларига ҳамма ҳарбий юришларда саидлар ва шайхлар, дарвешлар ва Оллоҳнинг бошқа суюкли бандалари ҳамроҳ бўлишади. Улар орқали Темур ўз гуноҳлари учун тавба-тазарру қилади, душманларини мағлуб этишда уларнинг дуои фотиҳаларидан куч-қувват олади.

Баҳодирларининг бир қисмини Темур чопар сифатида ўзига содиқ туманларнинг амирлари ҳузурига, тезда Арсиф дарёси водийсига етиб келишлари хусусидаги илтимос билан жўнатди. Содиқ Барлос амир Ҳусайн ҳузурига йўл олди. Темур қолган жангчилари билан йўлда давом этди. Икки кундан сўнг олдинда бораётган ҳуфия гуруҳи уларнинг истиқболига мўгулистонликларга ўхшаб кийинган кўп сонли чавандозлар келишаётганини маълум қилди. Темур шу ондаёқ қушинини пистирмага яшириб, Қобулшоҳ билан Содиқни олдинга жўнатди. Дарвешлар ҳеч кимда шубҳа уйғотмас эдилар.

Улар кўп утмай гаройиб янгилик билан қайтишди. Чавандозлар чинданам мўгулистонликлар, лекин улар душманга эмас, Темурга хайрихоҳ эдилар ва уларга Берқут йўлбошчилик қиларди. «Соҳибқироннинг кекса хизматкори ўз ҳўжайинини излаб юрган экан», — деди Қобулшоҳ. Бу хабарни эшитган Темур елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил нафас олди. Битмас-туганмас саховати ва меҳр-шафқати учун Оллоҳга ҳамду санолар ва шукроналар айтаркан, Темур кўтаришкани кайфиятда мўгулистонликларнинг истиқболига қараб юрди.

Баҳодир Берқут икки юз жангчининг олдида, малла отда, нуёналик рамзи бўлган туг кўтариб келарди. У ҳам, лашкарлари ҳам анжом-аслаҳалар билан тўла қу-

ролланишган эди. Берқут дарров Темурни таниб, жангчиларга тўхташни буюрди-да, шошилинич Темурнинг қаршисига юрди ва кўзларида ёш билан энгашиганча унинг оёқлари остидаги тулпроқни ўқди. Темур зудлик билан Берқутни ўрнидан тургазиб, бағрига босди. Сўнгра унга ўзининг қимматбаҳо тошлар билан безатилган камарини тақиб қўйди. Мўғулистонликлар унинг сахийлигини қувончли хитоблар билан олқишлашди. Ўзининг қартайиб қолган мураббийсига тикилarkan, Темур беихтиёр отасини, юрагига яқин қўргонча аҳлини эслади. Берқут буни сезди чоғи.

— Мен ўз сабр-бардошим — Олия, куч-қувватим — Сафарали узоқларга орзиқиб кўз тикаётган муборак остонанинг чинакам қулидурмен, — дея сўз қотди.

Темур сира кутилмаганда:

— Ўнга навқарингни олиб, қўргончага бор, яқинларингни йўқлаб кел, — дея таклиф қилди.

— Жанобим ўз она юртиндин олисда эркан, бул фақир қулингизнинг уйга ташрифи таомилга тўғри келмас, — жавоб берди Берқут. У Темурни соғ-саломат, руҳан тетик ҳолда кўрганидан бахтиёр эди.

— Маъқул, — рози бўлди Темур. — Юрт озод эрмас эркин, уй ҳаловати ила роҳатланиш мавриди эрмас.

Воқеаларни олдинлаб айтиш керакки, Темур умрининг охиригача уй ҳаловатига тўймай ўтди, бу унга камдан-кам насиб этди. Лекин уй ҳаловати унга чинакам роҳат бағишлар эди.

— Мўғулистонда мен умидвор яшамашмен. Отларимни парваришларканмен, ҳарбий юришларни орзу қилар эрдим, — деди Берқут. — Менинг жанобим куч-қувватга тўлгон. Темур Тўқлуғ хон эрса, қартайиб, ҳеч бир ишга қодир бўлмай қолмиш. Илс Хўжа майпарастликка рўжў қўйгон. Иккови ҳам гирт тентак. Сенинг давринг келмиш, Соҳибқирон. Оллоҳ кўнглимга солмоқда: давринг келмиш! — хитоб қилди у кўтаринки ва бардам овозда.

— Сен ҳақсен, мураббий! — деди Темур. — Шул бутун туңда ҳузуримга дарвеш қиёфасиндаги авлиё ташриф буюриб, қарийб айнан шул сўзларни айтмиш. Бутун улусдин мен жасур жангчиларни тўплаб, аларни отларга мингазиб, Илс Хўжага қарши юриш бошламоғим даркор. Фаришта бу жангларда менга омад ёр бўлмоғини аён қилмиш. Оллоҳнинг марҳама-

ти чексиз, Анга ҳамду санолар бўлмай! Фаришта гўзал тулпорни етаклаб келиб жоловини қўлимга тутқазмиш. Ва мен бўлажак жанглари иштиёқинда зафар водийси сари от суриб кетмишмен.

Бу гапларнинг ҳаммасини Қобулшоҳ ҳам эшитди. Парвардигорга тасаннолар айтиб, у ҳам суҳбатга қўшилди.

— Пайгамбаримиз — анга мангу Худо ёр бўлмай! — муқаддас Хира тоғида юборилган ваҳийдан сўнг Парвардигор тахтига, меърожга кўтарилгандурлар. Соҳибқирон ҳузурига эрса, авлиё ота юборилиб, Чигатой улусининг тақдирини аён бергон. Оллоҳимиз нияти ҳамини ижобат бўлмай!

— Оллоҳу акбар! — деди Берқут шу заҳоти «омин» қилиб.

— Оллоҳу акбар! — такрорлади Темур.

Тақдири азал ўз иродасини намойён қилишга бамисоли шошилаётган эди. Темурнинг истиқболига унинг эски дўсти, амир Жавлон дулан қабиласининг уч юзта жангчисини бошлаб келарди. Мўғулистонликларни юртдан қувиб чиқаришни у ўзи учун муқаддас иш деб биларди. Унинг лашкарлари келиши билан Темурнинг қўшини икки барабар кўпайди. Эртасига яна бир қувончли воқеа юз берди. Амир Термиз Ҳасаннинг ўғли Баҳодур Қозончи эликта чавандози билан Темурга келиб қўшилди.

Уч кундан кейин яна бир неча бор кўпайган қўшин Арсиф дарёсига етиб келди. Дарё соҳилида йўлбарслар кўп эди. Ҳордиқ чиқаргач, Темур овга берилди. У анчадан бери ҳайвон ортидан қувмаган ва овни соғинган эди. Темур ўзича ирим-сирим қилди: агар овда йўлбарсни ўлдиришга муваффақ бўлса, Илёс Хўжага қарши жангда уни омад кутади. Ов ўнгидан келди, у отган камон ўқи ҳайвонни зумда оёқдан ағдарди. Кўплаб кийик ва бошқа ҳайвонлар овланди, жангчилар бир неча кунга озиқ-овқат гамлаб олишди. Овдан қайтган Темур ўз қароргоҳига бир юз ўттизта жангчи билан амир Улум Қўти ва юз эликта пиёда лашкар билан баҳодир Маҳмуд Қўли ташриф буюрганнинг гувоҳи бўлди. Темур илиқ сўрашиб, баҳодирларни чодирга бошлади ва улар амир Қозагон ҳумдорлик қилган дорилмон замонларни эслаб, узоқ суҳбатлашиб ўтиришди.

Темурнинг кайфияти кўтаринки; унинг қўшини тобора кўпайиб борарди. Унга Балх томондан яна бир

номаълум қўшин яқинлашаётганини маълум қилишди. Темур ҳеч кимга ҳеч нарса демай, чавандозларнинг истиқболига чиқди.

— Кимнинг лашкарисизлар? — сўради у олдинда келаётганлардан,

— Биз Амир Темур жангчиларимиз. Биз ани Арсиф водийсида излаб юрибмиз.

Жангчиларнинг ўртасидан баҳодирлар ёриб чиқиб, Темурни таниб қолишди ва отдан тушиб, ўзаро қучоқлашиб кетишди. Булар — унинг эски сафдошлари амир Қутлут Ҳожи Барлос, Сайфиддин Нукдарий ва Тубоқ Баҳодурлар эди. Уларнинг шарафига Темур улкан базми-жамшид уюштирди.

Ўша куни Марв томондан уларга яна бир чавандозлар галаси келиб қўшилди. Соқчилар уларни душман деб уйлашган, лекин хавотирлари беҳуда бўлиб чиққан эди. Ўз жангчилари билан амир Шер Баҳром яқинлашаётган экан. Сейистондаги жангда, Темурнинг яралангани ҳақида хабар тарқалганида, у қўрқоқлик қилиб ўз қўшинини орқага олиб қочган, энди эса, ўз айби ва шармандалигини матонат ва жасорат билан ювгани келганди. Темур бағрикенглик кўрсатиб уни кечирди ва дилида кек сақламасликка ваъда берди.

Темурнинг қўшинлари кун сайин улгайиб, кўпайиб борарди. Кўп ўтмай Арсиф водийсига амир Ҳусайн ҳам иккиюзта чавандозини бошлаб келди. Темурнинг тарафдорлари ҳеч қачон бунча кўпчилик бўлмаган эди. Мана, энди Соҳибқирон чодирда тарихий амирлар машварати ўтказилди. Тезда юриш бошлаб, мўғулистонликларга қарши то ғалаба қозонмагунча жанг қилавериш ҳақидаги битимга келинди. Эртасига тонг саҳарда уч минг кишилиқ қўшин Арсиф водийсини тарк этди. Илёс Хужанинг асосий қўшини жойлашган Термиз йўлида Ўлжа қалъасини босиб ўтиларди. Унинг амири Манғали Бўга Сулдуз ўз тақдирини мўғулистонликлар билан маҳкам болаганди. Темур бу қалъани ҳужум билан олишга қарор қилди. Манғали Сулдуз билан дўстона муносабатда булган Шер Баҳром бошқача режа таклиф этди. У бебош амирнинг ақлини киритиб, уни Темур тарафга ағдарилга уриниб кўрмоқчи эди. Темур уйланиб туриб, қон тўкилмаслиги умидида розилик билдирди. Лекин амирни бунга қўндиришнинг иложи бўлмади.

— Мен амир Темур ила кўздан дўстмен, — деди у.

— Лекин мен Илёс Хўжага бўйсунмоқ хусусинда қатъий сўз бергонмен, ул менга инонур. Ўлжа қалъасини менга хон туҳфа этмиш.

Аммо унинг жангчилари муаммони ўзларича ҳал қилишди; уч юзта жангчи Темур тарафга ўтди. Мангали Бўга Сулдузга ўз қароргоҳини ташлаб қочишга тўғри келди. Унга айтарли тўсқинлик кўрсатишмади.

Энди Жайхунга йўл очилган эди. Ушбу буюк дарёнинг ўнг соҳили буткул Темурнинг тасарруфига ўтганди. Жангчилар Термизга қараб жилишарди. Ногоралар гумбулар, байроқлар қилпиради эди. Дарёни кечиб ўтиш олдидан жангчиларга ҳордиқ берилди. Темур баланд тепалиқда туриб лойқа дарёни кузатарди. Ўнг қирғоққа ҳуфия гуруҳи жўнатилди. У мўғулистонликлар қўшинининг қандай жойлашганини билиб келиши керак эди. Бу вақтда вақтли қўналгага Балх атрофидан Темур тарафдорлари юборган бир неча от уюрлари келтирилди. Бир неча юз пиеда қўшин энди чавандозларга айланишди.

Хуфия гуруҳи қайғули хабар билан қайтди. Жайхуннинг Термиз яқинидаги ўнг соҳили хонавайрон қилинган, қишлоқларга ўт қўйилган, уларнинг аҳолиси эса сўйилган ёки қул қилиб олиб кетилган эди. Мўғулистонликлар олти минг жангчидан иборат кучга эга экан. Ҳуфия гуруҳининг ортидан Темурнинг қароргоҳига ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, дарёдан сузиб ўтган чолар етиб келди. Бу баҳодир Тўлгон Бўга эди. У душманга қарши Темур билан бирга жангга кириш учун амирлар ўз лашкарлари ила тоғлар ва тўқайларда яшириниб, Соҳибқиронни кутишайтганини маълум қилди. Амирлардан Сулаймон Барлос, Мусо, Жалолиддин Барлос, Ҳиндуқе Барлос ва Чоқу Барлослар бир ярим минг кишилик қўшин тўплашганди. Темурнинг севинчи чексиз эди. Чамаси, қувгинлар барҳам топган, тақдир унга кулиб боқаётган эди. У амирлар ҳузурига баҳодир Ўлжой Бугуни жўнатиб, ўзи хабар етказмагунча пистирмаларини тарк этмасликларини тайинлади. У зарур дақиқада бу қўшин орқадан зарба бериши мумкинлигини эътиборга олганди.

Осуда оқшом палласи ёлғиз ўзи қолган Темур тақдир ўзига кулиб боқаётганидан яна бир карра қониқиб ҳисси туюб, Парвардигорга шукроналар айтди.

УН ЕТТИНЧИ БОБ

МУҒУЛИСТОНЛИКЛАР БИЛАН БИРИНЧИ ЖАИҒ

Куз ойларининг ўртасида кунлар ҳали иссиқ, тунлар эса совуқ ва тонг анча кеч ёришади. Бу вақтда Жайхун сувлари ёздагига нисбатан кескин камайиб, дарёдан кечиб ўтиш осонлашди. Қўналгада душманининг эътиборини тортмаслик учун гулханлар ёқилмади. Унг соҳилда, Илёс Хўжанинг қўналгасида эса гулханлар ловушлар ва Темур кечаси уларни ўзи жойлашган тепалиқдан кўриб турарди. Темур бўлгуси жанг ҳақида уйга толганди. Кучлар мувозанати ҳали ҳам Илёс Хўжа томонга босар ва у душман устунлигини йўққа чиқарувчи бирор хийла уйлаб топишга уринарди. У оғир пайтларда ҳузурига келадиган авлиё бобони эслади. Ҳа, буюк ва қудратли Оллоҳгина бўлажак жанг тафсилотларини тўлиқ билади. Темур қуриб қолган, турфа ҳидлар таратаётган ўт-ўланлар устига тиз чуқиб, эътиқодли инсонларга куч-қувват бағишловчи эзгу дуоларни ўқий бошлади. У туннинг содиқ ҳамроҳи уйқу аста бостириб келганини сезмай қолди ва шу ўтлоқ ернинг ўзидаёқ пинакка кетди. Улкан шаҳарни ҳалқа шаклида ўраб олган қалъа деворлари яқинида, қудратли дарё соҳилидаги баланд тепаликка ўрнатилган ўз чодири тушига кирди. Қорли тоғлар чуққилари томондан қуриб қолган кўҳна сой ўзани бўйлаб ҳаммаёқни хонавайрон қилувчи даҳшатли сел оқиб келаётганмиш. Биринчи баҳайбат тўлқин кўпиклари орасида дарахт шох-шаббалари ва илдишлари, кўчирилган уйларнинг устун ва тахталари сузиб юрганмиш. Селни биринчи бўлиб чўпонлар пайқабди ва юқорига, тоққа қоча бошлаганмишлар. Хачир боқувчилар ҳам ўз ҳайвонларини ташлаб қочишибди. Сигирлар ва хачирларни сел олиб, сойга оқизиб кетибди. Тўлқинлар қалъа деворларигача етиб, дарвозаларни кўчириб юборибди, лекин унинг тор йўлагига ахлат йиғилиб, оқимнинг йўлини тўсибди. Шунда сел қалъа деворларидан ҳам ошиб, ифлос оқимлар тобора қутуриб, шаҳар ичкарисига бостириб кирибди.

Қўққисдан уйғониб кетган Темур кўрганларини мулоҳаза қила бошлади. Селдан фақат чўпонлар ва хачирбонларгина қутулиб қолишди. Темур нўён Берқутни уйғотиб, унинг жангчиларига Жайхуннинг

юқорироқ оқимидан кечиб ўтишни ва қуёш уфқдан бош кўтариши билан қалъага яқинлашишни буюрди. Душман уларга, майли, ҳужум қилсин. У эса, қарши томон қўшинининг озлигини кўриб, албатта ҳужум бошлайди. Шунда Берқут яна кечув жойига чекинади ва у ерда душманни амир Ҳусайннинг жангчилари кутиб олишади. Худди шу пайтда пистирмадаги амирлар душманнинг орқасидан зарба беришади. Темур уларнинг ҳузурига қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақидаги фармон билан Алибердини жўнатиб улгурганди.

Нўён Берқут зудтар ишга киришди. Кечиб ўтиш учун қулай, сокин жой илгаридан белгилаб қўйилганди. Совуқ сув жангчиларни бирин кетин ўз бағрига олди. Машқларда тобланган жангчилар бу синовдан мардона ўтишди. Уфқда қуёш кўриниши билан Берқут ўз чавандозларини мўғулистонликларга қарши жангга бошлади. Душман қароргоҳида таҳлика кўтарилди, лекин у узоқ давом этмади. Бу ёғига воқеалар худди Темур кутганидай ривож топди. У ўз тепалигидан туриб, кутилмаган ҳужумдан қаҳр-ғазабга кирган минглаб мўғулистонликлар Берқутнинг жангчилари устига ташлаанишганини кўрди, улар эса жанг бошланиши билан орқаларига бурилиб, таҳликали қочишни намоиш қилгандай кечув жойига интилишди. Хусайн икки минг кишилиқ қўшин билан соҳилда жангга тайёр турарди. Берқутнинг жангчиларини ўз жанговар қаторлари орасидан ўтказиб юборган Хусайн уларнинг таъқибчиларига бирма-бир найза санча бошлади. Берқутнинг қўшини эса, қўрқоқларча қочилни намоиш қиларкан, ён-атрофдаги тепаликлар ортига тарқалиб кетишди. Қочаётганлар жуда кўп деган фикр уйғотиш учун Темур уларнинг ёнига яна бир неча юз жангчини қўшди.

Жангнинг боришини олисдан кузатиб турган мўғулистонликлар қўмондони Абу Саидда Темурнинг ҳамма жангчилари қочаёттир, деган таассурот уйғонди. Бу ғалабадан хурсанд бўлиб кетган Абу Саид жами қўшинларини жанг майдонига ташлади. Айни шу пайтда пистирмадаги жангчилар уларга орқадан зарба беришди. Уч томондан қуршовга олинган мўғулистонликларни тез ва қатъий дарё томонга сиқиб боришарди. Амир Абу Саид тузоққа тушиб қолганларини жуда кеч англаб етди. Тун кирганда, лашкарларининг ярми қириб ташланган ёки Жайхуннинг лойқа тул-

қинларига чукиб кетган эди. Лекин дарёнинг чап соҳилига сузиб ўтишга муваффақ бўлган иккинчи ярми сақланиб қолганди. Абу Саид Ўлжа қалъасини Темурга бой берганига қарамай, мўғулистонликларга хайрихоҳ беш юзта қўшин туплашга эришган Манғали Буга Сулдузга қўшилиш учун ўз қўшинининг қолдиқларини Балхга бошлади.

Ўш қўшинини Чоқу Барлос ва бошқа амирларнинг жангчилари билан бирлаштирган Темур уларни галаба билан табриклаб, иттифоқчи кучларни душманни таъқиб этишга ташлади. Балх остоналарида, оз сувли Жуй дарёси ёқасида рақиблар янги жангга ҳозирлик кўра бошлашди. Темур унғ қанотга қумондонликни амир Ҳусайнга, чап қанотга бош бўлишни Чоқу Барлосга топширди, ўзи эса, нўён Берқут билан бирга марказга етакчилик қилишни лозим топди. Айни туш палласида жанг бошланди ва у тун киргачгина тўхтади. Иккала томон ҳам чекинишни истамас ва рақиблар бир-бирларига ўқлар ёмгинини ёғдиришарди. Тунгина уларни яна иккига ажратди. Томонлар соқчилар қўйишди. Темурнинг матонатли баҳодирларидан Тамике ўлдирилганди. Эрта тонгданоқ яна жанг қизиб кетди. Ноғоралар гумбурлаб, қиличлар ялтиради. Чанг тўзони қуёш юзини тўсиб қўйди. Жанг авжига чиққанда, Темур заҳирадаги жангчиларни майдонга чиқарди ва ўзи ҳам душманга ташланди. Мўғулистонликлар янги кучларга дош беришолмади, қўрқув исканжасида тум-тарақай қочишга тушишди.

Қисқа ҳордиқдан сўнғ Темур қўшинини куриқдан ўтказди. Энди унинг тасарруфида икки минг жангчи қолган эди. У лашкарларини Жайхун сари бошлади. Унга баҳодир Ажун, Абу Саидга ёрдам бергани Термизга янги кучларни бошлаб келаётганини маълум қилишди. Қиш яқинлашмоқда, Жайхун суви совуб кетган ва Темур дарёни кечиб ўтишни лозим топмади, бу имкониятни душман ихтиёрига берди. Худди шу сабаб билан баҳодир Ажун ҳам совуқ сувга тушишга шошилмади. Лекин унинг жангчилари сол ва қайиқлар ясашга киришдилар. Темур ўзи учун қулай, аммо душман чиқиши қийин бўлган жой танлаб, қароргоҳини жойлаштирди ва рақибларини кута бошлади. Бир ой кутди. Кейин тун зимистонида жасур жангчилар гуруҳини унғ соҳилга ўтказиб, душманнинг сол ва қайиқларига ўт қўйдирди ёки яроқсиз ҳолга келтирди. Шундан кейин мўғулистонликлар қўналға-

си ҳувиллаб қолди. Баҳодир Ажун ўз қўшинини қиш-ки қароргоҳига олиб кетганди.

Галаба тантанасини бошлаш мумкин, лекин Темур бу вақтинча дам эканини тушунарди. Ҳали олдинда узоқ, шафқатсиз жанглар бор эди. Илёс Хўжа баҳорда ўзига қарши сон-саноқсиз лашкарларини ташлаши мумкин эди. Темур мўгулистонликларга номаълум, янги жанг дастуриламали ҳақида бош қотирарди. У лашкарларининг сони эмас, маҳорат ва уддабуронлиги билан галабага эришуви зарур. Яъни ўз жангчиларининг матонати, уқуви, чидамлилиги ва интизоми билан. Галаба билан яқунланган ўтган жанглар унга мулоҳаза учун тўлиқ озуқа берганди. У ўзи эгаллаган ҳудудларнинг ичкараси ҳақида ҳам ўйлаши керак эди. Ичкарида, Жайхуннинг чап соҳилида Илёс Хўжага бўйсунадиган бирорта амир ва нуён, бирорта қалъа ҳам қолмаслиги лозим. Бу ҳудудлар унинг қўшинини жангчилар, озиқ-овқат ва отлар билан керакли миқдорда таъминлаши даркор. Демак, жами шаҳар ва қалъаларнинг ҳукмдорлари ўзининг тасарруфида бўлиши жоиз. Чап соҳилдаги энг муҳим шаҳар Қундуз эди. Темур амир Ҳусайн билан бирга айни шу шаҳар сари йўл олди. Ушбу туман ҳукмдори амир Али аллақачон Темур тарафга ўтган ва ҳозир Қундузни бошқаришни ўз қариндошларидан бирига топшириб, ўзи унинг қўшинлари сафида эди.

Қундузнинг қалъа деворлари ўта маҳобатли ва унинг аҳолиси узоқ муддатлик қуршовларга ҳам дош бера олар эди. Темурнинг лашкарлари учун шаҳар дарвозалари очиқ, Илёс Хўжанинг озчилик тарафдорлари қундузликларнинг ўзлари томонидан шармандаларча қувиб чиқарилган эди. Темур Қундузда амир Алини уч юзта жангчи билан қолдириб, баҳоргача қўшини сонини икки баравар кўпайтиришни тайинлади. Темур ва Ҳусайннинг йўлидаги навбатдаги шаҳар Балх эди. Балх ким томонини олишни билмай, иккиланаётганди. Лекин Темурнинг қўшини яқинлашиб келаётгани ҳақидаги хабар унинг тарафдорларини кўпайтирди. Темур ва бир вақтлар Балхга ҳукмдорлик қилган амир Ҳусайнни шаҳар аҳолисининг тинчликпарвар ноиблари кутиб олишди. Темур Ҳусайнни Балхда қолдирди, баҳоргача мингта жангчидан иборат қўшин тўплашни илтимос қилди.

Шундан сўнг Бадахшонга навбат келди. Чигатой улусининг ичкараси бўлмиш Бадахшонда учта муста-

қил ҳокимлик мавжуд эди. Темур Тайхун қалъасига яқинлашганда, унинг дарвозалари очилиб, учта бадахшонлик кенас (князь) қимматбаҳо совга-саломлар билан унинг истиқболига чиқишди. Улар иттифоқлик исташар ва Темур ўзини бирор тасодифий хавфдан соқит қилиш учун бадахшонлик кенаслардан икки минг жангчи беришни сўради. Кенаслар талаб қилинган қўшинни кечиктирмай унинг тасарруфига беришди.

Темур ўз қўшини билан бир вақтлар амир Қозагоннинг қароргоҳи булган Хуттоллан туманидаги Соли Сарой шаҳри яқинида қишлади. Бу совуқ кенгликларда у жангчиларнинг ўқув машқлари билан бағд бўлди. Машқлар ҳаддан зиёд оғир, ҳарбий ўйинларнинг бири иккинчисига алмаштириларди. Қўшин қатъий тизим асосида минглар, юзлар ва ўнларга бўлиб чиқилганди. Темур қайси минглик ўнг қанот, қайси минглик чап қанотни ташкил этишини аниқлаб чиқди. Энг сара мингликни марказга қўйди. Мингта сара баҳодир ва энг бақувват жангчиларни у Алибердининг тасарруфига берди. Бу унинг шахсий гвардияси эди. Нуён Беркут бошчилигидаги мингта аскар доимий заҳирада бўлиб, фақат ўзининг буйруғи билан жангга кириши керак эди. Бутун қиш мобайнида на байрам, на базм ўтказилди. Жангчилар узлуксиз машқ қилишарди. Онда чопишлар, ўқ ёй отиш билан алмаштирилар, ўқ ёй отишнинг ўрнини найзабозлик ва қиличбозлик эгаллар эди. Уч юзта жангчи муқим ов билан машғул эди.

Жами машқларда Темурнинг ўзи иштирок этар эди. У камондан жуда аниқ нишонга урар, айниқса, чўқмор ёрдамида жанг қилиш ва қиличбозликни ёқтирарди. Унинг куч-қудрати ва чаптастлиги ҳақида ривоятлар юрарди. Унга абжирлик ва қурол ишлатиш бобида фақат Мубошир полвон ва Абдуллоҳ ботиргина бас келишарди, холос. Улар Темурнинг сояси, шахсий қўриқчилари эди. Дарвеш Қобулшоҳ ҳам доимо Соҳибқирон билан бирга эди.

— Оллоҳ, ўз ваҳийларидаги ҳақиқатни воситачиларсиз англамоғи учун дарвешларга алоҳида иқтидор инъом этмиш. Локин бул йўлда киши ўзини моддий ҳузур-ҳаловат ва гуноҳлардин тамомила фориг айламоғи жоиз, — дерди Қобулшоҳ ўзига ҳайрихоҳлик ила қулоқ тутган Темурга.

— Илоҳий ҳақиқат сирин фақат дарвешгина асил ҳолида билур. Юрагим сенинг руҳиятинг ёғдусини

акс эттирмиш ойнак янглиқ покланаётир. Художуй дарвеш муқаддас қанотларга эга қушга ўхшаюр. Оллоҳ марҳамати ила Қобулшоҳнинг ҳақиқатни билгучи руҳият гардиши мени ҳам ураб-чирмаюр.

Бу сўзларни айтар экан, Темур тилёгламалик қилмаётганди. Нимаси биландир хумга ўхшаб кетадиган, фоний дунё эҳтиросларидан юз утирган бу одам Темур учун жумбоқ, ута қизиқарли жумбоқнинг ўзи эди. Баъзан Қобулшоҳ ўзи ҳам англамаган ҳолда Темурнинг ишларига таъсир кўрсатарди. 1364 йилнинг дастлабки илиқ баҳор кунлари эди. Эрталаб чодирдан чиққан Темур жойнамоз устига чўқди. Ёнидаги жойнамоз устида Қобулшоҳ ҳайкалдай қотиб утирарди. «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ!» — деган оятни ўқиб, намозни фотиҳа билан тугатишгач, Қобулшоҳ кафтини юзларидан олиб, Темурга ҳали ўчиб улгурмаган энг сўнгги юлдузни кўрсатди.

— Парвардигоримиз иродаси ила Чигатой улуси узра Соҳибқирон қуёши бош кўтариб, Илёс Хужа юлдузи сўниб бораётир, — деди дарвеш. — Анинг истиқболига отлан ва эмди жанглардин бош тортма, Темур! Сен мўтулистонликларни саратонгача Мовароуннаҳрдан қувиб чиқармоғинг зарур. Сўнг кеч бўлур: сенинг юлдузинг ўзи меҳварини тўла айланиб чиққач, ўзга юлдуз буржларига отланажак. Тақдир шуни тақозо этмиш.

Илёс Хужа катта қўшин тўлагани ҳақидаги хабар Темурга ҳам етиб келганди. Ўн икки минг қўшин юриш бошлаган эди. Темур бир соатга ҳам кечиктирмай Жайхуннинг чап соҳили бўйлаб шаҳар ва қалъаларга ўз чопарларини жўнатди. Унга садоқатли амирлар жанговар қаҳриқни дарров эшитишди. Қўшин тўпланадиган жой Хуттоллан яқинига белгиланди, Темур қишки қароргоҳини тарк этиб, ўз тарафдорлари билан бирлашиш учун юриш бошлади. Қулоқ водийсида олти мингга яқин жангчи тўпланди, яна минг кишилиқ қўшин амир Ҳусайн билан бирга келиши керак эди. Бу лашкарлар қароргоҳдан анча олисда ва Ҳусайн уларни атайин узоқда ушлаб турганди. Темур анчадан бери амир Ҳусайннинг ҳасад қилиб, ўз таъсир доирасининг ошиб бораётганига қаршилик кўрсатиши мумкинлигини истисно қилмасди. Унинг сотқин табиатидан шубҳаланаркан, унга кўпам орқа қилмаётганди.

Гарчанд Темурнинг қўшини сон жиҳатидан Илёс

Хужанинг лашкарларидан икки барабар камроқ бўлишига қарамай, унинг жангдан бош тортиш нияти йўқ эди. У яна мўғулистонликлар учун қутилмаганда янги ҳарбий дастуриламал ишлатди. Мўғулистонликлар қўшини тонг саҳарда Бекижон ўғли Куч Темур қўмондонлигида йигирма минг кишилиқ улкан оқим тарзида унинг қўналғасига бостириб келганида, у ўз қўшинини етти қисмга бўлиб, шошилиш чекинди, кейин эса, таҳликали қочишни «намойиш» этди. Мўғулистонликлар «қочоқ»ларни куни билан таъқиб қилишди, лекин ҳарбий қисмларнинг яхлитлигини барибир бузиша олмади. Ўзлари эса, дашт бўйлаб тартибсиз сочилиб кетишди. Тун кириб, қувгин ҳовурини пайсайтеди. Бу ютуқларидан маст бўлган мўғулистонликлар шошилиш чодирларини тиклаб, кечасига алоҳида эҳтиёткорлик чораларини ҳам кўриб ўтиришмади. Душман ҳалиям чекинаётган эди-да.

Аммо Темурнинг ҳарбий қисмлари даштда маълум масофа йўл босишгач, орқага бурилишди. Душман эса, бундай бўлишини хаёлига ҳам келтира олмас эди. Темурнинг етти бўлинма жангчилари умумий буйруқ остида душман чодирларини аста ўраб, уларга ҳужум бошлаганида, мўғулистонликлар гафлат уйқуси огушида эдилар. Кўп ўтмай туннинг узун қора сочлари мўғулистонликлар учун ўлим сиртмоқларига айланди. Жанг бўлмади, чала уйқуда талвасага тушган душманни ур-йиқит қилиш бошланди. Қўёш уфқдан бош кўтарганида, мўғулистонликларнинг аҳмоқона вазиятда тула мағлубияти манзараси намён бўлди. Ҳарбий қўналға уликларга тўлиб кетган эди. Темур галаба нашидасида бу улкан ўрикзорни зудтар тарк этди. У ўз кучларини навбатдаги жанглр учун сақлаши керак эди.

Мўғулистонликлар тақдирида фожеали бурилиш ясаган тунги қиргин ҳақида ўйга толаркан, Темур тўкилган қон учун ўзини ўзи маломат қилмади. Бу — гуноҳсиз бандалар қони эмас эди. У эзилган халқ ва зулм қурбонлари номидан жанг қилган ва улар учун қасос олганди. Энди бу илк ютуқни қўлдан бой бермаслик керак эди. Мўғулистонликларнинг янги кучлари бостириб келиши арафасида жангчиларини ўзлари учун қулай вазиятда жойлаштириш зарур эди. Темур илтижо қилиб, яна Олоҳдан мадад сўради. Темур учун мўғулистонликларни Мовароуннаҳрдан қувиб чиқаришдек муқаддас иш ҳали ниҳоясига етмаган эди.

У қўшинларининг асосий қисмига дам берди, энг

бақувват бақодирларини уч гуруҳга бўлиб, жойларни ўрганиш учун уч томонга жўнатди. Илёс Хужа талофотига ҳали анча бор, хон бу мағлубияти учун қасос олишга уриниши аниқ. Шунинг учун унинг чап соҳилга, ўз заҳира ва таъминот манбаларидан олисроққа юриш қилишига эришиш Темур учун фойдадан холи эмас эди. Шундай қилиш керакки, Илёс Хужа ўз қўшинини таъминловчи кучлардан узилиб қолсин. Душман яқинлашиб, Жайхўндан кечиб ўтгунча ўз жангчилари сонини кескин кўпайтира олишига имони комил Соҳибқирон ана шундай мулоҳаза юритарди.

Кўп ўтмай, ҳуфия гуруҳи Темурга Сел дарёси соҳилида, тош кўприк яқинида жанг учун қулай жой мавжудлигини маълум қилди. Темурнинг қўшини тарафда соҳил бўйлаб адирлар силсиласи чўзилган. Душманни шу ерда пинҳона кутиш мумкин эди. Бир неча кундан кейин Темур рақибининг ўттиз минг кишилиқ қўшини яқинлашаётганидан хабар топди. Бу сафар мўғулистонликларни Илёс Хужанинг ўзи бошлаб келаётганидан Темур қониқиш ҳисси туйди. Темур амирлар кенгаши чақириб, қисқача ўз режаси билан уртоқлашди. Мўғулистонликлар билан жанг кечув жойида, Сел дарёси оша ўтган тош кўприк ёнида ўтказилади. Беш минг кишилиқ қўшинни у дарё ёқасидаги адирликларга жойлаштириб, унга ўзи қўмондонлик қилади. Чоқу Барлос бошчилигидаги икки минг жангчи кечув жойида жангга шай туради. Нуён Берқут раҳнамолигидаги беш минг қўшин кўприқдан ўтиб, дарё соҳилидаги тўқайзорга яшириниши, ҳужум учун қулай фурсат пойлаши керак эди.

Илёс Хужанинг қўшинлари тобора яқинлашиб келаркан, Темур соҳилдаги тепаликларга мингта гулхан ёқишни буюрди. Гулханлар ўз жангчиларининг жойлашув тартибини билдириши керак эди. Илёс Хужа қолиб кетганлар етиб олиши учун икки кун кутди, сўнгра кўприқдан ўтиб, адирликлар олдидаги пасттекисликда жанг бошлаш ниятида эди. Қўшинларининг асосий қисмига Илёс Хужа ўзи бош-қош, унғ қанотга қўмондонликни нуён Бекижонга, чап қанотни қочоқ амирлардан Кайхисров билан Сулдузга топширди. Ҳуфия гуруҳидагилар душман қўшинининг ҳар бир ҳаракати ҳақида Темурга муфассал ахбор бериб туришарди. Темур Қобулшоҳ ва унинг навқирон шоғирди Содиқни ҳузурига чорлаб, дарёдан кечиб ўтишни ва

Кайхисров билан боғланишни, у ва Сулдузни муғулистонликлар тарафида жанг қилмасликлари, уларни ўзлари томонга оғдиришни тайинлади.

— Иншоолло, Парвардигоримиз марҳаматини аямаса, ишимиз ўнгидан келгай! — деди Қобулшоҳ душман қароргоҳига йўл оларкан.

Илёс Хўжа дарё кечувини эрта тонгда бошлади. Темур жанг арафасида безовта ухлади, бот-бот соқчилар ёнига бориб келарди. Тонгда душман қўналгасида ҳаракат бошланганини кўриб, жанговар ноғораларни чалишни буюрди. Беш минг қўшин бир қадам ҳам жилмай, адирликларда қолишди. Тузоқ вазифасини ўташи лозим бўлган икки минг жангчи кўприкка қараб юрди. Жами отликлар саф-саф тизилиб боришарди. Илёс Хужанинг жангчилари ўнг соҳилга оёқ қўйишлари билан жанг бошланиб кетди. Кучлар тенг эмас, боз устига, Чоқу Барлоснинг чавандозлари ўз вазифаларини яхши билишарди. Улар қочаётгандай ҳаракатлар қилиб, адирлар сари чекинишди. Улар муғулистонликларнинг катта кучларини ўз орқаларидан эргаштиришга муваффақ бўлишди. Тушга яқин душманнинг Илёс Хўжа бошчилигидаги ўн беш минг қўшини адирлар олдидаги пасттекисликда турарди. Қўшиннинг иккинчи ярми дарёнинг нариги соҳилида қолганди. Темур қулай фурсат етди, дея ҳисоблаб, ҳужум бошлашга фармон берди. Унинг лашкарлари тепалиқдан душман устига ёпирилишди. Темурнинг орқасида улкан гулхан ёқилди, сўнгра унга сув пуркалиб, ҳаммаёқни буг ва тутун қоплади. Фармон буйича дастлаб қуршов бўлинмаси жангга кирди. Нуён Берқут муғулистонликларнинг ўнг қанотига ёриб кириб, шу заҳоти у ерда таҳлика уйготди: буни ҳеч ким кутмаганди. Унинг зарбасини Темур томонга ўтган Кайхисрав ва Сулдуз янада кучайтиришди. Қобулшоҳнинг важ-далиллари содда ва ишончли: ахир улар Мовароуннаҳр фарзандлари эдилар-да. Улар оз эмас-кўп эмас, беш минг чавандозга эга эдилар. Жанг якуни олдиндан ҳал қилинганди. Аммо у қарийб икки кеча-кундуз давом этди. Муғулистонликлар мардона олишишди, лекин улар буткул тор-мор қилинди. Улим Илёс Хўжа чопонининг барига ёпишди ва у ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун жанг майдонини саодатманд рақибига бўшатиб берди. Жангчиларнинг ярми Сел дарёси соҳилида, тош кўприк ортида ер тишлаб қолишди.

УН САККИЗИНЧИ БОБ

ХОН ИЛЭС ХУЖАНИНГ ҚОЧИШИ

Темур Илэс Хўжага қарши жанг тарадудини кўраётган маҳалда амир Хусайн тўрт минг кишилик қўшинини аввалдан келишилган жойга бошлади. Ўз айгоқчилари орқали ҳамма гаплардан яхши хабардор бўлган амир ўз жангчиларини Темурнинг қўшини билан бирлаштиришга шошилмаётган эди. Бу борада унинг ўз мулоҳазалари бор эди. Балхда ўз ҳукмдорлигини қайтариб, ўз туги остига катта қўшин тўплагач, у Мовароуннаҳр тахтини қўлга киритиш ҳақида жиддий ўй сурар, ахир, у — амир Қозагоннинг қонуний меросхўри эди-да. Хусайн Илэс Хўжанинг қўшини кучли эканини тушунар, хон Сел соҳилига фақат ўттиз минг қўшинини ташлаганини ҳам яхши биларди. Чинданам юдузлар ҳомийлигидаги Темурга доимо омад кулиб боқшини ҳам унутмаганди. Темурнинг ун икки минг қўшини бор, жанг Темурнинг ғалабаси билан яқун топиши эҳтимолга жуда яқин, дея мулоҳаза юритарди Хусайн. Тақдири азал бу ғал ҳам ўз эркатойига ҳиёнат қилиши амри маҳол. Хусайн ўз қўшинини тош кўприқдан ярим кунлик йўлда тўхтаиб, соя-салқин дарага яширди. У жангда хориб-чарчаган Темур ўз ҳужумига дош беролмайди, дея тахмин қиларди. Сўнгра у мўғулистонликларни таъқиб остига олиб Мовароуннаҳрдан қувиб чиқаради. Хусайн шунини истар ва унинг режалари мана шундай эди.

Жанг бошланиши Хусайн ўйлаганидай кечди. Унинг чодирини ва тош кўприк орасида айгоқчилари худди қашқирлардай изғиб юришар ва ҳарбий вазият ҳақида муқим хабар бериб туришарди. Илэс Хўжа, дея ахбор етказишарди улар, Темурнинг қўшинини ўзи тарафга оғдиришга уринди, лекин бунинг уддасидан чиқолмади. Темур адир тепасида қандай жойлашган бўлса, шундай турибди. Жанг мўғулистонликлар учун ноқулай шароитда бошланди. Дарёнинг ўнг соҳилига кечиб ўтган мўғулистон лашкарларига бемалол ҳаракат қилиш учун майдон торлик қилар, кўприк тарафдан эса, уларни тобора сиқиб келишарди. Берқутнинг бўлинмаси душманга пистирмадан туриб берган зарбаси ҳақида ҳам Хусайн вақтида огоҳ этилди. Жанг рақибларни ҳолдан тойдириб, тобора авжига чиқарди. Навбатдаги хабар Хусайнни бамисоли

кимдир кўксига пичоқ санчгандай тонг қолдирди: амир Кайхисров ва Сулдуз Темур томонга ўтиб жанг қила бошлаганди! Жанг тақдири энди Ҳусайн учун аниқ, Темурнинг қўшини у кутганидай талофот кўрмаслиги равшан эди. Демак, унга қарши курашиш эмас, балки у билан бирлашган маъқул.

Икки амир қўшини Пули Сангин деган жойда бирлашди. Темур Ҳусайннинг бу сусткашлиги тагида нохуш бир гап борлигини кўнглида туйган бўлса-да, у билан хурсанд кайфиятда қучоқлашиб кўришди. Уларнинг туғлари энди ёнма-ён хилпирарди. Бу қўшилув чекинаётган олти мингга яқин мўғулистонликлар нигоҳи остида кечди. Илёс Хўжа уларни қарийб бошқара олмай қолганди. Темур қўшинининг янада кучайиб кетгани мўғулистонликларда таҳликали даҳшат ҳисси уйғотди. Уларнинг чекиниши энди қочишга айланди. Уларда на бир саф, на бир бошқа тартиб бор эди.

Илёс Хўжа қолган-қутган жангчиларини тоққа бошлади. Темур мўғулистонликлар доvon оша водийга кириб боришлари, ўзининг ота юрти Кеш остонасида эса, уларни қўшимча кучлар кутаётганини дарров пайқади. Шунда янгитдан жанг бўлиши аниқ. Темур Қуръони каримнинг дуч келган саҳифасини варақлаб, фол очди: «Оллоҳ истаган одамига ёрдам қўлини чўзади». Тақдир унга ҳаммавақт кулиб боқар, лекин ўзининг киндик қони томган Кешда у хўрликларга чидай олмас эди. У Кешга янада яқинроқ, тўғрироқ йўлдан боришга қарор қилди. У ўз қўшинидан тўрт мингга энг кучли, энг матонатли жангчиларни ажратиб, нўён Берқут, амирлардан Чоқу Барлос ва Сайфиддин Нуқадарийни уларга қўмондон қилиб тайинлади-да, Кешга жўнаш ва у ерда Илёс Хўжани кутаётган қўшинни тор-мор келтириш, сўнгра Илёс Хўжанинг истиқболига қараб юриш ҳақида фармойиш берди. Шунда улар, иншоолло, лаънати хонни қуршовга олишади ва ундан чиқиб кетишнинг иложи бўлмайди.

Темурнинг ҳисоб-китоби тўғри бўлиб чиқди. Илёс Хўжа таъқибчилардан қутулиш учун изларини чалқаштириб, тоғ сўқмоқлари оша сарсон-саргардон йўл босаркан, Кешда уни кутиб турган қўшин янчиб ташланди. Хон водийга тушиб, Тош Ариқ қишлоғи яқинига етиб келганда, тақдирнинг ёвуз нигоҳи унга қадалди. Унинг қўшини талофот гирдобига тушиб қолди.

Қушимча кучларни тор-мор келтирган Берқутнинг жангчилари хоннинг йўлига тусиқ бўлиб чиққан ва уни эркин ҳаракат қилишдан маҳрум этганди. Илёс Хўжа қўшини жуда ноқулай вазиятда, лекин у жангга киришга мажбур эди. Ортидан Темурнинг лашкарлари бостириб келар, рўпарасида Берқутнинг бўлинмаси турарди. Хон ўз қўшинига қўмондонликни нўён Бекижоққа топшириб, жангнинг хотимасини кута бошлади. Сунгра ўз аъёнлари ва тўрт юзта қўшини билан Кешни айланиб ўтиб, Самарқандга қочди.

Берқут ва жанг майдонига вақтида етиб келган Темур учун мўғулистонликларни тор-мор келтириш қийинчилик туғдирмади. Уларнинг пароканда гуруҳлари иложи борича таъқибдан қочиб, одам оёғи тегмаган тоғ чўққилари ва дараларга яширинишди. Айримлари даштга, саҳрога чиқиб олишди, — уларнинг мақсадлари — Самарқандга етиб олиш эди. Илёс Хўжа гарчанд ўзи учун ноқулай шароитда Темурга қарши жанг қилишни истамай, қочиб қутулган бўлсада, Мовароуннаҳрга ҳукмронликни омадди «лўттибоз» — кешлик чўлоқ амирга осонгина топшириш нияти асло йўқ эди. Хон жадал йўл босар, йўл Оқсув дарёси ёқалаб кетган эди. Унинг миясини нохуш ўйлар чуллаганди. Темур билан бўлган иккита жангда у ўз қўшинининг ярмини бой берганди. Нимаям дерди, омади кулган бу оқсоқдан у Самарқанд остонасида қасдини олади. Бу даҳшатли жанг майдонига у жами кучларини, торозига бор бисотини ташлайди. У ўз жангчиларида қасос ўтини аланга олдиради — дунёда бу алангадан кучлироқ нарса йўқ. Душманга орқасини кўрсатган ҳар бир жангчи гумдон қилинади. «Алар Мовароуннаҳр устидан ҳукмимнинг олтин эшикларин қўриқламоққа мажбурдирлар, — деб ўйларди у. — Бул ишдин бош тортгонларнинг жонини сугуриб оладурмен». Ўз мағлубияти ва Темурнинг галабалари унга ҳали-ҳануз англашилмовчилик, тасодиф ва улар бошқа такрорланмайдигандек туюларди. У отига қамчи уриб хитоб қилди: «Бул оқсоқ, осмонлар иродасин назарга илмай, мени гумдон қилмоқ бўлмиш! Ул кас чучварани хом санамиш! Қасамёдки, анинг иккинчи оёғини ҳам синдиурмен! Ул менинг баҳодирларимни қўйнинг қўйруқларига қиёслашга журъат этмиш! Йўқ, Темур иккинчи оёғи бирлангина кифояланмас. Билъакс, мен ўз сўзимдан қайтар эрсам, болаларим ва набираларим ҳеч қачон қўлларига

қилич тутмасунлар! Алар май ўрнига қутургон итнинг қонини ютсунлар!»

Илёс Хужанинг азбаройи газабга минганидан ҳайратга тушган баҳодирлар бир-бирларига қараб қўйишди. Хоннинг юзи докадай бўзариб кетганди. Олисда кичик қалъа-қўргонча буй чўзган эди. Бу Темурнинг уруг-аймоқлари яшайдиган маскан эди. Хон отига қамчи уриб, жангчиларини ҳужумга бошлади. У отаси Тўқлуг Темур хон билан меҳмонда бўлганини эслади. Бир соат ичидаёқ қўргонча хонавайрон қилинди. Унда истиқомат қилаётганларнинг ҳаммаси ташқарига ҳайдаб чиқарилди. Қўргончада хизматкорлар, бир неча соқчи-навкар, Тарагай Баҳодурнинг кекса поки ҳалоли Қадоқ хотун, Фақира бибининг бетоблигидан ич-этини еяётгани Олия яшаётган эдилар. Ҳаққул полвон ҳам шу ерда эди. Бу бахтсиз воқеадан бир ҳафта аввал Олия ўгли Сафаралини Қаршига жунатган, у Ҳаққул полвонга Фақира бибининг ўз хўжайини билан видалашмоқчи эканини етказганди. Сафарали Ҳожи Олимнинг уйида қолган, Ҳаққул полвон эса қўргончага қайтган эди.

Илёс Хужа қўргончадан олиб чиқилганларнинг ҳаммасининг калласини танасидан жудо қилишни буюрди. Лашкарлари бу ишни унинг кўзлари олдида бажаришди. Калласи узилган жасадаларни тезоқар анҳор сувига улоқтиришди, бошларини қўргонча дарвозаси ёнига уюб қўйишди. Мўгулистонликлар хони бу ваҳшийлик билан чекланмади. Қадоқ хотун, Олия ва Фақира бибининг бошларини кўрсатиб:

— Буларни ходаларга тиқиб қўйинглар! Анави мўйловнинг калласин ҳам. Чўлоқ подшоҳимиз бир хурсанд бўлсун!

Илёс Хужанинг кулгуси совуқ ва захарҳандали эди.

Хоннинг буйруқларини тўла адо этишгач, мўгулистонликлар йўлда давом этишди. Бир кун ўтгач, қўргончага Темур ва Берқут жангчилари билан етиб келишди. Улар қўргонча ўрнида ходаларга қадалган каллалар ва харобазорга рўпара бўлишганди. Темур чексиз газаб билан шаҳид кетганлар хоки олдида тиз чўкиб қасамёд қилди: «Душманлар қони азоб-уқубат ботқоғига ботирилганлар руҳларининг фоний дунёдин боқий дунёга кўчиб ўтишларига омил бўлгуси! Илоҳи, омин!»

Бўйнидан ходага қадалган Ҳаққул полвон унга

оқиб тушган кўзлари ила машғум нигоҳда тикиларди. Унинг миясидан ўтган сўнги фикр қасос олиш бўлган, албатта. Энди бу фикр якка-ёлғиз, ҳавода чирпираб айланарди. Жангда қўрқув нималигини билмайдиган Берқут ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Темур гамгуссага ботган баҳодирнинг ёнига келиб, елкасига кафтини қўйди.

— Гам чекма, азизим. Парвардигор бизга зафар бергусидур. Мен бул ерда, Кеш, Яккабоғ ва Қаршида қум зарраларидин ҳам мўлроқ қўшин тўплаюрмен. Илёс Хужа ҳали жами қилмишлари учун жавоб бера-жак!

— Муҳтарам Соҳибқирон! Мен эмди икки киши — ўзим ва Ҳаққул полвон учун жанг қилгаймен! — дея қасам ичди Берқут.

Темур Ҳаққул полвоннинг бошини рўмолга ўрашни буюрди. У ҳамроҳларига қасос онлари етиб келмагунча уни ўзи билан бирга олиб юражагини маълум қилди. Навкарларининг бири мис идиш топиб, кекса жангчининг калласини шунга жойлашди. Аёлларнинг каллаларини бўйраларга ўрашди. Дарвеш Қобулшоҳ олдинга чиқиб, кафтларини фатвога ёзди:

— Ё Раббим! Сен чинакам ва адолатли қасоскордурсен! Сен — буюк қудрат соҳиби ва хун олиш сирларин билгувчисен! Бул ваҳшиёна зўравонликлари учун ёвузлардан уч ол! Қаттолларни боқий дунёга йўлатма, бул муштипар ва бегуноҳ бандаларга кўрсатгон чиркин қабоҳатлари учун ул дунё-бул дунё аларнинг жазосин бер!

Марҳумларнинг бошларини тегишли расм-русумлар билан Кеш мазорига, Тарагай Баҳодурнинг хилхонасига дафн қилишди. Ҳаққул полвоннинг калласини мўмиёлашди. У ҳамма юришларида Темурга ҳамроҳ бўлди ва оғир дамларда Соҳибқирон ундан бот-бот маслаҳат сўрарди. Афтидан бу — Темурнинг ҳаётидаги туб бурилиш даври эди. Бўлажак жангларда саркардага нафақат омад кулиб боқар, билъакс, у шафқатсизлик ҳам кўрсатар эди. Энди у юрагига яқин уйғушасидан айрилган ва бу унга ҳеч қачон насиб қилмайди. Соҳибқирон қолган ўтгиз тўққиз йил умрини дуч келган жойда чодир тиклаб, сон-саноқсиз ҳарбий юришларда ўтказди. Аммо ўз ота қўргончаси харобаларини умрбод унутмайди. Уни тарк этаркан, Темур алламаҳалгача ундан нигоҳини узолмади. Унинг юраги музлаб, тошдай қаттиқ ва совуққон хилқатга

айланди. Лекин у руҳий тушкунликка берилмади. У Алибердини ҳузурига чорлаб, Қобулшоҳ ва Содик билан бирга сўқмоқ йўл орқали Самарқандга жунаш ва Довуд Барлосга ўз жангчилари билан мўғулистонликларга қарши ҳал қилувчи жангга тайёр туриши юзасидан хабар етказишни буюрди. Учрашув жойини Темур Митан қишлоғи яқинига белгилади.

Баҳодир Алиберди ва унинг ҳамроҳлари дарвеш либосларида довол оша йўлга чиқишди, Темур эса, амир Ҳусайннинг қароргоҳига отланиб, унга қўрғончада кечган ёвузликлар манзарасини чизиб берди. Сўнгра, ўз манзилига қайтгач, амирларни машваратга тўплади. Самарқанд остонасидаги жангга ҳар томонлама, муфассал тайёргарлик кўришга қарор қилишди, илло, мўғулистонликлар Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилишда давом этаверишадими ёхуд Чигатой улусини мангу ташлаб қибиб кетишадими, — ана шу жанг якунига боғлиқ эди. Кеш, Яккабоғ ва Қарши туманлари икки ҳафтадаёқ салмоқли кучларни йигишга эришди. Мана, энди Темур ва Ҳусайннинг туглари остига йигирма минг қўшин тўпланган эди. У ҳамма эҳтиёткорлик чораларини кўриб, Жом орқали Самарқандга қараб жилди.

Темур ўз лашкарларини икки қанотга бўлди. Ўнг қанотни Ҳусайнга ишониб топширди, унга шавкатли Чоқу Барлосни қўшимча куч тарзида бириктирди. Ўзи эса, нўён Берқутни ёрдамчи қилиб, чап қанотга қўмондонликни зиммасига олди. Қўшин шу тариқа икки қанот ҳолида Митан қишлоғига отланди.

Хон Илёс Хужа уттиз минг қўшин билан юриш бошлади. У ҳам Темурдан урнак олиб, ўз жангчиларини икки қанотга бўлганди. Чап қанотга ўзи қўмондонлик қилди, ўнг қанотни нўён Бекижоқ ҳамда жасур ва абжир амир Тўқ Темурга бўйсиндирди.

Қонли уруш бошлаш учун қўшинлар юзма-юз чиққан кун ҳам етиб келди. Митан қишлоғи бунинг гувоҳи бўлди. Ногоралар гумбури остида рақиблар бир-бирларига ташланишди. Қуёш уфқдан бош кўтараётган маҳал эди, лекин кўп ўтмай, шунақанги чанг-тўзон кўтарилдики, бамисоли осмон юзига парда тортиди. Найза кўтарган минглаб чавандозлар гилам ёзилгандай текис майдонда қуюндай учишарди. Ер юзидаги жами лашкар зоти ана шу жанговар майдонга тўплангандай эди. Жангчилар аралаш-қуралаш бўлиб кетишди. Темур турфа аслаҳалар билан тўла қу-

роланган ҳолда ола-була отда ўтирарди. У камон ўқини бот-бот нишонга йўналтирарди. У ҳар гал нишондан адашмас, жанг қизиги уни ўз оғушига олганди. Жанг марказида от сураётган хон Илёс Хужа Темурни олисдан пайқади. У найза кўтарганча лаънати амирнинг устига бостириб келди. Лекин хонга саркарданинг кўксига найза санчишига йўл қўйишмади. Мубошир полвон ўзининг кучли қўли билан унинг найзасини кескин ўзига тортиб, осонгина иккига бўлиб ташлади. Абдуллоҳ ботир, — бу хонни асирга олиш учун энг қулай вазият, деган қарорга келди. Пиёда ва отлиқ лашкарлар онабошиси атрофида айланишаётган асаларилардай ўз қумондонлари атрофида ўралаша бошлашди. Жанг тақдири ногаҳон ҳал бўлди. Самарқанд дарвозалари очилиб, амир Довуд Барлос тўплаган тўрт минг кишилиқ қўшин майдонга интилди. Мўғулистонликларга орқадан қақшатқич зарба берилди, душман буни кутмаганди. Шаҳарликлар жон-жаҳдлари билан урушардилар. Шомга яқин жуда кам мўғулистонликлар тирик қолишган эди. Улар яширинишга, қочиб қутулишга интилишарди. Уларни даҳшатли тарзда таъқиб қилишарди. Жангда амир Тўқ Темур, баҳодир нўён Бекижоқнинг укаси амир Кичик Боқи, қачонлардир Темурни мўғулистонликлар хони қароргоҳига бошлаб борган жасур баҳодир Давлатшоҳлар ҳалок бўлишди. Куп таниқли баҳодирларнинг ҳисобига Темур ҳам етолмай қолди. Уларнинг аксарияти огир яраланиб, ер тишлаб ётишарди.

Илёс Хўжанинг қўшини худди шамолда қолган кузги барглардай тўзғиб кетишганди. Илёс Хўжанинг ўзи асирга олинди. Нўён Бекижоқ ва амир Юсуф Хўжалар ҳам ҳибсга олиндилар. Довруғи чиққан мўғулистонликларни кучайтирилган соқчилар кузатувида Темурнинг чодирини ёнига бошлаб келишди. Айни шу дақиқаларда бўшаб қолган жанг майдонини мўғулистонликлар вакили амир Ҳамид эгаллади. У уч юзта жангчини бошлаб келганди. У хон Илёс Хўжага бутун Мовароуннаҳр орқали отаси Тўқлуг Темур хон қаза қилгани ҳамда қурултойнинг Мўғулистон улусига хонликни Илёс Хўжага ишониб топшириш ҳақидаги қарорини маълум этгани ташриф буюрганди. Жангнинг кўнгилисиз натижасидан амир Ҳамиднинг хабари бор, лекин барибир хонга ўзининг ёрдами тегар, деб умид боғлаган эди. Чинданами, унинг ёрдами тегди. Хонни у асирликдан қутқариб олди, лекин ўзи қилич

зарбидан иккига бўлиниб ҳалок бўлди. Нуён Бекижоқ ҳам қутулиб кетди. Янги отлар уларни эгарларига ортиб, даҳшатли жанг майдонидан узоқларга олиб қочиб кетишди.

Уша куни кечаси Темур беш минг кишилик қўшинни Самарқандни забт этиш учун жўнатди. Унга амирлардан Довуд Барлос, Сайфиддин Нуқадарий ва Чоқу Барлослар бошчилик қилишди. Амир Ҳусайн ва Шер Баҳром уч минг кишилик қўшин билан душманни таъқиб қилишда давом этарди. Соҳибқироннинг ўзи эса, ўн минг кишилик қўшинга бош-қош бўлиб, Сирдарёдан кечиб ўтди ва Хўжандни қўлга киритди, сўнгра ҳужум билан Тошкентни забт этди. Бу унга айтарли қийинчилик тугдирмади. Тошкентни у ўз қароргоҳига айлантирди. Кўп утмай Темурга хон Илёс Хўжанинг таъқибдан қочиб, Или дарёсининг ортига ўтиб кетганини маълум қилишди. «Қувиб юборилгон, лекин ҳали тирик», — дея хаёлидан утказди Темур.

Мўғулистонликлар устидан шонли ғалаба Ой тақвимининг 765 (1364) йили ёки Шарқ тақвими бўйича Илон йилига тўғри келди.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

МОВАРОУННАҲР ҲУКМДОРЛАРИ

Бир одамнинг бошқалар устидан ҳукм юритиш асрори табиат қонунларига мустажоб этилгандир. Нега шундай, нега бир одам фармойишлар қилади-ю, бошқалар уларни сўзсиз бажаришлари керак? — бу саволлар Темурнинг хаёлини болалигидан банд этиб келарди. Ҳокимият нима, у қандай дастурларга эга ва унга қандай эришиш мумкин-у, ҳокимиятни қўлга киритган одамга у нималар бериши мумкинлиги ҳақида Темур жуда эрта бош қотира бошлаганди. Баланг тоғларда чўпонлар билан бирга яшаркан, у отлар уюрида етакчи айгир уларни қандай бошқаришини соатлаб кузатарди. Нима учун айнан шу айгир сардор бўлиб қолган ва нима учун бошқа отлар унинг етакчилигини тан олишгани уни айниқса қизиқтирарди. Отлар ўзаро жуда оддий муносабат юритишарди. Улар қисқа, лекин шафқатсиз урушишар ва энг кучли жонивор ғалаба қозонарди. Ҳаммаси тўғри, пойгада ким тезкор бўлса, уша ютади, курашда ким кучли бўлса, ушанинг қўли баланг келади. Кучсиз кучлига йўл бе-

ради. Кучли айғир уюрни яхшироқ ҳимоя қилади. Кучли айғир бегона отларни яйловга яқинлаштирмайди. Одамларда ҳам кучлилиқ ҳуқуқи мунозара уйготмайди. Лекин бу — нисбатан анча мураккаброқ. Одамларда куч жуда юксак баҳоланади. Лекин мушаклар кучидан ташқари одамларда кўпроқ қадрланувчи ақл-идроқ кучи ҳам бор эди.

Инсоният жамиятида ҳамма даврларда фақат кучли ҳукмдорларгина фарқон ҳаёт барпо эта олишган. Агарда қандайдир шарт-шароитлар тақозоси ила ожиз одам ҳоқимият тепасига келса, унинг ожизлиги у бошқарадиган жабҳаларда ҳам ўз аксини топган.

Темур ўсиб-улгайиб овга ишқибозлиги бошлангач, отларни қўйиб, йўлбарсларни кузатишга киришди. Йиртқичларда кучсиз ҳайвонларнинг кучлиларига бўйсунуш қонунига янада қатъийроқ, сўзсиз риоя қилинади. Йўлбарсларнинг муқим кичик тўдасида йўлбошчининг дағ-дағали наъраси ҳар қандай иш тақдирини зумда ҳал қиларди. Пировардида Темурга ўз нишони учун тимсол танлаш зарурати туғилганда, у йўлбарсда тўхталди. Йўлбарс қуёш нурлари остида ҳузур қилиб ётади, лекин бир дақиқа ҳам узининг даҳшатли турқи-тароватини йўқотмайди. Айни шу ҳолат Жаҳонгир Темурнинг омолига айланди.

Темур кучлилар ҳукми муқаррарлиги қонунига амал қилиб, Илёс Хужани Мовароуннаҳр ҳудудидан қувиб чиқарди ва ҳукмдорликни ўзи қўлга олмоқчи эди. Лекин у ўз хатти-ҳаракатларида тамомила эркин эмас эди. У билан ёнма-ён ҳоқимиятни барабар бўлиши ваъда қилинган амир Ҳусайн ҳам бор эди. Ҳусайн ожизроқ ва уларнинг ўртасидаги дўстлик ришталари негадир тобора таранглашиб борарди. Бу ҳақда кўп бош қотириш мумкин эди.

Тошкентга амирлардан пароканда мўғулистонликлар гуруҳларининг қувиб чиқарилгани ҳақидаги хабар билан қарийб ҳар куни чопар келиб турарди. Темур амир Ҳусайн билан Шер Баҳром Или дарёси соҳилига, она юрт сарҳадларидан ташқарига етиб боришгани, бу ёғига Илёс Хужани таъқиб этишни тўхтатишганидан ҳам воқиф бўлди. Темур амир Ҳусайнга чопар жўнатиб, Самарқандга қайтишни ва бу шаҳарга биргаликда голиб сифатида кириб боришни тавсия қилди. Унинг ҳисоб-китоби бўйича, Ҳусайннинг Самарқандга етиб келиши учун камида икки ҳафта кетади. У ўз тасарруфидаги бир ҳафта вақтини

овга бағишлашни лозим топди. У баҳодирлар қуршо-
вида тўқайзорга йўл олди ва бир неча кун бепарво
йиртқич ҳайвонлар ортидан қувди. Бу — ажойиб,
завқ-шавқларга тўлиқ кунлар эди.

Икки ҳафтадан сўнг Темур ва Ҳусайн Жиззах
яқинидаги Оқар деган жойда учрашишди ва ёнма-ён
нурафшон Самарқанд сари отланишди. Шаҳар олдида
амирларни Самарқанд имомлари ва оқсоқоллари жу-
натган элчи вакиллари кутиб олишди. Илло, галаба ва
мўғулистонликларнинг Мовароуннаҳрдан қувиб чиқа-
рилгани ҳақидаги хушхабар малҳамдай ҳамманинг ру-
ҳини кўтариб юборганди. Шаҳар дарвозалари олдида
амирлар ва уларнинг жасур баҳодирларини кўп минг
кишилик оломон кутиб олди. Байрамона кийинган ва
шоду мон самарқандликларнинг юзларидан нур ёғи-
ларди. Бойроқ шаҳарликлар зарбоф чопонларда, кам-
багалроқлари ҳам энг яхши, гузал либосларда эдилар.

Оломон орасидан чавандозларга қаратилган хитоб-
лар янгради:

— Марду майдонларимизга шону шарафлар бўл-
гай!

— Бул баҳодирларда арслону йўлбарслар қудрати
мустажоб этилмиш!

— Темур жасоратда Исқандардан қолишмас! Ул
тахтга ўлтирмоғи вожибдур!

— Жасур Ҳусайн ҳам шоҳлик тожини кийса ар-
зир!

— Тасанно! Тасанно!..

Одамлар тўдаси очган йўлак орқали шаҳар майдо-
нига кириб боришди. Майдон ўртасига, ҳукмдор са-
ройи олдида улкан форс гилами тўшалган эди. Бу
ерда ҳокимлар, аъёнлар, бутун шаҳар уламолари қа-
тор тизилишганди. Бу одамлар икки қудратли амир
отларининг узангиларига ёпишиб, уларнинг этиклари-
ни ўпиш шарафига муяссар бўлишган эди. Маросим-
нинг бу қисми тугагач, амирларнинг елкаларига тилла
иплар ила тикилган шоҳона зарбоф чопонлар таш-
лашди, белларига қимматбаҳо тошлар билан безатил-
ган камарлар тақишди. Сўнгра дунёда камдан-кам уч-
райдиган, гузалликда тенги йўқ икки от тўхфа этиш-
ди. Уларнинг эгар-жабдуқлари олтидан ишланган
эди.

Кечқурун ҳукмдор саройида қуёшмонанд амирлар
шарафига шоҳона базми-жамшид уюшгирилди. Унда
тўра ва аъёнлар Парвардигорга ҳамду санолар айтиб,

ажнабий босқинчилар зулмидан халос этганлари учун Темур ва Ҳусайнни кўкларга кўтариб мақташди. Амирлар сўнгги тўрт йил мобайнида илк бор ўзларига эрк бериб, майшат қилишди. Эртасига эса, ҳушёр тортиб, уйга толишди. Уларнинг ҳар бири Мовароуннаҳрнинг танҳо ҳукмдори бўлишни истарди. Лекин иккови ҳам, ҳарчанд тиришмасин, ўз тарафдорларини тегишли миқдорда йиға олмасди. Мовароуннаҳр устидан ҳукмдорликни биргалашиб юритишларига тўғри келиши ўз-ўзидан аён бўлиб қолганди.

Бу мураккаб вазиятдан чиқишнинг энг мақбул йўлини Хуросондан Самарқандга Темурни мўғулистонликлар устидан галабаси билан табриклагани махсус ташриф буюрган Шайх Абу Бакр Тайободий ҳазратлари кўрсатди. Шайх Темур ва Ҳусайн ўртасидаги муносабатни дарров тушуниб етди ва уларга доно маслаҳат берди:

— Магар осмону фалақда икки Худо мавжуд эрса, Коинотда тартибот бузилур эрди.

Темур ҳам, Ҳусайн ҳам унинг фикрига тўла қўшилганларини билдириб, Шайх чопонининг этакларини ўпишди. Кетма-кет: «Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!» — дея шукроналар айтишди. Шайх уларнинг ҳар бирини кетма-кет кўксига босди, сўнг гапида давом этди:

— Биз баримиз Оллоҳнинг бандаи мўминларидурмиз. Анинг иродаси шундоқким, сизлар — давлатимиз сарҳадларидин ажнабий босқинчиларни қувиб чиқаргон шонли баҳодирлар, Мовароуннаҳрга ҳукмдорлик масъаласини ҳал қилур эркансизлар, Чингизхон ясоларига сўзсиз итоат этмоқларинг жоиз. Ясоларда эрса: «Агарким менинг аймоқларимдин кимдаким ясоларга хиёнат қилур эрса ва менинг қонуний меросхўрларимдин бировини улус ҳукмдори тариқинда тахтта ўлтиргизмаса, ул зот осмонлар қаҳрига учрагай», — дейилгондур.

Авлиё Шайх гапни нимага тақайтганини Темур биринчи бўлиб пайқади ва сўз қотди:

— Биз Мовароуннаҳр маъвосида Оллоҳнинг элчиси қилиб Чингизий насабидин бўлмиш меросхўр шаҳзода Қобулшоҳни, яъни сизнинг муридингизни тайинлагаймиз, Шайх ҳазратлари!

Амир Ҳусайн ҳам бу ўзи учун қийин вазиятдан чиқишнинг қулай йўли эканини дарров фаҳмлади.

— Менинг шавкатли бобом Қозагон ҳам Парвар-

дигоримиз марҳамати ила Мовароуннаҳрни Чига-тойлар шажараси номидин ва ана шу шажара ҳомийлигинда бошқаргондур. Ул зот қурултойда Баён-қулихонни олий ҳукмдор сифатинда тасдиқдин ўтказмиш. Энди Оллоҳимиз хоҳиши ила биз Қобулшоҳнинг олий ҳукмдорлигин тан олмоғимиз мақбул. Буни биз қурултой тасдиғидин ўтказурмиз, — деди Ҳусайн ўздан мамнунлигини яшириб ўғирмай, чунки сўнги, ҳал қилувчи фикрни ўзи айтган эди-да.

Шундай қилиб, янги хонни сайлаш учун қурултой мажлиси чақирриш керак эди. 1364 йил кузининг ўрталарида, Афросиёб тепаликлари узра дилни хушнуд этувчи турфа бўйлар таралган паллада амир ва нуёнлар Самарқандга тўпланишди. Тилласимон рангдаги хон чодир аτροφини амирларнинг ҳаворанг чодирлари қуршаб олганди. Амирлар янги хонни оқ кийгиз устида бошлари узра юқори кўтаришлари, бу унинг олий ҳукмини тан олиш маросимига айланиши даркор эди.

Қобулшоҳ, чамаси, ўз дарвешлик либосларини афсус-надомат ила тарк этаётганди. Олтин суви юритилган матолардан тикилган шоҳона эғни-бошлардан у ўзини ноқулай сезарди. Уни тахтга кўтариш бўйича бўлажак тантаналар ҳам унда айтарли қизиқиш уйғотмаганди. У суюкли шогирди Содиқ ўзи билан биргалигидан ҳам афсус чекарди. Содиқ аслида ўзининг жаҳонгашта дарвешлар тоифасидан эканини доимо эслатиб туриши лозим эди.

Темур ва Ҳусайннинг Чингизхон ясолари бўйича ўзини хонлик тахтига ўтқизиш ҳақидаги ниятларини ҳам Қобулшоҳ ҳотиржамлик ила эшитди. Ўйлаб туриб, шундай жавоб қилди: «Азизлар, келинлар, Парвардигоримиз иродаси ила иттифоқ тузайлик. Келинлар, Мовароуннаҳрни бир жон-бир тан бўлиб бошқарайлик. Жафокаш она еримиз билъакс ўзаро низоларимизнинг гувоҳи бўлмағай!»

— Бошқа ҳар қандай иш учун сен дарвешлик кий-фасиндин воз кечмогинг жоиз эрмас, — деди амир Ҳусайн истеҳзоли оҳангда.

Темур ўзгача мулоҳаза айтди:

— Шайх Абу Бакр Тайободий ҳазратлари ила бамаслаҳат биз шундоқ қарорга келмушмиз, Қобулшоҳ, Оллоҳи таоло иродаси бирла Чингизхон насли, унинг меросхўри сифатинда фақат сен хонлик қилмогинг мумкин. Қурултой ҳам шуни тасдиқлаюр. Ул бошинг-

га шоҳлик тожини кийдириб, оқ кийгиз устинда баланд кўтаражак.

Мана, ўша тантанали кун, Қобулшоҳ ўғлон Дувожи бин Илчиқди бин Дувахон ўғлини хонлик тахтига ўтқизиш куни ҳам етиб келди. Нуён ва амирлар хонни ихтиёрий ва ҳамжиҳатлик ила сайлашаётганди. Бунда ҳеч ким бир-бировининг олдида бош эгмади, бир-бировига итоаткорлик кўрсатмади. Ҳар бир қабила ва амирлик сардори ўз қабиладошлари, ўз маслакдош ва тарафдорлари устидан юритадиган ҳукмдорлигига шак келтирмас эди. Шунга қарамай, улар бари биргаликда ўзлари афзал деб тан олган бир одам олдида итоаткорлик билан бош эгишарди. Парвардигор қонунларига биноан, ҳамжиҳатлик, ўзлари устидан бир одамнинг ҳукмини, ана шу одамнинг танҳо ҳомийлигини тан олишга майли йўқ ҳар қандай жамият пировардида парокандаликка, даҳшатли инқирозга юз тутажак.

Шарқда доно гап бор: «Олампаноҳсиз дунё — бошсиз танага ўхшайдур, бошсиз тана эрса, чанг заррасидай бир гап». Нуёнлар ҳам, амирлар ҳам босқинчиларни ўз она юртларидан ҳайдаб чиқаришгач, қурултойга шошилдилар. Унда улар Чигатой улусидан кимни хон қилиб кўтариш масаласини муҳокама қилдилар. Темур ва Ҳусайннинг таклифи чўнг эътибор ила тингланди в қўллаб-қувватланди. Қобулшоҳ ўғлонни гиламлар ва шойи кўрпалар тўшалган юксад тахта-супага ўтқизишди. Унинг тилла ишлар ила тикилган зарбоф чопони қуёш нурлари остида ялт-юлт қиларди. Собиқ дарвешнинг бошига қимматбаҳо тошлар билан безатилган олтин тож кийдирилди. Хон ҳукмронлигининг тимсоли бўлмиш улкан ёқут тош кўзни олгудек ярақларди. Унинг ортида пўлат ва тери эгни-бош кийган шахсий соқчилари туришарди.

Одат бўйича, Қобулшоҳни оқ кийгизга ўтиргизиб, юқорига кўтаришди. Хонни кўтариш шарафига етакчи қабилаларнинг сардорлари мушарраф бўлишди. Сунгра янги хонга қимиз тўлдирилган шокоса тутишди.

Бўшаган косани косагулга узатаркан, хон Қобулшоҳ ўрнидан туриб, қурултой қатнашчилари олдида ваъз айтди. Чингизхон давридан бери ким тахтга ўтирса, шундай қилиши керак эди.

— Бизнинг хонлик муҳримизни буюк Чингиз бобомиз катта қийинчиликлар эвазига бунёд этмишдур. Сизлар эрсангиз, каминани хонлик тахтига муносиб

топмишдурсизлар. Сизлар айтмишсизларким, магар Чингизхон авлодларидин ҳеч қурса бир булак гушт қолгон тақдирда ҳам, биз анга тегдурмасмиз ва ул зоти шарифни қабул этгаймиз! Ўзга ҳеч бир кимсага хонлик тахтини равон кўрмасмиз. Сизлар муқаддас ясо талабларига мувофиқ иш тутмишсизлар. Алқисса, бошим узра хон тугини кўтаргайсизлар! — деди Қобулшоҳ амирона оҳангда.

Нуён ва амирлар янги хон олдида тўққиз марта тиз чўкишди. Маросим тугаб, Самарқанд анчадан бери кўрмаган улкан базми-жамшид бошланди. Афросиёб тепаликларидаги хушбўй ўт-ўланлар ва япроқлар бўйи ўрнини катта гулханларда пиширилаётган буқа ва қўй гуштининг иштаҳани қитиқловчи ҳидлари эгаллади. Базм уч кун давом этди. Ундан улкан ҳарбий юришдан чарчагандай ҳориб-толишди. Базм кутилмаганда поёнига етди. Амирлар ва нуёнлар яна хон чодирни атрофига тўшланишди. Хон Қобулшоҳ ўз тақдирдаги фавқуллода, бахтли бурилиш учун Олоҳга ҳамду санолар уқиб, йиғилганларга қуйидаги сўзлар билан мурожаат этди:

— Амр қилурмен: Озод Чигатой улусининг Муғулистон ила Шарқдин Ёндош барча ерларин, жумладин, Тошкент, Хўжанд, Самарқанд, Жиззах, Қарши, Кеш, Бухоро, Термиз, Жайхуннинг жами ўнг соҳилин Темур Тарагай Баҳодур тасарруфига берилсун! Жайхун ортиндаги жами ерлари — Бадахшон, Балх, Хуттоллан ҳудудларин мен амир Ҳусайнга туҳфа этурмен. Менинг қароргоҳим — қуёшмонанд шаҳри Самарқанддин ўрин олгуси.

Бу гапларни Қобулшоҳ уйлаб чиқармаган, улар Темур ва Ҳусайн билан аввалдан келишилган эди. Уларнинг ҳар бири, гарчанд мутлоқ бўлмаса-да, Мовароуннаҳрнинг тўлақонли ҳукмдорига айланган эди. Бу ҳозирча иккала амирни ҳам қониқтирарди. Мовароуннаҳрда уларнинг тенг мавқега эга эканликлари қайд этилганди. Бир нарса аниқ: тақдир уқларига қарши қалқон йўқдир. Темур ва Ҳусайннинг тақдирлари ҳали интиҳосига етмаган, буни ҳали Парвардигордан бўлак ҳеч ким билмас эди.

Қурултойдан сўнг қалби ифтихорга тўла Ҳусайн ўз баҳодирлари билан бирга Балхга жунаб кетди. Темур ҳам Самарқандда кўп ушланмади. Соҳибқирон бу шаҳарга Довуд Барлосни ҳукмдор қилиб тайинлади-да, довон орқали она юрти Кешга жунаб кетди. Аммо

қўргонча хуни олинмаган қариндош ва яқинларини ёдга солиб, хонавайрон бўлиб ётарди. Темур ўз қароргоҳи сифатида Ҳожи Барлоснинг Кешдан қочиб кетганидан бери бўш ётган қўргонини танлади. У Сафаралига қўргондаги хосхоналарни тартибга келтиришни буюриб, ўзи бобоси Ҳожи Олимни зиёрат қилгани Қаршига жўнади.

Ўзи ҳам бир неча йил болалигини утказган қўргон ҳовлисида у ҳарбий эғни-бош кийган тикқомат болани кўрди. Боланинг қўлида — оғир қилич, навқирон юзбоши унга мураккаб санъат сирларини ўргатаётганди. Бу Темурнинг ўн яшар ўгли Жаҳонгир эди. Темур тўхтаб, ўглини чеккадан кузатди. Унинг қалби ифтихорга тўлган эди. Яна бир-икки йилдан кейин ўглини ҳарбий юришларга олиб юрса ҳам бўларди. Мана, Жаҳонгир ҳам отасини пайқади, иккиланиб, жойида туриб қолди. У падари-бузрукворини яхши эслай олмас, янглишдан қўрқаётганди. Улар тўрт йил кўришмаган эдилар. Айни дамда, қўргонча дарвозаси ёнида турган барваस्ताқомат қиёфали саркарда ўзининг отаси, баҳодирлар баҳодирини Амир Темур эканини бола ички бир туйғу ила сезиб турарди.

— Ота! — дея қичқирди Жаҳонгир. Дарвоза тарафга отилди-ю, яна иккиланиб тўхтаб қолди. У «ота» деб атаган одам ҳам унинг истиқболига қараб юрди, лекин у бир оёғини қандайдир судраб босарди. Отаси бундай юрмас, у оқсоқланмас эди. Темур жадалроқ юрди, унинг оқсоқланаётгани янада аниқроқ кўзга ташланди. Ниҳоят, ота ва ўғил учрашишди. Ўглини ўз оқсоқлиги билан ҳижил қилмаслик учун Темур чукка тушиб утирди. Ўглини куксига босди.

— Ота! Ота! Ота! — дея хитоб қилди Жаҳонгир, дафъатан кўзларига ёш қалқиб, йиғлаб юборди. Сал ўзига келгач, отасининг мардонавор юзига тикилди. У гаройиб эди.

— Жаҳонгир! Ўғлим! Катта йигит бўлиб кетибсенку! Ҳақиқий баҳодир бўлибсен!

— Ота! Ота! Ота! — дея узлуксиз такрорларди бола. Унинг лаблари титрар, кўзлари чақнарди.

Темурнинг суюкли хотини Нормиш ога аёллар хосхонасидан туриб бу ҳаяжонли манзарани тўлқинланиб кузатарди. У ҳам худди Жаҳонгир каби Темурни оқсоқ ҳолда биринчи кўриши эди. Жаҳонгир сингарини дастлаб у ҳам ўзини йўқотиб қўйди, сўнгра йиғлаб юборди. У ўзини эрига отгиси, қучоқлагиси кел-

ди. Лекин урф-одат бунга йўл бермас эди. У эрини шу ерда, аёллар хосхонасида кутиши керак эди. Лекин Темур уни узоқ куттирмади. Юзлари шамолда қуруқшаган, кўзлари ичига чуқур ботган, ўзи ўчун галати туюлган қуюқ ва хурпайган мўйловли, саҳройи қиёфадаги Соҳибқирон унинг ҳузурига кириб, қучоқларини очди. Бахтдан сармаст Нормиш ога ҳаяжон ичидан унинг кўксига бош қўйди.

— Худога минг қатла шуқур, соғ-омон эркансиз, жанобим! — деди у тўлқинланиб. Қани энди суюкли ёри абадий унинг ёнида бўлса!

Ҳожи Олим эса, оёқдан қолган эди. У китоблар қуршовида ётарди. Унинг танаси қуриб, ҳилвираб қолган, кексалик ва хасталик ўз ишини қилганиди, лекин онги янада ўткирлашиб, қизиқувчанлиги ошганди. Неварасининг оқсоқланаётганини кўрган Ҳожи Олим бир вақтлардаги башорат мустажоб бўлганини пайқайди. Бундан йигирма йил аввал Темур унинг хонадонини оддий бир бола сифатида тарк этган эди. Энди у уйга кўлаб шафқатсиз синовларни енгиб ўтган етук жангчи ва эр сифатида қайтган, Мовароуннаҳр ҳукмдори қиёфасида кириб келган эди. Ҳожи Олим бу билан фахрланарди. Агар мажоли етганида, у одатга кўра, давлатпаноҳнинг оёқлари остига йиқилган бўларди, Темур эса, чорасиз бобосининг ҳузурига ўзини яна ёш боладай ҳис қилди. У бобосига яқинлашиб, боши узра энгашди-да, бир қўли билан белидаги қиличини тутганча, иккинчи қўли билан чолнинг боши ва елкаларини силади.

Биринчи бўлиб Ҳожи Олим сўз қотди.

— Мен рўпарамда бола эрмас, аждодларимиз қонунларига содиқ қолиб, она юртда тартибот ўрнатгон, босқинчиларни қатъий жазолагон баҳодирни кўриб тургонимдин бағоят бахтиёрмен! — Ҳожи Олим буришган қўли ила Темурнинг кафтини майин қисди.

— Отам Тарагай Баҳодурнинг жанговар белбоғини тақиб, сиз бергон билимлар қанотинда, муҳтарам бо-бо, мен Оллоҳи таолога суянмишмен ва илкимдин келгонини адо этмишмен, — муносиб жавоб берди Темур.

— Бундай фазилатларга эга инсонни Парвардигор билъакс суйгувчидур, — деди Ҳожи Олим мадорсизликдан овози титраб. Кейин бор кучини жамлаб, қушимча қилди: — Ўғлим, тарихга муносиб ҳукмдор бўлгил! Буни Оллоҳдин мудом сўраюрмен!

— Мен қачонлардир Чигатой улусига тегишли жами ерларни Мовароуннаҳрга қайтармагунча, ўз умрим ва кучимни базми-жамшидлар ва шикорларга сарфламасмен. Оллоҳимиз иродаси шундоқдур, — деди Темур тантанали оҳангда, бамисоли қасамёд қилгандай. У чинданам, қасам ичганди. Бобосини ураган китоблар орасидан у Қуръони каримни излаб топдида, қўлига олди ва тиз чўкканча пешонасига суртиб, лабларига босди.

— Сенга Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлмай! — деди Ҳожи Олим аранг товуш чиқариб. У буткул кучдан қолган эди.

Кечга бориб Ҳожи Олим вафот этди. Шу боис Темур Қаршида тутилиб қолди. Сўнгра у Бухорога йул олди, бу кўҳна шаҳар остонасида Абдулла Мерган бунёд этган қўрғонда севгилиси Ўлжой Туркон ога угли Умар Шайх билан бирга яшаётган эдилар.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

ЯНА — МУҒУЛИСТОНЛИКЛАР

Темур 1365 йилнинг қиш ойларини ўзи учун янги, хотиржам шароитда, Ҳожи Барлоснинг қўрғонида, хотинлари ва фарзандлари бағрида утказди. Кеш амири овга ишқибоз ва у бот-бот эҳтиросларини қондириб шикорга чиқарди. Мубошир полвон, Абдуллоҳ ботир ва туркман Алиберди ўз жанобларининг ёнидан бир қадам ҳам нари жилишмасди. Сўнгги йилларнинг сарсон-саргардонлик ва мавҳумликлари орқада қолган ва улар ҳам дам олиб, ҳордиқ чиқаришдан шодмон эдилар. Аммо вақт асло байрамона тарзда ўтмаётганди. Шикор уларга руҳий тетиклик ва жисмоний куч-қувват бағишлар эди. Иссиқ шамол юзларига уриларкан, ҳайвон ортидан қувиб кетишарди. Бот-бот найза зарбаси, таранг камон ипининг қўйиб юборилиши жанг майдонини эслатарди. Темур жуда бахтли — у фаол ва қизиқарли ҳаёт кечирарди. Унинг куч-қуввати байрамларда эмас, ҳаракатда намоён бўларди. У ўзининг фаол ҳаракат одами эканини яхши биларди. Ўзининг ҳар бир ҳарбий зафари, ҳар бир галабасига у синчковлик билан тайёргарлик кўрар, фақат буни ҳеч ким билмас эди. Аммо халқ аста-секин унинг ҳаммиша омади кулиб боқишига ҳам ўргана бошлаганди.

Одамларга унинг боши узра омад фаришталари қанот қоқиб юргандай туюларди.

Қисқа қиш кунлари овда, айниқса, янада қисқароқ утарди. Ҳайвонни таъқиб қиларкан, Темур ўзини бўлажак жангларга тайёрларди. Яқин истиқболдаёқ ўзини жанглар кутаётганини у олдиндан сезаётган эди. Чигатой улуси учун курашлар энди бошланаётганди. Амир Ҳусайн ҳозирча ҳокимиятни у билан бўлашиб олганди. Куч-қудрати ошган тақдирда у бунга рози бўлиб қолаверадими? Тақдирни яна синаш, якка ҳукмдор бўлиш пайига тушмайдими? Мўғулистонликлар юртни тарк этишган, лекин улар тўла янчилмаган, уларнинг босқини ҳеч қурса шу баҳорда яна такрорланиши мумкин эди. Темур булар ҳақида мулоҳаза юритаркан, оти уни дашт ва қор босган тўқайлар бўйлаб учириб борар, содиқ ҳамроҳлари эса, ёнма-ён юришаркан, ўй суришига ҳалал беришмасди.

Шом пайти у қўрғонда Қуръони каримни очди. Икки юз ўн олтинчи оят, иккинчи сурага кўз югуртирди: «...Сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин...» Темур мўғулистонликлар билан бўлажак қонли жангдан ҳам, Ҳусайн билан қатъий тўқнашувдан ҳам қочиб қутулолмаслигини англади, Мовароуннаҳр тахти битта-да, ахир. У кунларнинг бирида Ҳожи Олим айтган сўзларни эслади: «Қаттиқ ер остинда бўшлиқлар нақадар мул! Қувонч пардасига уралгон гам-гусса нечоғли бисёр! Зулфин деб уйлагон нарсанг кўпинча калид бўлиб чиқаду!»

Соҳибқироннинг олдида турган қийинчиликлар — қулф, мақсад сари қатъий интилиши — унинг қўлига илоҳий башорат тутқизган калит эди. «Оллоҳ буюк!» — дея хулоса қилди у башоратнинг мустажоб бўлишига комил ишонч туйғуси ила.

Табиатда эса қиш ўрнини баҳор эгаллаб, Кеш атрофидаги даштда лолақизгалдоқ ва атиргуллар қийғос очилди. Темур дунёнинг шишадек мўртлиги ҳам жанг яқинлигидан дарак бераётганини ботиний бир ҳис билан аниқ туйди. Қўшин тўплашни пайсалга солиш мумкин эмас эди. Ҳа, ҳиссиёти уни алдамаганди. Чопар етиб келиб, мўғулистонликлар Илёс Хужа раҳнамолигида Мовароуннаҳрға бостириб келаётганлари ҳақида хабар етказди. Лаънати хон, ўз мағлубиятини қачон тан олади? Темур қўшинининг сони энди ўн минг жангчига етган эди. У алангадай ловуллаётган

лолазорни қуналга қилганди. У амир Ҳусайнга душман ташрифи ҳақидаги хабарни етказиш учун чопар жўнатиб, ўз қўшинини мўғулистонликлар истиқболига бошлади. Темур қўшинини Самарқанддан ўтгач, Сир соҳилида тўхтатди. Рутубатли қишдан чиққан отларга соҳилдаги кўм-кўк ўтлоқда бир неча кун ўтлатиб, дам бериш керак эди.

Чиноздаги ҳордиқдан кейин Темур дарёнинг ўнг соҳилига ўтди. Чиноз ва Тошкент ўртасида серҳосил текис ерлар ястаниб ётарди. Душманни шу ерда кутиш қулай эди. Икки кундан кейин унинг қўшинига амир Ҳусайннинг жангчилари келиб қўшилди. Ҳусайн ўн беш минг чавандозни бошлаб келганди. Ҳусайннинг кайфиятидан Темур жами қўшинга Балх амирининг ўзи қўмондонлик қилмоқчи эканини пайқади. Бунга эътироз билдирмади. Амирлар машваратида қанотларни тақсимлар экан, Ҳусайн чап қанотни ўз қўмондонлиги остига олди. Темур ўнг қанот бошида ўз тугини кўтарди. Марказни бошқаришни у амирлардан Ўлжой Опардий, Шер Баҳром ва Пулод Бугага топширди.

Кенгашда Темур кучли заҳира қўшин барпо этишни таклиф этди. Ҳусайн унинг фикрига қарши чиқди. Унинг айгоқчилари берган маълумотларга кўра, душман лашкарлари камчилик, шунинг учун амир уларга қарши жами кучларни ташлаган маъқул, деб ҳисобларди.

Шунга қарамай, Темур ўз қанотида икки минг кишилик заҳира қўшин тузиб, нўён Берқутни унга қўмондон қилиб тайинлади. Марказни Чоқу Барлос ва Сайфиддин Нуқадарий жангчилари билан кучайтирди.

Кўп ўтмай мўғулистонликлар пайдо бўлишди. Энди улар чинданам кўп кучга эга эмас, шунинг учун бу қусурларини айёрлик ёрдамида бартараф этмоқчи эдилар. Қўшин билан бирга машҳур шомон Чжанг ҳам ташриф буюрган, унинг ноёб, сеҳрли тоши бор, бу тош эгасининг хоҳиши билан ёмғир ёгдириш хусусиятига эга эди. Жанг олдидан тунда шомон афсун ўқишга киришди. Кўп ўтмай чор-атрофда бўрон кўтарилиб, ерга камдан-кам бўладиган шиддатли жала қуйиб берди. Гўё бутун олам шамол ва ёмғир остида ҳансираётгандай туюларди. Жала ёғишини аввалдан билган мўғулистонликлар ўзлари отларининг устига наматлар ёпишди. Темур ва Ҳусайннинг жангчилари

эса буни кутишмаган, шунинг учун қаровсиз қолган қўйлар подасидай роса шилта бўлишди. Обдон сувга бўккан кийим-бошлари эркин ҳаракат қилишларига қўймасди. Отлари сувга тушган мушукларга ўхшаб қолишганди. Кўм-кўк осмон кўриниб, қуёш чиққанида, мўғулистонликлар ҳужумга ўтишди ва тегишли муқобил зарбага дуч келишмади. Мовароуннаҳр жангчилари ҳозиргина жала остида қолган бўлсалар, энди уларга камон ўқлари ёғилди. Ҳусайн ва Темурнинг лашкарлари уларга чап бермоқчи бўлиб, душманга яқинлашишди. Лекин юришдан кўра кўпроқ сузиш мумкин, оёқлар тўпиққача лойга ботиб кетаётган эди. Отлар юришга қурби етмай, «гурс-гурс» оёқдан ағдарилишарди. Аммо жанг қизиби кетган, ҳужумкорларнинг ҳайқириқлари ва мағлуб булганларнинг оҳ-воҳлари оламни тутар эди. Темур душманни таслим этгунга қадар сиқувга ола бошлади. Темурга қарши Илёс Хужа хоннинг ўзи жанг қилаётганди. Соҳибқирон баҳодирлар қуршовида хонга юзма-юз келишга интиларди. Хон азбаройи қўрқиб кетганидан бутун танасига муз югурди, у қочишга тушди. Ўнг қанотдаги Ҳусайннинг ишлари чапчасидан кетган эди. Бу ерда мўғулистонликларнинг қўли баян келаётганди. На Шер Баҳром, на Пулод Бўға, на улар кўрсатган мўъжизакор жасорат иш берар эди. Ҳусайннинг амирлари қоча бошлашди. Темур нўён Берқут бошчилигида пистирмада турган қўшинини жангга киритди. Ўз отининг жilовини чекинаётган Ҳусайннинг жангчилари тарафга бурди. Жанг янгича шитоб касб этиб, тобора авж оларди. Мовароуннаҳр қўшинларининг чап ва ўнг қанотлари биргаликда ҳужумга ўтишгач, душман лашкарларининг маркази тоб беролмай қолди. Амир Ҳусайнга яна жон кириб қолган эди. У ўзининг тарқалиб кетаётган жангчиларини бошқатдан йигиб, дастлабки жанг вазиятини эгаллади. Бу пайтга келиб жанг майдонига қоронғи тушган ва мерганлар ўз нишонларини кўрмай қолишди. Ҳар икки томон орқага чекинишга мажбур бўлди.

Темурнинг жангда омадбарорлиги шунда эдики, у душман учун кутилмаган қарорлар қабул қилар ва у кутмаган жойда пайдо бўлар эди. Унинг макрли юришлари душманни саросимага соларди. Бу гал ҳам унинг режаси қалтис эди. У мўғулистонликларни таъқиб қила бориб, тунги жангда мағлуб этиш керак, деб ҳисобларди. Шундай таклиф билан у Ҳусайнга

чопар жунатди. Ҳориб-чарчаган мўғулистонликлар тунда ҳужумни кутмас эдилар, албатта. Боз устига уларнинг отлари алоҳида жойда сақланар ва жангчилар улардан фойдалана олишлари амри маҳол эди.

Амир Ҳусайн Темурнинг таклифини қабул қилмади, чопарни эса, калондимоғлик билан кутиб олди. «Мен қочиб кетаяпманми, нечук мени олга чорлайдурсизлар? — дея ушқирди у ва чопарга бир мушт тушириб, ерга қулатди. — Жанг тақдирини биз ҳал қилурмиз деб, тучварани хом санаманглар! Ўз жанобинг ҳузурига туёгингни шиқиллат-да, мана шу гапимни етказгил!»

Хуллас, Ҳусайннинг қўшини тонг саҳаргача жойидан жилмади. Субҳидамда ҳар иккала томон қўналғаларида жанговар ногоралар гумбурлади, қиёмат қойим кундагидай сурнай нолалари оламни тутди. Жангчилар қилич ялангочлаб, яна бир-бирларига ташланишди. Мовароуннаҳр қўшинлари бу сафар ҳужумга дош беролмадилар. Улар пароканда ҳолда жангга киришган, ўзаро бирдамликни бой беришган эди. Қўшҳокимиятчилик жанг интиҳосига ўз таъсирини кўрсатган эди. Доно халқ: «Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас», — деб бежиз айтмаган-ку, ахир.

Биринчи бўлиб яна Ҳусайннинг қўшини панд берди. Сўнгра Темурнинг ҳам аҳволи огирлашди, мўғулистонликлар тўхтовсиз бостириб келишарди. Одамлар лойга йиқилишар, таъқиб қилиб келган мўғулистонликлар уларни янчиб ташлашарди. Душман аввалги мағлубиятлари учун қасос олаётганди. Мовароуннаҳрнинг ўн мингдан зиёд қўшини ер тишлаганди. Қочоқларни тўхтатиб, қайта йиғишнинг қарийб иложи йўқ эди. Кечасига бориб, Темур ўз лашкарларининг қолган-қутганларини жанг майдонидан олиб чиқиб кетди. 1365 — Илон йилининг 22 май кунини умрининг охиригача унутмайди. Бу уруш «Лой жанги» номи билан тарихга кирди.

Галабадан руҳланган мўғулистонликлар рақибларини уч кун мобайнида таъқиб қилишди. Улар Самарқанд остоналаригача етиб боришди. Таъқибчилардан қочар экан, Темур Сир соҳилида ва Зарафшон кечувидан кейин икки марта амир Ҳусайнга чопар жунатиб, душманга қарши зарба бериш учун кучларни бирлаштиришга даъват этди. Бунинг учун кучлари етарли эди. Лекин у ҳеч қандай жавоб олмади. Балх

амири Жайхун ортига утиб кетган эди. Темурнинг тасарруфида қолган жангчилар сони эса мингтага ҳам етмасди. Самарқанд қисмати қарийб ҳал бўлгандай эди. Қалъа деворларидан маҳрум шаҳар очкўз мўғулистонликларнинг енгил ўлжасига айланиши муқаррардай эди. Қобулшоҳ фақат Худого умид боғлар ва кеча-кундуз дуо ўқирди.

Амир Ҳусайн ва Темурнинг ўз қўшинларини лойга ботирганлари, осмондаги юлдузлардан ҳам кўпроқ мўғул лашкарлари эса, Самарқандга бостириб келаётгани ҳақидаги шум хабар Чигатой улусининг ҳамма туманларига араб чавандозларидан ҳам тезроқ тарқалди. Амир Ҳусайннинг ўз баҳодирлари билан Жайхун ортига утиб кетгани ва Мовароуннаҳр пойтахтини тақдир ихтиёрига топширгани ҳақидаги хабар янада даҳшатлироқ эди. Амир Темур ҳам Самарқандда қололмас эди. У қувгиндан шундай шиддат билан олислашдики, давонни ошиб утиб, ўз она юртига келиб қолганини ҳам пайқамади. Ҳусайн Балхга биқиниб олди. Темур эса Кешдан хотини ва фарзандларини олиб, Қарши дашти орқали пинҳона Баҳор-Зиндонга, Абдулла Мерган ҳузурига йўл олди. Амирларнинг ўн минг қўшинни жанг майдонида бой бергани ва чекинаётиб, яна ўн беш минг лашкарни тарқатиб юборганини изоҳлаш қийин эди. Чамаси, афсунгар Чжанг нафақат ёмғир ёғдириш, балки сеҳргарлик йўли билан одамларнинг руҳиятига таъсир этиш қобилиятига ҳам эга эди. Темур ва Ҳусайннинг бунақа галати хатти-ҳаракатларини бошқача изоҳлаб бўлмасди. Нега бундай бўлгани, мўғулистонликлардан орқа-ўнгига қарамай нега қочганию қалбига яқин Самарқандга кирмай утиб кетганига кейинчалик Темурнинг ўзи ҳам ҳайрон қолганди.

Кўпроқ кучга эга душманнинг ўзи изма-из таъқиб этгани тушунарли эди. Лекин доvonнинг жануб томонида таъқиб тўхтаганди. Кешда у оиласи учун хавотир қилганди. Термизда мағлубиятга учраган Илс Ҳужа ўз қўргончаси аҳлини қандай жазолагани Темурнинг ёдида эди. Ҳамма жангчилар Темур билан бирга Кешни тарк этган, шаҳар қарийб очиқ, ҳимоясиз қолган эди-да.

Аmmo самарқандликлар мўғулистонликлар олдида титраб-қақшамади. Амир Ҳусайн ва Темурнинг мағлубияти шаҳар осмони узра қора булутдай из қолдирган эди, албатта. Шаҳарликлар Жумъа масжиди рупа-

расидаги майдонга тўпланишди. Оддий кийим-кечаклардаги зодагон ва аъёнлар оддий фуқаро билан ёнма-ён турарди. Шаҳардан қочиб, олис қишлоқларга яширинишга ҳеч ким шошилмас эди. Хорижликларнинг пайдар-пай босқинчиликлари қочиш бефойдалигини кўрсатганди. Қочоқлар одатда галаён вақтида ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардай кўпайиб кетадиган қароқчилар тўдасининг қурбони бўлишарди. Ўзларини она шаҳарларида ҳимоя қилиш анча ишончлироқ эди. Самарқанднинг ҳимояга мўлжалланган қалъа деворлари алақачон йўқ қилинган, уни Чингизхон буздириб ташлаганди. Шунинг учун яшириниш, шаҳар уйларига биқиниб олиш имкониятлари йўқ эди. Фаол ҳимоя усулини ўйлаб топиш керак эди.

Шаҳарнинг шоҳ майдонида ўн мингдан зиёд одам тўпланганди. Бир гуруҳ одамлар балан арава устида туриб одамларни босқинчиларга қаршилик кўрсатишга даъват этишарди. Булар — шаҳар мадрасаларидан бирининг мударриси Мавлонзода, юнг титувчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Калавий ва халқда камондан отиш бўйича тенги йўқ мерган деб ном чиқарган Ҳуржон Бухорий эдилар. Булар бари сарбадорлар ёки дорчилар ватанпарварлик ҳаракатининг аъзолари эди. Улар: «Босқинчилар олдинда бўйин эгтоңдан кўра дорга тортилгон афзал», — деб ҳисоблашарди.

Дароз, озгин Мавлонзода жарангдор овозда гапирётганди. Халқ уни диққат билан тингларди.

— Муҳтарам Самарқанд аҳли фуқароси! Бизни интиҳосиз ақлсизлик балоси ямламай ютмоқ пайидадур. Кўплар мўғулистонликлардин тўлов бериб қутулурмиз, дея хомхаёл қилурлар. Лекин бу тадбир ҳеч кимсани сақлаб қололмас, аксинча, баримизни балога гирифтор айлар. Ўзгалар куч тўплаб, душманга зарба бермоқ тарафдоридур. Локин очиқ жангда бизга омад кулиб боқмас. Бизнинг кучимиз шул гўшада, шаҳар маҳаллаларидадур. Биз бул ерда мўғулистонликлар учун қопқон қўюрмиз. Парвардигоримиз марҳаматли, раҳим-шафқатли! Анинг паноҳида биз мўғулистонликларни мағлуб этурмиз. Магар шундай бўлмаса, биз ўзимизни ҳимоя қилолмасак, бизни оссинлар!

Майдонда уни қўллаб-қувватловчи овозлар янграб, анчагача шовқин тинмади. Муаллимнинг фикрларини бақир-чақирлар билан маъқуллашарди.

— Мавлонзода бизга айтсун: нима қилмогимиз даркор?

— Бул йўлда биз Мавлонзодага буйсунмоққа тайёрмиз!

— Бизга узинг раҳнамолик қил, муҳтарам усто!

Абу Бакр Калавий қўлини кўксига қўйиб, оломонга таъзим бажо келтираркан, хитоб қилди:

— Мўғулистонликлар тиканакка ўхшаюрлар! Бизнинг гулшанимизни алар тиконзордай ураб олмишлар. Локин биз ўз хотинларимиз устидин зўравонлик қилинмогига, болаларимизнинг қул бозорларига олиб кетилмогига билъакс йўл қўймасмиз. Кўчаларга чиқмогимиз, тўсиқ-говлар қўйиб, ўтиш жойларини торайтирмогимиз жоиз. Фақат шоҳкўчанигина тўсиқлардин холи қолдирурмиз. Мўғулистонликлар, майли, ана шу кўчадин кираверсунлар. Бошқа кўчалар алар учун қопқон вазифасини утаюр. Биз аларни қуришовга олиб, барин ўқдин утказурмиз.

— Розимиз! Розимиз!

— Зўр ўйлабсиз, Абу Бакр Калавий!

— Бизга Парвардигор ўзи мадад бергай!

Хуржон Бухорийнинг белбогига огир қилич осилган, унинг ўқдони ўткир ўқларга тўла эди. У гапирмоқчи эканига ишора қилди. Майдонда гала-говур кўтарилди. Баҳодир қиличини яланғочлаб, боши узра кўтарди.

— Кимда-ким камондин ота билса, панагоҳ қурсин. Алардин туриб душманни нишонга олмоқ қулайдур.

Кўп ўтмай батафсил ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Самарқандликлар зудтар қуролланишди. Мўғулистонликлар бостириб келишига икки кун қолганда, шаҳар асалари уясини эслатарди. «Уя»даги жами туйнуклар худди бўрон кутилаётгандек беркитиб чиқилди. Аравалар, ҳодалар, тупроқ тўлдирилган қоплар, йўгон тут поялари билан кўчалар тўсилди. Уйларнинг томларида қозонларда сув қайнатилиб, қатрон эритилди, ҳар жой-ҳар жойга тошлар, найзалар уюлди. Киши кўрмас, пинҳоний жойларга камончилар ўтиргизилиб, уларнинг ҳар бирига ўз отиш сарҳадлари белгиланди. Самарқанд анчадан бери бундай якдилликни кўрмаган эди.

Ниҳоят, мўғулистонликлар шаҳарга яқинлашиб келишди. Улар, галабани осонгина қўлга киритамиз, деб ўйлашарди. Улар қанча бойликлар ва қанча гўзал аёлларни ўлжа олиш илинжида ҳозирданоқ сар-

маст эдилар. Қабристон сукунати чуққан, бум-бўш шоҳкўчага чавандозларнинг илк гуруҳлари кириб келишди. Унга, чапга юришаркан, улар ҳамма жойларда тўсиқлар ва берк эшикларга рўпара келишарди. Босқинчилар марказий майдонга оқиб келиб, уни тўлдирди бошлашди. Қобулшоҳнинг саройига бостириб киришди. Худди шу пайт Мавлонзода, келишганларидек улкан машъални осмонга отди, у ярим доира ҳосил қилиб, отлиқлар устига бориб тушди. Отлар типирчилаб, кишнай бошлашди. Ўқлар визилаб, тошлар отилди, душман устига қайноқ сувлар тукилди. Душманга нима талофот келтирса, ҳаммаси ишга солинган эди.

Мўғулистонликлар орқага чекинишди-ю, лекин дарвозалар тақатақ беркитилганининг гувоҳи бўлишди. Тўсиқлар қўйиб ташланган кўчалар лабиринтларга айланиб, ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетган, орқага йўл йўқ эди. Мавлонзода бошчилигидаги беш минг нафар кўнгилли лашкарлар бор кўчаларини ишга солишгаётганди. Кўзга кўринмас камончилар устма-уст ўқ ёғдиришар, ўзларининг ана шу кўз илғамасликлари ила душман қалбида бешбаттар таҳлика уйғотишарди. Шаҳардаги босқинчиларга кўрсатилаётган қаршилик жунбушга келган вулқонни эслатарди. Ўз рақиби Қобулшоҳни қўлга туширишга ҳаддан зиёд берилиб кетган хон Илс Хужа қопқонга тушиб қолганини жуда кеч англади. У ҳозиргина асир олинган Қобулшоҳнинг калласини танасидан жудо қилишни буюрди. Ўзи эса баҳодирлар қуршовида шаҳардан чиқиб кетиш пайига тушиб қолди. Ўқлар ва тошлар келиб тегаетган баҳодирлар бирин-кетин оёқдан ағдарилишарди. Жангчилар тўзғиб, чувалашиб, ниҳоят, катта йўқотишлар билан Самарқандни тарк этишди. Шаҳар кўчалари уликлар ва ярадорларга тўлиб кетганди. Душман минглаб одамларидан айрилгани етмагандай, отларини ҳам қўлдан бой берганди. Кўпчилик отлиқлар пиёдаларга айланишганди.

Шаҳар фуқаросидан шармандаларча мағлубиятга учраган мўғулистонликлар ўзларига келишгач ҳам Самарқандни забт этиш ниятидан воз кечишмади. Энди улар шаҳарни қуршовга олиб, аҳолисининг тинкасини қуритиш, озиқ-овқатдан маҳрум этиш йўли билан мақсадларига эришмоқчи эдилар. Чинданам, улар шаҳарни ҳамма томондан ўраб олишди. Аммо бу уларга муваффақият келтирмади. Омад улардан юз ўтирди.

Шаҳар мустаҳкам ҳимояга олинган, самарқандликларнинг қаршилик кўрсатишга иштиёқлари тобора ортиб борарди. Кўп ўтмай уларга муайян ёрдам етиб келди. Самарқандликларнинг душманга берган зарбасидан хабар топган Темур қолган-қутган жангчилари ва янги кучлардан саккизта қўшин тўплаб, Самарқандга жўнатди. Қўшинларга баҳодирлардан Темур Хўжа ўғлон, Чаварчи ва Аббос Баҳодурлар қўмондонлик қилишарди. Темурнинг ўзи эса кўп минг кишилик қўшин тўплашга киришганди. У бундай қўшинсиз душманнинг асосий кучларини тор-мор келтиролмаслигини яхши биларди. Уни Кешда ушлаб қолган иккинчи сабаб — Мироншоҳ дея исм қўйган яна бир утил кўргани эди.

Бу вақтга келиб унинг саккизта қўшини Самарқандга яқинлашганди. Уларнинг ташрифидан хон Илс Хўжанинг хабари бор эди, албатта. Унинг айгоқчилари кеча-кундуз тиним билишмасди. У Самарқандни қуршовга олган жангчиларининг бир қисмини Темур жўнатган қўшинларга қарши йўллади. Хон уларнинг шаҳардаги кўнгилли лашкарларга қўшилиб кетишига йўл қўёлмас эди. Унда шаҳарни забт этиши амримаҳол бўлиб қоларди. Хон Мовароуннаҳр тарихини яхши билар: ким Самарқандни забт эта олса, мамлакатни ҳам қўлга киритар эди.

Рақиблар Жом яқинида, Самарқанддан бир кунлик масофада юзма-юз келишди. Темурнинг қўшинлари енгилишди, қолган-қутганлари Кешга чекинишди. Лекин мўғулистонликларнинг Жом остонасидаги га-лабаси самарқандликларнинг сабот-матонатларига таъсир кўрсата олмади ва Илс Хўжанинг ҳал қилувчи устунлигини таъминламади. Оммавий хасталик унинг отларини оёқдан ағдарди. Бу Мовароуннаҳрда камдан-кам учрайдиган ярали ўлат хасталиги эди. Сал кам бир ой ичида мўғулистонликларга қарашли отларнинг тўртдан уч қисми қиргинга учради. Самарқанд қуршовига чек қўйилиб, Илс Хўжа қўшини яёв ҳолда Мовароуннаҳр ҳудудларини тарк этди. Улар ўзлари билан на бир улжа ва на бир бойлик олишган эди. Уларнинг бирдан-бир юклари камон ўқдонларидан иборат эди, холос.

Самарқанд шаҳри бир неча кун тантана қилди. Озодлик қўлга киритилганди. Илоҳий башорат, афтидан, шуни тақозо этганди.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

САРБАДОРЛАР ҲОКИМИЯТ ТЕПАСИДА

Қамал тутаганлиги муносабати билан бошланиб кетган байрам Самарқандда нақ икки ҳафта давом этди. Шаҳар аҳли бозорларда, мачитларда, карвонсаройларда, майдонларда йигилардилар. То кун оққунга қадар даҳалар оқсоқоллари ноз-неъматлару таом улашиб чарчамасдилар. Тўтри келган жойга шоша-пиша ўрнатилган улкан дошқозонлар тагида тинмай олов ёнарди. Самарқандликлар ўз қудратини англаш туйғусидан масрур эдилар. Илло, айёрликлари иш бериб, ёғий қопқонга тушди. Ҳар қалай, кўкракка уриб, мақтанса арзиғулик муҳораба бўлди-да ўзиям... Эҳтимол, шодмонлик ҳали яна давом этган бўларди, ва-лекин бир тонг уйқудан кўз очган самарқандликлар кўчаларда кор гилами тўшалиб ётганини кўрдилар. Қишнинг дастлабки қадами билан бирганликда кундалик ташвишлар ҳам бостириб келгандай бўлди. Энди қай тарзда кун кўрмоқ хусусинда ташвиш чекмоқ фурсати етганди. Собиқ ҳукмдорлардан аксарияти мўғуллар дарагини эшитиши биланоқ жуфтаси ростлаб қолишган. Қобулшоҳни эса Илс Хужа одамлари ўлдириб улғуришди. Айтишларича, саройда Қобулшоҳнинг содиқ хизматкори, мудом уйқуга тўймагандай мудроқ тарзда юрадиган Содиқ дарвешдан бошқа ҳеч ким йўқ эмиш. Самарқанддай шаҳри азим ҳукмдорсиз қолди. Зафар нашидасини нишонлаш чоғи ўз-ўзидан ёддан кўтарилган бу масала энди долзарб аҳамият касб этганди.

Ёғий ҳужуми палласи оёққа қалққан халқ яқдил тарзда фақатгина ҳимояни ўйлаганди. Ва ягона мушт бўлиб бирлашолган раият рақибига қақшатқич зарба беролди. Ҳокимият масаласи эса дарҳол бир тўхтамга олиб келмади. Бу ерда турфа мулоҳазалар, манфаатлар ўзаро тўқнашди. Алал-оқибат, бари бир, ушбу қарорга келишди: Самарқандда халқни мўғулларга қарши отлантирган уч сарбадор ҳукмронлик қилсин!

Мана, хон саройида, юмшоқ кўрпачаларда уч янги ҳукмдор — собиқ мадраса муаллими Мавлонзода, пахта тозаловчилар даҳасининг оқсоқоли Абу Бакр ҳамда камондан ўқ отишда тенги йўқ мерган Хуржон Бухорийлар ўтириб, машварат ўтказишмоқда. Маҳобатли шаҳарни бошқариш осон эмасди. Ҳаттоки элни ёвуз

ниятли ёғий устига бошлаб боришдан-да мушкулроқ эди. Сарбадорлар буни Аллоҳ иродаси ила чиқарган дастлабки бир неча фармонлари мисолидаёқ яққол ҳис этдилар. Биринчи фармон амир Ҳусайн замонидан самарқандликлар бошига бало бўлиб келаётган, жон бошидан олинадиган солиқни бекор қилиш ҳақида эди. Иккинчи фармон эса ворислик, яъни аркони давлат то шу кунгача қатъий амал этиб келган имтиёзи борасида бўлди. Бу фармонга мувофиқ, бундан буён Самарқандда ҳукмронлик мансаби мерос сифатида ўз-ўзича отадан болага ўтиб қолмасди, агар халқ ишонса, юқори мансабга оддий фуқаро ҳам кўтарилиши мумкин эди.

Учинчи фармон шаҳарни бошқариш тизимига даҳддор эди. Аҳолининг интиқом ўтида ёнаётган бир қисми ушбу фармонни эркинликка берилган оқ фотиҳа деб қабул қилди шекилли, дарҳол шаҳардаги казозаларнинг уйларини гораг қилишга тушди. Бундай бошбошдоқлик кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлди. Айниқса, калтақлар, сўйиллар билан қуроолманган бир тўп муштумзўрнинг собиқ ҳоким Довуд Барлос қўргонига ҳужум қилиши анча шов-шувлар ва турли талқинлар уйғотди. Темур лашқарига қўшилиб кетган амирнинг ўзи бу пайтда шаҳарда йўқ эди. Қўргонда Темурнинг тўнғич опаси Қутлуғ Туркон огадан ўзга ҳеч ким бўлмаган. Бу хабарни эшитган заҳоти Мавлонзода барлослар даҳасига етиб келди ва қўргонга ҳужум қилиш у ёқда турсин, зигирчалик заҳа етказишни қатъиян таъқиқлаб қўйди. Ахир қўргон, дея изоҳ берди куйиб-пишиб муаллим, шаҳримиз ҳимоячиси Темурга тегишли. Бу залворли дастакни эшитган энг қизиққонлар ҳам ҳовурларидан тушдиқолдилар. Туркон ога эса қўргон нодимини йўллаб, вақтида ҳимояга келгани учун Мавлонзодага ўзининг чуқур миннатдорчилигини изҳор этди.

Шундан сўнг Мавлонзода сарбадорлар кенгашини чақирди ва амирлар ҳамда бошқа юқори табақа вакиллари уй-жойларини даҳлсиз деб эълон қилди. Бироқ ушбу тадбирдан кейин ҳам шаҳарга осойишталик қайтмади. Кўпчилик бу кўрсатмани писанд этмасдан, сармоядор аъёнларнинг қўргонлари ва уйларига босқинчилик ҳужумлари уюштиришни давом эттираверди. Шу баробарида янги ҳокимиятларда: «Эй Аллоҳ, ишқилиб фақир бир юмалаб бойга айланиб қолмасин экан-да!» — деган калималар бот-бот тилга олинадиган бўлди.

Тез орада сарбадорларнинг омонат ҳукмронлиги барҳам топди. Бу милодий 1366 йилнинг кўкламида содир бўлди. Айнан ушбу фаслда амир Ҳусайн билан амир Темур Афросиёб қирларига ўз чодирларини тикдилар. Куп минг кишилик қўшинни бошлаб келган қайнога-куёв Самарқандни ўз илқларига олмоқ ниятида эдилар. Улар уйлай-уйлай, охири шаҳарни айёрлик, ҳийла ила забт этишга аҳд қилдилар.

Амир Ҳусайн Самарқандга ўз чопарини йўллаб, мутлақо янги ҳокимият тарафдори эканини, уларнинг барча савий-ҳаракатларини маъқуллашини билдирди. Бундай юқори мартабали амирнинг эътирофидан ийиб кетган сарбадорлар тезда Ҳусайн ҳузурига ўз вакилларини юбордилар. Ҳусайн билан Темур вакилларни қучоқ очиб кутиб олишди ва тўкин дастурхон устида сарбадорларнинг келгуси режаларидан воқиф бўлиб олиш пайига тушишди.

Эртасига чодирга Абу Бакр, Бухорий ва Мавлонзодаларнинг шахсан ўзлари ташриф буюришди. Бироқ маълум бир қарорга келиб олган амирлар уларни буткул бошқача кутиб олишди. Улар Самарқанд ҳукмдорларига ортиқча манзират қилишни ўзларига эп кўрмай сарбадорларни ушлаб, қўл-оёқларини боғлашни буюришди. Ва тез орада қўллари орқасига қайириб боғланган янги ҳокимият пешволари амирлар қошида тиз чўктирилди. Ҳусайн калондимоғлик ила асирлар ёнида у ёқдан-бу ёққа ўтаркан, баайни ҳар бир заҳарли сўзи кумагида уларни қамчида савалаётгандек эди.

— Шайтон макрига учиб, қовоқ бошларингизда мартаба истаги пайдо бўлдимۇ? Сизлар ҳокимият жиловини мисли кўрилмагон безбетлик ҳамда доғулилик ила илкингизга олмишсиз. Сизлар аҳмоқона, бағоят зарарли фармонлар чиқармишсиз... — Шу жойга етганда амир Ҳусайн маънодор сукут сақлади. — Сизлар ўзингизни сар-ба-дор, яъниким бошини дорга тикконлар атайсизларму? Бас, шундоқ эркан, на илож, истаганингиз ижобат бўлғай!

Амир Ҳусайн чеккароқда итоаткорона навбат кутиб турган басавлат, важоҳатлари совуқ жаллодларга «бошлайверинглар» ишорасини қилди. Ногаҳон жон биттандай ўлик юзларига тириклик нуқси уриб, қурбонлар сари келаётган жаллодларни Темур қўл ишораси билан тўхтатди. У сарбадорлар раҳнамоси Мавлонзодани омон қолдиришни Ҳусайндан сўради. Чунки Темур опасининг қургонини талон-тарождан ай-

нан Мавлонзода асраб қолганидан бохабар эди. Яхшиликка эса яхшилик билан жавоб қайтармоқ жоиз. Шукр, Мавлонзода ҳаёти сақлаб қолинди. Қолган иккала асир эса шу заҳоти дорга тортилди. Самарқандда ҳукмронлик қилиш ваколоти ўз-ўзидан амир Ҳусайн ва амир Темурга ўтди. Иккаловига. Ёлғиз бирига эмас. Уларнинг кучлари баробар, шу сабабли ҳокимият ҳам бир бугун эмас, яримтадан насиб этди. Маълумки, икки қучқорнинг боши бир қозонда қайнамайди, демак, бундай номутаносиблик ҳолатига ҳам узоқ давом этиш насиб бўлмагай.

Аввалги сафаргидек, Ҳусайн биринчи бўлиб қисматини синаб кўришга аҳд қилди. У яқинда утғиз иккига тўлган. Темурга нисбатан икки ёш катта. Шарқда эса, аёнки, кўп нарсаларни ёш оралигидаги тафовут ҳал қилади.

Афросиёб қирларида сарбадорлар раҳнамоларини дорга тортган Ҳусайн тезда амирлар машваратини чақириб, ўзини Мовароуннаҳрнинг бош амири дея эълон қилди, Темурни эса ўзининг ўнг қўли этиб тайинлади. Темур Ҳусайннинг бу қадамини анчайин хотиржам кутиб олди. У ҳали ўзининг юлдузли дақиқалари келмаганини тушуниб турарди. Ҳозирча Ҳусайннинг юлдузи ёрқинроқ порламоқда эди. Мисол учун, Ҳусайннинг сарбадорлар раҳнамоларини риекорлик ила қуноққа чорлаб, тузоққа туширганини олайлик. Мардликни адолат мезони деб билган туркий халқларда бу маккорлик нафрат ва норозилик уйғотди. Ҳусайн бирйўла ўтган йилги солиқларни ҳам йигиб олмақчи эканини эълон қилганида-ку, газаб ҳозирча аламли сукутда ўз ифодасини топган исёнга айланди. Боз устига, ўлганнинг устига тепгандай, солиқнинг барча миқдори олтин ва қимматбаҳо дур-жавоҳирлардан иборат бўлмоғи шарт эди. Бу фармоннинг адо этилишига масъул қилиб амир Довуд Барлос тайинланди. Афғидан, бу вазифа узоқни кўзлаб, Темурнинг қитиқ-патиға тегиш ниятида топширилган эди.

Солиқларни тўла йигиб олишдаги ҳар қандай майда-чуйда камчилик поччасининг дорга осилиши билан тугагини яхши тушуниб турган Темур Довуд Барлос ҳимояси учун уриниб кўрди. Инчунун, Ҳусайннинг ҳалитдан беш бармоғини оғзига тиқишдек бемаъни очкўзлигига барҳам бериш керак эди.

— Аллоҳга аён, мўтуллар босқини вақтинда самарқандликларнинг кўп мол-мулки, озиқ-овқат заҳирала-

ри нес-нобуд этилмиш. Амиримнинг солиқ борасидаги ниятлари, шак-шубҳасиз, холис, ва-лекин, фикри ожизимча, андек сабр этиб, элнинг қаддини тиклаб олмоғига фурсат бермак мақсадга мувофиқ булурди.

Ҳусайн гижиниб деди:

— Мен эрсам Самарқандни ҳимоя қила туриб, ҳам мол-мулкимдин, ҳам черигимнинг бир қисмидин жудо бўлмишмен. Мен йўқотган бойлигим ўрнини тўлдирмоқ истаюрман, холос. Аллоҳ шоҳид, менинг истагим Чингизхон ясоларига мутаносиб эрур.

Бироқ Темур амир Ҳусайннинг очкўзлигида ўзга сабаб пинҳон, деган шубҳада эди. Яқинда Темур амир Ҳусайн она тарафидан Ўзбекхоннинг набираси бўлмиш Ёшгина, Хоразм шоҳи Суфи Ҳусайннинг акасининг навниҳол қизига уйланмоқ тараддудида эканидан воқиф бўлганди. Бундай никоҳ амирнинг Мовароуннаҳр тахтига талабини янада асослаган булурди. Айнан бой келинчакни сотиб олиш учуноқ амирга кўп миқдорда олтин ва дуру жавоҳирлар керак бўлиб қолгандир.

Темур эътирозини қайта айтиб ўтирмади. Бироқ, минг уринган тақдирда ҳам, Довуд Барлос зарур миқдордаги солиқни бениҳоя қашшоқлашиб қолган юртдан йиғиб ололмаслигига имони комил бўлгани боис унга ўз хотини Ўлжой Туркон оғанинг сийм-зарларини ҳада этди. Булар Чингизхон Чиндан олиб келган сирга-баддоқлар, узук-тиллақошлар, марваридлар ҳамда бошқа антиқа қимматбаҳо буюмлар эди. Қозагон сулоласида улар мерос тариқасида авлоддан авлодга ўтиб келарди. Ҳусайн бешик, синглисига тегишли буюмларни таниди, бироқ уларни қайтаришни хаёлига ҳам келтирмади. Зеро, Олтин Ўрданинг машҳур ҳоқони авлоди билан хешлашиш истаги унинг бутун ўй-хаёлини бағд этиб улгурганди. Шунга қарамай, Ҳусайн ўз табиатидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилдики, синглиси Темурнинг зугуми остида яшамоқда. Ило, суюкли хотиннинг бебаҳо буюмларини тортиб олмаслар. Ва шу дастакни рўкач қилиб, амир синглисини Темурдан ажратиб олмоқ қасдига тушди.

Ҳусайн Соли Саройдаги қароргоҳидан синглисига мактуб йўллаб, унга ўгли Умаршайх ва эндигина бир ёшга тўлган қизчаси Султон Бахтибегим билан меҳмон бўлиб кетишга чақирди. Темур бу тақлифдан бирмунча ажабланди, бироқ суюкли заифасини йўлдан қайтаргиси келмади. Умаршайх ҳам тоғаси ҳузу-

рига отланди. Болакай эндигина ун иккига тўлган бўлишига қарамасдан, ҳар қандай асов тулпор эгариди қуйиб қуйгандай қилт этмай утирар ва паҳлавон йигитчага айланиб борарди. Бу ўхшашлик айниқса Умаршайх ҳарбий либосларни кийган чоғида яққол кўзга ташланарди.

Отасининг синчков нигоҳини ҳис қилган ўғил уни ўзича тушунди-да, бошини мағрур кўтариб деди:

— Мен онамни Соли Саройга кузатиб бормоқни фарзандлик бурчим деб билурмен. Рухсат этинг, падари бузруквор, Мовароуннаҳрнинг шавкатли ҳукмдори!

— Искандар мисоли мард бул. Сулаймон мисоли донишманд бул, — дея Темур ўғлига оқ фотиҳа берди. Сўнг энгашиб қизчасининг жажжи қулоқчасига шивирлади: — Бу сенинг илк сафаринг бўлғай, қиза-логим!

Соли Саройда ўтказилган дастлабки кунданоқ Ўлжой Туркон ога акасининг шум ниятларидан воқиф бўлди. Амир синглиси тимсолида ўзига ҳамфикр, ҳам-маслак, таъбир жоиз бўлса, сирдош излаётганини яшириб ўтирмади.

— Темур калондимоглик тирноқлари ила кўнглимга озор етказиб, орамизга нифоқ тухмини сочмоқда, — Ҳусайннинг ёноқлари газабдан ловулаб кетди. — Ул номард фақирни забун этмоқ қасдида юрган кўринадур. Ва-лекин, имоним комилким, Аллоҳ инояти ила бу йўлда ул онкурни фақат жазо ва таҳқир кутгай. Шул-сабабдин, сингилгинам, жигарим, камина ўз қўлим билан тайёрлаб берган қуруқ чойдин эринга наҳорга бир чойнак дамлаб берурсен... Буңдоқ осий бандаларнинг дунёни тинчгина тарк этганлари мақбул кўринур...

Товуши титраб кетган Ўлжой жон ҳалпида акасини бу ёвуз ниятидан қайтаришга уринди.

— Сиз ноҳақсиз, оғажон. Фикри ожизимча, куёвингининг сизга нисбатан бирон-бир қора нияти йўқдур. Куёвингиз учун ҳасад қилмоқ, гараз туйгуларни ёт. Сўнгги вақтларда барча ниятларингизни унчалик англаб етмаса-да, сизга эътиқоди балаңд. Биль-акс, кимдир ул кишига тухмат қилмишдир. Инонманг. Куёвингиз якка ҳукмрон бўлмоққа асло интилмайдур!

— Сен нени ҳам билардинг, ақли қосир ожиза! Каминага садоқатли амирлардин бирининг хабар беришича, Темур улкан қўшин тўплаб, шул жойда, Соли Саройда мени мавҳ этмоқ қасдида юрмиш!

— Сизга бул ножоиз гапларни айтгон амирингизнинг ўзи хусумат тухмини сочгон каслардин биридур! Илло, куёвингиз била орангизда гап қочғони ундоқ амалпарастлар учун беҳад ёқимлидур. Наздимда, кўнглингизга ноўрин шубҳалар ин қуриб олмиш. Алардин халос бўлинг. Алал-оқибат ёлгоннинг миси чиқаду. Мовароуннаҳр маъвосидин мўгулларни ҳайдаб солганингиздин буён наҳот куч бирликда эканлигини англаб етмадингиз? Сизларнинг орангизга нифоқ солаётган аслида ҳақиқий душманингиз бўлиб чиққусидир.

Амир Ҳусайн бекорга синглисига ортиқча ишониб юборганлигига амин бўлди. Ўлжой ҳеч қачон Темурга оғу тутадиганга ўхшамайди. Демак, ўз ниятидан воз кечиб, синглисининг гапларига ишонгандек тутишдан бошқа иложи йўқ.

— Сенинг сўзларингга ишонамен, жигарим. Дарҳақиқат, биз ҳамиша Темур била биргаликдагина музаффар бўлгонмиз. Биз рақиблар эрмас, баҳамжиҳат ҳукмдорлик юритувчи дўстлармиз.

Энди Ҳусайн синглисининг оғзи бушлик қилиб қуйишидан чўчий бошлади. Мабодо Кешга боргандан сўнг Темурга бор гапни айтсам... Афтидан, Ўлжой Темурни беҳад яхши кўради шекили. Бу ҳол Ҳусайн учун кўнглисиз тасодиф эди... Гумонлар гирдобида қолган амир эҳтиёткорлик чораларини куришга аҳд қилди. Ўлжой Кешга қайтиши арафасида нечундир туйқусдан суюкли аргумоги ҳаром қотди. Ҳусайн дарҳол синглисига икки ёшли қорабайирини таклиф этди. Қорабайир ташқи кўринишидан ювош бўлса-да, аслида чумчуқ пир этса ҳам чўчиб кетиб, жилов-пиловга қарамасдан боши оққан томонга олиб кетаверишини амир яхши биларди. Совга ўз номи билан совга-да. Оғзи қулогига етган Ўлжой орта мана шу қорабайирда қайтди. Синглисини кузатиб борувчи жангчилар ёнига Ҳусайн кейинги йилларда ёнидан бир қадам жилдирмаган садоқатли уйгур Така бошлиқ ун нафар баҳодирини қўшиб берди. Така то шу кунгача амирининг кўлаб махфий топшириқларини ортиги билан адо этган эди. Амир жиянчаси Султон Бахтбегим хусусида ҳам алоҳида қайгуриб, унга ва энагасига икки ўрқачли чиройли туя ҳадя этиб, ўрқачлар орасига мустаҳкам эгар ўрнаттирди.

Йўл сокин, машаққатларсиз кечди. Така зийрак ва эҳтиёткор йўлбошчи эди. Кешга қадар озгина масофа

қолган кунларнинг бирида Така одатдагидек бека отга минишига кўмаклашаётиб, атрофдагиларга сездирмасдан айилни кесиб қўйди.

Муъжаз карвон шошилмасдан йўлга тушди. Йўловчилар оту туяларда иргалиб ўтирганларича саҳронин томоша қилиб кетардилар. Ногаҳон Така Ўлжой Туркон ога ўтирган қорабайирнинг орқасига қамчин билан қаттиқ урди ва ўз отини ҳам ниқтади. Иккала от қутургандай олдинга ташланишди. Ҳамма биронбир уядан чиқиб қолган кўрсичқон ёҳуд тулки отларни ҳуркитиб юборди, деган хаёлга борди. Бундоқ шиддатли чопишга чидамаган айил бутунлай узилиб кетди, эгар қийшайди ва мувозанатини йўқотган бека тақир ерга гурсилаб йиқилиб тушди. Орқадагилар етиб келганида, Ўлжой ҳушсиз аҳволда ер билан битта бўлиб ётарди. Биринчи бўлиб Умаршайх онаси устига энгашди. Баайни углининг нафасини сезгандай, Ўлжой кўзларини базур очди ва кучли огриқни енганча узуқ-юлуқ шивирлай олди: «Ўгилгинам, унутма: амир Ҳусайн... — падарингнинг душмани». Худди шу маҳал яқинлашиб келаётган Такани кўрган она яна ҳушини йўқотди ва шу билан қайтиб ўзига келмади.

Шундай қилиб, Кешга икки-уч фарсах масофа қолганда, Ўлжой Туркон ога дорилфанодан дорилбақо сари рихлат этди...

Беканинг ўлимига сабаб бўлган қорабайирни Така ўз қўли билан сўйиб ташлади. Така ҳамма айбни қорабайирга тўнкаб тураверди. Лекин қотилнинг ўзи ҳам узоқ яшамади. Воқеани эшитган амир Ҳусайн, ортиқча гувоҳларсиз иш кўришни маъқул кўрди шекилли, дарҳол Таканинг калласини олишга фармон берди.

Барча расм-русумлар адо этилди. Бирдан чўкиб, кўзлари киртайиб қолган Темур хотинининг вафоти боис ўзини Ҳусайн билан боғлаб турган иплар бутунлай узилганини аниқ-таниқ ҳис этди. Темур Ўлжой айнан Соли Саройдан қайтаётиб фалокатга учраганини ҳеч қачон унутмайди. Энди умр йўлдошидан қолган икки ёдгори — Умаршайх билан Султон Бахтбегимни кўз қорачигидек асрайди.

Куз ўнгида юз берган фожиа Умаршайхни додиратиб қўйганди. У аввалига онасининг васият тариқасида айтган сўзларининг маъносини чуқур англаб етмади. Ниҳоят, сал ўзига келгач, угил бор гапни отасига тўкиб солди. Майли, бу сўзлар замирида не яши-

ринганини падари аниқлаб олсин, тогаси Ҳусайн нега ёқтирмаслигини ҳам...

Ўлжойнинг сўнги сўзлари Темурнинг кўнглини алгов-далгов қилиб юборди. Зеро, то шу дамгача Темур рўй берган фожиани тасодиф сифатида қабул қилишга мойил эди. Энди эса... Афтидан, чиндан-да, икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайдиганга ўхшайди. Қасам ўз йўлига, ҳаёт ўз йўлига. Ҳаёт ҳар қандай онтларни бир чақага қиммат этиб, яна давом этаверади...

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

ИХТИЛОФ

Темур Кешда Ўлжой Туркон оганинг қирқини ўтказди... Мовароуннаҳр шаҳарлари бўйлаб тентиган маддоҳлар эса куйлардилар: сингил замин қаърига кетди, ака қолди ҳам қучоғида; анинг кўнгли инграр аламдан, ёрилгудай боши оғриқдан. Таянчи ва ҳеши бўлган инсон бегонага айланди ва бу ҳол айрилиқдан кўра оғирроқ. Ҳар неки яхшилик бор, ҳар неки ёмонлик бор — барисига фақат тирикларгина жавобгар. Ажал эса ҳар иккаловидан мосуво этгай. Илло, ажал — ҳаёт ила видолашув демақдир. Маъқулотким, куйлардилар маддоҳлар, биз ҳаммамиз Аллоҳга тегишлимиз ва бир куни Анинг ёнига қайгармиз...

Мовароуннаҳрнинг икки ҳукмдори ўртасида пайдо бўлган зиддиятни кўпчилик пайқаб, ҳис қилиб турарди. Ниҳоят, ихтилоф ошқора тус олди. Милодий 1367 йилнинг кузида, Темур Қарши деворларини мустаҳкамлаётган пайт Жайхундин амир Шер Баҳром ташриф буюрди. У Темурнинг қуриқчилар минораси тикланаётган Гузор дарвозаси ёнидан топди.

Қурилиш ишлари авжида эди. Отидан тушган Шер Баҳром келиб Темур билан сўрашди. Сўнг, одатдаги ҳол-аҳвол сўрашишлар, манзиратлар тутагач, мақсадга кўчди:

— Сиз, амир жаноблари, қайгута ботиб, қурилиш ишлари олиб бораётганингиз маҳал хешлик ришталарини тамомила узган амир Ҳусайн беш мишг кишилик черик йиғди ва Қарши устига бостириб келмоқда.

Бу хабарни кутмаган Темур кескин оҳангда деди:

— Аллоҳ шоҳид, тинчлик Балх амирининг меъдасига теккан кўринадур. Ҳай, майли, не дердик, айт-

мишларки, сичқоннинг ўлгуси келса мушук билан уйнашур.

Яқин-яқингача дўст-биродар ҳисобланган қўшиннинг босиб келаётгани хусусидаги совуқ хабар бир пасда қаршиликлар оромини бузиб улгурди. Қурилиш таққа тўхтади. Ваҳимага тушган мардикорлар уй-уларига тарқадилар. Темур дарҳол ўз баҳодирларини йиғиши керак эди. Бироқ бунинг учун анча вақт кетарди, чунки аскар жангчилар олис туманларда истиқомат қилардилар. Бу ерда, Қаршида эса унинг бор-йўти ҳар бири юз жангчидан иборат тўрт қўшини ҳамда Алиберди бошчилигида шахсий қуриқчилари бор эди. Тўтри, тезликда кўнгиллилардан қўшин тузса ҳам бўлади. Бироқ нари борса минг киши йиғилар. Ҳусайнда эса қуроолланган беш минг жангчи...

Темур зудлик билан баҳодирлар кенгашини чорлаб, бир чопарни Кешдаги нуён Берқутга, яна бир чопарни эса Самарқанддаги Довуд Барлосга юбориб, уларни ўз қўшини билан Ғузорга етиб келишга фармон берди. Албатта, Ҳусайнга қарши ўзи ҳар бир қаричини ёддан биладиган тоғ этакларида жанг олиб борган маъқул. Яна бир тўп чопарлар Термиз туманларига, Хуросонда икки мингча навкар тўплай оладиган Сайфуддин ҳузурига елиб кетдилар. Вақт тигиз эди. Ҳозирча бор жангчилар билан Ҳусайнга қарши чиқишдан ўзга илож қолмаганди.

Балх туманларига жўнатилган амир Шер Баҳром Жайхуннинг чап соҳилига ўтган заҳоти амир Ҳусайннинг айгоқчилари қўлига тушиб қолди. Гоҳ Темурга кетиб, гоҳ ўзига қайтиб келавергани учунми, Ҳусайн «қаерга борса пит-пиддиқ» Шер Баҳромни кўргани кўзи йўқ эди. Шунинг учун, айниқса, Шер Баҳром Темур қароргоҳида бўлиб, уни ҳамма гапидан огоҳ этганини билганидан сўнг қони қайнаб кетган Ҳусайн унинг калласини танидан жудо этишга фармон берди. Хоиннинг қўлларини орқасига боғлашиб, салласини юлиб ташлашиб, амир ҳузурига келтирдилар. Ҳусайн маҳбусни бир тепиб ерга юзтубан йиқитди-да, тишларини гижирлатиб ўшқирди:

— Сен мудом кўп нарсани истайсан. Сен ҳатто менга-да тенглашмоқ истайсан! Сен қўрқоқ қўзичоқ мисоли бир чўпон илкидин бошқа чўпон илкига югуравердинг! Мана, хоинлигинг, мунофиқлигинг учун жавоб бермоқ фурсати етмиш! Эмди ифлос танангни сен азобга солгон руҳинг тарк этгуси, ялоқи!..

Шер Баҳром тепасида огзидан кўпик сачраб турган Ҳусайнни кузатаркан, ўзининг сўнгги соати келганини, энди ажалдан қутулиб бўлмаслигини англади. «Уладиган ҳўкиз болтадан тоймас», деганларидек, у хириллаб қолгунча бақриб деди:

— Ҳусайн, бул субҳи содиқ камина сўнгги тушимни кўрмишмен! Билурсенми, менга не аён бўлмиш? Темур Балҳда сенинг каллангни олмиш! Каллангни! Кал...

Ғазабдан дағ-дағ қалтираб кетган Ҳусайн қиличини кўтариб... баҳодирнинг қалин бир урим сочини ушлади ва бир зарбда кесиб ташлади. Бир муддат жим қолган Шер Баҳром ҳали ўзининг омон эканлигини англагач, қичқиришда давом этди:

— Худойим! Сўнгги ўтинчимни бажо эт! Соҳибқирон ҳазратларининг зафар ёмғирлари Ҳусайн бошига ажал бўлиб ёғулсун! Илло, Ҳусайндай очкўз ва қонхўр ...

Қилич зарб билан урибди ва бу сафар ҳаммаси тугади. Шер Баҳромнинг калласи амирнинг оёқлари орасига юмалаб тушди. Кесилган бўйнидан қон тизиллаб оқди. Ҳусайннинг қоп-қора, ялтироқ этиги қонга беланди. Амир илгари ҳеч қачон ҳўкм қилинганларни шахсан қатл этмаганди. Чеккароқда турган саркардалар амирнинг этиги қонга беланишини ёмонлик аломатига, хосиятсизликка йўйдилар.

Ҳусайн қиличини ерга отиб юборди ва этигини янгилашларини буюрди. Шер Баҳромнинг ишонч билан гапириши уни довдиратиб қўйганди. Ким билади, эҳтимол, Темур катта қўшин тўплаб улгургандир.

Бу орада эса саркардалар тобора баланд овозда ўзаро шивирлашардилар:

— Ёмон аломат!

— Бехосият иш бўлди!..

Темурнинг қўмондонлик салоҳияти Ҳусайнга яхши маълум эди. Шунинг учун бўлса керак, бирон ишончлироқ тадбир топилгунча вақтни чўзиб туришга қарор қилди. Ҳатто Темурга мураса оҳангидаги мактуб йўллашни ҳам унутмади. Ўзи эса бу орада тинмай қўшини сонини оширишининг тадоригини кўраверди.

Темур Ҳусайннинг чопарлари бўлмиш Малик ва Абдуллоҳни ўзига қўшимча куч кутаётган Ғузур қўргонида қарши олди. Малик номани узатди. Соҳибқирон уни очиб, ўқиди: «Аллоҳнинг иродаси ва марҳа-

мати ила биз сўнги вақтларда жамики мушкулотларни иттифоқликда ҳал этдик. Биз барча соҳаларда тенгқурмиз. Истагим: бундан сўнг ҳам ҳамжиҳатлигимиз давом этса ва бир-биримизда дўстлигимизга нисбатан заррача иштибоҳ уйгонмаса...»

Ушбу мактуб Темурга ҳеч бир қаноат бахш этмади. Ҳусайн яна алдамоқда эди ва бу — мактубдаги ҳар битга сўзда яққол намоён бўлиб турарди.

Темур элчиларни яхшилаб иззат-икром билан меҳмон қилишга фармон бериб, уларга жавоб бергач, саркарда ва раият бошлиқларини машваратта чорлади. Кўпчилик мактубни тинчлик сари узатилган қўл, деб тушунди. Тинчлик ҳар нарсадан улуг, дейишди лашкарбошилар, имкон бор экан, бир-биримизнинг қонимизни тўкмайлик, тонг-ла маҳшар беҳуда тўкилган қон эвазига жавоб бермоқ жазосига ўзимизни маҳкум этмайлик. Дилида норозилик туйса-да, Темур машварат аҳли фикрига қўшилганини билдирди ва ҳаттотга айтиб туриб тубандаги мактубни битди: «Дўстлик хусусидаги ушбу аҳдномамиз Аллоҳ иродаси ила юзага келмиш. Агарким, зиммамизга шундоқ улкан мажбуриятлар олгондин сўнг ҳам нифоқ чанги либосларимизга қўнар эркан, Аллоҳ жазоимизни бергай. Аҳдномамиз мулкимизга фароғат ва барақа олиб киргай. Илло, ихтилоф мулкимизни оқилона бошқариш имконидин Мосуво этгай...»

Темур аҳдномани Қобулшоҳ улиmidан сўнг Самарқанддан ҳузурига келиб, шундан буён муқим бирга яшаб келаётган Содиқ дарвешга тутқазди. Бу камгап, гамгин дарвеш соҳибқиронга маъқул келиб қолганди. Қароргоҳда Содиқ буткул эркин бўлиб, биров унинг мушугини «пишт» деёлмасди. У истаган маҳали Темур ҳузурига кириб келаверар ва унинг ёнида узоқ вақт индамай ўтираверарди. Бироқ зеҳн солиб қараган одам дарвеш тиловат ила банд эканлигига амин бўлар эди. Бу ҳолат соҳибқиронга хуш келар, баайни у кўнгил хотиржамлиги воситаси эди. Намоз маҳали келганда ҳам Темур дарвешни ўзи билан олиб кетарди. Соҳибқироннинг жойнамози ила дарвешнинг одми белбоғи мудом ёнма-ён ёзиларди. Бу гуё Аллоҳ қошида шоҳу гадо баробар эканлигини яна бир бор тасдиқлаб тургандай эди. Энг машаққатли дамларда Темур дарвешдан тиловат қилишни сўрарди. Темур дарвеш билан фақат илоҳий мавзуларда эмас, кундалик ташвишлар борасида ҳам суҳбатлашар, ундан йўл-йў-

риқлар, маслаҳатлар сураб турарди. Бироқ Содиқнинг маслаҳат бериши ҳам ўзгача йўсинда кечарди: у сира тўғридан-тўғри гапирмас, ўзгача шаклда, аскар Қуръондан суралар ўқиб Ёҳуд бирон қадимий афсонани айтиб бериш билан кифояланар, бироқ зеҳнли одам шу айтилганларнинг ўзиданоқ керакли гапни англаб оларди.

Темур дарвешга аввало Ҳусайнга ёзилган номани ўқишга берди. Нома билан танишиб чиққан дарвеш бир муддат ўйланиб қолди. Кейин қайгули кўзларини Темурга тикиб Қуръондан бир сурани ёддан ўқиб берди ва шу билан кифояланди, Темур бироз мулоҳаза қилди, лекин бари бир номани юборишга аҳд этди. Майли, кўп йиллик дўсти Ҳусайнни яна бир бор си-наб кўрсин.

Дарвеш элчилар билан қўшилиб жўнаб кетди.

Темур Ҳусайннинг асл мақсадидан воқиф бўлиш ниятида айгоқчиларини йўллади. Ва улар ҳаммаси тезда ташвишли хабарлар билан қайтиб келдилар. Ҳусайннинг кундан-кунга сони ошиб бораётган қўшини тоғ дарасидан ўтиб, Гузор томон келмоқда эди. Ҳусайн билан биргаликда амирлардан Муборакшоҳ, Шайх Муҳаммад, Мусо ўз ўгли Муҳаммад билан келмоқда эдилар. Демак, Ҳусайн ўз ниятидан воз кечмаган, улар ўртасидаги муносабатни энди фақат қонли муҳорабагина бир ёқлик қилиб бера олади. Чекинишга йўл йўқ эди. Темур табиатига хос ғайрат-шижоат ила қўшинини жангга ҳозирлай бошлади.

Темур атиги икки минг кишилик қўшин билан Ҳусайн лашкарига қарши чиқди. Минг кишини у Қаршида қўргонни ҳимоя қилиш учун қолдирди. Темур Хуросондан амир Сайфуддин икки минг кишилик қўшини билан ўзига қўшилиш учун ошиғич келаётганидан бохабар эди. Самарқанддан эса бир ярим минг нафар отлик қўшини билан Довуд Барлос кўмакка ошиқмоқда. Ҳозирча Темур Ҳусайннинг ўн икки минг кишилик лашкарига фақат шуларнигина қарши қўя оларди.

Лекин жангчиларининг икки баробардан кўпроқ экани Ҳусайннинг кўнглини унчалик тўқ этмаётганди. Зеро у Соҳибқиронга аксар ҳолларда омад ёр бўлишини яхши билар, шунинг учун ҳам кучига эмас, кўпроқ айёрлигига умид боғларди.

Содиқдан Темур номасини олиб, мазмуни билан танишиб чиққач, Ҳусайн мамнун бўлди. Сўнг дарвеш

ёнига ўзининг устози Хизрни қўшиб Темур ёнига жўнатаркан, Қуръонни олиб кўп йиллар давом этган дўстлиги ҳаққи тантанали оинт ичди. Қуръони карим қатига эса ўзининг номасини қўшиб юборди: «Икковимиз уртамиздаги ихтилоф давлатимизнинг парчалашиб кетмоғи ҳамда фуқароларимиз орасига низо солиб, аларни пароканда этмоғига шак йўқ. Фақирга аёнким, сизнинг бебаҳо тугма фазилатларингиздин бири аҳли мўминга хайрихоҳлик ва имкон қадар аларнинг кўнглини овламоқдур. Майли, каминанинг лашкари Чағонда қолсун, сизники эрса Ғузорда. Ўзимиз, ҳар бировимиз юз баҳодур ила, Чоғичоқ дарасинда юзма-юз учрашиб, бад ниятли кимсалар орамизга нифоқ солмаслиги учун дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз борасинда бафуржа маслаҳатлашиб олсак, билъакс, биз ушбу хайрли юмушга қўл урмас эрканмиз, давлатимиз осмондаги ҳаловат булутлараро тумандай тарқалур...»

Ҳусайн Чоғичоқ дарасида рақибини маҳв этмоқни ва шундан сўнг Мовароуннаҳрда якка ҳукмрон бўлиб қолмоқни режалаштирганди. Фақат Темурни ўз ниятларининг самимийлигига ишонтиролса бўлгани. Бироқ бир бор огзи куйган Темур олдиндан эҳтиёт чоралари кўриб қўйишга аҳд қилганди. У қўшинининг асосий қисмини ҳар куни чопар юбориб туриш шарти билан Ғузорга қайтарди. Алибердини эса юз жангчи билан Қаршига йўллаб, Ҳожи Олим ва унинг оиласини бу талотўплардан йироққа, туркман чўлларига олиб чиқиб кетишни буюрди. Алиберди бу эҳтиёткорлик замирида пинҳон мақсадни яхши тушуниб турарди: ҳокимият учун кураш ўзининг авж нуқтасига кўтарилди.

Чоғичоқ дарасига Темур уч юз жангчиси билан борди, икки қисм қўшинини дарадан унча узоқ бўлмаган адирга пистирмага қўйди. Даранинг узига эса Соҳибқирон олдиндан келишилганидек, бор-йўғи юзта жангчиси билан кириб борди. Адирга яширинган қўшинларга Довуд Барлос бошчилик қиларди. Айғоқчилар дарага олиб кирадиган иккинчи йўлдан кўз узмай туришарди. Мабодо амир Ҳусайн дарага юзтадан ортиқ жангчини бошлаб кирса, Довуд Барлос рақибнинг чиқиш йўлини беркитиб, уларга орқадан ҳужум қилиши лозим эди.

Амир Ҳусайн учрашувга пухта ҳозирлик кўрди. У узича Темурни йўқ қилиб ташлаш учун уч юзта баҳодирим етарли, деган фикрда эди. Ҳусайн амир Мусо

билан унинг угли Муҳаммадни беш минг жангчидан иборат қўшинга бош этиб, Қаршини босиб олишга юборишни ҳам унутмади. Мабодо, тусмолларди Ҳусайн, бу гал ҳам омади чопиб, Темур қопқондан омон чиққан тақдирда ҳам Қаршига бориб яширинишдан ўзга иложи қолмайди. Мана шунда иккинчи қопқон ишга тушади ва унда ҳеч қандай мўъжиза Соҳибқиронга кўмак беролмайди.

Ҳусайн Темур дарага юзта жангчиси билан кириб келаётгани ҳақида хабар олди. Муваффақиятга ишончи ортган амир мамнун тарзда уч юз баҳодири олдига тушиб йўл бошлади. Бироқ сўнгги жангчи дарага кириши биланоқ қопқон ёпидди! Фақат амир Ҳусайнники эмас, Соҳибқиронники. Шартли олов тутуни кўкка урлаши билан Довуд Барлос бошчилигидаги қўшин амир Ҳусайннинг уч юз баҳодири устига шердай ташланди. Қий-чув, урҳо-ур, отларнинг жон аччигида кишнаши дарани тутди. Қиличлар аямай бошларни узар, ер қип-қизил тус олиб бормоқда эди. Яна Темурга омад кулиб боққанини, ўзининг аҳволи аянчли даражада огир эканини Ҳусайн дарҳол англаб етди. Айёрлиги бу сафар унга панд берганди. Олдинда юз жангчи, орқадан эса ким билади қанча қўшин от суриб келмоқда. Демак, фақат ва фақат олдинга ҳужум қилиш керак. Ҳусайн наъра тортганча баҳодирларини Темур устига бошлади. Ҳар нечук, жасур баҳодирларининг шамширлари иш бериб, Ҳусайн элликтача жангчи билан сиртмоқни ёриб ўтди ва Ҳаром қишлоғи ёнида турган захирадаги лашкари томон отини елдек учуриб кетди. Қишлоқ ёнида етти минг кишилик отлиқ жангчилар сабрсизлик ила муҳорабага киришни кутиб турардилар. Амир уларни Темур қўшинлари устига бошлади. Бу орада Соҳибқирон, Ҳусайн тахмин қилганидек, Гузор томон йўлга тушиб, ўзининг қолган лашкарига қўшилиб олди. Темур қўшинини Қарши йўлига олиб чиқди. Кўп жанг кўрган забардаст кўмондон сифатида Темур фақат кўргоннинг мустаҳкам деворлари ортидагина тўрт минг жангчи ўн икки минг жангчининг ҳужумини қайтара олишини яхши тушуниб турарди. Темур ҳали Беркўт Қаршини душманга жангсиз топшириб, ҳозир ўзи томон жангчилари билан шошиб келаётганидан беҳабар эди. Беркўт ортиқча қон тўкмаслиги, жангчилари беҳудага ўлиб кетмаслиги учун шундай йўл тутганди. Ахир, ҳал қилувчи жанглр энди бўлади-ку!

Берқутнинг беш минг душман жангчиси олисда кўрингандаёқ ўз қўшинини шаҳардан сездирмасдан олиб чиқиб кетганини, чунки шаҳарга бежавотир кириб келган ёғий қолқонга тушгани билан баробар эканлиги хусусидаги куйиб-пишиб тушунтиришларини эшитаркан, Темур ўз амирининг қўмондонларча, мантиқан теран фикр юритишидан ич-ичидан қувониб кўйди. Темур машварат чақириб ўзининг режасини ўртага ташлади: Жайхун ортига ўтиб, Сайфуддин лашкари билан қўшилиш, сўнг, яна имкон қадар куч йигиб, рақиб ҳушёрлигини йўқотган заҳоти кўққисдан ҳужум қилиш. Режа маъқулланди. Шак-шубҳасиз қўшин изидан айгоқчиларини юборган Ҳусайнни чалғитиш учун эса Темур қуйидагича йўл тутди: Чоқу Барлосга уч юзта жангчи бериб, отларига иложи борича кўпроқ шох-шаббалар ортган ҳолда Қарши томон тез чоғиб кетишни, осмонга чанг булути кўтариши лозимлигини уқтирди. Шундай чанг кўтарилиши керакки, узоқдан қараган одам камида уч мингта отлиқ жангчи кетаяпти, деб ўйласин. Қоронғу тушгандан кейиноқ барча жангчилар отларидан шох-шаббаларни олиб ташлаб, саҳро бағрига сингиб кетишлари лозим.

Чоқу Барлос чиндан ҳам уч юз жангчиси билан ҳаммаёқни чангга кўмиб ташлади. Темур қўшинининг қолган асосий қисмини тепаликлар ортига олиб ўтиб яшириниб турди. Ҳийлага учган Ҳусайн Чоқу Барлос ортидан бутун қўшинини бошлаб ўтиб кетди. Сон-саноксиз отлар дупури анча узоқлашгандан кейингина Темур қўшини билан Жайхун бўйига йўл олди.

Қўшин дарёнинг чап қирғоғига сузиб ўтди. Сайфуддин лашкари уларни кутиб турарди. Албатта, ҳужум қилиш учун етарли куч тўпланганди. Бироқ бундай ишда шовшилмаган маъқул. Темур чопарлари Хуросон, Балх, Ҳирот туманларига елиб кетдилар. Темур туркман Алибердининг киндик қони томган ўтовда, қачонлардир ўзи зиндонда ўтирган Маҳон қишлоғида қўшимча куч келишини кута бошлади. Фарзандлари ҳам шу ерда эди. Ўлжойнинг фожиали ўлиmidан кейин у болаларни янада кўпроқ асраб-авайларди.

...Темурнинг кўп минг кишилиқ қўшини саҳрода эриб кетгандай йўқ бўлди-қолди. Ҳусайннинг айгоқчилари уларни тополмай гаранг эдилар. Ахир қайси ақли қосир сувсиз-сардобасиз улкан саҳрода одам изи-

ни қидириб юради? Сарҳадсиз саҳро ўз бағрида минг-минглаб жангчиларни яширмоғи мумкин. Фақат қушларгина барханлар орасига яширинган қушинни кўра олади. Жангчиларнинг ҳаммаси сувсизлик ва очликдан ўлиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Айгоқчилар ҳам ўз ҳукмдорларига шундай сабабни рўкач қилиб туриб оладилар. Аммо келажак Соҳибқирон бошига бу гал ҳам Ҳумо қуши қўнганини кўрсатди.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

ҲУСАЙН ҚУШИНИНИНГ ТОР-МОР ЭТИЛИШИ

Ҳамиша одамлар қуршовида бўладиган Темур Ёлғизликни яхши кўрар ва қадрлар эди. Таассуфки, бундай дақиқалар унга камдан-кам насиб қиларди. Балки шунинг учундир, сал қўли бўшади дегунча овга шошиларди. Абдулоҳ ботир билан Мубошир полвон ҳукмдорнинг бу одатини яхши биланлари боис, ўз вақтида уни Ёлғиз қолдириш кўникмасини пухта эгаллаб олган эдилар. Шу билан бир қаторда улар олисдан бўлса-да, Темурни кўздан қочиришмас, чор-атрофни диққат билан кузатишар, югуриб ўтган бир юмронқозиқ ҳам улар назаридан четда қолмас, чунки айни ов пайтларида кўплаб аъёнлар гоят сирли тарзда ўлим топиши у ёки бу музофотда тез-тез учраб турадиган ҳодиса эди.

Маҳонда Темур овга чиқиши мумкин эди.

Ададсиз саҳро бениҳоя гўзал. Йўқ, саҳрода ёввойи ҳайвонлар, парранда-даррандалар бисёр эмас эди, бу борада Жайхун тўғонлари бўйига тенг келадиган маскан топилмасди, қум денгизида кўпроқ тошбақаю илонлар учраб турарди, холос. Ва-лекин инсоннинг ўзи билан ўзи қолиб, бафуржа мулоҳаза юритиши учун тенгсиз маъво бор эди. Зеро, ов завқи фақат бирон жониворни қўлга киритишдангина иборат эмас-ку. Ўша ўлжани тутиш жараёнидаги қидирувлар, изидан тушувлар, таъқиб — буларнинг бариси ажиб бир гайрат ва шижоат билан бажарилади. Шу лаҳзаларнинг ўзидаёқ ўлжага нисбаган қимматлироқ эмасми?

Соҳибқирон ҳамроҳларини ортда қолдириб, суви қуриган ирмоқни кесиб ўтди ва уфққа қадар чўзилиб кетган саҳро ила юзма-юз қолди. Темур йўлида дастлаб учраган қум тепалигини ошиб ўтди. Ажаб, дунё

бамисоли туя уркачлари янглиг, икки бархан орасичалик қисқаргандек туюлди. Темурнинг кўнгли хотиржам тортди, онги ҳам фавқулодда тиниқлашарди. Темур тиловат қилаётган мўмин ҳолатида тиз чўқди. Юмшоқ қум унинг оқсоқ оёғини илиқ кучоғига олгандай туюлди.

Соҳибқирон ширали овозда қироат қилишга тушди. У ракаат кетидан ракаат уқир, тобора Қуръоннинг сеҳрли оҳангига маст бўлиб борарди. Темур қўлларини юқорига кўтариб, Аллоҳга мурожаат қилаётган палла бархан тепасида турган Ҳизр бувани кўрди. Уни диққат билан кузатаётган Ҳизр сўз қотди:

— Сенинг Аллоҳдин нени илтижо қилаётганингни билиб турибмен. Сен мусулмон оға-иниларинг қонини тўкишни истамассен. Айнан шул истақда сенинг қудратинг намоендур. Илло, ўз оға-инисига қарши илк шамшир кўтаргон кимса Аллоҳ олдида берган қасамёдини бузгон гуноҳкор даҳрийга айланур. Аллоҳ ҳар нимарсанинг меъёрини белгиламиш. Дунёдаги жамики яхшилигу ёмонлик, каттаю кичик ишлар, қисматлар — ҳамма-ҳаммаси Парвардигоримиз томонидин ҳисоб-китоб қилиб қўйилмиш.

Шу топ Ҳизр бува пича сукутда қолди. Бобонинг оёқлари тагидан қум оқаётганини кўрган Темур фурсатдан фойдаланиб:

— Мен ўз иродамни Яратгон эгам ихтиёрига бермушмен, — дея гап қўшди.

Ҳизр бува Соҳибқиронга қайғули нигоҳини тикди. Сўнг садо берди:

— Амир Ҳусайн иблис қутқусига учиб, Аллоҳ исмини ёддан чиқарганлиги боис мудҳиш жазога мустаҳқил бўлмай. Ва-лекин, анинг беш кунлик дунёда топган даҳшатли қазоси Азроил жонини олиб боргон арши аълода кечадиган қийноқлари олдида ҳеч гап бўлмай қолгуси... Сен эса, Темур, буш вақтингнинг барисини тиловатга бағишламоқдасен. Тиловат фаришталарни ўзига жалб этадур. Кимки чин эътиқод ва эътимод ила «Аллоҳ» исмини тилга олур эркан, фаришталар ўшал зот ҳузурига шошилмишлар. Фаришталар ҳар бир мардумни ҳимоялаб юрурлар. Ҳар бир онадин тугилгон инсоннинг ўз фаришта-қўриқчилари бордур. Ўшал фаришталар инсонларни қисмати-га ёзилмаган бало-қазолардин асрайдурлар. Қисмати-га битилмиш ёзиқдин эрса бир зот қочиб қутулолмагай. Огоҳ бўл, Соҳибқирон! Сенинг бошинга Аллоҳ

марҳамати Ёгилмиш. Яратган барча инсонларга икки фаришта йўллаган ҳолда, сенга тўрттасини ажратмиш. Икки фаришта сенинг орқа ва олдинда ҳимояда турур, қолгон иккаласи эрса — ўнг ва чап ёнингда.

Ҳизр сўнгги жумлани овозини кўтариброқ айтди. Ва шу лаҳзаларда Темур гаройиб манзаранинг гувоҳи бўлди: туйқусдан қум барҳанларида мўри-малаҳдай бижгиб ётган сон-саноксиз девлару жодугарлар пайдо бўлишди-ю, тўғри унинг устига бостириб кела бошлашди. Темур бу бадбашара махлуқлардан бирида Ҳусайн сиймосини кўрди. Аммо Соҳибқироннинг қўриқчи фаришталари уларнинг биронтасини ҳам яқин келтирмай, ўз соҳибини садоқат ила қўриқлашардилар. Дев-жодугарлар баайни кўринмас тўсиққа дуч келгандай минг чираниб, ўлиб тирилсалар-да, маълум доирадан ичкарига ўтолмасдилар.

Темур «Оллоҳу акбар!» дея хитоб этароқ қўллари-ни янада баян кўтариб, юзига тортди, сўнг бошини ерга эгди. У қайтиб қаддини тиклаганида, Ҳизр ҳам, дев-ажиналар ҳам гойиб бўлишган эди.

Темур ҳазрати Ҳизр бува пайдо бўлганини яхшилик аломатига йўйди. Бешак, у Ҳусайнни мағлуб этajak. Темурнинг дили равшан тортди. Ҳусайнни енгмоқ қасдида неки ишга қўл урса — бариси адолатдан-дур.

Тезда Темур лашкарига Балх ва Хуросондан қўшимча кучлар келиб қўшилди. Шунда Соҳибқирон вақт етганини англади ва Ҳусайндан шаҳарни тортиб олмоқ учун қўшинини Қарши сари бошлади. Лашкар Маҳондан чиқиб кетиши олдидан жанговар либосларини кийган Темур эгарга ўтирган чоқда дарвеш Содиқ ўртага чиқиб, Қуръон тиловат қилди:

— Бисмиллоҳир Раҳмонир роҳийм! Ал-ҳамдулиллоҳи Раббил аъламин ар-Раҳмонир Роҳийм. Молики явмид дийн иййака наъбуду ва иййака настаъийн ихидинас сиротал мустақийм сиротал-лазийна анъамта алайҳим гайрил мағзувби алайҳим валаз золлийн. Омин! Омин, Оллоҳу акбар!

— О-оми-ин! — дея гуриллаб дарवेशга жўр бўлди қўшин.

Шундан кейин Содиқ отига миниб, Темур яқинига келди:

— Суянганимиз — Ёлғиз Аллоҳи таоло. Илоё, бу сафар ҳам омад амир Ҳусайндин юз ўтириб, сизга ҳамдам бўлгай!

Бунга жавобан Темур Қуръон сурасидан бир жумла келтириш билан кифояланди:

— Иймонли кишилар Ёлғиз Аллоҳагина суйансинлар!

Темур от жilовини силтади. Қўшин йўлга тушди.

Айғоқчилар Ҳусайн Қаршида йўқлигини, шаҳарда ун икки минг жангчидан иборат қўшини билан амир Мусо ҳукмдорлик қилаётганини хабар қилишди. Албатта, тўғридан-тўғри бостириб бориш учун Темурнинг кучи кам эди. Шунинг учун у айёрлик ишлатишга жазм этди. У Сайфуддинга ўз жангчилари билан шаҳарга очиқ-ошкор яқинлашишни, жанг бошланар-бошланмас гўё чекинган бўлиб, Бухоро йўлига, саҳрога от солишни буюрди. Қизиққон рақиб Сайфуддин қўшини орқасидан таъқиб учун қанча кўп жангчисини юборса — шунча соз.

Сайфуддин лашкари тезда уфққа сингиб кетди. Темур эса Қаршига бир кунлик йўл бўлган улкан Касби қишлоғида тўхтади.

Икки кундан кейин тер ва чанга ботган ҳолда от чоптириб келган чопар Соҳибқирон режаси амалга ошганини, амир Мусо етти минг жангчиси билан Сайфуддин ортидан қувиб кетганини хабар қилди. Темур шу заҳоти жангга тайёр ҳолатда турган лашкарини Қаршига ташлади. Улар шаҳарга душман сира кутмаган Ғузор дарвозаси орқали кириб боришга аҳд қилишди.

Қўшин илдам юриб Ғузор дарвозасига яқинлашди ва Темур ишораси билан тўхтади. Соҳибқирон ненидир кутаётганини иллаган Чоқ у Барлос таклифини айтди. «Мен дарҳол ҳужумга ўтмоқ тарафдоримен. Биз қўққис ҳужум қилурмиз ва ёғийни саросимага солиб, қисқа фурсат ичинда музаффар бўлурмиз!»

Темур содиқ баҳодирга хотиржам жавоб қайтарди: «Маслаҳатинг пухта, ва-лекин мен ўзгача йўл тутмоқчимен. Кўр-кўрона жангга отилмоқ учун кучимиз оз. Билъакс, энди мушкул вазиятга тушиб қолсак, сўнг қўшин тушлаш осон кечмагай. Шул сабабдин, сен шунда ўлтира тур, мен эса Қаршига зумда бориб, вазиятни аниқлаб қайтурмен...»

Темур ёнига фақат икки жангчи — Абдуллоҳ ботир ва Мубошир полвонни олиб шаҳар сари юрди. Қўрғон девори ёнида қазилган ариқда тизза бўйи муздай сув бор эди. Темур билан Абдуллоҳ ботир уни кечиб ўтишди. Мубошир полвон бўлса отларни қў-

риқлаб қолди. Қўргон деворининг бир жойи Темурга андак пастдек кўринди. Соҳибқироннинг имоси ила Абдуллоҳ ботир шу жойга бир учида махсус тайёрланган илгичи бор арқонни отди. Арқон деворга маҳкам ёпишди-қолди. Икковлон арқонга осилиб девор саҳнига кўтарилишди ва пастга осилиб тушишди. Кўчалар жимжит эди. Темур ва Абдуллоҳ эҳтиёткорона юриб Гузор дарвозасига келишди. Унинг ёнида қуриқчи зотидан асар йўқ эди. Темур «бу ерда бирон-бир ҳийла бор шекилли», деган хаёлда сергак тортди, ammo тезда гап нимадалигини тушунди. Дарвозанинг иккала табақаси маҳкам беркитилиб, ортига арава-арава нам тупроқ тўкилганди. Демак, мабодо Темур лашкари бостириб келиб, дарвозанинг нариги томонидан мис қопланган эман тўқмоқларда кун бўйи уриб турган чоғида ҳам дарвоза очилмасди! Нима қилиш керак! Афтидан, шаҳарга Бухоро дарвозаси орқали киришдан ўзга илож йўқ шекилли. Девор тешадиган қурилмаларни ҳам ўша ёққа ташиб ўтиш керак.

Темур билан Абдуллоҳ яшириниб-биқиниб, Бухоро дарвозасига ҳам яқинлашиб келишди. Ўнтача қуриқчи қўйилган экан. Балки уларни шамширдан ўтказиб, дарвозани очиб қўя қолиш осон кўчар?..

Ҳукмдор саройи ёнида эса сон-саноксиз қуриқчилар туришарди. Демак, амир Мусо оиласи шу ерда, уларни банди этиш фойдадан холи эмас. Темур ишора билан Абдуллоҳни ёнига чорлаб, қулогига шивирлади: «Шаҳарга кирган онимиз шул саройга келиб, амир Мусо яқинларини, ҳарамини, оиласини асирга ол. То мендин фармон бўлмагунча ҳеч кимса аларнинг бир тола сочига-да озор етказмасун!».

— Фармонингиз шаксиз адо этилур, — пичирлади Абдуллоҳ ботир эгилиб таъзим қиларкан, оғзи қулогига етиб. — Озор етмак у ёқда турсин, бирон бир номаҳрамнинг кўзи аларга тушмагай. Айниқса, ҳарамдагилардан биронта жонони кўнглимга ўтириб қолса, мен ани шундай қуриқлайинки...

Абдуллоҳ ботир пихилаб кулиб юборди. Темур кўз қисиб қўйди.

Икковлон тезда орқага қайтишди. Шу заҳоти ҳужум режаси ишлаб чиқилди. Баҳодирлар Темур ва Абдуллоҳ юрган йўлдан боришди. Ногаҳон — ташқаридан эмас, ичкаридан бошланган ҳужумни кутмаган Бухоро дарвозаси қуриқчилари ҳатто қаршилиқ кўрсатишга ҳам улгуролмасдан сассиз таслим бўдилар.

Дарвозанинг иккала тавақаси кенг очилди. Ариқ устига ўрнатилган осма кўприклардан жанговар отлар гулдираб ўтдилар. Бургулар чалинди. Рақиб ваҳимада қолди. Қаршилиқ деярли кўрсатилмади. Қилич кўтариб чиққанларнинг бариси кўчаларнинг ўзида ўлдирилди. Рақибнинг саноқли кўшинигина девордан ошиб жон сақлаб қолди. Қолганлари эса асир тушди. Абдуллоҳ ботир ваъдасига вафо қилиб, амир оила аъзоларини битта қолдирмай асирликка олди. Ботир башорат қилган экан. Амирнинг хотинлари ва фарзандлари билан бир қаторда беш-олтита сулув-сулув канизаклар ҳам унинг қўлига тушиб қолди. Улардан бири, қадди-қомати келишган, булиқ кўкраклари диркиллаб, сурма суртилган кўзлари чақнаб турган хоразмлик жорияга бир қарашда кўнгли кетган эканми, Абдуллоҳ гўдаиб олиб, қиличини яланғочлаганча қизнинг ёнидан кетмас, шу туришда гўё: «Ўлдирсанг ўлдир, лекин бунга тегинма!» — деяётгандек эди. Темур сўраб-суриштириб билдики, бу қиз жория ҳисоблангани билан аслида Хоразм бош вазирининг қизи экан. Сўроқ асносида Абдуллоҳнинг ўзига ўқрайиб қараётганини кўрган Темур охири чидай олмай баралла кулиб юборди:

— Ол, ботир, шул қиз сеники! Бундоқ жавоҳир фақат сенга муносиб!

— Ҳукмдорим! — гул этиб тиз чўқди ҳаяжонланиб кетган Абдуллоҳ, — саховат ва мурувватингизнинг чеки йўқ. То қиёматгача қулингиздурмен!..

— Ҳуш, исминг недир сенинг? — сўради Темур жориядан.

— Барчин, — ёқимли овозда жавоб берди қиз.

— Ол, ботир, ол Барчинингни...

Темур бандилар сафида турган, ўзига еб қўйгудай нафрат билан тикилаётган ун беш ёшлардаги ўсмирга эътиборини қаратди. У амир Мусонинг ўгли Муҳаммадбек эди. Чоқу Барлос ортидан кўшинини бошлаб кетаётган амир Мусо шаҳардаги лашкарини ўғлига ишониб топшириб кетганди.

Ўзига ҳам нафратланиб, ҳам андак қўрқиб қараётган ўсмирни диққат билан кузатаркан, Темур шу йигитча тенги ўгли Жаҳонгирни эслади.

Жанг болалар иши эмас. Темур Муҳаммадбекка ачиниб кетди. Шунинг учун Берқутта Муҳаммадбекнинг қочиб кетишига шароит туғдириб беришни шаъмали гаплар орқали тушунтирди. Майли, асирлик-

да хор бўлиб, интиқом ўтида ёниб юргандан кўра отасига бориб Темур лашкарининг мардлиги ва топқирлиги хусусида сўйлаб берсин.

Берқут фаросатлигина жангчи эмасми, айтилганларни керагидан зиёда қилиб адо этди ва тезда Муҳаммадбек асирликдан қочди. Темурнинг қўлида амир Мусонинг кенжа хотини — қорнида тўққиз ойлик ҳомиласи ила Орзумулк ога қолди. Ё тўлғоқ тутиш вақти келдими, ё қўрқув тўлғоқни тезлаштирдими, ишқилиб, у шу куннинг ўзидаёқ қизчалик бўлди. Уни Тумон ога деб аташди. Тақдир уйинларини қарангки, орадан ўн беш йил ўтиб, шу бир парча эт тўлиг ойдай сулув қизга ҳамда Темурнинг суюкли хотинига айланажак... Ҳозирча эса Соҳибқирон қўл остидагилардан кўзи ёриган онага алоҳида ғамхўрлик қилишни, унинг ҳар бир талабини алоҳида масъулият билан адо этишни талаб қиларди...

Темур оқшом қўниши билан Қаршидан ўз қўшинини сездирмасдан олиб чиқиб кетмоқ тадоригини кўра бошлади. Буни эшитган саркардалар ҳайрон бўлиб елка қисардилар: наҳот улар ором олишга лойиқ хизмат қилмаган бўлсалар? Бироқ Соҳибқирон ўз сўзидан қайтадиганлардан эмасди. Ноилож буйруқ адо этила бошланди. Фақат нўён Берқут ҳамда амирлар Сарбуга ва Довуд Барлос бошчилигидаги бир неча юз жангчигина шаҳар дарвозаларига туташ деворларга яшириниб олдилар. Қолганлар эса яна саҳро бағрига кириб кетдилар. Улар ортидан Бухоро дарвозалари ёпилди.

Тез орада Темурнинг асил нияти баҳодирларга аён бўлди. Ўғлидан жанг тафсилотини эшитар-эшитмас рақиб не учун уни шаҳардан ташқарига олиб чиққанини англаган амир Мусо ўзининг барча қўшинларини жон аччигида Қаршини қайта босиб олиш учун сафарбар этди. То дарвозалар синдирилгунга қадар ўтган талотўзда амир қўшини ортидан Темур лашкари урҳо-ур билан босиб келганини ҳам сезмай қолди. Темур асосий қўшин билан орқадан ҳужум қилган бўлса, Сайфуддин ўз қўшини ила ўнг қанотдан қақшатқич зарба берди. Деворларга ўрнашиб олган Темур жангчиларининг тинмай камондан ўқ узиб туришлари эса амир Мусо жангчиларини буткул эсанкиратиб қўйди. Хуллас, амир Мусо қопқонга тушган эди. Шунга қарамай жанг кун бўйи давом этди. Амир Мусо шунча қурбонлар келтираётган бўлса-да, ҳамон ўлар-тириларини билмай олишарди.

Намозшомга бориб жанг ҳовури биров пасайди. Жангчилар қароргоҳларига қайтиб, ҳордиқ олишга тушдилар. Фақат кекса Берқутгина дам олиш нелигини билмасди. У Темурга чопарини йўлаб, тунда Гурзор дарвозасини тупроқдан тозалашини, тонг саҳарда айнан шу томондан ҳужум қилишини билдирди. Душман бу тарафдан ҳужум бўлишини хаёлига келтирмагани боис оз сонли жангчилар билан ҳам катта ютуқни қўлга киритса бўлади. Темур бу режани қизгин маъқуллади.

Ҳужум кўнгилдагидай бўлди. Субҳи содиқда Берқут жангчилари мутлақо кутилмаган тарафдан, шу боис қўриқчилар ҳам қўйилмаган жойдан энди уйқудан бош кўтарайтган душман устига ҳужум бошлади. Бошқа тарафдан эса Темурнинг қўшини ёпирилди. Шамширлар жарангги, оҳ-войлар, отлар кишнаши, урҳо-урлару инграшлар оламни тугди. Туёқлар тагидан кўтарилган чангдан осмон қаро тортди. Мусо қўшини шаҳар дарвозаси томон чекинишга мажбур бўлди. Бу ердан эса уларнинг бошига камон ўқлари ва тошлар дўлдек ёғила бошлади. Мусо қўшини сони лаҳза сайин сийраклашиб борарди. Дарё бўлиб оқаётган қон Жайхунга қадар етиб борди. Ваҳимага тушган жангчилар қуроларини отиб юбориб, жон сақлаш умидида тумтарақай қочдилар. Темур Чоқу Барлос ва Сайфуддинга барча қочоқларни тутиб, банди этишни буюрди. Ҳали айтарли чарчаб улгурмаган жангчилар бу ишга астойдил киришдилар. Қочганларнинг боши Чогичоқ дарасигача етиб боролди, холос. Орадан икки кун ўтиб, амир Мусонинг омон қолган жангчиларининг асосий қисми Темур қўлида бандиликда эди. Сон-саноксиз аравалар рақиб қўшини жангчиларининг қурол-яроғлари ва бошқа ҳарбий анжомларга тўлди.

Тез орада амир Ҳусайн назорати остида булган овул-қишлоқларга юборилган айғоқчилар ҳам қайтиб келишди. Маълум бўлишича, Ҳусайн сўнги тўрт ой мобайнида Балхдан бир қадам нари жилмаган ва шаҳарга иложи борица кўпроқ қўшин тўплаш билангина машғул булган. Айни вақтда Ҳусайн истеҳкомини мустаҳкамлашни ҳам ёддан чиқармаган. Йигирма мингдан ортиқроқ мардикор куну тун ишлаб, ердан уттиз тирсак баладликка кўтарилган шаҳар деворини мустаҳкамлашган. Олтита янги қўриқчилар минораси қад ростлаган. Балх олиб бўлмас қалъага айланиб бормоқда эди. Булар бари Ҳусайн узоқ давом этади-

ган жангга ҳозирлик кўраётганидан далолат берарди. Бироқ ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб қўядиган қиш яқинлашиб келмоқдайди. Одатда, қўшинни қорда уёқдан-бу ёққа судраб юрилмас эди. Шунинг учун милодий 1367—1368 йиллар қишини Темур Қаршида тинчгина ўтказди. Мовароуннаҳрда қўш ҳокимиятчилик барҳам толаётган эди...

ЙИГИРМА ТҲРТИНЧИ БОБ

ҲУСЛАЙН БИЛАН СУЛАҲ

Қаршини озод қилганданоқ Темур ўзининг ишончли кишилари бўлмиш амир Маҳмудшоҳни Бухорога, амир Довуд Барлосни эса Самарқандга ҳоким этиб жўнатди. У амирларга бу шаҳарларда одилона тартиб ўрнатиш, бож-хирожларни вақтида тулаб туришни биринчи галдаги вазифа қилиб қўйди. Қишда Соҳибқирон ўз қўшинини мунтазам жангчилар билан тўлдиришга аҳд қилди, буниг учун, табиийки, от-улов, ҳарбий анжомлар ва аслаҳалар олишга кўпроқ маблағ сарф бўлди.

Темур Сафарали билан бобосининг кутубхонасида қисқа кунлар узун тунларни тез-тез ўтказадиган бўлди. Темур мажруҳ оғимга кўпроқ иссиқ тегсин, дея сандалга яхшилаб ўрнашиб ўтириб олар ва бирон мақбул рисолини ўзининг кўкалдош укасига ўқитарди. Тарих, хусусан, жанглар тафсилоти Соҳибқиронни беҳад қизиқтирарди. Искандар Зулқарнайнинг юришлари хусусидаги битикларни у алоҳида диққат билан тингларди. Баъзида Темур қироат билан китоб ўқийётган укасини тўхтатар, олдидаги қоғозга ўзича жанг жараёнини чизар, галаба ва мағлубиятлар сабабини таҳлил этарди. Шу билан бир қаторда Темур Чингизхоннинг Хоразм хонлигини забт этиши тарихини, унинг Чин, Ҳиндистон сари юришларини ҳам қўнт билан ўрганди. Ҳамма қизиқарли китобларни мутолаа этиб чиқиш учун қиш фасли камлик қилди. Бобосининг кутубхонасида эса ҳали қанчадан-қанча бебаҳо китоблар чанг босиб ётарди. Кўклам арафасида Темур ўзига мақбул асарлардан саралаб олди ва уларни ҳаммиша қўшин билан бирга олиб юришга кўрсатма берди. Ўшандан бошлаб унинг сафар кутубхонаси бойигандан-бойиб борди. Бу донишмандлик манбаининг бош қўриқчиси ва эгаси этиб Сафарали

тайинланди. Аслини олганда, айтиш мумкинки, у Темур саройида биринчи бўлиб вазирлик лавозимини эгаллади.

Темур кўклам ва ёзга олдиндан ўз режасини тузиб чиққанди. У беш мингтача жангчидан иборат қўшин тўпламоқчи, сўнг уларни, ўша пайтлар ҳарбий тизимда қабул қилинганидек, ўнлик, юзлик, мингликларга бўлиб, Мовароуннаҳрнинг барча сиёсий-иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан муҳим шаҳарларида бўлиб чиқмоқчи эди. Мўлжалдаги шаҳарлардан биринчиси Самарқанд, иккинчиси Шош (Тошкент). Сўнг қўшинни Мугулистон сарҳадига яқин маъвода жойлашган Хўжанд сари бошлаш мумкин бўлади.

Темурнинг ўғиллари ҳақиқий баҳодирларга айланмоқда эдилар. Уларнинг каттаси — Жаҳонгир кўкламда ўн олтига тўлади. Бу ёшдаги ўғиллар оталарининг фаолиятларида изчил иштирок этмоқлари жоиз. Шу боис ҳам Темур — Жаҳонгир қўрғоннинг тўрт деворини тарк этиб, аргумоқ эгарида тобланадиган фурсати етди, деб ҳисобларди. Соҳибқирон тўнгич ўгли, ишонган валиаҳдини Ҳиротга, амир Малик ёнига, элчихона бошлиги этиб йўллади. Амир Малик жангари Хусайдан очикдан-очиқ чўчимоқда ва ҳадик асосиз эмас эди. Темур Ҳирот амирига ўз ҳайрихоҳлигини билдириб қўйиш мақсадида ўглидан мактуб бериб юборди: «Аллоҳ иродаси ила одилона ҳокимлик юритмиш амир Малик жаноблари ҳузурига фарзандимиз амирзода Жаҳонгирни йўллар эрканмиз, Ҳиротда бизнинг қўшинларимиз турмогини мақбул ҳисоблайдурмиз...»

Элчиларни саралаб олинган беш қўшин кузатиб борди. Уларнинг бошида жангларда роса пишиган баҳодир, амир Муборакшоҳ Санжарий турарди.

Элчилар жўнаб кетгач, Темур ҳам лашкарини Қаршидан олиб чиқди. Бироқ аввалги режага кўра Самарқандга эмас, Бухорога йўл олди. Режа узғариб қолишига айгоқчиларнинг хабарлари сабаб бўлганди. Амир Мусо енгилганидан сўнг бутунлай жазаваси қўзиб кетган Хусайн Темур устига янги босқин уюштириш учун қўшин тўплаб улгурганди. Ўн минг кишилик лашкар бошига Хусайн яна аламзада Мусони бошлиқ этиб тайинлабди-да, унга ёрдамчи сифатида тажрибали баҳодирлардан Жаҳоншоҳ ва Пўлод Бугани қўйибди. Бу сафар эҳтиёткорроқ бўлиб қолган Мусо лашкарини Қаршига эмас, куч жиҳатидан унга

нисбатан заифроқ бўлган Бухорога бошлаган. Афтидан, тезда қўлга киритиладиган галаба жангчиларим руҳини кўтаради, Ҳусайн олдида ҳам юзимни ёруғ қилади, деган хаёлга борган шекилли. Бироқ тез ҳаракат қилишга моҳир бўлган Темур Бухорога Мусодан олдин етиб келди. Лекин у шаҳарга кириб ўтирмади. Лашкарини шаҳарнинг шимолий тарафидаги тепаликлар устига жойлади. Сўнг ҳузурига Бухоро ҳукмдори Маҳмудшоҳни чорлади.

Темур ўз чодирда машварат ўтказиб, амирларга душманни саҳрода кутиб олиб, ёнбошидан зарба бермоқни мўлжаллаётганини баён қилди. Жанг авжга чиққанда эса Маҳмудшоҳ шаҳардан чиқиб келиб, душманни бутунлай саросимага солиб қўйиши керак эди.

Режа кўпчиликка маъқул тушди. Лекин ҳаммаси олдиндан уйлангандай кечмади. Соқчилар минорасидан жангни кузатиб турган Маҳмудшоҳ назарида сон жиҳатидан устун бўлган Мусо жангчилари қўли билан келаётгандай туюлди ва у ваҳимага тушиб, ўз қўшинини қўрғондан олиб чиқмай, пусибгина ўтираверди. Бу ҳол Темур лашкарини анча оғир аҳволга солиб қўйди. Зеро, рақиб қўшини уларга нисбатан икки баробардан ҳам кўпроқ эди-да. Қатиқни ҳам пуфлаб ичишга ўтган амир Мусо бу сафар Темурнинг режасини бир зумда англаб етди. Устига-устак, бетоқатланган Темур дам сайин шаҳар томон йўллаётган чопарлар ҳам кўп нарсадан дарак бериб турарди... Ҳайтовур, кетган чопарлардан биронтаси қайтиб келмади. Демак, Маҳмудшоҳ уларни қўйиб юбормай, қалъада ушлаб турибди. Бу вазиятдан фойдаланиб қолишга аҳд қилган амир Мусо лашкарини икки қисмга ажратди. У жангчилари озроқ қисм билан Бухорони забт этишга аҳд қилди. Жангчилар кўпроқ қисминини эса Пўлад Бўга бошчилигида Темурга қарши ташлади.

Жанг тўхтаб-тўхтаб икки кеча-кундуз давом этди. Ниҳоят, Темур баҳодирлари сиқиб бориб, Пўлад Бўганинг калласини узиб ташлашга эришдилар. Бошсиз қолган лашкар тушкунликка тушиб, номигагина қаршилиқ кўрсатишга ўтди.

Бироқ бу орада шаҳарда вазият буткул ўзгариб кетди. Амир Мусо ҳар қалай шаҳарни босиб олди, жангда ярмидан кўпроқ йигитини йўқотган Маҳмудшоҳ эса бир амаллаб Темур қароргоҳига қочиб келолди. Соҳибқирон ўз бошига ўзи бало орттирган Бухо-

ро ҳукмдорининг тазаррусини қабул қилди ва бир қисм қўшинини асирларни қўриқлашга қолдириб, қолганини Бухорога бошлади. Пулод Бўга албатта зафар қозонишига шак-шубҳа қилмаётган, шундай бўлса-да, унга кўмак беришга аҳд қилган амир Мусо шаҳарда кичкинагина жангчилар гуруҳини қолдириб, орқага қайтди. Бухородан ярим кунлик масофада икки лашкар тўқнашди. Голиб бўлганига қарамасдан Темур лашкари ҳали ҳам сон жиҳатдан рақибникига нисбатан анча кам эди. Лашкар руҳини кўтариш мақсадида, Соҳибқирон жанг олдидан мухтасаргина нутқ ирод этди: «Бул кун жўмардлар базм қиладиргон кун! Баҳодир жангчи учун энг яхши шароб — ёғий қони, энг яхши коса эса ўткир шамшир эрканини нутманг. Олга!..»

Темур қўшинини икки қанотга бўлди, ўзи марказда қолди. Қанотлардаги жангчилар рақибнинг илгор қисмини аввалдан келишилганидек олдинга ўтказиб юборди-да, кейин икки ёнидан қақшатқич ҳужум бошладилар. Амир Мусо бу сафар ҳам қопқонга тушиб қолганини пайқади, лекин қўшинни қайтадан жойлаштириш фурсати ўтганди. Жанг амир Мусо учун бағоят ноқулай вазиятда бошлангани учунми, узоқ давом этмади. Амирнинг ўзи тезда асирга олинди. Тартибсиз равишда қочишга тушган қўшиннинг бир қисми дарҳол қурол-яроғини ерга отиб уриб, таслим бўлди.

Кийимидан тортиб юзига қадар қон сачраган, ҳансираб турган Темур ёнига қўли боғланган амир Мусони олиб келганларида, у рақибига бир муддат жиддий тикилиб турди-да, кейин:

— Қилич ва отини қайтариб берингиз. Тўрт томони қибла, — деди.

Амирга шамширини бердилар, отини ҳам. Аргумоги жиловидан ушлаб олган Мусо бошини кўтаролмасдан Жайхун томон йўл олди.

Темур жанггоҳда ўлган барча жангчиларни расм-русумларни жойига қўйган ҳолда ерга қўйишни буюрди. Пулод Бўганинг жасадини эса Кешга олиб бориб, иззатини жойига қўйган ҳолда дафн этишни амр этди. Темур Пулод Бўга билан ўсмирлик йиллари дўст бўлганини ҳали унутолмаганди.

Шундан кейингина Темур лашкарини Самарқанд сари бошлади. Йўлда Соҳибқирон Самарқандга амир Ҳусайннинг тажрибали лашкарбоши Чоқир Баҳодур

раҳбарлик қилаётган қўшини ҳам бостириб келаётгани ҳақидаги хабарни Довуд Барлос ошиғич юборган чопардан олди. Ҳозирча рақиб лашкари Обираҳмат дарёси қиргоғида қўним топган эмиш. Чоқир Баҳодурни яхши билган Темур унга чопар орқали ўз номасини юбориб кўришни лозим топди. Майли, бир уришиб кўрсин, мабодо қон тўкилишининг олди олинса — яхши, агар иложи бўлмаса, нима ҳам дердик, ҳеч курса уни айбламайдилар-ку.

Чоқир Баҳодур Темур чопарини иззат-икром билан қарши олди, лекин таклифга кўнмади: «Агарчанд амир Ҳусайнга хиёнат этармен, бундан сўнг ким ҳам мени баҳодур атар?...» дея залворли далилни рўкач қилиб юборди у жавоб номасида. Бироқ бари бир мардлиғига бориб, ўзига қарши чиқадиغان истаган баҳодир билан яккама-якка олишувда иштирок этиб, ким кучли эканлигини исботлашга розилигини билдирганди. Магарким, дея номасини давом эттирганди баҳодир, олишувда зафар меъдин юз ўтирса, шул замони қўшинимни олиб орқага қайтурмен.

Яккама-якка жанг ҳақидаги таклиф Темурнинг кўнглига хуш келди. Бу асрлардан-асрларга ўтиб келаётган одат эди. Темур Чоқир Баҳодурга қарши ўзининг паҳлавони Оқтемир Баҳодурни қўйишга қарор қилди. Оқтемир Алиберди туркманнинг ўн тўққиз ёшли кичик укаси бўлиб, ҳозир Соҳибқироннинг Мубошир полвон, Абдуллоҳ ботир ва Алибердининг ўзидан кейинги тўртинчи шахсий қуриқчиси эди. Йигитча ҳаммани ўзининг фавқулодда кучлилиги билан ҳайратга солар ва барча олишувларда то шу кунга дову елкаси ер искамаган эди.

...Афросиёб текислиғида икки лашкар бир-бирига юзма-юз турибди. Икки тарафда турган икки паҳлавон ўз отларини ниқтадилар. Бургулар чалинди. Отлиқлар бир-бирига бақамти бўлдилар. Чоқир Баҳодур Оқтемир ўтирган от калласига шамшир солди. Қорабайир гурсиллаб қулади. Отдан вақтида учиб тушишининг уддасидан чиққан Оқтемир энди пиёда ҳолида Чоқир Баҳодурга ташланди. Йигитчанинг кўксидан газабқор ҳайқириқ отилиб чиқди. У шамширини баланд кутарди. Аммо Чоқир Баҳодур олишувни давом эттириб ўтирмади. У от бошини буриб, жон аллозда бақириб-чақириб, уни қўллаб-қувватлашга уринаётган лашкари томон елиб кетди.

Иккала паҳлавон ҳам омон қолишди, голиб аниқ-

ланмади. Шаҳар даҳалари ишончли қўрғонга айланади ва жангни қулай жойларда ўрнашиб олиб давом эттираман, деган ҳаёлга борган Чоқир Баҳодур лашкарини Самарқандга бошлади. Темур рақиби кетидан изма-из бораверди. Ваҳоланки, Самарқандда Чоқирни кўнгилсизлик кутмоқда эди. Довуд Барлос бошлиқ кўнгилли жангчилар Чоқирнинг бир ҳовуч жангчисини тит-пит қилиб ташлади ва дарҳол кўчаларга аравалар ҳамда ёғочлардан тўсиқлар ўрнатилди. Табиийки, бундай шароитда жангчилар қулай нишон бўлибгина хизмат қилишлари мумкин. Торгина кўчаларда отлиқлар ҳатто қайрила олмасдилар. Орқадан эса Темур қўшини босиб келмоқдайди. Шундай қилиб, жанг бошланмасдан туриб Чоқир қўшини мағлубиятга учрагани аён бўлди-қолди.

Самарқандда бир неча кун бўлиб, озиқ-овқат гамлаб олган Темур лашкарини Тошкентга бошлади. Шаҳарга сарҳадни кесиб ўтган мўғуллар хавф солиб турардилар. Соҳибқирон хон Илс Хўжа жангчилари яна Мовароуннаҳрда талон-тарож бошлаб юборишини жимгина кузатиб туrolмасди.

Темур Сайхуннинг ўнг соҳилига кечиб ўтишга ҳозирланаётган маҳал қароргоҳига мўғуллар лашкарбошиси Кайхисрав Жилонийдан чопар келиб қолди. Кайхисрав марҳум Тарагай Баҳодурнинг дўсти саналар, лекин Темурга ашаддий рақиб эканини яширмасди. Шунинг учун чопар эзгу тилаклар битилган номани топширганда кўпчилик ҳайрат бармогини тишлади. Унда, жумладан, шундай дейилганди: «Падари бузрукворинг Тарагай Баҳодур — Аллоҳ анга раҳматлар нурини ёғдиргон бўлсин! — ҳаққи-ҳурмати мен сенга рақибларингни маҳв этиб, Кеш ҳукмдори бўлмогинга кўмак бердим. Эмди сен бирмунча кучга эга бўлгонингда, мен сен ила иттифоқ тузгали бул ерга келдим. Менинг имоним комил: Аллоҳ таоло марҳамати ва шафоати ила сен Балх амири Хусайнни мағлуб айлаб, Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдориға айланурсен. Сени лашкаринг ила Тошқанда кутурмен. Илс Хўжа лашкари сенинг тугинг остинда турмоққа ҳозир нозир...»

Номани ўқиб чиққан Темур узоқ ўйланиб қолди. Кайхисрав таклифи мутлақо кутилмаганда ўртада пайдо бўлиб қолди. Амир Кайхисрав ўзининг айёрлиги, мунофиқлиги, иккиюзламачилиги билан таниқли эди. Айнан шу Кайхисрав бундан ўн йил бурун Тўқ-

луг Темур хон кўрсатмасига кўра Мовароуннаҳр ҳокими амир Қозагонни ов маҳали ўлдирганини Темур ҳали унутмаганди. Айнан мана шу Кайхисрав жангининг энг оғир дақиқаларида ўзи қўмондонлик қилаётган Ҳусайн лашкарини ташлаб, унинг рақиб — Мугулистон хони тарафига ўтиб кетмаганмиди, ахир? Бу сотқинлиги учун Кайхисрав катта суяк олди — Мугулистон хони уни ўзига куёв этишдек юксак шарафга нозил этди. Хон унга ўзининг амакиваччаси Темурхон бин Абуқаннинг қизи Туман Қутлугни хотин қилиб берди. Буларнинг ҳаммаси Темурни ҳушёр торттирадиган далолатлар эди. Бироқ Темур Чингизхоннинг бир ўғитини ҳам ёдида тутарди: «Дўст бўлишга оғт ичган одам фақат қон билангина бул оғтни бузмоғи мумкин».

Ва Темур Тошкентда очилаётган дўстлик дарвозаларидан дадил кириб бораверишга аҳд қилди.

У шаҳарнинг бирон бир даҳасида ўзига нисбатан душманлик кайфиятини илғамади. Кайхисрав ҳам Темурни юксак даражасига мос равишда иззат-икром ила кутиб олди. Ўзининг ниятлари самимий эканлигини кўрсатиш учун бўлса керак, Кайхисрав орада хешуруглик муносабатлари бўлишини ҳам таклиф этиб қолди. Соҳибқирон бу таклифни қабул қилди ва Кайхисравнинг қизи Роқияни суюкли ўғли Жаҳонгирга олиб берди. Тўй тантаналари шаҳарда деярли бир ой давом этди.

Бу тўй доврўги амир Ҳусайннинг қулогига ҳам етиб борди. Балх амири Мугулистон хони Илс Хужа Темур билан бежиз иттифоқ тузишга уринмаганини англади. Бу иттифоқдан мақсад шундоқ сезилиб турарди. Илс Хужанинг ҳам, Темурнинг ҳам у билан ўз ҳисоб-китоблари бор эди. Демак, икки қудратли душман ўртасида қолиб, эзилиб-янчилиб ҳалокатга учрагандан кўра, яхшиси, биринчи бўлиб дўстлик қўлини узатиш зарурга ўхшаб қолди.

Амир Ҳусайн дарҳол Тошкентга Балх, Андижон, Хўжанднинг ҳурматли саидлари ва эътиборли амирларидан иборат гуруҳни элчи қилиб юборди. Бироқ элчилар етиб келганда, Темур алақачон ўтрор йўлида эди. Амрдан зарур йўл-йўриқ олган элчилар дарҳол Соҳибқирон изидан тушдилар ва унга Чимкент биқинида етиб олдилар. Бу ерда Темурга амир Ҳусайн қўлида ушлаб турган оғт ичган Қуръонни тантанали суратда топширишди. Соҳибқиронга Ҳусайннинг мак-

туби ҳам тақдим этилди. «Фақир Қуръонни ўртага қўйиб қасам ичдимки, бундан буён сизга нисбатан фақат дўстлик ва биродарлик туйғусидин ўзга туйғуни тан олмасмен. Магарким, сўзларимдин тонсам, мабодо, ичган онтимни бузсам, Аллоҳ таолонинг ўзи мени жазоласун...» ва ҳоказо ва ҳоказо.

Саидлар вакили Қуръонни топшириб бўлгач, бир қадам оддинга чиқди ва тўлқинланган ҳолда сўз қотди:

— Илму урфон ҳамда шарият аҳлига Соҳибқирон ҳазратларининг алломалик, кечирувчанлик, зукколик янглиг фазилатлари яхши аёндур. Зеро, лозим чоғларда мусулмон мусулмонни авф этмоғи ҳам қарз, ҳам фарздур. Сиздек зоти олийлари ила амир Ҳусайн жаноби олийлари ўртасиндаги адоват мамлакат бирлигига раҳна солаётганлиги, иккалангиз орангиздаги уруш шул даражада етиб, она юртимизга ўзга мамлакатлар жангчилари ҳам кириб келаётганлиги бизни зўр хавотирга мубтало этгон эрди. Гайридинлар мусулмонлар орасиндаги ноаҳилликдан фақат манфаат ахтарурлар, холос. Мабодо тақдир чархи тескари айланиб, гайридинлар тагин ҳоқимият тепасига келишса, имонимиз комилки, бул сафар алар ҳукмронлик жиловини осонликча мусулмонлар қўлига бериб қўймайлар...

Темур кекса отахон саиднинг изтиробга тўла дил сўзларини бошини эгиб ўтириб эшитгач, эҳтиром билан деди:

— Биз ахиллик, биродарлик аҳдномасини имзоларканмиз, Балх амири Ҳусайннинг барча ниятлари эзгу эканлигига имон келтиурмиз. Биз анинг табаррук Қуръонни ўқиб айтгон онтига ишонамиз. Ул зоти муборак онтни фақат қон бирлангина ювмоқ мумкинлигини унутмасалар бас... Ҳозир эрса, муҳтарам зотлар, бир дуо қилингким, орамизда тузилган дўстлик ришталари тоабад узилмасун! Омин!

— О-о-ми-ин, Оллоҳу акбар! — дея Соҳибқиронга жўр бўлишди саидлар ва амирлар.

Темур элчиларга жавоб бериб, тўла жавобни эртага олишлари мумкинлигини билдирди. «Албатта, — мулоҳаза юритарди у, — ҳозир амир Ҳусайн биз ила мўғуллар ўртасинда оддий бир пиёдадай гап. Бироқ муҳтарам саиднинг гайридинлар орасиндаги хавотирли мулоҳазаларида ҳам жон бор. Мўғуллар бора-бора Ҳусайнга нисбатан ҳам хавфлироқ ёғийга айланиб кетуви эҳтимолдин холи эрмас...»

Элчиларни эртаси куни ўз юртига кузатиб қоларкан, Темур Ҳусайн билан дўстлигига содиқ қолишини билдирди. У қишни Тошкентда ўтказди, кўкламда эса Соли Саройга келиб, иккаласи ўртасида тузилган тинчлик сулҳини яна бир бор мустаҳкамлайди. Айни кунларда кечиктириб бўлмайдиган вазифалар кўплиги боис Балх сари сафарга чиқишининг сира иложи йўқ.

Темур муғомбирлик қилмаётган эди. У муғуллар билан тузилган вақтинчалик иттифоқдан самарали фойдаланиб, Тошкент атрофини баланд девор ҳамда соқчилик миноралари билан айлантириб олмақчи эди. Тезда бу шаҳар унинг шимолий мамлакатларга чиқадиган дарвозаси бўлиб қолишини Соҳибқирон яхши тушуниб турарди. Дарвозани эса вақтида очиб-ёпиб туришни удалаш керак. Нафақат муғуллар, балки Олтин ва Оқ Ўрда хонлари ҳам Мовароуннаҳрга кўз олайтириб турганлари сир эмас-ку, ахир...

Милодий 1368 йилнинг бутун кузи — яхшиям, у қуруқ ва илиқ келди — ва 1368—1369 йилларнинг қиши мобайнида Темур тарафидан жалб этилган ўн минглаб қурувчилар Тошкент атрофини гир айлантириб баланд девор ва соқчилик миноралари билан тўсиб чиқдилар. Ниҳоят, машаққатли иш якунланиб, одатга кўра барча қурувчиларга тўкин дастурхон ёзилган маҳал, Темур ўтирганларга миннатдорчилик билдириб нутқ ирод этаркан, гап орасидаги кўнглида хотиржамлик ҳиссини уйғотган бир фикрни ҳам қистириб кетишдан ўзини тиймади:

— Энди ҳеч бир ёғий Тошкентни Мовароуннаҳрдан ажратиб ололмас, баайни тандин жонни ажратиб бўлмагани янглиғ...

Кўклам келди. Темур Тошкентда Сайфуддинни ҳоким этиб қолдириб, аъёнлари қуршовида Жайхун ортига, амир Ҳусайн билан учрашувга йўл олди. Улар кўҳна Қундузда учрашдилар ва бир неча кун бирга бўлишиб, вақтларини базми жамшидларда ўтказдилар. Улар бир-бирларига кўп бор абадий дўст бўлиб қолишга ваъда бериб, қадаҳ кўтардилар. Гуёки собиқ икки дўст орасида адоват уруги қолмагандек эди. Бироқ, аёнки, ҳақиқий дўстлик базми жамшидларда сайқал топмайди. Ва келажак уларнинг гаплари, ваъдалари қанчалик омонат эканини кўрсатади...

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

ҚАСАМНИНГ БУЗИЛИШИ

Ҳар бир инсон — ўз фаолиятининг меъмори. Кимки оқилликдан чекиниб, ҳасад ва очкўзлик йўлига тушаркан, Парвардигорнинг ўзи уни марҳаматидин айри этиб, қаҳрига дучор қилгусидир. Шундоқ қисмат Ҳусайнни ҳам кутмоқда эди. Зеро у Қуръонни қўлига олиб ичган қасамини унутиб, яна Темурнинг йўлига тўғаноқ бўлишга ўтиб олганди.

Уларнинг орасидаги омонат иттифоққа раҳна солган дастлабки ҳодиса Ҳусайн тарафидан мутлақо якка тартибда Мовароуннаҳр хонини тайинлаш бўлди. Аввалига амирлар ушбу қарорни яқдиллик ила қўлаётгандай туюлганди. Темур мададдан сўнг ўзига ишончи ортган Ҳусайн Қобулистон устига юриш бошлади. Балх амири ўз тасарруфидаги ҳудудни кенгайтирмоқчи эди. Ушбу юришнинг расмий сабаби сифатида эса Қобул амири Оқбути Бисудийнинг бир йил муқаддам Қундуз устига босқин қилиб, уни талагани бўлди. Темур Ҳусайннинг талабига эътироз билдириб ўтирмади, қўшинини уникага қўшиб, жангда иштирок эттирди. Соҳибқирон мустаҳкам ҳимояланган Қобулни Ҳусайннинг ёлғиз ўзи ҳеч қачон забт этолмаслигини яхши биларди. Шу билан бир қаторда, Қобулни қўлга киритиш Ҳусайн ҳокимиятини мустаҳкамлашдан ҳам воқиф эди. Аёнки, Темур ўз Кешига қайтади, Ҳусайн эса Жайхун ортидаги улкан минтақа — Балх, Қундуз, Қобулда якка ҳукмдор бўлиб қолади.

Қобул истилоси узоқ давом этмади. Бирлашган қўшин сони Қобулдаги лашкарига нисбатан бир неча баробар кўп эди, боз устига, жангларда сира енгилмас дея довруғ таратган Темурнинг номи ўз ишини қилди. Икки кундан кейинроқ Қобул қамал қилувчиларга ўз дарвозаларини очди, ҳукмдор Оқбути Бисудий эса асир тушди. Ўлжаларни тақсимлаб олган голиблар Балхга қайтдилар. Темур ўзининг ота юрти Кешга йўл олмоқчи эди, аммо Ҳусайн қутилмаганда Бадахшон шоҳларининг бурни кўтарилиб кетгани, солиқларни вақтида тўлашмаётгани хусусида гап очиб қолди. Тезда коса тагидаги нимкоса ҳам аён бўлди: Ҳусайн Бадахшон амирлигига бостириб бориб, уларнинг болаб жазосини бермоқчи эди. Темур бу таклифга ноилож рози бўлди. У Ҳусайн билан янги ихти-

лофга боришни хоҳламасди. Иккала қушин тоғлар орасида жойлашган кичкинагина амирликка бало-қазодай бостириб бораверди.

Ҳусайннинг ўзи дармонсизлигини баҳона қилиб лашкар бошида турмади. У қумондон этиб ўгли Жаҳон Маликни тайинлади. Темур ҳатто ушбу тайинловда ҳам узига нисбатан бирон-бир салбий муносабатни пайқамасди.

Қушин Жайҳунни кесиб ўтиб, тоғ йўлига тушиб олиши билан Ҳусайн маҳобатли Ҳиндевон қургонини қурдиришга киришиб кетди. Ҳусайн бу иншоотга Темурнинг кўзи тушиб қолишини истамаганди. Балх яланғоч жойда қад ростламаган, шаҳар атрофи Ҳусайн мустаҳкамлиги борасида мудом қайгуриб турадиган баланд девор билан уралганди. Янги Қургонда эса Балх ҳукмдори озиқ-овқат ҳамда қурол-яроғ захирасини, шунингдек, шахсий қўриқчиларини сақлаш ниятида эди. Ҳиндевон қургони Ҳусайннинг узоққа мулжалланган режасида алоҳида ўрин эгалларди, ахир, аслини олганда, у ҳали ҳам Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори бўлиш фикридан қайтмаганди. Темур билан аҳднома вақтдан ютиш имконини берди. У шундай ҳисобларди. Қургон қуриб битказилгач, Ҳусайн улкан саройда хон сайлаш бўйича қурултой ўтказмоқчи бўларди. Шундай қилиб, Мовароуннаҳр пойтахти Балхга кўчиб утар, Балх ҳукмдори эса Мовароуннаҳр ҳукмдорига айланарди... Бу фикр Ҳусайннинг оромини ўғирлаган ва у шошилгани-шошилган эди. Бадахшон хонларини эса Ҳусайн Темур қўли билан итоатда тутиб турмоқчи эди.

Бадахшон йўли гоят машаққатли кечди. Тоғли йўларда Темур икки ой қолиб кетди. Сарҳадни кечиб ўтар-ўтмас, тўлғони оқаятган асов дарё бўйидаёқ лашкар тўхташга мажбур бўлди. Бадахшонликлар қушин яқинлашган маҳал кўприкни бузиб ташладилар. Тезоқар дарёни кечиб ўтиш эса одам ўзини ажал комига ташлаган билан баробар. Темур кўприкни тиклаш хусусида фармон беришга мажбур бўлди. Бир амаллаб қурилган кўприқдан ўтган жангчиларни эса шундоқ тоғ биқинида пистирма кутиб турган экан... Хуллас, бир сўз билан айтганда, Темур лашкари оғир машаққатларни енгиб, олдинга жуда қийинчиликлар билан силжирди. Ниҳоят, Темур Бадахшоннинг пойтахт шаҳарларидан бўлмиш Қўнгурулноқни қўлга киритиб, унинг шоҳи Али Бадахшонийни банди этди.

Соҳибқирон бир неча отар ва уюрларни ҳам ўз тасарруфига олди. Галаба муносабати билан жангчиларга дам берилди. Ҳордиқ олинаётган маскан ажойиб ўтлоқзор бўлгани учун отлар барра майсага тўйдилар, лашкар эса — гўштга.

Бу орада бадахшонликлар мўғуллардан кўмак сураб улгуришди ва амир Кайҳисрав беш минг кишилик қўшини билан ёрдамга шошди. Кайҳисравнинг эгар-жабдуқни сошлаб қолишига асос бор эди — Бадахшоннинг кўплаб шоҳлари унинг қариндошлари ҳисобланарди. Ҳусайннинг лашкарига Темур қўмондонлик қилаётганидан хабар топган Кайҳисрав унга ўз элчисини йўллаб, қўшинларни бирлаштириб Балх амирининг ўзига қарши бостириб боришга даъват этди. Бироқ элчи Жайхундан ўтаётган чоғи Ҳусайн одамлари қўлига тушиб қолди. Зудликда етказиб келинган номани ўқиб чиққан Ҳусайн уни ҳозирча Темурдан яшириб туришга аҳд қилди-да, Соҳибқиронга бошқа мактуб юборди: «Иблис қутқусига учган амир Кайҳисрав қўшини ила сарҳадимизга яқинлашиб келмоқда. Дарҳол исён оловини учирмоқ — сизнинг адоват шамширингизнинг вазифасидур. Имоним комилдирки, сиз зудликда Жайхун бўйига етиб келурсиз, Бадахшонни эса зурриёдим амирзода Жаҳон Малик илқига топширгайсиз...»

Темур қўшини билан улуг дарё бўйига етиб келгунга қадар тоғ сўқмоқларида анча вақти кетди. Калласида янги бир хиёнаткорона ўй пишиб етилаётган Ҳусайн дўстини дарё бўйида қучоқ очиб кутиб олди. Темур бор-йўти бир ярим минг жангчи билан келган эди, Амир Мусо қўмондонлик қилаётган Ҳусайн лашкари сони эса беш мингдан ошарди. Ҳусайн Темур Кайҳисрав билан жангга кирган заҳоти пайтдан фойдаланиб, унинг орқасидан ҳужум қилиш лозимлигини амир Мусога қаттиқ тайинлади. Атиги бир ярим минг жангчидан иборат кичик қўшин, шак-шубҳасиз, икки томонлама — айниқса, орқа томондан келгани мутлақо кутилмаган бўлади — зарбага асло чидаш бера олмайди ва, демак, уларнинг барисини битта қўймай тигдан ўтказиб, йўқ қилиб ташласа бўлади. Марҳумлар гапира олмайдилар...

Ҳусайн ана шундай ниятда эди. Аммо, Аллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинки, рубъи масканда яхши одамлар кам эмас. Шундайлардан бири амир Ҳусайннинг яқин одамлари орасида ҳам бор эди. Темур со-

ҳилга келиб тушиши билан бу одам унинг ўтовига борди ва ўзига маълум гапларни битта қўймай тукиб солди.

— Аллоҳ шоҳид, жанг қизигон маҳал, қулай имкониятни пойлаб туриб ортингиздин амир Мусо қушини ташлангай. Амирга сизни банди этмоқ вазифаси ҳам юкланмиш...

Темур кўнглида пайдо бўлган газаб, нафрат оловини сездириб қўймасликка уриниб, ҳазил қилишга уринди:

— Наҳот чиябўри йўлбарс овига чиқса?..

Ўзи эса Ҳусайн билан бетма-бет учрашиб, орадаги иттифоққа раҳна солиши мумкин бўлган турли мишмишлар хусусида кўнглидаги бор гапларни очиқ-ойдин тукиб солмоқчи бўлди. Бу вақтда амир Ҳусайн Жайхун буйида эди.

Сон-саноқсиз аъёнлар қуршовида гердаиб турган амир Ҳусайн ўнг қирғоқдан хабарчини олиб келган ясси қайиқ соҳил буйига келиб тўхташини кутарди. Чопар югуриб келиб тиз чўқди ва номани узатди. Уни ўқиб чиққан Ҳусайннинг ранги ўзгариб кетиб, дарҳол ҳузурига Темурни чорлади.

— Мўтуллар биз тахмин қилганимизга нисбатан қурол-яроғларини олдинроқ созлаб улгурмишлар. Амир Мусо Кайҳисрав билан жангга киришга мажбур бўлмиш.

Ҳусайн салласини тўтрилаш асносида узоқ вақт мулоҳаза юритди, сўнг Соҳибқиронга мурожаат этди:

— Вазият шунини тақозо этмоқдаки, дарёдан ўтиб, ҳозирча ёғийни ушлаб турмоққагина кучи етиб турган амир Мусога кўмакка шошмоғингиз жоиз.

Бироқ ҳали шубҳа-гумонлар илони Соҳибқирон кўнглини тарк этиб улгурмаганди. Шу боисдан у бошидаги пўлат қалпоғини чап қўлига олиб, ўнг қўлини юраги устига қўйганча, эҳтиром ила деди:

— Дарё ортидаги мард жангчиларингиз фақир қошида жасур Балх амирини кўрсалар эрди, қувончдин бошлари осмонга етиб, иншооллоҳ, ёғийни ер билан битта қилиб ташлаюрлар.

Ҳусайн ноилож лашкарга бош бўлиб, рақиб устига юрди. Чиндан ҳам, олисданоқ Ҳусайн билан Темур келаётганини эшитган амир Мусо жангчилари қувончдан қалпоқларини осмонга отганча: «Худога шукур! Амир Ҳусайн биз билан! Соҳибқирон албатта ёғийнинг гаъзирини бергай!..» — дея қичқира бошладилар.

Темур ортида келаётган Сафарали шивирлаб қўйди: «Эшак кўп вақт ўзини мард кўрсатмиш, ва лекин йўлбарс тирноқларига дуч келмоғи ила сичқоннинг инини минг танга этмиш...»

Соҳибқирон жавоб бермади. У ўзининг ва амир Мусонинг қўшини қай тартибда жойлаштирилганда Кайҳисрав устидан бутунлай галаба қозониш мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритарди. Ваҳоланки, Кайҳисрав яқиндагина ўзига иттифоқчи бўлганлигини ҳам ёддан чиқариб бўлмасди. Темур ўзи билан амир Ҳусайн орасидаги дўстлик аҳдномасига амал қилаётганини ҳам исботлаши лозим эди. Чингизхон қонунларига кўра, садоқатга ичилган қасам тақдир мухридай гап, ҳалол одам уни ҳеч қачон бузмайди.

Алал-оқибат Темур Ҳусайнга мўгуллар қўшинини икки қисмга ажратиб ташлаб, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида маҳв этиш борасидаги ўз таклифини тушунтирди. Муваффақият иси келиб турган бундай дангал режа кўпчилик амирларга маъқул келди.

Жанг бошланди. Қўшимча куч — яна кимлар! — келиб қўшилганини кўрган мўгулларнинг шашти паст эди. Улар чекина бошладилар. Қўшин икки қисмга ажралди. Кайҳисрав Олой довонига ошиқарди. Шайх Маҳмуд Сулдуз қўшинини Хўжанд тарафга бошлади. Ҳусайн бошлиқ қўшин Кайҳисрав ортидан кетди. Темур эса қўшинини энди пароканда тарзда қочишга тушган Сулдуз жангчилари устига ташлади.

Шу жангдан кейин Темур билан Ҳусайн дўст сифатида ҳеч қачон юзма-юз бўлмадилар. Бироқ тақдир уларни яна бир бор бир-бирига рўбарў этади — амир Ҳусайнни ажал ўз комига олаётган чоғида...

Душманни Мовароуннаҳрдан олисларга ҳайдаб юборган Темур қўшини билан Кешга қайтиб келди ва милодий 1369—1370 йилларнинг қиш фаслини шу ерда ўтказди. Амир Ҳусайнга ҳам Кайҳисравни узоқ вақт таъқиб этишга тўтри келмади. Ҳусайн Балхга ўзини омади чопган ва қудратли шоҳ сифатида ҳис қилган ҳолда қайтди. Зеро, Балх ва Қундуздан ташқари, унинг тасарруфига Қобул ва Бадахшон ҳам ўтганди. Унчалик куч сарфлаб ўтирмасданоқ Термизиям қўлга киритиб олса бўлади. Ҳуттолан билан Соли Сарой эса амир Қозагондан мерос жойлар ҳисобланарди. Демак, хулоса чиқарди Ҳусайн, ўзимни Мовароуннаҳрнинг яккаю ягона ҳукмдори деб эълон қилишим ва пойтахтни Балхга кўчиришим мумкин. Ҳин-

девои қўргонининг қурилиши тугалланган қисмини ҳозирча ўзига қароргоҳ этиб олиши мумкин. Бироқ, одатга кўра, Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлиш учун хоннинг розилигини олиш керак. Ҳозирча эса хонлик тахти бўш эди. Сўнги хон Қобулшоҳ Самарқанд истилоси чоғи мўғуллар томонидан улдирилган. Шунда Ҳусайн хонлик тахтига ота томонидан улуғ Чингизхон сулоласига мансуб иродасиз майхўр Одил Султонни кўтаришни маъқул деб топди.

Милодий 1370 йил кўкламнинг биринчи ойида амирлар маслаҳатини қулоққа олмаган амир Ҳусайн Ҳинде-вонда қурултой чақирди ва Одил Султонни Мовароуннаҳр хони деб эълон қилди. Янги хон эса, олдиндан келишиб олинганига кўра, ўз навбатида амир Ҳусайнни Мовароуннаҳр ҳукмдори деб тан олди. Аммо қурултойга Чигатой улуси амирлари ва нўёнларининг учдан бир қисмидан камроғи ташриф буюришганди, холос: ҳаттоки ўшалар ҳам ўзларини ноқулай ҳис қилишиб, ўлганларининг кўнларидан овоз бериб туришди. Улар қўрқоқ, обрўси бир пул, шароб деса ўзини томдан ташлайдиган Одил Султонни оқ кигизга ўраб, хонлик тахтига кўтаришни асло истамасдилар. Вакилларнинг баъзилари эса амир Ҳусайн Чингизхоннинг ясолари қонунларини ошкор бузаётганидан норози эканликларини яшириб ҳам ўтирмадилар.

Айниқса қундузлик амир Мўйид Орлот ҳаммадан кўпроқ қизишди. У Темурнинг яқин хешларидан эди (Орлот Соҳибқироннинг кичик синглиси Ширин Бекогага уйланган. У қурултой ҳақида ўз ўтовида тасодифан эшитиб қолиб, бу ерда Темурни учратиб қолармиз, деган уйда хотинини ҳам ола келганди). Янгитдан сайланган хон Одил Султон Балх амирини Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилганда-ку, қурултойдан асил мақсад нелигини тушуниб қолган Орлот ўрнидан сапчиб турганча, фигони фалакка чиққан тарзда хитоб қилди:

— Ташрифи ила қурултойимизни безаб турган сўйловчи тўти ўз хўжасига қулларча садоқат ила хизмат этиб, давлат ишлари бошқаруви эшигини ланг очиб бермиш. Бироқ Мовароуннаҳрнинг барча амир ва баҳодирларига яхши аёндураким, бу ўлкани бошқармоқдек муқаддас вазифа Аллоҳ назари тушғони муносиб ўлган — Соҳибқирон жаноби олийларигагина муносиб! Кимда-ким ноқонуний амалпарастлик қилар эркан, анинг бошида адолат шамшири ўйнасун!

Илло, ҳеч бир зот ҳали кўкда икки ойни кўргон эрмас; ҳеч ким бир қинга икки шамширни солмагай!..

Аҳли қурултой бирдан бақир-чақирга тушиб кетди. Биров бировни эшитмаётгандек эди. Амир Ҳусайнинг оппоқ юзида довдираш аломатлари зоҳир бўлди. Ниҳоят, у ўзини қўлга олиб, қурултойни тинчлангирришга фармон берди. Қурқувдан совуқ терга ботган Одил Султон боши узра олтин хон қосасини кўтарди. Бу ишора хоннинг гапирмоқчи эканлигидан далолат берарди. Амирлар бирин-кетин тинчиб, ўз нигоҳларини янги хонга тикишди. Ва у садо берди:

— Кимки амалда ва уй-фикринда Мовароуннаҳрнинг янги ҳукмдори амир Ҳусайнга бўйсунмас эркан, шамшир анинг бошинда уйнагай!

Мана шу пуписа билан қурултой тугади. Сўнг худди қурултой сингари совуқ ва зўрма-зўраки базм уюштирилди. Муйид Орлот қисмати ҳам шу ернинг ўзидаёқ ҳал этилди. Унинг қўл оёғига кишан бойлашиб, Ҳиндевон қўргонидаги зиндонга ташлашди. Бироқ Темурга нисбатан адовати тобора алангаланиб бораётган Ҳусайн бу билан кифояланиб қолмади. У Соҳибқироннинг сингисини Ширин Бекогани ҳам ҳибсга олиб, зиндонга ташлашга фармон берди.

Балхдаги гаройиб воқеалар тавсифи тезда Кешга етиб келди. Темур ва унинг атрофидагилар амир Ҳусайннинг бундай маккорлигидан ҳайратга тушдилар. Бутун Мовароуннаҳр қозондек қайнади. Кешга Соҳибқиронга содиқ амирлар ва баҳодирлар оқиб кела бошлашди. Довуд Барлос, Чоқу Барлос, Сорбуға, Сайфуддин Нукадарий, Аббос Баҳодир, Оқбуға, Элчи Баҳодир, Давлатшоҳ Бахши Уйгур ва бошқа кўплаб амирлар Темурни дарҳол амир Ҳусайн устига юриш қилишга ундай бошладилар.

— Амир Ҳусайн ила тузилгон иттифоққа асло ишониб бўлмаслиги исботланмиш, — деди Довуд Барлос. — Анинг кўнглида шум ниятлар борлиги ҳам ҳақиқат. Ул манфур сиздек зотнинг сингисиники зиндонбанд этибдур... Биз зудтар бандиларни озод этмоғимиз, хиёнаткорнинг ўзини эса ер юзидан супуриб ташламоғимиз лозим. Наинки, лозим, ҳатто фарз ҳам!

Довуд Барлос Ҳусайн неча бор ўз қасамини бузганлигини эслатди. «Бундоқ қўлай фурсат бошқа қайтиб келмаслиги мумкин, — куйиб-пишарди Довуд. — Мовароуннаҳрнинг сохта ҳукмдори ўз вақтинда жазосини олмоғи даркор».

Темур тарбияси билан шугулланган муҳтарам зот сифатида Берқут мусоҳаба охирида сўз олди.

— Хиёнаткорлик юракларда интиқом ўтини ёққай. Сен ҳам ўз кўнглингга шуңдоқ оловни ошно эт!

Соҳибқирон «маъқул» маъносида бош ирғади...

Тезда Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Тошкентдан келган қўшинлар Жайхуннинг ўнг қиргоғида бирлашиб, Балх устига юриш бошлади. Лашкарда жами беш минггача жангчи бор эди. Қўшинлардан бирига ўн олти ёшли амирзода Умар Шайх бошчилик қиларди. У, холам Ширин Бекогани ўзим зиндондин озод қилурман», деган сабабни рўкач қилиб, ўзининг Балх ҳужумида иштирок этишига отасини кўндиролганди. Айни дамда Умар Шайх амир Ҳусайндан онаси учун ўч олмоқликни кўнглига тутиб қўйганди. Онаси қандай ҳалок бўлганининг гувоҳи бўлган йигитча тоғасини кўргани кўзи йўқ эди. Кешдан то Жайхун бўйига қадар амирзода тўлқинланиб, ҳаяжонланиб, от устида тинч ўтиролмай келди. Унинг ҳали ўсмирларга хос тасавурида бир-биридан қизиқарли жанг манзаралари намён булар ва ҳар гал у амир Ҳусайнни мағлуб этиб, тиз чўкишга мажбур қиларди...

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

АМИР ҲУСАЙННИНГ ҚАТЛИ

Жайхунга етмасдан Темур қўшинини тўхтатди ва душманга жангчилари сони маълум бўлиб қолмаслиги учун уларни тепаликлар орасига жойлаштирди. Сўнг содиқ қўриқчилар қуршовида дарё бўйига келди. Мубошир полвон, Абдуллоҳ ботир, Оқтемир ва Алиберди Соҳибқироннинг ёнидан бир қадам жилмай, атрофни синчиклаб кузатишарди. Жайхун бу кўклам фавқуллода серсув бўлди. Гоҳ у, гоҳ бу жойда дарё қирғоқдан тошиб чиққанди. Бундай кучли оқим албатта кечув қийин кечишидан далолат берарди. Соҳибқирон соллар ясашни, пуфлаб шишириладиган тери қопларни кўпайтиришни буюрди.

Темур қўналгага қайтиб келгандан сўнг унинг чодирига дарвеш Содиқ шарпадай сассиз кириб келди. У муқаддас жойларни зиёрат қилиб келиш учун бир кунга Термизга кетганди. Дарвеш шаҳардан галати хабар топиб келди. Термизга Маккадан ҳазрати Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам авлодларидан

бўлмиш Саид Барака ташриф буюрибди. У зот иккинчи Искандар Зулқарнайн, Мовароуннаҳрнинг муносиб ҳукмдори, бахт ёғдуси остида туғилган Темур билан учрашиб, унга ажиб бир муждани етказмоқ ниятида эканини билдирибди.

Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратларига бўлган чуқур этиқоди ҳамда азиз меҳмонга нисбатан чуқур ҳурмати боис Темур дарҳол отини қамчилаб, Термизга етиб келди. Хонақоҳда, Саид ёнида Мовароуннаҳр жанубий туманларининг диний уламолари Абдулмали билан Алиакбар шайхлар утиришарди. Темур муҳтарам зот ва бошқа фозилларга таъзим қилиб салом бергач, индамай бориб бурчақдаги бўш жойга утирди. Ёдида, бундан йигирма йил муқаддам Саид Амир Кулол ҳузурига ҳам худди шундай жимгина ва эҳтиром билан кириб борганди.

Термиз шайхларининг улуғи Абдулмали Саид Барака ҳазратга қараб гапирда давом этди:

— О, комили инсон, аллоҳ назари тушган пайгамбаримиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам авлоди Саид Барака ҳазратлари! Биз фақирлар Маккайи мукаррамадин Мовароуннаҳр тупроғига сиздек улуғ зот ташриф буюргонин эшитиб бошимиз кўкка етмиш!..

Ҳали кўринишидан кексалик нуқси урмаган, аслида Темурнинг падари қатори Саид барака қалин, оқ оралаган соқолини силаб, ваъзхонни диққат билан эшитарди. Ногаҳон у нигоҳини Темурга қадаб, оҳиста сўз қотди:

— Каминага аллоҳи таоло томонидин нозил этишмиш муждаларга кўра кешлик Соҳибқирон Темур Тарағай Баҳодур тез орада содир бўлажак жангда иблис қутқусига учгон бадкирдор устидин зафар қозониб, Мовароуннаҳр тахтига кўтарилмоғини аён эткали келмишмен. Соҳибқирон улуғ ҳукмдор бўлгусидир ва турфа мамлакатлар раияти узоқ йиллар анинг саховати остида кун кўргайлар. Илло, Аллоҳ ўзини юксаликка чоғлогон зотларни суюб, майда, пасткаш кимсалардин юз ўтиргусидир. Фақир жамики дунёларни яратгон Аллоҳи таоло ато этмиш улуғ ҳокимият тимсоллари саналгон туг ҳамда довулни назарга тушган зот қулига топширмишмен.

Баланд бўйли, бақувват гавдали Саид Барака ўрнидан туриб тиловат қилди ва қўлидаги буюмларни тиз чўкиб турган Темурга топширди. Соҳибқирон ногора-

ни ёнига қўйди, олий ҳокимият рамзи бўлиш тугни эса кўзларига суртиб, ўпаркан, ҳаяжондан титроқ овозда гапирди:

— Алҳамду лиллоҳи рабб-ил-оламин, ва-с-салоту ва-с-салому ала расулиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъийн! Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратларининг — у зотнинг муборак номлари тоабда қалбимиз тўридан ўрин олғай! — авлоди, муҳтарам Саид Барака жаноблари воситасинда Улуғ яратувчи ушбу дамда фақирга ҳокимият рамзларини топширмиш. Бундоқ илҳомбахш кўмак учун Аллоҳи таолога ҳазор-ҳазор миннатдорчилик изҳор этароқ, эмди барчамизнинг пиримиз бўлиш Саид Барака жанобларини мудом иззат-эътиборда тутиб, ул муборак зотнинг олтинга тенг ҳар бир угит-маслаҳатларига оғишмай амал қилурмиз, деб ваъда берурмен.

Темур бармоқларини пирининг чопони барига теккизиб, кўзларига суртди. Ушбу эътимоддан тўлқинланиб кетган пир ҳазратлари кўзларини юмди ва кўнглидан кечган ўйларни ўқиётгандай, оҳиста пичирлади:

— Замину осмон ҳукмронлиги Ёлғиз Аллоҳга насиб этмиш; фақат Ул Зотгина итоатидаги қуллар орасиндин мойиллик билдирганига анинг заррасини туҳфа этмиш. Аллоҳ раҳмли ва севгувчидур! Аллоҳ ўзи истаган кишиларни ҳидоят қилгувчидур. Аллоҳу акбар!

— Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!.. — дея пирга жўр бўлишди ўтирганлар.

Темур Термизда, муътабар Саид ёнида Сафарали ва Содиқ дарвешни қолдирди, ўзи эса лашкари қошига ошиқди. Унга Жайхуннинг чап қиргоғида беш минг кишилик қўшини ила амир Мусо пайдо бўлганини хабар қилишганди.

Темур чодирга кирар-кирмас Мусонинг элчиси ҳозир бўлди. У Соҳибқирон Қаршини олган чоғи раҳмшафқат қилиб бўшатиб юборган Муҳаммадбек, амир Мусонинг ўгли эди.

Йигитча, афтидан, яхшилиқни унутмаган, оддан сакраб тушганча, чопиб бориб Темур чопонининг барини ўқди. Сунг ишонч балқиб турган тиниқ кўзларини Соҳибқиронга қадаб:

— Улуғ Соҳибқирон, — деди. — Балх ҳукмдори амир Хусайн тарафидин сизга қарши юборилгон падари бузрукворим бошчилигиндаги қўшин Аллоҳ иро-

даси ила сизнинг туғингиз остинда турмоқ ройишини билдирмиш.

Темур кулимсираб, ёш баҳодирга меҳри жушиб қаради.

— Дуруст. Падари бузрукворингиз бизни чап соҳилда кутиб турмоғи мақсадга мувофиқ. Биз ушал жойнинг ўзида лашкарни қай тартибда жойлаштирмоқ лозимлигини кенгашиб олурмиз. Сени эрса, баҳодур, ҳозирча кичик бир туҳфа ила тақдирлаймен.

Темур қимматбаҳо тошлар билан безатилган белбогини Муҳаммадбекка ҳадя этди. Йигитча юксак мукофотдан ҳаяжонланган ҳолда ўрнидан туриб, кескин бош чайқади:

— Фақирингиз ҳали бирон-бир мукофотга лойиқ эрмас. Агар улуғ Соҳибқирон ҳазратлари каминага ёнларида бирга бўлиб, жангга бирга кирмоқдек улкан масъулиятни ишониб топширсалар, мен-чун бундин ортиқроғ туҳфа бўлмас эрди.

Темур амирзода Умар Шайхни ёнига чақириб, Муҳаммадбекка ишора қилди: «Бундан буён икковингиз ёнимда юрмоғингиз аллоҳга мақбул иш бўлур эрди». Қувончдан икки ёноғи ловуллаб ёнаётган Муҳаммадбек Темурнинг чопони баридан яна бир бор ўпди ва хушxabарни тезроқ падарига етказмоқ ниятида отини чоптириб қайтиб кетди.

Темур Жайхуннинг ўнг қиргоғида турган маҳали унга Суюргамиш ўғлон билан Ҳусайн Барлос бошлаб келган беш юз жангчи ҳам қўшилди. Соҳибқирон Чигатой сулоласига мансуб. Донишмандхоннинг фарзанди Суюргамиш Ўғлон ўз ихтиёри билан унинг туғи остига келиб турганидан мамнунлигини яширолмади. Самарқандда Қабулшоҳ мўғуллар қўлида ҳалок бўлиб, Мовароуннаҳр хонсиз қолганидан бери Темур ўздан бор-йўғи уч ёш катта бўлган бу валиаҳдга алоҳида умид боғлаб юрар эди. Зеро, Суюргамиш Ўғлон Қобулшоҳнинг муносиб вориси бўлиши мумкин эди. Шундоқ валиаҳднинг ўз оёғи билан кириб келганлиги эса Темурнинг қарорини мустаҳкамлади: мана, Мовароуннаҳрнинг ҳақиқий хони, узга тождор излаб овора бўлишнинг ҳожати йўқ. Ҳусайн томонидан тайинланган хонни эса ҳисобга олмасаям булаверади. Ило, Мовароуннаҳр хонини фақат ўзи тайинлаши мумкин. Ўғлонни Аллоҳнинг ўзи унга юбормиш. Бундай ажойиб имкониятни қўлдан бой бериш гуноҳ, албатта. Ва Темур қурултой чақиришга қарор қилди. Унинг

қўшини бошида Мовароуннаҳрнинг қонуний хони тургани мақсадга мувофиқ. Шунда Балхга ҳужум ҳам тезроқ ва самаралироқ бўлади.

Жайхунни кесиб ўтиш тонг саҳарда бошланди. Темурнинг ўзи биринчи бўлиб муздай сувга кириб борди. У эллик кишига мўлжалланган солга ўтиришдан қатъий бош тортиб, биринчи бўлиб сузиб кетаётганини кўрган жангчилар бирин-кетин ўзларини сувга отдилар. Чошгоҳга бориб кечув тугади. Жангчилардан биронтаси ҳам чўкиб кетмади ва бу яхшилик аломати эди.

Озроқ дам бергач, Темур лашкарини тўғри Балхга бошлади. Амир Мусо келиб қўшилиши лозим бўлган Ҳулмада тўхтаб, чодирларини тикишди. Айнан шу жойга, Соҳибқиронни ҳам ҳайратга солиб, ҳам беҳад қувонтириб, Бадахшон амирлари Шайх Муҳаммад Баён ва Ҳинду қарқаралар ҳам ўз қўшинларини бошлаб келишди. Амир Мусо мисоли, бу амирлар ҳам Темур чопонининг барини ўпиб, ўз садоқатларини изҳор этдилар. Шу жойга амир Ҳусайн Қундуздаги лашкарга қўмондан этиб тайинлаган амир Ўлжойту ҳам беш юз қўшини билан етиб келди. Амир Кайҳисрав эса, бир йўла уч минг жангчи бошлаб келди. У Темур Балх устига юриш бошлаганини эшитган заҳотиёқ отига қамчи босганди. Афғидан, Балх амири билан унинг ўз ҳисоб-китоби бор эди.

Темурнинг етти ухлаб тушига кирмаган амирлар келиб, унинг чопони баридан ўпиб, садоқатлари юзасидан қасам ичдилар, ўзлари бошлаб келган қўшин сонини тантана ила эълон қилдилар. Чигатойнинг деярли барча амир ва нўёнлари амир Ҳусайнга қарши урушда очикдан-очик унинг тарафига ўтиб олган эдилар. Демак, шу ерда, Ҳулмада қурултой ўтказса, нур устига нур бўларди...

Янги хон Суюргамишни оқ кигизга ўраб кўтарганларида, қурултойда Мовароуннаҳрнинг ўн икки бош уруги вакиллари орасида фақат амир Ҳусайнгина йўқ эди. Тантаналарда Саид Барака ҳазратлари иштирок этиб, нутқ ирод этдилар:

— Мусо пайгамбаримизнинг ажиб ёғду таратиб, мўъжизалар яратувчи илки янглиг Соҳибқирон илки Аллоҳи таоло иродаси ила ушбу табаррук кунда Суюргамиш Уғлонни хон тахтига кўтармоқда. Имоним комилдирки, Яратгоннинг саховати кўмак бериб, янги хон мардлик шамширини юксак кўтарур ва Балх деворлари оргига яширингон сохта ҳукмдор, амир

Ҳусайн отлиғ Дажжолни ер билан яксон қилур. Иншооллоҳ, Ҳусайн бешак забун бўлғай! Аллоҳдан қурқингиз! Иймонли кишилар ёлғиз Ангагина суйансунлар! Аллоҳу акбар!

Қурултой қатнашчилари бамисоли бир тан-бир жонга айланиб, чуқур ихлос ила такрорладилар:

— Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!..

Темур, Саид Барака ҳазратлари лашкарнинг руҳини кўтариб, галабага ишончини орттира билишдек нодир салоҳиятга эга эканини англаб, имкон борича ул зотни ўзимдан йироқлаштирмаслигим лозим, деган хулосага келди. Темур янглишмаган эди. Кейинги воқеалар иккалови кўплаб мамлакатлар йўллари бўйлаб бирга ўтишлари лозимлигини тасдиқлади. Деярли ўттиз йил мобайнида пир ва мурид баҳамжиҳат бўлишди. Ҳатто ажал ҳам уларни ажрата олмади. Вафотларидан сўнг пир ва мурид майити Самарқанддаги Гури Амир Мақбарасига қўйилди. Васиятига кўра Соҳибқироннинг юзи пири Саид Барака ҳазратлари қабри томон буриб қўйилган...

Қурултойдан кейин анъанага кўра ўтказиладиган баҳодирлар олишуви, катта ов учун фурсат ва имконият йўқ эди. Шунинг учун амирлар тўкин дастурхон устида қурултойни нишонлаш билан кифояланиб, қўшинларини Балх сари бошладилар.

Ўрбуз қалъаси яқинида айғоқчилар амир Ҳусайн Темурга қарши амир Халил ва Али Шайх ҳамда Чўпон сарбадорлар бошчилик қилаётган катта лашкарни юборганини хабар қилишди. Қез адирида яшириниб олган бу лашкар қўққисдан ҳужум қилмоқ пайида экан. Темур бир неча тажрибали қўшинни айланиб ўтишга йўлаб, лашкарини дарага кириш йўлида тўқатди. Ҳусайн жангчилари пистирмада миқ этмай ўтириб, Темур қўшинининг ўрнидан жилиши ва туюққа илинишини сабрсизлик ила кута бошладилар. Соҳибқирон эса жойидан қилт этмасди. Ниҳоят, мутлақо кутилмаганда амир Ҳусайн жангчилари орасида пайдо бўлган Темур жангчилари «урҳо-ур» билан ҳужумга ташландилар. Довдираб қолган пистирмадаги жангчилар беихтиёр чекинишга тушдилар ва ўз-ўзидан Соҳибқирон жангчилари ёғдира бошлаган камон ўқлари дўлига дучор бўлдилар. Тўқнашув ҳақиқий жанг даражасига кўтарилмади ҳисоб. Чунки орқадан келган жангчилар Али Шайх билан чўпон сарбадорни қўлга олишгач, қўшин дарҳол таслим бўлишга ўтди.

Қушиннинг асосий қисми дарҳол Темур тарафга ўтишга рози эканлигини билдирди.

Балх йули очиқ эди.

Сафар олдидан амир Мусо қушинининг оз сонли қисми билан ундан ажралиб, яна Ҳусайн ҳузурига қочиб кетганлиги маълум бўлди. Ҳолбуки сотқин амирнинг ўгли Муҳаммадбек Мусо Темурга садоқати боисидан берган қасамига хиёнат қилмаган эди. Ҳатто, айтишларича, Муҳаммадбек падарининг дўқ-пупи-саларию савалашларигача чидаш бериб, собитлик билан ўз аҳдида қолганмиш.

Йигирма минг кишилиқ қўшин Балхни чор тарафдан қамалга олди. Бироқ шаҳар деворлари баланд ва мустаҳкам эди, чуқур жарлик эса сув билан тўлғазилганди. Ҳусайн мудофаага пухта тайёргарлик кўриб қўйганди. Шаҳарда камида ўн беш минг жангчи бор. Бундоқ баланд деворлар ортида улар ўзларини беҳавотир ҳис этишлари шубҳасиз.

Темур узоқ давом этадиган қамалга ҳозирланиб турган маҳал туйқусдан шаҳарнинг барча олти дарвозаси кенг очилди ва ўн икки минг кишилиқ отлиқ жангчилар Темур лашкари устига ташланди. Отлиқлар ортидан пиёдалар келмоқда эдилар. Довуллар жангга чорлайди. Чанг осмон баробар кўтарилди. Темурнинг барча қўшини ҳали етиб келиб улгурмагани боисми, аввалига Ҳусайн лашкарининг қўли баланд келаётгандай туюлди. Бироқ тез орада кучлар миқдори ва сифати ўзгарди. Жанг майдонида сон-саноксиз қурбонлар қолдирган амир Ҳусайн лашкари шаҳарга қочиб киришга мажбур бўлди ва шундан кейин дарвозалардан умуман бўй чўзмайдиган аҳволга тушди.

Дам шу дамдир, нақлига амал қилган Темур лашкарига ҳордиқ бериб ўтирмади. Балки дарров ҳужумга ўтишга фармон этди. Чарчоқ билмас жангчилар тун бўйи тупроқ ташиб сув тўлдирилган ҳандақни кўмиб чиқдилар. Деворлар тагига ҳам тупроқ уйилди. Барча ишлар қилиниб бўлингандан кейингина лашкар ҳордиқ олишга ўтди. Олдиндан юборилган айғоқчилар шаҳардан қайтдилар. Уларнинг маълум қилишича, амир Ҳусайн Ҳиндевон қўргонидаги саройдан чиқмаган ҳолда ўз ўғиллари ва ишончли чопарлари воситасида лашкар устидан раҳбарлик қилиб турган экан. Темурнинг синглиси Ширин саройда, ишончли қўриқчилар қўлида сақланмоқда. Унинг турмуш ўртоғи амир Орлот эса Балхнинг эски қўргонидаги зиндонда экан. Бу

маълумотларни олган Темур шаҳарга кирилган заҳотиёқ синглисини озод қилишни Алибердига топширди. Мўйид Орлотни қидириб топиш ва зиндондан қутқаришни эса Оқтемур баҳодирга ишонди.

Яна айғоқчилар хабарларига қараганда, шаҳар дарвозаларига ҳужум қилишдан ҳеч бир маъни йўқ эди. Чунки дарвозалар устида тун-кун мум қайнатилмоқда экан, боз устига, ҳужум қилаётганлар устига отиш учун жуда кўп миқдорда тошлар йигиб қўйилган. Бироқ шаҳарнинг шимолий қисмидаги девор бирмунча заифлиги аён бўлиб қолибди. Уни кеч кузда, ёмғир узлуксиз ёғиб турган маҳалда тиклашган. Ҳалига довуру кўнгилдагидай қуриб битказилмаган деворни тош отувчи қурилмалар билан осонгина қулатса бўлади.

Темур тажрибали жангчиларининг мулоҳазаларини диққат билан тинглади. Соҳибқирон қўл остида девор ва дарвозаларни бузишга мўлжалланган каттагина қурилма бор эди. Ярим кечаси у қурилмани шимолий девор яқинига олдириб келиб, ўқ ва тошлардан ҳимоя қилиш мақсадида устига енгилгина чодир ўрнаттирди. Қурилма тун бўйи ишлаб турди. Субҳи содиқда эса Темур лашкарини ҳужумга ташлади. Ҳужум барча олти дарвозага бўлаётгани учун душман асосий куч қаердан келаётганини, заҳирани қаёққа ташлаш лозимлигини билмай қолди.

Балх ҳимоячилари ҳужум қилаётганлар устига мум қўйишар, тош отишар, камондан ўқ ёғдиришарди. Лекин деворларга юзлаб нарвонлар қўйиб улгурган жангчилар улардан юқори кўтарилиб, шамширларини ялангочлаганча ҳимоядагилар устига шердай ташланмоқда эдилар. Деворга чиққанларнинг биринчи сафида Темурнинг ўғли Умар Шайх бор эди. Соҳибқирон кўз қири билан ўглини кузатиб турар ва ҳар замон ҳар замонда хавотирдан юраги орқасига тортиб, бадани музлаб кетгудай бўларди. Мана, бир неча сония Умар Шайх девор устида ёлғиз ўзи қолди. Йўқ, Худоба шукр, унинг ортидан бир жангчи пайдо бўлди, кейин иккинчиси. Хавф бартараф этилмаса-да, ҳар қалай, камайди. Муҳаммадбек ҳам бу жангда шаҳзода номига муносиб баҳодир эканини исботлади. У йўлдаги рақибларни санчиб-чопиб бирпасда Умар Шайх ёнига етиб келди. Айни шу дамда Муҳаммадбекнинг йўлини бир неча ёғий тўсди. Улар сафида амир Хусайннинг ўғли Жаҳон Малик ҳам бор эди. Отасига ўхшаш озгин, нимжонроқ, бироқ ўтакетган ўжар

шаҳзода ёнидагиларга Муҳаммадбекни кўрсатиб, уни қўлга олишни буюрди-да, ўзи шамширини боши узра азот кўтарганча Умар Шайхга ҳужум қилди. Шаҳзода амирзоданинг бошини мўлжаллаб қилич солди. Агар қилич келиб текканида, Умар Шайх гавдаси шаксиз иккига айрилган бўларди. Лекин сўнгги сонияда Умар Шайх ортга чекиниб улгурди. Мувозанатини сақлай олмаган Жаҳон Малик қалқиб кетди ва дод солганча девордан пастга қулади...

Худди шу маҳал ботир Умар Шайхга душман ўқи келиб тегди. Ўқ амирзоданинг болдирига санчилганди. Муҳаммадбек дўстини чеккароққа суяб олиб ўтди, сўнг уни арқонда пастга туширди. Сафарали ўқни болдирдан сугуриб олди ва жароҳат ўрнига дарҳол кигиз куйдириб босди. Амирзода огриққа миқ этмай чидаб берди.

Девор бузувчи қурилма иш бериб, чошгоҳга борганда шимолий девор гупиллаб қулаб тушди. Ҳужум қилувчилар пайдо бўлган ёриққа ўзларини урдилар. Жанг энди Балх кучаларида давом этди.

Жанг ҳатто кун ботгандан кейин ҳам тинмади.

Балх тонга борибгина таслим бўлди. Аммо амир Ҳусайннинг ўзи бир сиқим содиқ жангчиси билан Ҳиндевон қўргонига қамалиб олди. Албатта, амир аҳволига маймунлар йиғлагудай бир вазиятда, нафақат ҳокимиятдан, балки ҳаётдан ҳам ажралишга тайёр бўлмоғи лозимлигини яхши тушуниб турарди.

Умид муждаси кутилмаганда Темур тарафдан эсиб қолди. Соҳибқирон чопари орқали тубандаги мазмунда нома юборганди: «Мағлублигингни тан олиб, ташқарига чиқгил. Фақат аввало қўргондин Ширин бекогани озод қилмоқни унутма...»

Ҳусайн тақдирга тан беришга мажбур бўлди. У Соҳибқиронга ўзининг кенжа ўгли орқали жавоб номаси йўллади: «Фақир итоат камарини белимга бойламишмен. Энди каминага ҳукмронлик, мол-мулк, бировларга фармон бермоқ каби истаклар буткул бегонадур. Ёлғиз истагим: бошимга ёгилган гам-кулфатлар ёмгирини шараф ила қаршиламоқдур. Сиз ҳиммат айлаб, фақирни Ҳиндевондин озод айланг, фақир эса Ширин Бекогага озодлик ҳадя этиб, муқаддас Каъбага мусулмонлик фарзини адо этмоқ учун йўлга тушурмен, Фақат йўлимга тўсиқлар қўймасангиз, кўнглингизда мени ҳаётдин жудо этмоқдек гаразли ният устивор бўлмаса бас...»

«Сизнинг қўргондин чиқмогингиз ва Аллоҳ кўнглингизга солгон эзгу ниятингизни ижобат этмогингизга бирон-бир тирик жон халал беролмасдур!..» — дея ёзди Темур жавоб номасида.

«Ундоқ эрса, тонг-ла ҳузурингизда бўлурмен, — хабар қилди амир Ҳусайн, — Аллоҳдин ёлғиз илтижойим, фақирнинг ҳаётини сақламоқ борасидаги ваъдангизни унутмасангиз бас...»

Ва-лекин... сут билан кирган жон билан чиқар, деганларидек, амир Ҳусайн бу сафар ҳам ваъдасида турмади. У тонгни кутиб ўтирмасдан, ярим кечаси икки содиқ навқари ҳамроҳлигида саройдан пинҳона чиқиб кетди. Тонгда эса, ўзини таниб қолишларидан қўрққани боис, жума кунлари суфи азон айтадиган минорага кутарилди ва ўша ерга яшириниб олди. Амир Ҳусайн, эҳтимол, минорада ҳеч кимнинг назарига тушмасдан тинчгина кунни ўтказган ҳам бўларди, ахир, муаззин тонгги азонни айтиб бўлганда-да, лекин тақдирнинг ҳазилини қарангки, отини йўқотиб қўйган бир шаҳарлик минорага чиқиб ён-атрофни кузатмоқчи бўлди. Бу одам минорада амир Ҳусайнни кўриб қолди ва дарҳол таниди. Табиатан ҳасис бўлса-да, Ҳусайн агар у жим юрса, йўқолган оти ўрнига юз отга етадиган олтин беришга ҳамда ёрут кунлар келгач, умрининг охиригача унинг ҳомийси бўлиб қолишга ваъда берди. Аввалига шаҳарлик кимса амир Ҳусайн зўрлаб тутган бир олам олтин тангаларни миннатдорчилик ила олди. Сўнг, пастга тушгач, андак мулоҳаза юритиб, шундай қарорга келдики, мабодо бу гал бириктирув ошкор бўлиб қолса, отига қўшиб калласини ҳам йўқотиши аниқ. Шундай экан, узоқдаги қўйруқдан... деганларидек, балодан олисда юрган маъқул. Хуллас, шаҳарлик тўғри Соҳибқирон қароргоҳига борди ва амир Ҳусайнни минорада яшириниб ўтирган алфозда учраганини дарҳол тўкиб солди.

Шунча йил ҳукмронлик қилганидан сўнг, кечагина итоатингда бўлган фуқаро бугун ҳаттоки ўтинчингга ҳам қулоқ осмаганини кўриб туриш нақадар азобли! Амир Ҳусайн минорага ҳар тарафдан амир Темур жангчилари босиб келаётганига кузи тушганида, шундай ҳиссиётлар исканжасида эди. Кейин жон аччигида пастга югуриб тушиб, мачит ёнбошидаги сомонхонага ўзини урди. Бойлик кимга вафо қилибди. Амирни минорадан тополмай, ён ҳовлиларни куздан кечираётган бир жангчига ҳам сомон ичидан этаги чиқиб

турган қимматбаҳо ёқутранг чопон шубҳали кўринди... Балхнинг собиқ ҳукмдори қўли орқасига боғланган ҳолда Соҳибқирон ҳузурига келтирилди. Темур собиқ дўсти ва ҳамкорига синчков нигоҳини тикди. Ҳусайн кузларини олиб қочди.

— Аввало Оллоҳ, қолаверса, бунда утирганлар шоҳид, — деди Темур ёнидагиларга ишора қилиб. — Аҳдномамизнинг бирон бандига хиёнат этмадум. Неки бало чиқса, ўзингдин чиқмиш. Магар чинданга, Оллоҳ таоло кўнглингга солиб мусулмонлик фарзларидан бирини адо этмоқ ниятида эркансен, майли, бор, Арофат тоғида туриб тавба-тазарру ва дуо-илтижо қилгил. Зеро, Қуръони каримда айтилгонидек, «...ким ўз ихтиёри-ла яхшилиқни ният қилса, бас, албатта Аллоҳ тақдирловчи ва билгувчидир». Дарҳол унга от беринг, токи тезликда мамлакатимиз сарҳадини тарк этиб, бергон ваъдасини адо этсун!..

Қуриқчилар амир Ҳусайнни дарвозадан эсон-омон чиқариб юбордилар. Лекин у узоққа боролмади. Ҳусайн ортидан тушган Кайҳисрав тезда уни қувиб кетди. Туғишган акаси Қайқубодни милодий 1361 йили ўлдиргани учун Ҳусайн қонига ташна юрган Кайҳисрав деярли ўн йилдан бери интиқом онларини зориқиб кутарди. Мана, ниҳоят, ўшандай саодатли дақиқалар етиб келди. Кайҳисрав шамшир урди ва амир Ҳусайннинг ҳамон макру ҳийлалар билан банд боши танасини тарк этиб, катта йўлда юмалаб кетди...

Ҳусайннинг фожиали ўлими ҳақида Темурга хабар қилишди. Соҳибқирон нечукдир суюмли рафиқаси булган Ўлжой Туркон оғани эслади ва қайгули оҳангда пичирлади: «На илож, Аллоҳ ҳукми шул эркан. Билиб айтмишлар: ал қасос-ул минал ҳақ!..»

Амир Ҳусайн жасади авлиё Оқшо ҳожи мақбарасига қўйилди.

Ҳиндеворни қўлга киритган Темур жангчилари сарой бўлмаларидан бирида нақ юрагига камон ўқи санчилган ҳолида ўлиб ётган Одил Султонни учратдилар. Қамал чоғи Ҳусайннинг икки ўғли Саидхон билан Наврўза Султон ҳам ўлдирилган эди. Шу билан бутун бошли сулола барҳам топгандай эди.

Фарзандлар жасади ҳам ота ёнига қўйилди. Уларнинг руҳини эса Азроил кўкларга узатиб қўйди...

Шу кундан эътиборан Мовароуннаҳрда амир Ҳусайн номи билан боғлиқ неки бор — бариси тарихга айланди...

ҲИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

МОВАРОУННАҲР ТОЖИ

Энди, амир Ҳусайн жасади мақбарага жойлашгандан сунггина Темур кўнглининг туб-тубида шундай якунга интилиш азалдан мавжуд бўлганлигини туйди. Ҳусайннинг синглисини банди этгани бир баҳона бўлди, холос. Сабаб эса мутлақо бошқа нарса. Мабодо синглиси асир этилмаганда ҳам, шак-шубҳасиз, ўзга бир баҳона топилмасдан қолмасди. Уларнинг йўллари кесишди ва бу кесиши нуқтасида ҳокимият, тож турарди. Тахт учун курашда Ҳусайн шошқалоқ, сабр-сиз эканини фош этди. Темур эса тоқатли, мулоҳазакор эди. Зеро, у падари бузруквори Тарагай Баҳодурнинг бир ўғитини яхши ўзлаштириб олганди: «Тутри йўлдан юрган одам газна топура, Фақат даҳрийларнигина Аллоҳ эгри йўлга бошлар...»

Мана, Хуросоннинг бош шаҳри, бой-бадавлат, улкан Балх — измида. Темур умрида илк бор мутлақ ҳукмдор бўлмоқнинг сархушлигини туйди ва шаҳарни жангчиларига талон-тарож этишга изн борди. Илло, у Самарқанд, Бухоро, Қаршидаги мисоли балхни ёғийдан озод қилмади, аксинча, ёғийга тегишли шаҳарни забт этди. Балх унинг ҳарбий ўлжасига айланди. Фармонга кўра, ҳар бир жангчи Балхда истаган нарсасини олишга ҳақли эди. Ўзига эса Темур Ҳинде-вон саройини, хазинани ҳамда ҳарамни ўлжа, товон сифатида олди. Одатда ҳарамни қўлга киритиш голибнинг даҳлсиз ҳуқуқи ҳисобланарди ва Темур бу ҳуқудан фойдаланди.

Саройдаги барча олтин ва қимматбаҳо буюмлар Кешга олиб кетилди. Олтин мўл-мўл экан. Ҳусайн зикна ҳукмдорлар тоифасидан эди. Унинг хасислиги борасида афсоналар тўқилганди. Хазинани Кешга Темур девонининг биринчи даражали вазирларидан бўлган Довуд Барлос кузатиб борди. Саройнинг аёллар жойлашган қисмига ўтиш учун эса фақат Темурнинг кўкалдош укаси Сафаралига изн берилди. Бу ҳиндуга ўхшаш келишган қоматли, қорачадан келган ўттиз ёшли жангчи турмуш талошларида овораи сарсон бўлиб юравериб, оила қуришга вақт ва имкон тополмаганди. У амир Ҳусайннинг катта хотини Сароймулкхонимнинг фавқулудда ўткир зеҳли ва ҳукмдорлик салоҳияти хусусида кўп эшитганди. Боз усти-

га аёл Қозонхоннинг қизи бўлгани боис, томирларида соф асилзода қони оқарди. Сафарали шу аёлни изларди. Унинг фармонига кўра саройнинг бош бўлмаси ҳисобланмиш саломхонага Ҳусайннинг жами саккиз хотини олиб келинганда, Сафарали Сароймулкхонимни дарҳол таниди. Аёллар ичида фақат угина пинак бузмасдан, ҳаттоки улуғвор тарзда бошини мағрур кўтариб турарди. Ва аёллар ичра угина бўлиқ сийналарини сириб турган ҳарбий либос кийиб олганди. Бошқа аёллар кўрқа-писа бурчак-бурчакка биқиниб олишга уринаётганлари ҳолда Сароймулкхоним виқор ила қимматбаҳо тошлар билан ишлов берилган тожни бошига кийиб, тахтга жойлашиб ўтириб олди. Унинг мумдай қоп-қора соч толалари тушиб турган мармардай оқ юзида хотиржамлик аломатлари зуҳур этар, фақат ақиқдай қизил лабларининг маҳкам қимтилганигина аёл кўнглида кечаётган ғалаёнлардан дарак берарди.

Сароймулкхоним чарос кўзларини Сафаралига тикди. Малика ишораси ила оёғи тагида ўтирган жория чанг чала бошлади. «Мушку анбар бўйи анқиб тургон ажиб боғ, — дея хаёлидан ўтказди Сафарали ҳарам ҳақида. — Фақат мен бунда ҳукмдор эрмас, балки омади чопгон хизматкормен, холос...»

Сафарали амир Ҳусайннинг тўнгич хотинига ҳурматини жойига қуйиб таъзим бажо айлади.

— Яратган эгамнинг иродаси ила сизларнинг хўжайинингизга айланган Соҳибқирон ҳазрати олийлари гўзал аёлларни ўз чодирига кузатиб бормоқдек юмушни каминага юкладилар.

Сафарали гапидан кейин саломхонага сув қуйгандек жимлик чўқди. Фақат Сароймулкхонимнинг қисқа-қисқа нафас олаётгани аниқ эшитиларди. Афтидан, малика ўзининг дастлабки жанги олдидан ҳаяжонга тушаётган ўсмирга ўхшаб қолганди. Сафарали ҳали умрида бирон-бир аёлга айтиб улгурмаган сўзларини баногоҳ ўзини мафтун этган гўзал маликага айтиб юборди:

— О, фақирнинг қўли етмас бебаҳо хазина!

Темурнинг элчисига аллал ажабланиб қараган Сароймулкхоним мазахомуз тарзда сўз қотди.

— Бундоқ маҳмадона одамни умримда кўрмагонмен. Нақ булбулигўё бўлиб кетганини айтмайсизму?!.

Хушёр тортган Сафарали ўз табиатига хос тортин-

чоқ ҳолатга кирди. У Соҳибқирондан ўзга нарсани ўйламасликка қатъий аҳд қилди.

Темурнинг чодирни балх яқинидаги майсалар билан қопланган саҳрода жойлашганди. Марҳум амир Ҳусайннинг беваляни чодирга бирин-кетин олиб кирди. Сароймулкхонимга кўзи тушган Темур ҳаяжон ичра хитоб қилди:

— Наҳот бу ўзингиз? Аллоҳ шоҳид, неча йилдирки, сиз ила бир бор учрашмоқ орзусинда Анга илтижо қилурмен!..

Жаҳддан икки ёноғи баттар ол тус олган малика бошини кескин кўтариб, даргазаб оҳангда деди:

— Амир Ҳусайн сиздин бежиз қўрқмагон эркан. Мана, ниҳоят, даҳшатли овозингизни эшитмоқ менга ҳам насиб этмиш. Бироқ шуни унутмангким, тақсир, сизнинг эрмагингизга айлангондин кўра, ўзимни ўлдирмоқни кўп афзал деб билурмен.

Соҳибқирон бу гаплардан заррача хафа бўлмади.

— Мусулмончилик аста-аста, дейдурлар.

Сароймулкхоним газабига бутунлай эрк бериб юборди.

— Сиз менга йўлдан озгон аёлга эрмас, буюк хон қизига қарагондай ёндошмоқни фаромуш этдингиз чоғи?! Иродасиз амир Ҳусайнга курсатган қароматларингиз менга ўтмасдир. Билурмен, мени маҳрингизга олмоқ қасдидасиз. Илло, фақат мендек буюк хоннинг қизигина сизнинг қўйи табақадин эрканлигингизни англагмиш исмингиз ёнига «Кўрагон» унвонини қўшмоқдек шарафга муяссар эта олур.

Темур асирага ҳайратланиб қаради. Аёлнинг сўзларида сарой соҳибасининг тантиқлиги эмас, чуқур мантиқ сезиларди.

— Сиз мендек ожизани Балхни олгандек маккорлик ила илкингизга ололмайсиз. Унутманг, ҳокимият ва аёлни эгаллаб олиб бўлмас, алар фақат муносибларгагина насиб этгусидир. Қурултой чақиринг. Майли, вакиллар дилида шундоқ ният бор эркан, улуг Чингизхоннинг ясоларига асосан сизни Мовароуннаҳр тахтига кўтарсунлар. Баайни менинг падари бузрукворим Қозонхонни оқ кигизга ўраб тахтга кўтарганлари мисол, Мовароуннаҳр ҳокими этиб Қозагонхон тайинлангани мисол. Мабодо ҳокимиятни зўравонлик ва куч ишлатиб илкингизга олар эркансиз, қайтар дунё бул, шаксиз, эрта-бурускун сиздинда зўроқ бир амир келадур-да: «Сохта ҳукмдор, тахтни бў-

шат!» дея дағдаға қилгувси. Фақат қурултой сизни сайлагон тақдирдагина мени Ёнингизга таклиф этмогингиз мумкин. Ана ушандагина шариат қонунларига биноан мен сизнинг танмаҳрамингизга айланурмен...

Сароймулкхоним гапини тугатгандан кейин ҳам бошқа хотинлар миқ этиб огиз очишмади. Темур Қозонхон қизи учун алоҳида чодир тиклашга, олий табақадан эканлигини назарга олиб, унга айрича иззат-ҳурмат кўрсатишга фармон берди.

Тез орада йигирма тўққиз ёшли бекфарзанд Сароймулкхоним Соҳибқироннинг бош хотинига айланади, Темурнинг ўзи эса «буюк хоннинг кўёви» — курагон унвонига сазовор бўлади. Марҳум амирнинг бошқа хотинлари эса Чоқу Барлос, Занда Ҳошим, Сайфуддин ва ўзга таниқли баҳодирларга тақсимлаб берилди.

Орадан бир неча ҳафта ўтиб тиз чўккан Балхда талон-тарождлар тугаган, марҳумлар ерга топширилган, мағлублар ўз қисматига кўниккан бир кезде Темур қурултой чақирди. Соҳибқирон Мовароуннаҳр ҳукумдори бўлмоқ тадоригини кўрмоқда эди.

Милодий 1370 йил кўкламининг охирлари. Мовароуннаҳр тахтига ўзга даъвогарлар йўқ эди. Темур қароргоҳи анжуман олдидан улкан базмгоҳга айланиб кетди. Балхдан бир фарсах наридаги яшил майсалар гилами тўшалган яланглиқда маҳобатли тепалик бунёд этилди. Унинг устига иккита катта чодир тикдилар. Улардан бири, тилло ранглиси Темурга тегишли, элик қадамча наридаги мовий ранглиси Сароймулкхонимга атаб тикланганди. Яланглиқда эса қатъий тартиб асосида қурултойга ташриф буюрган амирлар, таниқли баҳодирлар, нуёнлар учун махсус чодирлар қурилганди.

Мовароуннаҳр ҳокими этиб Темур расман тайинланиши билан боғлиқ барча тадбирларни Берқут ўз зиммасига олганди. Унинг фармонига кўра, иккала чодир ўртасига ранг-баранг гиламлар тўшаб, махсус майдонча ҳосил қилишди. Ушбу майдончанинг ўртасига амир Ҳусайн саройидан олиб келинган тахтни ўрнатишди. Бу тахтда Сафарали илк бор Сароймулкхонимни кўрганди. Авваллари бу тахт Қозонхонга тегишли бўлган экан. У эса ўз навбатида тахтни кимдандир мерос олган. Айтишларича, бу ажойиб тахт Чинда ишланган бўлиб, Чигатойхон ўз улусига ҳукмронлигини бошлаши муносабати билан совға қилин-

ган экан. Қозагонхон ўлдирилгандан кейин тахтни амир Ҳусайн қўлга киритган...

Ниҳоят, ўттиз тўрт ёшли Кеш амири Темур Тарагай Баҳодур тахтга ўтирди. У бошдан-оёқ ҳарбий либосда эди. Тахтда виқор ила ўтирган Темур ҳатто ҳар замонда иззат-нафсига озор бериб турадиган уй — оқсоқланишини ҳам бутунлай ёддан чиқарганди. Соҳибқироннинг унг тарафида ҳарбий либосларга чулганган амирзода Жаҳонгир билан Умар Шайхлар ўтиришарди. Чап тарафда, юмшоқ ипак болишларда соҳибқироннинг бош хотини Сароймулкхоним жой олган. Ҳаво илиқ бўлишига қарамай Сароймулкхоним ялтироқ қалин либосларини кийиб, тақинчоқларини тақиб олганди. Жиддий, совуққон қиёфада ўтирган бош хотиндан кейин Жаҳонгирнинг онаси Нормиш оға ва Темурнинг бошқа завжалари.

Тахт ортида эса баайни мустаҳкам девордек Темурнинг содиқ қўриқчилари — Мубошир полвон, Абдуллоҳ ботир, Алиберди ва Оқтемир. Улардан кейинроқ, унг ва сўлда амирлар, таниқли баҳодирлар, нўёнлар ва бошқа арбобу аъёнлар.

Темурдан салгина одинроқда, юмшоқ кўрпачаларда Суюрғамишхон ёлғиз утиради. Хоннинг кайфияти кўнгилдагидай эмасди. Илло, у фақат номигагина хон эканлигини, барча ишлар Мовароуннаҳр ҳокими қўлида бўлажagini қурултойда иштирок этаётган каттадан-кичик, жумладан, хоннинг ўзи ҳам яхши билишарди. Темур ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашда хон бир восита вазифасини бажармоқда эди, холос.

Ҳаттоки Соҳибқироннинг пири Саид Барака ҳам хондан одинроқда ўтирарди. Муҳаммад пайгамбар алайҳисаломнинг авлоди бўлмиш ҳазрат ёнида қурултойга махсус етиб келиб, унинг залвори янада ошуви-га ҳисса қўшган шайхлар Абдулмали ва Алиакбарлар жой олишган.

Тадбир эрта тонгдан бошланди. Шарқ уфқида пайдо бўлган офтобнинг илк нурлари Соҳибқирон либосларида ялтираётган маҳал Саид Барака ҳазратлари ўрнидан туриб, муқаддас Қуръони каримнинг илк сатрлари — Фотиҳа сурасини ўқиди:

— Меҳрибон ва раҳми Аллоҳ номи билан. Ҳамду сано бутун оламлар хожаси, меҳрибон ва раҳми, жа-зо кунининг эгаси — подшоҳи бўлмиш Аллоҳ учун-дир. Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз. Бизларни, газабга дучор бўлмаган ва Ҳақ

йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг булмиш — Туғри Йўлга йўллагайсан*...

Фотиҳа сурасини уқиб бўлган Саид Барака қибла тарафга уч марта таъзим айлаб, уч бора «Аллоҳу акбар!» дея хитоб қилди.

Қурултой аҳли Аллоҳнинг улуглигини таъкидловчи бу калимани пир ортидан эҳтиром ила такрорлашди. Бусиз маросим ўз қонунийлик кучини йўқотган бўларди, ахир.

Шундан кейин Соҳибқирон пири қурултой қатнашчилари ва Темурга мурожаат қилиб, ваъз бошлади:

— Демишларким, қалам аслида мавжуд битикларнигина қогоз юзига туширмиш. Аллоҳ ўзи суйган бандалари пешонасига-да буюк тақдирлар битмиш. Ҳали она қурсогида чогидаёқ Соҳибқирон ҳазратлари пешонасига ҳам рубъи маскун осмонинда ёрқин юлдуз бўлмоқ қисмати ёзиб қўйилгон эрмиш. Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам ҳазратларига нозил бўлгонидек, «Агар сизларга Аллоҳ ёр бўлса, ҳеч ким сизлардан голиб бўлмас. Ва агар сизларни ёрдамсиз қўйса, Ундан Ўзга ҳеч бир зот ёрдамчи бўлмас. Иймон келтирган зотлар Аллоҳнинг Ўзигагина суянсинлар».

Аллоҳ ўзи суйган бандасига қимматбаҳо тошлар ила безатилгон тож ҳадя этгусидир ва шундай саҳоват ёмгинини ёғдирурки, ул зот то умрининг интиҳосига қадар ҳукмронлик асосини илқидин қўймас. Фақирга эса, пайгамбаримизнинг уммати тариқинда Маккаи мукаррамадан пойи-пиёда келиб, Соҳибқирон ҳазратларига Мовароуннаҳр ҳукмронлиги тимсолларини топширмоқ вазифаси юклатилгон эрди, — Ҳазрат бир учи ерга кўмилган таёқ учида ҳилпираб турган тугта ва алвон гилам устида ётган жанговар довулга ишора қилди. — Ушбу қурултойга эрса, Аллоҳ таоло иродаси ила Соҳибқирон ҳазратларининг муборак назари тушган амирлар, нуёнлар, баҳодирлар ташриф буюришгани айни ҳақиқат. Соҳибқирон ҳазратларига бундин буён ҳам садоқат ва эътиқод ила камарбаста бўлинглар. Сизнинг барингизга Яраттоннинг ўзи ёр бўлмай! Аллоҳу акбар!

*Асарда Қуръондан олинган барча суралар Алоуддин Мансур таржимасида берилмоқда. «Қуръони карим». «Шарқ юлдузи» ойнамаси (1990 — 1992 йиллар).

— Аллоҳу акбар!.. — жўр бўлди қурултой аҳли.

Пирдан сўнг шайх Алиакбар маъруза қилди.

— Аллоҳ бизларни ўзи суйган бандалари томон яқинлаштириб, назаридин қолгон кимсалардин узоқлаштиргусидир. У истаган бандасидин ани тортиб олгусидир. Ҳокимият отлиғ чаман илоҳиёт чашмасидин оби ҳаёт олиб турмас эркан, асло гуллаб-яшнамагай. Бул чашма суви тиниқ бўлмоғи эса кўп жиҳатдан ҳукмдор илқиндағи адолат шамширига ҳам боғлиқ. Дин ҳамда шарият қонунларига амал қилгон ҳукмдоргина тожга муносибдур. Биз Темур Тарагай Баҳодур тимсолинда шундоқ ҳақиқатни дил-дилидин англаб етгон аркони давлатни кўриб турғонимизнинг ўзиёқ Яратгоннинг бизга кўрсатмиш яна бир каромати ҳамда иноятидин далолатдур. Аллоҳу акбар!

— Аллоҳу акбар! — яна жўр бўлди аҳли қурултой.

Сайд барака ҳазратлари ва шайх Алиакбарнинг оқ фотиҳасидан сўнг Сафарали Суюрғамиш хонга Мовароуннаҳр ҳукмдорининг йирик-йирик ёқутлари ярақлаб турган тилла тожини тутқазди. Хон ўрнидан туриб Темурнинг ёнига келди ва тожни унинг бошига кийгизди. Кейин қисқагина ваъз ирод этди:

— Мовароуннаҳрга Соҳибқирондек муносиб зотни ҳукмдор этаётгани учун Аллоҳи таолога шукроналар айтурмиз. Ушбу кўҳна маъво Соҳибқирон жаноби олийлари итоатинда кўп йиллар фаровонлик ҳамда саҳоват ўлкасига айлансун. Биз эрсак ўз томонимиздин Мовароуннаҳр ҳудудинда ҳам жума кунги хутбада ҳукмдоримиз исми кўшиб ўқилмоғи ҳамда танга зарб этилмоғига изн берурмиз. Мен ушбу тожни Темур Тарагай Баҳодурнинг табаррук бошига кийдирарканмен, барча эзгу ниятларим ижобат бўлмоғига имоним комил. Аллоҳу акбар!

— Аллоҳу акбар! — унинг ортидан такрорлади Темур.

— Аллоҳу акбар! — гувилаб жўр бўлди қурултой аҳли.

Шундан кейин Мовароуннаҳрнинг энг обрўли уруғларининг ўн икки амири Соҳибқиронни оқ кийгизга ўтқазиб, ясоларда ёзилган барча қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда, юқорига кўтардилар. Бу маросимнинг энг ҳаяжонли дақиқалари эди.

— Темур бизнинг ҳукмдоримиз!..

— Темур ислом шамшири!..

— Темур юлдузлар билан тиллаша олур!..

— Темур — музаффарият!.. — дея ҳайқирардилар қурултой қатнашчиларининг ҳар бири ўзининг кўнглидаги ниятини бошқалардан қаттиқроқ ифода этишга уриниб.

Ниҳоят амирлар белгиланган муддат мобайнида Темурни кўтариб туришгач, оқ кийгизни пастга қўйдилар. Одатга кўра, Соҳибқирон Суюргамиш хонни сийлаб, зарбоф тўн ва қимматбаҳо тошлар ила безак берилган камар ҳадъя этди. Шунингдек, Соҳибқиронни оқ кийгизда кўтарган ҳар бир амир ҳам зарбоф тўн, камар ҳамда Дамашқ шамширидан олдилар. Ўз навбатида хон Мовароуннаҳр ҳукмдорига нақшинкор эгар урилган булутдай оппоқ аргумоқ совга қилди. Аргумоқ янги ҳукмдорнинг куч-қудрати, ҳарбий муваффақиятидан дарак бериб туриши лозим эди.

Биринчи бўлиб нуён Берқут янги ҳукмдорга ўз садоқатини изҳор этиб қасамёд қабул қилди. У тахт ёнида тиз чуқиб, Темур қўлидан лим тўла косадаги кўпириб турган қимизни олди ва бир ҳўплаб қайтариб берди. Берқут нуёнлик рамзини Темур туги тагига маҳкамлагач, довулга бир уриб қўйди. Бу — Берқут бундан буён ҳамиша Темур итотида бўлиши ва унинг душманларига қарши жонини аямай олишажанинг англатарди. Берқутдан кейин бошқа амирлар ва нуёнлар ҳам қасамёд қилдилар. Улар ҳаммаси косадаги қимиздан ҳўладилар ва довулни урдилар. Шу ерда, қурултойнинг ўзидаёқ девоннинг бош вазири этиб Довуд Барлос тайинлангани эълон қилинди. Амирлардан Сарбуга, Ҳусайн Барлос, Оқбуга, Ҳожи Маҳмудшоҳ, Элчи Баҳодир ва Давлатшоҳ Бахшилар эса, девон амирлари бўлиб қолгандилар. Улар ҳаммаси яна бир бор Темур қаршисида қасамёд қабул қилдилар.

Сўнг лашкардаги ўзгаришлар эълон қилинди. Лашкар қўмондонлари этиб Чоқу Барлос, Сайфиддин Навқарий, Аббос, Искандар, Аълам Шайх, Олфа Кучин, Урдишер Кучин ва Камри Энақулар тайинландилар. Отлиқ жангчиларга эса Хитой Баҳодур, Оқтемур Баҳодур, Товон Баҳодур, Доқон Бахтишоҳ, Опочи Калта, Қарон Бўка ва Шайх Алилар бошчилик қиладиган бўлишди.

Байрам кайфиятига қарамасдан Темур ҳушёрлигини йўқотмади. У тахтда қимирламасдан ўтирар, аммо ўзига қасам ичаётганларнинг кўнглидан нелар кечаётганини билиб олишга уринарди. Чоқу Барлоснинг адашиб-тутилиб, ва-лекин чин юракдан айтган самимий

сузлари, Оқтемир Баҳодирнинг юзидаги болаларча шодлик уни қувонтирди. Шу билан бир қаторда қасам ичаётганлар сафида Хива, Хоразм, Ҳирот, Ширбиргон ҳукмдорининг йўқлиги кўнглига андак хижиллик ҳам соларди. Ҳолбуки, Чигатой улусининг ҳар бир туманига Темур чопаридан ташқари Саид Барака дарвешлари ҳам махсус нома билан жўнатишган эди. Номада эса, жумладан, шундай сатрлар бор эди:

«Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм! Алҳамдулиллоҳу раббийл аъламин! Биз, аҳли Мовароуннаҳр, хусусан, пайгамбаримиз авлодлари, муаллимлар, жангчилар Пайгамбаримизнинг муборак исмларини тилга олмоқнинг ўзидаёқ очлик, кийим-бош ташвишларидан қутула оладургон мўъминларга мурожаат этмақдамиз. Ўзингизга-да маълум ва аёндирки, ислом қўйин кунларни бошидан кечирмиш. Аллоҳи таоло иродаси ҳамда Соҳибқирон Темур саъй-ҳаракатлари ила гайридинлар ўзларининг совуқ Муғулистонига жўнаб кетмишлар. Бироқ ислом ҳалига довури етти иқлимга тарқалиб улгурмамиш, ер юзида, ҳайвонлару турли бутларга сизинмоқни давом эттираётгон гайридинлар ҳалиҳануз бисёрдур. Алар узра ҳозирча анча кучсиз бўлгон ислом шамшири осилиб турмишдир. Улкан Мовароуннаҳрдек мамлакатимиз эрса шунчалар кичик-кичик ҳудудларга бўлиниб кетгонки, арзимаган қудратга эга ёғий ҳам аларни бирма-бир бемалол енга олури. Бизга кучли ҳукмдор лозим. Айнан шундоқ ҳукмдорни сайлов маросимига марҳамат этмагингизни сўраймиз. Балх шаҳри ўз дарвозалари ва бог-роғларини очиб, Сизнинг пойқадамингизга мунтазир. Ҳар бир мўъмин мусулмон ҳижрий 771 йил рамазон ойининг 26-кунида* Балхда бўлмоғини сўрайдурмиз. Аллоҳ мағфират қилгувчи ва раҳмлидир. Аллоҳу акбар!..»

Алал-оқибат барибир шодлик ўз ишини қилиб, Темур кўнглидаги хижилликни ҳайдаб юборди. Боз устига маросимнинг энг масъулиятли ҳамда муҳим қисми етиб келган, яъни Темур тахтга ўтириши муносабати билан нутқ ирод этиши жоиз эди.

Соҳибқирон оқшанини сездириб қўймаслик учун шошилмасдан ўрнидан турди, ошиқмай туғи тагига борди. Амирлар ва баҳодирлар билан бирлигини ифодаламақчи бўлаётгандай довулга куч билан урди. Бер

*Милодий 1370 йил, 24 апрель.

қут ҳукмдорга қимизли косани тутди. Темур бир кута-ришда косани бўшатди.

— Мен, Темур Тарагай Баҳодур, — дея дона-дона қилиб оҳиста гап бошлади Соҳибқирон синчков нигоҳини ўзини диққат билан эшитаётган қуролтой қатнашчилари ва меҳмонларга тикиб, — Аллоҳ таоло иродаси ва хоҳиши ила Мовароуннаҳр тахтига ўлтирар эрканмен, мени Мовароуннаҳр ҳукмдори этиб сийлагон ҳамда менга садоқат изҳор айлаб, қасамёд келтиргон барча турк уруғларининг амирлари, баҳодирлари, нуёнларини инонтириб айтаменки, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратлари уғитларига, Чингизхон қонунларига ҳамда Ўз туркий халқимнинг одат ва анъаналарига оғишмай амал қилурмен. Мен Мовароуннаҳр ҳудудин Чигатой улуси қадар кенгайтирмоқ ниятидамен. Мен исломни етти иқлимга ёймоқ йўлинда тинмай сайъ-ҳаракат қилурмен. Мен илкимдаги раия аҳволи тобора ўнгланиб бормоги учун ҳамма чораларни кўрурмен. Шунингдек, бундан буён менинг барча ворис-меросхўрларим ҳукмдоримиз ворисига муносиб зотлар сифатида «шаҳзода» деб аталмоғини эълон қилурмен. Чигатой улусининг бош шаҳри эрса — кўҳна Самарқанд бўлгусидур.

Қурултой қатнашчилари яна гуриллаб уни алқашга тушдилар:

— Темур ҳукмдорларнинг энг аълоси!

— Темур — Аллоҳнинг жазо шамшири!..

— Соҳибқирон — ҳокимият осмонидаги энг порлоқ юлдуз!..

Кўнглидаги фикрларни мухтасар тарзда айтолганидан мамнун бўлган Темур жойига келиб ўтирди.

Оқшом ялангликда сон-саноксиз гулханлар ёнди. Шундай гулханларнинг бири ёнида ўтирган бахши аввал дўмбирасини сайратиб, зим-зиё тун қўйнига ажиб оҳанглар йўллагач, мусиқага жўр бўлиб дoston бошлади:

*«Таланган ва хурланган маъво
Қайтиб яна қалқар оёққа
Ва англагай буюклигини.
Кеш осмони узра чиққан ой
Бугун келиб дунди Қуёшга.
Бу қуёшнинг номи Темурдир.
Юлдузлар ҳам хайрихоҳ эди
Соҳибқирон тугилган палла...»*

Жаҳонгир билан Умар Шайх ҳам узларида йуқ хурсанд эдилар. Ахир, ҳазил гапми, энди улар шаҳзодаларга айланган эдилар. Ҳатто Сароймулкхоним ҳам юзига қалққан табассумни яшириб туролмади. Зеро, бугун Темурга қасам келтирган зотлар унинг катта хотинига ҳам қасам ичгани аёлга аён эди. Шу бугундан бошлаб Сароймулкхоним учун қувончли ташвишларга мўл янги ҳаёт бошланмоқда эди.

Сафарали олисдан Сароймулкхонимнинг янада гўзаллашиб кетган чеҳрасидан кўз узолмасдан тураркан, юраги орзиқиб кетди. У кўнглида бу аёлга нисбатан пайдо бўлган ҳиссиётни енгмоққа уринар, аммо ҳозирча бунинг уддасидан чиқолмаётган эди. Шундай суқ билан қараб турган лаҳзаларнинг бирида Сароймулкхоним кескин у томонга ўтирилди. Сафарали дарҳол кўзларини четга олиб қочди. Аммо аёл эрининг кўкалдош укаси нигоҳидаги маънони яхши эслаб қолди.

Фурсат бемалол эди. Шунинг учун қурултой анъанага кўра тўкин-сочин базми-жамшид, полвонлар мусобақаси билан якунланди. Қуш сутидан бўлак ҳамма нарса бор дастурхонларда, гиламлар устида шунчалик кўп қимиз, муссаласлар пайдо бўлдики, гўё кўқдан шароб ёғилгандек. Қовурилган балиқ ва қушлар, от ва мол гўштлари «сен же, мен же» бўлиб кетди. Қурултой қатнашчиларига қўшиқчилар ўз санъатларини намойиш этдилар, раққосалар ҳам бири биридан қолишмай турфа ўйинлар кўрсатдилар.

Балх осмони букун фақат Темур исми билан тўлгандек эди...

Мовароуннаҳрнинг янги ҳукмдори шаробдан тоғиб ҳам кўрмади. У тахтга ўтириши боисини эса аввало Аллоҳдан, сўнг эса ҳокимият учун кўп йиллик курашда амир Ҳусайн ёмон жанг олиб борганлигидан кўрди. Боз устига, Ҳусайн жуда кўпчилиқни ўзидан бездириб юборганди. Темур муҳорабани даставвал камчилик билан бошлаганди. Мана энди лашкари сони ўзи кутганидан ҳам бисёр...

Соҳибқирон Мовароуннаҳр ҳудудини Чигатой улуси қадар кенгайтириш ҳамда барча кофирларни жазолаш тўғрисида берган ваъдаларини эслади. Энди бу ваъдалар устидан чиқмоқ лозим эди.

Ялангликка тун чўкиб, ҳориган меҳмонлар ва мезбонлар ором олишга тушган, фақат гулханларнинг чирсиллаб ёнишию бахшининг ширали овози эшитилаётган палла Соҳибқирон мулоҳазалар, режалар оғу-

шида қолди. Худога шукр, ирода кучли, бойлигу аёллар уни йулдан қайтаролмайди. У берилган фармони мудом сўзсиз адо этилишини назорат қилиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳиссиётларга берилиб утиравериш ҳам Соҳибқирон учун беғона эди. Темур у ёки бу вазиятдан келиб чиққан ҳолда, амалга ошириши лозим бўлган ишларни қиларди. Бундай кезларда ҳиссиёт бир чеккада қоларди. Унга эътироз билдирмасдилар. Бунинг сабаби ҳукмдор эътирозларини қабул қилмаслигида эмас, балки Соҳибқирон ҳамиша энг тўғри буйруқ беради, деган қатъий ишончда ҳам эди. Соҳибқирон ҳукмронлик қилиш, фармон бериш ҳуқуқини машаққатлар, қийинчиликлар, азоб-уқубатлар орқали қўлга киритди. Ва Темур бу ҳуқуқдан фойдаланарди. Итоатидагилар ҳам буни табиий ҳол ўрнида қабул қилишар ва унинг бирон-бир фаолиятига шубҳа билан қарашни хаёлларига ҳам келтиролмасдилар...

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

САМАРҚАНД

Қурултой муносабати билан бошланган базм нақ икки ҳафта давом этди. Ҳамма чарчади.

Темур Балхга ҳоким этиб Жуғом Барлоснинг ўгли Муродни тайинлади. Сўнг ўзи Кешга қайтди. Кўп йиллар мобайнида илк бор Темур шошилмасдан, яширинмасдан, олдиндан эҳтиёт чораларини белгиламасдан Жайхунни кечиб ўтмоқда эди. Олдинга айгоқчиларни йўллаб, бир фарсах нарида уларнинг гулханини кутиб ўтиришга эҳтиёж қолмаганди. Соҳибқирон ўзи бошқараётган мамлакат ҳудудида шоҳларга хос дабабаю асъаса билан олға жилмоқда. Энди Мовароуннаҳр унинг измида. Катта-кичик юздан ортиқ шаҳар-қўрғонлар, бой, тупроғи зарга тенг жаннатмакон маъво бу. Бир қарич замин йўқки, бободехқон қўли тегмаса. Йўл бўйи кета-кетгунча боғ, узумзор, бутдойзор... Яйловларда яшил майсалар гилами... Тўқайзорларда, дарёга келиб қўйилаётган ирмоқларда балиқ дегани сон-саноқсиз... Адирларда ягрини йилтираб ўтлаб юрган уюр-уюр аргумоқлар...

Ҳа, Аллоҳга минг қатла шукрлар булсинки, Мовароуннаҳр рубъи маскун ичра ёзилган тўкин дастурхондай ажиб ўлка. Бу замин ҳатто суқиб қўйилган

кетмондастани ҳам ниҳолга айлантиради. Ҳазро қиргинбарот урушлар тугади, мусулмон мусулмоннинг қонини тўкишига барҳам берилди, ҳокимият тепасига кучли одам келди. Бу ҳол дарҳол барча шаҳар ва туманларга Ҳз таъсирини утказди.

Вақт утаверади. Соҳибқирон Мовароуннаҳрда уттиз беш йил ҳукмронлик қилади. Куч — адолатда. Йилдан йилга Темур тирик афсонага, раият сизингудай даражада эътиمود билан номини тилга оладиган ҳукмдорга айлана боради...

Ҳозирча эса, Жайхуннинг ўнг бетига ўтиб олган Темур сарой аҳли олдида, Суюрғамиш хон тақдим этган оппоқ отда йўртиб борарди. Намчил майсалар аргумоқ туёқлари остига тўшалар, чамандек очилган ранг-баранг гуллардан ажиб бўй тараларди.

Темур туйқусдан авваллари табиатнинг бу қадар гўзаллигига сира аҳамият бермаганини пайқаб қолди. Ранглар жилоси унинг кўзларини уйнатиб юборди. Шу билан бир қаторда кўнгилга фароғатли осойиш ҳисси инди. Бундай туйғу Темурга олис болалик чоги, «гули сурх» байрамида ҳазрати Хизрга йўлиққанида ошно бўлган эди...

Ортада майин мусиқа саслари эшитилди. Сароймулкхонимнинг жорияси сетор чалмоқда эди. Соҳибқирон илк бор сафарга аёлларни бирга олиб чиқди. Ваҳоланки, одатда заифалар алоҳида карвонда йўлга тушмоғи жоиз ҳисобланарди. Темур буни яхши билиб турса-да, баъзи аъёнларнинг ўзига галати қараш қилишгаётганини кўриб кўрмасликка олиб, бирга сафарга чиқишга фармон берди. Бирон-бир амир ёхуд хон ўзига раво кўрмаган бундай журъатга Темурни Сароймулкхонимнинг оҳанрабои мажбур этганди. Соҳибқирон илк бор уни кўргандан бери қаттиқ суюб қолган, энди бош хотини билан ҳаттоки қисқа муддатда-да учрашмай қолиши мумкинлигини уйласа, юраги орзиқиб кетарди.

Бироқ тез орада Соҳибқироннинг ҳиссиётга берилуви барҳам топди. Кўнгилга яна кундалик ташвишлар оқими бостириб киришга улгурганди. Ҳолбуки, ҳукмронлик қилиш имкониятининг ўзиданоқ сурур туйиб яшаса бўларди. Ахир, кўплаб ҳукмдорлар айнан шундай йўл тутмаганларми? Базмлар, аёллар, даб-дабали шикорлар — минглаб эрмак топилади. Валекин уша ҳукмдорлардан башарият тарихида не бир из ёхуд хотира қолди? Ҳеч нима! Улар дорилфанода-

ги беш кунлик умрларини тутатганлари заҳоти, ҳали жисмлари хоки туробга айланмасдан буруноқ йўқлик қаърига гарқ булдилар. Йўқ, ҳукмронликни фақат ҳузур, лаззат бахш этадиган машғулот деб қабул қилиш Темур учун ёт эди. У қонли жангларда фақат мана шу мақсад учунгина ўлиб-тирилиб олишмаган, ахир. У ҳукмронлик имконияти зуҳуридаги Аллоҳ иноятини мамлакатни кучли, бақувват қилиш учун сарфлайди, токи қўшни давлатлар, — улар буни хоҳлаш ёхуд хоҳламасликларидан қатъий назар — Мовароуннаҳр номини тилга олганларида, албатта ўз ҳурмат-эътиборларини билдиришга мажбур бўлсинлар. Демак-ким, икки дарё ораллигидаги жафокаш халқ ҳам ҳар томонлама юқори даражага кўтарила олади.

Узаро қиргинбарот урушлар, сарой фитналаридан чарчаган Мовароуннаҳрга кучли ирода соҳиби бўлган, бир сўзга ҳукмдор сув билан ҳаводай зарур эди. Туман ва бекликдаги қизиққон ҳоқимлар қўшни уруғ оқсоқоли бурнини жийиргани учуноқ шамширга ёпишишидан бурун узидан юқорида ҳукмдор турганини, унинг айтганларига риоя этмаслик, айниқса, унга қарши бориш ўлим билан баробар эканлигини тушуниб туриши лозим. Бу борада жангариликлари билан ном чиқарган мўғул-турк кўчманчилари, Бадахшон тоғларидаги уруғлар алоҳида эътибор талаб қиларди. Уларга қарши нафақат куч, балки бошқа воситаларни ҳам қўллаш керак бўлади. Мугулистон билан чегаранинг очиқлиги ҳам Темурни ташвишга соларди. Бошига ҳукмдорлик ҳой-ҳаваси ўрнашиб олган туман бекларидан биронтаси Соҳибқирондан ажралиб чиқиб мустақил давлат тузмоқ ёхуд ўзга давлатга қўшилиб кетмоқ қасдида турли-туман фитналару найранглар ўйлаб топиши шубҳасиз. Чигатой улусида бундай ҳол ҳамини содир бўлиб келган. Бироқ шунинг ўзи ҳам юқори ҳокимиятнинг кучсизлигидан, ношудлигидан далолат бермайдими? Демак, Темурдан қўрқишлари керак. Ва айни пайтда унга ишонишлари ҳам шарт. Қийин пайтларда унинг кўмакка келишига, баҳсли масалаларни ҳал этиб бера олишига ишонишлари шарт. Карвон йуллари хавфсизлигини таъминласа бар, Буюк Ипак йўлидаги барча шаҳару кентлар, қўруғону овуллар унинг сиёсатини тўла маъқуллашга ўтади. Авбош кўчманчи қабилаларга қарши эса, ҳар қалай, озроқ куч ишлатиб, қудратини кўрсатиб қўйса, ёмон бўлмайди...

Соҳибқирон ўзининг пири Зайниддин Абу Бакр Тайободийдан мактуб олди. Умуман, Темур ушбу пири билан тез-тез ёзишма қилиб турарди. Мир Саид Шариф ҳазратлари ҳам унинг ислом динини ёйиш борасидаги саъй-ҳаракатларидан бохабар бўлиб, Темурнинг Зухра ва Муштарийдек икки шафоатли сайёра бир-бирига яқинлашган ҳолатда, яъни «қирон буржи»да таваллуд топганини яна бир бор таъкидлаган, ислом уламолари ила маслаҳатлашиб: «Тангри таоло ҳар юз йилда Муҳаммад — анга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлмай! — динига ривож бермак ва янгиламоқ учун бир кишини ислом динининг ёювчиси ва янгиловчиси сифатида ихтиёр этур. Ушбу саккизинчи юз йилликда^{*} амир Соҳибқирон ислом динини аҳли жаҳонга тарқатажак. Шунинг учун бул юз йилликда Муҳаммад динининг янгиловчиси шул киши бўлмай», деб фатво берган чоғда бу муборак мактубни Темур дарҳол пирига йўлади. Абу Бакр Тайободий ҳам тезда муридига жавоб номасини жунаттанди: «Дину шариатга ривож берувчи Амир Темур Соҳибқиронга — Аллоҳ ани мудом қўлмай! — аён бўлсинким, бул иш ул қутби салтанатга Аллоҳи таоло тарафидин берилгон жуда катта эҳсон ва буюк ёрдамдур. Динни янгиламак, шариатга ривож бермакдек улкан ишда Тангри таоло сенга куч-қудрат бағишламишдир. Эътиқодинг ва яхши ишларингни нечоғлик кўпайтирсанг, Аллоҳ ҳам сенга иноят ва карамини шунчалик бисёр айлагай...»

Қуръонни, ислом тарихини чуқур билган мусулмон сифатида Амир Темур ўтмишда бошига Ҳумо қуши қўнган бундоқ улуг зотлар — ислом маърифатчилари кимлар бўлганлигини яхши биларди, албатта. Булар: ҳижратдан кейинги биринчи юз йилликда Умвайя сулоласига мансуб халифа Умар ибн Абдулазиз; иккинчи юз йилликда аббосийлардан халифа Маъмун ибн Хорун ар-Рашид; учинчи юз йилликда халифа Муқтадир биллоҳ Аббосий; тўртинчи юз йилликда бувайхийлардан ҳукмронлик қилган Иззуддавла Дайламий; биринчи юз йилликда салжуқийлардан султон Санжар ибн султон Маликшоҳ; олтинчи юз йилликда мўгул хони Гозонхон ибн Аргунхон ибн Ҳалокухон; еттинчи юз йилликда Ўлжойту Султон ибн Аргунхон (лақаби Султон Муҳаммад Худобанда) эдилар...

* Ҳижрий ҳисобда саккизинчи аср, милодийда XIV аср.

Афтидан, зукко пир Мовароуннаҳр ҳукмдори даражасига эришган муриди ўз маънавий устозининг ўғитларига муҳтожлик сезаётганини ҳис этган шекилли, номани анча батафсил битганди.

«Буюк зафарлар соҳиби Темурга, — деб ёзарди шайх Абу Бакр Тайободий. — Аллоҳ уни ҳамиша қўласун. Маълум бўлсинким, анинг салтанати Тангри таоло салтанатининг бир муъжаз нухасидурки, анда турли мансабдаги ходим ва хизматкорлар, ноиблар, эшикогалари бордур. Аларнинг ҳар бири мартабасига яраша ўз юмуши ила машғулдир, ҳеч бири ўз мартабасидин четта чиқмас ва ҳамиша Аллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб турурлар. Шундай эркан, сен мудом ҳушёр ва эҳтиёткор бўлгил, токи вазирлар, лашкарбошилар, амалдорлар, иш бошқарувчилар, сипоҳсолорлардин ҳеч бири ўз мартабаси чегарасидин чиқмасун ва доимо сенинг ҳукмингга мунтазир бўлиб турсин. Ҳар тоифа ва ҳар қавмни ўз мартабалари даражасинда тутгилки, салтанатинг низомга келиб, давлат интизомга киргай. Магар ҳар нимарсани ва ҳар кимни ўз мартабасинда сақлай олмасанг, салтанатингга бундин қуш хаал ва зиён етгай. Демак, ҳар кимнинг қадрқимматин, тутган мавқеин ва ҳар нарсанинг ўлчовин белгилаб олмоғинг ва шунга мувофиқ иш юритмоғинг даркор. Ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам авлодидин бўлгонларнинг мартабасини бошқалардин юқори кўтариб, аларнинг иззат-ҳурматин жойига қўйгил. Аларга қанча кўп муҳаббат билдирсанг ҳам, ани исроф деб уйлама, чунки қайси иш Худо йўлида бўлса, анда исроф йўқдур. Ун икки тоифа билан давлатингга зийнат бериб, шулар ила салтанат кўргил. Вассалом».

Темурга муътабар пирининг узундан-узоқ, маслаҳатлар тўлиб-тошган номаси хуш келди. Илло, мактубдаги кўп фикрлар Соҳибқирон мустақил равишда, турмуш тажрибалари, хато ва адашувларидан келиб чиққан ҳолда етишган хулосаларига ҳамоҳанг эди. Балки шу боисдандир, Кешга яқинлашиб қолган маҳаллари, навбатдаги ҳордиққа тўхтаганлари чоғи у Сафаралини чақириб, қогоз-қалам, довот олишни буюрди ва миясида шаклланиб улгурган фикрларни шошмасдан, битта-битталаб айтиб туриб ёздира бошлади. Темур ушбу битиклари орқали баайни давлатининг бошқарув тизимини ишлаб чиқаётгандай эди.

Шундай қилиб, сўнграқ «Тузуки Темурий» («Те-

мур тузуклари»), «Малфузоти Темурий» («Темур утиглари»), «Воқиоти Темурий» («Темурнинг бошидан кечирганлари») деб номланган буюк асарнинг дастлабки қораламалари дунё юзини кура бошлади...

«...Ўз тажрибамдан синаб билдимки, агар қай бир подшоҳ ўн икки нарсага эга бўлмас экан, салтанатдин бебаҳра қолур.

Биринчидан, ўз сўзига эга бўлсин, ишини ўзи билиб қилсин, яъни раият подшосининг айтган сўзини, қилган ишини ўзи айтади, ўзи қилади, ҳеч ким бунга аралашолмайди, деб билсин. Шундай бўлгач, подшоҳ салтанат мартабасига шерик бўлгудек қилиб бировнинг гапига ва ишига эргашмасин. Гарчи яхши сўзни ҳаммадин эшитиш зарур бўлса ҳам, лекин сўзда, ишда бошқалар салтанат ишларида подшоҳга шерик ёхуд устун бўлмасликлари шарт.

Иккинчидан, султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар сақласин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қулайди. Чунончи, амир Ҳусайннинг золим бир вазири бор эди. У сипоҳу раиятга ҳақ-ноҳақ жарима солар эди. Орадан кўп вақт ўтмай ўша ноинсоф вазирнинг шумлигидан амир Ҳусайннинг салтанат уйи хароб бўлди.

Учинчидан, бутун мамлакатда буйруқ-фармон бериш ишлари подшонинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Подшоҳ ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.

Туртинчидан, подшоҳ ўз қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд этар экан, то битирмагунча ундан қўл тортмасин.

Бешинчидан, подшоҳ ҳукми жорий этилиши даркор, яъни қандай ҳукм чиқаришидан қатъий назар, амалга ошириши керак. Бирон кимса гарчи ҳукмини зарарли деб билган бўлса ҳам, унга монелик қилолмасин. Чунончи, эшитганманки, султон Маҳмуд Газнавий Газна шаҳри майдонига катта тошни келтириб ташлашни буюрган экан. Ундан ўткинчи-кеткинчиларнинг от-уловлари ҳуркиб ўта олмай қолибди. Шунда одамлар тош йўл бўйидан олиб ташланса, деб султон ҳузурига қанчалик арз-шикоят қилиб боришмасин, султон «чиқарган ҳукмидан қайтмайман, унга хилоф бирон иш ҳам қилмайман», деган экан.

Олтинчидан, подшолик ишларини тамоман бошқа-

га топшириб, эркни унга бериб қўймасинким, дунё хиёнатчи хотин сингари, унинг хуштори кўпдир. Агар шундай қилар экан, ўзганинг нафси тез орада подшоҳ бўлишни тилаб, салтанат тахтини ўзи эгаллашга киришади. Чунончи, Султон Маҳмудга хоинлик қилган вазирлар уни салтанат тахтидан тушириб, тахтга ўзлари эга бўлдилар. Шундай бўлгач, салтанат ишларини ишончли ва муътабар бир неча кишига булиб бериш лозим. Шунда ҳар бири ўз ишига боғланиб, салтанат тахтига кўз олайтира олмайди.

Еттинчидан, салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин.

Саккизинчидан, салтанат ишларида, сипоҳу раиятга боғлиқ масалаларда бошқаларнинг сўз ва феълига қараб амал қилмасин. Вазирлар, амирлар бирон кимса ҳақида яхши-ёмон сўз қилар эканлар, эшитсин. Лекин уни амалга оширишда бутун ҳақиқат аён бўлмагунича шошмай, мулоҳаза билан иш тутсин.

Туққизинчиси, подшоҳ ҳайбати сипоҳу раият кўнгилида шундай ўрнашган бўлиши керакки, унинг амр-фармониغا ҳеч ким қаршилиқ қилишга журъат этолмасин; итоат ва тобелик қилиб, исён кўтармасин.

Унинчиси, подшоҳ нима қилса, ўз эркича қилсин, нима деса ўз сўзида қатъий турсин, чунки подшоҳларнинг ҳукм ҳурматидин бошқа баҳрамандликлари йўқдир. Хазина, лашкар, раият, салтанат — буларнинг бариси унинг ҳукми биландир.

Ун биринчиси, салтанат ишларида, ҳукм юргизишда подшоҳ ўзини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги қилмасин.

Ун иккинчиси, подшоҳ мажлис аҳлидан огоҳ ва ҳушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, уни ташқарига ташийдилар. Подшоҳнинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар. Масалан, шунга ўхшаш бир воқеа менинг ўзим билан рўй берганди. Ўзимнинг хос мажлисимдаги бир қанча суҳбатдошларим Балх ҳокими амир Ҳусайннинг жосуслари экан...»

Айтиб туриб ёздиришни тугатган Темур энгил нафас олди. Унга салтанатни бошқара бошлаганининг дастлабки кунлариданоқ итоатидагиларга муносабатини белгилаб олиш, ўзи ярагаётган бошқарув тизимида уларнинг ҳар бирининг ўрнини аниқ-таниқ белги-

лаб бериш муҳим эди. «Бул менинг фармоним, — деди у Сафаралига. — Тезда хаттотлар кўпайтириб, барча вазирларга ва мулозимларга тарқатсинлар». Соҳибқирон ўзининг фаолиятини нафақат дустлари, балки уни бир дақиқа бўлса ҳам аввалроқ тахтдан ағдармоқ ниятида юрган душманлари ҳам диққат билан кузатиб туришганини яхши тушунарди. Айнан шундай бадкирдор каслар унинг илк фармони билан танишиб чиқсалар зарар қилмайди.

Салтанат пойтахти Самарқандга кўчирилади. Хоразм ҳам, Ҳирот ҳам Чигатой улуси тасарруфига ўтади. Булар биринчи навбатда қилинадиган ишлар. Бироқ лашкар кўнглига ҳам шундай ният уругини эсмоқ жоиз. Токи улар Урганч ва Ҳирот устига юришни сабрсизлик билан кутиб турсинлар. Қушинни она шаҳарини ёхуд мамлакатини ҳимоя қилишга чорлашдан осони йўқ. Мушкули — уни ўзга давлат тупроғи сари отлантириш. Темур бу масала борасида Балхни қўлга киритгандаёқ чуқур мулоҳаза юритганди. Шу боис узоқни кўзлаб, жангчиларига шаҳарни талон-тарож қилишга изн берди. Демак, жангчилар ўз туманларига бойиб, турли ўлжалар билан, оғизлари қулоқларида қайтиб келишади. Бу эса ҳар қандай ташвиқоту буйруқдан кўра залворлироқ дастакдир... Келажак Темур минг бора ҳақ эканини кўрсатди. Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатида дастлабки чорлов эълон қилгандаёқ ҳатто ўзи кутганига нисбатан бир неча баробар кўп миқдордаги жангчи унинг туғи остига йиғилди...

Мана, узоқ кутилган вақт етиб келди. Соҳибқирон она шаҳри Кешга яқинлашиб қолди. Минглаб фуқаро шод-хуррам тарзда Темур дарвозаси томон отилди. Оломон олдида бақириб Қуръондан сура ўқиганча дарвешу маддоҳлар югуриб борардилар. Шаҳардан анча олисда, қиргогига сизмай ўйноқлаб оқётган Оқсув бўйида Темурни отлиқ вакиллар кутиб туришарди. Оппоқ салла ўраб, зарбоф чопонлар кийиб олган арбоблар ҳукмдорни тиз чўкиб қаршиладилар. Темур отдан тушган маҳал эса, улкан форс гиламини поёндоз этиб тушадилар. Жума мачитининг имом хатиби баланд овозда Қуръондан сура тиловат қилгач, Темур Мубошир полвон билан Абдуллоҳ ботир жиловидан ушлаган оқ отида, қолганлар эса пиёда шаҳарга йўл олишди. Ҳукмдорнинг бош хотинини тахтиравонда кўтариб олишди. Икки ёнга чекиниб, йўлак ҳосил

қилган оломон Соҳибқирон яқинлашган заҳоти икки букилиб таъзим қилар, шунинг учун Темур фақат эгилган қоматларнигина кўрарди, холос.

Темур Кешга олиб кирувчи Термиз дарвозаси ёнида тўхтади, лекин шаҳарга кириб ўтирмасдан ям-яшил майсалар билан қопланган балаңд тепалиқда ўзига ва Сароймулкхонимга махсус қурилган чодирлар томон юрди. У шаҳзода Жаҳонгир ва шаҳзода Умар Шайхлар учун ҳам алоҳида-алоҳида чодирлар тиклашга фармон берди.

Соҳибқирон ўзига болалик чоғларидан «гули сурх» байрамларидан яхши таниш бўлган бу қирларда бир ой мобайнида Кеш, Яккабоғ, Гузор аҳли бўлган юртдошларига тўкин-сочин дастурхон ёзди, сўнг Самарқандга йўл олди.

Самарқандликлар уни Ургут қўргони биқинида кутиб олдилар. Бутун йўл ипак сўзана ва гиламлар билан безатилган эди. Катта-катта ногоралар гумбирлаб, ҳукмдор ташриф буюраётганидан элни огоҳ қиларди. Унга ўнлаб карнай-сурнайлар жўр бўлди.

Темур оппоқ отида кутиб олувчиларнинг дастлабки сафига яқинлашган заҳоти қулоқни қоматга келтираётган мусиқа тинди ва самарқандликлар бариси тиз чўкиб, янги ҳукмдорга ўз садоқатларини изҳор этишга ошиқдилар.

Темур Довуд Барлос жilовини ушлаган отдан енгилгина тушди.

Соҳибқирон қошига симобий салла ўраб, оппоқ либос кийган, Самарқанд аҳли муъмин пешвоси Абул Лайс таъзимлар билан яқин келиб, табрик нутқини бошлади:

— Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм! Алоҳи таоло иймон келтиргон зотларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилгувчидир. Албатта, Аллоҳ ислом динига ривож берувчи зотларни голиб қилур. Аллоҳ меҳрибон ва огоҳ зотдир. Мовароуннаҳр тупроғига муносиб ўғлонни ҳукмдор этиб йўллаган Аллоҳга ҳамду санолар бўлгай. Ўз марҳаматини дариг тутмай, буюк салтанатининг пойтахти этиб жаннатмакон шаҳар Самарқандни танлаган Соҳибқирон Темур ибн тарагай Баҳодур ҳазратларига ҳамду санолар бўлсин. Меҳрибон, раҳмли, мағфиратли Аллоҳ бундин сўнг ҳам муборак бошингиз узра шафоат нурларини ёғдиравергай. Аллоҳу акбар!

— Аллоҳу акбар! — жўр бўлди оломон.

Темур Ургутда ўз чодирини муъжизакор шифо-

бахш хусусиятта эга чашма ёнида қад ростлаган улкан чинор тагига тикди. У Ургутда бир ҳафтача фақат кети узилмай келаётган зиёратчиларни қабул қилиш билангина машгул бўлди.

Ниҳоят, сафар тадоригини кўришга аҳд қилган кечаси Соҳибқирон ҳазрати Ҳизрни кўрди. Икки елкасида етгита фаришгаси бор нуроний отахон чашма сувидан олиб таҳорат қилди, кейин сопол косага биллурдек тиниқ ва муздек сувдан тўлдирди-да, қошида тиз чўккан Темурга берди. «Аллоҳ иродаси ила эртага ўзинг Мовароуннаҳр шаҳарларининг бош кўргони этиб тайинлагон Самарқандга кириб борурсен. Келгувсида Самарқанд дунё пойтахти бўлиб қолгувсидир. Анинг осмонида уч дур ярақлаб тургувси. Алар — Туронзамин, Эронзамин ва Ироқи ажам. Бу учала дурни уз тупрогингга айлантиражаксен. Бу мамлакатлар гуллаб-яшнамоги, улар орасинда қиргинбарот жанглр булмаслиги учун аларни ўз илқинг остинда бирлаштиурсен. Токи ҳар бир банда йулардаю шаҳарларда ўзини мутлоқ беҳавотир ҳис этсун. Табаррук оби-ҳаётни ичгил ва Аллоҳ зиммангга юклаган вазифани адо этмоққа онг ич...»

Темур ҳазрати Ҳизр қўлидан косани олди ва сувни бир қултум қолдирмасдан ичиб, идишни қайтарди...

Ургутдан кетиш олдидан Темур ҳазрати Ҳизр, етти фариштани кўрган жойига саккиз чинор ниҳолини эктирди.

Самарқандликлар Соҳибқиронни кутиб олишга пухта тайёргарлик кўрганлари ҳар қадамда сезилиб турарди. Зеро, амир Ҳусайн мағлуб бўлди, Самарқанд эса пойтахт деб эълон қилинди, ахир! Тугри, пойтахтга энди Чингизхон авлодидан булган Суюргамиш хон ҳам келиши лозим бўлди, лекин бу ҳол самарқандликлар кўнглига хавотир сололмасди, чунки шусиз ҳам кимнинг аслида ким эканлиги аён бўлиб қолганди.

Темур шаҳарга Кеш дарвозаси томонидан яқинлашиб борди. Баланг яшил тепалиқдан Самарқанд кафтдагидай яққол кўриниб турарди. Манзара одам ҳавас қилгудек даражада эмасди. Олисан туялар ўрқачига ўхшаб кўзга ташланаётган девор нураб, шўрлаб кетганди. Кўп жойларининг ёнбоши ағдарилиб, тупроқ тулиб қолган ҳандақ ҳам аянчли аҳволда. «Юмушни миноралар ҳамда деворлардан бошламоқ жоизга ўхшаб кўринадур! — хаёлидан ўтказди Темур. — Ишончли ҳимоя — улуғлик асосидир...»

Дарвоза ёнида минглаб самарқандликлар ҳаяжон оғушида Темурни кутиб олмоқда эдилар. Оқ, қора, қизил уч жийрон — пойтахт аҳлининг ҳукмдорга ҳадяси бир четда гижинглаб турарди. Жийронлар сони Темур Самарқанддан бошлаган уч зафарли юриши сонига муқобил этиб танланганди. Жийронлардан ташқари чиройли-чиройли сандиқларда тўққизта шоҳона зарбоф чопон ва шунча тилло камар ҳам бор эди. Аҳли Самарқанд тўққиз рақамига алоҳида эҳтиром ила муносабатда бўлишар, уни илоҳий сон сифатида қабул қилишарди. Тўққиз — замин ва фалак уйғунлигидан, ҳаётнинг чексиз равишда давом этадиган ранг-баранглигидан далолат берарди.

Албатта, Темурни кутиб олишга асосан шаҳарнинг ўзига тўқ табақалари ва сармоядор зотлари чиққанди. Косиблар, ҳунармандларнинг аксарияти эса девор устига чиқиб олишганди. Ҳар бир воқеа-ҳодиса замиридаги ботиний ниятни тез илғаб олишга қодир оломон ўзаро гурунглашишаркан, мабодо Темур манави омонат деворни таъмирлашга киришиб қолгудай бўлса, билинги, тез орада лашкар бирон мамлакатга ҳужумга отланади, деган тўхтамга келишди. Чунки қайсики ҳукмдор шаҳар атрофидаги деворни балад этиб, ҳандақни эса, аксинча, чуқурроқ қилиш тадоригига тушаркан, у тез орада лашкарни сафга бошлаб қолиши асрлар мобайнида сон-саноқсиз бор ўз исботини топганди. Бунинг устига, биз ҳикоя қилаётган замонларда ҳукмдорларнинг бир-бирларига қарши жанг олиб бориши ўзаро меҳмондорчиликка боришдек оддий ҳолга айланган, ҳатто: «Агар қўшнингнинг устига босиб бормасанг, у сенинг устинга босиб келади», — деган ғалати нақл кенг тарқалган эди.

Дарвоза ёнида Темур ўз пойига тушалган алвон гиламлар устида отини тўхтатиб, пастга тушди. Шаҳарнинг Соҳибқиронни кутиб олишга масъул этиб тайинланган таниқли аъёнлари унинг ёнига келиб тиз чўқдилар ва навбатма-навбат чопони баридан ўқидилар. Шайхулислом тиловат адо этди.

Тиловатдан сўнг Темур дарвоза томон юрди. Кутиб олувчилар унинг номини тилга олиб, қувончларини бири-биридан ошириб изҳор этмоқ учун бақириб-чақира бошладилар. Совға-салом кўтариб келган бойлар тўхфаларини Темур оёғи остига сочқу қилиб сочдилар. Ялтироқ динор ва дирҳамлар, қимматбаҳо тошлар поёндоз устини бир лаҳзада ёғиб утган дўлдай қоплаб олди.

Темур бир муддат кутиб олувчиларнинг шодмон ҳайқириқларига кулимсираганча жавоб қайтариб, дарвозадан ичкарига кирди ва бутун шаҳарни кесиб ўтаркан, ҳазрати Шоҳи Жавонон Шоҳи Зинда, яъни Қусам ибн Аббос розияллоҳу Анҳу мақбарасига йўл олди. Пайгамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳеши бўлмиш Қусам ибн Аббос дафн этилган мақбарани ҳалқ ҳамон «Шоҳи Зинда — «Тирик шоҳ» деб атаб келарди. Мана, ҳазрат Қусам ибн Аббос шаҳид бўлганига неча асрлар ўтди, бироқ нафақат аҳли Самарқанд, балки мақбарани зиёрат этиб, муборак тошларни кўзга суришга ҳамон бутун жумлаи жаҳондан мўминлар гуррос-гуррос оқиб келардилар.

Етти юз йилча муқаддам Марв, Бухорони қўлга киритган Қусам ибн Аббос ниҳоят ҳужум қилиб Самарқандни ҳам эгаллади. Намоз маҳали эса Афросиёб қирларига ўрнатилган намозгоҳи ичига киради. Бутун мусулмонлар қўшини ҳам намоз ўқиш билан машғул бўлди. Айтишларича, ўша кун пайшанба, Қурбон ҳайити экан. Хуллас, ҳазрати Шоҳи Зинда розияллоҳу анҳу Ийд намозида имоматликка ўтиб, қироатга машғул бўлди. Иттифоқо, муборак тилларига сураи Мужодила жорий бўлди ва барча мўминлар ҳазрат ортидан Ийд намозини ўқий бошлайдилар. Бундан ўз жосуси орқали хабар топган кофирлар подшоҳи шодмон бўлиб, лашкарига қарата айтди: «Эй паҳлавонлар, эй муборизлар, эмди қўлга қурол олиб жардин чиқинглар, ўткир шамширлар ила намозгоҳга ҳужум қилинглар. Анинг ичиндаги биронта ҳам Муҳаммадийни тирик қолдирманглар, токи намозгоҳ ичинда қон ариқдек оқсун. Энг аввало эса аларнинг сардори Қусам ибн Аббосни ўлдилинглар, шунда ҳеч ким бутун рўйи заминда бизга тенг келолмайдиган бўлур!»

Кофирлар намозгоҳга ҳужум қиладилар ва деярли бутун араб жангчиларини тигдан ўтказадилар. Атгаҳиётни ўқиб, унғ тарафга салом берган ҳазрати Шоҳ қонлар ариқ бўлиб оқаётганига назари тушадию сапчиб ўрнидан туради. Худди шу маҳал мўъжиза рўй беради. Ҳазрати Шоҳи Жавонон бир ишорат қилган заҳоти деворларда раҳналар пайдо бўлади ва омон қолган мусулмонлар шу ёриқлардан чиқиб қоча бошлайдилар. Қусам ибн Аббос меҳробда пайдо бўлган шундай раҳналардан бири томон йўл олади. Бироқ орқадан етиб келган кофир бир силташда ҳазратнинг калласини узиб ташлайди. Шунда Қусам ибн Аббос

кесилган калласини қўлига олади ва меҳробда пайдо бўлган чоҳ ичига кириб кўздан ғойиб бўлади. Шайхларнинг таъкидлашларига қараганда, Қусам ибн Аббос ҳали-ҳамон ушбу чоҳ ичида кун кечирмоқда экан.

Темур пойтахтдаги фаолиятини бежиз Қусам ибн Аббоснинг бедор руҳини зиёрат этишдан бошламади. У падари бузруквори Тарагай Баҳодурнинг яна бир ўғитини яхши эслаб қолганди: «Дарё билан ҳазиллашма — оқим сени мавҳ этгусидир. Авлиё зотларга эътиборсиз бўлма — алар сенинг уругингни инқирозга юзтубан этгусидир. Қайдаки анбиё-авлиёлар ҳурматин жойига қўйсанг, алар ҳам сенинг ишларингга кушод бергайлар».

Темур гумбаз ичкарасига кираркан, нечукдир бир ҳаяжон оғушида қолди. Баайни ушбу муздек гўша ичида вақт тўхтаб, замон тушунчаси моҳиятидан мосуво бўлгандай. Соҳибқирон остонадан бор-йўғи бир қадам ичкарига кирди ва «Тирик шоҳ»нинг афсусли таъсирига тушиб, жойида таққа тўхтаб қолди. Гумбазни тўрт устун ушлаб турарди. Уларнинг бири яшил мармардан, иккинчиси қора, учинчиси оқ, тўртинчиси эса қон рангида эди. Устунлар рангидаги бундай ёрқин тафовут Темурни ҳайратга солди. Темур анча вақт улардан кўз узолмай турди. Сўнг гумбаз ўртасидаги тобутга қаради. Қора тахтадан қилинган тобутга қимматбаҳо тошлар билан безак берилганди. Темур тиз чўкди. Сўнг кўкрагини ерга босиб, тобутнинг минглаб қўллар тегаверганидан ялтираб қолган чеккасига қийинчилик билан аранг бармоқларини етказолди. Бамисоли шуни кутиб тургандай, туйқусдан Соҳибқирон чеҳрасидаги зўриқиш аломатлари йўқолиб, ўрнида илҳом, қувонч туйғулари зухур бўлди. Темур унсиз, пичирлаб тиловат қилишга тушди.

Ҳалигача остона хатлаб ўтмаган Абул Лайс ингичка, лекин гумбазда жаранглаб эшитилаётган овозда садо берди:

— Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм! Бас, барча ҳамду сано осмонлару ер Парвардигори, бутун оламлар Парвардигори — Аллоҳ учундур. Осмонлар ва Ердаги барча буюклик ёлғиз Анинг мулкидур. Ул зот чексиз қудрат ва ҳикмат соҳибидур!.. Тангри таоло пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратларини «мўминларга жаннат ҳақида хушхабар элтувчи, кофирларни эса дўзах азобидан огоҳлантирувчи» элчи қилиб юбормиш. Шак-шубҳасиз, Аллоҳ қудратли, мағфи-

ратлидир... Ушбу табаррук мақбарада тиз чукиб тургон Моваруннахр ҳукмдориға ҳазрат Қусам ибн Аббос жанобларининг руҳи поклари ҳамиша мададкор бўлғай! Илоё, Соҳибқиронимиз бошиға Аллоҳ таоло раҳматлар нурин ёғдиргон бўлсин. Илоё, Темур Тарагай Баҳодур Яратгувчи иродаси ила ушбу рубъи маскунда қайгаки қадам босса, ўшал гўшанинг ҳукмдориға айлансин. Соҳибқиронимизнинг барча ишларига Тангри таоло ёр бўлсин. Аллоҳу акбар!

Шайхға пичирлаб жүр бўлган Темур аста ўрнидан турди. Унда нечуқдир ўзгариш юз берган, ўзини баайни улгайиб, ададсиз қудрат соҳиби бўлиб қолгандек сезарди. Бу холни Соҳибқиронни кузатиб келганлар ҳам савқи табиийлари ила ҳис этдилар шекилли, бари бирдай тиз чукиб, ҳақиқий ҳукмдорға нисбатан чуқур эътимодларини изҳор қилдилар.

Темур мақбарадан ташқарига чиққанида, биллурдай тиниқ кўкда қуёш порлаб турарди.

— Қусам ибн Аббос ҳазратлари руҳи поклари ёр бўлгон бош амиримизга шарафлар бўлсин!.. Ислом шамшири мудом музаффар!.. — деган хитобатлар эшитилди.

Темурнинг авлиё Қусам ибн Аббос мақбарасига зиёратга келгани ҳақидаги хабар пойтахт аҳлиға бағоят хуш келганди. Балки шу сабабдандир, жума кунги хутбаға, Соҳибқирон номи қўшиб ўқилганда, масжидларда намозхонлар одатдагидан кўпроқ йигилишганди.

Орадан икки-уч кунни утказиб Темур шаҳардаги барча амирлар, ўзига тўқ аъёнларни Самарқанднинг нураб бораётган деворлари ёниға олиб чиқди. Соҳибқирон отда ишора қилиб кетаверди, Сафарали эринмасдан қадамлаб ўлчади. Хуллас, ҳар бир амир, нуён, ўзига тўқ арбобға деворда маълум масофа ўлчаб берилди. «Чегара»лар қозиқ қоқиб белгиланди. Девор уларнинг маблагига таъмирланиши, қозиқлар ўрнида эса соқчилик миноралари тикланиши керак эди. Сафарали жами олти юз қадам, бир фарсахға яқин масофани тақсимлаб берди. Шаҳарнинг олтига дарвозасини эса кўтарма кўприклар ила таъминлаш мўлжалланмоқда эди. Шунингдек, Темур ҳандақни чуқурлатиб қазииш, сўнг уни сув билан тўлдириш хусусида ҳам фармон берди. Деворлар баландлиги ўттиз тирсақдан кам бўлмаслиги лозим. Эни эса елкама-елка турган уч жангчини бемалол сигдира олсин.

Қурилиш милодий 1370 йилнинг ёз ойларида бошланиб, бугун куз ва 1371 йилнинг кўкламига қадар давом этди. Унда қирқ мингдан ортиқ одам ишлади. Темур шаҳарнинг гарбий қисмида ичида уч қаватли саройи бўлган қалъа бунёд этишга кўрсатма берди. Уни Кўксарой деб аталди. Кейинроқ қалъада салтанатни бошқарув муассасалари, хазина ва зиндон пайдо бўлди. Қалъанинг атрофига ҳам чуқур хандақ қазилди. Бу ердаги барча ишларни тун-кун тиним билмас Оқбуга бошқариб борарди.

Шундай қилиб, милодий 1370 йилдан бошлаб самарқандликларнинг ҳаёти мутлақо ўзга тарзда кеча бошлади. Овоқ кентларга хос сокинлик ва мудом эътибордан четда бўлишларига барҳам берилди. Бир кечада пойтахт шаҳарга айланган Самарқанд ҳаммининг оғзига тушди-қолди. Шаҳар деярли «Минг бир кеча» эртакларидагидек, соат сайин яшнаб, чирой касб этиб бормоқда эди.

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

ХОТИРЖАМЛИК ДУШМАНЛАРИ

Ҳукмдорликнинг дастлабки ойлари нисбатан тинчликда ўтди. Бир неча қўшни мамлакатлар ўз элчиларини йўллаб, совға-саломлар билан Темурни муборакбод этишди. Бироқ баъзи бир туман ва қўргонлар амирлари унинг қўл остидан чиқиб кетишга ҳам уриндилар. Темур эса салтанатининг парчаланиб кетишига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатди.

Дастлабки элчилар гуруҳи милодий 1370 йилнинг кузида ташриф буюришди. Уларни Сейистон ҳукмдори амир Малик Маҳмуд юборганди. Айнан шу Малик Маҳмуд рақиби томонга қочиб ўтиб, охир-оқибатда ўзининг ярадор бўлиб, оқсоқланиб қолишига сабабчилигини Темур унутолмасди. Афтидан, Малик Маҳмуд эски гуноҳини ювиш учун ўзи келишга юраги бетламай, ҳаммадан бурун вакиларини йўллаган кўринади.

Сейистонликларни Темур қуруққина қабул қилди, улар шарафига дастурхон ёзмади, Малик Маҳмуд номасига жавоб ҳам қайтармади. Бу ҳол Сейистон ҳукмдорининг тазарруси қабул этилмаганлигидан дарак берарди.

Аксинча, Себзавор ҳокими Ҳожи Ямуд йўллаган элчиларни Темур қучоқ очиб кутиб олди. Ҳукмдор

номидан тортиқ этилган совга-саломлар учун чин юракдан миннатдорчилик билдирди ва икки ҳафта мобайнида элчилар шарафига ҳар кун тушлик маҳал тўкин дастурхон ёздиртириб турди.

Милодий 1371 йилнинг кўкламида Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрисхоннинг ўз элчиларини йўллаши Темур учун кутилмаган ҳамда ёқимли тўхфа бўлди. Чингизхоннинг тўнғич ўгли Жўжи авлодидан бўлган Ўрисхон дабдабали гуруҳ йўллаганди. Уни Чингизхон авлоди бўлмиш Тўйхужа Ўғлон бошқарарди. Гуруҳда ўн таниқли нўён ва амир, шунингдек, Тўйхужанинг ўгли, ёш шаҳзода Тўхтамиш ҳам бор эди. Сағанақ шаҳрини пойтахт этиб олган Оқ Ўрда ўша маҳаллар жуда кучли ва улкан мамлакат эди. Оқ Ўрда ҳудуди бир тарафдан Тагритоғдан то Сирдарёга қадар, иккинчи тарафдан Баҳри Ҳазордан то Қора денгизга қадар, учинчи тарафдан эса Урол тоғларидан Туман (Тюмен)га қадар чўзилиб кетганди.

Оқ Ўрдада ўн йилдан ортиқроқ ҳукмронлик қилиб келаётган Ўрисхон Олтин Ўрда ерларини ҳам ўзига қўшиб олиш ниятини кўнгила тубида асраб келарди. Бу ишда, шаксиз, Мовароуннаҳрнинг янги ҳукмдорикўмаги жуда қўл келган бўларди. Зеро, сал-пал куч тўплаб олгач, бир пайтлар Чигатой улусига тегишли ерларни босиб олиб, ўзига қўшиб олгани учун Темур Олтин Ўрдага ўз талабини айтмасдан қўймас, деган тахминга борган Ўрисхон совга-саломни аямаганди.

Оқ Ўрда элчиларини Темур бениҳоя қисқа муддатда бунёд этилган Куксаройда қабул қилди. Уйма нақшлар ҳамда кўзгулар билан безатилган бўлмага форс ва туркманларнинг кўзни қамаштирувчи рангоранг гиламлари тушалган. Чиройли алвон тахт эса бўлмага янада улугворлик бахш этиб турарди. Темур Абдулла Мерган Бағоддан махсус тикдириб келган заррин либосларга чулғанди... Тўйхужа Ўғлон бошлиқ Ўрисхон элчилари бўлмага кирганларида, шу манзаранинг гувоҳи бўлдилар. Тахт турган кичик супача ипак мато билан ўраб қўйилганди.

Темурнинг ўнг ва сўл тарафларидаги юмшоқ болишларда шаҳзодалар Жаҳонгир ва Умар Шайхлар ўтиришарди. Шаҳзодалар ҳарбий либосда эдилар. Соҳибқирон ортида, маълум масофани сақлаган ҳолда қуролланган қуриқчилар киприк қоқмай туришарди.

Тахтнинг сўл томонида, алоҳида ўриндиқда ҳукмдорнинг бош хотини Сароймулкхоним ўз жорийлари

билан жой олган. Унг тарафда эса — девон вазирлари, амирлар ҳамда Самарқанд шахрининг ҳурматли аъёнлари.

Шахсий қуроллари кириш эшигидаги қуриқчиларга қолдириб, қўлларига совға-салом кўтариб олган Оқ Ўрда элчилари девонда ишбоши вазир этиб тийинланган Сафарали етовида бўлмага кириб келгандилар. Тахтга ун қадамча қолганда улар тўхтадилар. Фақат Тўйхўжа Ўғлон ва унинг ўғли, қорувли ўсмир йигитча Тўхтамишгина тахтга яқинроқ келиб бир тиззаларини букдилар ва Соҳибқиронга бош эгиб таъзим бажо келтирдилар. Оқ Ўрданинг бошқа амир ва нўёнлари ҳам дарҳол тиз чўқдилар.

Тўйхўжа Ўғлон ҳукмдорга саккиз юз мисқолли олтин лаган ва икки юз мисқолли олтин косани тутиб, тантанали тарзда деди:

— Мен, Чингизхон авлодига мансуб Тўйхўжа Ўғлон, Оқ Ўрда хони Ўрисхоннинг жаронгор^{*} амирмен. Ҳукмдорим Ўрисхонда буюк Чингизнинг ўғли Жўжи бошқаргон бутун улусни илқига олишдек муқаддас ҳуқуқ ва бурч бор. Самарқандга келмоғимиздин мақсад эрса, улуг Соҳибқирон, ҳукмдорим Сизни, Темур Кўрагонни ўз оғаси сифатида кўришини етказмоқдур. Улуг Ўрисхон сизга ўзи қимиз ичган ушбу тилла косани ҳамда базмларда мудом қошида турган мана бу тилла лаганни йўлламиш. Ҳукмдорим коса соҳиби рўйи заминда юз бераётган барча воқеа-ҳодисаларнинг ушбу идишга бир боқишдаёқ билиб олиши мумкинлигини билдириб қўйишимни сўради. Шунингдек, улуг Ўрисхон сизнинг ўткир шамширингиз музаффар бўлмоги, бутун дунё анинг тиги остинда бўйин эгмоғига ҳамиша тилақдошдур.

Шу сўзларни айтиб Оқ Ўрда элчиси Самарқанд ҳукмдори пойидаги мовий ипак матога тилла лаган ва илоҳий хусусиятга эга косани қўйди.

Виқор ила тахтда ўтирган Темур олтин идишларга ҳатто қиё ҳам боқиб қўймасдан ўткир нигоҳини элчига тикиб, вазмин оҳангда деди:

— Оқ Ўрда ҳукмдори оғам Ўрисхонга етказингки, ул зот ов палласи учиргон лочин асло ўлжасиз қолмагай.

Соҳибқирон Оқ Ўрда ҳукмдорига ўлжа борасидаги башоратини етказишни сўраркан, Оқ ва Олтин Ўрда

* Жаронгор — қўшиннинг унг қаноти.

уртасидаги ихтилов охир-оқибат Ўрисхон фойдасига ҳал бўлиши мумкинлигини фаҳмлаб турарди. Унинг галабаси эса, ўзининг, Темурнинг ҳам галабаси демакдир.

— Сизнинг муборак пайгомингизни ўз хонимга албатта етқарурмен! — деди қувончдан гул-гул яшнаб кетган Тўйхужа Ўғлон.

Темур ўзидан ҳайрат тўла кўзларини узмаётган ёш шаҳзодага мурожаат этди:

— Навқирон ўғлон, сен-да ўз ниятларингни сўйла.

— О, улуғ Темур, — ҳаяжондан овози қалтираб кетган йигитча таъзим қилди, — сизни ҳамма енгилмас баҳодир, омад мудом йўлдош паҳлавон деб атаюр. Фақир ҳам, мисоли хонимиздай, кўкка чаққон, учқур лочинларимни йўлламоқ истаюрменки, токи алар ўткир тирноқлари ила фалақда гердайиб учадурғон қарга-паргаларнинг додини бергай. Тангри таолонинг каминани дунёга келтирмоқдин мақсади шунда деб билурмен. Оқ фотиҳа беринг, ўстоз!..

Соҳибқирон ёш, гайрати ичига сигмай турган ўт-олов жангчининг сўзларини камоли диққат билан эшитди. Албатта, Тўхтамишнинг гап оҳангида алақандай исёнкорлик, итоат тўғонига урилаётган қудрат дарёси нафаси сезилиб турарди. Агар кимдир қулогига етказиб борса, аёнки, бу гаплар Ўрисхоннинг кўнглига ўтиришмас. Шунинг учун Темур суҳбатни сокинроқ маромга буришга аҳд қилди:

— Улуғ Чингизхон бизга, ўз авлодларига қолдирган бебаҳо ўғитни эсла, «Фақат ёғий устидан музаффар бўла олгон, уни ер юзидин супуриб ташлаб, молмулкини мусодара этгон ўткир шамширли баҳодирларгина ўзи истагон маҳал шикорга отланмоги мумкин. Шикорга душман тулпорини илкига олгон паҳлавонгина муносибдур. Шикорга душманнинг кўз ёши тўкиб тургон завжаларини ўзиники қилиб, аларнинг қоринларини тунги ором учун болишга айлантира олгон ботиргина муносибдур». Бул ўғитларни ёдингда тутгил, ўғлон.

Ўтирганлар Мовароуннаҳр ҳукмдори Чингизхон ўғитларини ёддан айтиб берганида ҳайратга тушганларини яшириб ўтирмадилар. Айниқса Ўрисхон элчилари томоқларини тақиллатиб, бошларини чайқаб, бошқалардан баландроқ овозда: «Тасанно!.. Офарин!..» дея хитоб этдилар. Тўйхужа Ўғлон-ку, бутунлай, адоий тамом бўлди. У тажрибасиз ўғли бошлаб

берган қалтис суҳбатни Чингиз ўғитларига буриб юбора олгани учун Темурдан бениҳоя миннатдор эди.

Оқ Ўрда вакиллари шарафига икки ҳафта базм берилди. Сўнг уларга мул-кул совға-саломлар топширилиб, уйларига қайтишга рухсат этилди. Мис қопланган улкан-улкан сандиқлардаги лиммо-лим тортиқлар заворидан карвондаги катта-кичик туялар ҳам чўкиб қолгандай эди...

Бир ойдан кейин Самарқандга Олтин Ўрда элчилари ташриф буюрдилар. Бироқ Темур пойтахтда йўқ эди. У ўнга қўшинни олиб, Шибиргон ҳоқими амир Зинд Ҳошим исёнини бостириш учун кетганди. Олтин Ўрдани Тулунбекхоним бошқараётгани учун, элчиларни Соҳибқироннинг бош хотини Сароймулкхоним кутиб олди. Қабулда Жаҳонгир Мирзо ва Умар Шайхлар ҳам иштирок этдилар.

Бу орада Жайхўнни кесиб ўтган Темур Шибиргон истилосига тайёргарлик кўрмоқдайди. Ажаб, дарё суви бениҳоя тий-тиник, бамисоли кўз ёши дейсиз. Нима бўлмасин, лекин Темур кўз ёшини истамасди. Чунки қаршида душман эмас, ҳукмдорлари Ҳошим қутқусига, макрига учган авом оломон турарди.

Ҳужумга ўтишдан аввал Темур ҳузурига апердилар аймогининг оқсоқолларидан бўлган амир Ўлжойтуни чақирди ва: «Ўз хешингга бориб маслаҳат сол. Огоҳлантиргилки, газаб бўрони ул кас ҳаётининг омонат дарахтини илдиз-пилдизи ила қўпориб ташламасун», — деди.

Бироқ уз аймогининг феъл-атворидан яхши хабардор бўлган оқсоқол эътироз билдирди:

— О, улуғ Темур, қайсар Зинд Ҳошим сизнинг қимматли маслаҳатингиз ҳамда фақирнинг истакларин олдинда кўр ва гунг бўлиб туриб олур, деб қўрқамен. Агар изн берсангиз, бундоқ масъулиятли топшириқни адо этмоқни фарзандим Ҳожи Юсуфга юкласам.

Темур қариянинг маслаҳатини инобатга олиб, Шибиргонга Тобон Баҳодир ва Ҳожи Юсуфни йўллади.

Амир Ўлжойту бежиз хавфсирамаган экан. Иёнкор амир чопарларининг ҳар икковини гапларини айтишга ҳам имкон бермай, дарҳол кишанбанд этишга фармон берди. Буни эшитган Темур жунбушга келди. Ва шу бемисил газаб кўнглидаги бошқа барча тўйгуларни ситиб чиқарди.

Соҳибқирон лашкари субҳи содиқда шаҳар девор-

лари ёнида пайдо бўлди. Жанговар ногоралар чалинди.

Девордан бўйлаган Шибиргон аҳлининг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Илло, ҳайбатли Темур қўшинининг на адоғи кўринарди, на сонини санаб буларди...

Доруга бошчилигидаги шаҳар аҳли вакиллари дарҳол Зинд Ҳошим ҳузурига ошиқдилар. Улар ҳукмдорни Темур амрига бўйсунишга, шу билан жаннатмакон Шибиргонни даҳлсиз сақлаб қолишга даъват эта бошладилар. Йўқса, Шибиргон ўрнида култепалар қолишига шак-шубҳа йўқ. Авлодлар эса Зинд Ҳошим номини тилга олганда фақат лаънатлар ўқишдан бошқасига ярамай қоладилар. Мулоҳазакор оқсоқоллардан бири эса шундай мисол келтирди:

— Бўлингони бури ер. Итоатдан сиз ёлғиз ўзингиз чиқурсиз, ва-лекин касофати ҳаммамизга урадур. Ҳали кеч эрмас, уйлаб кўринг. Шибиргон ҳукмдор қандай йўл тутиш мақбуллиги борасида кун бўйи мулоҳаза юритди. Ора-чора у қалъа девори устига чиқар, тилло ранг чодир — шубҳасиз, у Темурга тегишли эди — атрофида гимирлаб юрган ҳамда девор ёнидаги ҳандақдан сувни чиқариб ташлаётган сон-саноксиз жангчиларга кўз ташлар экан, ваҳимадан юраги орқага тортиб кетарди.

Кечга бориб Зинд Ҳошимни ўжарлик тарк этди. У таслим бўлишга қарор қилди. Боз устига, Темур сўнги бор чопар юбориб, агар Зинд Ҳошим ўзи бўйин эгиб келса, Шибиргоннинг мусичасига ҳам озор бермаслигини хабар қилди.

Масала ҳал бўлди. Эртасига эрталаб шаҳар дарвозалари кенг очилди. Темур қўшини ичкарига кирди. Мовароуннаҳр ҳукмдорининг дарвоза ҳатлаб ўтиши билан шунчалар дабдабалар бошландики, унинг олдида қадрдон Кешдаги сайлар иш эшолмай қолди. Маъзур этилган шаҳарнинг миннатдор аҳолиси уч кеча-кундуз мобайнида улкан дошқозонларда узлуксиз таом тайёрлаб, голиб жангчиларни меҳмон қилиб турдилар. Зийфатта минглаб қуй-қучқорлар, сон-саноксиз кадиларда қимизлар, эликдан ортиқ от сарфланди.

Шаҳарликлар тинч якундан бениҳоя хурсанд эканликларини яширмасдилар. Ҳар қалай, мусулмон мусулмоннинг қонини тўккандан ёмони йўқ-а. Ваъда қилинганидек, амир Зинд Ҳошимнинг бир қошиқ қонидан кечилди. Белига итоат камарини қайтадан боғла-

ган Амир Темур саройига ошиқди. Бутун Чигатой улуси ушбу хабарни мамнуният ила қарши олди.

Темур Шибиргон дарвозалари ёнида турган чоғидаёқ Ҳирот ҳокими Малик Маъзиддин Ҳусайндан унинг ҳузурига чопар келганди. Буйсунмаганлиги учун қаттиқ жазо олиши нақдлигини сезган ҳоким Темурни аъёнлари билан Ҳиротга таклиф этиб, барча лозим иззат-икромларни керагидан зиёда адо этишга ваъда берганди. Бироз мулоҳаза юритгач, Темур таклифни қабул қилди. Ваҳоланки, лашкари қизгин жангларни, голиблар ихтиёрига бериладиган шаҳарларни қўмсаб юрганлигини ҳукмдор яхши сезиб турарди. Шунга қарамай, Темур Ҳиротга амир Чоқу Барлосни йўллаб, шаҳар дарвозалари очиқ туриши лозимлигини, амир Малик Маъзиддин Ҳусайн шаҳар арбоблари гувоҳлигида ўзига содиқликка қасамёд қилиши шартлигини ҳамда Ҳиротга кирган ўнта кўшин жангчиларининг ҳаммасига бир йиллик маоши тўла-ниши кераклигини маълум қилди.

Ҳирот ҳокими айтилганларнинг ҳаммасини адо этишга тайёр эканлигини билдирди ва Чоқу Барлос ҳамроҳлигида Темурнинг истиқболига чиқди. Шаҳар ҳам Соҳибқиронни асъасаю дабдабалар ила кутиб олишга ҳозирланмоқда эди. Темур ўз ҳаёти мобайнида Ҳиротга уч бора голиб сифатида қадам қўйди. Бироқ уни биринчи бор шунчалар тантана билан кутиб олишлари эди. Бир фарсах масофада барча уруғларнинг таниқли зотлари ва бутун халқ йигилиб турарди. Темур шунча йўлни зич одамлар қўршовида, бошидан гуллар ёғилиб турган ҳолда опшоқ отида босиб ўтди. Фақат Ҳиротдагина шундай кутиб олишлари мумкин эди.

Ҳар нечук, бундай қабул Соҳибқиронга маъқул келди ва у кечқурунги базм маҳали кўнглидаги гапларни яшириб ўтирмасдан, Ҳирот ҳокимига тўкиб солди:

— Биз сенинг барча гуноҳларингни авф этдик. Ва менинг раҳмдиллигим сабабларидин бири — ҳиротликлар бутун йил давомида бошимдин сочгон гуллар бўйи... Бундин сўнг Мовароуннаҳрдан ажралиб чиқишдек густоҳона уйлар бошингга қайтиб келмасун. Қудрат — Аллоҳ таоло саройи томонидан ато этиладигон, ҳурматга сазовор неъмат. Яратувчининг узи бул туҳфани назари тушгон бандаларига ато этадур. Сен эрсанг, Малик Ҳусайн, ҳукмдорликка ўзингни ўзинг чоғладинг. Ҳолбуки, елкада кўтариб юрилгон

ҳар бир бош ҳам тожга муносиб бўлавермас. Магар-ким қисматингдин норози эркансен, марҳамат қилиб, калангни бошқаси ила айирбошла...

Темур оҳиста, ҳаттоки юмшоқ оҳангда гапирар, лекин Ҳирот ҳокимини тобора совуқ тер босиб борарди. У ҳаттоки «Мана, ҳаммаси тамом, энди дорга тортилсам керак», — деган тахминга ҳам борди. Малик Ҳусайн ҳолатини зимдан кузатиб турган Соҳибқирон эса мақсадига етганини, Ҳирот ҳокими кўнглига ўчмас қўрқув тамғаси босганини англади. Бундай қўрқув келгусида уни садоат ила хизмат қилишга мажбур этади. Бундай қўрқув хиёнат энигига бошламайди.

Тазйиқни ҳаддан ошириб юбормай, озроқ марҳамат ҳам кўрсатишга қарор қилган Соҳибқирон зарбоф чопонини елкасидан олиб, ўз қўли билан икки букилиб қолган ҳоким елкасига ташлади, бир-иккита яхши сўзлар айтиб, руҳини кўтарди.

Ҳиротда анча вақт даврон суришди. Ниҳоят, Темур Самарқандга отланганида, гилам, ипак матолар ва бошқа қимматбаҳо латта-путталар юкланган икки юзта туялик қарвон ҳадя этилди. Отбоқарлару чўпонлар эса лашкар ортидан уюр-уюр аргумоқларни, бир ўркачли олоқ туяларни, пода-пода қўй-эчкиларни ҳайдаб борардилар. Жангчилар ҳам қуруқ қўл билан қайтмаётган эдилар. Уларнинг йиллик маоши олтин ва кумушда тўланди. Шундай қилиб, тинч йўл билан олинган ўлжалар қонли урушдан кейин олинадиганидан кўп бўлса кўп эдики, асло кам эмасди. Демак, мулоҳаза юритарди от устида тебраниб бораётган Соҳибқирон, ўткир шамшир орқали эришиладиган нарсаларга ақлни ишлатиб ҳам эришса бўларкан. Тўғри, агар қиличи чиндан-да ўткир бўлмаганда эди, Шибиргон ва Ҳирот ҳокимлари уни назар-писанд қилмасликлари турган гап эди. Шу боис ҳам ўткир шамшир ва ҳукмдорнинг доно ақли бирлашса, уларни енгадиган куч топиламайди. Бундай куч йўқ ва бўлмайди ҳам...

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

ХОРАЗМ УСТИГА ДАСТАБКИ ЮРИШ

Шибиргон ва Ҳирот итоатга ўтгач, Темур Чигатой улусини жамлаш борасидаги режасининг учинчи қисми, яъни Хоразмни Мовароуннаҳрга қўшиб олиш та-

доригини бошлаб юборди. Бу пайт Хоразмда унинг мустақил равишда ажралиб чиқиши ташаббускорларидан бўлган Юсуф Суфий ҳукмдорлик қиларди.

Хоразм устига юриш катта воқеа эди, шунинг учун Темур бу қарорни Ёлғиз ўзи қабул қилмасдан, амирлар ва нўёнлар ҳукмига ҳам ҳавола этишни лозим топди. Шунингдек, Темур улар билан ўзи сўнгги бир ярим йил мобайнида пухта ўйлаб юрган ғояси — лашкарнинг янги таркиби хусусидаги қарашларини ҳам ўртоқлашмоқчи эди.

Соҳибқирон узоқ юртларга, Чигатой улуси ҳудуди хорижида жойлашган маконларга ҳужум қилиш хусусида орзу қилмасди. Ҳозирча бу ҳол имконият доирасидан ташқарисида эди. Бироқ шу кундаёқ кучли, интизомли, яхши қуролланган, биринчи чорловдаёқ ҳар қандай душман устига отилиб, уни ер билан яксон этиб ташлайдиган мунтазам лашкарга эга бўлмоқчи эди. У ўз лашкарини тузар экан, асос сифатида ҳудудий бўлинишни олди. Чигатой улуси замини бундан эллик йил муқаддам, Кепакхон давридаёқ туманларга бўлинганди. Лекин амир Қозагон даврида мамлакатни бошқаришнинг ҳудудий таркиби унутилди. Афтидан, Қозагон хон томирларида кўчманчилик қони гупиллаб уриб, ўтроқ ҳаётга нисбатан нафратини ошкор қилган шекилли. Ило бутун ададсиз саҳрони амир уз уйим деб биларди, икки суймас шаҳар-қалъаларни эса иложи борича четлаб ўтарди.

Темур ўтроқ ҳаётнинг афзалликларини тушуниб турарди. Ўтроқ ҳаётдагина деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши хусусида гап бўлиши мумкин, ахир. Табиийки, ўз-ўзини ҳимоя қилиш борасида қайгуриш ҳам фақат ўтроқ ҳаёт кечирувчиларга хос.

Соҳибқироннинг режасига кўра, ҳар бир туман ўн минг жангчи етказиб бериши керак эди. Бу қўшин бошида, табиийки, туман амири турарди. Туман ҳазорларга бўлинарди, ҳар бир ҳазорда мингта жангчи бўлиб, уларга мингбоши раҳбарлик қиларди. Мингбошини фақат туман амиригина тайинлаши ёҳуд олиб ташлаши мумкин эди. Ўз навбатида ҳазор ҳам ўн юзликдан иборат бўлиб, уларга юзбошилар бошчилик қилардилар. Юзбошини фақат мингбошигина тайинлай оларди. Энг кичик гуруҳ эса ўн кишидан иборат бўлиб, уни ўнбоши бошқарарди. Ўнбошилар юзбошилар измида бўлардилар. Жангу жадал кунлари ҳам,

салтанат ишларида ҳам бирдай мингбошининг ҳукми юзбошига, юзбошиники ўнбошига, ўнбошиники эса қўл остидагиларга жорий этиларди.

Темур рағбатлангиришининг алоҳида тизимини ҳам ишлаб чиққанди. Жангда ва салтанат юмушларида алоҳида ўрнак кўрсатган ўнбоши юзбоши этиб тайинланиши мумкин эди. Юзбоши эса ўз навбатида бек унвонига сазовор бўла оларди. Алоҳида хизмат кўрсатган мингбошиларга амир унвони бериларди. Бу унвонга сазовор бўлганлар тилло қўшиб тикилган чодирга, туг ва ногорага эга бўлардилар. Амир давлатнинг олий кенгаши ҳисобланмиш қурултойда иштирок этиб, барча муҳим масалаларни ҳал этишда қатнаша олишдек шарафли ҳуқуққа эришарди.

Жазо тариқасида эса унвонидан пастлаштирилардилар. Масалан, амирга саройдан аёллар қўйлаги юборилса, билинги, у ишдан бўшатишдан ҳисобланади.

Жангчи меҳнати қандай тақдирланади? Бу борада Темур мутлақо ўзига хос тартиб ишлаб чиққанди. Оддий сипоҳийнинг йиллик маоши ўз вазифасини уринлатиб бажарган тақдирда минган отининг баҳоси миқдорида белгиланганди. Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт отгача тайин қилинган. Ўнбошилар маоши қўл остидаги сипоҳийлардан ўн баробар ортиқ. Юзбошилар маоши ўнбошиларга қараганда икки баробар, мингбошиларники эса юзбошиларникидан уч баробар зиёда бўлади.

Шунингдек, сипоҳийлардан қайси бири жангу жадал маҳали хатоликка йўл қўйса, биринчи бор жазо тариқасида маошидан ундан бири камайтирилиши керак эди. Ўнбоши юзбоши тасдиқлагандан сўнггина, юзбоши мингбоши тасдигидан ўтгандан сўнггина ва ниҳоят мингбоши амир ул-умаро, яъни бош амир тасдигидан ўтгандан сўнггина маош олиши мумкин эди. Амир ул-умаро улүфаси, яъни маоши эса қўл остидагилардан ўн баробар ортиқ бўлиши керак эди. Улар ўз маошларини девонбеги ва вазирлар тасдиғи билан олишлари лозим бўларди.

Сипоҳийларнинг ҳар бирига маош ёрлиғи топширилиб, берилган маблағ миқдори шу ёрлиқнинг орқасига ёзиб қўйилади. Қайси бир сипоҳий хизматда юриб қариллик ёшига етса, уни улүфадан маҳрум этмаслик ва мартабасидан туширмаслик ҳам белгилаб қўйилади. Жангда ярадор бўлган сипоҳийга тақдирлаб инъом берилади, ярадор ҳолида душмандан қоч-

ган бўлса, уни тақдирлаб инъом бериш лозим, чунки яраси унинг атай қочмаганлигининг исботидир.

Жангчиларнинг яроқ-жабдуқлари ва анжом-жиҳозлари ҳам Темур белгилаб чиққан тартибда бўлиши керак эди.

Юриш вақтида оддий аскарлардан ҳар ун саккиз киши ўзи билан бирга чодир, ҳар бир аскар иккита от, бир камон, бир садоқ ўқдон, бир шамшир, арра, бигиз, битта қоп, жуводдиз, болта, ўнта игна ва орқага осиладиган чарм халта олиши лозим бўларди.

Баҳодирлардан ҳар беш кишига битта чодир лозим. Уларнинг ҳар бири битта оддий темир совут, дубулга, бир шамшир, садоқ-ўқдон: камон ва бешта от олади.

Ўнбошилардан ҳар бири узи билан бир чодир, зирҳ-совут, шамшир, садоқ-ўқдон, камон, бешта от олади.

Юзбошилардан ҳар бири бир чодир, ўнта от, қурол-аслаҳадан эса шамшир, камон, садоқ-ўқдон, гурзи, чўқмор, темир қалпоқ ва зирҳ олиши жоиз.

Мингбошилардан ҳар бири ўзи билан бирга бир чодир, бир соябон, қурол-аслаҳадан: дубулга, совут, найза, қилич, садоқ-ўқдон ва ўқ-ёйдан кўтарганча олиши керак.

Биринчи амир бир чодир, бир ўтов, бир жуфт соябон, қурол-аслаҳадан эса қўл остидагиларга ҳам бергудек миқдорда олиши керак. Шунга ўхшаш иккинчи, учинчи, тўртинчи амирдан тортиб то амир ул-умарогача. Ҳар қайсиси ўз мартабасига яраша чодирдан, ўтовдан, отлардан бошлаб то бошқа ҳарбий анжомларгача саранжом-саришга қилиб олиб юришлари лозим эди. Биринчи амир бир юз ўн от, иккинчи амир бир юз йигирма, учинчи амир бир юз ўттиз... то амир ул-умарога етгунча тартиб шундай. Бош амир эса ўзи билан камида уч юз от олиб юриши талаб этиларди.

Темурнинг лашкар тартибидаги ўзгаришлар хусусидаги режалари амирлар ва баҳодирлар ўртасида кескин баҳсларга сабаб бўлди. Баъзилар эса ҳатто очикдан-очик ўз норозиликларини изҳор этдилар:

— Зулқарнайн замонида ҳам бундай қатъий тартиб бўлмаган!

— Биз туямидикки, ёғийга қарши сафга тизилиб борсак! Қўлда уткир шамшир бўлгач, тўтри бориб босамиз-қўямиз-да!

— Чингизхон ясоларини наҳот унутган бўлсак...

Дашномларга чидай олмаган Темур ўрнидан сапчиб туриб, кескин оҳангда сўз қотди:

— Таъна қилмоқ ўрни эмас, муҳтарам зотлар! Мен тун буйи Аллоҳ ила мулоқот айладим ва ҳукмингизга ҳавола этаётган мулоҳазаларим ҳам Яратгоннинг иродаси боис нозил бўлмиш.

Соҳибқирон юмшоқ тахтга қайтиб ўтираркан, ёнидаги шойи болишчада турган Куръонга чап қўлини қўйди, ўнг қўли билан эса тилла ҳал юритилган шамшири дастасини чангаллади. У амир ва нўёнлар, баҳодирлардан аксариятининг мой чакиллаб томғудай семиз бетларига қаҳрли нигоҳини тикаркан, ҳали бундай қаршилиқларга кўп бор дуч келишини, демак ўзига, фақат ўзига бўйсунадиган метин интизомли лашкар тузиб олмоқ ҳозир сув билан ҳаводай зарур эканлигини яна бир дилдан ҳис этди.

Ҳукмдорнинг кескин сўзларидан кейин бўлмага жимлик чўқди.

Ниҳоят, устоз Берқут изн сураб, сўз айтмоққа журъат этди. У уз шогирдининг дилида кечаётган ўйлардан бохабар эди, албатта. Балки шу сабабдандир, Темур киритган тақлифнинг нақадар зарурлигини теран англаб турарди.

— Аллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинким, ҳукмдоримиз лашкарга керакли яроғ-жабдуқларни инъом этмоқда. От, қурол-анжом ҳар бир жангчига беҳад зарур. Ва-лекин ҳаттоки ишончли саналгон зотлар орасинда ҳам тили узун, иш деганда эрса бир фарсах нари қочадигон кишилар борлиги сир эрмас. Алар лашкарда ва салтанатда тартиб, интизом бўлмас экан, душман устига босиб бормоқдин маъни йўқлигини тушунмаслар. Биз йўқотган нарсаларимизни қайтиб олмоқдек улут мақсад йўлинда жанг камарин белга болаганимизни наҳот тушунмадингизлар? Мовароуннаҳрнинг муқаддас тупрогини ёғийлар хавфидан сақлаб турмоқ — бизнинг бош вазифамиз эрканлиги наҳот ҳар биримизга аён ўлмаса?! Ҳаммамизга маълум, аввалги ҳукмдорларимиз лашкарни лозим кўрган чоғидагина йигар, сўнг яна дарҳол тарқатиб юборарди. Фурсат эса ҳамиша отини қамчилаб ўтур. Бас, шундай эркан, кейин аттанг, деб бармоқча тишлагандин кўра, қўл остимизда қудратли, ҳар лаҳза жангга шай лашкар турғони кўп афзал эмасми? Темур тақлифини қабул этсак, биз шундай лашкарга эга бўлуرمىз. Фақирнинг қатъий фикри шундоқ.

Гапини тугатган нўён Берқут аввал узун қаддини тиклади, сўнг бир тиззасини букиб тахт қошида Соҳибқиронга тиз чўқди ва баланд қасамёд қабул қилди:

— О, улут ҳукмдор, мен сизнинг лашкар тузмоқ тартибингизни буткул қабул қилдим ва токи танамда жоним, оёқларимда қувватим бор эркан, барча амрингизни сўзсиз адо этурмен!..

Шундан кейин Темурни кенгашнинг бошқа иштирокчилари ҳам қўллаб бошлашди. Чоқу Барлос, Сайфуддин Нукадари, Довуд Барлосдан сўнг бошқалар ҳам бирин-кетин қасамёд қабул қилишди. Бу жараёнда Темурнинг Хоразмга юриш нияти ҳам буткул бошқача қабул қилинди.

Кенгаш режани тўла қўллаб-қувватлади. Лекин Темур лашкарни Жайхун буйига бошлаб боришга шошилмади. У аввалига лашкар таркибини бутунлай ўзгартириб олишга аҳд қилганди.

Бешта туман тузилди. Кеш туманига Икки Темур бошчилик қилди. Яккабоғникига — Чоқу Барлос, икки Самарқанд туманига эса — Довуд Барлос ва Сайфуддин Нукадари, Бухоро туманига — Шайх Али Баҳодур. Қўшинни нўён Берқут ва Темурнинг ўзи назоратдан ўтказдилар. Туманлар деярли бир йил мобайнида шаклландилар. Туманлар минглик, юзлик ва ўнликларга бўлинди. Ҳар бир туман жангчилари бир хил либос кийиб, бир хил салла урадилар. Тумандаги отлар ҳам бир хил бўлиши шарт эди. Тумандаги беш минг жангчи асосан ўткир шамшир билан қуролланган бўлиши керак эди; тўрт минг жангчи эса олис масофадан жанг олиб бориш учун камон билан ҳамда яқин масофадан жанг олиб бориш учун кичик қалқонлар билан қуролланган бўлиши керак. Тумандаги қолган минг жангчи эса девор бузадиган тошотар қурилмани ишлата билиши лозим эди.

Темур биринчи бор мунтазам лашкарга эга бўлган эди. У суюкли лашкарини худди фарзандидай ҳам авайлар, ҳам чиниқтирарди. Аслини олганда ҳам фақат мунтазам лашкаргина уни енгилмас қила олди. Илло, барча эҳтимолдаги рақиблар ҳамон зарурат тугилгандагина лашкар йигиб, қолган вақтлари уларни тарқатиб юбориш билан машғул эдилар. Кучли давлатга кучли мунтазам лашкар кераклигини Соҳибқирон биринчи бўлиб англади.

Хоразм устига юриш тезлашмади. Темур Ҳиротни қонсиз қўлга киритиш имконини берган усулни ёд-

дан чиқармаганди. Бунинг устига, ўз она улусида яна мусулмон биродарларининг қонини тўкишдан не наф? Мабодо барча музокаралар, қўрқитишлар ва ҳаттоки эзгу мақсад йўлида қилинган ҳийлалар иш бермаса — унда бошқа гап.

Шу мақсадда Темур милодий 1372 йил аввалида Хоразмга амир Алфой Товожий бошлиқ элчиларини йўлади. Бир қўшин кузатувидаги элчи тезда Урганчга етиб келди ва Ҳусайн Суфига нома топширди. Унда, жумладан, шундай дейилганди: «Қиёт ва Хива шаҳарлари, Чингизхон ясоларига биноан, Чигатой улуси тасарруфиндадур. Бироқ аларни сиз босиб олгонсиз. Иккала мамлакатларимиз ўртасинда дўстлик ҳамда биродарлик алоқалари тикланмоғи учун аларни асл эгаларига қайтармоғингизга тўғри келур...»

Самарқандда узоқ вақт ҳукмронлик қилгани ёдидан кўтарилмаган Ҳусайн Суфи элчига баланддан келиб муомала қилди: «Бул шаҳарларни мен қилич ила олгонмен, аларни мендин фақат қилич билангина тортиб олулар!»

Товожий жавобни Самарқандга етказди. Газаб туллорига минган Темур дарҳол қўшинини жангга бошлашга қарор қилди. Аммо худди шу маҳал Кўксаройга Самарқанднинг энг эътиборли олимларидан мавлоно Жалололдин Коший ташриф буюриб қолди. Тасаввуф таълимотининг билимдони саналмиш бу олимнинг шуҳрати Мовароуннаҳрдан олисларга ҳам тарқалганди.

Салом-алиқдан сўнг мавлоно Жалололдин Коший зийрак нигоҳини Соҳибқиронга тикиб, сокин овозда сўз қотди:

— Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм. Улуг ҳукмдор, бир йўлдин тойгон банданинг шуҳратпарастлигию жоҳиллиги боис бутун бошли эл кулфатга дучор этилмоғи мумкинлигини фақир онги асло сингдир олмас. Шул боис, агар изн этсангиз, давлатингиз соясинда камина Хоразмга йўл олса-ю, мартаба ҳаваси бошини айлантириб қўйган Ҳусайн Суфини эзгулик, ҳидоят йўлига қайтармоққа имкон доирасинда бир карра ун-наб кўрса.

Алломанинг одилона сўзларини тинглаган Темур ўз газабини босишга мажбур бўлди.

Коший қўшин билан биргалиқда Хоразмга йўл олди.

Лекин Ҳусайн Суфи қон тўкилишининг олдини олишнинг иккинчи имкониятидан ҳам фойдаланмади.

У рақибининг нечоғли куч-қудратга эғалиғи ҳақида аниқ маълумотларга эга эмас эди. Боз устига, ёши анча катталиғини ҳисобга олиб, Темурнинг қилиғини ёшликнинг асов ўжарлиғига тақамоқда эди.

Ҳусайн Суфи гапни узоқдан бошлаб келган аллома-ни эшитиб ҳам ўтирмади, қўриқчиларига буюриб, олимни зиндонга ташлаттирди. Хурланган, ҳақоратланган аллома соқчилар қуршовида чиқиб кетаркан, аламноқ тарзда: «Ҳукмдорнингки қулоғи қар эркан, анга далолатни сўйламақдин на ҳожат! Бундоқ ҳукмдор фақат ўткир шамшир тигидингина даво топғуси!» — деб қичқирди.

Темурнинг сабр косаси тўлиб-тошди. Энди уни ҳеч нарса ушлаб туrolмасди. Бироқ лашкарини Хоразм устига ташларкан, у салтанатининг жанубий ҳамда шарқий сарҳадлари дахлсизлиғи хусусида ҳам қайғуриши керак эди. Чунки асосий қўшин шимолга ташланганидан хабар топган душманлар гимирлаб қолишлари мумкин эди. Шу мақсадда Қундуз ва Қобулни ҳимоя қилиб туриш амир Чоқу Барлос ўн минглик қўшин билан Жайхун ортига юборилди. Сайфуддин Нукадарий эса худди шунча қўшин билан Мўғулистон чегарасига жўнади.

Темур тўрт туман жангчиси бошида йўлга тушди. Бу улкалар ҳали бирон марта булсин бунчалик кўп сонли лашкарни кўрмаганди. Баайни, жангчилар сафининг сира адоғи бўлмайдигандек туюларди.

Кукламнинг сўнғи ойи оёқлаб борарди. Кунлар исиб улгурган, қум эса кун давомида ҳумдонга тушгандек қизиб кетарди. Ҳусайн Суфи қум ва сувсизликни бежиз ўзининг ишончли қўриқчилари, деб атамаганди. Лекин Темур бошқача йўл тутди. У қўшинини тўғри йўлдан, қум барханлари оша машаққатли, ҳолдан тойдирадиган сафарга бошламади. У аввал Бухорога борди, сўнғ эса ям-яшил серсув йўллар орқали Жайхунга етиб олди. Шу ерда у соллар ясатиб, қўшинни дарё орқали тўғри Қиёт шаҳрига бошлади.

Ҳазорасп қургони яқинидаги дарё торайган жойда, Қиётдан икки кунлик масофада, баланд қирғоқда Темурни оппоқ соқоли қария кутиб турарди. У тилла суви югуртириб безатилган сержило эгарли ажойиб аргумоқнинг кумушранг жиловидан ушлаб олганди. Бу жойларда хоразмлик пайгамбар Зардушт сув устидан учиб ўтаётган кумушранг қанотли отни кўргани хусусидаги афсона кенг тарқалганди. Ривоятга кўра,

пайгамбар қанотли отга эга чиқмоқчи бўлиб сувга маст қилувчи доривор қушиб қуйган. Хуллас, Зардушт отни ушлаб, қанотларини кесиб ташлайди. Шундан кейин от унинг хизматида бўлади. Бу отнинг гаройиб хислатидан хабардор бўлиб қолган одамлар дарҳол ўз бияларини шу атрофда боқа бошлайдилар. Шундан кейин Жайхун бўйида ажойиб насли отлар кўпайиб кетган экан. Кўҳна хоразм тилида отни «асп» дейишади. Ҳазорасп, яъни «мингта от» номи ҳам шундан келиб чиққан дейишади. Темур учувчи от ҳақидаги афсонани Биби Фақирадан эшитганини, ушанда қанотлари бор ажойиб аргумоққа минишни қанчалар орзу қилганини эслади.

Мана, оқ соқоли қария кумушранг, сал ишора қилсанг, кўкка сапчигудай гижинглаб турган ажойиб аргумоқни солини қирғоққа тақаб тўхтатган Темур ёнига олиб келди ва жиловини тутқазиб:

— Шу отга мининг, — деди. — Ва у сизни душман қароргоҳи узра кутарур. Сиз душман қароргоҳига эриган мум қуясиз ва музаффар бўлурсиз. Унутманг, сизнинг тулпор отингиз — сизнинг донолигингиз, зеҳнингиз. Аллоҳи таоло сизга ақл-идроқдин мўл-кўл ато этибдур, демакким, асло мағлубият аламидин то-тинмагайсиз...

Жиловни тутқазган чол тезда соҳилдан узоқлашди. Унинг ортидан кузатиб қоларкан, Темур қариянинг мавлоно Жалолиддин Кошийга икки томчи сувдай беҳад ўхшашлигидан ҳайратда қолди. Балки, унинг олдида ҳозиргина мўътабар алломанинг руҳи намоён бўлгандир. Ундай деса, от туёгидан ут чақнагудай тарзда кўз олдида турибди-ку! Демак, Яратганининг ўзи унга галаба тиламоқда.

Темур солига олган кумушранг аргумоқни силаб-сийшалай бошлади. Лашкар йўлида давом этди.

Лашкар икки кундан кейин Қиёт шаҳри деворлари яқинига етиб келди. Жангчилар ҳандақлардаги сувни чиқариб ташлашга киришдилар. Бу юмуш тезда адо этилди.

Жангчилар улкан ва мустаҳкам деворга янада яқинлашиб, дарвозалар қаршисига девор тешувчи қурилмаларни ўрнатганлари маҳал улар устига тош ва камон ўқлари ёмғирдек ёғилди. Ҳусайн Суфининг хайрихоҳлари бўлмиш доруға Байрам Ясовул ва қози Шайх Мунд шаҳар аҳолисини деворлар устига қурол кўтариб чиқишга мажбур этган эдилар. Бироқ шаҳар-

ликларнинг катта бир гуруҳи умуман қаршилик кўрсатишга норози эдилар. Улар Қиёт яқиндагина Чигатой улуси таркибида бўлганини унутмагандилар ва Темурнинг талабини ҳаққоний деб топгандилар. Худди ана шу гуруҳдагилар Темурга чопар йўллашиб, кечаси дарвозаларни очиб қўйишларини, фақат эвазига Мовароуннаҳр ҳукмдори шаҳарни вайрон этмас яхши бўлишини илтимос қилишди. Бу орада кундузи Қиётга ҳужум қизгин кечмоқда эди. Икки баҳодир, Мубошир полвон билан тўйхўжа каманд ташлаб деворга чиқиб олишди. Улар ортидан шаҳзода Жаҳонгир кўтарилди. Бундоқ жасоратдан илҳомланиб кетган Темур жангчилари «Ур-ҳо ур!» билан деворга ёпишдилар. Ўз фарзандини гурур ила кузатиб турган Темур ҳам чидай олмасдан ҳужумга ташланди. Соҳибқирон лашкарининг асосий қисми қаршиликни енгиб девордан ошиб ўтдилар. Энди жанг Қиёт даҳаларида давом этарди. Жанг суронида Темур лашкари шафқат нелигини унутиб, дуч келган одамни тигдан ўтказардилар. Қиёт кўчалари мурдаларга тўлиб кетди. Ярадор бўлиб, қонга беланган жангчилар ёрдам сўраб дод-фигон қилардилар. Ўлдирилмаганларни асир ола бошладилар. Банди этилган Байрам Ясовул билан Шайх Мунд ҳам қўллари орқага қайириб боғланган ҳолда Темур ёнида, ўз қисматлари не кечишини кутиб турардилар. Соҳибқирон уларнинг ҳар икковини эшакка тескари мингазиб Урганчга, Ҳусайн Сўфи ҳузурига жўнатишга фармон берди.

Ўз тарафида турган қиётликлардан чопар келгач, Соҳибқирон асирларни озод этиш, шаҳарни эса талон-тарож қилмаслик, бирон бир бинога ўт қўймаслик хусусида буйруқ берди. Сўнгра жанговар қўшинининг шаҳарга кирган қисмини дарҳол Қиётдан чиқариб олди ва уларни Жайхуннинг чап қирғоғига олиб ўтиб, Урганч тарафга бошлади.

Ҳусайн Сўфи лашкари Темурни йўлда қарши олди. Унга амирлар Манқал Ҳожи ва Жўқи Баҳодирлар бошчилик қилардилар.

Темурнинг қирқ минг жангчидан иборат лашкари хоразмликларни бирпасда тит-пит қилиб ташлади. Қолган-қутган бир ҳовуч аскар эса қамалга тушди.

Урганчдаги балад соқчилик мишорасидан жангни кузатиб турган Ҳусайн Сўфининг руҳи тушиб кетди. Айниқса, очиқ майдонда ўз либослари билан ажралиб турган Темурнинг тўрт туман қўшинини, кумушранг

аргумоқда бемалол келаётган омад соҳибининг ўзини кўргандан сўнг ўз итоатини ва таслим бўлганини билдириш учун чопар йўллашга қарор қилди. Бироқ кутилмаган ҳодиса юз бериб қолди. Темур туманларидан бирига қўмондонлик қилаётган Ҳуттоллан амири Кайҳисрав Ҳусайн Сўфига ўз чопарини йўллади. Кайҳисрав анчадан буён Темурга тишини қайраб юрарди. Илс Хўжа хоннинг сафдоши, Хоразм ҳукмдорининг ҳам эски ошнаси сифатида айниқса шу кунларда унинг Темурни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди. Бироқ шу кунга довур у ўз ҳиссиётларини яшириб келишнинг уддасидан чиқолганди. Энди эса ҳисоб-китоб қилиш имкони тугилди, деган қарорга келди у. Нафрат унинг асабларини буткул ишдан чиқарган ва у энди ортиқ юзига ниқоб тортиб юролмасди. Амир Қозагон ва унинг набираси Ҳусайн қотили бўлган Кайҳисрав ўзининг, эҳтимолки, энг сўнгги имкониятини қўлдан чиқаргиси келмасди. Мовароуннаҳр аркони давлатининг юмшоқ тахти уни ўзига оҳанрабодай тортмоқда эди. У Ҳусайн Сўфига амалий таклиф билан нома йўллаганди: «О, ҳукмдор! Темурга ишонманг ва таслим бўлманг! Барча лашкарларингизни тўплаб шаҳар дарвозасидан чиқинг, мен ўз туманим била сизга қўшиладурмен. Аллоҳ ёр бўлиб, Темур устидан албатта зафар қозонажакмиз!..»

Чукаётган одам хасга ёпишади. Ҳусайн Сўфи дарҳол заҳирадаги барча жангчиларини шаҳар дарвозасидан олиб чиқди. Урганчдан икки фарсах нарида, Қовун дарёси бўйида ҳукмдор қўшинини тўхтатиб, сафлади ва ҳали сон жиҳатидан анча-мунча жангчига эга эканини кўриб, кўнглини тарк этган ишонч қайтадан қайтиб келгандек бир қувониб қўйди.

Кайҳисравнинг ўзини тутишида недир бир сохталикни илғаб қолган Темур бу орада назорат этиб туриш учун унга уч сараланган қўшинни Алиберди туркман бошчилигида йўллади ва ҳар эҳтимолга қарши, Кайҳисрав туманини орқага қайтарди.

Жанговар довулар чалинди, бургу овози оламни тутди. Темур қўшини ҳужумга ўтди. Саф-саф бўлиб тизилиб келаётган жангчиларни кўрган Ҳусайн Сўфи лашкарининг асаби дош беролмади — улар тартибсиз равишда орқага чекина бошладилар. Жанг ҳали бошланмасдан туриб, ёвни таъқиб қилишга айланиб кетди. Ҳар қалай, хоразмликларнинг каттагина қисми Урганчга етиб олиб, унинг баланд деворлари ортидан

паноҳ топти. Дарвозалар бир амаллаб ёпилди. Темур лашкари шаҳарни ураб олиб, бекорчиликдан ён-атрофдаги қишлоқларни талон-тарож қилишга тушди. Айниқса, куп мол мусодара қилинди, ҳаммаёқ «сен же, мен же» бўлиб кетди.

Урганч қамали узоқ давом этмади. Тезда шаҳарда сўнгги кунлар зарбасига асаби дош беролмаган Ҳусайн Суфи вафот этгани хусусида хабар олинди. Унинг урнини укаси Юсуф Суфи эгаллади. Юсуф Суфи феъл-атворидан бохабар хоразмликлар ҳам: «Энди уруш бўлмайди, сулҳ тузилади», — дея енгил нафас олаётган эмишлар. Дарҳақиқат, Куръони каримда ёзилганидек, «Аллоҳ иймон эгаларига фазлу марҳамат соҳиби бўлган зотдир...»

ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

СУЛҲ

Ҳусайн Суфи ўлимидан сўнг Урганч деворлари тагида шамширлар ярақлаб, қон тўкилишига барҳам берилди. Амир Кайҳисрав эса бу юришнинг сўнгги қурбони бўлди.

Кайҳисрав Хоразм ҳукмдорига ўз ҳамкорлигини билдириб йўлаган чопар, афтидан: «Соҳибқироннинг тузини ичиб, тузлигига тупурдим», — деган азобли уйларда қолган шекили, бир кун келиб Темур қошида тиз чўқди ва гапни тўкиб солди.

Хиёнаткор амирни дарҳол банди этиб Темур ҳузурига келтирдилар.

Қули орқасига қайириб боғланган Кайҳисрав Темур қошида гурс этиб тиз чўқди. Темур ўткир ханжарини олди ва сотқиннинг бир қаричча келадиган сийрақкина урим сочини кесиб ташлади. Кайҳисрав гўлдираб омонлик сурашга ўтди. Темур кесилган сочни оёғи остига ташлади ва нафрат билан сўз қотди:

— Қашқирни қонхўрликдан тўхтатмоқ учун анинг тишини қоқиб олмоқ даркор. Чаённинг иши эрса мудомад заҳар солмоқдур, то янчиб ташламас эркансен, андин қутулолмассен.

Темур ишора қилди. Мовароуннаҳрга ҳукмдорлик қилаётганининг икки йили мобайнида у илк бор қаттиқ жазони қўлламоқда эди. Инчинун, хиёнаткор ва иккиюзламачилар, доғули ва қўйнида тош кутариб

юрган маккорлар алал-оқибат қандай аҳволга тушмогини элга бир кўрсатиб ҳам қўйиш керак эди.

Соҳибқирон чодирини ёнида Кайҳисравнинг яқинлари бошларини эгиб турардилар. Сотқиннинг калласини олиш уларнинг кўз ўнгида адо этилди.

Тез орада Хоразмнинг янги ҳокими Юсуф Суфи вакиллари ҳам ташриф буюришди. Акасига нисбатан эҳтиёткор ва фаросатли Юсуф, табиийки, Соҳибқирондек Худо ярлақан ҳукмдорга ўз садоқати ва итоатини баён этишдек қулай имкониятни қўлдан бой бергиси келмасди. У Урганчнинг барча дарвозаларини очиқ бўлишини, шаҳар аҳли Темур қўшинини катта тантаналар билан кутиб олишга ҳозирлик кўраётганини маълум қилди. Шунингдек, у халоскор жангчиларга бир йиллик маоши миқдорида товон тўлашга ҳам тайёр эканлигини таъкидлаб ўтишни унутмаганди.

Бу ҳол Темурни қаноатлантирарди. Боз устига, ўзининг тилла чодирини ёнидаги мовий чодирда истиқомат қилаётган Сароймулкхоним ҳам янги ҳокимнинг таклифини қабул қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги хусусида ўз мулоҳазасини билдирди. Ўз фикрини етарлича далиллар билан исботларкан, бош завжаси асосий дастак сифатида қуйидаги фикрни баён этди:

— Имкони борича ўз улусингизда қон тўкмагонингиз маъқул. Марҳум падари бузрукворим Қозонхон шундай деб таъкидлашни хуш кўрардилар.

Темур анчадан буён суюкли хотинининг маслаҳатларига қулоқ оса бошлаганди. Ҳозир ҳам ўзининг ва хотинининг хулосаси бир жойдан чиққани уни қувонтирди. Бироқ буни билдириб қўймаслик учун, атайлаб қовогини сал ўйиб, жиддий тарзда эълон қилди:

— Қозонхондай улуг зотнинг қизи ёлғизликда зерикиб қолмаслиги учун биз улуг Ўзбекхоннинг невараси Севин Бекани шаҳзода Жаҳонгирга олиб бермоқни ихтиёр айладик.

Шу сўзларни айтаркан, Соҳибқироннинг кўзлари мугомбирона чақнаб кетди. У гўёки: «Қани, кўрайликчи, икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнармикин? Хон қизи қошинда яна битта худди ўзи янглиг улуг хон сулоласига мансуб аёл киши бўлмоғига бемалол йўл қўйиб берармикин...» — деб ўйлаётгандай эди. Лекин тажрибали хотин сир бой бермади.

— Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, — дарҳол жавоб қайтарди Сароймулкхоним. — Бироқ от кўпайиб кет-

ган тақдирда, кўтарилган чангдин чўпон йўлни кўрмай қолуви ҳам мумкин.

Темур кулиб юборди. Сўнг енгилганини тан олган оҳангда:

— Агар йигитнинг йўлчи юлдузи анинг бош хотини эрса, — деди, — шубҳа йўқки, ҳар қандоқ сафар ҳам хайрли кечгай.

Бундай эътирофни эшитган Сароймулкхоним яшнаб кетди. Аёл Темур истаса қаттиққўл, истаса кўнгилчан, истаса тўнг ва истаса мулоим бўла олишини, бироқ дилининг туб-тубидаги фикр-уйлари деярли ҳаммиша салтанат ишлари билан боғлиқлигини яхши биларди. Соҳибқирон бирон қарорга келишдан аввал жуда кўплаб йўллари таҳлил қилиб кўрар ва шундан сўнггина ҳокимиятни мустаҳкамлайдиган, обрўйини кўтарадиган энг тўғри қарорни танлай биларди. Шувийрак тафаккур энди зурриёдиннинг келажаги хусусида ҳам қайғурмоқда эди. Табиийки, шаҳзода Жаҳонгир ва гўзал Севин Бека йўлларининг қўшилишида ҳам узоқни кўзланган тадбир бор эди. Ўзбекхоннинг қизи Шуки Бекога ҳамда Хоразм ҳокимининг акаси Оқ Сўфининг қизини келин қилиш темурийлар авлодини тўғри Чингизхонга тақашини билан бир қаторда шаҳзоданинг ёрқин келажагининг ҳам ишончлиниллапоёси булиб хизмат қиларди.

Ниҳоят, Темур аён-арконлари даврасида таптанали равишда Хоразм ҳокими саройига кириб борадиган кун келди. Йўлга дарвозадан то саройга қадар тилам тўшалган. Ногоралар чалиниб Соҳибқирон қаддам ранжида қилаётганидан дарак бериши билан йўл бўйлаб турган шаҳарликлар издиҳоми бирдай тиз чўқди. Сарой майдонида тиз буккан Хоразмнинг таниқли зотлари эса, соҳибқирон кумушранг аргумогидан тушиб, саройга кириб кетганига қадар уринларидан қалқишга журъат эта олмадилар.

Темур саломхонадаги нақшинкор тахтга бориб ўтирди. Юсуф Сўфи унинг қаршисида итоаткорона бош эгиб турганча сулҳ шартларини эшитди. Темур шартларини бериш-кетин айтиб турди, хаттотлар ипак қоғозга барисини муҳрадилар.

—...Музаффар лашкаримиз кўмагинда аввал-олдиндин Чигагой улусига тегишли бўлмиш Қиёт ва Хива туманлари заминини яна илкимизга олдик. Хоразм ҳукмдори билан тўла сулҳга эришганимиз исбо-

ти тариқасинда салтанатимиз валиаҳди Жаҳонгир Мирзога Оқ Суфитархон қизи бўлмиш хонзода Севин Бекани олиб бермоққа қарор этдик.

Шу сўзлар айтилаётган маҳал тахтдан ўнг тарафда қотиб турган Сафарали сассиз юриб бориб Соҳибқироннинг ушбу истагига ўз муносабатини билдириши жоизлигини шишшиди. Хоразм ҳукмдори дарҳол ўнг қўлини кўксига қўйганча, ҳаяжондан титраган товушда, голиб Темурга тик боқишга ҳам журъат этолмасдан хитоб қилди:

— Соҳибқирон ҳазрати олийлари — аларнинг барча ишларида Аллоҳ ёр бўлсин! — бизга улуг бир саодат ихтиёр этмиш. Хоразм осмонининг Зухроси Самарқанд салтанатининг Муштарийси ила қовушар эркан, биздек номуносиб бандалар учун бундин ортиқ мукофот бўлуви мумкинми? Биз ушбу дақиқадин эътиборан Қиёт ва Хива туманларини тўлалигича ва қонуний ҳолда Чигатой улуси ҳудуди дея эълон қиладурмиз ҳамда Соҳибқиронга ўзимизнинг беадад итоатимизни изҳор этурмиз. Биз хонзода Бекани лозим этилган тарзда тайёрлаш ҳамда ҳукми олий тарафидин дастлабки кўрсатма бўлгон заҳотиёқ ул зот истаган манзилга зудликда етказиб бориш мажбуриятини зиммамизга олурмиз.

Юсуф Султон таъзим ила гапини яқунлаганда, тахтнинг чап томонида турган Саид Барака ҳазрат ушбу битимни маъқуллаган тарзда бош ирғаб қўйди. Сўнг қўлларини баландга кўтариб:

— Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! — деди.

Бўлмадагилар бари бирдай ҳазратга жўр бўлишди:

— Аллоҳу акбар!

Шифти мовий тусда, деворлари эса ранго-ранг жиҳозлар билан безатилган қўшни хонада базмга ҳозирлик бошлаб юборилганди. Юсуф Сўфи ҳаммаси аъло даражада бўлиши учун жонини жабборга бериб ҳаракат қилган, қўл остидагиларнинг биронга-сига тиним бермаганди. Бироқ аччиқ ичақдай чўзилдиган зиёфатларни хуш кўрмайдиган Темур кечқурун қалъа хирожидаги ўз қароргоҳига қайтишни афзал кўрди. Илло, на Эрон ва на Турондаги бирон-бир ҳукмдор Хоразм хонлари маккорликлари олдида иш эшолмаслиги яқин йилларда ҳам кўп ўз исботини топганди...

Қароргоҳда уни ёқимли учрашув кутиб турарди. Темур хуфтон фарзларини адо этаётган маҳал унга

шу бугун зиндондан Юсуф Суфи озод қилган мавлоно Жалолиддин Коший қўшилди.

Соҳибқирон Амир Темур ислом динининг беш асосидан бири бўлган намозни тўла-тўқис адо этарди. У Қуръони каримда битилган муборак бир оятни доимо ёдда сақларди: «...сиз ўзингизга ваҳий қилинган китоб — Қуръондан бўлган оятларни тиловат қилинг ва намозни тўқис адо этинг! Албатта намоз бузуқлик ва ёмонликдан тўсур. Аниққи, Аллоҳни зикр қилмоқ (барча нарсадан) улугроқдир. Аллоҳ қилаётган ишларингизни билиб турур».

Муборак ҳаж сафарига бир йил мобайнида пойи пиёда бориб келган мавлоно Жалолиддин Коший намознинг, хусусан кечки намознинг илоҳий фазилати борасида кўп бор Темурга ваъзлар ўқиган, Муҳаммад алайҳи ва саллам ҳазратлари ўз оғизлари ила лутф этиб келган муътабар ҳадислардан иқтибослар келтириб, фикрини исботлаган эди.

Оппоқ либосга чулганган Коший энгил қадамлар билан келиб жойнамозга чўқди ва ихлос билан тиловат қилишга тушди.

— Аъзу биллаҳи минашшайтонир рожийм, бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм...

Мавлоно оятларни узгача бир илоҳий жунун ҳолатида, эътимод ила тебраниб-тебраниб тиловат қиларкан, Темур беихтиёр жисмируҳида бир ажиб энгиллик туйганча Қуръоннинг сеҳрли оҳанглирига маст бўлиб, Кошийга эргашиб оятларни такрорлайверди... Ушбу тунги ибодат Соҳибқирон кўнглига баайни бебаҳо малҳамдай таъсир қилди... Бир ойлик машаққат ёддан чиқди-кетди...

Эртаси кунни Темур қабулни бошлагани маҳал чодирга мавлоно Коший биринчи бўлиб кириб келди. Қария ўзи билан узун-узун сочлари, либосларидан тегиб юрувчи фақир эканлиги билиниб турган ҳиндуни бошлаб келганди. Темур болалик чоғлари отасининг қарвонларини Ҳиндистонга кузатиб борганида бундай фақир ва жўгиларни кўп кўрган. Ўзини сеҳрлар деб ҳам аташларини яхши кўрадиган ҳинд елкасида — юлдузлар ҳолатини аниқлашга ёрдам берадиган қурилма — устурлаб. Қўлидаги каттагина хуржун эса ҳинд илми нужуми ва мағияси тўғрисида битилган китоблар ила лиқ тўла.

Ташқи кўринишидан жўти қирқдан ошмаганга ўхшарди.

Мавлоно ҳиндни таништириб, унинг исми Сат Чит Дева эканини, ўзи олижаноб Жойпур маҳоражаларидан бўлиб, магия ва илми нужумга ихлос қўйгани учун ота уйдан ҳайдалганини баён қилди.

Ҳали ўз Ватанидаёқ Самарқандда саодатли «қирон буржи» остида туғилган Ёш амир таҳига ўтирганини эшитган Сат Чит Дева дарҳол Мовароуннаҳрга йул олганди. У бир неча кун Урганчда, Ҳусайн Сўфи саройида меҳмон бўлди. Бир куни Ҳусайн Сўфи ундан бу дунёда яна қанча умр кўриши ҳақида сураб қолади. Шунда афсунгар кўзларини юмганча узоқ вақт муроқабачолатида ўтиради ва ниҳоят: «Ҳукмдор, хабар қилишларича, рошпа-роса икки ҳафтадин сўнг дорилбақога сафар этар эркансиз, — дейди. Бундай башоратдан жони ҳалқумига келган Ҳусайн Сўфи афсунгарни дарҳол зиндонбанд этишга фармон беради. Сат Чит Дева зиндонда Мавлоно Жалолиддин Коший билан танишиб қолади...

Ҳинд сеҳргарининг башорати амалга ошиб, Ҳусайн Сўфи ота-боболари қошига йул олганининг эртаси куни иккала банди ҳам озод этилди. Коший бу зукко башоратчини Темур билан таништиришга аҳд қилди.

Форс тилида бийрон сўйлаётган ҳинд афсунгарининг табрик нутқини эшитаётган Темур туйқусдан унинг гапини бўлиб, савол бериб қолди:

— Мен-чи, мен бул дунёда яна қанча умр кўрурмен?

Темурнинг гап оҳангида ҳазилга мойиллик бор эди. Ҳинд ўзининг жингалак-жингалак бўлиб кетган узун сочларига бармоқларини ўраганча бир муддат ўйланиб қолди, кейин жумбоқли тарзда кулимсираганча жавоб қайтарди:

— О, улуг шоҳ, сизнинг қисматингиз ёлғиз Яратгонга аён. Илло, сиз Зуҳал ила Муштарийнинг яқинлашуви давринда дунёга келмишсиз. Ислол пешволарининг айтишларинча, айнан шул соатда Аллоҳи таоло оламини яратган эркан. Юлдузлар ҳаракатиндаги бул ҳолат ҳар саккиз юз йилда такрорланиб турадур. Бундай саодатли дақиқада туғилгон ўғлон Соҳибқирон бўлгусидир. Демак, сизнинг тақдирингиз фақат ва фақат Яратгоннинг изминдадур. Андин воқиф бўла билмак биздек хом сут эмган бандалар учун жоиз эрмас.

Темур энди баралла кулиб юборди.

— Афтидан, Урганч зиңдони таъсири ҳали вужу-дингни тарк этмагон кўринадур. Чучима, биродари азиз. Бизда «Бир гап кам, иккитаси ортиқча», дейдилар. Демак, аларнинг ўрталигини олмоқ даркор.

— Улуғ Соҳибқирон, ундоқ бўлса муқаддас китобга суянуرمىз. Майли, табаррук битиклар ушбу сирдин бизни огоҳ этсинлар. — Сат Чит Дева чарм гилофдан муқовасига тилло ҳалда «Мажму фи аҳром ан-нужум» («Юлдузлар ҳукми мажмуаси») деб ёзилган қадимий қулёзмани чаққонлик билан олиб, биринчи саҳифасини очди ва ўқишга тушиб кетди.

Ниҳоят, мутолаани тугатган ҳинд афсунгари бошини кўтариб, изоҳ беришга ўтди:

— Юлдузлар олами сарвари Зуҳал шундоқ гувоҳлик берур: «Илми нужумда икки шарофатли сайёра, Зуҳра ва Муштарий ўз ҳаракатинда бир-бирига яқинлашган ҳолатда, яъни бахт-саодат аломати деб фол кўрилган «қирон буржи» остинда тугилгон шарофатли инсон Соҳибқирон дея аталур. Илло, Тангри таоло ҳам айнан шу соатда оламни яратган. Яратганининг иродаси ила сайёраларнинг бундай яқинлашуви ҳар саккиз юз йилда бир марта содир бўлур ва ҳар саккиз юз йилда пешонаси ярқираган бир инсон дунёга келур. «Қирон буржи» остинда тугилгон улуғ инсонлардин биринчиси ўзини Худо деб эълон қилур ва дорилбақода ўттиз уч йил умр кўрур. Орадин саккиз юз йил ўтгандин сўнг тугилгон иккинчи улуғ инсонни эса пайгамбар дея эълон қилурлар ва ул зот биринчига нисбатан ўттиз йил ортиқ умр кўрур. Ва алоҳа саодатли дақиқада дунёга келган учинчи инсон дунё ҳукмдори бўлур ва ўзидан аввал ўтган улуғ зотнинг умрига ҳамда дастлаб бахтга мушарраф бўлгон инсоннинг умр саногини ташкил этган икки сон йигиндисини қўшгандагига тенг умр кўрадур...»

Сат Чит Дева ҳозир ўзи айтганларини мулоҳаза қилиб олаётгандай андак сукут сақлаб тургач, давом этди:

— Пешонаси ярқираган биринчи зот Искандар Зулқарнайн бўлгон. Македония шоҳи Искандар Зулқарнайн Мисрни қўлга киритгач, мамлакат аҳлининг урф-одатларига чуқур ҳурмат ила муносабатда бўлмиш ва шунинг учун халқ ани Қуёш тангриси Омоннинг ўгли, фиръавн дея эълон қилимиш. Айтишларинча, шундин сўнг Искандарнинг боши узра иккита қуёш шуъласи пайдо бўлгон. Искандарнинг иккита

шохи бор, деган гап ҳам шундин келиб чиқмиш. У ўз юрти Македония ва Юнонистонда ҳам ўзини Худо деб ҳисоблашлари хусусинда фармон битмиш. Башорат вожиб бўлиб, Зулқарнайн ўттиз уч йил умр кўрмиш. Орадан саккиз йил ўтиб Муҳаммад алайҳиссалом дунёга келмишлар ва одамлар ул зотни пайгамбар дея тан олмишлар. Муҳаммад алайҳиссалом, ушбу китобда кўрсатилгонидек, олтмиш уч ёшларида дорилабақога рихлат этмишлар. Жаноб Расулуллоҳ шохли Искандардин роппа-роса ўттиз йил кўпроқ умр кўрмишлар. Мажмуадин аён бўлишинча, 1336 йили дунёга келадургон Соҳибқирон ҳазратлари дунё ҳукмдори бўладилар ва олтмиш тўққиз йил даври даврон сурадилар. Тангри буюк, ул зот ҳамиша ҳамма нарса ни олдиндан белгилаб қўйгуси, — дея хулоса қилди Сат Чит Дева. Сўнг у пичирлаб бир нималарни ўқигач, эгилиб Темурга таъзим бажо келтирди.

Ушбу ажиб башоратни кўзлари чақнаб, ҳайратланиб тинглаган мавлоно Жалолиддин Коший ҳинд афсунгари таъзим қилган заҳоти қўлларини кўтарди ва чуқур эътиқод ила китоб қилди:

— Аллоҳу акбар!

Коший ортидан Темур такрорлади:

— Аллоҳу акбар!

Афсунгар яна бир бор таъзим айлаб, чеккароққа ўтди ва Сафаралига яқинлашиб, унинг қулогига алланимани шипшиди. Сафарали бош ирғаб, ўтовдан чиқди. Зум ўтмай икки навкар чарм халтага солинган ясси бир буюмни кўтариб келишди. Сат Чит Дева гилофни очишга кўрсатма берди. Ясси тахта қора дарахтдан ишланган, оқ ва қора олтмиш тўртта катакчаси бор эди. Сўнг афсунгар ипак халтачадан қимматбаҳо тошлардан ишланган пиедалар, отлар, филлар шаклларини олиб, тахтадаги катаклар устига қўя бошлади. Бу ҳиндларнинг машҳур шоҳмот ўйини «чатуранга» эди. Ҳинд яна бир бор эгилиб таъзим бажо келтирди, тахтадаги «жанг иштирокчилари»га ишора қилиб деди:

— Сизга мудом зафар ёр бўлғай, муҳтарам Соҳибқирон!

Темур шоҳмот тахтасига қўйилган филлар ва жанговар отлар шаклларини қизиқиш билан кўздан кечира бошлади. Тўрт киши ўйнашига мўлжалланган бу гаройиб ўйинни ҳукмдор биринчи бор кўриши эди. Икки киши ўйнайдиган одатдаги шоҳмотни у кўздан

билар; шундай қизиқарли ўйинни ўргатгани учун бобоси Ҳожи Олимдан беҳад миннатдор эди. Узоқ қиш тунлари бобо ва набира шоҳмот тахтаси устида қизгин жанглар ўтказардилар. Ҳожи Олим вафотидан сўнг, унинг васиятига кўра кўп қизиқарли жанглар шоҳиди бўлган шоҳмот Темурга мерос тариқасида ўтганди. Бағдодлик усталар фил суягидан кумуш суви юргизиб ишлаган шоҳмот доналарини Абдулла Мерган Самарқандга олиб келганди.

Темур ўзининг қадрдон шоҳмотини келтиришга фармон берди. Сўнг ҳинд афсунгарига бир қўл ўйнашни таклиф этди. Ҳинд розилик маъносиди бош эгди. У ўз юртида севиб ўйналадиган «чатуранга»да («тўрт ўйинчи» маъносиди) жуда моҳир ўйинчи эди. Шу билан бир қаторда афсунгар эрон-арабларнинг «шоҳ ўлди» дея таржима қилинадиган шоҳмотида ҳам маҳоратини ошириб улгурганди.

Сафарали шоҳ ёнидаги супачага доналари терилган шоҳмотни келтириб қўйди. Ҳеч ким ўтиришга таклиф қилмаган ҳинду тик турган ҳолда ўйнаши лозим бўларди. Зеро, сарой расм-русумлари қаттиқ назорат қилинар, бу жараёни аксар ҳолларда Темурнинг ўзи ҳам зийраклик ила кузатиб борарди.

Ўйин бошланди, доналар ҳаракатга тушишди. Темур рақиби мулоҳазакор ўйинчи эканини дарҳол илғаб олди. Бундай рақиб билан маза қилиб дона суришса бўлади.

Ўйин қизиқ кетди. Ҳар бир шоҳмот донаси уч-тўрт, қаттоки ундан ҳам кўпроқ юриш олдиндан ўйлангандан кейингина ўрнидан силжитиларди. «Сизнинг шоҳмотингиз, — деди ҳинду Соҳибқироннинг навбатдаги юришига қойил қолганини билдириш учун яна бир бор таъзим бажо қиларкан, — бўлгуси муҳорабаларда галаба қозониш йўллари ўргатадигон бебаҳо мактаб вазифасини ўтай олувиға яна бир бор ишонч ҳосил қилдим».

Мақтовга қарамай, афсунгар фил билан ажойиб жавоб юриши қилганини кўрган Темур: «Зийрак ҳинду эркан. Балки ани саройда олиб қолмоқ лозимдир», — деган хаёлга борди, кутилмаганда миясига галати бир ўй келиб, мунажжимни саволга тутди:

— Ҳиндистонда филлар ҳам жангларда иштирок этурларму?

— Албатта. Жанговар филлар — маҳоражаларнинг энг ишончли қуроли.

Одатда, рақибини бирпасда мот қилиб ташлайдиган Темур бу сафар дурангга ноилож рози бўлди. Ҳақиқатига кучиладиган бўлса, афтидан, Сат Чит Дева галаба қозонишга ҳам унчалик интилмади шекилли... Не бўлганда ҳам, ҳинду саройда қолишга розилик билдирди, қолган уттиз беш йил давомида мудом Соҳибқирон ёнида бўлди. У Темурнинг барча катта-кичик жангларида иштирок этди ва Соҳибқирон ҳеч қачон дурангга рози бўлмаслигига имон келтирди. Темур шоҳмотда қанчалик уста бўлса, жанговар қўшинини ҳаракатга келтиришда ундан-да устароқ эди. Бу борада унинг олдига тушадиган лашкарбошини топиш амри маҳол эканлигига шак-шубҳа йўқ!..

ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

ТҲЙ

Хоразмни қайтадан ўз ҳудудига қўшиб олгандан сўнг Чигатой улуси ҳукмдори Темур Тарагай Баҳодур узини Турон султони деб атай бошлади. У илми нўжум билимдонларининг, аввало сарой мунажжимига айланган Сат Чит Деванинг башоратларига амал қилмоқда эди.

Худди шу алломалар маслаҳатига кўра шаҳзода Жаҳонгир билан хонзода Севин Беканинг тўйи шаввол ойида ўтказиладиган бўлди. Бу ой баҳор фаслининг ўртаси бўлиб, ҳаммаёқни майсалар қоплаб олган, дунё қишки уйқудан бутунлай уйғониб улгурган пайтлар эди.

Темур тўйни жуда дабдабали ўтказишга аҳд қилганди. Учинчи йилки, салтанатида тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон. Бу эса турмуш тарзи ва тараққиётга шубҳасиз ўз таъсирини ўтказаетганди. Ҳунармандлар ва савдогарларнинг эртанги кунга ишончлари баланд эди. Шаҳарда янги қурилишлар сони кўпайгандан кўпайиб борарди. Қўрғон деворлари таъмирланди, янги саройлар ва мачитлар ишга тушди, қора халқ орасида ҳам уй-жойини янгилашга киришганлар кўпчиликини ташкил этарди. Чин ва Ҳиндистондан келиб, Мовароуннаҳр орқали Ғарб ва Шимол ўлкаларига ўтиладиган карвон йўли қайтадан тикланди. Ҳатто осойишталик шу даражада қарор топдики, савдогарлар энди Мовароуннаҳр орқали ўтганларида қароқчилар ҳужу-

ми бўлмаслигига тўла ишонч ҳосил қилганлари боис ўзлари билан қуриқчилар олиб юришни ҳам бас қилдилар. Маҳсулотлар сезиларли даражада арзонлашди, энг муҳими — уларнинг миқдори кўпайиб, сифати ошди. Аллоҳнинг марҳамати ила уч йил мобайнида бирон марта ҳам қургоқчилик, кўклам ёхуд кузнинг инжиқ келиши зоҳир бўлмади. Омборлар донга тўлди, сўнгсиз ям-яшил гиламлар тўшалган яйловларда — сагрини йилтираган сон-саноксиз биялар, аргумоқлар. Ўзаро қиргинбарот урушларнинг барҳам топиши ҳам тинчлик-хотиржамлик* пойдеворини тобора мустаҳкамларди. Хуллас, бу омиларнинг барчаси овул-қишлоқ, кенг-қалъаларда Темурнинг обрў-эътибори янада ошувига сабаб бўлди, Соҳибқирон қайда бўлмасин, халқ уни алқаб-олқишлар эди.

Темур узоқни кўра биладиган сиёсатдон сифатида марказлашган ҳокимият куч-қудрати бақувват салтанатнинг асосий унсурларидан биригина эканлигини яхши тушуниб турарди. Дейлик, уруш бораётган кезлар одамларни галабага бўлган ният, ишонч бирлаштиради. Тинчлик пайтлари-чи? Тинчлик чоғлари, агар улар умумхалқ сайлига айланиб кетаркан, одамларни байрамлар бирлаштиради. Тўғри, халқда нима кўп — айём кўп, бироқ уларнинг деярли ҳаммаси диний йусинда, демак, уларнинг ташкил этувчиси марказий ҳокимият эмас, балки шариатдир. Темур ўглининг тўйини умумхалқ байрамига айлантириб юборишга қарор қилди. У «гули сурх» байрамидан эътиборан ҳамма туманларда уч ҳафта давомида то шу кунгача мисли кўрилмаган байрам ўтказиш юзасидан фармон берди. Байрамларда мусиқа, рақслар, камончилар ва полвонлар мусобақалари, шунингдек, чўл аҳлининг севимли машғулоти бўлмиш қўчқор уриштириш ўйинлари ташкил этилиши керак эди. Байрам дастурхонининг тўкинлигини таъминлаш мақсадида Темур туманлар ҳокимларига йигирма минг от, элик минг хўкиз, беш юз минг қўй ажратишни, юз минг кадига қимиз тўлдириб қўйишни юклади. Ҳар бир туронлик бу шоҳона дастурхонда азиз меҳмон сифатида кутиб олиниши лозим эди.

Самарқанд яқинидан оқиб ўтадиган Зарафшон бўйидаги Конигул яланлиги базми жамшиднинг марказига айланиб кетди. Бу ерда минглаб ранго-ранг чодирлар тикланди, ўтовлар ўрнатилди, турфа-туман ўйинлар учун махсус майдончалар ҳозирланди.

Байрам ҳозирлигига Туроннинг деярли барча аҳолиси жалб этилди.

Келинчакнинг Урганчдан Самарқандга олиб келиниши ажойиб томошага айланди.

Урганчга Лаъл бин Қорачур нуённинг авлоди бўлиш амир Ёдгор Барлос бошчилигидаги вакиллар юборилганди. Уларнинг сафида нуён Берқут ҳам бор эди. Фахрий вакилларни Темурнинг бир тусдаги қора от минган уч минг жангчиси кузатиб борди. Бари бирдай қизил чопон кийган навкарларга яқинда амир даражасига кўтарилган Алиберди туркман қўмондонлик қиларди. У навкарлардан фарқли ўлароқ оқ аргумоқ минган, либослари эса қора рангда эди. Бундоқ ажабтовур кўринишдаги вакилларни бир бор томоша қилмоқ учуноқ минглаб одамлар кўчаларга отилиб чиқардилар.

Вакиллар Хоразм ҳукмдори Юсуф Суфи ҳамда келинчакнинг ўзига қимматбаҳо совға-саломлар олиб бордилар. Уларнинг орасида тиллоранг матолар, ипак, гилам, ёқут бор эди. Ҳадяларнинг бениҳоя мўл-кўллиги кўпчиликини ҳайратга солди. Ҳатто айрим кимсалар, Темур ҳинд афсунгари Сат Чит Дева фолига асосан Жайхун бўйида қачонлардир Искандар Зулқарнайн томонидан кўмиб кетилган хизинани топиб олибди, деган миш-мишлар тарқатишгача бориб етишди. Гўёки шу хазинанинг бир қисми хонзодага тўлов сифатида Урганчга юборилган эмиш. Хазина борасидаги гаплар рост ёхуд ёлгонлигини ҳеч ким билмас, буни Темурдан сўрашга эса ҳеч ким журъат этолмасди.

Совчиларни Урганчда асъасаю дабдабалар ила кўтиб олишиб, саройнинг энг азиз меҳмонлари учун мўлжалланган муқташам хоналарига жойлаштиришди. Улар ва навкарлар шарафига бир неча кунга чўзилиб кетган зиёфатлар уюштиришди.

Ниҳоят, сафарга чиқиш фурсати етиб келди. Афтидан, бутун Хоразм келинни олис йўлга кузатиб қўймоқ тараддуида эди. Деярли ярим фарсах масофада йўлнинг икки ёнидан гуж-гуж одам аримади. Келиннинг сепи юзга яқин туяга ортилганди. Бари бир, сепнинг энг қимматбаҳо қисмини туяларга ишониб ўтирмасдан оғир карвон филларга юклашди. Ихчам қўтилардаги олтин қўймаларидан ташқари тож ва тахт ҳам сепнинг энг бебаҳо қисмини ташкил этарди. Йўқ, сеп Самарқанд ҳукмдори совғаларидан ўтса ўтардики, асло қолишмасди.

Гуллар билан безатилган энг катта фил устига, ҳар томони ранго-ранг ипак матолар билан ўралган тахтиравон ичига келиннинг ўзи жойлаштирилди. Унинг атрофида юзга яқин мусиқачилар, раққослар, хизматкорлар йўл давомида ўйин-кулги қилиб бордилар. Айниқса, хонзода шарафига айтилаётган мадҳиялар ҳаммасидан ошиб тушарди. Хонандалардан бири ажиб мусиқа жўрлигида бир қўшиқни тез-тез такрорлаб турарди:

*Одам Ато Момо Ҳаво
Суюшган кундин буён
Бундайин пари-пайкал
Дунёга келган эмас.
Хон авлоди уммонидин
Олинган дурдона у.
Кўрингиз, фариштадин
Асло, асло кам эмас...*

Карвон икки ҳафта йўл юрди. Олдиндан огоҳлантириб турилган қўргон, кент ва овуллар карвонни иззат-икром ила қарши олардилар. Айниқса, Қиётдаги кутиб олиш жуда дабдабали кечди. Дарвоза ёнида ранго-ранг либосли оломон қўл қовуштириб турарди. Уларнинг олдинги сафида Самарқанд ва Кешининг таниқли аёлларини бошлаб келган Кайдулхоннинг келини Фазтак хотин турарди.

Таниқли бека ҳурмати юзасидан келинчак тахтиравондан тушиб, яшил майсалар устига тўшалган гиламга оёғини қўйди. Шу заҳоти унинг устига тилла тангалар ёмгирдек ёғилди. Қиёт раққосалари шўх мусиқа жўрлигида хиром этишга тушдилар.

Кейинги дабдабали кутиб олиш Бухорода кечди. Бу ерда келинчак табаррук Аюб чашмасидан бир қултум сув ичди.

Самарқандга кириш олдидан карвон Дағбетда тўхтади. Кеч тушиб қолган бўлишига қарамай, таниқли сайдлар, қозилар, алломалар ва Самарқанднинг бошқа таниқли савдогар ҳамда арбоблари карвонни кутиб олишга чиққандилар.

Дағбет яқинида, Харток қишлоғида буюк муҳаддис Исмоил ал-Бухорий дафн этилган. Исломга қатъий эътиқод қўйган бу улуг инсон ўн олти ёшида Ватанни тарк этди ва бутун умри давомида Миср, Хуросон шаҳарларида дарбадар кезди. У жаноби Расулуллоҳ тилга олган муборак ҳадисларни йиғиб, мажмуа чоп

эттирди. Имом Исмоил ал-Бухорийнинг тўрт жилдан иборат, пайгамбар алайҳиссаломнинг 7397 ҳадиси тўпланган «ал-Жомеъ ас-Саҳийҳ» ёки «Саҳийҳ ал-Бухорий», янаям мухтасар тарзда эса «Ас-Саҳийҳ» — «Ҳақиқий мажмуа» деб номланадиган китоби Қуръондан кейин турадиган манба ҳисобланади.

Исмоил ал-Бухорий ҳаёти интиҳосида ўз киндик қони томган қишлоғига қайтиб келган. У зот Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратларининг пок сўзларини аҳли мусулмонга етказиб берган авлиё сифатида беҳад қадрланади. Унинг қабрини зиёрат этиб, тупрогини кўзга суртиш барча хайрли ишларнинг дебочаси бўлиб келган. Шунинг учун саид ва эшонлар хонзода келинчакни айнан мақбара ёнида кутиб олиб, Жаҳонгир чодирига киришдан аввал авлиё ал-Бухорий руҳи покларидан оқ фотиҳа сўрашни истагандилар. Бундай тадбирга Темур ҳам хайрихоҳ эди.

Фил, туя, отараваларни Дағбетда қолдириб, мазор бошига пиёда йўл олишди. Фақат келинчакнигина ҳамма томони бекитилган тахтиравонда Алибердининг йигитлари кўтариб боришарди.

Мақбара қуббаси кўриниши билан Алиберди ишораси билан йигитлар тўхташди. Хонзода тахтдан пастга тушиб, яшил гилам тўшалган заминга оёқ қўйди. Шу маҳал келинчакнинг кўнглидан «Ковушимни ечмогим лозим», деган ният ўтди ва у дарҳол қалб амрига бўйсунди. Буни кўрган бошқалар ҳам хонзодага эргашиб, оёқ кийимларини ечдилар.

Буюк муҳаддис хоки пойида хонзодага ўз эҳтиромини билдириш учун етиб келган Саид Барака келиннинг хонақоҳга яланг оёқ келаётганини кўриб, тўлиқиб кетди ва баланд овозда тиловат қилишга тушди. Ҳазратга яқинлашиб қолган хонзода бошчилигидаги гуруҳ тиз чўкди.

Саид Барака бўлгуси келиннинг ислом расм-русумларига қатъий риоят қилишдек яхши ишлари, айниқса унинг намозни қанда қилмай, ҳатто фарзларни сидқидилдан адо этишидан хабардор бўлгани боис муқаддам Қуръони каримни ёддан билган имом Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорий «Ас-Саҳийҳ» мажмуасидан меърож кечасида намоз қандай фарз қилингани хусусидаги бобни ёддан ўқиб беришни жоиз деб топди.

— Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм... Абу Суфён Хирақлга: «Пайгамбар алайҳиссалом бизга намоз ўқи-

макни, ҳалол ва пок бўлмакни буюрадилар», — деб айтган эканлар.

Абу Заррға Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деган эканлар: «Маккада эканлигимда уйимнинг шипи очилиб, Жаброил алайҳиссалом тушдилар. Кукрагимни ёриб, ичини замзам суви бирлан ювдилар, кейин иймону ҳикмат тўла тилла жом келтирдилар-да, уни кўкрагимга қўйдилар, сўнг кўкрагимни ёвдилар. Шундан кейин Жаброил алайҳиссалом қўлимдан ушлаб мени энг яқин биринчи осмонга олиб чиқдилар. Биринчи осмонга чиққанимда Жаброил алайҳиссалом осмонбонга: «Эшикни очгил!» — деб айтдилар. У: «Ким бу?» деди. «Жаброилман», — дедилар. Осмонбон: «Сен билан бирга бирон киши борми?» — деди. «Ҳа, мен билан Муҳаммад алайҳиссалом бор», — дедилар Ҳазрат Жаброил. Осмонбон: «Муҳаммад алайҳиссаломнинг осмонга чиқмоғига рухсат бўлдимиз?» — деди. Жаброил алайҳиссалом: «Ҳа», — дедилар. Эшик очилгач, биринчи осмон ичкарисига кўтарилдик. У ерда бир киши утирибди. Унинг ўнг томонида ҳам, чап томонида ҳам одам гавжум. Ўнг томонига қараса кулади, чап томонига қараса йиғлайди. Ўша киши менга қараб: «Хуш келибсиз, пайгамбар, яхши ўгил!» — деди. «Бу киши ким?» — деб сўрадим Ҳазрат Жаброилдан. «Бу Одам алайҳиссалом ва мана бу ўнг ва чап томонларда турганлар Одам болаларининг руҳларидир. Булардан ўнг томондагилари жаннат аҳли ва чап томондагилари дўзах аҳлидир. Шунинг учун ҳам Одам алайҳиссалом ўнг томонларига қараганда куладилар, чап томонларига қараганда йиғлайдилар», — дедилар Жаброил алайҳиссалом. Кейин мени иккинчи осмонга олиб чиқиб, осмонбонга: «Очгил!» — дедилар. Иккинчи осмонбон ҳам биринчи осмонбон айтган сўзларни айтди, сўнг дарвозани очди».

«Абу Зарр бизга: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам осмон қаватларида Одам алайҳиссаломни, Идрис, Мусо, Исо ва Иброҳим салавотуллоҳи алайҳимларни кўрдилар», — деб айтди. Лекин уларни қайси осмонда кўрганларини аниқ айтмади. «Фақат Одам алайҳиссаломни биринчи осмонда ва Иброҳим алайҳиссаломни олтинчи осмонда кўрганларинигина зикр қилди, холос», — дейдилар Анас разияллоҳу анҳу ва ҳикояни давом эттирдилар: «Ҳазрат Жаброил пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламни Идрис

алайҳиссаломнинг ёнларидан олиб ўтаётганларида, Идрис алайҳиссалом: «Хуш келибсиз, яхши пайгамбар, яхши биродар!» — дедилар. Шунда Расулуллоҳ: «Бу ким?» — деб сўрабдилар. «Бу идрис», — дебдилар Ҳазрат Жаброил. Сўнгра Мусо алайҳиссаломнинг ёнларидан олиб ўтибдилар, у киши: «Хуш келибсиз, яхши пайгамбар, яхши биродар!» — дебдилар. Расулуллоҳ «бу ким?» — деб сўрабдилар. «Бу Мусо», — дебдилар Ҳазрат Жаброил. Кейин Исо алайҳиссаломнинг ёнларидан олиб ўтибдилар. Шунда у киши: «Хуш келибсиз, яхши биродар, яхши пайгамбар!» — дебдилар. Расулуллоҳ: «Бу ким?» — деб сўрабдилар. «Бу Исо алайҳиссалом», — дебдилар Ҳазрат Жаброил. Кейин Иброҳим алайҳиссаломнинг ёнларидан олиб ўтибдилар. У киши: «Хуш келибсиз, яхши пайгамбар, яхши ўғил!» — дебдилар. «Бу ким?» — деб сўрабдилар Жаноб Расулуллоҳ. «Бу Иброҳим алайҳиссалом», — дебдилар Ҳазрат Жаброил.

Ибн Аббос ва Абу Ҳайъа ал-Ансорийларнинг айтишларича, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дегандилар: «Кейин мени шунчалар баландга олиб чиқдики, ҳатто ўша жойда ёзув-чизув қилаётган қалам шарпаларини эшитдим». Ибн Ҳазм ва Анас ибн Маоликнинг айтишларича, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай деб айтган эдилар: «Аллоҳ таоло умматимга 50 вақт намоз фарз қилди, мен шуни олиб қайтдим. Мусо алайҳиссаломнинг ёнларига келганимда: «Умматингизга Аллоҳ таоло нимани фарз қилди?» — дедилар. «50 вақт намозни», — дедим. «Қайтинг раббингиз ҳузурига, чунки умматингиз бунга чидамайдир», — дедилар Мусо алайҳиссалом. Мен қайтдим, раббим ярмини кечди. Сўнг Мусо алайҳиссаломнинг олдларига келиб: «ярмини кечди», — дедим. «Қайтинг раббингизнинг олдига, чунки умматингиз бунга ҳам тоқат қилмайдир», — дедилар Мусо алайҳиссалом. Қайтдим, раббим яна ярмини кечди. Мусо алайҳиссаломнинг ёнларига қайтиб, яна ярмини кечганлигини айтдим. «Қайтинг раббингизнинг олдига, умматингизнинг бунга ҳам тоқати келмайдир», — дедилар Мусо алайҳиссалом. Раббим олдига қайтиб бордим. Шунда раббим: «Беш вақт намоз фарз қилдим, лекин савоби элик вақт намоз савобига тенгдир, эндиги сўзим қатъийдир, бошқа ўзгартирилмайдир», — деди. Мусо алайҳиссаломнинг ёнларига қайтиб келдим. «Қайтинг раббингизнинг ол-

ди»га, — деб эдилар, «Раббимдан уяламан», — дедим. Кейин Ҳазрат Жаброил Сидрат ул-Мунтаҳони турли-туман ранглар шунчалар чулғаб олганким, унинг не эканлигини билмадим. Кейин жаннатга киритилдим. Унинг сўқмоқлари дурру гавҳарлар бирлан қопланган, туфроғи эрса мушк экан».

Ойша уммулмуъминин: «Аллоҳ таоло намозни фарз қилган пайтида икки-икки ракъатдан фарз қилди: мусофир учун икки ракъат, муқим яшовчи учун икки ракъат. Сафарда ўқиладиган намоз ўша икки ракъатлигича қолди. Лекин муқим кишилар намози кўпайтирилди», — деганлар...

Саид Барака эшитувчилар сомеъ тарзда, гоҳ-гоҳ бошларини лиқиллатиб қўйишиб, «Ё, Аллоҳ! Қудратингдан!» дея хитоб қилиб қўйишаётганини бир лаҳза кўз қирида кузатгач, ширали овозда Қуръондан бир сура ўқиди-да, ваъзини «Ҳашр» сурасининг сўнгги ояти билан якунлади:

— Аллоҳ яратгувчидир, йўқдан бор қилгувчидир, барча нарсага сурат-шакл бергувчидир. Унинг гўзал исмлари бордир. Осмонлар ва Ердаги бор нарса Унга тасбеҳ айтув. У қудрат ва ҳикмат соҳибидир... Аллоҳу акбар!

— Аллоҳу акбар! — шивирлади ҳазратга қўшилиб хонзода ҳам.

— Аллоҳу акбар! — жўр бўлди келин орқасида ўтирганлар.

Навбатдаги манзил Самарқанд эди. Жарчилар олдинда от суриб, келин келаётганидан ҳаммани боҳабар этиб борардилар.

Шаҳар дарвозаси ёнида ногоралар гумбур-гумбурига минг турли асбоблардан чиқаётган турфа мусиқа саслари жўр бўлди. Ҳандақ устига қўйилган кўтарма кўприкка келин тахтиравони урнатилган ҳайбатли фил қадам қўйганда эса сон-саноксиз томошабинлар ҳайқириб, бақириб-чақириб ўз шодликларини изҳор этишга шошдилар.

Худди шу маҳал Сафаралининг ишорасига кўра сарой хизматкорлари девор ва дарвоза устида туриб оломон устига ҳовуч-ҳовуч тилла динорлар сочишгани байрам кайфиятини янада кўтариб юборди. Айниқса, ёш болалар табаррук динорларни таллашиб-тортишиб териб олдилар. Соҳибқирон шаънига олқишлар, келин-куёвга узоқ умр тилаб қилинган дуолар янгради.

Тахтиравон ўрнатилган фил дарвозадан ичкарига кириб келиши билан тантаналар шаҳар ичкарисида давом этди. Олдиндан ёг тушса ялагудек қилиб тоза-лаб қўйилган кучаларда ўйин-кулгу, турли мусобақалар авж олди. Байрам руҳи ҳар бир хонадонга кириб боргандай эди.

Куксаройда келинни Темурнинг бош хотини Сароймулкхоним иззат-икром ила кутиб олди. Хон қизи бўлгани боисми, бош хотин хонзода келин туширишининг барча расм-русумларини беками кўст адо этди. Ҳаяжондан ранги мармардай оқариб кетган хонзоданинг юзига ҳам табассум қалқди.

Кутиб олувчилар сафида Севин Беканинг ота-онаси Шуки Бекога ва Оқ Сўфи ҳамда Хоразм ҳокими Юсуф Сўфилар ҳам бор эди. Улар атайлабдан карвондан икки кун бурун келиб, тўй тадоригида иштирок этмоқда эдилар.

Эртаси куни Куксаройга Туроннинг барча кўзга кўринган амирлари, нўёнлари, баҳодирлари, аъён-арбоблари жам бўлишди. Етти юздан ошиқ меҳмонга чиндан-да шоҳона дастурхон ёзилди. Турда, тиллоранг тахтада, зарбоф либослар кийган, улкан ёқути кўзни қамаштиргудай ялтираб турган тожни бошига қундирган Темурнинг ўзи утиради. Соҳибқироннинг унг тарафида оппоқ либос кийган, қордай оппоқ салла ўраган куёв — Жаҳонгир Мирзо кичик олтин тахтни эгаллаган. Қомати келишган, қорувли шаҳзода отасига жуда-жуда ўхшаб кетарди. Қувонч сармастлиги ҳамон тарқаманган куёв орқароқда юзини бекитиб турган мовий либосли келинчакка бот-бот ўгринча кўз ташлаб қўярди.

Қўноқларнинг бир қисми ҳам, афтидан, майи нобдан тотиниб олишган шекилли, қип-қизаришиб, кўзлари чақнаган ҳолда дастурхонга яна шароб тортилишини сабрсизлик ила кутмоқда эдилар. Фақат Темургина жиддий ва хотиржам утирарди. Тўй тантаналари у салтанат мустаҳкамлиги ва қудрати йўлида бошлаган хайрли тадбирларнинг биттаси эди, холос. Соҳибқирон фақат ўғлига кўз ташлагандагина беихтиёр кулимсираб қўярди.

Тахт қошига Муҳаммад алайҳиссалом авлоди бўлмиш ҳазрат Саид Барака яқинлашди. Тўйнинг энг қизиқ пайти ҳисобланмиш никоҳ ўқитиш маросими бошланмоқда эди. Ҳазрат қўлларини юқорига кўтарди ва келин-куёвга мурожаат этди:

— Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм! Аллоҳ никоҳ воситаси ила қариндошлик ишлари боғланишини ихтиёр этмиш. Никоҳ фарзандлар дунёга келувининг, гуллаб-яшнагон шажара дарахтига интиҳонинг совуқ нафаси асло урилмаслигининг гаровидур. Мовароуннаҳр ҳукмдори, ислом таянчи, ҳали ёруғ дунё юзин кўрмасдан туриб Тангри таолонинг пок назарига тушгон Темур Тарағай Баҳодур жаноблари ҳамда Хоразм ҳукмдори Юсуф Суфи жаноби олийлари Аллоҳ иродаси ила қуда-анда бўлиб, яқин қариндошлик алоқаларини боғламишлар. Туркийлар салтанати бўлмиш Турон ҳукмдори Темур Тарағай Баҳодур ўз фарзанди, шаҳзода Жаҳонгир Мирзога Хоразм ҳукмдори Юсуф Суфининг отаси Оқ Суфининг қизи хонзода Суюн Бекани хотинликка олиб бермақда. Соҳибқирон ҳазратлари қалин тарзида соф тиллодин ишланган юз минг динор тўладилар. Фақир ушбу биринда муборак Қуръони каримнинг «Нисо» сурасидин бир оят келтириб ўтмак ила кифоялансам дегандим: «Эркаклар хотинлари устидан раҳбардирлар...» Ушбу никоҳ ила Соҳибқирон ҳазратларини қутлашга шошинг. Яратганнинг ўзи ул жанобнинг умрларини узоқ, салтанатларини бехатар қилгай. Омин, Аллоҳу акбар!

— Аллоҳу акбар! — бир овозда жўр бўлишди бўлмадагилар.

Шундан кейингина ҳазрат никоҳ ўқишга тушди...

Саид Бараканинг тиниқ товушда бирин-кетин ўқиётган сураларини эшитаркан, хонзода энди ҳаёти буткул узғаришини, аввалги, ўзига суюкли туюлган турмуш тарзи асло такрорланмаслигини вужуд-вужуди билан ҳис этди. Келинчак аввалига бу ўй таъсирида маъюс тортди, сўнг, бир сонияда безовталиқ шарпаси унинг юзини силаб ўтди. Кимнингдир ўткир нигоҳи ёнбошидан таъқиб қилиб турганини Севин Бека жуда аниқ туйди. Келинчак кўз қирини ташлаб Соҳибқироннинг кичик ўғли шаҳзода Мироншоҳ болаларга хос бўлмаган синчковлик ила ўзини кузатиб турганини кўрди. Бор-йўғи саккиз ёшга тўлган бақалоқ ва пак-пакана бу болакайнинг нигоҳидаги муздай бир нима келинчакнинг этини жунжиқтириб юборди. Шаҳзода эса ўзига хос бир ўйин билан машғул эди. Гоҳ отасига, гоҳ Жаҳонгирга, гоҳ янғасига синчиклаб разм солар, узи истаган дақиқада уларнинг ҳар бири шу томонга кўз ташлаб қўяётганини илғаганда эса ичидан қувониб қўярди. Ҳозир ҳам у ўзидан беш ёш

катта бўлган янгасининг оппоқ томоғидан бир бор тишлаб олишни орзу қилиб, хаёлан Севин Бекага ўтирилиш хусусида фармон бермоқда эди. Афтидан, шаҳзоданинг нигоҳида нечукдир бир афсун бордай эди... Орадан йиллар ўтади. Қисмат уларни яна юзлаштиради. Жанглардан бирида Жаҳонгир Мирзо ҳалок бўлади ва Темур шариат қонунларига амал қилган ҳолда хонзодани Мироншоҳга хотинликка беради. Ана ўшанда Мироншоҳ тўй оқшомини, янгасининг оппоқ томоғини, ўзининг айни шу томоқдан бир бор тишлашни орзу қилиб ўтирганини эслайди...

Никоҳ маросими адо этилгандан сўнг амирлар, вазирлар, нуёнлар ва шайхлар бирин-кетин сўз олиб қуда-андалар ва келин-куёвларни қутларканлар, албатта қимматбаҳо совға-саломлар ҳада этардилар. Худди келишиб олинганидек, барча қутловларнинг асосий қисми Соҳибқиронни ҳамд-сано этишга бағишланарди. Сарой одати талаб қилишидан бохабар бўлган Темур хушомадга бой ялтироқ жумлалаларни индамай эшитиб ўтираверди. Ниҳоят, маросим якунида сўз олиб, айтмоқчи бўлган фикрини мухтасаргина ифодалашга уринди:

— Кўҳна Самарқанд Чигатой осмонидаги икки юлдуз — шаҳзода Жаҳонгир бирлан хонзода Суюн Бека иттифоқининг гувоҳига айланди. Бундин буён Турон ва Хоразм уртасида ҳам мустаҳкам иттифоқ ўрнатилмоғига шубҳам йўқ. Ер таллашиб, қон тўкиб юргандин кўра яхши қўшниларча, тинч-тотувликда яшаганга не етсин.

Шундан кейин ҳамма дастурхонга таклиф этилди. Базм бошланди.

Довруғи оламга таралган тўй тантаналари Самарқандда нақ икки ҳафта давом этди. Конигул яланглиги ҳали ҳеч қачон бундай хотамтойликни кўрмаганди. Соқийлар «Аллоҳнинг ердаги сояси» дея бот-бот таъкидлашган Амир Темур дастурхонида нималар йўқ эди дейсиз: мол гўштидан қўй гўштигача, қимиздан шаробгача, асаддан новвотгача, балиқдан беданагача... Қайноқ нонлару ширинликларнинг турларини-ку, санаб адо қилиб бўлмасди. Муסיқа тун-кун тинмасди, раққосалар елиб-югуриб, меҳмонлар кўнглини овлаш билан банд эдилар. Ҳиндистондан, Чин-Мочиндан таклиф этилган афсунгарлар, кўзбойлогичлар хунарларини махсус бунёд этилган супаларда намойиш қилардилар. Паҳлавон йигитлар кураш мусобақасида қатна-

шардилар, мерганлар камон ўқини узук кўзига теги-зиш борасида куч синашардилар. Голиблар дарҳол томошабинлар олқиши ва қимматбаҳо совринларга сазовор бўлардилар. Айниқса кўпқари ва қўчқор уриштириш «жанг»ларида одам кўп эди. Улоққа эса шахсан Соҳибқироннинг ўзи бир неча соврин тикди. Юзлаб чавандозлар ичидан улоқни ажратиб олиб, олтин чодир ёнига, Темур оёғи тагига ташлашни удда-лай олган чаққон ва ботир чавандозга қўша-қўша ипак гиламлар, туялар ҳадя этиларди.

Тўй сабаб бўлиб ўтказилаётган кўплаб мусобақа-лар голибларига Темурнинг ўзи қимматбаҳо чопонлар ва камарларни, тилла билан ишлов берилган шамшир ва қалқонларни, кўкка учай деб турган наслдор аргу-моқларни топширди.

Базм соат сайин қизиб бораётгандай эди. Намоз-шом тушар-тушмас ялангликда минглаб гулханлар ёқилар, улар гўё юлдузлар ила баҳслашаётгандай эди-лар. Уфқда қуёш муралаб, шабнам бугланиб кетгунга қадар тантаналар гулханлар ёруғи ва тафтида давом этарди, сўнг яна мусиқа, яна қимиз, яна ўйин, яна мусобақалар, қовурилаётган гўштнинг иштаҳани қи-тиқловчи бўйи... Бутун Мовароуннаҳрда шу аҳвол эди. Ҳар бир шаҳар, ҳар бир кент ва овул аҳли ёш келин-кўёвга бахт-саодат, сахий Мовароуннаҳр ҳукм-дори Амир Темур салтанатига эса ривож тилаб қолар-ди...

ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

МУҒУЛИСТОННИНГ ТОР-МОР ЭТИЛИШИ

Милодий 1375—1376 йилларнинг қиши қаттиқ кел-ди. Қачон шунчалик кўп қор ёққанини ҳатто мункил-лаб қолган қариялар ҳам эслолмасдилар.

Суяк-суякка довур ўйиб кирадиган шундай қаҳра-тонда Темурнинг Мўғулистон устига ҳужум қилиш хусусида фармон беришини ҳеч ким кутмаганди. Ҳа-ли бундай ҳавода қўшин бирон марта жангга кирма-ганди. Бироқ айғоқчиларнинг Мўғулистон қўшини кунлар сал исиши билан Мовароуннаҳрда бостириб келишга қизгин ҳозирлик кўраётгани ҳақидаги бот-бот юбориб турган хабарлари Темурни шундай қарор қабул қилишга мажбур этди. Тезлик кўп нарсани ҳал қилади. Ахир, уз ўтовларида, иссиққина пўстақларда

бемалол ўтирган мўгуллар Темурнинг туйқусдан босиб келиб қолиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар-ку.

Чигатоёй улусининг дастлабки ҳудуди қайтадан тиклангани (ваҳоланки, Темур энди ўз салтанатини Мовароуннаҳр эмас, кўпроқ Турон деб атарди) қўшнилари назаридан четда қолмади, албатта. Айниқса, омад қўши бошидан сира учмаётган Соҳибқироннинг номини эшитса бошида оғриқ турадиган ҳукмдорлар кўпроқ гимирлаб қолишди. Ким билади, деган хаёлга борардилар улар салтанат ишлари борасида узоқ мулоҳазаларга толган маҳаллари, эрта-индин бу Темур деган бало яна қандай найранглар ишлатиб, давлати чегарасини янада кенгайтириш тадоригига тушиб қолмасмикин... Демак, унга халал бериб туриш лозим, иложи бўлса икки, уч томондан мушт дўлайтириб, чўчитиб қўймоқ мақсадга мувофиқ...

Темур хавфнинг асосий манбаи деб жангари Урисхон бошқараётган Оқ Ўрдани биларди. Салтанат хавфсизлиги ҳамда қудратини таъминлаш зарурати тугилди. Ҳокимият беғам, бепарво одамлар учун эмас. Ундай одамлар — агар кимнингдир кучли қўллари ушлаб турмас экан — тахт тепасида бир кун ҳам қўним тополмайдилар. Катта сиёсат, фармонбардорлик таъмини тотиб кўрган Темур ўз илкидаги улкан салтанатни ҳали бутунлай қўлга ўрганиб улгурмаган асов аргумоққа менгзарди.

Темур қошига Сафаралини чорлаб, мозийда ўтган улуг ҳукмдорлар ҳаётидан васф этувчи битиклардан ўқиб беришини сўради. Афсона ва ривоятлар бағридаги пинҳона донишмандлик, ақл-заковат Соҳибқиронни мудом ҳайратга солар, муголаа жараёнида баайни тажриба ва узоқни кўра билиш салоҳияти ошиб бораётгандек туюларди. Илло, Искандар Зулқарнайн, Чингизхон сингари куч-қудрат соҳиблари бўлган ҳукмдорлар тажрибасига суянган ҳолларда салтанат ишлари ривож топа борганини Темур ўз фаолияти мобайнида кўп бор синаб кўрганди. Мамлакатда эса ҳали қилинадиган ишлар ўта бисёр эди. Бироқ мўгуллар хавфи кўп режаларни чиппакка чиқариб юборди. Темур бот-бот текшириб кўриб, айнан Урисхон мўгулларни ўзига қарши қайраганига амин бўлди. Яхшиям Хоразм сарҳадида тинчлик-хотиржамлик барқарор. Демак, барча кучларни мўгулларга қарши ташласа бўлади. Боз устига Темур айгоқчилар

фаолиятини тўғри йўлга қўйгани ўз самарасини берди — энди дупман тўсатдан ҳужум қила олмайди. Ҳолбуки, туйқусдан, мутлақо кутилмаган пайтда ва кутилмаган жойдан ҳужум қилишнинг ўзи аксар ҳолларда ғалабанинг асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

Тизза бўйи қор қоплаган йўللардан лашкарни икки ҳафта мобайни-да илдам олиб ўтиш мумкин булмаган иш эканлигини Темур яхши тушуниб турарди. Шундай бўлса-да, суръатни бўшаштирмай, мўғуллар ҳали ўзларига келиб, лашкарини йигиб улгурмасдан бурун кўзланган манзилга етиб олиш керак эди. Соҳибқирон мўғуллар устига қирқ минг жангчисини бошлади. Қўшин олдида кетаётган махсус чопарлар барча туманлар ҳокимларига олдиндан махсус фармонни етказардилар. Унга кўра, лашкар ўтадиган туманликларда жангчилар ва отлар учун ўтов ҳамда чодирлар тикланиб турилиши, барча озиқ-овқат заҳиралари олдиндан олиб келиб қўйилиши шарт эди. Иссиққина чодир утовлар қаҳратон заҳрини кесди ва Темур қўшини ҳеч қандай йўқотишларга учрамасдан йўлни тезликда босиб ўтди ҳамда кутилмаганда Мўғулистон чегарасидан ҳеч қандай қаршиликсиз ўтишга муваффақ бўлди. Одатдагидек, лашкарини баҳорда тўплаб, икки ҳафтача машқ-машгулотлар ўтказадиган, шундан сўнггина жангга отланадиган мўтуллар гафлатда қолишди.

Қўшиннинг йигирма минг жангчидан иборат илгор қисмига шаҳзода Жаҳонгир қўмондонлик қиларди. Қолган йигирма минг кишини Темурнинг ўзи бошқарарди. Жаҳонгир Ўтрорга ўтиши, сўнг Сиганоқни забт этиши ва ниҳоят Мўғулистон хони қароргоҳи жойлашган Или дарёси бўйига чиқиши керак эди. Темур эса Хўжаңд орқали Биласоғунга ўтиши, хон ўрдасини ҳалқага олган ҳолда фарзанди қўшини билан Или дарёси бўйида учрашиши керак эди.

Темур қўшини Хўжаңдга, Жаҳонгир қўшини Ўтрорга яқинлашганда кунлар илиб, борлиқда кўклам нафаси кеза бошлади. Мўғулларнинг бир неча қўнагаларини тит-пит қилиб ташлаб, йўлида давом этаётган Жаҳонгир Қамариддин қўмондонлигидаги Илс Хўжанинг асосий лашкари Куктепада тўхтаб, Ҳожи Бек қўшинини кутаётгани тўғрисида хабар олди. Қамариддин қўли остида бор-йўғи ўн беш минг жангчи борлиги, унга томон шошаётган Ҳожи Бекда эса ўн минг отлиқ борлиги тўғрисида маълумотларни ҳам

хуфия гуруҳи етказиб улгурди. Энг муҳими шундаки, Қамариддин ҳам, Ҳожи Бек ҳам Темур қўшинининг ҳаракат йўналишидан воқиф бўлганлари ҳолда Жаҳонгир қўшини шундоқ биқинига келиб қолганидан мутлақо беҳабар эдилар. Афтидан, улар бирлашиб хон ўрдасини ҳимоя қилиш мақсадида Темур устига юришни бошлаб юборишса керак. Шаҳзода умрида илк бор ўта масъулиятли қарор қабул қилиши керак эди. Ва шаҳзода бу вазиятдан шараф билан чиқолди. У Қамариддин ва Ҳожи Бек қўшинлари бирлашувига ҳалақит беришга, уларни алоҳида-алоҳида янчиб ташлашга аҳд қилди. Темур томонидан Жаҳонгирга маслаҳатчи сифатида қўйилган Шайх Муҳаммад Баён билан Одилшоҳ ушбу қарорни тўла қўллаб-қувватладилар. Албатта, тажрибали маслаҳатчилар ёш шаҳзодага кўпол хатога йўл қўйишига изн бермасдилар, бироқ Жаҳонгир падари бузрукворидан кўп нарсаларни мерос қилиб олгани шундай кўриниб турарди.

Жаҳонгир қўшини душман устига ташланди. Қамариддин ер остидан чиққандай тўсатдан пайдо бўлиб қолган кўп сонли жангчилар хусусида жуда кеч хабар олди. Шошиб қолган Қамариддин дарҳол қароргоҳни тарк этиб, анча нарида жойлашган ялангликка яширинишга фармон берди. Ҳолбуки, қўшин қароргоҳи мудофаа учун жуда қулай эди. Бироқ шошганда ақл қочар, деганларидек, Қамариддин дарага рақибни киритиб олиб, шу ерда янчиб ташлайман, деган қарорга келди. Жаҳонгирнинг ўнг қўли ҳисобланмиш Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз бир пайтлар амир Ҳусайн ҳам шундай ҳийла ишлатишга уринганини, охир-оқибат эса ўзи тузоққа тушиб қолганини эслади. Шайх дарҳол дарага ҳужум қилишга шошаётган қизиққон шаҳзодага амир Ҳусайн билан боғлиқ воқеани сўзлаб бергач, ўша вазиятда Темур қандай йўл тутган бўлса, ҳозир ҳам шундай йўл тутиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Ушбу маслаҳат маъқул тушган Жаҳонгир лашкарини уч қисмга бўлиб, бир қисмини дарага кириш жойига, иккинчи қисмини чиқиш жойига йўллади. Ўзи эса беш минг камончи билан ўқ ёғдиришга жуда қулай бўлган тепаликка жойлашиб олди.

Жанг бошланди. Жаҳонгир бошлиқ камончилар душман устига камон ўқларини дўлдай ёғдиришди. Сўнг ногоралар садоси остида мўгуллар устига бирданга икки томондан ҳужум уюштирилди. Кечга бориб

муҳораба тугади. Қамариддин қўшинининг асосий қисми янчиб ташланди. Қолганлари асир тушдилар. Ўзининг биринчи йирик галабасини қўлга киритган Жаҳонгирнинг боши осмонда эди.

Тўғри, Қамариддиннинг бир ҳовуч жангчиси қочиб қолишга улгурди. Бироқ Жаҳонгир лашкари овулма-овул юриб уларни тазйиқ қилишда давом этди. Икки ҳафтадан кейин туронлик жангчилар дарё бўйига чиқдилар. Худди шу ерда Қамариддиннинг қолган-қутган қўшини билан охириги жанг бўлди. Муҳораба қисқагина давом этди. Қамариддинга шармандаларча қочишдан бошқа илож қолмади. У ҳатто ўзи билан суюкли хотини Шамс Буёнога ҳамда ўн беш ёшли қизчаси Дилшодогани олиб кетишга ҳам улгуролмади.

Отда чопавериб ҳансираб қолган шаҳзода Жаҳонгир кўк чодирга бостириб кирганида Қамариддиннинг қўрқувдан ранги оппоқ оқариб кетган хотини жориялари қуршовида қалтираб турарди. Шаҳзода недир демоққа оғиз жуфтлади ва худди шу маҳал орқасида қиз боланинг заиф қичқириви эшитилди, сўнг эса совутига ханжарнинг кучсиз зарбаси келиб урилди. Шаҳзода чаққонлик ила ўзини четга олди ва кескин ортига ўтирилди. Шубҳасиз, қўлида ханжар ушлаб турган қиз Дилшодога эди. Шаҳзодани бошлаб кирган навкарлардан бири бир зарбда қиз қўлидаги ханжарни уриб туширди. Иккинчи навкар қиличини қизнинг боши устида ялангочлади.

— Тўхтанг! — буйруқ берди Жаҳонгир.

Қиличини қинига солган навкар ҳар эҳтимолга қарши қизнинг ўнг қўлини орқасига қайириб олди.

— Қўйворинг! — жон аччигида тўлғанди Дилшодога.

— Гузал беканинг фармонини эшитмадингизми? — кулимсираб навкарга мурожаат қилди Жаҳонгир.

Орадан бир неча кун ўтиб, шаҳзода ва Мовароуннаҳр ҳукмдори қўшинлари бирлашгач, Жаҳонгир отасига ой юзли Дилшодогани ҳада этди. Темур бир-икки оғиз миннатдорчилик сўзлари айтиш билан кифояланди. Соҳибқирон Кўксаройда уч суюкли хотинини қолдириб чиққанидан буён уч ойга яқин вақт ўтди. Шарриат тўртинчи хотин олишга ҳам изн беради. Бу ҳақда Қуръоннинг «Нисо» сураси, учинчи оятида шундай ёзилган: «...сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга

иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар». Мўгул қўшини тор-мор этилганидан кўнгли шод Темур шу ерда, қирғоқ бўйида Дилшодогани хотинликка олишга аҳд қилди. Тўй олдидан у асир туширилган нўён ва баҳодирларни ҳузурига келтиртирди. Бандиларда танламоқ ҳуқуқи бор эди: ё чодирдан унча узоқ бўлмаган жойда турган кундага бошин қўйиш ё булмаса голиб ҳукмдор пойига тиз чўкиб садоқатли хизмат қилиши хусусида онт ичиш. Боши олинганларнинг мол-мулки, қуллари ва жориялари голибларга бўлиб берилар ҳамда Самарқандга жўнатиладди.

Барча голиб қирқ минг жангчи иштирок этсин учун тўйни энди-энди яшил либос кия бошлаган кенг чўлда ўтказишди. Темурга одатдагидек олтинранг, келинга эса оқ чодир тикишди. Тўкин дастурхон бутун бошли бир фарсах масофага ёйилди. Никоҳ маросимини Содик дарвеш адо этди. Сўнг маҳаллий ҳазор ҳукмдори амир Муборакшоҳ Макрут фотиҳага қўл очди:

— Соҳибқирон ҳазратлари абадул-абад бахтиёр бўлгай! Жанобларига Дилшод янглиг минглаб канизақлар мудом хизматда бўлгай!..

Амир қимматбаҳо совғаларга қўшиб Темурга шароб кўпириб турган иккита олтин қадаҳ ҳадя этди. Бироқ Соҳибқиронга канизақлар борасидаги тилак унчалик ўтиришмади шекилли, қадаҳларни қўлига оларкан, ёнида ердан кўз узмай турган Дилшодга қараб деди:

— Умр йўлдошим канизақликка эрмас, маликаликка муносиб.

Ҳам тўй завқидан, ҳам ғалаба суруридан маст Темур бир неча кун узлуксиз базми жамшид уюштирди. Сўнг бутун қўшинини олиб ўзанга келди. Бу ерда уни ва шаҳзода Жаҳонгирни қувончли хабар кутиб турарди: Самарқанддан Темурнинг катта опаси Қутлуғ турконага ташриф буюрганди. Қутлуғ Турконага хонзода Севин Бека ўғил туққанлигини айтиб, ота-ўғидан суюнчи олди.

Қувончдан гул-гул яшнаб кетган Жаҳонгир Мирзони кулимсираб кузатаётган Қутлуғ Туркonoга укасига мурожаат этди:

— Инижон, салтанатингиз осмонинда пайдо бўлган янги жажжи юлдузга ўзингиз исм қўйсангиз, деган ўтинчимиз бор эрди.

— Ёш шаҳзода набирамизнинг биринчи исми Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам — Аллоҳ у

зотга раҳматлар нурини ёғдирсин! — исмлари ила аталгай! Иккинчи исми эса шоҳларнинг шоҳи, яъни-ким Султон булгай. Биз набирамизни Муҳаммад Султон дея аташни лозим топдик, — тантанавор тарзда эълон қилди Темур.

Невара шарафига яна байрам бошланиб кетди. Яна дошқозонлар қайнади, яна юзлаб ҳўкизлар, минглаб қўйлар сўйилди. Қувончидан терисига сигмаётган Темур фавқулодда сахийлик кўрсатмоқда эди. Боз устига, у қўли очиқ ҳўкмдор хазинасида мудом барака бўлишини яхши биларди. Хазинани тўлдирувчилардан ҳеч қачон ҳўмматини аямаслик керак, шунда улар астойдил ҳўракат қилишга тушиб қўлишади. Чиндан ҳам, тўй тантаналари давом этар экан, Соҳибқирон чодирини қўмматбаҳў дуру жаваҳирлар, тилла дирҳамлар, чет эллардан келтирилган антиқа буюмларнинг улкан омборига айланди.

Тантаналар интиҳўсига етгач, лашкар Жаҳўнгир бошчилигида Самарқандга йўл олди. Темур фарзандини дабдабалар ила кутиб олишларини истаганди. Ўзи эса Алибердин бошчилигидаги минг жангчиси билан Хўжадга бориб, кўргўн деворлари қандай тикланаётганини назоратидан ўтказди. Соҳибқирон ҳамроҳликка Содик дарвеш билан Сат Чит Деваини ҳам таклиф қилди. Бироқ кутилмаганда бу режага ҳинд афсўнгари тиш-тирноғини билан қаршини қўчиб қўлди. У Турон ҳўкмдори ёнида арзимаган миқдорда жангчинини олиб қўлиб, эҳтиётсизликка йўл қўяётганини хўсўсида кўйиб-пишиб гапира кетди. Темур ҳўйрон бўлиб қўшларинини керди. Илло, у ҳинд афсўнгарининг узоқнини кўра биладиган зийрак ақлига кўп бор тан берганди.

— Хўжад — бизга тобе кент, ул ерда бизнини содиқ хизматчиларимиз кутиб олгайлар. Магар биз кўп сонли лашкар ила босиб борсак, аларнини хафа этган бўлурмиз.

— Нимаям дердик, — қўлларинини иккинчи ёнга ёзди Сат Чит Дева афсўсланиб. — Ҳар ким экканинини ўргўвсини. Тождан айрилган ҳўкмдорнинг вазирини гадога айлангўсини.

— Ранж чекмакка асло зарурат йўқ, — кулиб қўйди Темур.

Сўхбат шу билан тугади, бироқ у анча вақтгача Соҳибқирон хотириндан кўтарилмади. Балки шу боисдир, Хўжадга кириб боришдаги сўнггини манзилда сўбҳини содиқ маҳали у галатини туш кўрди. Гўё Хўжад

ҳокими Одилшоҳ уюштирган базмда ўтирганмиш-у, ўзига мўр-малахдай ёпишаётган сон-саноксиз пашшаларни бир амаллаб ҳайдаётган эмиш. Темур ушбу туш шунчаки эмас, афсунгар ҳинд безовталигининг инъикоси эканлигини илғади. Рухлар бежиз Соҳибқиронни безовта этишмасди. Инчинун, вазиятни ҳушёрроқ баҳоламоқ жоиз.

Айни шу дамда Одилшоҳ саройида фитнес тайёрланмоқда эди. Ҳокимнинг қаршисида барлослардан кўра жалойирлар уруғи қадимийроқ ва шавкатлироқ дея таъкидлашни яхши кўрадиган Баҳром Жалойирнинг ўғли бўлмиш Хўжанд доругаси шайх Муҳаммад Сулдуз ўтирарди.

Одилшоҳ бўлмада ўзларидан бошқа ҳеч ким бўлма-са-да, ҳамсуҳбатининг қулогига шивирлаб гапирарди:

— Мўгуллар устидан қозонилгон улуғ зафар аввало сизнинг ишгирокингиз боисгина содир бўлмиш, муҳтарам амир. Ва-лекин нокас Темур ғалабанинг барча нашидасин суюкли фарзанди Жаҳонгирга тортиқ этмиш. Ва нодон ўғил қирқ минг жангчи бошчилигинда Самарқандга музаффар лашкарбоши тариқинда кириб бормоқда.

Майи нобдан анчагина нўш этиб олган амир ҳокимнинг асосий мақсади Темур билан бор-йўғи мингта жангчи қолганини уқдириш эканини англади чоғи, шошиб бош ирғади:

— Ҳа, ҳа, Темурнинг жами лашкари Самарқанд сори йўл олмиш.

— Фақир измида ўн минг жангчи ишорамга шай турибдур. Сизнинг илкингида — беш минг отлиқ баҳодирлар. Мабодо биз Темурни шаҳримизда ҳибсга олиб, ани ўз ихтиёри ила тахтдин воз кемакка мажбур этсак эрди, улкан Туронзаминни тенг иккига бўлишиб олардик.

Узининг кўп йиллардан буён дилида асраб келган пинҳоний нияти ниҳоят амалга оша бошлаганидан терисига сигмай қувониб кетган шайх дарҳол розилик билдирди:

— Дам шу дамдир, ўзга дамни дам деманг!

— Ҳаққис рост!

Махфий келишув амалга ошди. Шайх Муҳаммад Баён тонг-ла Хўжанд девори ёнига бошлаб келиш учун лашкари ҳузурига йўл олди...

Темур Хўжандга чошгоҳ маҳал кириб келди. Шаҳар дарвозаси ёнида уни Одилшоҳ Жалойир бошлиқ

аъёнлар кутиб олишди. Шаҳар аҳли кўчалар ва қалъа деворларини тўлдирган эди. Ногоралар чалиниб, одамлар бақир-чақирлар билан ўз табрикларини изҳор этардилар. Илло, мудом қора булутдай бошлари устида соя солиб турган мўгул хавфидан кўтқазгани учун хўжандликлар Соҳибқирондан беҳад миннатдор эдилар. Фақат илжайиб туришга уринаётган бўлса-да, кўзларида совуқ ифода зуҳур этиб турган Хўжанд ҳокимигина самимий қўтловларга қўшилолмасди. Бу ҳол зийрак ҳинд афсунгари назаридан четда қолмади, албатта. Темур саройга кириб, тантаналар ўтказиладиган бўлмага қадам қўйган заҳоти афсунгар илдам бориб Темурнинг қулогига шипшиди:

— Хўжанд ҳокими недир бир қора ишни режаламиш. Ҳозирча у журъат остонасидин ҳатлаб ўтолмай, таҳликада тургон эркан, дарҳол сўроқ қилмоқ жоиз!

Темур бу сафар ҳам афсунгарнинг сўзига ишонмасликка асос тополмади. Боз устига, саҳарги туш...

Соҳибқирон Алибердига Хўжанд ҳокимини зудликда ҳузурига бошлаб келишга фармон берди.

Навкарлар қуршовида бўлмага кириб келган Одилшоҳ тахтда ўзига ўқрайиб қараб турган Темурни кўрган заҳоти оёқлари ўз-ўзидан бўшашиб, қалтираб кетди. Соҳибқирон, агар кимгаки ўзи иштибоҳ ила, ишонмасдан қаттиқ тикиларкан, ўша одам — агар чиндан-да айбдор эса — қалтираб қолишига кўп бор амин бўлганди. Ҳозир Одилшоҳ айнан шундай ҳолатга тушган эди. У, баайни миҳлаб қўйилгандай, бирдан огирлашиб қолган оёқларини ердан узолмасдан, ҳатто Алибердининг турткисидан сўнг ҳам ҳайкалдай қотиб тураверди.

— Шамол бўлмаса дарахт барги қимирламас, — деди гижиниб Темур. — Қани, сўйла, нечун оёқларинг кишан бойламиш?

Ўзини қушхонага ҳайдаб кетилаётган қўзичоқдек ҳис қилаётган Одилшоҳ аввалига недир баҳона топиб, бир нималарни гўлдираб сўйламоққа уринди, ва-лекин бундан бирон наф чиқмагач, тўсатдан очигига кўчди-қўйди:

— Шайтон йўлдин оздиргон шайх Муҳаммад Баён Сулдуз уз лашкарин Хўжанд сори бошлаб келмоқдадур.

Темур аввалига қаттиқ кулиб юборди, сўнг яна жиддий тортиб, қаҳрли кўзларини Одилшоҳга қадади.

— Гуноҳингни ювмоқнинг бирдан-бир йўли — ун минг жангчингни олиб, Баён Сулдуз йўлини тўсмоқ-

дур. Ани мавҳ эт! Зафар Ҳумоси қўнган чоғдагина бошинг омон қолгай. Наинки бошинг, амалинг ҳам боз ўзингга насиб этгай. Бор, ёғийни йўқ эт, менинг минглигим ортингдин боргай.

Мутлақо кутилмаган фармонни ўзини қандайдир афсун таъсирига тушиб қолгандай ҳис қилаётган Одилшоҳ бекаму кўст адо этди. У Баён Сулдуз қўшинини тит-пит қилиб ташлади. Муҳораба бошидаёқ лашкарбоши Баён чоғиб ташланганлиги учунми, бошсиз қолган лашкар тезда таслим бўла қолди.

Мовароуннаҳрнинг амир ва нўёнлари бу галати жангни анча вақтгача гапириб юришди. «Орий рост, — дейишарди улар бир-бирларига бошларини маънодор сараклатиб, — ҳукмдоримиз саодатли «қирон буржи» остинда тугилгонларига шак келтириб бўлмас. Инчинун, ул Худо ярақаган зот манфаатларига зид келадургон бирон-бир иш қилиш ёҳуд шундай хаёлга боришнинг ўзиданоқ тийилиб юрмоқ жоиз. Билъакс, Амир Темур Кўрагон Искандари соний жанобларига садоқат ила хизмат қилмоқ, аларнинг этагин кўзга суртиб тавоф этмак маъқул эрмасми?..»

«Маъқул!» — дея жавоб қайтаришади уларнинг ўзлари.

Орий рост!

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

ХИЁНАТ

Хужанд воқеасидан сўнг Темур ҳам узоқ хаёлларга чумди. У ҳали буткул хотиржам тортишга эрта эканини англаб етганди. Зеро, ҳаттоки ўз салтанатинигина назарда тутган тақдирда ҳам, баъзи бир амир ва туманлар ҳокимлари: «Нега энди мен Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлмаслигим керак эркан?» — дея анчайин қилвирликларни режалаб юрганларига шубҳа йўқ.

Самарқандга қайтиб келгач, Темур ўз қароргоҳини ҳимоя этишнинг янги тартибини жорий этди. У аввало Алиберди бошчилик қилаётган қўриқчи-жангчилар сонини бир мингдан уч мингга етказди ва улар ҳамиша ҳукмдор билан ёнма-ён бўлишлари шартлигини белгилаб қўйди. Юришлар чоғи эса қўриқчилар сони нақ ўн икки мингга етадиган бўлди. Улар дам олиш чоғлари Соҳибқирон чодири атрофини учта

ҳалқа мисоли ураб олишлари керак эди. Темур азалдан қурқмас қумондон эди. Бироқ хавфни олдиндан бартараф этиш, ўзини беҳудага утга-чўққа уравермаслик унинг вазифасига кирарди. Боз устига, эҳтиёткорлик — мардликнинг йўлдоши...

Милодий 1376 йил шарқ тақвимига кўра аждар йили эди. Бундай йиллари одатда қон кўпроқ тўкилар, одамлар кўпроқ жангларга кирар эдилар. Аждар йилида ёшлар кексаларга нисбатан кўпроқ ҳаётдан кўз юмардилар...

Куклам кунларининг бири эди. Темур уфқдан энди бош кутараётган қуёшнинг илк нурларига юзини тутганча олисларда кимдир эзиб чалаётган сибизга оҳангларига қулоқ соларди. Шу маҳал у ортидан чопар сассиз қадамлар ила яқинлашганини илғади. Шунга қарамай Соҳибқирон ажиб бир дардли мусиқани ниҳоясига қадар берилиб тинглади. Сўнг ортига ўтирилди. Қўриқчилар бошлиги саналмиш қўрчибоши унинг ҳузурига уч кечаю кундуз мобайнида тинмай от чоптириб Хоразмдан етиб келган чопарни ўтказиб юборганди.

— Улуғ ҳукмдор, — тиз букди чангга ботган, ҳарсилаб нафас олаётган қисик кўз чопар. — Қулиғиз амир Пулот Буго фармони ила ҳузурингизга ошиқдим. Амирининг хабар қилишларича, орлотлар уруги амири Туркон Жайхун қиргоги бўйинда уттиз минг жангчилик лашкар туплаб, Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфи ила тил бириктирмиш. Аларнинг бир мушг бўлиб жипслашган Турондин бир неча қалъа ҳамда шаҳарларни тортиб олмоқ ва алоҳида мустақил давлат тузмоқдир. Аллоҳ шохид, тана лошга эврилмасдин бурун бошни андин ажратиб бўлмаслиги мисоли, Хоразмни ҳам Турондин айириб бўлмас!

Чопарнинг сўнгги сўзлари, айниқса, унинг кўзларидаги қатъият маъқул келиб қолганидан Темур эғнидаги чопонни ечди-да, ўз қўли билан баҳодирнинг елкасига ташлаб миннатдорлигини билдирди.

Соҳибқирон чопарни ҳордиқ олишга йўлларкан, дарҳол амирлар, туманлар ҳокимларини машваратга чорлади. У Самарқандда ўз ўрнига Оқбугони қолдирди. Амир Сорбуго, Одилшоҳ Жалойир, Хитой Баҳодир ва Илчи Буголарни ўттиз минг жангчидан иборат лашкарга бош этиб, Мўғулистонга йўллади. Улар Мўғулистоннинг қолган-қутган лашкарига қумондонлик қилаётган Қамариддинни излаб топишлари ва қатл

этишлари керак эди. Темурнинг ўзи эса қирқ минг жангчидан иборат лашкарга бош бўлиб Хоразм сари йул олди.

Соҳибқирон кўхна Турон ҳудудига бу давлатни қайтадан измига олиш учун кўп бор сафарга отланганини ҳаёлидан ўтказаркан, Суфилар сулоласини бутунлай таг-томири билан йўқотиб юбормагунча салтанатида тинчлик-хотиржамлик ўрнатилмаслигига иқдор бўлди. Эътироф этилган ҳақиқат эса иликни бақувват этади.

Темур лашкари билан Қиётга етиб келганда, амир Пулот Буго ўзининг ўн минг отлиқ жангчиси билан унга қўшилди ҳамда исёнчилар бошида турган Туркон Орлот ва унинг укаси амир Тармаш жойлашган манзилни кўрсатиб берди. Исончиларнинг асосий қисми пиёда жангчилар эканини эшитган Темур дарҳол Пулот Бугога яна ўн минг отлиқ жангчисидан қўшди ва зудтар исёнчилар устига бостириб боришга фармон берди.

Муҳорабада тезлик кўп нарсани ҳал этади. Пулот Буго ҳам исёнчилар қароргоҳига улар мутлақо кутмаган пайтда ҳужум уюштиришни қойилмақом қилиб бажарди. Жанг қисқа давом этди. Исончилар учун сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолган аснода Туркон Орлотнинг ўзи шармандаларча қочоқларнинг олдинги сафида елиб кетаётганини кўрган Пулот Буго унинг изидан от солди. Таъқиб узоқ давом этди. Ниҳоят, Андахуд яланлигида оти чарчаб қолган Туркон Орлот яккама-якка жангга киришдан бошқа илож тололмади. Аввалига у узган камон ўқи Пулот Буго аргумогининг тўшига келиб тегди. Шунда отдан сакраб тушиб қолишга улгурган Пулот Буго рақибига пиёда ҳолида ташланди. Иккинчи камон ўқи унинг қулогини тешиб ўтди. Худди шу маҳал Пулот Буго рақибини отдан тортиб туширишга улгурди. Пулот Буго ёшлик чоғлари Темур билан кўп бор курашган ва ундан анча-мунча усулларни ўрганган эди. Ҳозир ҳам ана шу усуллардан бирини қўллаб Туркон Орлотни ерга юзтубан қулатди ва кескир ханжарининг бир зарби ила унинг калласини танасидан жудо қилди.

Тармашни банди этган Омон Сарбадор ҳам худди шундай жазо усулини қўллаган экан. Хиёнаткорларнинг қонли бошлари Темур оёқлари остига ташланди. Соҳибқирон бу янглиг аянчли қисмат Юсуф Суфи бошига ҳам тушишини истаб қолди. «Танасиз калла

на оғзини очадир ва на баҳсга киришадир», — истехзо ила хаёлидан ўтказди у. Лекин қисмат ўйинларини кўп ҳолларда олдиндан аниқ-ганиқ билиб бўлмас. Чодирга Самарқандда хаста Сароймулкхоним хизматида бўлиш учун қолдирилган Сафарали кириб келди. Темурнинг кўкалдош укаси қонли бошларга жирканиб бир кўз ташлаб қўйгач, Соҳибқиронга эгилиб таъзим қилди.

— Улуғ ҳукмдор! Салтанатингиз кенгайиб, равнақ топа борган сайин сизни кўролмас душманларингиз маккорлиги ҳам ҳаддидан ошмоқдадур. Сизнинг олисга кетганингиздин фойдаланиб қолмоқ қасдида бўлган амирлар Сорбуга ва Одилшоҳ содиқ қулларингиз бўлмиш Хитой Баҳодир ва Илчи Бугони банди этмишлар. Аларга сиз Андижонга ҳоким этиб йўллаган мунофиқ амир Мамадий ҳам қўшилмиш. Алар ўз уруғлари бўлмиш жалойирлар ва қипчоқларни тўпламишлар ва Самарқандни қамал этмишлар. Самарқандликлар ҳозирча ўзларини мудофаа этмакликни удаламоқдалар. Шаҳар доругаси амир Оқбуго фақирга икки юз жангчини ҳамроҳ этиб ҳузурингизга йўлламиш ва биз тун зулматидин фойдаланиб, ёғий илкига тушиб қолмасдин катта йўлга чиқиб олдик...

Ғазабдан Темурнинг бурун катаклари керилиб, қўллари мушт бўлиб тугилаётганини, кукраклари темирчининг босқонидай кўтарилиб-тушаётганини кўрган Сафарали ортиқ бир сўз айта олмасдан ёнбошга чекинди.

— Хиёнат аждари яна бош кўтармиш! — ҳайқириб юборди даргазаб Темур. — Яна қайда денг, Самарқандда! Интиқом истаги мени Хоразмдин кетмакка мажбур этаюр! Мен ул улоққан қўйлар подасини янчиб ташлармен, аларнинг кулини кўкка совурурмен! Ва алар шак-шубҳасиз қилгон ишларидин — магар улгурсалар — минг бор пушмон этгусидурлар!

Темур тахтдан бурондай отилиб тушди, оқсоқланган ҳолида чодирни гир айланиб кеза бошлади. Айни дамларда унинг қўлига тушиб қолишдан кўрққулик эди. Шунинг учун бўлса керак, юраги шигиллаб кетган Сафарали ўзини янада чеккароққа олишга шошди...

Алоҳа сал ўзига келган Соҳибқирон машварат чақиришга фармон берди. Машваратда шом намозидан сўнг дарҳол йўлга тушишга қарор қилинди. Шаҳзода Жаҳонгирга йигирма минг отлик жангчи билан Бухо-

ронинг шимолий тарафидан утиб, душманнинг орқа томонида пайдо бўлиб қолишга курсатма берилди. Темурнинг ўзи эса марказий йўналишни танлади ва тезда Бухоро яқинидаги Робот Малиқда чодирини тикди. Худди шу маҳал Жаҳонгир Кирмон яқинидаги душман қўшинига юзма-юз келди ва дарҳол жангга киришди. Жанг кўравериш пилиган, интизомли лашкар тезда исёнчиларнинг пала-партиш тузилган сафларини ёриб ўтиб, уларни алоҳида-алоҳида ҳолида тигдан ўтказиб бошлади. Темурнинг асосий лашкари билан сўқилишга киришдим, деган қарорга келган Сорбуго Одилшоҳдан зудтар ёрдам кучлари юборишни талаб қилди. Одилшоҳ ҳам қармоққа илинди: у Темурнинг қўшинини шаҳардан олиб, самарқандликлар кўмак бериб улгурмасларидан бурун янчиб ташламоқчи бўлди.

Моҳир қумондон бўлиб етишаётган шаҳзода Жаҳонгир вазиятни тўғри баҳолади. У яна бир зарб билан Сорбуго лашкарини бутунлай икки қисмга бўлиб ташлади. Жанг тақдири ҳал бўлган эди. Сорбуго қолган қутган отлиқ жангчиларини олиб Самарқандга шонди. Унга пешвоз чиқаётган Одилшоҳни эса Темурнинг ўзи бошқараётган лашкар кутиб олди... Одилшоҳга от жилвини орқага буришдан ўзга илож қолмаганди. Икки кун ўтгачгина Одилшоҳ ва Сорбугонинг ҳолдан тойган, оч-наҳор, машқи паст жангчилари бир-бирлари билан қўшилдилар. Бироқ исёнкор амирлар энди янги жанг эмас, тезроқ Қипчоқ даштига қочиб қолиш тадоригини кўриш ташвишида эдилар. Тезда иккала амир ҳам Оқ Урда ҳукмдори Ўрисхон қароргоҳидан паноҳ топишди ва унинг хизматига киришди.

Темур Самарқандга кириб келганининг эртаси куниниёқ саройда хуфий гуруҳлари хизматини жорий этишга киришди... Вақт унинг қанчалар тўғри иш қилганлигини кўрсатади. Янги хуфийлик хизматини кўзи ўткир Иқу Темур бошқарадиган бўлди. Тез орада хуфийлар сарой доирасидан чиқиб, бутун Турон доирасида фаолият кўрсатадиган бўлишди. Улар Темурни Одилшоҳ Жалойир сингари — амалдорлар баногоҳ тайёрлаб қўядиган «совға»лардан ўз вақтида огоҳлантириб туришлари зарур эди. Фурсати етиб эса хуфийлар Турон заминга туташ давлатларда ҳам ўз махфий хизмат тизимларини мукамал тарзда ташкил эдилар.

Шу билан бир қаторда Темур бундан буён барча юришларга ўз оила аъзолари билан чиқишга қатъий қарор қилди. Оилани бундоқ сафарларга ҳозирлаш

сарой вазири Сафарали зиммасига юклатилди. Сафарали уларни ишончли қуриқчилар билан таъминлаш, мустаҳкам чодирларга жойлаш ишларига ҳам масъул эди. Темур бош хотини Сароймулкхонимни зиёрат этгандан сўнг шундай қарорга келди. Падари бузруквори Қозонхондан зийрак тафаккур, узоқни кўра билиш салоҳиятларини мерос қилиб олган Сароймулкхоним Темурни айрича садоқат билан яхши кўрар ҳамда жуда кўп ишларда унинг ишончли маслаҳатчисига айланганди. Таассуфки, фарзанд тугилмади, аммо қизгин муҳаббат ҳамда сирдош-ҳамқадамлик ушбу қусурни ювиб кетгандай эди.

Темур Хоразмда ёввойи қипчоқлар Самарқандни қамал қилганини эшитганида энг аввало тахт, тож, салтанат хусусида эмас, Сароймулкхоним хусусида ташвишланди. Ахир, бош ҳамда суюкли хотини исёнчилар қулига тушиб қолиши мумкин эди-да! Темурнинг яшиндек тезкор қарор қабул қилиши ва ҳаракатга тушишининг бош сабабларидан бири ҳам балки шу муҳаббат орқасида тугилган хавотирдир... Ҳамиша ўз туйғуларини ошкор этишда босиқ ва одоб доирасидан четга чиқмайдиган Темур Самарқандга қайтган заҳоти маликани ўз ҳузурига чорлаб ўтирмасдан, тўғри унинг кўшикига йўл олди. Ваҳоланки, бош хотин эрининг галабасини эшитган заҳоти қувончдан оёққа қалқиб, барча хасталиklarини тамомила унутганидан Соҳибқирон воқиф эди.

Булмага оғзининг таноби қочиб кириб келган Темур Сароймулкхонимни маҳкам бағрига босди. Эр-хотин бир муддат қучоқлашиб турдилар. Ҳолбуки, қабул этилган қоидаларга кўра, малика ҳукмдорнинг қошига келиб кийимига қўл текизган ҳолда тавоф этиши, сўнг эса унинг барча саволларига итоаткорона жавоб қайтариб туриши лозим эди. Бироқ бу сафар ҳаммаси ўзгача кечди. Муҳаббат одоб қоидаларидан билад келди... шу кундан эътиборан бош хотин билан Темур ўртасидаги муносабатлар яхши оиладаги эр-хотин орасидаги қайноқ муносабатлардан фарқ қилмай қолди. Лекин бу ҳол истисно тарзида бўлиб, Соҳибқироннинг бошқа хотинларига нисбатан тадбиқ этилмасди. Улар тоабад Темурнинг зигирчалик эътиборини ҳам кўкдан юборилган улуг марҳамат сифатида қабул қилиб ўтдилар.

Милодий 1376 йилда қирқ ёшга тулган Темур ниқоҳига тўрт хотин олиб улгурганди: Жаҳонгир ва Ми-

роншоҳнинг онаси Нормишога; Умар Шайх ҳамда Султонбахтбегимнинг онаси Ўлжой Турконога; бош хотин Сароймулкхоним ва утган йили никоҳига олгани — Дилшодхоним. Соҳибқироннинг барча хотинлари учун саройда алоҳида бўлмалар ажратилганди, Кўксаройдан алоҳида кўшклар белгиланган, сафар маҳали эса уларнинг ҳар бирига алоҳида чодирлар тикланарди. Ҳар бир хотин ўз ҳўжалигини мустақил равишда юритар, уларнинг ҳар бирига алоҳида қўриқчилар ва хизматкорлар белгиланганди. Фақат Сароймулкхонимгагина истисно тарзида Темур билан бирга бўлиши мумкин эди. Темурнинг хотинлари ва фарзандлари билан муносабатлари унинг фармонлари ила мустаҳкамланган ҳамда Чингизхон ясолари талабларига мос келарди.

Тезда Темур шаҳар хотинлари иштирок этиши лозим бўлган юришга отланиб қолди. У амирлар машваратини йиғиб, хиёнат қилганликлари учун жалойир ва қипчоқ уруғларини ўз ҳудудларида ҳукмронлик қилиш ваколатидан маҳрум қилишини, шаҳзода Умар Шайх Андақонга бориб, бу иккала туманга ҳукмронлик этишини билдирди. Бу хабарни эшитган амир Одилшоҳ Жалойир ва амир Сарбуго Ўрисхон қароргоҳини тарк этиб, зудликда Мўғулистонга йўл олдилар. Улар мўғуллар лашкари Қамариддинни Темурга қарши юришга кўндирдилар. Натижада Қамариддин лашкарини Андақонга бошлади. Хуфиялар дарҳол бу маълумотни Темурга етказдилар.

Саҳройиларнинг жанг юритиш услубидан яхши хабардор бўлган Темур лашкарини уч қисмга бўлди. Биринчи қисмни шаҳзода Жаҳонгир бошчилигида Андақонга, Умар Шайхга кўмакка юборди. Иккинчи қисмини Ўзган орқали ўтиб, Қамариддин қўшинининг орқасида пайдо бўлиш учун Чоқу Барлосга ишониб топширди. Учинчи қисм билан эса Темурнинг ўзи саҳрога чиқиб турди, чунки икки томондан ҳужумга учраган мўғуллар жон сақлаш илинжида Қошғар томон чопиб қолишлари аниқ эди. Соҳибқирон ҳамма нарсани ҳисобга олган эди. Энди унинг оила аъзолари, келинлари, неваралари — ҳамма-ҳамма жамулжам эди. Фақат шаҳзада Жаҳонгир Мирзонинг ой-куни яқинлашган хотини Самарқандда қолди. Пойтахтда ҳукмдор йўқ чоғлари барча ишларни нўён Беркут олиб бормоқдайди.

Андақонда турган шаҳзода Умар Шайх мўғуллар-

нинг кўп сонли қўшини устига бостириб келаётганидан хабардор бўлгач, бор-йўги уч минг жангчиси билан етарли даражада қаршилик кўрсатолмаслигига имони комил бўлганлиги боис қўшинини баланд тоғларга олиб чиқиб кетди. Темурга эса чопар йўллади. Чопар йўлда шаҳзода Жаҳонгир Мирзога дуч келди ва дарҳол ўз хўжасининг оғир аҳволга тушиб қолгани хусусида маълумот берди. Жаҳонгир чопарни зудтар Темур қароргоҳига йўллади, ўзи бўлса мўғуллар ҳужумини ўзига қаратиш учун шошди. Бу пайтда душман Андақонни остин-устун қилиб улгурган ва Шайхни тополмасдан, энди унинг изидан тоғлар сари йўл олган эди. Шарқираб оқаётган дарё бўйида иккала қўшин тўқнашди. Жаҳонгир измида ўн минг жангчи бор эди, Қамариддинда эса икки баробар кўп.

Жаҳонгир қўшинини моҳирона бошқариб, ҳал қилувчи жангга киришдан ўзини олиб қоча бошлади. У мўғулларни иложи борича Умар Шайх яшириниб турган жойдан нарироқ олиб кетишга уринарди. Зеро, Темур лашкари тез орада етиб келиши керак эди. Бундан хабари бўлмаган Қамариддин эса Жаҳонгирни тобора сиқувга олаётганидан боши кўкка етган ҳолда ҳужум суръатини асло бўшаштирмаслик пайида эди.

Алоҳа, Темур қўшини яқинлашиб қолганлиги ҳақидаги хушxabар келиши биланоқ Жаҳонгир чекинишни бас қилди ва орқага, мўғуллар устига от солди. Вазиятни аниқ баҳолашда тенги йўқ Темур душманнинг ён томонидан ҳужум қилишни маъқул деб топди. Қамариддин унг тарафида мутлақо туйқусдан Турон ҳукмдорининг байроғи пайдо бўлиб қолганини кўрган заҳоти тузоққа илинганини англади.

Жанг қизиб кетди. Қамариддин ҳеч қурса қўшинининг бир қисмини омон сақлаб қолишга интиларди.

Қони қайнаган Жаҳонгир ўзини жанг қозони энг қаттиқ қайнаётган жойга урди. Мана, ёғийлардан кимдир бир шамшир зарби ила унинг бошидаги пўлат қалпоқни уриб туширди. Иккинчи ажал келтирувчи зарбадан ўзини олиб қочган шаҳзода оддан сирғалиб тушиб қолишга мажбур бўлди. Ҳам ўзининг, ҳам душманнинг отлиқ жангчилари унинг устидан сакраб ўтардилар. Лекин биронта отнинг туёғи шаҳзаданинг бир тукига зиён етказмади. Ҳатто Жаҳонгирнинг содиқ аргумоғи ҳам шунча шовқин-суронга қарамай

узоққа кетмасдан жойида тик тураверди. Шаҳзода бир амаллаб жиловдан ушлаб олишнинг иложини қилди ва бир сакраб яна эгар устида пайдо бўлди. Бироқ бу орада Қамариддин беш-ун содиқ навкар билан дарада яшириниб улгурганди. Уни қўлга туширишнинг бирдан-бир йўли — дарёни кечиб ўтиш ва қочоқнинг йўлини кесиб чиқиш эди. Шаҳзода бир сония ҳам ўйланиб ўтирмасдан отининг бошини уйноқлаб оқаётган муздай сув томон бурди. Жаҳонгир ортидан бир неча баҳодирлар ҳам от солдилар. Лекин нечқудир худди шу маҳал Жаҳонгир қўллари ўзига бўйсунмаётгани, танаси эса бирдан огирлашиб қолганини ҳис қилди. Шаҳзода ҳамон эгарда қуйиб қўйгандай ўтирар, иккала оёғи билан от сағринларини маҳкам қисиб олган эди. Бироқ, мана, оёқларидан ҳам мадор кетди ва мувозанатини йўқотган шаҳзода муздай сувга қулаб тушди. Шиддат билан оқаётган дарё шаҳзодани бирпасда суриб кетди. Қўриқчилар дарҳол унинг ортидан отилдилар...

Темур вақтни бой бермасдан душманни таъқиб қилишда давом этарди. Лашкарнинг олдинги қисмини Муйид Орлот, Хитой Баҳодур ва Шайх Али Баҳодурлар бошлаб боришарди. Етти минг жангчидан иборат илгор қисм дарага кириб улгурган, қўшиннинг жаронгор ва баронгор қисми энди улар ортидан қадам қўйган палла даранинг торгина жойидан Қамариддин бошлиқ душманлар тўсатдан ҳужум қилиб қолишди. Энг олдинда тулки қалпоғи сурилиб бўйнига тушиб қолган Қамариддин қилич яланғочлаганча ҳайқириб келмоқда эди. Даранинг ҳар бир қаричи Қамариддинга яхши таниш эди. Ва лашкарбоши ана шу имкониятдан самарали фойдаланиб қолмоқ қасдида ўлиб-тирилиб ҳаракат қилмоқдайди. Боз устига, Темур лашкари ўзлари таъқиб этиб келаётган жангчилар тўсатдан ҳужум қилиб қолишини асло кутмайди. Демак, пайтдан фойдаланган лашкарнинг бир қисми дарани айланиб келиб, Темурга орқа тарафдан ҳужум қилса — галаба нақд-да! Аввалига ҳаммаси Қамариддин уйлаганчалик кечди. Мана, бемалол келаётган Самарқанд ҳукмдори — шундоқ рўпарасида. Афтидан, чиндан ҳам унинг жангчилари андак довдираб қолишди шекилли, Қамариддин олдинда фақат саросимага тушган юзларини кўрмоқдайди.

Фақат Темургина бу кутилмаган вазиятда шошиб қолмади. Одатда, хавф нечоғли катта бўлса унинг ақ-

ли шунчалик теранроқ ишларди. Ҳозир ҳам Соҳибқирон дарадан камида тўрт минг душман отилиб чиққанини, ўзининг ёнида эса бор-йўғи бир ярим минг жангчи борлигини, илгор қисм анча олдинга кетиб қолганини, улар вазиятни баҳолаб, ортга қайтгунарига қадар анча қимматли фурсат ўтиб кетишини сезиб турса-да, қўрқмасдан жангга ташланди.

Бироқ жангга кириш — ҳамма нарсани унутган ҳолда шамшир ялангочлаб душман устига ташланишдангина иборат эмас. Ҳозир ҳам Темур нима қилиб бўлса-да, душманни дарадан кенг ялангликка олиб чиқишга урина бошлади. Чунки дарага кирган тақдирда ортида ҳам душманлар пайдо бўлиб қолишига унинг кўзи етиб турарди. Темур илгор қисмга хабар бериш учун Алибердини жўнатди. Соҳибқирон қўшинига аста-секинлик билан чекина боришга кўрсатма бериб, Мубошир полвон ва Ботир Абдуллоҳдай қуриқчилари қуршовида етиб келган душманларни қийрата бошлади. Мана, ниҳоят, Соҳибқирон қаршисида Қамариддин пайдо бўлди. Улар деярли бир ёшда, фақат Қамариддиннинг юки огирроқ эди. Темур урган шамшир Қамариддиннинг елкасига тегди. Қалин тулки телпак унинг ҳаётини сақлаб қолди. Мубошир полвон отган сиртмоққа ҳам Қамариддин саҳройи чавандозларга хос усталик билан чап беришга улгурди. Сўнг тажрибали қўмондон сифатида, шунча урингани билан бари бир жанг ўзининг фойдасига ҳал бўлмаётганини, аксинча, елкасидан ярадор бўлгани боис энди янада огирлашган танасини бошқаролмай қолиб, Темур қўлига банди бўлиши мумкинлигини англаб етгач, отининг бошини ўзи ҳозиргина чиқиб келган даранинг тор жойи томон бурди ва бир зумда куздан йўқолди. Бу орада Алиберди бошчилигида ортга қайтган илгор қисм душманнинг қолган-қутганининг бир қисмини қиличдан ўтказиб, бир қисмини асирга олди.

Аср намози яқинлашаётган пайт эди. Шунга қарамай, кун жуда иссиқ. Дарадан чиққан Темур саҳро оташига дуч келди. Ўт-ўланлар бунда алақачон қовжираб улгурган, фақат унда-бунда янтоқлару қўзғулоқлар учрарди, холос. Қилт этган шабада йўқ. Яқинлари даврасидаги сокинликни хуш кўрадиган Темур отини энг чекка чодирда жойлашган Дилшодхоним манзили томон бурди. Бу камгап, сарвқомат, кузлари чақноқ аёл кейинги пайтларда Темурнинг илтифотига кўпроқ сазовор бўлмоқда эди. Илло, бу аёл Соҳибқирон

ронни ортиқча сўзларсиз ҳам тушуниб олмоқдек нодир фазилят соҳибаси эди.

Соҳибнинг ниятини фаҳмлаган Алиберди от солиб чодирга борди ва бир зумда орқага қайтиб келиб маълум қилди:

— Аллоҳнинг Ердаги сояси бўлмиш Соҳибқирон ҳазратларининг кенжа заифалари жориялари ҳамда қуриқчилари ила дара яқинидаги кўлга кетмиш эркан.

— Қуриқчилар шу ерда қолсинлар, — фармон берди Темур. — Кўлга ёлғиз ўзим боргаймен.

Алиберди ҳайрон бўлганини яширган ҳолда миқ этмасдан таъзим қилиб фармонни адо этишга ҳозир у нозирлигини билдирди, аммо кўл томонга отини чоптириб кетган Темур кўздан йўқолар-йўқолмас ўз минглиги билан аста унинг ортидан отланди.

Темур отини елдириб саҳродан ўтди ва худди эртақлардагидек ногаҳон яшил либос кийиб олган дарага кириб келди. Дарада кичкинагина ўрмон бор. Унинг шундоқ марказидаги қоядан сув тушиб, ўзига хос шаршара ҳосил этган. Эллик тирсакча баландликдан тушаётган зилол сув кўп йиллар мобайнида муъжазгина кўл бунёд этиб улгурган.

Саҳро оташидан сўнг бу жаннатмакон гушанинг салқин ҳавоси дилга ором багишларди. Ҳатто шаршара товушида ҳам алланечук ёқимли мусиқа бордай эди. Соҳибқирон кўлни айланиб шаршара тагига оти билан келиб турди. Муздай сув зарралари бирпасда унинг уст-бошини, орини жиққа ҳўл қилди.

Энтикиб нафас олаётган Темур сув оқими орасида қоянинг сояси тушиб турган кўлда кимдир сузиб юрганини иллагандай бўлди. Темур кўзларини каттароқ очди. Дарҳақиқат, шаффоф сувда яланғоч аёл сузиб юрарди, у қанчалар гўзал эди! Баайни ёш, етилган, таранг вужуд сув оғушида маст бўлгандай ҳузурланиб сузаётганини кузатаётган Темурнинг қони гупириб кетди, у ўзини илк бор яланғоч аёлни кўриб қолган ўсмирдек ҳис этди... Ниҳоят, аёл оққуш мисоли оҳиста сузиб келиб соҳилга чиқди ва диркиллаб турган оппоқ сийналарини мумдай қора ва узун сочлари билан беркитганча, лаззатдан кўзларини юмиб олган кўйи қуёшда тоблана бошлади. Кичик хотини Дилшодбегимни таниган Темур аввалига чопиб бориб уни маҳкам қучоқлаб олмоқчи, сўнгсиз ўпичларга кўмиб ташламоқчи бўлди. Лекин босиқ ақл бу сафар

Соҳибқиронни шаштидан туширди... Узи биринчи бор куппа-кундуз куни ялангоч ҳолида кўриб турган фаришта мисоли сулув аёл ёнига оқсоқланиб чопиб борадими? Куклам гунчасидай нафис назокат, мукамал қадди-қомат соҳибаси бўлмиш бу аёлга кундуз куни яқинлашишга журъат этолмаган Темур эгардан тушмади. Зеро, эгарда унинг оқсоқланиши ҳам, бир қўли қовжираб қотиб қолгани ҳам билинмасди, эгарда Соҳибқирон ўзини ишончлироқ ҳис қиларди. Фақат эгардагина у Сейистондаги машъум жангни, қўлоёғидан ярадор бўлганини унутарди. Йигит кишига жароҳат не деган гап?! Балки шу боисдир, баъзида Соҳибқироннинг ўзига ҳам одамлар ошкор қўрқув ва ваҳима билан тилга оладиган «Оқсоқ Темур», «Темурланг» лақаблари маъқул келарди. Ҳаммаси тўғри. У, Темур, темирдан қилинган. Ҳаммаси тўғри... Ва-лекин айти дақиқаларда ялангоч аёл қаршисида иложсиз аҳволда турган Темур ўз оқсоқлигидан қутулиш учун кўп нарсалардан воз кечишга тайёр эди...

Ақл ўз йўли билан. Бу дунёда эҳтирос измига мутлақо бўйсунмайдиган эркак бормикин? Темур от жилловини силтади ва бир неча сония ичида кунчувоқда нозланиб ётган Дилшодбегим тепасида пайдо бўлди. Аввалига чўчиб кўзини очган, ранги янада оқариб кетган Дилшодбегим эрини танигач, уятдан лов-лов ёниб ягона либоси — узун сочлари билан авратларини бир амаллаб беркитишга урина бошлади. Темур оҳиста отдан тушди ва титрабгина турган аёлни кучоғига олди...

Улар кўлда чўмилдилар. Сунг шаршара тагида яшириниб олганча кўкдан отилиб тушаётган зумрад сувни яйраб томоша қилдилар...

Темур билан Дилшодбегим кун уфққа оггандагина қароргоҳга қайтдилар.

Таассуфки, уларни бу ерда шум хабар кутиб турарди... Уни биринчи бўлиб Сафарали айтишга журъат этди: «Қамариддинни қувиб бораётган шаҳзода Жаҳонгир дарёга қулаб тушиб ҳушини йўқотибди, танасида бирон-бир жароҳат изи йўқ...»

Кунглидаги шодлик қуёшини ҳайдаб юбориб, ўрнига кириб олган гам булутлари измида қолган Темур Жаҳонгир ётган чодирга шошилди. Шаҳзода ҳамон ҳушига келмаган эди.

Соҳибқирон фарзанди бошида тонггача мижжа қоқмай утириб чиқди. Бомдоқ намози яқинлашган

паллагина шаҳзода сал ўзига келгандай бўлди ва бир-бирига боғланмаган икки-уч оғиз сўзни шивирлаб айтди. Бироқ унинг қўл-оёқлари ҳамон ҳаракатсиз эди.

Темур Довуд Барлосга ўглини дарҳол Самарқандга олиб жўнашни буюрди. Тасодифни қаранг, аксига олиб ҳинд афсунгари Сат Чит Дева ҳам она Ҳиндистонига сафарга жўнаб кетганди. Шубҳасиз, у шаҳзодага ёрдам берган бўларди...

Соҳибқирон шаҳзодани мавлоно Жалолиддин Кошийга бемалол ишониб топшириши мумкинлигини Довуд Барлосга бот-бот таъкидлади. Коший тенги йўқ табиб сифатида ҳам донг таратган эди.

Темурнинг ўзи эса Қамариддин билан ҳисоб-ки-тобни буткул интиҳосига етказиш учун ҳозирча шу ерда қолди.

УТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

ШАҲЗОДА ЖАҲОНГИРНИНГ ЎЛИМИ

Инсон билан боғлиқ неки ҳодисот-воқеа бор, барисининг илдишлари биз кўрган ва кўрмаган, билган ва билмаган дунёларда яширин. Бу дунёлар узаро бир-бирлари билан боғланиб кетганлар. Қисматимизнинг жамики тафсилоти фақат Яратганга аён. Ҳатто энг яқин кишининг у дунёга рихлат этиши ҳам — биз уни қанчалар фожиали, кутилмаган атамайлик — қандайдир қонуниятлар силсиласи, холос. Сабаб-оқибат муносабатларида тасодифга ўрин йўқ. Вақтидан бурун содир бўлган қазо эса — қурбонликдир, фақат унинг асл моҳияти ҳар қачон ҳам инсонларга ошкор этилавермас.

Темур тахтининг ишончли вориси бўлмиш Жаҳонгир тақдирида ҳам ҳеч бир кутилмаган ҳодиса содир бўлмади. У оддан йиқилиб тушиб танасининг энг муҳим узвларидан бўлган, руҳ ҳамда жисми узаро боғлаб тургувчи умуртқа поғонасига заха етказди. Шунинг учун ҳам унинг танасида бирон-бир жароҳат изи топилмади. Ҳалига довур ўзига келолмаган шаҳзодани Самарқандда кўздан ўтказган мавлоно Жалолиддин Коший дард сабабини бехато аниқлай олди. Ва мавлоно тез кунлар ичида мард шаҳзода руҳи ортидан Азройил келишини туйди, инчинун, ўзга, мангулик оламига сафар этажак покдомон руҳ эмас,

билъакс, шул дорилфанода қоладиган шўрлик ота аввало даъвога муҳтождир... Илло, бевақт келган гам падар қаддини букиб, жанговарликнинг пасайишига олиб келуви-да мумкин...

Бу орада Темур Андақонга келиб шаҳзода Умар Шайхни қамалдан халос қилди ва Қамариддинни таъқиб қилишда давом этди. У мўғуллар қўмондонини Ёгожада қувиб етди. Жанг шафқатсиз тарзда кечди, қон дарё бўлиб оқди. Қамариддин бу сафар ҳам шармандаларча маглуб бўлди ва бир ҳовуч навқари билан зўрга жон сақлаб қолди. Интиқом ўтида ёнаётган Темур яна Қамариддин ортидан от солди. Бор-йўти ун саккизта қўриқчиси билан қолган Қамариддин кичкинагина, деярли кўзга ташланмас дарада яшириниб қолишга уринди. Бироқ айёрлик бу сафар иш бермади. Темур баҳодирлари дарани дарҳол ўраб олдилар. Куп сонли жангчиларга қарши ун тўққиз киши нима ҳам қила оларди? Шунинг учун жанг қисқа муддат давом этди. Отига камон ўқи келиб теккан, ўзи ҳам бир неча жойидан енгил ярадор бўлган Қамариддин тиз чўкиб, таслим бўлганини билдирди. У ва қолган қўриқчиларининг оёқ-қўлини боғлаб, чодирга ҳайдаб олиб келишди.

Бу чодирдан унча узоқ бўлмаган жойда, анчагина баланд супада Темур ўзининг тиллоранг чодирини тикди. Унинг ёнида намоз ўқиш учун махсус жой ҳозирланганди.

Ниҳоят, Қамариддин устидан узил-кесил ғалаба қозонилди. Бироқ Соҳибқироннинг фикри-зикри Жаҳонгир билан банд эди. Темур Содиқ дарвеш билан узоқ тиловат қилди. Худога муножот этиб, ўглига соғлик-омонлик сўради. Шу оқшом Темур ғалати туш кўрди. Тушида яна унинг ҳузурига ҳазрати Хизр ташриф буюрди. Темурнинг ўзи эса оқ аргумоқда қаршисидаги адоқсиз саҳрода жойлашган мўғулларга қарши жанг қилиб юрган эмиш. Ён-атроф ярадорлару ўликларга тўлиб кетган эмиш. Ногаҳон олисда пайдо бўлиб қолган ёрқин ёғду аста-секин яқинлаша бошлабди. Ажабки, бу ҳолдан Соҳибқирон кўксига хавотир инибди.

Ниҳоят, ёғду жуда яқин келиб қолибди ва Темур унинг ичида оппоқ либосга чулганган ҳазрати Хизрни кўрибди. Ҳазрат қўларини кўкка кўтарганча унга мурожаат этибди: «Дунёда неки ҳодисот бор —бариси Яратганнинг иродаси ила содир бўлажақдир. Бани

башар истиқомат қилгувчи рўйи замин ҳам Яратганнинг неъматидир. Ҳаттоки инсоннинг ички олами-да, фақат ва фақат Яратганнинг иродаси ила вужудга келажақдир...» Ота бари бир ота-да. Шундоқ лаҳзаларда ҳам фарзанди хусусидаги ташвишли ўйлар кўнглининг бир чеккасини банд этиб турган Темур жон ҳолатда деди: «О, ҳазрати Хизр! Зурёдим Жаҳонгир тақдир хусусинда бир оғиз сўз айтинг!..» Бармоқлари билан оппоқ соқолини силаб бир муддат ўйга толган Хизр Темурга тик қаради: «Соҳибқирон! Ўзингни Яратганнинг измига қўй. Қуръони каримда айтилганидек, «Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир». Ҳазрати Хизр мулоқот тугади деган фикрга келди шекилли, индамасдан ортига ўтирилиб, нурафшон ёғду ичида Темурдан узоқлаша бошлади. Худди шу лаҳзада Темур энди атрофида ётган ярадорлар ҳам инграмай қўйишганини, уларнинг бариси мангута кўз юмганларини илғаб қолди. Назарида уларнинг орасида Жаҳонгир ҳам ётгандай эди. Темур даҳшатга тушди...

Совуқ терга ботган Соҳибқирон сапчиб ўрнидан туриб кетди. Сўнг дарҳол тиз чўқди ва тонгга қадар тиловат қилиб чиқди.

Қўриқчилар бошлиги паҳлавон келбат Йўл Қутлуқ чодирга кириб келганида, ҳамон тиз чўкиб ўтирган Темурнинг биринчи айтган сўзи шу бўлди:

— Во дариг, қўрқувдаменки, Жаҳонгирим бизни тарк айлар фурсати етиб келгандек...

Отанинг тушкун овозидаги мислсиз изтиробдан кўнгли бушашиб кетган паҳлавон тиз чўқди:

— Ундай деманг, улуг ҳукмдор, «ҳар бир жон бул фоний дунёни фақат Аллоҳнинг изни ила аниқ белгиланган муддатда тарк этур».

Қуръоннинг «Ол-Имрон» сурасидаги ушбу оятни эшитган Темур маъқуллаб бош ирғади.

— Орий рост.

Темур ногораларни чалишга фармон берди. Лашкар Самарқанд сари йўл олди.

Темур Сирдарёни кечиб ўтган маҳал кўк ва қора кийган Довуд Барлос ҳамда Ўлжой Турконога бошлиқ Самарқанд вакиллари ўзини қарши олишаётганини кўрган Темур фожиа юз бериб улгурганини англади...

Ўлжой Турконога тиз чўкиб, бошидаги қора рўмолини юлиб отганча бўзлаб-бўзлаб, айтиб-айтиб йиғлашга тушди. Темур тош қотган ҳолда опасининг

ёйилиб кетган сочларига тупроқ сочишига қараб қолди...

Амирлар ва қумондонлар кўзларидан ҳам ёш қалқиб чиқди...

Темур урдаси мотам либосига чулганган Самарқандга кириб келди. Дуконлар бари ёпиқ эди. Сокин кўчаларда унда-бунда ўтиб қолаётган одамлар ҳам мотам либосида. Яқиндагина худди шу кўчаларда шаҳзода Жаҳонгирнинг хонзода Севин Бекога билан тўйи тантанали тарзда нишонланганди...

Куксаройга киргач, Темур таҳорат олиб, Шайх Саид Барака билан намоз ўқиди ва шундан сўнггина марҳум ётган бўлмага кирди.

Майит бошида ўтирган қори Қуръони шарифдан суралар ўқиди. Шу ерда мавлоно Жалолиддин ҳам тиз чукиб ўтирарди. Мавлоно шаҳзоданинг сўнгги дақиқаларида бағоят савобли ишлар қилиб улгурганди. У аввало дорилбақога рихлат этиш олдидан бир неча сония ўзига келган Жаҳонгирнинг бошини қибла томон буришга улгурди. Сўнг тили базўр айланаётган шаҳзоданинг кўз юмиш олдидан айрича эътиқод билан шивирлаган иймон калимасини ҳам эшитди: «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ... Ашҳаду ал-ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ...» Жанозанинг барча расм-русумлари тўлиқ адо этилишини ҳам мавлононинг ўзи назорат қилиб туради.

Темур марҳум ёнига аста яқинлашди, кафанликнинг чеккасини кўтариб углининг мардона чехрасига бир бор кўз ташлади ва шу заҳоти қайтадан ёпди. У хотирида марҳум Жаҳонгирнинг эмас, доимо тирик, хушчақчақ, кўзлари чақнаб турадиган Жаҳонгир сиймосини қолдирмоқчи эди.

Саид Барака жаноза намозини ўқишга тушди.

— Алоҳа сано, майитга дуо, тўрт такбирлик жаноза намозини холис Аллоҳ учун ушбу имомга иқтидо қилган ҳолда ўқишга ният қилдим. Аллоҳу акбар!

Бўлмадагилар баробар жўр бўлишди: «Аллоҳу акбар!»

Саид Барака қўл қовуштириб давом этди:

— Субҳанака ал-лоҳумма ва биҳамдика ва табарокасмука ва таъала жаддука ва ла илаҳа гайрук. Аллоҳу акбар!.. Алоҳум-мағфир ли-ҳаййина ва шаҳиди-на ва га-ибина ва согийри-на ва кабирина ва закарина ва

унсана. Алоҳумма ман аҳяйтаҳу минна фааҳийҳи аъ-лал-ислами ва ман таваф-файта-ҳу минна фатаваффа-ҳу аъла-л-ийман... Аллоҳу акбар!..

Темур ихтиёрига кўра шаҳзода Жаҳонгир майити барлосларнинг она юрти бўлмиш Кешга олиб кетилди. Аждодлар қонуни шундай эди: уруғдошинг қайда кўз юмган бўлмасин, албатта киндик қони тўкилган маконида тупроққа топшириш лозим. Илло, фақат шу ердагина унинг руҳи аждодлари руҳи ила уйғунлашувимиз мумкин.

...Орадан икки кеча-кундуз ўтгачгина майитни Кешга олиб келишди. Минг-минглаб кешлик, яккабоғлик фуқарорлар йўл бўйида қўл қовуштириб турардилар. Зеро, муборақ Ҳадиси шарифда ҳам жанозани кўрганга албатта ўрнидан турмоқ барча мусулмонлар учун фарз этилган. Ибратли томони шундаки, бу ўринда марҳумнинг қайси динга эътиқод қилгани муҳим эмас. Бу хусусида буюк муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг машҳур «Ал-Жомеъ ассаҳиҳ» китобида ибратли бир нақл бор. «Абдурраҳмон Абу Лайло ривоят қиладилар: «Саҳл ибн Ҳаниф ва Қайс ибн Саъд Қодисияда ўтиришган эрди, ёнларидан бир майитнинг тобутини кўтариб ўтдилар. Шунда икковлари уринларидан туришди. Буни кўрганлар улардан: «Бу майит зиммийландан-ку?!» — дейишди. Шунда улар бундай деб жавоб қилдилар: «Бир куни Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларидан бир майитнинг тобутини кўтариб ўтиб қолдилар. Шунда ул зот уринларидан турдилар. Кейин унинг яҳудий майити эканини айтишди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У руҳ эмас дирми?!» — дедилар». Бошқа бир ҳадисда эса Расулуллоҳнинг шу сўзлари келтирилади: «Агар жаноза келаётганини кўрсангиз, ўрнингиздан турингиз, башарти кўтаришиб борсангиз, елкалардан туширилиб, ерга қўйилмагунча ўтириб олмангиз!»..

Темур фарзандини ўзи ўн беш йил бурун отаси Тарагай Баҳодур қабри устига қурдирган мақбара ёнига қўйишга қарор қилди. Ушбу маҳобатли мақбаранинг мовий гумбази Кешнинг исталган нуқтасидан яққол кўриниб турарди.

Шарқда жаноза билан боғлиқ барча маросимлар зудликда амалга оширилади. Ҳатто тобут ҳам қабристонга ошиғич етказилади. Бу борада яна ўша мавлоно ал-Бухорий тўпламида алоҳида ҳадис битилган: «Расу-

луллоҳ саллаллоҳу айлайҳи ва саллам: «Майитни тезроқ олиб борингизлар! Агар ул солиҳ банда бўлса, унга яхшилиг қилиб, тезроқ манзилга етказган бўлурсиз, агар аксинча бўлса (яъни солиқ банда бўлмаса), ёмонни елкангиздан тезроқ тушириб, андин тезроқ қутулган бўлурсиз», — дедилар».

Бу сафар ҳам, ҳали паҳлавон Жаҳонгир лоши ерга топширилган қабр тупроғи совур-совимас Самарқанднинг ипак қогозларида бўлгуси ажиб мақбара тархлари пайдо этилди...

Темур Кешда икки ой қилиб кетди. Марҳумнинг йигирмаси, қирқи ўтказилди, бева-бечораларга улкан миқдорда хайр-садақа улашилди. Зеро, муҳтож бандаларнинг Аллоҳ номига чин дилдан қилган дуосигина бекаму кўст ижобат бўлмай.

Туйқус бостириб келган айриликнинг азоби кўп бўларкан. Темур ҳам кейинги пайтларда тез-тез ногаҳон қаттиқ санчиб қоладиган кўксини ушлаб қоладиган бўлди. «Бул ҳол кўп қайғу чекканликнинг оқибати», — деган хулосага келган Мавлоно Жалолиддин Коший Темурни жиддий тарзда даволашга киришди. Кошийнинг даволаш усули ҳам соддагина эди. У Соҳибқиронга ҳар тонг катта хитой чинни идишида туршак қайнатмасини олиб келарди. Шарбат қувват бахш этарди. Шундан сўнг Темур умрининг охирига қадар ҳар тонг туршак қайнатмасини суюб ичадиган бўлди.

Шу билан бир қаторда уста табиб «таркибида юрак мушакларини муътадиллаштирадиган олтин зарраси бор», деган даъво билан Темурга ҳар кун тушлик олдидан бир неча сап-сарик Самарқанд анжирини егиза бошлади. Ҳарқалай, чиндан ҳам олтин зарраси бор эканми ёҳуд бошқа сабабими, ишқилиб, кузга бориб Темур юрак санчишидан батамом қутулди.

Темур ўглининг вафотидан сўнг дилида пайдо бўлган бир ниятини амалга ошириб ҳам анча енгил тортди. У Абдулла Мерган, амир Сайфуддин ва Содиқ дарвеш бошчилигидаги бир гуруҳ мўминларни махсус карвонда Маккага, ҳажга ўз ҳисобидан юборди. Гуё эҳромга бурканган мусулмонлар Соҳибқироннинг гам-ташвишларини ўзлари билан олиб кетгандай эдилар.

Тез орада Ҳиндистондан фақир ва афсунгар Сат Чит Дева қайтиб келди. Инсон қалбининг мураккаб силсилаларидан яхши хабардор бўлган афсунгар Темурни яна фаол ҳаётга ундай бошлади. Йўқса, Соҳиб-

қироннинг салтанат ишларига бефарқ муносабати, вазирлар орасидаги тушунмовчилик ва парокандалик охир-оқибат мамлакат таназзулига сабаб бўлиши мумкин эди...

УТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

ТЕМУРНИНГ ТЎХТАМИШГА ХАЙРИХОҲЛИГИ

Барча лозим маъракалар ўз вақтида адо этилди. Кешдан қайтиб, Куксаройга қамалиб олган Темур фақат ўғлига мақбарани тезроқ қуриб битказиш ташвиши билангина банддай эди. Мақбаранинг кўк гумбази ердан юз тирсак баландликка кўтарилиб туриши лозим. Эшиклар эса Чақу Барлос Мағриб улкаларидан махсус олиб келадиган темир дарахтидан ўйиб ишляниши керак.

Жаҳонгир вафотидан озроқ муддат ўтиб, марҳумнинг хотини Бахтмулкога ўғил туғди. Унга Пирмуҳаммад дея исм қўйдилар. Афсуски, неvara тугилиши Темурнинг яраларини янгилади, холос. Ҳамон ўзини ўғлининг ўлимида гуноҳкор ҳис этаётган Темур оромни фақат узоқ-узоқ давом этадиган тиловатларда топарди. Яна хавотирга тушиб қолган амир ва нўёнлар Саид Барака ҳазратларига мурожаат этишдан бошқа илож тополмадилар. Оппоқ соқолини силаб ўйга толган ҳазрат алоҳа келгувчиларнинг фикрини маъқуллаб деди:

— Ҳукмдорнинг бир кунлик одилона сиёсати йиллар давомида қилгон ибодатидан афзалдур.

Анча-мунча давом этган музокаралардан сўнг ниҳоят ўн-ўн беш киши Темур ҳузурига бориб, ўз мулоҳазаларини ўртага ташлайдиган бўлишди. Гуруҳга бошчиликни Саид Барака ҳазратлари ўз зиммасига олди.

— О, улуг ҳукмдор, — деди биринчи бўлиб Темур ҳузурида сўз олган Саид Барака ҳазратлари. — Тиловатда ҳикмат бисёр. Ва-лекин сиз билан ҳукмингиздаги райят орасинда воситачилар саналмиш зотларнинг да кўнгил сўзларига қулоқ осиб турмак мақсадга ҳўп мувофиқ бўлур эрди.

Темур ҳазрат ортида қўл қовуштириб турганларга савол назари билан боқди.

Ёши улугроқ бўлган нўён Берқут бир қадам олдинга чиқди ва тиз букди:

— Магарким, ҳукмдор ханжари узоқ вақт қинида занг босиб ётар эркан, кундалик турмушдаги таъқиқ ҳамда изн этилган унсурлар аралашиб кетгай. Соҳибқирон жаноблари мотамда кезлари сарҳадларимизда боз мўғулистонлик рақибларимиз пайдо бўлмишлар. Алар Пулод Баҳодур жангчиларига қўққисдин ҳамла этмишлар. Лашкарбошимиз жангда шаҳид кетмиш. Ёғий Қамариддинни бандилиқдин озод этмиш. Буни эшитгон баъзи амирларимиз ҳам итоат камарини белдан ечиб ташламоқ қасдида юргон эрмишлар.

— Ҳукмдоримиз Аллоҳнинг ердаги соясидур, — орага қўшилди амир Довуд Барлос. — Сиздек улут зот давлат манфаатлари йўлинда бизга ҳар қандай юмушни буюрсалар бас, биз токи бир қошиқ қонимиз қолгунча измингизни адо этажакмиз.

Ҳуфиялар бошлиги Иқи Темур сўз олди:

— Амир Соҳибқирон! Аллоҳ иродаси ила сиз бутун Туронни илкингизга олмишсиз. Номингизни эшитгон заҳоти не бир ағёрларимиз ранги қум тусига киргай. Алар бўрон дастида қолгон сомондек дунёнинг тўрт чеккасига сочилиб кетмишлар. Ва-лекин хиёнаткор Одилшоҳ ила амир Сорбуго Қоратог бағрида изғиб, сизга зиён етказмоқ йўлларин изламоқдалар. Буюринг, ақли қосир ўзга нўёну амирлар қалбига итоатсизлик учқунини ташламасдин буруноқ аларни қўлга олиб, терисига сомон тикайлик.

Айниқса, сотқинлар борасидаги гап Темурнинг шусиз ҳам газаб, интиқом оловига тўлиб бораётган кўнглига мой бўлиб қуюлди-ю, у ўрнидан сапчиб турганча хитоб этди:

— Одилшоҳ Жалойирни ушлаб, калласини танидин жуда айланг!

Шундан кейин Темур муҳим қарорлар олдидан қиладиган одатига кўра, ёнида турган Қуръоннинг тўғри келган саҳифасини очди ва овоз чиқариб ўқиди:

— Сизларга қарши урушувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз...

Темур ўқишдан тўхтаб қаршисида турганларга диққат билан бир-бир тикилиб чиқди. Сўнг яна овоз чиқариб ўқишда давом этди:

— Аларни топган жойингизда ўлдингиз ва сизларни ҳайдагон жойдин аларни ҳам қулаб чиқарингиз!..

Темур Қуръонни ёпди.

— Иншооллоҳ!

— Иншооллоҳ! — Соҳибқиронга жўр булишди енгил нафас олган вакиллар.

Чиндан ҳам, Темур аста-секин воқеликка қайтмоқда эди.

— Нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун дунё сизнинг гуссангиздин бохабар, — деди ҳинд афсунгари. — Буни қаранг, яқиндагина Бағдодда сув тошқини юз бериб, қирқ минг кишининг ёстигин қуритмиш. Шаҳарнинг ўзи ҳам ер билан яксон бўлди, фақат бир неча биногина омон қолди. Бағдод ҳокими Ҳожи Сарвар гам чека-чека вафот этди.

Зукко афсунгар атай шу мавзуда сўз очди. Илло, у Темурнинг ўз ўгли ўлимида ҳам, кўплаб жангчилар ўлимида ҳам ўзини айбдор сезиб, ич-ичидан эзилиб юрганидан воқиф эди. Балки шунинг учундир, куни кеча шатранж тахтаси устида баайни ўзи ўзига сўйлаётгандай гапни узоқдан бошлаганди: «Қотилни ўлимга ҳукм этган ҳозида айб йўқ. Рақиб устига қўшин тортиб боргон ҳукмдорда ҳам айб йўқ. Зеро, алар ўзини оқлайдургон шафқатсизликдур... Боз устига, мутлоқ адолатли ҳукм чиқармоқ — Ёлғиз Яратганнинг ишидур...»

Шундай қилиб, Темур яна асл ҳолига қайтгандай бўлди. Бунинг устига, худди шу куни, ҳали машварат ўтказилмай, қарор қабул қилинмай туриб, Андақонда истиқомат қилаётган шаҳзода Умар Шайҳдан чопар етиб келди. «Андақонга Чингизхон авлодидин бўлмиш Тўхтамиш ташриф буюрмиш, — деб хабар қиларди шаҳзода. — Ани Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрисхон таъқиб этмоқда. Тўхтамишнинг бор-йўғи беш юз жангчиси бор, холос. Ул зот ҳузурингизга отланиб, сиздин кўмак сўрамоқ ниятинда...»

Соҳибқирон дарҳол амир Туман Темур Ўзбекка Тўхтамишни иззат-икромлар билан кутиб олишга ва Самарқандга бошлаб келишга фармон берди. Темур Ўзбек зудликда минг жангчиси билан йўлга чиқди.

Тўхтамиш ўғлон тўла қуриб битказилган Кўксаройда дабдабалар билан кутиб олинди. Мартабали меҳмонлар учун махсус ҳозирланган ногоралар чалинди. Бундай иззатни Тўхтамиш бундан беш йил бурун отаси ила Темурни қутлаш учун келганида ҳам кўрмаганди.

Тўхтамиш ўғлон амир Темур Ўзбек етовида саройга кириб келганида, ногоралар саси тинди. Бу ерда эътиборли меҳмонни қора либос кийган фахрий

соқчилар кутиб олдилар. Сарой узра Темурнинг уч тилларанг ҳалқаси бор оқ туғи ҳилпираб турарди. Бу ерда ҳамма нарса Амир Темур Қурагон салтанатининг қудратидан дарак берарди. У ҳукмронлик қилган беш йил мобайнида пойтахт шаҳар бамисоли қайтадан яратилиб, «Сайқали рўйи замин аст» деган ном олди. Темурнинг ўзини эса «Улуғ Соҳибқирон», деб атай бошладилар.

Аммо муваффақият, омадга ҳамиша гараз, ҳасад «ёр» бўлиб келган. Ҳасад эса ҳамиша душманлик, нафрат тугдиради. Навқирон Тўхтамиш кўнгли ҳам шундай туйгулардан холи эмас эди.

Ун тўққиз йилдан буён Оқ Ўрдани бошқариб келётган Ўрисхон Олтин Ўрдани ҳам ўз измига бўйсундириш ҳаракатига тушиб қолди. Бу ниёт гуё улуғ Чингизхон васиятида кўрсатилганидек, Жўжи улусини ташкил этишгагина қаратилгандек эди. Бироқ оғанилар ўртасидаги бундай талаш-тортишни Чингизхоннинг барча авлодлари ҳам қўллаб-қувватлайвермайдилар. Шунда Ўрисхон лашкарини Олтин Ўрда устига бошлади. Лекин шу ерда ҳам ихтилоф юз берди. Тўхтамишнинг отаси, Мангишлоқ ҳукмдори Тўйхожи Ўғлон Ўрисхон билан Олтин Ўрда пойтахтига ҳужум қилишга қатъий қарши чиқди. Маккор Ўрисхон бир баҳона билан уни ўз қароргоҳига таклиф этди ва шу ернинг ўзида Тўйхожи Ўғлонни калласидан жудо этди. Буни эшитган Тўхтамиш содиқ навкарларини олганча Ўрисхондан узоқроққа, бирон кучлироқ ҳукмдор қўл остига қочишга мажбур бўлди.

Темур Тўхтамиш Ўғлонни қочқин ёҳуд илтимос билан келган валиаҳд эмас, Чингизхон авлоди сифатида катта эътибор билан кутиб олди. Илло, бундан буён асосий рақибга айланган Ўрисхоннинг душмани — ўзининг дўсти эканини Темур яхши англаб турарди. Боз устига, бир йил бурун айнан Оқ Ўрда ҳукмдори хиёнаткор амирлар Одилшоҳ Жалойир ва Сорбугони ўз паноҳи остига олгани ҳали Соҳибқироннинг ёдидан кўтарилмаганди. Ўрисхон сиёсати тобора Турон манфаатларига зид келмоқда эди.

Шундай қилиб, Ўрисхон билан Олтин Ўрда ҳукмдори Мамай (Чингизхон авлодига мансуб булмагани ҳолда, Мамай кўп йиллардан бери Олтин Ўрдани бошқариб келмоқдайд) ўртасида қонли жанг бошланган кезлари Тўхтамиш Ўғлон Самарқандга кириб келганди...

Йигирма тўрт ёшли Тўхтамиш отаси учун интиқом олиш истагида ёнмоқда эди. Ҳарам маликалари қуршовида ўсган Тўхтамиш етарли даражада айёр, маккор, ўз мақсадларига етиш йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган оқил йигит эди. Падарининг қотилига нисбатан нафрат ундаги Оқ Ўрда тожига нисбатан муҳаббатни суғуриб кетолмаганди.

Зиёфат маҳали, ўткир қимиздан кўзлари сузилиб, ёноқлари қип-қизариб кетган Тўхтамиш Оқ Ўрда тахтига айнан угина муносиб эканлигини бир неча бор таъкидлади. Орадан икки ҳафта ўтгач, расмий қабуллардан бирида Темур Тўхтамишни «ўғлим» деб атади, унга Жужу улуси билан чегарадош Саброн ва Ўтрор туманларини ҳаёти этди. Шу билан бирга Тўхтамишга хонлик унвонига муносиб ҳадялар: туг, катта ногора, Балхда амир Ҳусайндан тортиб олинган олтинранг тахт берилди. Тўхтамишнинг ўзига хонлик белгилари қўйилган катта чодир, жангчиларига эса оддий ипак чодирлар топширилди. Темур Тўхтамишга бундан буён қўл остида бўладиган Сарбон ва Ўтрор туманларидан йигирма минг жангчи тўплашни ва Ўрисхон устига бостириб боришни маслаҳат берди.

Темур сиёсатида янги давр бошланмоқда эди. Илк бор унинг манфаатлари салтанати сарҳадидан ташқарида жойлашган давлатлар манфаатлари билан тўқнаш келганди...

Темур Тўхтамишни минг чоғли кичкина, бироқ олис йўللار учун чидамли отларга минган навкарлари ила шарқий туманларга йўллагач, нўён Берқут билан узоқ маслаҳатлашди.

ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

ОҚ ЎРДА УСТИГА ЮРИШ

Чегарага туташ туманларга ҳокимликни бошлаган Тўхтамиш ҳеч нарса билан асослаб бўлмайдиган шошма-шошарликка йўл қўйди ва туғи остига ҳали жанг кўриб пишимаган йигирма минг жангчини йигиб улгурар-улгурмас дарҳол Ўрисхон устига юриш бошлади. Ҳолбуки, Тўхтамиш, барча масалаларда фақат сизнинг кўрсатмаларингизга амал қиламан, дея Темурга неча бор қуюқ-қуюқ ваъдалар берганди. Ушбу ваъдадан келиб чиққан ҳолда Темур ҳам унга яхшилаб урнашиб олиб, йигирма минг жангчини йигиб, машқлар ўтказиб

туришни, сўнг барча ҳозирликлар тугагач, ўзига хабар беришини ва Самарқанддан борадиган ўн минг жангчини кутиб олиб, кучларни бирлаштирган ҳолда Ўрисхонга қарши жангга кириш мумкинлигини уқтирганди. Тўхтамишнинг шошма-шошарлиги унинг ҳовлиқма ва узоқни кўра билмайдиган қумондон эканлигидан шоҳидлик берарди. Ахир, ким ҳам етарли тайёргарликсиз жангга кирарди? Темур ўз туманларини ишониб топширган одамлардан қатъий интизом ва итоат талаб этарди. Муваффақиятнинг калити ҳам интизом ва итоатда эди. Ўзбошимчалик мағлубиятдан ўзгасига олиб келмайди. Албатта, Тўхтамиш фақат ўз кучи билан, Темурнинг ёрдамисиз Ўрисхонни мағлуб этмоқчи, бундан кейин ҳам мустақил равишда ўз сиёсатини юргизмоқчи бўлгани тушунарли. Лекин Оқ Ўрда ҳукмдори унча-мунча рақиблардан эмас, бир ҳамлада тажрибасиз йигирма минг жангчининг тит-питини чиқариб юбориши мумкин...

Тез орада Темур қароргоҳига бирин-кетин хабарлар етиб кела бошлади. Саҳрода Тўхтамиш йўлида Ўрисхоннинг ўгли Қутлуғ Буго пайдо бўлган. Улар орасида жанг уч кеча-кундуз давом этган. Камон ўқидан оғир жароҳатланган Қутлуғ Буго жанг майдонида вафот этади. Бироқ шунга қарамай, Тўхтамиш мағлубиятга учрайди, унинг лашкарининг асосий қисми асирга тушади. Бир қисм ишончли қуриқчилари ҳамроҳлигида майдонни ташлаб қочган Тўхтамиш боши эгик ҳолда Самарқандга қайтди.

Ўзини ҳеч нарса бўлмагандай тутаётган Темур Тўхтамиш шарафига катта зиёфат уюштирди, сўнг унга дам олишни, ўтган кўнгилсиз воқеаларни унуттишни маслаҳат берди. Кейин уни яна Ўтрор ва Саврон туманларига йўлларкан, маслаҳатчи сифатида мард ва донишманд Ойдақул Барлосни қўшиб берди.

Милодий 1377 йил бошида ҳуфиялар Ўрисхоннинг катта ўгли Тўхта Қиё бошлиқ сон-саноксиз душман қўшини унинг туманлари томон мўри-малаҳдай бостириб келаётганини хабар қилишди. Тўхтамиш рақибни қулай жойда кутиб олишга ва тўсатдан зарба беришга қарор қилди. Бироқ бу сафар ҳам омад ундан юз ўгирди. Тўхтамиш қўшини душманнинг биринчи ҳамласидаёқ ваҳимага тушиб, пароканда ҳолида орқа-олдига қарамасдан қочишга тушди. Тўхтамишнинг ўзи ишончли баҳодирлари билан Сир бўйига қисиб қўйилди. Жонини сақлаб қолишни ўйлашдан ўзга

иложи қолмаган Тўхтамиш кийимларини ечиб, ўзини бутана сувга отди. Чап қирғоққа у эсон-омон сузиб утолди. Бироқ галаба шаробидан сархуш Тўхта Қиё дарҳол уни таъқиб қилишга тушди. Оқ Ўрданинг энг моҳир мергани Қозончи Баҳодир сувдан ҳориб-чарчаб чиққан Тўхтамишни мўлжалаб ўқ узди. Камон ўқи Тўхтамишнинг қўлига келиб тегди. У бир амаллаб қирғоқ бўйидаги тўқайга етиб олди ва қамишлар орасида ҳушини йўқотди.

Қўл остидаги жангчиларни бир амаллаб хавфсиз жойга олиб чиқолган Ойдақул Барлос ярим кечаси дарёдан сузиб ўтди ва ҳамон ҳушсиз ётган Тўхтамишни излаб топди. Орадан икки ҳафта ўтгачгина Барлос ярадор Тўхтамишни Бухоро яқинида истиқомат қилаётган Соҳибқирон ҳузурига бошлаб кела олди.

Турон ҳукмдори дарҳол жанговар қўшинларга амир Хитой Баҳодур, амир Ёрлоқ Темур ва Ҳирот шоҳи Маҳмуд Султонни бош этиб Ўтрорга йўллади. Улар зудликда сарҳадни кесиб ўтган душманни топиб, йўқ қилишлари керак эди.

Темур лашкари Ўтрор яқинидаги Ўрисхоннинг учинчи ўгли Темурмалик Ўглон қўмондонлик қилаётган уч минг отлиқ душманга тўқнаш келди. Кеч кириб қолганлиги боис жанг бошланмади, аммо, эрталабки муҳорабада Темур лашкарининг қўли баян келди. Жанг қизиган маҳал амир Элчи Буго отган камон ўқи Темурмалик Ўглоннинг оёғига келиб санчилди. Этиги бирпасда қонга тўлган Темурмалик жанг майдонини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Лекин туронликлар ҳам катта талофатларга учрадилар. Амирлардан Хитой Баҳодир ва Ёроқ Темур жангда шаҳид кетдилар.

Тез орада Ўтрор ва Саброн душманлардан буткул тозаланди. Темур лашкари Самарқандга зафар билан қайтди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач Темур саройига мангитлар уруғи амири Ойдақул Оқ Ўрдадан қочиб келди. У Ўрисхон кўп сонли лашкари билан Турон сарҳадига яқинлашиб келаётганини, унинг мақсади қочқин Тўхтамишни излаб топиб жазолаш ҳамда йул-йўлакай Тўхтамишга манзил берганларнинг ҳам мушугини «пишт» деб ўтиш эканини маълум қилди. Эртаси кунни Самарқандга Ўрисхон элчилари булмиш амирлар Кўпак Мангит ва Тўлажонлар ташриф буюришди. Улар Темур ҳузурига киришга изн сўрашди.

Темур элчиларни ўзи қабул қилмай, бу вазифани нўён Берқутга юклади. Кекса нўён уларни Қўксаройнинг бўлмаларидан бирига таклиф этди. Бироқ Оқ ўрдалик вакиллар нўёнга менсимай муносабатда бўлишди, ҳатто унинг саломига алик олишни ҳам ўзларига эп кўрмадилар. Элчилар Ҳусхон мактубини Берқут қўлига топширишдан бош тортдилар, аммо кекса нўён ўз сўзида қатъий туравергач, ноилож номани узатдилар. Унда, жумладан, шундай дейилганди: «Тўхтамиш ўтлимни ўлдириб қочмиш, ул сизнинг қароргоҳингиздин жой топибди. Душмангани менга топширинг. Акс ҳолда жанг майдонини тайинланг».

Ҳусхон элчилари Самарқандда хат жавобини нақ бир ҳафта кутиб ётишга мажбур этилди. Бу уларнинг бурни кўтарилиб кетганига муносиб жазо эди. Алоҳа кечаси уларни шаҳар дарвозасидан олиб чиқишди ва шундан сўнггина Соҳибқироннинг жавоб номасини топширишди. «Аллоҳ иродаси ила Тўхтамиш Уғлон қароргоҳимдин макон топмиш, — деб ёзганди Темур. — Мен ани сенга асло топширмасмен. Жанг хусусинда эрса, кўнглинг тўқ бўлгай. Анга мен ҳамини тайёрдурмен. Жанг — енгилмас ботирларимизнинг суйган машгулоти...»

Ботухон улут давлатининг икки жанговар қаноти саналмиш Олтин ва Оқ Ҳўрда қудрати кўпчилиқка аён эди. Сўнгги юз йил мобайнида ўрдалиқлар ҳеч қачон бундай беписанд оҳангда ёзилган мактуб — жангга чорлов олмаган эдилар. Тўғри, Темур Чингизхон ясоларига амал қилган ҳолда Тўхтамишнинг қўлоёғини боғлаб ўрдалиқлар қўлига топшириши ва шу билан салтанатнинг хавфсизлигини таъминлаши мумкин эди. Лекин Соҳибқирон онгли равишда муҳорабани танлади. Илло, Темур ўрдалиқлар билан куч синашиш даври етиб келганини ҳис қилиб турарди.

Ҳеч кимга маълум бўлмаган тотор-мўғуллар бир асрдан кўпроқ муқаддам Осиёнинг чеккасидан ғарб сари юриш бошладилар ва аввалига Чингизхон, сўнг Ботухон раҳбарлигида бирин-кетин ғалабаларни қўлга кирита бошладилар. Улар Ҳўрта Осиё, Кавказ, Эронни босиб олдилар. Шарқий Оврупони вайрон этдилар, Ҳўрусия бўйлаб шамшир ва оловда кезиб, дарё-дарё қон оқиздилар, Олмония, Фарангистон сингари мамлакатлар ҳам ваҳимада қолдилар: мўғулларнинг ҳаммаёқни мўри-малахдай босиб кетадиган қисик кўзли аскарлари алақачон Полша ва Мажористонда пайдо

булганди. Босиб олинган ҳудудларда мустақил тотормугул улуслари пайдо булди. Уларнинг ичида энг кучлиси уз таркибига пойтахти Сирдарё буйидаги Сағанноқ булган Олтин ўрдани ҳамда пойтахти Волга буйидаги Сарой булган Олтин Ўрдани олган Жўжи улуси эди. Ўзаро келишмовчиликларга қарамай ўрис князликларидан тортиб Сибир, Қрим, Каспий (Ҳазар) буйлари, Оролбуйини уз ичига олган бу давлатлар ҳарбий жиҳатдан жуда кучли бўлиб, мустақил Турон учун мудом хавф солиб турарди. Мовароуннаҳр тахтига ўтирган заҳоти буни яхши англаб етган Темур шунинг учун ҳам Чигатой улусини бирлаштириш учун жон куйдириб ҳаракат қилганди. Келиб чиқиши кучманчи ҳарбий қабилалардан булган амир Мамай бошқараётган Олтин Ўрданинг Турон билан унчалик иши йўқ, чунки у дам у жойда, дам бу жойда қўзғалиб қолаётган ўрис князликлари поёнини бостириш билан овора эди. Милодий 1377 йили ҳам Олтин Ўрда Қуйи Новгород князлигига қарши Арабшоҳ бошлиқ лашкарини юбориб улгурганди. Оқ Ўрданинг зийрак ҳукмдори Ўрисхон эса Темур анча хавфли рақиб эканини дарҳол тушуниб етди ва иссигида уни йўлдан олиб ташлаш чора-тадбирларини кўришга тушди. Аввалига Ўрисхон Мугулистондаги баъзи бир итоаткор ҳукмдорларни Темурга қарши қайради, сўнг унга қарши исён кўтарган амирлар Одилшоҳ ва Сорбугони уз қаноти остига олди. Ниҳоят, жанглардан бирида ўглидан айрилгач, Ўрисхон энди Турон ҳукмдорига очиқдан-очиқ руш эълон қилди.

Мабодо Тўхтамишни икки қўлаб топширган тақдирда ҳам Оқ Ўрда билан содир бўладиган жанг борйўги маълум муддатгагина орқага сурилиши мумкинлигини яхши тушуниб турган Темур яна ҳарбий маҳоратини ишга солди. У элчилар жавоб кутгунча саргайиб ўтирган бир ҳафта ичида барча жанговар қўшинларини тўплаб улгурди. Сўнг элчилар кузатиб қўйилган туннинг эртасигаёқ қирқ минг кишилиқ лашкарини улар ортидан йўллади. Бегам кетиб бораётган элчилар ва Темур лашкари орасида борйўги ярим кунлик масофа сақланиб турилди.

Лашкар йўлга қатъий тартиб асосида тушганди. Баронгорга Довуд Барлос қўмондонлик қилмоқда эди, жаронгорга амирзода Умар Шайх. Ҳировулни Темурнинг ўзи бошқараётган эди. Нуён Берқут Термиз, Балх, Бухоро, Қарши жангчиларидан иборат яна ўн

минг жангчидан иборат тўрт туман тузганди. Соҳибқирон йўқлигида салтанатни бошқариб туриш Самарқандда қолган Чоқу Барлосга топширилди.

Темурнинг ёнида ювош бия миниб олган ҳазрат Саид Барака борарди. Ҳали Содиқ дарвеш ҳаждан қайтмагани учун Темур бомдод ва хуфтон намозларини ҳазрат билан бирга ўқирди.

Одатдагидек, Темур бу сафар олдидан ҳам Қуръоннинг дуч келган саҳифасини очди ва назари биринчи бўлиб тушган оятни ўқиди: «Менга Аллоҳнинг ўзи етарлидир! Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир! Мен Унинг Ўзига суяндим. У Зот улуг арш соҳибидир». Соҳибқирон бутун йўл давомида «Тавба» сурасидаги бу оятни бот-бот такрорлаб борди. Илло, назарида бу оят рамзий маънога ҳам эгадай эди. Темур илк бор лашкарини Чигатой улуси сарҳадидан ташқарига олиб чиқмоқдайди. Ва Аллоҳи таоло унинг бу ишида мададкор бўлса керакки, Муҳаммад пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг авлоди бўлиши ҳазратни йўлдош этди...

Амирзода Тухтамиш ҳам Темур билан бирга эди. Соҳибқирон ўз кучига буткул ишонса-да, бу гал ҳам рақиб ёнга сездирмасдан яқинлашиб бориш усулини қўлади. У тезлик ва қутилмаган жойда пайдо бўлиб қолишда ҳамиша муваффақият гаровини кўрарди.

Лашкар Сирдарёдан утиб, Утрор чулларига кириб келганида, Темур жангчиларини тепаликлар ортига яширди ва душман қароргоҳига ҳуфияларни юборди. Ҳар бири элик кишидан иборат ҳуфиялар гуруҳига Мубошир полвон билан Иқи Темур бошчилик қилишди.

Мубошир полвон биринчи бўлиб душман қароргоҳига яқинлашди ва чекқароққа мудраб олиш учун ўтаётган навкарлардан бирини тутиб келди. Ўрдалик бандини Темурнинг ўзи сўроқ қилди. Қаршисида нақ Темурнинг ўзи турганини кўрган навкар тилдан қолди-қўйди. Ниҳоят, тили калимага келгач, асир Соҳибқироннинг барча саволларига тутила-тутила, лекин бажонидил жавоб қайтара бошлади. Бу орада жўмард Иқи Темур ҳам бир гуруҳ бандиларни олдига солиб ҳайдаб келди.

Асирлардан керакли маълумотларни олгач, Темур машварат чорлади ва душман устига туйқусдан, уни гафлатда қолдириб босиб бормоқ ниятида эканини билдирди. Қарор бир овоздан қабул қилинган заҳоти

ногоралар чалинди, довуллар гумбурлади. Темур қўшини ўрдаликлар устига юриш бошлади.

Бу ҳақда хабар етказилганда, Урисхон аввалига ўз қулоқларига ишонмай, бир муддат лол туриб қолди. Сунг отига сақраб миндида, қўриқчилариниям орта қолдириб, энг яқинда жойлашган тепалик устига чиқди. Урисхоннинг кўз унгида Темурнинг шиддат билан яқинлашиб келаётган лашкари намоён бўлди. Урисхон ҳаёти мобайнида кўп бор катта-кичик жангларда иштирок этган, баъзида ҳатто энг мушкул давларда ҳам қутулиб кетишнинг ёҳуд қўшинини омон сақлаб қолишнинг эвини қилолганди. Бироқ бу сафар хоннинг юраги орқасига тортиб кетди. Темур лашкари бамисоли арслон бўлса, ҳали интизомга, тартибга урганмаган Урисхон лашкари чиябури вазифасини ўтай олиши мумкин эди, холос. Ва Оқ Ўрда ҳукмдори йўлни жанг майдони сари эмас, орқага солиб, қўриқчилари ҳамроҳлигида қипчоқ саҳроларига чиқиб кетди. Ўрдаликларга қумондонлик қилиш Қора Қибек зиммасига тушди. У қўшинини иложи борича беталофат асраб қолиш учун жангга кирмасдан турибоқ орта чекиниш тадоригини кўришга тушди.

Темур қўшини ҳеч бир қаршиликсиз чекинган душман қароргоҳига бостириб кириб, бой ўлжаларни қўлга киритди. Жонидан ўзгаси кўзига кўринмай қолган ўрдаликлар сон-саноқсиз отлар, туялар, қўйларни, бир неча минг иссиқ чодирларни шундай ўз ҳолида ташлаб кетганди. Урисхоннинг махсус ипак чодирига биринчи бўлиб Алиберди отда кириб борди.

Бироқ енгил ғалабадан қаноат ҳосил қилмаган Темур рақибини таъқиб қилишда давом этди. Таъқиб ун беш кун ва ун беш тун давом этди. Ниҳоят, бир муддат дам олишга ҳам имкон тополмаган, асаблари ишдан чиққан Қора Қибек Жайрон Қамиш яланглигида отининг бошини ортига бурди. Жанг қисқа муддат давом этди. Душман аскарларининг асосий қисми асир тушиб қўя қолишни маъқул кўрдилар. Улар орасида Урисхон йўқ эди. Аммо тез орада мағлубиятидан қаттиқ азият чеккан Оқ Ўрда ҳукмдорининг юраги ёрилиб ўлгани ҳақида хабар келди.

Урисхон ўрнини эгаллаган тўнғич угил Тўхта Қие узоқ даврон суролмади — оғу қўшилган қимиз унинг бошига етди. Буни эшитган Темур бир сония ҳам ўйланиб утирмасдан дарҳол Жўжи улуси тахтига Тўхтамиш Уғлонни энг муносиб хон деб эълон қилди.

Тезликда чақирилган Оқ Урда амирлари ва нуёнлари қурултойи ҳам Тухтамишни яқдил тарзда оқ кигизга ураб кутардилар. Ийиб кетган Соҳибқирон ёш хонга узининг суюкли аргумогини ҳада этди.

Тухтамишхон уз салтанатининг пойтахти Сиганоқда ҳукмронлик фаолиятини бошлади. Воқеаларнинг бу тахлит ривожидан кўнгли тўлган Темур эса ўжалар ортилган карвон бошида Самарқандга қайтди.

Куксаройда Соҳибқиронни хушхабар кутмоқда эди — ҳижрий 779 йил, рабби-ул-уҳр ойининг 14-кунида унинг хотини Меҳрибон ўгил кўрди. Чақалоққа Шоҳруҳ дея исм қўйдилар. Милодий 1377 йил, 20 августда тугилган, шарқ тақвими бўйича мучали илон бўлган Шоҳруҳ Темур авлодидан биринчи бўлиб султон дея эълон қилинди. Чунки чақалоқ тугилиши дақиқаларидаги юлдузларнинг кўкда жойлашган ўрнини таҳлиладан ўтказган ҳинд афсунгари Сат Чан Дева бошлиқ донишманд мунажжимлар янги тугилган темурзода келажақда имкониятлари сарҳадидан улутроқ ишларни амалга ошира билишини башорат этдилар...

Темур чақалоқни қулига олди. Шоҳруҳ тожик онаси Меҳрибонга ўхшаб жуда хушбичим эди. «Ишқилиб, қисмати Жаҳонгирники мисоли булмасин», — хаёлидан ўтказди Соҳибқирон. Худди унинг фикрини уққандай, пишиллаб ухлаб ётган Шоҳруҳ ширин жилмайиб қўйди... Сўнтроқ башоратчиларнинг айтганлари тўла рўёбга чиқди. Темурнинг икки ўгли — Жаҳонгир билан Умар отасидан бурун дорил бақога рихлат этишди. Учинчи ўгил, Мироншоҳ Соҳибқирон вафотидан сўнг бор-йўғи уч йил яшади, холос. Шоҳруҳ эса маҳобатли салтанатни қирқ йилдан ортиқроқ бошқарди...

Темур ўгил кўрганлиги ҳамда амир Мусонинг қизи, ишончли баҳодир Маҳмудбекнинг синглиси бўлган гўзал Туманогога уйланаётганлиги муносабати билан катта зиёфат берди. Совға-саломлар дарёдай оқди. Соҳибқирон ёш хотинининг олдидан анча вақтгача кетолмай, давлат ишларини бошқаришга ҳам вақт тополмай қолди. Умуман олганда, Темурнинг анча эҳтиросли бўлиб, уз умри давомида расмий тарзда ўн саккиз бор никоҳ ўқитганини эслаб ўтиш жоиз. Бироқ навқирон Туманогога уз назокати ва эҳтироси билан унча-мунча аёлларни бир чўқишда қочирадиганлардан чиқиб қолди. Ҳукмдор фармонига кўра Самарқанднинг гарбий қисмида кенжа хотин учун махсус

Боги Беҳишт бунёд этилди. Ҳиндистон, Эрондан атай олиб келинган гуллар экилган бу боғнинг марказида қисқа муддат ичида гўзал сарой қурилди...

Ниҳоят, икки йил муқаддам Маккага йўл олганлар Самарқандга қайтиб келишди. Содиқ дарвеш ва амир Сайфулдин энди муътабар ҳожи унвонига сазовор бўлишди. Афсуски, Темурнинг қайноғаси ҳаж чоги жон таслим қилди ва шаҳид сифатида Маккада дафн этилди. Бу хабардан Соҳибқироннинг қайғуга чўкканини кўрган Саид Барака ҳазрат тасалли беришга шошди:

— Асло озор чекманг, ҳукмдор. Аллоҳга шукроналар бўлсинки, муаззинлар, шаҳидлар ҳамда муқаддас жума куни кўз юмган мўминлар Азроил синовисиз тўғридан-тўғри жаннатга равона булғайлар.

— Иншооллоҳ...

Марҳум руҳига бағишлаб тиловат қилган Темур «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм!» дея Арабистондан махсус олиб келинган Оби замзам сувидан тотинди.

Орадан икки кун ўтиб, ёш Тўхтамишхон Қоратол яқинида Ўрисхоннинг исёнкор ўгли Темур Малик бошчилигидаги душман қўшинини янчиб ташлагани, шундай қилиб, Олтин Ўрда тахтини мутлақо ўзиники қилиб олгани хусусида хабар келди. Темур бу галаба шарафига катта зиёфат берди. Бу орада қони қайноқ Тўхтамишхон тинч турмади. Амир Мамайнинг Арабшоҳ ҳамда Мирзо Бегуч бошчилигидаги қўшини Новгород биқинидаги ўрислардан маглубиятга учрагани, Мамайнинг ўзи улуг Масков князлиги билан жангга киришиб кетганидан фойдаланган ёш хон милодий 1378 йили Олтин Ўрда устига юриш қилиб, унинг пойтахти Саройни эгаллаб олди ва ўзини Оқ ва Олтин Ўрдалар хони дея эълон қилди. Бу хабар ҳам Темурнинг қувончига қувонч қўшди. Соҳибқирон Тўхтамишнинг Жужуи улуси тахтида мустаҳкам ўрнашиб олишидан ўзининг узоқ муддатга мўлжалланган режаларида унумли фойдаланмоқчи эди. Таассуфки, воқеаларнинг кейинги ривожини бу борада Темур адашганини кўрсатади...

ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ БОБ

ХОРАЗМ ҒАВҒОЛАРИ

Энди кўпроқ Турон деб номланаётган Чигатой улусида барча воқеа-ҳодисалар Темур истаган тарзда

кечмаётган эди. Соҳибқироннинг темир иродасига бўйсуниб ҳаммага ҳам ёқавермас экан. Айниқса, жалойир, қипчоқ, Хоразм туманлари ҳокимлари имконият тугилиб қолиши билан ўз норозилиklarини изҳор этиб қолиш пайида юрардилар. Хусусан, хоразмликлар яқин-яқингача ҳатто Самарқандни ўз таъсирида тутиб келган улуг Хоразм хонлигини қўмсардилар. Ваҳоланки, у даврлар алақачон ортда қолган ва Чингизхон давридагидай, Темур бутун Чигатой улусини ўз илкида маҳкам ушлаб турарди.

Шунга қарамай, Хоразм ҳокими Юсуф Суфи ўз қисматини синаб кўришга аҳд қилди. У қудратли Соҳибқирон мўгуллар ва Оқ Урда устига юриш билан андармон бўлиб қолди, инчинун, ажралиб, чиқиш учун қулай фурсат етди, деган қарорга келди. Устига-устак, Юсуф Суфи жанговар мўгуллар Темурнинг ҳеч бўлмаса бир қовургасига лат етказди, урдаликлар эса уни бутунлай мағлуб этиб қўя қолади, деган фикрда эди. Шунинг учун, Темур Утрорда Ўрисхон лашкарига қарши жанг олиб бораётган маҳал шоша-пиша Хева ва Қиётни босиб олиш билан чекланиб қолмаган Юсуф Суфи иштаҳаси карнай ҳолда энди ўзининг оч назарини Бухорога қаратди. Кўҳна Бухорода Соҳибқирон жуда кам сонли қўшинини қолдиргани боис Юсуф Суфи тезда шаҳарни эгаллаб олди ва ундаги жами бойликни Хоразмга ташиб олиб кетди.

Самарқандга қайтиб, бу узбошимчалиқдан хабар топган Темур дарҳол Хоразмга амир Жолорти орқали мактуб йўлади. «Аллоҳ иродаси ила орамизда хешуруглик муносабатлари пайдо бўлган бир пайтда нифоқ чиқармоқнинг не зарурияти бор эрди?» деб сўрагани ўз мактубида Темур. Лекин орадан бир ой ўтсада, Юсуф Суфи жавоб номаси йўлашни хаёлига ҳам келтирмади, билъакс, амир Жолортини зиндонбанд этди. Бу хабарни эшитган Темурнинг жон-пони чиқиб кетди, аммо дарҳол қиличинини яланғочлашдан тийилиб, ўзига келиб қолар, деган умидда Юсуф Суфига иккинчи нома юборди. Бироқ Урганчда кўр тўкиб ўтирган Юсуф Суфи иккинчи номани олиб келган элчини ҳам зиндонга солди. Худди шу кунлари унинг қўл остидаги амирлар саҳройи туркманлардан кўп сонли туя, қўй, отларни тортиб олиб, Хоразм пойтахтига ҳайдаб келдилар. Ҳужумга учраганлар орасида Темур қўриқчиларининг бошлиги бўлган Алиберди уруги ҳам бор эди.

Темурга ҳайрихоҳ кишилар кўмагида бандилиқдан қочиб, Самарқандга қайтишга муваффақ бўлган элчилар Куксаройда Темурга ўз бошларига тушган кўргиликлари, жумладан, Юсуф Суфи қандай ҳақоратомуз муносабатда бўлгани ҳақида куйиб-пишиб гапириб бердилар. Элчиларнинг сўзларини эшитаётган маҳал газабдан тишлари гижирлаб кетган Темур қонли интиқом олишга қарор қилди. Ҳижрий 780 йилнинг шавол ойида (Милодий 1379 йил), қўй йилининг аввалида Темур эллик минг жангчидан иборат лашкари бошида тўртинчи бор Хоразм устига юриш қилди. Соҳибқирон йўл мобайнида Бухорода тўхтади, шайхлар ва имомлар вакилларини қабул қилди. Уларнинг бошида ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд турарди. Ўз назари билан кетиб бораётган одамни ёҳуд учиб бораётган қушни тўхтата оладиган Баҳоуддиннинг мўъжизалари ҳақида Темур ҳам эшитганди. Лекин бу хислатларини Баҳоуддиннинг ўзи юқори қадрламасди. У руҳий юксакликка, камолотга, комилликка интиларди. У етти ёшида Қуръонни ёд олди. Унинг устози бир пайтлар Тарағай Баҳодурга, сўнгроқ Темурга ҳам муаллимлик қилган ҳазрат Амир Саид Кулол эди. Темур билан Баҳоуддин бир пирнинг муриди бўлсаларда, илк бор учрашиб туришлари эди.

Баҳоуддиннинг Турон мусулмонлари орасида обрў-эътибори ҳам Соҳибқиронга яхши аён эди. Нақшбандия тариқатининг асосчиси бўлган Баҳоуддинни кўплаб мўминлар ихлос ила «Балогардон» деб аташлари ҳам бежиз эмас эди.

Салом-алиқдан сўнг Темур кенг пешонали, тийрак кўзлари ўзига қадалиб турган Баҳоуддинга мурожаат этди:

— Содиқ дарвешнинг айтишича, ҳаж маҳали Каъбада мўъжизакор тарзда ато этилган тилла қуймаларни бева-бечораларга тақсимлаб берган эмишсиз.

— Тариқат йўлига кирган мўмин учун мол-дунёнинг зарурати йўқ, — Соҳибқирон ҳурмати учун ним эгилиб қўйган Баҳоуддин нигоҳини Темурдан узмай жавоб қайтарди. — Ва-лекин табаррук Каъба фақирга нафақат олтин ато этмиш, балки Яратганнинг ўзи ҳар асрда ислом динининг ҳимоячиси ҳамда ёйувчисини майдонга чиқарур, деган бир илоҳий эътиمود ҳам нозил этмиш. Шундоқ Аллоҳ назари тушган зотлардан бири қаршимизда турғон Темур Тарағай Баҳодур эрур. Имоним комилки, ул зот ҳозир муборак қадами

етиб турган Бухорони ислом динининг таянчи саналмиш табарруж кентга айлантиргай. Аллоҳу акбар!

— Аллоҳу акбар, — жўр бўлишди шайх ортида турганлар.

Темур ҳам бармоқларини юзига сийпади:

— Аллоҳу акбар...

Шундан сўнг ҳазрат Саид Барака Қуръондан бир неча оят ўқиди. Шу билан учрашув ниҳоясига етди.

Темур билан Баҳоуддинга қайта учрашиш насиб этмади. Соҳибқирон умри давомида йигирма олти мамлакатни забт этди, хилватнишин ҳаёт кечиришга ўтган Баҳоуддин ҳам бу борада ортда қолмади, фақат у мамлакатларни қилич билан эмас, сўз воситасида забт этди. Нақшбандия тариқати вакиллари Осие, Африқо, Оврупо мамлакатларининг ўн саккизтасида фаолият кўрсатардилар. Темур баъзи жангларда тўрт юз мингтагача аскарга эга бўлган бўлса, Баҳоуддин муридлари сони уч юз мингдан ошиб кетди...

Темур Хоразмга юришини давом эттирди. У Чингизхон йўлидан юриб, Урганчга Жайхуннинг кўҳна йўналиши бўлган Эски Ўкуз томондан яқинлашди. Вақтини беҳуда ўтказмаган Юсуф Суфи шаҳар деворларини янада мустаҳкамлаб улгурганди. Шунинг учун Темур қўшини шаҳарни ҳар томондан қамалга олган бўлса-да, дарвозалардан ичкарига киролмасдан тарадудланиб қолди. Жангчилар деворларга камон ўқи етмас бехатар масофада турардилар. Биринчи кўни ҳеч қандай тўқнашув содир бўлмади. Кечга бориб шаҳарни минглаб гулханларнинг шуъласи оловли ҳалқа мисоли қуршаб олди.

Хуфиялар шаҳарда олтиш минг жангчидан иборат лашкар тупланганини хабар қилишди. Кечки машварат чоги Темур отличларни девордан узоқлаштириб, улар ўрнига девор бузувчи қурилма ишлатувчиларни қўйишга фармон берди. Бу ҳол қамал узоқ давом этишидан дарак берарди. Зеро, хуфияларнинг аниқ маълумотларига қараганда, шаҳардаги озик-овқат захиралари кўпи билан беш-олти ойга етарди, холос.

Қамал ҳарбий талабнинг барча қонун-қоидаларига амал қилинган ҳолда давом этди. Махсус тўсиқлар ортига ўрнатилган девор бузувчи қурилмалар ишга тушди, жангчилар эса ҳар дақиқада бошланиб қолиши мумкин бўлган жангга тайёр ҳолда турардилар.

Темур бу қамалда биринчи бор олов сочувчи қу-

рилмаларни ишлатди. Бу қурилмалар шаҳар ичкари-сига махсус суюқлик солинган чинни идишларни отардилар. Идишдаги суюқлик отилган заҳоти ёна бошларди. Бу қурилмаларни урганчликлар «Оловна-фас Иблис» дея атай бошлашди. Шаҳарнинг гоҳ у-гоҳ бу ерида аланга тиллари кўрина бошлади. Шусиз ҳам бегуноҳ қурбонлар бераётган раият янада норози бўла бошлади. «Оловнафас Иблис» эса тобора кучайиб, энди тун-кун тинмай олов отадиган бўлди. Орадан уч кун ўтиб, шаҳарнинг бир дарвозаси очилди ва нома кўтарган отлиқ элчининг қораси кўринди. Юсуф Сўфи Темурни яккама-якка жангга чорлаганди. «Кимки олишувда музаффар келса, анинг лашкари голиб саналгайдур», — дея номасини тугатганди Хоразм ҳукмдори.

Хат билан танишиб чиққан Темур чопарга ўтирилади:

— Олишув тонг-ла саҳарда девор қаршисиндаги майдонда бўлгуси!

Чопар кетди. Темур субҳи содиқда барча аскарлар яккама-якка олишувни бемалол кўриб турадиган тарзда жойлашишлари лозимлиги хусусинда кўрсатма берди. Соҳибқироннинг қарорига ҳеч ким эътироз билдирмади. Зеро, ҳамма Чингизхоннинг яккама-якка олишувлар хусусидаги қонунларидан бохабар эди, уларни бузган киши эса ўзини жангчи санамаса ҳам бўларди.

Субҳи содиқда Темур ҳарбий либосларини кийди. У кўтаринки кайфиятда эди, юзида ҳаяжонланишдан асар ҳам йўқ, бирон бир мушаги қилт этмайди. Темур отига минган заҳоти барча амирлар ва нўёнлар тиз чўқдилар. Аскарлар икки томонга чекиниб ҳосил қилган йўлакдан Турон ҳукмдори жанг майдонига йўл олди.

Соҳибқирон аргумоғида мағрур ўтирган тарзда рақибини бир ош пишгулик фурсат кутди. Тоқати тоқ бўлган жангчилар ҳам «Юсуф Сўфи! Юсуф Сўфи!» деб чақира бошлашди. Ваҳоланки, ҳали Хоразм ҳукмдори ҳарбий либосларини ҳам киймаганди. Йўқ, у кўрқоқлардан эмас эди. Фақат уни саройда Оқ ва Олтин Ўрда амирлари ушлаб турардилар. Ўтрорда шармандаларча мағлубиятга учраган бу амирлар Юсуф Сўфини Бухоро устига юришга, Қиёт ва Хевани талон-тарож этишга кўндиролган эдилар. Улар ҳозир яккама-якка жангга тиш-тирноқлари билан қарши

чиқардилар. Зеро, улар Темурнинг куч-қудратидан, мудом бошида Ҳумо қуши бўлишидан яхши воқиф эдилар. Жанг қонунига кўра эса, яккама-якка жангда енгилган ҳукмдор лашкари енгилган ҳисобланарди.

Ўрдалик амирлар Темур измида эллик минг жангчи борлигини ҳам билардилар. Хоразмликлар эса Ўрдларни қўшганда нақ ўн минг жангчига ортиқ эдилар. Боз устига қурбонлар беравериб, жони ҳалқумига келган шаҳарликларни ҳисобга қўшганда, сон жиҳатидан устунлик яққол кўзга ташланарди-қоларди. Демак, галабага яккама-якка олишувда эмас, ҳар иккала томон қўшини иштирок этган муҳорабада эришилуви ҳақиқатга яқинроқ...

Бесамара кутишлардан чарчаган Темур ниҳоят қароргоҳига қайтди. Унинг жангчилари эса бақириб-чақириб Хоразм ҳукмдорини оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўкишга тушдилар.

Аргумогидан ёш йигитчадай енгилгина сакраб тушган Соҳибқирон қўлига Термиздан мавлоно Жалолиддин йўллаган ҳандалакларни тутқазди. Шайх ат-Термизий хонақоҳига зиёратга кетган Жалолиддин ҳандалакка қўшиб бир нома ҳам юборганди. Номанинг якуни бирмунча сирли эди: «...Кимки ушбу ҳандалакдан тотинса, урушдан юз ўтириб, тинчлик-ҳаловатга топингуси. Яратганнинг ихтиёри шундай».

Мавлоно номасидаги ишорага тушунган Соҳибқирон олтин баркашга учта ҳандалак қўйиб, Урганчга, Юсуф Сўфига йўллади.

Юсуф Сўфи бу галати совганинг нимани билдиришини уйлаб анча мулоҳаза қилди, сўнг эса ҳандалакларнинг бирини девордан қайтариб, Темур қароргоҳи томон отиб юборишга фармон берди.

Хушбўй ҳандалаклар ер билан битта бўлди. Шу заҳоти дарвозалар очилди ва Хоразмнинг ўттиз минг жангчиси ҳамда Ўрдаликларнинг ўн минглик қўшини Темур қароргоҳи устига ташланди. Лашкарга оқ от минган ёш ва мард амир Ҳожиддин қўмондонлик қилмоқда эди. Ҳали мунтазам қўшин бўлиб етилмаган жангчилар ўз кишлоқдошлари ва уруғдошлари билан гуруҳ-гуруҳ тарзда келмоқдайдилар. Улар орасида ўрдаликлар яхши қуролланганликлари билан алоҳида ажралиб турардилар.

Ўрдаликлар осма кўприқдан биринчи бўлиб ўтдилар ва дарҳол беш минг-беш мингдан икки гуруҳга бўлиниб олдилар. Туман-туман ҳолида яшил, қора, қи-

зил ҳамда тилло ранг ҳарбий либосларга чулганган Темур қўшини жипс ҳолда ҳимояга шайланди. Олдинги қаторда катта-катта Камон ушлаган жангчилар занжири турарди. Уларнинг ўқларидаги махсус тешикчага ёндирувчи кукун жойланганди. Бундай ўқ бориб теккан душманнинг усти-боши ёна бошларди. Табиийки, Соҳибқирон илк бор қўлаётган бу усул душман сафида ваҳима, парокандалик уйғотиши лозим эди. Темурнинг нияти амалга ошди. Амирзода Умаршах фармонига кўра бирин-кетин отила бошлаган оловли камон ўқлари душман сафида тасвирлаб бўлмас даражада ваҳима уйғотди. Уларнинг олдинги сафидагилар жон ҳолатда отларнинг бошини орқага бурдилар. Бироқ ҳеч нарсадан хабарсиз ҳолда орқада келаётганлар олдинга от суришда давом этдилар. Натижада сафлар аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Энди бу оломонни на бошқариб ва на бирон томонга йўналтириб бўларди. Амирзода Умар Шайх қиличини яланғочлаганча қўшинини олдинга бошлади: «У-у-урр!..»

Қон дарё бўлиб оққан жанг узоқ давом этмади. Хоразмликлар ва ўрдаликларнинг омон қолганлари шаҳар ичкарисига қочиб кириб жон сақлаб қолдилар. Улар катта талофат кўрдилар. Лекин Темур қўшини сафида ҳам анча-мунча йўқотишлар содир бўлганди. Амир Элчи Буго оғир жароҳатланди, амир Оқбугонинг суюкли фарзанди Анушервон баҳодир ҳам елкасидан ўқ еди. Сунгроқ Элчи Буго соғайиб, Анушервон эса шаҳид кетди.

Мағлубиятга учраган Юсуф Суфи шаҳар дарвозаларини бошқа очмади. Темур қамални янада кучайтиришга фармон берди. Урганчга олов ёмгири ёғдириш давом эттирилди; шаҳар деворлари остидан лаҳм қазилар ишлари тун-кун тўхтатилмади. Қамал уч ой ва ўн олти кун давом этди. Тош отар қурилмалар зарбига дош беролмаган мустаҳкам деворнинг бирйўла олти жойида улкан-улкан ёриқлар пайдо бўлди. Ногоралар садоси остида Темур жангчилари мағлубиятни буйнига олиб улгурган шаҳарга бостириб кирдилар.

Жанг саноқли соатлар ичида якун топди. Тезда сарой аҳли ҳам таслим бўлди. Лекин Юсуф Суфига бу шармандали ҳолни кузатиш насиб этмади — юраги бардош беролмади.

Алиберди қайдандир сарой хазинаси калитини топиб келди. Хазинадаги барча тилло, жавоҳир, кумушлар сон-саноқсиз туяларга ортилиб, Соҳибқирон қа-

роргоҳига келтирилди. Қароргоҳ узра қора байроқ кутарилди. Бу оддий жангчиларга талон-тарож учун рухсат этилганини билдирарди. Жангчилар уч кечакундуз мобайнида Урганчни аёвсиз таладилар. Улар хоразмликларнинг барча мол-мулкларини ўзаро бўлишиб олдилар, барча қизу аёллар ҳам ўртада тақсимланди. Урганч бум-буш бўлиб қолди, фақат ожиз чолкампирилгини даҳаларда судралиб юрардилар. Ваҳшийлашган итлар галаси таллашиб-тортишиб уликларни ердилар. Кўп жанглар мана шу тарзда якунланарди. Бироқ бу жанг хотимаси янада даҳшатли бўлди.

Темур барча омон қолган, асирликка тушган ўрдаликларнинг бошини танидан жудо қилишга, сўнг уларнинг бошидан Урганч қалъаси дарвозасига туташ кузатув минораси тиклашга фармон берди. Соҳибқирон одам калаларидан зудликда бунёд этилган ажал минорасига шахсан ташриф буюрди ва унга бир муддат ёввойи тантана ила тикилиб тургач, қаҳрли овозда деди:

— Аллоҳга шукроналарки, ҳақиқат музаффар ўлди! Бул минора юртимизга манави муртад ўрдаликлар мисоли ёвуз ниятда келгувчи рақибларимиз учун сабоқ бўлмай!

Ун минг каладан тикланган минора узоқ вақт қўр тўкиб турди. Одамлар иложи борича уни четлаб ўтишга ҳаракат қилардилар. Темурнинг Хоразмга тўртинчи юриши Урганч халқи учун мана шундай фожияли якунланди. Олдинда эса ҳали янги-янги жанглар, янги-янги талон-тарожлар, янги-янги қурбонлар турарди. Аммо Соҳибқирон улар ҳақида ўйламасди. У галаба нашидасини сурмоқда эди. Илло, у яна музаффар, яна ўз истагига эришди. Соҳибқирон Хоразм устидан узил-кесил галаба қозонгани шарафига она шаҳри Кешда дунёда тенги йўқ сарой қурдиришга аҳд қилди...

ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

ОҚСАРОЙ ҚУРИЛИШИ

Бандилар бир ой мобайнида Самарқандга эмас, эртаклардагидек гўзал шаҳарча Кешга ҳайдаб келинди. Самарқанд, Бухоро, Балх, Урганчнинг энг машҳур меъморлари, муҳандислари билан бир қаторда Кешга Сат Чит Деванинг маслаҳатига кўра, Бағдод ва Ше-

рознинг таниқли мунажжимлари ҳам таклиф этилди. Соҳибқирон уларга бўлгуси саройнинг ўзи тасаввур қилган кўринишини гапириб берди.

Соҳибқирон талаб этганидек, кумуш фавворали, камида мингта бўлмаси ва хонаси бўладиган сарой қуриш учун Кешда етарли майдоннинг ўзи йўқ эди. Шунинг учун пойдевор шаҳар ташқарисига қўйиладиган бўлди. Эллик минг асир ишга туширилди. Уларнинг ишини ва емишини Сафарали назорат қилиб турадиган бўлди.

Шундай қилиб, Оқсарой қурилиши бошланди. Дарё бўйида тикланган чодирларга йигирма минг қурувчи жойлаштирилди. Зудликда кўп сонли хумдонлар қурилиб ишга туширилди. Яна йигирма минг қурувчи эса шаҳарнинг ўзида ишлаб, сарой қурилиши билан бир қаторда деворини мустаҳкамлаш билан ҳам банд бўдилар. Мутлақо янги тусга кираётган шаҳарни Темур бундан буён яшил шаҳар — Шаҳрисабз деб аташга кўрсатма берди...

Сарой қурилиб биттач, Соҳибқирон ўз тахтини шу ерга кўчирди. Сарой деворига олтин ҳарфларда «Султон Аллоҳнинг ердаги соясидир», деб ёзиб қўйилганди.

Оқсарой — Темур фаолиятининг фақат бир қирраси эди, холос. У жаҳон амалиётида биринчи бўлиб ўзига хизмат қилувчи одамларни тоифаларга бўлди. Соҳибқирон бу хусусда сўнгроқ машҳур «Тузуқлари»да шундай ёзганди: «Салтанатим ишларини қонунқоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, аларга таянган ҳолда иш юргиздим. Салтанатим қонунқоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакиннинг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим.

Биринчи тоифа — сайдлар, уламо, шайхлар, фозилларни ўзимга яқинлаштирдим. Алар менинг саройимга доимо келиб-кетиб, мажлисимни безаб туришди. Диний, ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришарди. Ҳалол ва ҳаромга оид масалаларни мен алардин ўргандим.

Иккинчи тоифа — дониш кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар, сергак ва кейинни ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи, кекса ва тажриба-ли кишиларни хос мажлисимга киритиб, суҳбатларидин, ишларидин нафъ олиб, тажриба ҳосил қилардим.

Учинчи тоифа — дуогўй кишиларни қадрладим. Алар билан хилватда суҳбат қуриб, кўнглимдаги мақсадимни айтиб, дуо тилардим. Мажлисларда, базмларда, жанг майдонларида алардин кўп баракатлар топдим. Бир жангда ганим лашкари кўплигинин ва менинг лашкарим эса озлиги, очлигинин кўп азият тортган эдим. Шу пайт соҳиби дуо бўлмиш Мир Зиёвуддин Сабзаворий бошидан салласини олди, қўлларини дуога очиб (мен учун) Тангридин зафар тилади. Ҳали дуоси тугамай туриб дуо таъсири кўриниб, (лашкарларим) ёғийни қочирдилар. Яна бир мисол шулки, саройим ҳарамидоғилардин бири қаттиқ оғриб, ўлими яқинлашди. Дуогўй сайдлардин ўн икки киши йиғилишиб келдилар. Ҳар бири ўз умридин бир йилни унга бағишлади ва ул соғайиб, яна ўн икки йил яшади.

Тўртинчи тоифа — амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорларга мажлисимдин ўрин бериб, мартабаларини юқори кўтардим. Алар билан суҳбатлашиб, маслаҳатлар олдим. Жанг майдонларида мардона қиличлашган шижоат аҳлини дўст тутардим. Жанг майдонларига от чоптириб кириб-чиқиш усулларини, ганим лашкари тўпини бузиб, сафларини синдиришни, найза санчиб, қилич чопқилашни, бутун уруш-талаш ишларини алардин сўрар эрдим. Сипоҳгарлик ишларида аларга таяниб, алардин кенгаш тилар эрдим.

Бешинчи тоифа — сипоҳ ва раият бўлиб, ҳар иккисига бир кўз билан қарадим. Сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар, довюракларга махсус фахрли ўтога*, камар ва таркаш** тақдим этиб, мартабаларини кўтардим. Ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улугларини, бошлиқ-оқсоқолларини қадрладим, аларга совға-саломлар бериб, хизматларидин фойдаландим. Сипоҳиларимни ҳамisha жангга тайёр ҳолда тутдим, ойлик ҳақларини сўраттирмай вақтида берардим. Сипоҳ ва раиятни шундай тутдимки, биронтаси иккинчисидин устунлик қилиб, қаттиқ гапиролмас эди. Бошқа сипоҳийларни ўз мартабаларига ва даражаларига қараб шундай сақладимки, ҳаддидан ташқари бирон қадам қўёлмас эди. Аларнинг мартабаларини на кўп кўтариб, ҳовлиқтирмадим ва на кўп тушириб юбориб, кўнгиларини чўқтирмадим. Қайси бири кўзга кўринарли бирор хизмат кўрсатар эркан, инъомлар бериб, бошқалардин айри-

*Бош кийимга тикиладиган белги.

**Садок-ўқдон.

ча ҳурматладим. Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидин ортиқроқ кўрсам, ани тарбия қилиб, амирлик даражасига чиқарур эрдим. Сўнгра курсатган хизматига яраша мартабасини янада кўтарар эрдим.

Олтинчи тоифа — ақлли, тажрибали, энг ишончли кишиларки, аларга салтанат ишларини, сирларини очиб, алар билан кенгаш қилишимга лойиқ кишилар эрди. Булар билан сирдошлик қилиб, яширин ишлар, махфий сирларни шуларга топширдим.

Еттинчи тоифа — вазирлар, бош котиблар, девон муншийлари, котибларики, салтанатим саройини шулар билан безатдим. Буларни менга тобеъ мамлакатлар уйларининг кўзгуси деб билдим. Чунки алар эл орасида ва мамлакатда бўлаётган кундалик воқеаларни, сипоҳ ва раият туриш-турмушини менга билдириб турар эрдилар. Булар давлат хизинаси, сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартибга солиб юритдилар. Салтанат мулкига тушган раҳналарни бекитишнинг лойиқ чораю тадбирларини кўрдилар. Салтанатим корхонаси хазинасининг кирим ва чиқимига оид ишларни тўтри олиб бордилар. Ҳамиша мамлакат тукинчилиги ва ободонлиги у чун ҳаракат қилишарди.

Саккизинчи тоифа — ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандисларки, алар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. Аларни ўз атрофимга тўплادим. Ҳакимлар ва табиблар билан иттифоқда беморларни даволатар эрдим. Мунажжимлардин сайёралар кавокибининг қутлуг ва қутсиз кунлари, аларнинг ҳаракати ва осмонда айланишини аниқлаб олардим. Муҳандислар ила иттифоқда олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг лойиҳа-тарҳини чиздирдим.

Тўққизинчи тоифа — муҳаддислар, пайгамбар, аларнинг авлодлари ва саҳобалари ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар ҳамда қиссахонлар бўлиб, аларни ҳам ўзимга яқинлаштирдим. Пайгамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги қиссаларни, ўтган подшолар тўғрисидаги хабарларни, аларнинг салтанат тахтига қандай етишганликларини, давлатларининг қандай сабабларга кўра завол топганлигини булардан сўраб билардим. Ҳар қайсисининг қиссалари ва хабарлари, ишлари ва сузларини эшитиб тажрибам ортди. Оламда бўлаётган воқеаларни алардан эшитардим ва олам аҳволидан хабар топар эдим.

Унинчи тоифа — машойихлар, суфилар, Худони

таниган орифлардир. Аларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим. Алардин Тангри таолонинг сўзларини эшитиб, кароматлар кўрдим, фавқулодда одатларини мушоҳада этдим ва суҳбатларидин роҳатланиб, ҳузур қилдим.

Ўн биринчи тоифа — касбу ҳунар эгаларидир; буларнинг ҳар тоифа ва табақадин бўлганларини давлатхонамга олиб келиб, ўз урдамдин ўрин белгиладимки, сафарда ва бир жойда турганимизда сипоҳимга керак яроқлар ва бошқа нарсаларни ҳозирладилар.

Ўн иккинчи тоифа — ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофирларининг бошини силадимки, турли мамлакатлардин менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакат ва диёрга савдогарлар ва қарвонбошилар тайинладимки, алар қайга боришмасин: — Хитой, Хўтан, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон (Оврүпо), — ул ерларнинг нафис матолари ва муносиб туҳфаларидин келтиришсин. Ўшал мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканлигини аниқласинлар...»

Темур ўз давлат тизими, унда ҳукмдорнинг ўрни ва вазифаси, шунингдек, вазирдан тортиб ҳаттотгача бўлган вазифадаги кишиларнинг мажбурият ва ҳуқуқлари борасида жиддий ўйлади. Ҳатто махсус «Вазир тутиш» ҳамда «Вазирларнинг хизмат қилиши» тузукларини ҳам эълон қилди. Аларда, жумладин, шундай дейиларди: «...Вазирлар ушбу тўрт сифатга эга кишилардин бўлмоқлари лозим; биринчиси — асиллик, тоза насллилик; иккинчи — ақл-фаросатлилик; учинчиси — сипоҳу раият аҳволидин хабардорлик, аларга нисбатан хушмуомалада бўлмоқлик; тўртинчиси — сабар-чидамлилик ва тинчликсеварлик.

Амр қилдимки, тўрт вазир ҳар куни девонхонада ҳозир бўлсинлар.

Биринчиси — мамлакат ва раият вазири. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муомалаларни, раият аҳволини, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ-ўлпонлар, аларни тақсимлаш, кирим-чиқимларни, мамлакат ободонлигини, аҳолининг фаровонлиги ишларини ва хазинани қандай қилиб тартибга келтираётганлигини менга билдириб турсин.

Иккинчиси — сипоҳ вазиридирки, сипоҳийларнинг маошлари ва инъомларини бошқарсин, тарқоқ ҳолатга тушиб қолмаслиги учун доимо сипоҳ аҳволидин хабардор бўлиб турсин ва аларнинг аҳволи ҳақида менга хабар бериб турсин.

Учинчиси — эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётган савдогарлар мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларини, аларнинг утлоқ-яйловларини бошқариб, буларнинг баридин йигилган даромадларни омонат тарзида сақловчи вазирдир. Ул гойиб бўлганлар ва ўлганларнинг мол-мулки бўлса, меросхурларга топширсин.

Тўртинчиси — салтанат ишларини юритувчи вазир. Ул бутун салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадин сарф қилинган жами харажатлар, ҳатто отхона ва саройдаги бошқа жонзотларга қилинган харажатларгача огоҳ бўлмоғи даркор.

Яна амр қилдимки, сарҳадлар ва менга тобе мамлакатларга оид ишларга масъул уч вазирдин иборат давлат ҳайъати (холиса) тузилсин. Алар ушбу ҳудудлардаги молиявий муомалаларни ва келадиган даромадларни бошқарсинлар.

Бу етти вазир девонбегига бўйсунishi лозим ва ул ила иттифоқда муҳим молиявий ишларни амалга оширмоқлари ва менинг арзимга етказмоқлари лозим.

Яна ҳукм қилдимки, бир кишини арзбеги қилиб тайинласинлар. Ул сипоҳ, раият ва арз-дод қилиб ҳузуримга келувчиларнинг аҳволини, мамлакатнинг обод-хароблигини, муҳим ишлардин қайси бири битган-битмаганлигини менинг арзимга етказиб турсин.

Ислом қозиси шариат ишларининг бориши ва аҳдос қозиси дунёвий ишлар ҳақида менга арз қилсинлар.

Яна амр қилдимки, салтанат ишлари, мамлакатни идора этиш, ундаги ўзгаришлар, алмаштиришлар, сипоҳийлар ва амирларнинг тайинланиши, турли кенгаш-тадбирларни хос мажлисда менга арз этсинлар. Бу мажлисларда махфий ва сирли ишларни пинҳон тутишга қодир махсус котиб (муншийи маҳрам) ҳозир бўлиб, ростлик қалами билан махфий-яширин кенгашларни ва гапларни ёзиб борсин.

Ва яна мажлис котибларини тайинлашни буюрдимки, девон мажлисида навбатма-навбат ҳозир бў-

либ, мажлисда кўрилган ва ҳал қилинган муҳим масалалар ва айрим ишлар тафсилотини ёзиб олиб, сақламоқлари лозим. Менга арз қилинган гаплар, чиқарган ҳукмларим, мажлисларда кўрилган мамлакат аҳамиятига молик ишлардин тортиб, жузъий ишларгача барчасини қаламга олиб, бошимдин кечирган воқеаларни дафтарига киргизсинлар...»

Оқсарой қурилиши чоғида Темур «Уруш ва тинчлик вақтида соқчилик қилмоқ ва мажлис-йигинларда ҳозир бўлмақ тузути»ни ишлаб чиқди. «Сипоҳийлар, амирлар, мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар девонхонага, базм-мажлисларга кулоҳсиз, этиксиз, бурк ёқалик чакмонсиз, қиличсиз ҳозир бўлмасинлар, — дейиларди курсатмада. — Ўн икки минг қилич ослан аскар урушу тинчлик вақтида бутун яроқ-аслаҳалари ила кўшқда, девонхонанинг ўнг ва сўл тарафидин, орқасидин ва олдидин қуршаб турсинлар...»

Темур Оқсаройда ўрнатган тартиблар унинг бутун кейинги ҳукмронлиги даврида қатъий амал қилинадиган қоидаларга айланди. Улар фавқулодда қулай ва ўнғайлиги сабаб бўлса керак, бошқа ҳукмдорлар томонидан ҳам ўзлаштириб олинди...

Милодий 1381 йили Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ балоғатга етиб, ўн тўрт ёшга кирди. Улус бу воқеани кенг нишонлади. Амирзодага махсус чодир ажратилди. Базм, баҳодирлар мусобақаси, улоқ ўтказилди. Бутун Турон мачитларида амирзода исми қўшилиб махсус хутба ўқитилди. Мироншоҳ ихтиёрига ўн беш минг жангчи ажратиб берилди. Бу вақтда Соҳибқирон илкида икки юз минг отлиқ аскар бор эди, амирзода Умар Шайхда ўттиз минглик черик. Ҳаммаси бўлиб Темурда милодий 1381 йилнинг ёзида юз элик мингга яқин жангчи бор эди. Чингизхон давридан буён бирон-бир ҳукмдор бунчалик қудратга эга бўлмаганди.

Шариат қонунларига кўра, балоғат ёшига етган Мироншоҳ марҳум акаси Жаҳонгирнинг қароргоҳи билан бирга унинг беваси хонзода Суюн Бекани ҳам хотинликка олиши лозим эди. Ва шундай кун етиб келди. Хонзода Суюн Бека икки ўрқачли оппоқ туяга ўрнатилган тахтиравонда маҳрамлари ва жориялари қуршовида Мироншоҳ чодирини томон йўлга тушди.

Суюн Бека пак-пакана ва бақалоқ амирзоданинг галати қилиқлари ҳақида кўп бор эшитганди. Туғилаётган чоғи ичаги ўралиб қолганиданми ёхуд бўйи

пастлигининг аламиданми, Мироншоҳ баъзан ҳаттоки Соҳибқиронни ҳам таажжубга солиб бири-биридан бемаъни ҳунарлар кўрсатиб қоларди. Мироншоҳ кўпинча тирик хачир ва отларнинг терисини шилдириб ёинки эшак ва айгирларнинг олатини кесдириб ташлашдан катта завқ оларди. Хўроз ва ит уриштириш деса-ку, амирзода ўзини томдан ташларди. Мироншоҳ ўн уч ёшида қимиз ва шаробга муккасидан кетиб, бир неча бор отасидан калтак ҳам еб олди...

Жаҳонгирга турмушга чиққач, хонзода қайниси билан мулоқотга киришавермас, иложи борича ундан ўзини олиб қочарди. Суюн Бека Мироншоҳнинг безбет нигоҳини тўй кунидан бошлаб ёмон кўриб қолганди. Очигини айтганда, ўша кундан бошлаб хонзоданинг Мироншоҳни кўргани кўзи йўқ эди. Буни ҳатто Темур ҳам пайқаган, лекин шарият қонунларига итоат қилмасликнинг сира иложи йўқ эди. Соҳибқироннинг қўлидан келгани шу бўлдики, беш ёшли набираси Маҳмуд Султонни хонзодага қўшиб Мироншоҳ қароргоҳига юбормасдан, бош хотини Сароймулкхоним тарбиясига топширди. Илло, Маҳмуд Султон ҳам худди Сароймулкхоним сингари хон авлодига мансуб эди.

Хонзода оппоқ, икки ўркачли туя устидаги тахтиравонда чайқалиб-чайқалиб йиглаб келарди. Аччиқ кўз ёшларим кўриниб қолмасин, деган хавотирдами, куёв чодирига яқинлашган маҳал Суюн Бека юзини кумушранг рўмоли билан тўсиб, пастга қараб олди. Ўзининг суюмли ранги бўлган қоп-қора либосларини кийиб олган Мироншоҳ қароргоҳ ёнига чиқиб турарди. Баланг пошналар, махсус супача ҳар нечук унинг бўйи пастлигини яширганди.

Туя қип-қизил гиламлар тўшалган жойга келиб, хизматкор ишораси билан чўқди. Мулозим ва жориялар хонзоданинг пастга тушишига кўмаклашдилар. Дарҳол тўй мусиқаси янгради. Кўкрагини кериб олган Мироншоҳ суқ назарини Суюн Бекадан узмасди....

Тез орада Темур Мироншоҳни Хуросонга ҳоким этиб тайинлади. Унга оталик қилиш, яъни бош маслаҳатчи бўлиш доно амир Сайфуддин Нуқадарийга топширилди. Мироншоҳ Хуросонга бош хотини, гўзал Суюн Бекани олиб жўнади.

ҚИРҚИНЧИ БОБ

ШИКОР

Милодий 1381, шарқ тақвими бўйича товуқ йили Темур қирқ беш ёшга тўлди. Турон салтанати тобора мустақамланиб бормоқда эди. Яқиндагина Тўхтамишхон ҳали Ўрусияда Куликово жангидаги мағлубиятидан сўнг ўзига келолмаган Мамай қўшинини буткул тор-мор этиб ташлади. Қисматнинг бундай огир зарбаларига дош беролмаган Мамай вафот этди. Оқ ва Олтин ўрдани бирлаштириш имконияти туғилганди. Шунинг учун ҳам шимолий сарҳадларидан бутунлай кўнгли тўқ бўлган Соҳибқирон асосий эътиборини Хуросон, Қобулистон ҳамда Балх, Марв, Бухоро орқали ўтадиган савдо йулларини қуриқлашга сарфларди.

Бироқ ҳаёт тадрижи ҳамиша ҳам мантиққа бўйсунвермайди. Ҳокимият лаззати баъзан одамдаги мутлақо яширин хусусиятларни фожиа этади. Бугун Жўжи улусига якка хон бўлиб олган Тўхтамиш ҳам Темур ҳузурига миннатдорчилик билдириб, ўз элчиларини йўллашни бас қилди. Соҳибқирон буни аввалига икки қанотни бирлаштириш йўлидаги ташвишлар мўллигига йўйди. Лекин, мана, ўрдалар бирлашди, Тўхтамишхон эса кўмак учун бир огиз илиқ сўз айтиб қўйишни ўзига эп кўрмади. Давлат ишларига боши билан шўнгиб кетган Соҳибқирон шунда ҳам бу далолатга айтарли эътибор бермади.

Темур қўшни мамлакатлар туриш-турмушини алоҳида диққат билан кузатиб борарди. Савдогарлар карвонига, дарвешлар орасига, ҳажга борувчилар сафига, ҳатто ҳаттотлар ичига ҳам у ўз хуфияларидан йўлларди. Сўнг улар йўллаган барча маълумотларни синчковлик ила назардан ўтказарди. Уни айниқса Ҳиндистон ва Қобулистондаги, Мағриб ва Шарқий Туркистондаги, Хитойдаги воқеалар кўпроқ қизиқтирарди. Асли Дамашқдан бўлган, тўққиз ёшида банди этилиб, Самарқандга юборилган ибн Арабшоҳ ҳам кейинчалик ўзининг тарихий асарида Темур измидаги маҳфий хизмат тизимига жуда юқори баҳо берганди...

Соҳибқирон милодий 1381 йилнинг кузида катта хон шикори уюштиришга фармон берди. Унга қадар бундай катта шикорларни фақат хон Ҳобулай ва Чингизхон ташкил этганди, холос.

Темур нафақат ов, балки 30—40 минг киши иштирок этадиган бутун бошли байрам режасини ишлаб чиқди. Шикорга бир ярим ой муддат қолганда учта туман олдиндан огоҳлантириб қўйилди. Ов жойи сифатида Сирдарёнинг Чиноздан юқорироқ қисми танланди. Бу ерда бутун Мовароуннаҳрда энг қалин тўқайлар жойлашганди. Уларда йўлбарсдан тортиб жайронгача, қулондан тортиб бугугача учрарди. Даррандаларнинг эса сон-саногига етиб бўлмасди.

Ражаб ойининг аввалида Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Тошкентдан ҳар бири бир неча минг овчидан иборат махсус ўлжаларни жойларидан қувиб чиқарувчи кишилар гуруҳи чодирларини кутарганларича, бир ярим ойлик озиқ-овқатларини гамлаб, шикор манзили томон келаверадилар. Темурнинг чодир эса ҳали яшил либосини ечмаган каттагина тепаликка ўрнатилди.

Чоқу Барлос ўлжани қувиб чиқарувчиларнинг унги қанотига бошчилик қилди, Иқу Темур чапига. Марказга Темурнинг ўзи қўмондонлик қиладиган бўлди. Ов куни белгиланди. Қадимдан қолган одатга кўра, овдан аввалги кеча қимизхўрлик билан ўтди.

Кўкда юлдузлар бодроқдай очилган маҳал эса Темурнинг олтинранг чодирига овга таклиф этилиш шарафига муяссар этилган туманларнинг ҳокимлари, таниқли амирлар ва нўёнлар жам бўлишди. Темурнинг чап тарафида вояга етган амирзодалар Умар Шайх ва Мироншоҳ утирарди; ҳали ёш Шохрўхнинг ўрнида унинг устози нўён Берқут утирарди. Улардан кейин Довуд Барлос ҳамда Муйид Орлот жой олишган. Ўнг томонда Чоқу Барлос, Иқу Темур ва бошқалар. Соқийликдек шарафли вазифага Соҳибқирон Берқутни масъул этиб тайинлади. Ёши ўтган сайин Темурнинг устози Берқутга ҳурмати тобора ошиб борар, гўё унда падари бузруквори Тарагай Баҳодурнинг кўплаб фазилатларини кўрар эди. Қимиз тўла косаларни узатишни бошлаб берган соқий эса ўз-ўзидан қушбеги саналарди.

Қозонхон саройида хизмат қилиб юрган чоғларидаёқ бу анъананинг барча икир-чикирларини ўргангани ҳозир нўён Берқутга қўл келди...

Темур устози таъзим ила узатган косадаги муздай қимиздан бир неча хўплам ютгач, идишни нўённинг ўзига қайтарди. Берқут яна бир бор таъзим қилди ва косадаги қимизни кўзларини юмиб олиб, охиригача

сипқорди. Соҳибқирон кейинги сафар узатилган олтин косадаги қимиздан ҳам бир ҳўплади ва идишни Чоқу Барлосга тутди. Бўш идиш яна қушбегига қайтди. Яна ҳаммаси бошидан бошланди. Темур бир ҳўплаб бераётган қимиз тўла идишлар тобора узоқроққа узатилаверди. Куп ўтмай ўткир қимиз аксарият ўтирганларнинг миясига гуп этиб урди. Чодирга мусиқачилар, ашулачилар таклиф этилди. Шовқин-суронли базм тонггача давом этди.

Эртаси куни сарой мулозимлари ўзларига ажратилган жойларга тарқалиб кетдилар. Минглаб ўлжани қувловчилар от бир кунда босиб ўтадиган улкан майдонда ҳалқа янглиг пишиқ занжир ҳосил қилишди. Кейин улар шошилмасдан, қамишларни шитирлатиб босиб, тўқайлардаги жамики жониворларни олдинга қараб ҳайдашга тушдилар. Қони қизиб кетган Темур ҳам улар орасида оппоқ аргумогини ўйнатиб у ёқдан-бу ёққа чопиб юрарди. Амирзодалардан Умар Шайх ва Мироншоҳ, ҳамда қўриқчилар бошлиги Алиберди мудом Соҳибқирон ёнида бўлишга интилардилар. Ўлжани қувловчилар ташкил этган доира тобора кичрайиб борарди. Ниҳоят, у икки фарсаҳга яқин масофани ташкил этди. Елкама-елка туриб олган қувловчилар ҳамон олдинга юришаркан, ҳайвонларни қўй мисоли ҳайдаб борардилар. Доира марказида, ям-яшил тепалиқда ҳукмдорнинг олтинранг чодирини қад ростлаб турарди. Доира янада тораёди. Кечагина ўзаро қаттол душман бўлган ҳайвонлар энди бир-бирларига ташланишни хаёлларига ҳам келтирмай, босиб келаётган хавф ваҳимасидан дир-дир титраганларича жипс қолда қочишга жой излардилар.

Бу ўлжани қувишнинг охириги куни эди. Кеч тушди, ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Темур чодиридан чиқди ва ўлжани қувиб келганларнинг жонли ҳалқаси бўйлаб ёнаётган сон-саноксиз машғалаларни кўрди. Чодир ва машғалалар ўртасини қоп-қоронгу зулмат қуршаб олгандай эди. Тонг билан ногоралар чалинади ва Соҳибқирон қордай оппоқ саманига иргиб минади. Ва улкан хон шикори бошланади. Шикор рамзи, Темурнинг англашича, анча олисларга кетганди. Илло, танҳо Тангри айтганидай: «Кўкдаги — қуйидадир». Демак, тонгла шикорда юз берувчи ҳодисот аллақачон кўкда содир бўлиб улгурган...

Тонг-ла Темур Аллоҳнинг иродаси ила шикор учун масъуликни ўз зиммасига олгусидир. Тонг-ла — у

балки неча йилларга чўзилиб кетгай — у шикор сўқ-могига қадамини қўйгуси. Бунинг учун ҳамма нарса тахт этиб қўйилган: жапгчилар саф тортишган, ҳайвонлар сиртмоққа туширилган. Дарёлар у айтган манзил томон узанини бургувси, тоғлар у истаган шақда тош қотгуси. Тонг-ла буюк шикор бошланади. Жанговар руҳга кирган Соҳибқирон кечанинг ўзидаёқ ҳарбий либосларини кийиб олди. Улкан шикор арафасидаги тун осуда, салқин шабада эсиб турарди, холос. Тонг-ла шикор... Ҳозирча Темурнинг номини фақат она Туронда яхши биладилар. Эртага уни бутун дунё танийди. Ва бу эрта тезда кириб келгуси, илло, табиат қонунларига кўра, Яратганнинг ҳар тонгида кўкда Қуёш пайдо бўлади. Шу оқшом тонгни Темур кутгани мисоли кутинг ва сизнинг умидингиз ижобат бўлгусидир, фақат яратган Эгам саховат кўрсатса бас. Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир! Катта хон шикори ташкил этишга қарор қилганди. Унга Соҳибқирон инонгани янглиғ сиз ҳам инонинг! Вақт кўрсатади: шикор нақ йигирма беш йилга чўзилади. Лекин бу ҳақда — иккинчи китобда.

Биринчи китоб тугади